ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

“БОШҚАРУВ ҲИСОБИ”
Фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод

Таълим йўналиши: 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)

САМАРҚАНД – 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

СамИСИ ўқув услубий
кенгашда муҳокама этилган.
ЎУК раиси_____проф. Қ.Ж. Мирзаев
Баённома №_____ «_____»_____2020 йил

«БОШҚАРУВ ҲИСОБИ»
Фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод

Таълим йўналиши: 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)

САМАРҚАНД – 2020

Тузувчи: С.Н. Ташназаров – СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” доценти, и.ф.д, кафедра ўқитувчиси Тоштемиров Э.

Тақризчилар:

Холбоев Д.Х. – СамВМИ, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти, и.ф.н.;

Рофеев Д.Р. – СамИСИ, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти, и.ф.н.;

“Бошқарув ҳисоби” фани бўйича ЎУМ институт илмий, ўқув–услубий кенгашининг 2020 йил “29” август йиғилиши қарори билан фойдаланиш учун тавсия этилди (“1 ” - сон баён).

“Бошқарув ҳисоби” фани бўйича ЎУМ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг 2020 йил “29” август йиғилиши қарори билан тасдиқланган (“1” - сон баённома).

МУНДАРИЖА

Кириш кисми куйидагилардан ташкил топади:

1. Фан хакида маълумот (doc)
2. Фан дастури (pdf)
3. Фанни ахборот билан таъминлаш (асосий ва кушимча адабиётлар (pdf), интернет ресурслари, хорижий университетларнинг очик таълим ресурслари (хавола)).
4. Глоссарий - курсда ишлатиладиган атамалар, кискартмалар ва белгилар лугати (doc).
5. Кириш кисмида 5-10 дакикалик видеоролик (фанни мазмуни, максади ва эришиладиган натижа хакида) тавсия этилади.

Фаннинг мавзулари куйидаги маълумотларни уз ичига олиши керак:

6. Мавзунинг номи (.doc);
7. Мавзу буйича саволлар туплами (.doc);
8. Мавзу буйича глоссарий (ушбу маърузага киритилган атамалар руйхати, терминлар умумий глоссарийда мавжуд булиши керак камида 7-10 та суз (.doc)).
9. Мавзуга оид асосий ва кўшимча адабиётлар (бетлари курсатилган холда (.pdf))
10. Интернет тармогида электрон манбаларга хаволалар (матнлар, аудио ёки видеороликлар, электрон кутубхона ресурсларининг URL манзиллари);
11. Талабалар мустакил урганиши учун назарий материал, масалан (маъруза таадимоти)
12. Фан мавзусига оид аудиовизуал материаллар, моделлар, макетлар, намуналар, кейслар (тавсия этилади);
13. Видео маъруза: Бунда видеодаги файлнинг бир фрагментининг давомийлиги 5-20 дакикадан ошмаслиги (тавсия этилади);
14. Талабаларнинг маъруза матнларида такдим этилган ва мустакил равишда урганган назарий материалларини тушунишлари учун билимларни назорат килувчи тест саволларини ишлаб чикиш. Тест синовлари банкини шакллантиришда вариативтик (куп танлов, ёзишмалар, к;иска жавоб ва бошкалар)дан фойдаланиш.

Оралик ва якуний назорат:

15. Оралик ва якуний назорат тестлари/якуний топширик;
16. якуний назорат учун саволлар.

КИРИШ

1. Фан ҳақида маълумот

Иқтисодиётни эркинлаштириш бошқариш тизимини такомиллаштиришни тақозо қилади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бошқарув тизимини ислоҳ қилиш корпоротив бошқарувни жорий қилиш, маъмурий бошқарувни оптималлаштириш, менежментлик санъатини пухта эгаллаш орқали амалга оширилмоқда. Бошқарув қарорларининг сифати кўп жиҳатдан менежерларни ўз вақтида, сифатли, объектив ва тезкор ахборотлар билан таъмин этиш даражасига боғлиқ бўлади. Бу масалани ҳал этишда бошқарув ҳисоби муҳим рол ўйнайди. Бу ўз навбатида ушбу соҳа мутахассислари олдига янгича вазифалар қўймоқда. Шу боис, улар бошқарув ҳисоби масалаларини мутахассисликка оид бевосита фан сифатида мукаммал билишлари талаб этилади.

Халқаро тажрибаларда бухгалтерия ҳисоби тизими молиявий ва бошқарув ҳисоби каби таркибий қисмлардан ташкил топган. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби фани ҳам молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлиб ўрганилмоқда. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 5340900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” баклавриат йўналиши учун ўқув режасида “Бошқарув ҳисоби” фанини ўрганиш кўзда тутилган.

Мазкур курснинг асосий мақсади бўлғуси мутахассисларда бошқарув ҳисобининг концепцияси билан яқиндан таништириш, менежерларни қабул қилаётган қарорларини асослаш мақсадида корхона харажатлари, бюджетлари, баҳоларини белгилаш ва корхонанинг келгусидаги ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича объектив, сифатли ва тезкор ахборотлар билан таъмин этишга доир назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг асосий вазифалари талабаларни бошақув ҳисоби мақсадларида харажатлар моҳияти ва таснифи, устама харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг усуллари, бюджетлаштириш ва назорат, харажатларнинг бошқарув таҳлили, бошқарув қарорларини асослашда харажатлар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш, баҳолаш асослари билан таништириш, уларда ушбу билимлар бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган.

Ушбу фанни чуқур ўрганиш орқали талабалар менежмент қарорларини қабул қилишда бошқарув ҳисоби маълумотларини тайёрлаш, тақдим қилиш ва қўллаш бўйича зарур билимларга эга бўладилар.

Бакалаврлар даражасини олишга даъвогар бўлган «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишлари талабалари “Бошқарув ҳисоби” фанидан қуйидагиларни билишлари зарур:

- бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар бошқарув тизимида бошқарув ҳисобининг тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;
- Корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этилиши, унинг концепцияси ва таркибий қисмлари масалалари билан танишиш;
- Бошқарув ҳисоби мақсадларида харажатларнинг тавсифи, таснифи масалаларини, устама (накладной) харажатларни ҳисобга олишнинг анъанавий ва функционал усулларининг қўлланилишини, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усулларини (буюртмали костинг, жараёнли костинг) ўрганиш;
- Комплекс ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш, харажатларни тўлиқ тақсимлаш ва ўзгарувчан харажатлар усуллари бўйича ҳисобга олиш услубиёти билан танишиш;
- Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш масалаларини ўрганиш;
- Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули (стандарт костинг) билан танишиш ва харажатларнинг нормативлардан четланишларини таҳлил қилиш масалалари билан танишиш;
- Бошқарув қарорларини асослашда ва назорат қилишда бошқарув ҳисоби ахборотларидан фойдаланиш;
- Баҳолар ва баҳолаш бўйича қарорлар қабул қилиш асослари билан танишиш.
- Корхоналарнинг сегментар ҳисоботини тузиш ва тақдим қилиш тартибини ўрганиш

Мустақил фан сифатида «Бошқарув ҳисоби» фани қуйидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқдир: «Фалсафа», «Иқтисодий назария», «Статистика», «Маркетинг», «Менежмент», «Макроиқтисодиёт», «Микроиқтисодиёт», «Молия», «Ахборот технологиялари», “Бухгалтерия ҳисоби назарияси”, “Молиявий ҳисоб” ва бошқа фанлар.

Ўқув жараёнида «Бошқарув ҳисоби» фанини ўрганиш бевосита маърузаларда, амалий машғулотларда иштирок этиш, мавзулар бўйича тавсия этилган саволларни мустақил ўрганиш орқали амалга оширилади. Маъруза ва амалий машғулотларда суҳбатлар, долзарб масалаларда мунозаралар (дискуссиялар) ўтказилиб борилади, сўров-жавоблар, мавзулар бўйича кейслар бажарилади. Машғулотларда бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси, ҳисобга оид алоҳида бланкалар, жадваллар, чизмалар, слайдлар, компьютерлар фойдаланилади. Айрим мавзуларнинг мазмун-моҳияти интернет маълумотлари орқали ўрганилади.

Ўқув материалида амалий мисоллар, чизмалар, жадваллар муаллиф томонидан ишлаб чиқилиши ёки қайта ишланиши билан бирқаторда бевосита инглиз тилидаги, жумладан:

1. Cost accounting: A Managiral Emphasis, 7 th edition Charles T. Horngren/George Foster 1991.
2. L. E. Heitger, S. Matulich. Cost accounting. Mc.Graw-Hill Book Company, 1991.

ҳамда рус тилидаги

3. Управленческий учет 1. Учебное пособие. (Байрашек А.З. Ванина М.С. и др)- Ассоциация преподователей бизнес дисциплин Узбекистана, 2003.

адабиётларидан ҳам олинган.

1-модул. БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ФАНИГА КИРИШ.

1-маъруза. Бошқарув ҳисоби фанига кириш.

Режа

1. Бошқарув ҳисобининг моҳияти ва унинг элементлари
2. Бошқарув ҳисобининг предмети, унинг молиявий ҳисоб билан алоқалари ва фарқли жиҳатлари
3. Бошқарув ҳисобининг корхона менежмент тизимида тутган ўрни.

1-савол. Бошқарув ҳисобининг моҳияти ва унинг элементлари.

Замонавий бухгалтерия ҳисоби тизимининг таркибий қисмларига молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби киради.

Молиявий ҳисоб бу бухгалтерия ҳисобига оид Қонун ва ҳисоб тамойиллари асосида юритиладиган ва асосан корхонанинг молиявий ҳолати билан боғлиқ ахборотларни шакллантирадиган тизим ҳисобланади. Молиявий ҳисобнинг асосий хоридорлари ташқи ахборот фойдаланувчилар (мулкдорлар, сармоядорлар, кредиторлар, ҳукумат органлари ва бошқа фойдаланувчилар) ҳисобланади. Корхонани самарали бошқариш учун менежерларга объектив, сифатли ва ўз вақтида тақдим қилинадиган ахборотлар зарур. Молиявий ҳисоб ахборотлари бу талабни қондириш учун етарли эмас.

Менежерларни бажарилаётган жараёнлар тўғрисида тезкор ахборотларни олишда ва бошқариш қарорларини қабул қилишда зарур ахборотлар билан таъминлашда бошқарув ҳисоби муҳим рол ўйнайди.

Бошқарув ҳисоби – бу мавжуд объектларни бошқариш учун зарур бўлган ахборотларни идентификациялаш, ўлчаш, тўплаш, тизимлаштириш, таҳлил ва интерпритациялаш ҳамда узатишдир.

Хасанов Б.А. бошқарув ҳисобига оид адабиётларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги таърифни келтирган: "***Бошқарув ҳисоби*** – бу корхона ва унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмаларнинг фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар тўғрисида ахборотларни тақдим қилувчи ички хўжалик ҳисобининг синтетик тизимидир"[1] (42-бет).

Буюк Британиядаги CIMA ташкилоти бошқарув ҳисоби бўйича профессионал ташкилот ҳисобланади. Ушбу институт томонидан тайёрланган менежментлик бухгалтерия ҳисоби бўйича луғатда менежментлик бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги элементлари келтирилган: "1) стратегик режалаштириш; 2) молиявий менежмент; 3)

[1] Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Т.: "Молия" нашриёти, 2003.,

операциялар назорати учун ахборотлар (таннарх бухгалтерия ҳисоби\бюджетлаштириш); 4) стюардесли ҳисобот (молиявий бухгалтерия ҳисоби) (stewardship reporting); 5) қарорлар таянчи; 6) ички аудит"[2] (1-бет).

Б.Хасанов бошқарув ҳисобининг элементларига ички сегментар ҳисоб, трансферт баҳосини шакллантириш, истеъмол бозорлари жараёнларини ҳам киритган.

Яхлит бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этувчи бошқарув бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бухгалтерия ҳисобининг таркибий элементлари ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, бизнингча, маълум мазмунда акс эттириш мумкин (1.1-чизма).

Келтирилган чизмадан кўриниб турибдики, бизнингча, қуйидагилар бошқарув бухгалтерия ҳисобининг таркибий элементлари бўлиб, ҳисобланиши лозим: стратегик режалаштириш, бюджетлаштириш, ички аудит ва қарорларни қабул қилиш.

Молиявий бухгалтерия ҳисоби таркибига эса, умумий бухгалтерия, солиқлар ҳисоби ва стюардесли ҳисоботни киритиш лозим. 1.1-чизмада таннарх бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежментнинг иккаласига ҳам оидлиги кўрсатилган.

Бир бутун бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этувчи бошқарув бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бухгалтерия ҳисоби ўртасида қатъий чегараларни белгилаш, бизнингча мақсадга мувофиқ эмас. Фақат, улар айрим белгилари бўйича бир-биридан фарқланиши мумкин. Чунки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам пировард натижада фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган талабларини қондиришга хизмат қилади.

Бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисобларининг ҳар бир элементи ўзининг моҳиятига эга ва маълум мақсадларга хизмат қилади. Жумладан, стратегик режалаштириш ва бюджетлаштириш қўйилган мақсадларга эришиш учун фаолиятнинг узоқ ва қисқа муддатли режаларини тайёрлашни қамраб олади. Таннарх ҳисоби маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархининг шаклланиши, молиявий менежмент эса оптимал молиялаштириш, асосий ва ишчи капиталини самарали бошқариш билан бевосита қизиқади. Стюардесли ҳисобот молиявий бухгалтерия ҳисобининг ташқи фойдаланувчилар учун асосий маҳсули ҳисобланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Бошқарув бухгалтерия ҳисоби ахборотлари ички қарорлар таянчи ҳисобланади, ички аудит ёрдамида бирликнинг операциялари ва бошқарув фаолиятининг адекватлиги ва самарадорлиги назорат қилинади. Шуни таъкидлаш лозимки, бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисобларининг элементлари бир-биридан ажралган ҳолда амал қилмайди, балким бир-бири билан узвий алоқада бўлади ва бир бирини тўлдириб туради. Таннарх ҳисоби (cost accounting)

[2] Management Accounting. Official terminology of the CIMA. The CIMA 63 Portland Place, London WIN 4AB, 1991.

менежментлик ва молиявий бухгалтерия ҳисоби учун ҳам база бўлиб хизмат қилади, стратегик режалаштириш ва молиявий менежмент бевосита таннарх ҳисоби ва стюардесли ҳисоботларнинг ахборотларига таянади. Стратегик режалаштириш, бюджетлаштириш, таннарх ҳисоби, солиқлар ҳисоби, молиявий менежмент, ички аудит ва умумий бухгалтериянинг бошқа маълумотлари қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.



Демак, бухгалтерия ҳисоби шундай бир тизим бўлиб шаклланиши керакки, унинг таркибий қисмлари, ушбу қисмларга кирувчи элементлар бир-бири билан узвий боғланган бўлиши лозим деган хулосага келиш мумкин. Бошқарув ҳисобининг ҳар бир элементи ўзининг моҳиятига эга ва маълум мақсадларга хизмат қилади. Жумладан, статегик режалаштириш – бу мақсадларга эришиш учун фаолиятнинг узоқ муддатли режаларини тайёрлашни қамраб олади. Бюджетлаштириш фаолиятнинг қисқа муддатли режаларини тайёрлаш, тақдим қилиш ва назорат қилишни ўз ичига олади. Таннарх ҳисоби эса маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини шаклланиш жараёни ва калкуляциясига доир ахборотларни тўплайди, қайта ишлайди ва интерпритацияси билан шуғулланади. Менежмент маслаҳат хизмати эса, объектларни самарали бошқариш бўйича маслаҳатлар тақдим қилади. Молиявий менежмент эса оптимал молиялаштириш, асосий ва ишчи капиталидан самарали бошқариш билан қизиқади. Бошқарув ҳисобининг қарорлар таянчи ва ички аудит таркибий қисмлари юқорида қайд қилинган элементлар устига қурилади. Қарорлар таянчи орқали менежмент қарорларига таянч бўладиган ахборотлар оқими тайёрланади. Ички аудит ёрдамида бирликнинг операциялар ва менежмент фаолиятининг адекватлиги ва самарадорлиги тўғрисида текшириш ва назорат ўтказилади. Шуни таъкидлаш лозимки, бошқарув ҳисобининг элементлари бир-биридан ажралган ҳолда амал қилмайди, балким бир-бири билан узвий алоқада бўлади ва бир-бирини тўлдириб туради.

Бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради (Дарслик, 34-бет):

1) Раҳбарларни ишлаб чиқариш ва корхона фаолиятини бошқариш учун зарур фойдали маълумотлар билан таъминлаш;

2) корхонанинг келажаги ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича перспектив қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тизимини шакллантириш ва раҳбарларни шу маълумотлар билан таъминлаш;

3) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблаш, белгиланган меъёр, мезон ва сметалардан четланишларни аниқлаш, уларни кўрсатиб бериш;

4) корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини, молиявий қуйилмаларни, янги технологияларни жорий қилишни режалаштириш, режаларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Ушбу вазифаларнинг ҳал қилиниши бошқарув ҳисобини тўғри ташкил қилинганлигига асос бўлади.

2-савол. Бошқарув ҳисобининг ташкил этилишининг асосий тамойиллари.

Бошқарув ҳисоби корхоналарда ташкил этиш зарурияти Қонун ва қонун ости ҳужжатлари талабларидан келиб чиқмайди. Ҳар қандай корхонада ушбу ҳисобни алоҳида бўлим сифатида ташкил этмаган ҳолларда ҳам бошқарув ҳисоби элементлари амал қилади. Чунки, корхонани бошқариш ва назорат қилиш тезкор, оператив ҳамда ишончли ахборотларга таянади. Бундан ахборотларга корхона фаолиятини қисқа муддатга режалаштириш, режаларнинг бажарилишини кунлик назорати натижалари, таъминотчилардан олинадиган хом-ашё ва материаллар тўғрисида кунлик ахборот, машина-соатлар ва меҳнат соатлари тўғрисидаги ахборотлар, кунлик ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, брак маҳсулотлар тўғрисида маълумот, маҳсулот бирлигининг таннархи, цех фаолиятининг самарадорлигига доир маълумотлар, асбоб-ускуналарнинг ҳолати ва бошқа бошқарув ҳисобининг объектларига доир ахборотларни киритиш мумкин. Демак, ҳар бир корхонада бошқарув ҳисоби мавжуд бўлади. Фақат уни тизимли ташкил этиш, бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг тамойилларини белгилаш, жавобгарлик марказларини белгилаш, таннарх ҳисобининг тизимларини (жараёнли костинг, буюртмали костинг, стандарт костинг) аниқлаш керак бўлади. Оддий ҳолатда бошқарув ҳисобининг объектларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

3-савол. Бошқарув ҳисобининг молиявий ҳисоб билан алоқалари ва фарқли жиҳатлари.

Бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисобининг бир-бири билан алоқалари амалий жиҳатдан қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади.

Биринчидан, бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисоблари бошқарув тизимида ягона “контроллёр” департаменти таркибига кириб, топ (юқори пағонадаги) менежмент ҳисобланган молиявий менежер орқали бошқарилади.

Иккинчидан, бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисоби бир хил объектларни, яъни пулда ўлчаниладиган хўжалик операцияларини қайд қилади, тўплайди, таснифлайди ва ахборотларни тақдим этади.

Учинчидан, бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисоби таннарх бухгалтерия ҳисоби ахборот базасига таянади.

Тўртинчидан, улар ўртасида доимий ахборот коммуникацияси мавжуд.

Бешинчидан, молиявий бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари бошқарув бухгалтерия ҳисобида самарали фойдаланиши мумкин бўлади.

Биринчи қарашда таннарх бухгалтерия ҳисоби бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисобини бир-бирига боғловчи восита сифатида намоён бўлиб, у ҳам менежментлик бухгалтерия ҳисобининг, ҳам молиявий бухгалтерия хисобининг таркибий қисми сифатида қаралади. Бу тўғрисида Ч.Т.Ҳорнгрен ва Г.Фостерлар қуйидаги фикрни айтишганлар: "… таннарх бухгалтерия ҳисоби бу менежментлик бухгалтерия ҳисобининг бир қисми плюс таннарх бухгалтерия ҳисобининг ташқи ҳисобот талабларини қониқтирадиган даражадаги молиявий бухгалтерия ҳисобининг бир қисмидир."[3] (4-бет).

Иккинчи қарашда, таннарх бухгалтерия ҳисоби менежментлик ва молиявий бухгалтерия ҳисоблари таркибига кирмаган ҳолда алоҳида тизим сифатида қаралади. Бунда, таннарх бухгалтерия ҳисоби асосий икки тур ҳисоб (молиявий ва менежментлик бухгалтерия ҳисоби) учун ахборот базасига айланади. Бу борада Л.Е.Ҳейтгер ва С.Матулич қуйидаги аниқликни киритишади: "Таннарх бухгалтерия ҳисоби – бу таннархни аниқлаш жараёни бўлиб, бу молиявий ва менежмент ҳисоботлари учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Хусусиятли томони шундан иборотки, менежмент ҳисоботларидаги таннархга оид маълумотлар тўлиқ деталли бўлади. …Молиявий ҳисоботда эса тааллуқли вақт давридаги фаолиятни акс эттирувчи таннарх бухгалтерия ҳисоби маълумотлари умумлаштирилган ҳолда бўлади.



1.2-чизма. Таннарх бухгалтерия ҳисоби молиявий бухгалтерия ҳисоби ва менежментлик бухгалтерия ҳисобининг маълумот базаси

…Ушбу чизмада таннарх бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳамда менежментлик бухгалтерия ҳисоботи учун маълумотни таьмин этиш базаси эканлиги кўрсатилган, бироқ ҳисоботнинг икки тури турли мақсадларга қаратилган. Таннарх бухгалтерия ҳисоби маълумот базаси молиявий ва менежментлик бухгалтерия ҳисоби фаолиятини қўллаб қувватлайдиган маълумот фундаменти бўлиб ҳисобланади."[4] (6-7-бет).

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, таннарх бухгалтерия ҳисоби бошқарув бухгалтерия ҳисоби учун деталли ва молиявий

[3] Cost Accounting: A Managerial Emphasis, 7 th Edition Charles T. Horngren/George Foster. Prentice-Hall International, Inc., 1991.
[4] Heitger, lester E. Cost Accounting/ Lester E. Heitger, Serge Matulich. McGraw-Hill, Inc. 1985

бухгалтерия ҳисоби учун унинг ёндашишлари доирасида ахборот манбаи бўлиб хизмат қилар экан.

Бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисобини маълум белгилари бўйича фарқлаш лозим бўлади. АҚШ Бухгалтерлар Миллий Ассоциацияси 1972 йилдан эътиборан менежмент ва молиявий бухгалтерларни (CPA ва CMA) сертификатлаш дастурларини амалга ошириш жараёнида менежментлик ва молиявий бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқларни белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилганлигини эътироф этди. Ушбу Ассоциация томонидан қуйидаги еттита белги бўйича менежментлик ва молиявий бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқлар очиб берилган. Ушбу фарқлар ***4-иловада*** келтирилган. Албатта, ушбу иловадаги жадвалда келтирилган фарқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган. Бугунги кунда ушбу таълимотларга ва мамлакатимиздаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг ҳолатига уйғун бўлган фарқларини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Проф. А.Х. Пардаев томонидан очиб берилган бошқарув ва молиявий ҳисобларнинг фарқли хусусиятларига қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисобларининг элементлари бир биридан ажралган ҳолда амал қилмайди, балким бир-бири билан узвий алоқада бўлади ва бир-бирини тўлдириб туради[5] (4-5 б.)

Юқоридаги бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқларни изоҳловчи фикрларни ўрганиш асосида, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, бухгалтерия ҳисобининг қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, биз бошқарув ва молиявий бухгалтерия ҳисобини қуйидаги белгилари бўйича фарқлашни тавсия қиламиз (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Бошқарув бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқлар

Фарқлаш Белгилари	Бошқарув бухгалтерия ҳисоби	Молиявий бухгалтерия ҳисоби
1. Кимга мўлжалланганлиги	Фақат ички қарор қабул қилувчилар	Ташқи ва ички қарор қабул қилувчилар
2. Ҳисобот даврийлиги	Соат, кунлик, ҳафталик, ўн кунлик, ойлик, ўсиб борувчи ойлик, чораклик, ўсиб борувчи чораклик, йиллик, бир неча йиллик	Чораклик ва йиллик
3. Ҳисобот объекти	Маҳсулот (иш, хизмат) тури, участка (гуруҳ), ҳудуд, цех, ва бошқа қисмлар	Фақат бир бутун бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўйича

[5] Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби/-Т., Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.

4. Консолидацияси	Консолидацияланмайди	Консолидацияланиши мумкин
5.Вақт орентацияси	Келгуси даврларга оид бюджетлар ва ҳақиқий бажарилишларга оид ҳисоботлар	Ўтган даврдаги ҳақиқий бажарилишлар
6. Аудит	Фақат ички аудит	Ички ва ташқи аудит томонидан
7. Нашр қилиниши	Оммавийлаштирилмайди	Оммавийлаштирилиши мумкин
8. Тамойил ва қоидаларга таяниши	Бизнесга самара келтирадиган ва қонунда тақиқланмаган ҳар қандай усул ва услублардан фойдаланишга йўл қўйилади	Умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига таянади

Бошқарув бухгалтерия ҳисоби билан молиявий бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги муҳим фарқ – бу ҳисоб турларининг асосан кимга мўлжалланганлигидир. Бухгалтерия ҳисоби тизими, қуйи тизимлар ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг кимга мўлжалланганлиги қуйидаги ***5-иловадаги*** чизмада келтирилган. Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, менежмент бухгалтерия ҳисоби фақат ички қарор қабул қилувчилар (ички фойдаланувчилар)га тақдим қилинади ва бу менежерларнинг барча доирасини қамраб олади. Айрим турдаги менежмент бухгалтерия ҳисоби ахборотлари ҳамма доирадаги менежментлар учун мўлжалланмасдан, маълум тор доирадаги менежерларга мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин.

Менежмент бухгалтерлар ахборотларнинг махфийлигига муҳим аҳамиятни қаратадилар. Менежмент бухгалтерлар компетентлик, махфийлик, тўғрилик ва объективлик бўйича қатор жавобгарликларга эгадирлар. Молиявий бухгалтерия ҳисоби оммавий ошкор этилган ахборотлар тизимини қамраб олади ва асосан ўз харидорларини ташқи томондан топади. Менежерлар молиявий бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан молиявий ҳолатни таҳлил қилишда ва йиллик натижаларга оид зарур қарорлар қабул қилишда унумли фойдаланадилар. Лекин, молиявий бухгалтерия ҳисобининг характерли томони шундан иборатки, унинг ахборотлари барча доирадаги менежерларни қизиқтирмайди. У фақат молиявий таҳлил ўтказувчилар ва юқори поғонадаги менежерларга керак бўлади. Шу сабабли, молиявий бухгалтерия ҳисоби менежерларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондира олмайди. Молиявий бухгалтерия ҳисобининг муҳим хусусияти унинг асосан ташқи фойдаланувчиларга қаратилганлигидадир.

3-савол. Бошқарув ҳисобининг менежмент тизимида тутган ўрни.

Замонавий бухгалтерия ҳисоби корхонани бошқариш тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Кўпчилик чет эл адабиётларида бухгалтерларнинг бошқарувида тутган ўрни уларнинг бошқарув жараёнида иштирок этишини ёритиш орқали очиб берилган. Жумладан, Буюк Британиялик иқтисодчи олимлар Ч.Т.Ҳорнгрен, Г.Фостер компания ва фирмалар менежментида бухгалтерларнинг роли масаласини менежментнинг учта, яъни чизиқли, стаф ва функционал ваколатлари моҳиятини очиш орқали қуйидагича ёритиб беради: "*Чизиқли ваколат* – бу тўғридан-тўғри ваколатли бўйсиниш бўлиб, бунда бевосита пастки бўлимлар ваколатининг юқорида турган бўлимлар ваколатига бўйсинишидир. *Стаф ваколати* – бу ўзаро мулоқот бўлиб, буйруқли бошқаришга асосланмасдан, ходимларнинг пастки, ёнидаги ва юқоридаги ваколатлар билан иш алоқасида бўлишидир. Функционал ваколат – бу буйруқ асосида ёнидаги ёки пастки бўлимларга ўзаро ҳурмат асосида махсус функционал вазифаларни бажариш учун берилади.

….Стаф ваколати берилган департаментларнинг принципиал вазифаси чизиқли департаментларга таянч бўлиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳисобланилади"[6] (9-10-бетлар).

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги кўпчилик ишлаб чиқариш ва қурилиш компаниялари учун характерли бўлган менежмент ваколатларининг ташкилий қисмий тузилиши ва алоқаларини Буюк Британиядаги "Laing Alarko JV" компаниясининг ЎзБАТ Самарқанд Сигарет фабрикаси қурилиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташкил қилинган "Лэнг Аларко Ўзбекистан" шўъба корхонаси мисолида кўриб ўтайлик ***(1-илова)***.

Ушбу чизмада департаментлар томонидан чизиқли ва стаф ваколатларининг амалга ошиши кўрсатилган. Молиявий ишлар департаменти фаолияти давомида "тришурешип" (treasureship) ва "контроллёршип" (controllership) функцияларини бажаради ва бошқа департаментлар билан стаф ваколатида алоқада бўлади. Уларнинг функцияларига қуйидаги киритилган.

Тришурешип	***Контроллёршип***
1. Капитал сармояси назорат	1. Режалаштириш ва
2. Инвесторлар билан муносабатлар	2. Ҳисобот ва тақдимот
3. Қисқи муддатли молиялаштириш хизмати	3. Баҳолаш ва маслаҳат
4. Банк билан боғлиқ масалалар	4. Солиқ маъмурлиги
5. Кредит ва жамғармалар	5. Ҳукуматга ҳисобот
6. Инвестициялар таъминлаш	6. Активлар бутлигини
7. Суғурта	7. Иқтисодий баҳолаш

[6]Cost Accounting: A Managerial Emphasis, 7 th Edition Charles T. Horngren/George Foster. Prentice-Hall International, Inc., 1991.

Манба: Cost accounting: A Managerial Emphasis, 7th edition. Charles T. Horngren. 11 p.

Тришурешип капитал сармояси, қисқа муддатли молиялаштириш, банк ва кредитлаш, суғурта ва пул маблағлари менежери билан боғлиқ ишларга жавобгар ҳисобланади. Тришурлар асосан операция жараёнидаги муаммолардан келиб чиқадиган молиявий масалалар билан қизиқади.

Контроллёр, французча "conptroller" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "ҳисобни юритиш" маъносини англатади. Контроллёр бу бевосита менежментлик ва молиявий бухгалтерия ҳисобига жавобгар бўлган молиявий ижорачи бўлимдир. Бухгалтерия ҳисоби департаменти - бу бошқа менежерларни махсус хизматлар, жумладан, режалаштириш (бюджетлаштириш), вариантлар ва муқобилларни таҳлил қилиш, нархлаштириш ва қарорлар қабул қилишда маслаҳат ва ёрдам берувчи масъул бўлим ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби департаменти чизиқли департаментлардагидек тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ ваколатларни бажармайди. Бу департамент бухгалтерия ҳисобини унификациясини ва ҳисобот методларини жорий қилиш йўли билан контроллёр орқали топ (юқори поғанадаги) менежментга вакил бўлади. Амалиётда контроллёрларнинг кунлик иш фаолияти ва ишлаб чиқариш менежерлари билан бўладиган кунлик мулоқоти улардан ишлаб чиқариш ҳисоботларини тузиш, ўз вақтида тайёрлаш ва тақдим қилишни талаб этиш билан боғлиқ бўлади.

1-иловадани чизмада контроллёр департаментининг "Лэнг Аларко Ўзбекистан" шўъба корхонаси амалиётида ташкил этилганлиги кўрсатилган. Ушбу диаграммада бошқарув бухгалтерия ҳисобининг амалиётдаги элементлари таннарх бухгалтерия ҳисоби, бюджет ва бажарилишларни назорат қилиш, ички аудит таркиби келтирилган. Молиявий бухгалтерия ҳисоби эса «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва миллий стандартларда кўзда тутилган тамойиллар асосида ташкил қилинади. Компания таннарх бухгалтерия ҳисоби, персонал, таъминот ва қурилиш жараёни, бажарилган ишларни буюртмачига топшириш департаментлари билан стаф мулоқотида бўлади. Бошқа чизиқли ва стаф департаментлар бухгалтерия ҳисоби процедураси ва сиёсатига мувофиқ ҳисобот берадилар. Масалан, *персонал департаменти* ишчи ва ходимлар, уларнинг иш соатлари ва иш ҳақларининг ҳисобини юритади ва бухгалтерия ҳисоби департаментига ҳисобот бериб туради. Персонал департаменти ходимлар билан боғлиқ барча ишларга масъул бўлим ҳисобланади. Бизнинг амалиётимизда иш ҳақини бухгалтерлар ҳисоблайдилар. Чет эл компаниялари амалиётида эса персонал билан боғлиқ барча жараёнларни, шу жумладан, иш ҳақини ҳисоблашни мутахассислашган персонал департаменти бажаради. Бу эса унинг нуфузини янада оширади.

Бухгалтерия ҳисобининг ХИИКлар менежментида тутган ўрни уларнинг менежмент жараёнида бевосита иштирок этишида ёрқин намоён бўлади.

Буюк Британиялик олимлар Ч.Т.Ҳорнгрен ва Г.Фостерлар менежерлар режалаштириш ва назорат функцияларини бажаришда бухгалтерия ҳисобининг иккита муҳим қуролига, яъни 1) бюджет ва 2) бажарилиш ҳисоботларига таянишини таъкидлашади: "*Бюджет* - бу ҳаракатларга оид режаларнинг миқдорий ифодаланиши, координациялашуви ва амалга ошириш воситаларини мужассамлаштиради. Бошланғич ҳужжатлар ва регистрлар ҳаракатлари натижаларини умумлаштиради. *Бажарилишга оид ҳисоботлар* фаолият натижаларининг ўлчови демакдир. Ушбу ҳисоботлар бюджет билан ҳақиқий маълумотлар билан таққослашни ҳам ўз ичига олади. Ҳақиқий натижаларнинг бюджетга нисбатан фарқи *тебраниш* деб аталади."[7] (5-бет)

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, олимлар "ҳаракат" ва "бажарилишларни ўлчаш (баҳолаш)"ни менежментнинг назорат функцияси таркибига киритадилар. Бунда муаллифлар бухгалтерия ҳисоби орқали "ҳаракатлар" бошланғич ҳужжатлар ёрдамида расмийлаштирилиши, бош ва ёрдамчи регистрлар орқали "ҳаракатлар" таснифланиши, бажарилишларига оид ҳисоботлар тузилиши ва шу асосда "бажарилишларни ўлчаш (баҳолаш)"нинг қуйи тизими вужудга келишини эътироф этадилар. Ушбу қуйи тизим "режалаштириш" қуйи тизими билан "тескари боғлиқликда" бўлишини уқтирадилар.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисобига бошқарувдаги алоҳида функцияларни бириктириш мақсадга мувофиқ эмас. Бухгалтерия ҳисоби бошқарув фаолиятида режалаштириш воситаси сифатида «бюджет»ларни тайёрлашда бевосита иштирок этиш, назорат қилиш воситаси сифатида эса ҳаракатлар натижаларини ўлчаб "бажарилишлар ҳисоботлари"ни тузиш ва ҳақиқий натижалар билан режани таққослаш асосида мавжуд фарқларни аниқлаш, шунингдек, бошқарув тизимида "тескари боғлиқлик»ни ўрнатиш тизимидан иборатдир.

Бизнингча, бошқарувда бухгалтерия ҳисоби иштирокини менежментнинг қуйидаги умумэътироф этилган тўртта ўзаро боғлиқ ва кетма-кет амалга ошириладиган босқичларида аниқлаш лозим (2-илова):

1. Ташкилотнинг энг умумий ва махсус мақсадларини белгилаш;
2. Мақсадларга эришиш учун режалар ишлаб чиқиш (бюджетлар);
3. Ҳаракат (амалга ошириш);
4. Бажарилишларни баҳолаш.

---

[7] Cost Accounting: A Managerial Emphasis, 7 th Edition Charles T. Horngren/George Foster. Prentice-Hall International, Inc., 1991.

Ташкилотнинг умумий ва махсус мақсадлари менежерлар томонидан белгилангандан сўнг, мақсадларга эришиш учун режалар ишлаб чиқилади. Бизнес режалари у ёки бу турдаги товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш (бажариш, кўрсатиш) учун талаб этиладиган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжлар, ишлаб чиқариш, сотиш ва кутилаётган молиявий натижаларни акс эттирувчи бюджет лойиҳаларини ўз ичига олади. Ушбу лойиҳалар тузилаётганида бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланилади ва бухгалтер-менежерлар иштироки талаб қилинади. Лекин, молиявий ахборотларни мужассамлантирувчи кўпгина лойиҳалар, жумладан, пул оқимлари бюджети, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот лойиҳаси, бухгалтерия баланси лойиҳалари бевосита бухгалтерлар томонидан тузилади. Демак, бизнес фаолияти режалаштирилаётганда бухгалтерларнинг уч кўринишдаги иштирокини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир: 1) бизнес режалари тузишда бухгалтерия ахборотлари таъмин этилади; 2) бухгалтер-менежерлар бизнес-режаларини ишлаб чиқишда бошқа менежерлар қатори иштирок этади; 3) айрим молиявий ахборотларга тааллуқли лойиҳалар бевосита бухгалтерлар томонидан тайёрланади.

Мукаммал режалар ишлаб чиқилгандан сўнг, фаолиятга жалб қилинган маблағларнинг ҳаракати амалга оширилади. Режадаги маҳсулотни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш) учун моддий, молиявий ва меҳнат сарфлари юз беради ва натижада ишлаб чиқариш, сотиш ва молиявий натижалар шакллана боради. Ҳаракат жараёнининг юз бериши эришилган бажарилишларни ўлчаш ва баҳолаш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳақиқатдаги ҳаракат (амалга оширилиш) ва бажарилишларни баҳолаш натижалари бошқарув (менежментлик) ва молиявий бухгалтерия ҳисоби учун объект сифатида хизмат қилади. Ушбу жараёнлар бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилади, бухгалтерия ҳисоби счётлари ва регистрларида қайд этилади, бажарилишлар ҳисоботи тузилади ва менежерларга тақдим этилади. Менежерлар ҳақиқатда эришилган натижаларнинг бюджетларга мувофиқлигини назорат қилиб боради. Агарда жиддий фарқ вужудга келса, бюджетларга ўзгартиришлар киритиш масаласи ўртага қўйилади ва бу ўзгартиришлар менежерлар томонидан қабул қилинса, кейинги назорат фаолиятида ушбу ўзгартиришлар асосидаги бюджет лойиҳаларидан фойдаланилади. Ҳаракатлар (амалга оширилиш) ва бажарилишни баҳолаш жараёнидаги ҳисобга олинган маълумотларни менежерларга етказилиши “тескари боғлиқлик” ни юзага келтиради.

2-Модул. ХАРАЖАТЛАРНИ ТУРКУМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИ.

Режа:

1-маъруза. Харажатлар моҳияти ва туркумлаш. Технологиянинг таъсири.
2-маъруза. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатувчи бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш.
3-маъруза. Бошқарув ҳисобида счетлар режаси. Ўзгарувчан ва доимий харажатлар

1-маъруза. Харажатлар моҳияти ва туркумлаш. Технологиянинг таъсири.

Харажатлар бошқарув ҳисобининг асосий объекти ҳисобланади. Харажатлар деганда, кўзланган мақсадларга эришиш учун (маҳсулот ишлаб чиқариш, товар хариди, хизматлар) сарфланган ресурслар қийматининг пулдаги ифодасидир. Ушбу атама жуда кўп маънога эга бўлиб ва турли хил вазиятларда турли хил типдаги харажатлар қўлланилади.

Бошқариш учун менежерларга фақат умумий харажатлар тўғрисидаги маълумотлар етарли бўлмасдан, балки у ёки бу объект бўйича амалга оширилган харажатлар тўғрисида деталли маълумотлар талаб қилинади (маҳсулот ёки унинг партияси, мижозларга банкда ёки поликлиникада кўрсатилаётган хизмат таннархи, машина саот, иш соати ва унинг қиймати, бошқарув харажатлари ва бошқалар).

Харажатлар тушунчаси таннарх тушунчасидан кенгроқдир. Харажатлар корхона ўз мақсадларига эришиш учун ва олдига қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун амалга оширган сарф ва чиқимларнинг пулдаги ифодасидир. Таннарх эса маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш орқали маҳсулот қийматини яратиш билан боғлиқ харажатлардир. Бундай харажатларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳам деб аташади.

Аслида, ниманингдир таннархи аниқланса у таннарх объектига айланади. Таннарх объекти бўлиб маҳсулот ёки хизматлар (ишлаб чиқарилган маҳсулот, масалан персонал компьютерни ишлаб чиқариш, хонани ижара олиш, Тошкентдан – Самарқандга учиш) ёки лойиҳалар бўлиши мумкин (уй қуриш, завод қуриш, асбоб-ускуналарни ўрнатиш). Бундан ташқари таннарх объекти сифатида бўлимлар ҳам қаралиши мумкин (хуқуқий бўлим, лойиҳалаштириш бўлими, савдо бўлими). Уларни қуйидаги чизмада келтиришимиз мумкин (1-чизма)

Таннарх объектлари

Фаолият ва операциялар	Маҳсулот ёки	Лойиҳалар	Бўлимлар	Дастурлар

	хизматлар			

Таннарх тизимидаги счётлар икки босқичдаги тармоқларни қамраб олади:

(1) Харажатларни маълум таснифлаш белгилари бўйича *аккумляциялаш (тўплаш)*, масалан, фойдаланилган хом-ашё ва материаллар, ишлатилган ёқилғи, жойлаштирилган реклама, иш ҳақи ва харажатларнинг бошқа элементлари бўйича;

(2) *Таннархни тақсимлаш* - бу тўпланган харажатларни маълум мезонлар бўйича таннарх объектларига идентификациялашдир. Харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг иқтисодий мақсадларга энг мувофиқ тизими – бу қарорларни маълум турдаги гуруҳларга ажратиш (масалан, меҳнат ресурслари устидан назорат ёки материалларни ишлатиш) ва уларга монант харажатлар ҳисобининг таллуқли объектларини танлаш ҳисобланади (масалан маҳсулот ёки бўлимлар).

Акумляциялашган объектларнинг таннарх объектларига боғлиқлигини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин (2-чизма):

Таннархнинг аккумляцияси Таннарх объектлари

Хом-ашё ва материаллар бўйича ҳақиқий харажатлар	Ишлаб чиқариш бўлими	А Маҳсулот
		В Маҳсулот
		С Маҳсулот

Бўлимнинг самардорлиги маҳсулот таннархини аниқлаш, маҳсулотнинг нархини белгилаш ва маҳсулотга доир қарорлар қабул қилишда ва менежмент мақсадларида фойдланилади.

Харажатлар ҳисобининг асосий мақсади заҳираларни баҳолаш учун калкуляция қилиш ва фойдани аниқлашга қаратилган. Ҳозирги замон бошқарув ҳисобида унинг анъанавий бошқарувда қуйидаги масалаларни ҳал қилишда ишончли ахборот базасини таъмин этишга қаратилган (21-бет).

1. Қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш? ёки тўхтатиш?
2. Комплектловчи (бутловчи) буюмларни ўзимизда ишлаб чиқариш керакми ёки харид қилиб олиш?
3. Қандай нарх белгилаш керак?
4. Таклиф қилинган асбоб-ускуналарни харид қилиб олиш керакми?
5. Ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил этилишини алмаштириш керакми?
6. Менежерни хизмат вазифаси бўйича кўтариш керакми?
7. Ушбу цехни ёпиш керакми ёки давом эттириш?

Ҳозирги кунда харажатлар (таннарх) ҳисоби тизим сифатида юзага келмоқда. ***Таннарх ҳисоби тизими*** **-** бу таннарх объектига доир бўлган ахборотларни ўлчаш, ёзувини амалга ошириш, таҳлил ва интерпритация қилиш ҳамда таннарх ҳисоботини тузишда қўлланиладиган мунтазам-даврий жараёнлар ва процедуралар мажмуасидан иборатдир. Таннарх ҳисобига доир адабиётларда таннарх ҳисоби тизимининг қуйидаги тўртта бир-биридан фарқ қиладиган фаолиятларини қайд қилишган:

1. Таннархни ўлчаш
2. Таннархнинг ёзувини амалга ошириш
3. Таннархни таҳлил қилиш
4. Таннарх ҳисоботи

Таннарх ҳисоби тизими комплекс ишлаб туриши ва қанча ҳажмда ахборотлар қайта ишланиши жараёнига бир қанча омиллар таъсир кўрсатиб туради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Фирма фаолиятининг миқдорий ҳажми
2. Ишлаб чиқариш жараёнининг тури
3. Фирма томонидан ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотларнинг сони
4. Таннарх ахборотларига нисбатан менежментнинг муносабати
5. Ташқи ўзгарувчи омиллар, жумладан қонунлар ва тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база.

Харажатларнинг таснифига оид қуйидаги концепциялар амал қилади[8] (20-б):

- Бевосита (тўғридан тўғри) ва билвосита (тўғридан-тўғри бўлмаган) харажатлар.
- Ўртача ва умумий харажатлар.
- Маҳсулот таннархи ва давр харажатлари
- Ўзгарувчан ва доимий харажатлар
- Релевант ва норелевант харажатлар
- Сақланиш мумкин бўлган ва сақланиб бўлмайдиган харажатлар
- Назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган харажатлар
- Қайтарилмайдиган харажатлар
- Алтернатив харажатлар
- Ўсиш (инкремент) ва маржинал харажатлар

Харажатлар бир қанча белгилар бўйича таснифланади.

Таннарх объектларига олиб бориш усулига қараб: бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) харажатлар – бу аниқ таннарх объектига иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан тўғри идентификацияланадиган (олиб бориш мумкин бўлган) харажатлардир.

---

[8] Управленческий учет 1. Учебное пособие. (Байрашек А.З. Ванина М.С. и др)- Ассоциация преподователей бизнес дисциплин Узбекистана, 2003.

Масалан, стол ишлаб чиқаришда ишлатиладиган тахтани аниқ стол турига олиб борилиши мумкин. Худди шунингдек, агар у ёки бу столни ишлашда аниқ ишчиларнинг сарфлаган иш саоатлари аниқ бўлса, иш хақи харажатларини ҳам стол турларига тўғридан-тўғри идентификациялаш мумкин. Шу боис, бу харажатларни бевосита (тўғридан-тўғри)харажатларга киритишимиз мумкин.

Билвосита харажатлар (тўғридан тўғри бўлмаган) харажатлар – бу аниқ таннарх объектига иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан–тўғри идентификацияланмайдиган (олиб бориш мумкин бўлмаган) харажатлардир.

Масалан, маҳсулот сифати бўйича инспекторнинг иш хақи, ишлаб чиқариш биносининг ижара харажатларини у ёки бу маҳсулот турига тўғридан тўғри олиб бориш имкони йўқ ва шу боис, бундай харажатлар билвосита харажат сифатида тан олиниши керак. Баъзи ҳолларда айрим турдаги харажатларни у ёки бу турдаги маҳсулотларга олиб бориш имкони бўлсада, уларнинг иқтисодий салмоқлилиги ва ҳисоб харажатларини камайтириш мақсадида улар билвосита харажат сифатида ҳисобга олинади. Масалан, стол ишлаб чиқаришда ишлатилган миқ ва бошқа ёрдамчи материалларнинг қийматини у ёки бу стол тури таннархига тўғридан-тўғри олиб бориш имконияти бўлсада, ушбу харажатларнинг салмоқлилиги ва ҳисоб-китобларни қийинлаштирмаслик мақсадида бу турдаги харажатлар билвосита харажатларга олиб борилади.

Бевосита ва билвосита харажатларни фарқлаш таннарх объетига боғлиқ бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатувчи устонинг иш хақи агар таннарх объекти ишлаб чиқариш цехи бўлса, у бевосита харажат бўлиши мумкин, агар таннарх объекти маҳсулотлар бўлса, у ҳолда устонинг иш хақи билвосита харажат бўлади.

Ўртача ва умумий харажатлар, маҳсулот таннархи ва давр (операцион) харажатлари, ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг моҳияти ва мазмунини алоҳида саволларда кўриб ўтамиз.

Қабул қилинаётган қарорларда аҳамиятлилигига қараб: релевант ва норелевент харажатларга бўлинади.

Релевант ва норелевант харажатлар. Амалиётга кўп ҳолларда харажатларни қабул қилинаётган қарорларда аҳамиятлилигига қараб, таснифлаш ҳам маълум аҳамият касб этади.

Релевант харажатлар – бу қарорлар қабул қилиш натижасида ўзгариб турадиган келгуси харажатлар ҳисобланади. Қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ бўлмаган харажатлар *норелевант харажатлар* деб аталади.

Масалан, автомобилларга тўланадиган солиқ ва унинг суғуртаси бўйича харажатлар ходимнинг хизмат машинасида келиши, ёки жамоат транспортида келиши борасида қабул қиладиган қарорига боғлиқ эмас.

Демак, бу норелевант харажатга мисол бўла олади. Лекин, бензин харажатлари ушбу қарорга бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бундай ҳолда ушбу харажат релевант харажат ҳисобланади.

Бошқа бир мисол келтирамиз. Компания бир неча йил олдин 100 п.б.га хом-ашё сотиб олган. Ҳозирги кунда ушбу материални амалдаги буюртмаларни бажаришда ишлатиш ёки уни сотиш имконияти йўқ. Олдинги истеъмолчилардан бири ушбу материалдан фойдаланса бўладиган буюртма таклиф этмоқда ва буюртма учун 250 п.б.ни тўлашга рози эканлигин билдирмоқда. Ушбу материални буюрмачи талаб қилгандек қайта ишлаш учун компания 200 п.б. миқдорида қўшимча қайта ишлаш харажатларини амалга оширади. Ушбу лойиҳани таҳлил қиладиган бўлсак, харажатларнинг релевант ва норелевант эканлигини аниқлаб олиш зарур ҳисобланади. 200 п.бдаги материал харажатлар буюртмани қабул қилиш ёки қилмасликдан қатъий назар юз беради, чунки буюртмани қабул қилмаганда ҳам ушбу материаллардан фойдаланиш имкони йўқ, фақат уларни ҳисобдан чиқариб ташлаш керак бўлади, яъни бу норелевант харажат ҳисобланади. 300 п.б қайта ишлаш харажатлари фақат лойиҳани қабул қилган тақдирдагина юз беради. Демак бу харажат релевант харажат ҳисобланади. Энди ушбу буюртмани қабул қилиш керакми ёки йўқми деган саволга жавоб топиш учун умумий тушумдан фақат релевант харажатларни айириш керак, яъни 400п.б.-300п.б.= 100 п.б. Бундан кўриниб турибдики мавжуд материалларга бундан ортиқ наф олиш имконияти бўлмаганлиги учун буюртмани қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу буюртманинг қабул қилиниши 200 п.б. муқаррар норелевант харажатни 100 п.б. тушириш имкониятини бераяпди.

Ҳисоб-китоблар натижаларини қуйидаги 1.2-жадвалда расмийлаштирамиз.

1.2-жадвал

Релевант ва норелевант харажатлар гуруҳларига ажратиш

	Буюртмани қабул қилмаган ҳолда	**Буюртмани қабул қилган ҳолда**	**Харажат тоифаси**
Материаллар	200	200	*Норелевант*
Иш бўйича харажатлар	-	300	*Релевант*
Тушум	-	(400)	
Соф харажат	200	100	

Управленческий учет 1. Ташкент 2003 г. 24-бетдаги мисол қайта ишланган.

Харажатларни бошқарув қарорларига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигига ажратиш қарорлар қабул қилишда катта аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ва менежментни бошқариш даражасига боғлиқлигига қараб: сақланиш мумкин бўлган ва сақланиш мумкин бўлмаган харажатларга бўлинади.

Сақланиш мумкин бўлган ва сақланиш мумкин бўлмаган харажатлар. Сақланадиган харажатлар бу фаолиятни нормал ташкил қилган ҳолларда сақланиш мумкин бўлган харажатлар ҳисобланади. Масалан, жарима ва пенья харажатлари, нормадан ортиқча қилинган харажатлар. Сақланиш мумкин бўлмаган харажатларга ҳар қандай ҳолатда юз бериши муқаррар бўлган харажатлар киради. Масалан, товарларнинг меъёрдаги камайишини киритишимиз мумкин.

Қайтариб бўлмайдиган харажатлар. Бу олдин харид қилиб олинган ресурслар бўйича харажатлар бўлиб уларнинг мавжудлиги келгусида улардан фойдаланиш турли хил альтернатив вариантларига боғлиқ бўлмайди. Юқоридаги мисолда олдин харид қилинган ва ишлатиш ёки сотиш имконияти бўлмаган 200.0 п.б. материал бўйича харажатлар қайтариб бўлмайдиган харажатларга типик мисол қилиб олишимиз мумкин. Харид қилинган материаллар ва молк-мулклар бўйича йўқотишларни қайтариб бўлмайдиган харажатларга киритиш мумкин.

Альтернатив (муқобил) харажатлар. Бир қанча харажатлар бошқариш қарорларини қабул қилиш нуқтаи назаридан одатдаги бухгалтерия тизимида ҳисобга олиниши мумкин бўлмай қолади. Ушбу тизимда ҳисобга олинадиган харажатлар ўтган тўловларга ёки аниқ вақтда келгусида тўланадиган мажбуриятларга асосланади. Бироқ қарорлар қабул қилишда шундай харажатларни ҳам ҳисобга олиш зарурияти туғиладики, қайсики ушбу харажатлар реал пул тўловларини талаб этмайди. Бундай харажатлар альтернатив харажатлар деб аталади. *Альтернатив харажатлар* – бу бошқа вариантлардан воз кечилиб битта вариант танлаш натижасида йўқотилиши мумкин бўлган имкониятларни ўлчовчи харажатлардир.

Масалан, компанияда махсус компонентларни ишлаб чиқариш бўйича контракт тузиш имконияти туғилди. Ушбу буюмни тайёрлаш учун Х асбоб-ускуналарда 100 машина соат ишлаш талаб этилади. Ушбу Х асбоб-ускуна А турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тўлиқ қувват билан ишлайди. Янги контрактни бажаришнинг ягона йўли А маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳисобланади. Натижада компания 350 п.б. миқдорида тушумдан маҳрум бўлади. Контрактни амалга ошириш 1500,0 п.б. қўшимча ўзгарувчан харажатларни амалга оширишига тўғри келади. Агар компания ушбу шартномани имзолаган тақдирда А турдаги маҳсулотни ишлаб чиқишни қисқартириш натижасида 350.0 минг сўмлик тушумдан маҳрум бўлади. Бу *альтернатив харажат* ҳисобланиб, янги контракт тузилаётганда ҳисобга олиниши лозим. Ушбу мисолда 350+1500=1850.0

минг сўмдан кам бўлмаган суммага контракт суммасини тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган харажатлар. Барча харажатлар маълум бошқарув даражасида назорат қилинади. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар тўғрисида ҳисобот тайёрланаётганда бухгалтерлар қуйи бошқарув поғоналарида харажатларни назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган харажатларга ажратилади.

Барча харажатлар юқори пағонадаги менеджерлар томонидан назорат қилинади, лекин барча харажатлар ўрта ёки қуйи бўғин бошқарувчилари томонидан ҳам назорат қилинавермайди. Масалан, цех бошқарувчиси томонидан хом-ашё сарфи, электр энергия сарфи, меҳнат сарфи назорат қилинсада, ижара харажатлари ва ташқи ташкилотларнинг хизматлари назорат қилинмайди. Шу боис, ташкилотда харажатларни бошқарувчилар ваколатларидан келиб чиқиб улар томонидан назорат қилинадиган харажатлар таснифланиб чиқилиши харажатларни бошқаришда катта аҳамият касб этади.

Ўсувчи (инкремент) ва маржинал (чегараланган) харажатлар. *Ўсувчи (баъзан қўшимча, инкримент ёки дифференциаллашган) харажатлар ва тушумлар* – бу кўриб ўтилаётган маҳсулот тури учун таҳлилининг ҳар бир вариантида амалга ошрилаётган харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Масалан, ушбу ҳафта ичида корхона маҳсулот ҳажмини 2000 тадан 2200 бирликга оширганда қўшимча харажатлар, ушбу 200 бирликни ишлаб чиқариш учун ўсувчи харажатлар тушунилади. Ўсувчи харажатлар ўз таркибига доимий харажатлари олиши ёки олмаслиги мумкин. Агар қарор қабул қилиниши натижасида доимий харажатлар ўзгарган тақдирда улар қўшимча харажатлар бўлиб ҳисобланади. Агар қарор қабул қилиниши натижасида доимий харажатлар ўзгаришсиз қолса, у ҳолда ўсувчи доимий харажатлар нолга тенг бўлади.

Ўсувчи даромадлар/харажатлар бўйича қарор қабул қилиш қоидаси қуйидагича: *Агар қўшимча даромадлар қўшимча харажатлардан ошса, у ҳолда қарор қабул қилиш мумкин. Акс ҳолда-бош тортиш керак*.

Маржинал харажатлар ва маржинал тушумлар – бу фақат қўшимча бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган қўшимча харажатлар/тушумлар тушунилади.

Бошқарув ҳисоби бўйича ўқув қўлланмасида қуйидаги мисол келтирилган.

Сотишдан олинган тушум (даромад):

50 000 бирлик ҳар бири 20 п.б сотилди. 1000 000

***Муомала харажатлари*:**

Реклама харажатлари. 100 000

Товарлар сбити билан машғул персоналнинг иш ҳақи. 80 000

Сотувчиларнинг йўл (командировка) харажатлари. 50 000

Савдо биносини ижара тўловлари. 10 000

Компания раҳбарияти келгуси йили Ўзбекистоннинг шимолида сбит бўйича янги ҳудуд очиш масаласини кўриб чиқмоқда. Реклама харажатларини 30%га ошириш ва янги бозорда товарларни сотиш билан шуғулланадиган сотувчи лавозими киритилиб, унинг йиллик иш ҳақи 15 000 п.б. мўлжалланмоқда. Бундан ташқари командировка харажатларини 10%га ошириш кутилмоқда. Сбитнинг янги ҳудуди учун сотишнинг йиллик режаси амалдаги нархларда 10 000 бирлик маҳсулотни ташкил этмоқда. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларининг мўлжалдаги қиймати маҳсулот бирлигига 5 п.б.ни ташкил этади. Ушбу қарорни асослаш учун инкремент даромадлар ва харажатлар солиштирилиб кўрилади.

Инкремент даромадлар (10 000 бирлик х 20 п.б.). 200 000

Инкремент харажатлар:

Реклама харажатлари (100 000 п.б. х 30%). 30 000

Иш ҳақи. 15 000

Йўл ҳақи (командировка) (50 000 п.б. х 10%). 5 000

Ишлаб чиқариш харажатлари (10 000 п.б. х 5 п.б). . . . 50 000 (100 000)

Инкремент фойда. 100 000

Ушбу ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, компаниянинг сбит бўйича янги ҳудудни очиш ҳисоб-китоблари шуни кўрсатмоқдаки ушбу лойиҳа компанияга 100 000 п.б.да қўшимча (инкремент) фойдани таъмин этиш имкониятини бермоқда.

2.2-маъруза. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчилар бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш. Маҳсулот таннархи ва давр харажатлари.

Харажатларни фойдани ҳаракатлантириш даврига олиб борилишига қараб: маҳсулот таннархи ва давр харажатлари. Уларнинг таркибий қисмларини ***1.2-чизмада*** акс эттириш мумкин.

Маҳсулот таннархи – бу савдо корхоналарида товарларни харид қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарида эса маҳсулотни ишлаб чиқиш

харажатларидир. Ушбу таърифга асосланиб қуйидаги тенгликни келтириб чиқариш мумкин:

Маҳсулот таннархи = Ишлаб чиқариш харажатлари (1.1)

Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархи учта таннарх элементидан ташкил топади:

(1) Бевосита (тўғридан-тўғри) материал

(2) Бевосита (тўғридан-тўғри) меҳнат

(3) Устама ишлаб чиқариш харажатлари (Билвосита харажатлар)

Демак, маҳсулот таннархи учта категориядаги таннарх элементларининг йиғиндисидан иборат:

Маҳсулот таннархи = бевосита материал + бевосита меҳнат + устама ишлаб чиқариш харажатлари (1.2)

Бевосита (тўғридан-тўғри) материал бу ишлаб чиқаришда унинг асосини ташкил этадиган, яъни тайёр маҳсулот шу материалдан яратиладиган хом-ашё ва заҳирадир. Масалан, чўян ишлаб чиқаришда асосий бевосита материал бўлиб темир ҳисобланади. Чўян эса пўлат ишлаб чиқариш учун бевосита материал бўлиб хисобланса, пўлат ўз навбатида автомобил ва бошқа оғир саноат учун тўғридан-тўғри материал бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқаришда ёрдамчи ёки иккиламчи аҳамиятга эга бўлган материаллар ҳам ишлатилади. Бундай материаллар билвосита харажатлар бўлиб уларни *ишлаб чиқариш устама харажатларига* олиб бориш қабул қилинган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) меҳнат бу ишлаб чиқаришга жалб қилинган материалларни тайёр маҳсулотга айлантириш ва маҳсулот турларига тўғридан-тўғри идентификациялаш мумкин бўлган харажатдир. Масалан, бевосита меҳнатга фақат А маҳсулот турини ишлаб чиқариш билан, яъни бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан аралашмайдиган ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи харажатлари киради. Бевосита меҳнат харажатларини топиш учун таннарх объекти бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита машғул бўлган ишчиларнинг меҳнат соатларини меҳнат соати ставкасига кўпайтириш орқали топилади. Ишлаб чиқариш билан билвосита алоқадор бўлган ва уларнинг меҳнати бир қанча таннархи объекларига таллуқли бўлган ҳолларда ишчиларнинг меҳнати билвосита харажат сифатини эътироф этилиб *ишлаб чиқариш устама харажатларига* олиб борилади.

Устама ишлаб чиқариш харажатлари (manufacturing overhead МОН) - бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида қатнашадиган тўғридан-тўғри материал ва тўғридан-тўғри меҳнат харажатларидан ташқари барча амалга оширилган билвосита ишлаб чиқариш харажатларидир. Ушбу харажатларни *завод устама харажатлари, завод билвосита харажатлари* ёки сервис

корхоналарида *сервис устама харажатлари*, қурилиш корхоналарида *қурилиш устамаси* ҳам деб аталади. Айрим кишилар устама ишлаб чиқариш харажатларини сотиш ва маъмурий харажатлар билан чалкаштиришади. Шуни таъкидлаш лозимки, устама ишлаб чиқариш харажатлари бу ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий қисми ҳисобланади. Устама ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархининг таркибий қисми бўлиб, бошқа тўғридан-тўғри харажатлардан фарқловчи энг муҳим хусусияти унинг у ёки бу маҳсулот турига, яъни таннарх объектига тўғридан-тўғри йўл билан идентификация қилиш (олиб бориш) имконияти бўлмаслигидир. Устама ишлаб чиқариш харажатларининг иккита энг катта моддаси қайд қилиш лозим. Бу билвосита материал ва билвосита меҳнат харажатларидан ҳисобланади. Қолган устама ишлаб чиқариш харажатларини оккупенси ёки қувватли харажатлар ҳам деб аталади. Уларга қуйидагилар киритиш мумкин:

1. Бино ва асбоб-ускуналар лизинг тўловлари ва ижара харажатлари
2. Бино ва асбоб-ускуналар амортизацияси
3. Иситиш, ёритиш ва энергия харажатлари
4. Машина ва асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш
5. Ишлаб чиқариш персоналини овқатлантириш, чой (кофе) ва сув
6. Ишлаб чиқариш жиҳозларининг суғуртаси ва мол-мулк солиғи
7. Башқа харажатлар

Бошқа устама ишлаб чиқариш харажатларига ишчиларнинг соғлиқ суғуртаси, чиқиш нафақалари, корхона ҳисобидан тўланадиган пенсия тўловлари, супервайзорлар иш ҳақи ва бошқа умумзавод харажатларини киритиш мумкин. Мамлакатимиз амалиётида счетлар режасида устама ишлаб чиқариш харажатларини *умумзавод ва умумишлаб чиқариш харажатлари* счётлари орқали ҳисобга олиш мўлжалланган.

Савдо корхоналарида товарлар қайта сотиш учун харид қилинади. Савдо жараёнида улар қайта ишланмайди. Натижада ушбу жараёнда уларнинг харид қиймати ўзгармайди ёки кам даражада ўзгаради. Товарларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар уларнинг таннархига киритилади.

Давр харажатлари *сотиш харажатлари* ва *маъмурий-бошқарув харажатларидан* ташкил топади.

Сотиш харажатларига тайёр маҳсулотларни сақлаш ва уларни харидорларга етказиш билан боғлиқ харажатлар киради. Буларга реклама, бозорни тадқиқ қилиш, сотишга доир иш ҳақи ва комиссионлар, тайёр маҳсулотларни жўнатиш ва сақлаш харажат моддаларини киритиш мумкин. Ушбу харажатларни сотиш харажатлари деб тан олишнинг сабаби ушбу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқарилиб бўлгандан кейин юз беради ва шу боис айрим моддаларини маҳсулот таннархига қўшиш имконияти бўлмайди.

Масалан, тайёр маҳсулотларни омборда сақлаш, уларни упаковкалаш, омбор ишловларини бериш тайёр маҳсулот омборга кирим қилингандан кейин юзага келади. Ушбу харажатлар маҳсулот қийматига таъсир этсада, уларни маҳсулот таннархига киритиб бўлмайди, чунки маҳсулот таннархини калкуляция қилиш жараёни якунланган ҳисобланади. Шу боис, таъкидлаш лозимки сотиш харажатлари бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин уни харидорларга етказиб бергунга қадар юз берган харажатлар сифатида тан олинади.

Маъмурий-бошқарув харажатлари юз бериш вақтидан (тайёр маҳсулот ишлаб чиқишгача ёки ундан кейин) қатъий назар давр харажатлари деб эътироф этилади. Уларга топ менеджерлар ва маъмурий-бошқарув ходимлари ҳисобланган стаф бўлимлар, жумладан молиявий департамент, персонал департаментларни сақлаб туриш харажатларини киритиш мумкин. Харажат моддаларига маъмурий-бошқарув аппарати иш ҳақи, офис харажатлари, офис ижараси, тадқиқотлар ва таррақий этиш харажатлари ва бошқа маъмурият билан боғлиқ харажатларни қайд қилиш мумкин.

Нима учун ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатлар давр харажатлари деб тан олиниб улар ТМЗлар таннархига киритилмайди. Бунинг умумэътироф этилган иккита сабаби мавжуд.

Биринчидан, ТМЗлар актив ҳисобланади, қайсики ўз вақтида ва келгусидаги тушумларни ҳаракатга келтириш учун харид қилиб олинган. Маҳсулотларни тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни маҳсулотлар таннархини қоплаш учун зарур бўлган келгусидаги тушумларни ҳаракатга келтирувчи восита сифатида қаралиши мумкин. Бироқ, ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатларнинг келгусидаги тушумларни ҳаракатга келтиришда иштирок этишига кафолат амал қилмайди, чунки улар маҳсулот қийматининг ошишини таъмин этмайди.

Иккинчидан, кўпгина ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатлар (масалан, реализация бўйича харажатлар) ишлаб чиқарилган маҳсулот заҳираларда бўлган даврда юз бермайди. Шу боис, ушбу харажатларни ТМЗларни баҳолашда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Ишлаб чиқариш корхоналарида материаллар меҳнат ва асбоб-ускуналар ёрдамида янгидан маҳсулотга айлантирилади. Ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулот таннархи шаклланади ва у реализация қилинган ва реализация қилинмаган маҳсулотга тақсимланади. Давр харажатлари эса реализация қилинмаган тайёр маҳсулотга тақсимланмасдан тўғридан-тўғри ушбу даврнинг даромадлари ҳисобидан қопланилади. Ушбу боғлиқликни қуйидаги чизмада кўрсатишимиз мумкин бўлади:

Ишлаб чиқариш харажатлари	Маҳсулот таннархи	Реализация қилинмаган

Ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатлар	Давр харажатлари

3-чизма. Маҳсулот таннархи ва давр харажатлари ҳисоби.

Тайёр маҳсулотнинг сотиш таннархи (Реализация қилинган маҳсулот таннархи) ва давр харажатлари тўғрисидаги маълумотлар корхонанинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботида акс эттирилади (1.4-жадвал).

1.4-жадвал

“**American Oilseeds and Grains” МЧЖ**
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
31 декабр билан якунланадиган 2008 йил учун

Реализация 9850.0

Тайёр маҳсулотнинг сотиш таннархи:

1 январда тайёр маҳсулот қолдиғи. 55.0
Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархи. 6138.0
Сотишга мўлжалланган маҳсулот таннархи. 6193.0
Айирилади: 31 декабрда тайёр маҳсулотлар қолдиғи. . . .65.0
Тайёр маҳсулотнинг сотиш таннархи. 6128.0

Ялпи фойда (ялпи маржа). 3722.0

***Давр (операцион) харажатлар*:**

Сотиш харажатлари. 1150.0
Маъмурий-бошқарув харажатлар. 1450.0
Жами операцион харажатлар. 2600.0

Операцион фойда. 1122.0

Ушбу ҳисоботда сотиш ва маъмурий-бошқарув харажатларини уларнинг моддалар гуруҳлари бўйича ҳам бериш мумкин. Бу ўз навбатида унинг аналитиклигини оширади.

Маҳсулот таннархи кўрсаткичларини бухгалтерия счётларида акс эттириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳисобот учун маълумотлар бухгалтерия счётларидан олинади. Бухгалтерия счётларини юритиш тартиби корхона таннархи ҳисобини юритишнинг тизимларига боғлиқ бўлади. *Маҳсулот ишлаб чиқариш типи, қўлланиладиган тизими* ва

маҳсулот типи боғлиқлигини қуйидаги жадвалда келтириш мумкин (1.5-жадвал)**.**

1.5-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти ва таннарх ҳисоби тизими

Ишлаб чиқариш типи	***Таннарх ҳисоби тизими***	***Маҳсулот типи***
Ишларни амалга ошириш Касалхоналар, уй жой қурилиши, консалтинг фирмалари	Буюртмали (иш) костинг	Оддий
Комплект ишлаб чиқариш Мебел ишлаб чиқариш	Асосан буюртмали (иш) костинг	Турли хил маҳсулотлар
Давом этувчи (такрорий) ишлаб чиқариш Компьютер терминали, вилосипед, кийим-бош	Асосан жараёнли костинг (операцион)	Кўп бўлмаган янги маҳсулот
Жараёнли давом этувчи оқим Нефтни қайта ишлаш, краска, химия	Жараёнли костинг	Стандартлашган

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, турли компаниялар ишлаб чиқаришнинг хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа бошқа таннарх ҳисоби тизимини танлайди. Биринчи типдаги корхоналар бу ҳар бир мижозга индивидуал ёндашган ҳолда унинг буюртмасидан келиб чиқиб иш бажаради. Ҳар бир индивидуал иши бошқа бажарган ишларидан фарқ қилади. Ҳар бир бажарилган иш индивидуал маҳсулот деб қаралади. Ушбу типдаги ишлаб чиқаришларга консалтинг фирмалари ишлари, қурилиш шартномалари бўйича бажарилган ишлар, нашриёт хизматлари, тиббиёт хизматларига доир ишларни мисол келтириш мумкин. Бундан ишларни бажарувчи фирмалар *буюртмали (иш) костинг* тизимини қўллайди. Ҳар бир буюртма (иш)нинг таннархи алоҳида ҳисобланади.

Иккинчи типдаги ишлаб чиқариш бу бир комплект маҳсулот учун зарур компонентларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлиб, турли хил қисмлар йиғилиб битта комплект маҳсулотни ташкил этади. Мисол учун мебел ишлаб чиқарувчи корхоналарда турли хил қисмлар йиғилиб стол, стул ва гарнитур ишлаб чиқилади. Бунда барча компонентлар таннархи йиғилиб комплектнинг таннархи чиқарилади. Ушбу корхоналар асосан *буюртмали (иш) костинг* тизимини қўллашади. Буюртмали костингда ҳар бир буюртма ёки ишлар бўйича харажатлар алоҳида ҳисобга олиб борилади. Устама ишлаб чиқариш харажатлари буюртмалар бўйича тақсимланади.

Давом этувчи (такрорий) ишлаб чиқаришга одатдаги кўпчилик бир турдаги ёки бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни

киритиш мумкин. Масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, автомобил ёки компьютер ишлаб чиқарувчиларда битта ёки бир нечта маҳсулот доимий равишда ишлаб чиқилади, яъни маҳсулот буюртма олгандан сўнг ишлаб чиқариш бошланмайди. Ишлаб чиқилган маҳсулот шартнома бўйича харидорларга сотилади. Ушбу типдаги ишлаб чиқаришда маҳсулотга бир ишлаб чиқариш жараёндан кейинги жараёнга ўтиш орқали технологик ишлов амалга оширилади ва охирги босқичда тайёр маҳсулот юзага келади. Натижада ҳар бир технологик жараёнда харажатларни алоҳида юритишга имконият ва зарурият туғилади. Таннархни ҳисобга олишнинг бу тизими *жараёнли костинг* деб аталади. Юқоридаги қайд қилинган ишлаб чиқаришларда асосан жараёнли костинг қўлланилади.

Кейинги типдаги ишлаб чиқариш жараёнли давом этувчи оқим деб аталади. Бу типдаги ишлаб чиқариш буюртмали ишлаб чиқаришга оппозит ҳисобланади. Бу битта ёки бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни киритиш мумкин. Бу типдаги корхоналар жараёнли костинг тизимини қўллайди. Буларга мисол қилиб бўёқ ишлаб чиқариш, ун чиқариш, ёғ рафинатини киритиш мумкин.

Буюртмали (иш) костинг ва жараёнли костинг таннарх ҳисоби тизимларнинг мазмуни ва қўлланилишини алоҳида мавзуларда кўриб ўтамиз.

2.3-маъруза. Бошқарув ҳисобида счетлар режаси. Ўзгарувчан ва доимий харажатлар.

Харажатлар *таннарх драйвери, яъни* маҳсулот ҳажми (фаоллик даражаси) ошиши ва камайишига қараб ўзгариши бўйича “ўзгарувчан” (доимий бўлмаган), “доимий”, “яримўзгарувчан” ва “яримдоимий” харажатларга таснифланади.

Таннарх драйвери (омили) бу ҳар қандай омил бўлиб, қайсики унинг ўзгариши таннарх объектига боғлиқ ҳолда жами харажатларнинг ўзгариши сабаб бўлади. Таннарх драйверига кўплаб мисол келтириш мумкин. Масалан, фабрика соҳасида материал таннархи фақатгина ишлаб чиқаришнинг ҳажмига боғлиқ бўлмасдан, балки бошқа омиллар масалан, фойдаланилаётган материалларнинг сифати, ишчиларнинг малакаси**,** тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдаги қисмлар сонига ҳам боғлиқ бўлади. Таннарх драйвери сифатида саёҳат мейили, ишлаб чиқариш ҳажми, ишланган соатлар, мижозлар билан мулоқат, иш ҳақи тўловларидаги кечикишлар, линия типи, пул бирлигида сотиш ҳажми ва бошқа таннарх объекти билан боғлиқ бўлган омилларни санаб ўтиш мумкин. Корхоналар таннархи суммаси ва уларнинг қайси таннархи драйверларига боғлиқлигини қуйидаги 1.6-жадвалда келтиришимиз мумкин:

1.6-жадвал

Таннарх драйвери(омиллари)га мисоллар

Фаолиятнинг жами таннархи	**Таннарх драйвери (омили)**
Маҳсулот дизайни	Маҳсулот сони, қисмларнинг сони
Муҳандислик иши	Қисмлар сони, муҳандислик иши ўзгариши буюртмалар сони
Материаллар хариди	Харид буюртмалари сони, таъминотчиларнинг сони, мулоқатлар вақти, экспедиция вақти
Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги миқдори, сетап сони, қисмлар сони
Дистрибютор	Транспортировка тури, тарозига тортиш, тўхташлар сони, трафикдаги ҳолатлар, тезлик

Таннарх драйверлари масаласини чуқурроқ кейинги мавзуларда тўхталиб ўтамиз. Лекин ҳозирги мавзуларда таннарх драйвери сифатида энг асосий омиллар бўлган ишлаб чиқариш бирлиги ҳажми, ишлаган иш соатлари, сотиш ҳажми олинади.

Ўзгарувчан харажатлар. ***Ўзгарувчан харажатлар*** таннарх драйверига, яъни маҳсулот ҳажми ёки фаолият даражасига тўғридан-тўғри мутонасиб (пропорционал) равишда ўзгаради, яъни маҳсулот ҳажми икки карра кўпайса, ўзгарувчи харажатлар ҳам икки карра кўпаяди. Демак, умумий ўзгарувчан харажатлар чизиқли функция бўлса, ушбу турдаги харажатларнинг маҳсулот бирлигидаги миқдори - доимий миқдор ҳисобланади. Ўзгарувчан харажатларга мисол қилиб *ишлаб чиқаришга оид бўлган* асосий ишлаб чиқариш материал харажатлари, ишбай иш ҳақи, асбоб-ускуналарнинг ишлаши учун энергия харажатларини келтиришимиз мумкин. Ишлаб чиқаришга оид бўлмаган ўзгарувчан харажатларга сотишдан комиссион тўловлари, сотиш ҳажмига боғлиқ тўланадиган иш ҳақи, харидорларга етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари ва бошқа моддаларни киритиш мумкин. Ўзгарувчан харажатларни чизма кўринишда қуйидагича акс эттириш мумкин (4-чизма). Ушбу чизмадан кўриниб турибдики ўзгарувчан харажатлар графикда ўсиб борувчи тўғри чизиқ шаклида акс эттирилган. Маҳсулот бирлигига нисбатан графигида эса тўғри чизиқ фаоллик ўқига параллел жойлашган, яъни маҳсулот бирлигига нисбатан ўзгарувчан харажатлар доимий характерга эга бўлган. Ушбу мисолда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар 10.0 минг сўмни ташкил этади.

Доимий харажатлар. Доимий харажатлар ўрганилаётган даврда таннарх драйвери, яъни маҳсулот ҳажми ва фаолият даражасининг

катта ўзгариши диапазонида миқдор жиҳатдан ўзгаришсиз қолади. Ушбу харажатларга мисол қилиб амортизация харажатлари, назоратчилар, усталар иш хақи, ижара тўловларини олиш мумкин. Доимий харажатларни чизма кўринишида қуйидагича акс эттириш мумкин ***(5-чизма)***. Чизмадан кўриниб турибдики, умумий доимий харажатлар фаолият активлигининг барча даражаларида бир хил даражасини сақлаб қолади. Бир вақтнинг ўзида маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар активлик даражасига мутоносиб равишда камайади. Масалан, фикслашган харажатларнинг ой мабойнидаги суммаси 5000.0 минг сум бўлса, у ҳолда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар қуйидагича ўзгаради (1.7-жадвал):

1.7-жадвал

Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар

Ишлаб чиқилган маҳсулот бирлиги миқдори, бирлик	Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар, минг сўм
1	5000
10	500
100	50
1000	5

Қарорлар қабул қилишда доимий харажатларнинг умумий суммаси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларга нисбатан афзалроқ ҳисобланади.

Ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг муҳим хусусиятли жиҳатини қуйидаги жадвалда келтириш мумкин (1.8-жадвал):

1.8-жадвал

Ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг хусусиятлари

Харажатлар	Умумий харажатлар	Маҳсулот бирлигига (ўртача харажатлар)
Ўзгарувчан	Ўзгаради	Ўзгармайди
Доимий	Ўзгармайди	Ўзгаради

Яримдоимий харажатлар. Доимий харажатлар ишлаб чиқаришнинг аниқ бир релевант диапазонида ўзгармас ҳисобланади. ***Релевант диапазон*** бу таннарх драйверининг маълум оралиғи бўлиб, қайсики унда таннарх (тушум) билан таннарх (тушум) драйвери ўртасида амал қилувчи махсус боғлиқлик акс эттирилади. Масалан, ишлаб чиқариш фаоллиги тез пасайган пайтларда, корхона раҳбариятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг тушиши вақтинчалик ҳолат эканлигига ишонч бўлса, ишлаб чиқариш ишчилари ва мастерлар ишни давом эттиришлари мумкин, лекин

талабнинг тикланиши юз бермаса, у ҳолда ушбу персонал ортиқча бўлиб қолиши ва ишдан чиқарилиши мумкин. Ёки бошқа бир мисол, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати маълум бир критик даражага кўтарилгандан кейин корхона қўшимча равишда ходимларни ишга жалб қилиши мумкин, лекин бу жараён бир неча ойга чўзилиши мумкин. Шундай қилиб, бир йил давомида ишлаб чиқариш ходимлари харажатлари маҳсулотга бўлган талаб ўзгариши билан ўзгариши мумкин. Бундай харажатлар ***яримдоимий ёки зинали ўсувчи доимий харажатлар*** ҳам деб аталади. Ушбу харажатларнинг ўзгаришини қуйидаги 6-чизмада акс эттиришимиз мумкин. Ушбу мисолда ҳисобот йили учун таннарх драйвери машина-соат олинганда 30.000 м.с. дан 95.000 м.с.гача релевант диапазонда харажатларнинг даражаси 600.000 п.б. ни ташкил этмоқда. Шу билан бир қаторда ушбу чизмада релевант диапазоннинг бошқа оралиғида акс эттириладиган доимий харажатлар ҳам ўз аксини топган. Мисол учун, агар ҳажм кўрсаткичининг даражаси 30.000 м.с.дан паст бўлса, доимий харажатлар кескин тушуши кузатилади. Бу шу билан изоҳланадики, агар ушбу мисолда ишлаб чиқаришдаги вазиятдан келиб чиқиб таннарх драйвери ҳисобланган машина соат нол даражадан 30.000 м.с.гача бўлган ораликда хизмат кўрсатувчи ва ижрочи персоналларни қисқартириш натижасида ишдан чиқариши оқибатида юз берган бўлиши мумкин. Бошқа ҳолатда 95.000 м.с. дан юқори ҳажм кўрсаткичига эришилганда доимий харажатларнинг кескин ошишига олиб келади. Бу операцияларни кўпайтиришга ёрдам бериш учун қўшимча персонални жалб қилиш билан боғлиқ бўлади. Доимий харажатларнинг бир йиллик учун аниқланган даражаси кейинги йил учун ўзгариши мумкин. Чунки, таннарх драйверида унга мос келувчи харажатларнинг даражаси ўзгариши мумкин, хусусан ижара суммаси, иш ҳақи даражаси, мол-мулк солиғи даражаси ва бошқалар.

Нисбатан қисқа вақт мабойнида харажатлар доимий бўлиши мумкин. Ушбу вақт қанчалик қисқа бўлса, аниқ турдаги харажатларни доимий харажат деб эътироф этиш эҳтимоли юқори бўлади. Масалан, оралиқ вақт бир йил. Менежерларнинг иш хақи, асбоб-ускуналар ёки бинолар амортизацияси йил давомида эҳтимол ўзгармайди. Лекин, кейинги йилларда қўшимча менежерлар жалб қилиниши, амортизация меъёрлари ва усуллари ўзгариши мумкин.

Аралаш харажатлар. Харажатлар динамикаси кўрилаётганда аралаш харажатларга алоҳида аҳамият қаратиш керак. Аралаш харажатлар ўз таркибига ўзгарувчан ва доимий компонентдаги харажатларни олади. Ушбу харажатларга мисол қилиб асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш харажатларини келтириш мумкин. Ушбу харажатлар таркибига фаолликнинг ҳар қандай даражасида режадаги хизмат кўрсатиш харажатлари ўзгарувчан, яъни фаоллик даражасига бевосита боғлиқ бўлган харажатлар ҳам киритилади. Ушбу харажатлар

ҳатто ишлаб чиқариш амалга оширилмаган тақдирда ҳам мавжуд бўлади. Ушбу қисми эса доимий компонент ҳисобланади (7-чизма). Бошқа бир мисол қилиб компания вакилларига сотиш учун тўланадиган компенсацион харажатларининг бир қисми ҳисобланган *базали иш* ҳақи доимий бўлса, *комиссион тўловлар* эса ўзгарувчан қисми деб баҳолаш мумкин.

Аралаш харажатлар суммаси бу доимий компонент суммаси ҳамда ўзгарувчи компонент суммаси йиғиндисидан иборат бўлганлиги боис уларнинг математик йиғиндисини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Доимий харажатлар: $Y = a$
Ўзгарувчан харажатлар $Y = bX$
Яримўзгарувчан харажатлар* $Y = a + bX$
*Ушбу тенглама тўғри чизиқли функциянинг тенгламасидир.

Ушбу тенгламада Y жами аралаш харажатлар фаолликнинг ҳар қандай даражасида бир хил бўлган доимий харажатлар плюс bX ташкил топган X фаоллик даражасидаги ўзгарувчан харажатлардан иборат.

Мисол учун сотиш бўйича вакилнинг базис иш ҳақи 17.000 п.б. ва ҳам бир сотган маҳсулоти учун комиссион 125 п.б.. Демак. A = 17.000 п.б., b = 125 п.б. га тенг бўлади. У ҳолда яримўзгарувчан харажатларни ифодаловчи тенглик қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$Y = 17.000 + 125 X$$

Ушбу формула фаолликнинг исталган даражасида яримўзгарувчан харажатларнинг суммасини аниқлаш имконини беради. Масалан, агар 38 бирлик маҳсулот сотилса сотувчи вакилга тўланадиган яримўзгарувчан харажатнинг суммаси

$Y = 17.00. + 125 (38) = 17.000 + 4.750 = 21.750$ п.б. га тенг бўлади.

Ушбу мисолни график куринишида 8-чизмада акс эттириш мумкин. Ушбу метод менеджерларга харажатларни таннарх омилларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш имконини беради.

А.



В.

5 - чизма Доимий харажатлар: А) Умумий; В) Маҳсулот бирлиги



6-чизма. Зинали ўсиб борувчи



7-чизма. Ярим ўзгарувчан харажатлар



A.



B.

4-чизма Ўзгарувчан харжатлар: А) Умумий ; В) Маҳсулот бирлиги

Адабиётлар (6, 7, 8, 10, 12, 13, 14, 15, 20, 21, 22)

3-МОДУЛ. ХАРАЖАТЛАР ФУНКЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

3.1. Харажатлар вазифаларини аниқлаш учун умумий қоидалар (принциплар). Харажатларни баҳолаш усуллари.

3.1.-маъруза. Харажатлар вазифаларини аниқлаш учун умумий қоидалар (принциплар). Харажатларни баҳолаш усуллари.

Хўжалик юритувчи субъектлар қаттиқ рақобат шароитида харажатлар динамикасини баҳолашга зурурият борлигини ҳис қилишади. Бунинг учун эса харажатларнинг боғлиқ ўзгарувчан ва боғлиқ бўлмаган омиллари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш зарур. Харажатлар омиллари бу умумий харажатларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи ҳар қандай омиллар мажмуасини ташкил этади. Ушбу омилларга меҳнат соатлари, машина соатлари, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги ва бошқа омилларни санаб ўтиш мумкин. Омиллар боғлиқлигини ўрнатиш учун одатда регрессия тенгламасидан фойдаланилади. Регрессия тенгламаси боғлиқ ўзгарувчан (бизнинг ҳолатда бу харажатлар) ва битта ёки ундан ортиқ миқдордаги боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан (ишлаб чиқаришнинг фаоллик кўрсаткичлари ёки харажатлар омиллар) ўртасида боғлиқликни акс эттиради. Ушбу боғлиқлик чизиқли ҳисобланади. Иккита регрессия тенгламаси турлари фарқланади:

1. Оддий регрессия, қайсики тенгламага битта боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан киради;
2. Кўплик регрессия, қайсики тенгламага икки ва ундан ортиқ боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан киради.

Агар, битта боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан ва боғланиш чизиқли бўлса, регрессия тенгламаси тўғри чизиқ тенгламаси кўринишига эга бўлади:

$$Y = a + bX$$

Бунда, y - x активлик даражасида умумий харажатлар;

a – даврда умумий доимий харажатлар;

b – маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар.

x - маҳсулот ҳажми ёки харажат омили.

Умумий таннарх ва маҳсулот бирлигининг таннархи.

Умумий таннарх бу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Маҳсулот бирлигининг таннархи ёки ўртача таннарх эса жами таннарх

(бўлинувчи)ни маълум бўлувчига тақсимлаш орқали аниқланади. Кўп ҳолларда бўлувчи ҳажни ифодаловчи миқдор бўлиб у жами таннарх билан чамбарчас алоқада бўлади. Бўлувчига мисол қилиб ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, кўрсатилган хизматлар соати, таомнинг миқдори, савдо фортидан ўказилган юклар фунти, ишлов берилган инвойслар сони, ўқитилаётган талабалар сони ва бошқа кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Ўртача таннарх жами таннархни ўзида мужассамлаштирган тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига бўлиш орқали топилади. Мисол учун:

10.000 бирлик маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи (бўлинувчи) 980.000 п.б.
Бўлинади: Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги (бўлувчи) 10.000
Натижа: Маҳсулот бирлигининг (ўртача) таннархи 98

Агар ушбу компания мисолида қарайдиган бўлсак, 10.000 бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотдан 8.000 бирлиги сотилса ва қолган 2000 бирлиги охирги қолдиқда ифодаланса, ўртача таннарх жами таннархни турли счётларда тақсимлаган ҳолда акс эттириш имконини беради.

Сотилган товарлар таннархи, 8.000 бирлик х 98 п.б. 784.000 п.б.
Тайёр маҳсулотнинг охирги қолдиғи таннархи 2000 бирлик х 98 п.б. 196.000
Жами таннархи 980.000 п.б.

Амалиётда ярим ўзгарувчан харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратиш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал қилишда умумэътироф этилган бешта ёндашишни ажратишимиз мумкин бўлади:

1. Муҳандислик усули;
2. Счётлар таҳлили;
3. Энг катта ва энг кичик қиймат;
4. Диаграммада ифодалаш усули (График метод);
5. Регрессия.

Муҳандислик усулида харажатлар динамикасининг таҳлили ишлаб чиқаришга кираётган ресурслар билан олинаётган маҳсулотлар ўртасидаги технологик боғлиқликнинг муҳандислик таҳлили натижаларига асосланади. Масалан, техник таҳлилга ишларнинг бажарилиши ва унга боғлиқ ҳолда харажатларнинг сарфланиши кузатувини киритишимиз мумкин. Ушбу ёндашиш агар харажатлар ва

харажат омиллари ўртасида жисмоний боғлиқлик мавжуд бўлган ҳоллардагина қўлланилиши самара беради.

Счётларни таҳлил қилиш усули. Бу усулда бўлим менежери ва бухгалтер маълум бир даврга таллуқли бўлган ҳар бир счётлардаги харажатларни текшириб, кейин уларни доимий, ўзгарувчан ва ярим ўзгарувчан харажатларга ажратади. Ўзгарувчи харажатлар категориясига оид бўлган моддалар учун маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар ҳисобланади. Доимий харажатлар категориясига кирувчи моддалар учун ҳисобот давридаги умумий харажатлар олинади. Ярим ўзгарувчан харажатлар категориясига кирувчи моддалар учун харажатлар динамикасини энг ёрқин ифодалаб берувчи харажатлар функцияси танланади, яъни ўзгарувчан қисми учун маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар, доимий қисми учун эса умумий суммаси олинади.

1-Мисол. Кейинги ойда 10 000 бирликда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган.

Асосий ишлаб чиқариш материаллари	120000
Асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнати	160000
Ёрдамчи ходимларнинг	50000
Амортизация	20000
Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	15000
Жами харажатлар	***365000***

Бўлим менежери ва бухгалтер харажатнинг ҳар бир моддасини ўрганиб, уларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратади. Ушбу таҳлил натижаларини қуйидагича расмийлаштиришимиз мумкин бўлади (1.9-жадвал):

1.9-жадвал

Счетларни таҳлил қилиш натижалари

	Ўзгарувчан харажатлар (маҳсулот бирлигига нисбатан)	Умумий доимий харажатлар
Асосий ишлаб чиқариш материаллари	12.0	
Асосий ходимлар меҳнати	16.0	
Ёрдамчи ходимлар меҳнати		50000
Амортизация		20000
Таъмирот ва техник хизмат кўрсатиш	0.50	10000
	28.5	***80000***

Ушбу жадвалга аҳамият қаратадиган бўлсак, таъмирот ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари ярим ўзгарувчан харажатлар категорияси

сифатида таснифланган ва бунда ўзгарувчан харажатлар маҳсулот бирлигига нисбатан 0.50 ва плюс 10.000 доимий харажатларга киритилган. Ҳисоблаш натижалари бўйича қарайдиган бўлсак, маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар 28.5 сўмни ташкил этган ҳолда, 10.000 маҳсулот бирлиги ишлаб чиқаришда 285.000 минг сўм ўзгарувчан харажатларни ташкил этмоқда. Ушбу суммага 80.000 минг сўм доимий харажатлар қўшилади. Натижада умумий харажатлар 365.000 минг сўм (285.000 + 80.000)ни ташкил этмоқда. Харажатлар функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади

У=80.000 + 28.5 х Х = 80.000+28.5х10.000 =365.000 минг сўм

Ушбу функция ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум бир диапазонидаги исталган бирлигида умумий харажатлар суммасини аниқлаш имконини беради. Харажатларнинг бу функцияси харажатларнинг ҳар бир алоҳида моддасига ишлаб чиқаришнинг бошқа даражаларида қўлланилади. Лекин келтирилган мисол ва унинг ечимидан кўриниб турибдики харажатларни ўзгарувчан ва доимий ташкил этувчи қисмларининг таҳлили етарли даражада субъектив ҳисобланади. Бундан ташқари таҳлил янги маълумотларга таянаяпди, қайсики унинг олдинги таҳлил натижалари ёки келгусидаги таҳлил натижаларига мос келмай қолиши ҳам мумкин.

Энг катта ва кичик қиймат методи. Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда энг катта ва энг кичик фаоллик даври танланиб, унда ушбу даврга харажатларнинг ўзгариши фаоллик даражасининг ўзгаришига таққосланади.

Мисол учун ўтган олти ой мабойнида ноябр ойи учун энг катта таннарх суммаси 21.500 п.б. ни ташкил этди, қайсики бунда 3.000 меҳнат соати сарфланган. Энг кам таннарх август ойида 13.500 п.б. га тенг бўлиб, бу 1.400 меҳнати соати учун ҳисобланган. Биз b нинг қийматини таннархнинг энг катта қиймати ва энг кичик қиймати ўртасидаги фарқни ушбу харажатларни юзага келишига омил бўлган меҳнат соатларининг энг катта ва энг кичик қийматига бўлиш орқали топишимиз мумкин бўлади.

Ҳар бир меҳнат соатига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар (b) қуйидагича аниқланади:

$$b = \frac{\textit{Харажатлар ўртасидаги фарқ}}{\textit{Фаоллик даражаси ўртасидаги фарқ}} =$$

$$= \frac{21.500 \text{ п.б.} - 13.500 \text{ п.б.}}{3.000 \text{ м.с.} - 1400 \text{ м.с.}} = \frac{8.000 \text{ п.б.}}{1.600 \text{ м.с.}} = 5 \text{ п.б./м.с.}$$

Бу кўрсаткич шуни англатадики, демак корхонада ҳар бир меҳнат соатининг таннархи 5 п.б га тенг бўлади. Агар аралаш харажатларнинг

формуласида *(y = a + bx)* ўзгармас миқдорлар ўрнига тегишли қийматларини қуйиб чиқилса ушбу ҳолатдаги мисол учун чизиқли тенглама формуласини яратиш мумкин. Бунинг учун юқоридаги мисол маълумотлари асосида *a* нинг қийматини аниқлаб оламиз. Август ойида 1.400 меҳнат соатида 13.500 п.б. таннарх шаклланган.Ушбу маълумотларни формулага қўямиз:

$$\boldsymbol{Y = a + bX}$$

13.500 п.б. = а + 5 п.б./м.с. * 1.400 меҳнат соати
13.500 п.б. = а + 7.000 п.б.
А = 13.500 п.б. – 7.000 п.б.
А = 6.500 п.б.

У ҳолда чизиқли формула тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Y = 6500 п.б. + 5 п.б. /м.с. * X

Ушбу формула фаоллик даражасининг энг катта ва энг кичик даражаси ўртасидаги фарқ оралиғидаги ҳар қандай нуқтада умумий харажатлар суммасини аниқлаш имконини беради. Демак, биз формула ёрдамида 3.000 меҳнат соатлари билан 1.400 меҳнат соатлари ўртасидаги ҳар қандай сарфланган меҳнат соатларида умумий таннархни аниқлашимиз мумкин бўлади. Масалан, корхона менеджери 2.500 м.с.да умумий харажатлар қанча бўлишини билишни ҳоҳласа қуйидаги ҳисоб-китоблар ушбу саволга жавоб бериши мумкин бўлади.

$$\boldsymbol{Y = a + bX}$$

Y = 6.500 п.б. + 5 п.б. (2.500)
= 6.500 п.б. + 12.500 п.б.
= 19.000 п.б.

Бошқа бир мисолда кўриб ўтамиз, корхонада 12 ой мабойнида техник хизмат кўрсатиш харажати бўйича энг катта ва энг кичик фаоллик даражасида ишлаб чиқариш фаоллиги ва харажатларнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар олинди (1.10-жадвал):

1.10-жадвал

Ишлаб чиқариш фаоллиги ва харажатларнинг ўзгариши

	Ишлаб чиқариш фаоллиги	Харажатлар
Энг кичик фаоллик даражаси	5000	32000
Энг катта фаоллик даражаси	10000	52000
Фарқи	5000	20000

Доимий харажатлар бу тўплам харажатлар ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. (Тасаввур қиламиз: маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар ўзгармас). 5000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришда тўплам харажатлар 32000 минг сумни ташкил этмоқда.

Юқоридаги формула бўйича маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларни аниқлаймиз: 20000/5000=4. Демак, 5000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзгарувчан харажатлар 20000 минг сумни ташкил этади (5000 х4). Доимий харажатлар эса, 12000 минг сумни ташкил этади (32000-20000).

Бунда харажатлар функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади :

$$У = 12000+4Х$$

Ушбу харажатлар функциясини график кўринишида акс эттириш мумкин.

Диаграмма тузиш усули. Бунда ҳар бир фаолият тури бўйича тўплам харажатлар графикка жойлаштирилади. Умумий харажатлар вертикал У ўқига, ишлаб чиқариш ҳажми горизантал Х ўқига жойлаштирилади. Олинган натижалар қиймати қуйиб чиқилади ва тўғри чизиқ юзага келади. Масалан, график тузиш учун кузатув натижасида қуйидаги маълумотлар олинган (1.11-жадвал):

1.11-жадвал

Даврларда асбоб-ускуналарнинг иш вақти ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари ўртасидаги боғлиқлик

Даврлар	Асбоб-ускуналар иш вақти, Х	Техник хизмат кўрсатиш харажатлари, У
1	100	1400
2	450	1700
3	400	1800
4	600	2200
5	700	1850
6	350	1550
7	250	1450
8	750	2500
9	150	1500
10	1000	2200
11	300	1750
12	900	1850

Чизмадаги графикдан кўриниб турибдики, техник хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар ишлаб чиқариш фаоллигининг ҳар бир даражасида алоҳида жойлаштирилган. Харажатларнинг тўғри чизиғи шундай ўтказилганки, бунда чизиқ юқорида жойлашган нуқта билан пастки қисмда жойлашган нуқта оралиғи ўртасидан ўтказилган. Тўғри чизиқнинг вертикал У ўқини кесиб ўтган нуқтаси аслида доимий харажатларни беради. Бу ўз навбатида $Y = a + bX$ туғри чизиқ

тенгламасидаги а нинг қийматини беради. Бизнинг мисолда чизма орқали бу қиймат 1300.0 п.б. га тенг эканлигини аниқлаймиз. Формуладаги b нинг қиймати энг катта қиймат ва энг кичик қиймат усулидаги каби ишлаб чиқаришнинг маълум оралиқларидаги, масалан бизнинг мисолда 500 соат билан 200 соат даражалари ўртасидаги фарқ ҳамда ушбу даражаларда техник хизмат кўрсатиш харажатларининг мос қийматлари, мисолда 1800 п.б. билан 1500 п.б. ўртасидаги фарқларнинг нисбати сифатида аниқланади.

Харажатларнинг катта ва кичик қийматлари ўртасидаги фарқ =
Ишлаб чиқариш фаоллигининг катта ва кичик даражалари ўртасидаги фарқ

= (1800 – 1500) / (500 – 300) = 1.5 п.б.

Демак, ушбу мисолда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар 2 п.б. га тенг экан. У ҳолда ушбу мисолга оид бўлган тўғри чизиқ тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$Y = 1300 + 1.5\,X$$

Агар мисол учун активлик даражаси 300 соат бўлганда техник хизмат кўрсатиш харажатлари тенг бўлади:

Y = 1300 + 1.5 x 300 = 1300 +450 = 1750 п.б.

График методнинг қўлайлик томони шундан иборатки, агар аралаш харажатларнинг графиги чизилган бўлса у ҳолда исталган фаоллик даражасида формуладан фойдаланмаган ҳолда ҳам график орқали харажатларнинг қийматини аниқлаб олиш имконини беради.

Кўп ҳолларда таннарх ва унинг омиллари ўртасида аниқ чизиқли боғланишни ўрнатиш қийин вазият ҳисобланади. 3.10-чизмада турли хил диаграммалар кўрсатилган. (а) диаграммада таннарх ва фаоллик даражаси ўртасида боғлиқликни ифода этиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бунда боғликликни тўғри чизиқ ёки эгри ёйсимон чизиқ орқали тасвирлаб бўлмайди. (b) диаграммада эса таннарх ва фаоллик даражаси ўртасида кучли боғлиқ мавжуд, лекин ушбу боғлиқлик туғри чизиқли эмас, балки эгри чизиқли деб боҳолаш мумкин. (с) диаграммада эса боғлиқлик чизиқли бўлсада, лекин ҳаммавақт ҳам юқори фаоллик даражасига энг катта таннарх даражаси мос келавермайди. Бундай пайтларда менеджер боғлиқликни аниқлашда энг катта ва энг кичик қиймат усулини ёки бошқа усулларни қуллашни ҳал қилиши лозим бўлади.

4-МОДУЛ. МАТЕРИАЛ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ.

4.1. Материалларни бошқариш жараёни. Материалларни харид қилиш, сақлаш ва ишлаб чиқаришга бериш.
4.2. Материалларни ҳисобга олишнинг узлуксиз ва даврий тизимлари. Ишлаб чиқаришга берилган материалларнинг таннархини аниқлаш.

4.1-МАЪРУЗА. Материалларни бошқариш жараёни. Материалларни харид қилиш, сақлаш ва ишлаб чиқаришга бериш.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш муҳитида компаниялар кўплаб деталлар ва қисмлардан таркиб топган маҳсулотларнинг кенг ассортименти ишлаб чиқарадилар. Шу боис, ушбу компанияларда материалларни режалаштириш ва бошқариш муаммоси комплекс муаммо ҳисобланади.

Икки турдаги материаллар мавжуд - тўғридан-тўғри (асосий) ва билвосита (ёрдамчи). ***Тўғридан тўғри материаллар*** – бу хом-ашё ва материал бўлиб, қайсики ундан маҳсулот ишлаб чиқарилади. Масалан, стол ва стул ишлаб чиқариш учун тахта. ***Билвосита материаллар*** - бу ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган заҳиралар, масалан, ёғлаш материаллар, гайка, винтлар ва хўжаликни юритиш учун ишлатиладиган бошқа материаллар. Билвосита материалар устама харажатларнинг бир қисмини ташкил этади.

Заҳираларни бошқаришнинг бош мақсади заҳираларнинг барча турлари – хом-ашёдан тайёр маҳсулотга қадар оптимал даражасини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашдир. Заҳираларнинг оптимал даражасини белгилаш ишлаб чиқаришнинг заруриятлари ва харидорларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган заҳиралар миқдорини тутиб туришни англатади. Бошқа томондан ҳаддан ташқари ортиқча заҳираларни ушлаб туриш маблағлар айланишини секинлаштиради, қайсики ушбу материаллар бошқа мақсадларда самарали фойдаланиши мумкин.

Омбор мудири сақланишда турган ҳар бир материалларнинг оптимал даражасини таъминлашда жавобгар шахс ҳисобланади. У ҳар бир материалнинг тури ва ассортименти бўйича миқдорий ҳисобини юритади. Бу ҳисоб ахборотлари омбор карточкаларида йиғилади.

Эҳтиёж мавжуд бўлган заҳираларга бЎлган талабларни аниқлашда биринчи босқичи бЎлиб *заҳираларга бЎлган эҳтиёжни* аниқлаш бўлиб ҳисобланади. У ёки бу турдаги материаллар заҳираларига бўлган эҳтиёж даражаси буюртма даражасига етганда омбор мудири моддий-техника таъминоти бўлими (МТБ) ёки харид бЎлимига *материалларни* ***харид қилиш учун талабномани*** тўлдиради. Харид қилиш учун талабнома харид жараёнига асосий ҳаракат берувчи ҳужжати ҳисобланади. Харид қилиш учун талабнома асосий ҳужжат бЎлганлиги учун энг кЎп тарқалган шаклини қуйидаги кЎринишда келтириш мумкин (2.1-жадвал)

2.1-жадвал

ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ТАЛАБНОМА
ABC компанияси

Сана: 22.11.2007 йил
Манба: Омбор менежменти ***Талабнома №***

Миқдори	***Ўлчов бирлиги***	***Номи ва тавсифи***	***Қисм №***
200	дона	5 от кучига эга бЎлган электрик матор	2344-5hp
50	Рулон	№10 провод	1050-10 wr

Имзолар:

Харид бўйича талабнома олингандан сўнг, харид бўлимининг маъсул ходими керакли таъминотчиларни танлайди ва кейин таъминот бўйича шартнома ёки ***харид бўйича буюртмаларни*** тузадилар. Харид бўйича буюртманинг шакли 2.2-жадвалда келтирилган.

2.2-жадвал

АВС КОМПАНИЯСИ Таъмин қилиш манзили: 703000 Самарқанд ш. Завод кучаси 34	ХАРИД УЧУН БУЮРТМА Х.Б. № Х 77390 Санаси:24.11.2007
Таъминотчи: ООО “Континентал электрик” 308000 Ташкент ш. Хаво йўллари кучаси 75	**Талабнома** № 74982 **Талаб қилинган сана:** 22.11.2007 **Талаб қилган жой**: омбор менежменти

Миқдори	**Ўлчов бирлиги**	**Номи ва тавсифи**	**Баҳоси**	**Суммаси**
200	Дона	5 от кучига эга бЎлган электрик матор	185.00$	37.000$
50	Rolls	№10 провод	25.00	1.250

Имзолар:

Харид буюртмаси асосида материаллар келиб тушгандан сЎнг, улар харид буюртмасига мувофиқлиги миқдор ва сифат жиҳатдан солиштириб чиқадилар ва ***қабул қилинганлиги тўғрисида ҳисобот*** тузади. Ушбу ҳисобот маълумотлари асосида 200 дона 5 от кучига эга бЎлган электрик матор ҳамда 50 роллс бЎлган №10 проводни қуйидагича журнал ёзуви амалга оширилади:

Заҳира счети	38.250	
Тўланадиган счетлар		38.250
Ёзув учун: 200 дона 5 от кучига эга бўлган Электрик матор ва 50 роллс №10 провод харид қилинди		

Умумий харид суммаси 38.250 п.б. Да бош регистга ёзилади ҳамда индивидуал заҳиралар бўйича эса уларнинг ҳар бир тури бўйича юритиладиган ***заҳиралар карточка регистрига*** ёки ***заҳираларнинг омбор регистрига*** ёзилади. Ҳар бир заҳира турига очилганда карточка

регистрларнинг сони ошиб кетади. Шу боис буни компьютерларда махсус дастурлар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. 5 от кучига эга бўлган электрик матор бўйича юриталадиган заҳира карточка регистри қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин (2.3-жадвал).

2.3-Жадвал

ЗАҲИРА КАРТОЧКА РЕГИСТРИ
АВС КОМПАНИЯСИ

Қисм № 2344-hp
Заҳира: 5 от кучига эга бЎлган электрик матор **Заҳирани баҳолаш методи**:

ФИФО

Ўлчов бирлиги: дона **Қайта буюртма нуқтаси**: 120 бирлик

Буюртма		***Қабул қилинди***				***ҚЎлланилди***				***Қолдиқ***		
Санаси	***Миқдори***	***Санаси***	***Миқдори***	***Баҳоси***	***Суммаси***	***Санаси***	***Миқдори***	***Баҳоси***	***Суммаси***	***Миқдори***	***Баҳоси***	***Суммаси***
		24/10	150	$180	$27000					100	$179	$17900
										150	180	27000
						19/11	100	$179	$17900			
							30	180	5400	120	180	21600
7/11	200											
		10/12	200	185	37000					120	180	21600
										200	185	37000

Заҳираларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳужжатлар заҳиралар таннархи тўғрисидаги маълумотларни идентификациялаш ва уларни тўплашда фойдаланилади. Материлларга талабномалар хом-ашё ва материалларнинг ишлаб чиқариш жараёнига жисмоний оқимини белгилашга ҳамда ушбу асосда компания бухгалтериясида материаллар бЎйича харажатларнинг ҳисобига оид бухгалтерия ёзувларини амалга оширишга имкон беради. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда бухгалтерия фаолияти ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги ***18.6-чизмада*** акс эттириш мумкин.

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, материалларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги оқимининг ҳар бир босқичида материаллар билан боғлиқ таннархнинг шаклланиш босқичи қайд этилган. Масалан, тўғридан-тўғри материаллар заҳирадан ишлаб чиқаришга ўтказилганда ишлаб чиқариш жараёни дебетланиб ишлаб чиқаришдаги тўғридан-тўғри материаллар таннархи шаклланишига олиб борилади. Хом-ашё ва материалларининг оқими заҳираларнинг таннарх оқимига тўлиқ мувофиқ келади.

3-савол. Заҳиралар даражасини режалаштириш ва назорат.

Заҳираларга қилинган сармоялар – бу кўпчилик саноат ва савдо корхоналарида йирик суммадаги активлари ҳисобланади. Шу боис, ушбу сармоялар ўзини оқламайдиган бўлмаслиги учун заҳиралар самарали бошқарилиши муҳим роль ўйнайди. Корхоналар заҳираларга қилинаётган сармояларнинг оптимал даражасини белгилашлари учун заҳираларнинг таннархини аниқлашлари лозим. Заҳиралар таннархи қуйидаги категориялардан таркиб топади: *буюртма қилиш таннархи; сақлаш таннархи ва заҳираларни чиқариш таннархи*

Буюртма қилиш таннархи:

Янги нархлар квотасини талаб қилиш таннархи;

Харид учун буюртмаларни тайёрлаш ва тасдиқлаш таннархи

Юкларни қабул қилиб олиш ва буюртма ордерлари билан текшириб чиқиш харажатлари*:*

Заҳираларни сақлаш қиймати:

ТМЗларга инвестициялар фонди бўйича харажатлар;

Суғурта бўйича қўшимча харажатлар;

Омборда заҳираларни сақлаш учун иситиш, ҳаволантириш, ёритиш, бошқа электр-энергия ҳамда омбор воситаларининг амортизация харажатлар;

Материалларни қайта ишлаш бўйича қўшимча харажатлар;

Заҳиралар билан боғлиқ солиқлар;

Заҳираларнинг моддий ва маънавий эскириши, сифатининг бузулиши ва ёмонлашиши ва ўғирланиши билан боғлиқ йЎқолишлари.

Заҳираларнинг етишмаслиги билан боғлиқ харажатлари:

Сотиш йўқлиги натижасида йўқотишлар;

Яроқсиз маҳсулотлар билан боғлиқ харажатлар;

Қимматроқ материалларни ўрнига қўйиш билан боғлиқ харажатлар;

Маҳсулотларни кечикиб комплектлаганлиги ҳамда жЎнатганлиги учун жарима харажатлари.

Заҳиралар таннархининг ошиб кетмаслигига йўл қўймаслик учун уларнинг оптимал даражасини белгилаш муҳим ўрин тутади.

Заҳираларни буюртма қилиш ҳамда сақлаш харажатлари буюртманинг оптимал даражаси (миқдори)ни белгилашда фойдаланилади. Заҳираларнинг етишмаслиги билан боғлиқ харажатлар эса заҳираларнинг қайта буюртма оптимал нуқтасини аниқлашда қўлланилади.

Заҳираларнинг оптимал миқдорини аниқлашда бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита талабларга дуч келишади:

1) Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун етарли миқдорда заҳиралар билан таъмин этилиши лозим;
2) Улар керак бўлган лекин эскириш рискини оширадиган ортиқча заҳиралардан ҳоли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Заҳираларнинг оптимал даражаси ушбу нуқталар ўртасида жойлашган бўлади.

Заҳираларнинг оптимал даражасини белгилашда ТМЗларнинг заҳираларини сақлаш қиймати ва буюртмаларни бажариш қийматини ўз ичига олган релевант харажатларни ҳисобга олиш ўринлидир.

Миқдорий моделларда ТМЗларни сақлаш релевант харажатларига заҳиралар даражасига боғлиқ ҳолда ўзгарадиган харажатлар киритилади. Заҳирадарнинг даражаси таъсир кўрсатмайдиган харажатлар релевант ҳисобланмайди.

Буюртмаларни бажариш қиймати таъминот бўйича буюртмаларни тайёрлаш, таъминот предмети ва тўлов бўйича счётларни олиш бўйича канцелярия харажатларини ўз ичига олади. Заҳираларнинг ҳар қандан даражасини яратишда бир хил бўлган буюртма қиймати релевант ҳисобланмайди. Фақат буюртмани жойлаштириш бўйича қўшимча қилинадиган харажатлар миқдорий моделларни тузишда фойдаланилади.

Буюртманинг оптимал миқдорини (EOQ) ёки оптимал миқдордаги партияни аниқлаш. Бу шундай буюртма қилинган миқдорки, буюртма ҳажми ва заҳираларни сақлаш қиймати минимал бўлади. Бошқарув ҳисобида учта усул қўлланилади:

Турли хил буюртмалар миқдорида тўплам қийматни акс эттирувчи жадвал ёрдамида;

График усули;

Формула ёрдамида

Ушбу усулларнинг қўлланилишини қуйидаги мисолда кўриб ўтайлик. Компания ташқи таъминотчидан бирлигини 9 минг сўмдан хом-ашё харид қилиб олди. Ушбу маҳсулотга бўлган йиллик талаб 40.000 бирлик ҳисобланади ва қуйидаги қўшимча маълумотлар берилган:

Заҳира бирлигини сақлаш қиймати 1.0 минг сўм

Битта буюртмани таъмин этиш харажатлари 2.0 минг сўм

Буюртманинг оптимал миқдорини аниқлаш талаб этилади (2.5-жадвал):

А. Жадвал усули*:

2.5-Жадвал

Буюртманинг оптимал миқдорини аниқлаш тартиби

Буюртмалар миқдори, бирлик	100	200	300	**400**	500	600	800	10000
Ўртача заҳира, бирлик	50	100	150	*200*	250	300	400	5000
Таъминот учун буюртмалар миқдори, (Йиллик талабни/буюртмалар миқдорига)	400	200	133	*100*	80	67	50	4
Заҳираларни сақлаш йиллик қиймати (Ўртача заҳиралар Х заҳиралар бирлигини сақлаш қиймати)	50	100	150	*200*	250	300	400	5000
Буюртмаларни бажаришнинг йиллик қиймати (таъминот учун буюртмалар миқдорини Х битта буюртманинг харажатига)	800	400	266	*200*	160	134	100	8
Тўплам релевант харажатлар (Заҳираларни сақлаш қиймати + буюртмаларни бажариш қиймати)	850	500	416	**400**	410	434	500	5008

Изоҳ: Ушбу мисол АПБД. Уплавленческий учет 1. Ташкент 2003 й. 54-б масала асосида олинди

Ушбу жадвал маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, тўплам релевант харажатларнинг энг кичиги 400 п.б. лигини ташкил этади. Демак, буюртманинг энг оптимал миқдори энг кичик тўплам харажатларда намаён бўлганлиги учун хулоса қилиш мумкинки, ушбу мисолда буюртманинг оптимал миқдори 400 п.б.лигини ташкил этади.

Б. График усулида. График усул буюртманинг миқдори билан заҳираларни сақлаш ва буюртма харажатлари ўртасидаги боғлиқликка асосланади. Ушбу боғлиқликни юқоридаги мисол маълумотлари асосида график кўринишида акс эттириш мумкин (3.1-чизма). Ушбу боғликликка мувофиқ буюртма миқдори юксалса заҳираларнинг буюртма таннархи пасайиб боради. Чунки, буюртма миқдори ошган сари таъминотга бўлган умумий буюртмалар сони камайади. Буюртмалар сони камайганлиги сабабли буюртманинг умумий таннархи пасайади. Буюртмалар миқдори ошиши билан уларни сақлаш харажатлари тўғри чизиқли ошиб боради, яъни улар ўртасидаги боғланиш чизиқли бўлади. Масалан, заҳираларни суғурталаш, қўриқлаш

ва бошқа сақлаш харажатлари катта бўади, қачонки заҳираларнинг суммаси катта бўлса. Жами заҳира харажатлари графиги ёйсимон кўринишга эга бўлади. Ёйнинг қайтиш нуқтаси, яъни энг минимал харажатларни беради. Ушбу нуқтадан харажатлар ошиши кузатилади. Демак, заҳиралар таннархининг энг минимал нуқтаси *заҳиралар буюртмасининг оптимал нуқтаси* бўлади. 3.1- чизмадаги графикдан кўриниб турибдики заҳираларнинг оптимал миқдори 400 бирликда жами заҳира харажатлари энг минимал 400 п.б. Ни ташкил этмоқда. График усулининг қўлайлиги шундан иборатки унда омиллар билан натижавий кўрсаткич ўртасидаги боғлиқликни яққол кўриш мумкин бўлади.

В. Формула усули. EOQ ни аниқлашнинг формуласи заҳираларнинг буюртма қиймати ва сақлаш харажатларининг графикаси асосида аниқланади. Қуйидаги белгилашларни киритиб оламиз:

А = Давр учун эҳтиёждан келиб чиқиб талаб қилинадиган заҳираларнинг миқдори.

Р = Битта буюртмани бажариш харажатлари.

U = ҳар бир номдаги бирликнинг таннархи

I = Бирликнинг таннархига нисбатан ҳисобланган фоизларда ифодаланган заҳираларни сақлаш харажати

Ушбу ўзгарувчилар жами буюртма харажатлари ва жами сақлаш харажатларини аниқлашда фойдаланиш ва ушбу суммани минималлаштириш асосидаги натижани қуйидаги математик формула орқали аниқлаш мумкин бўлади:

$$EOQ = \sqrt{2\,AP/UI}$$

EOQ формуласи махсус даврларда ҳар бир заҳиралар бирлигига нисбатан ҳисобланади, кўп ҳолларда бир йилга ҳисобланади. Ушбу формуладан кўриниб турибдики, заҳираларнинг оптимал миқдорини аниқлаш учун заҳираларга бўлган эҳтиёж, буюртма таннархи, заҳираларни сақлаш харажатлари каби кўрсаткичлардан фойдаланамиз. Бу ҳар йили бир хил оптимал миқдор деган маънони англатмайди. Ҳар йили кўрсаткичларнинг ўзгариш муносабати билан оптимал миқдор кўрсаткичини қайта ҳисоблашга зарурият туғилади.

EOQ формуласини келтириб чиқариш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

*Жами сақлаш харажатлари = Мавжуд бЎлган Ўртача заҳира * бирлик таннархи * сақлаш харажатлари даражаси*

*= EOQ/2 *\UI*

*Жами буюртма харажатлари = буюртма миқдори * битта буюртмани бажариш таннархи*

*= A/EOQ*P*

Жами харажатлар

*C = EOQ/2 * UI + A/EOQ * P*

$$d\,C / d\,EOQ = UI/2 - AP/EOQ2$$

Тенгликни нолга тенглаб оламиз

$$UI/2 - AP/EOQ2 = 0$$

$EOQ2 = 2AP/UI$ *Бундан,*

$$\boldsymbol{EOQ = \sqrt{2\,AP/UI}}$$

Ушбу формуланинг амалиётда қўлланилишини Unisafe Security Company, қайсики уйларга ва бизнес секторига хавфсизлик жиҳозлари ва ускуналарини етказиб бериш билан шуғулланади. Компания 2-ҳафталик таътил мавсумидан ташқари ҳафтасига 5 кун ишлайди. Бу бир молиявий-хўжалик йилида 250 иш кунини ташкил этади. Маҳсулотларидан бири синдириб ўғирлик ҳолатларида электрон сигнал мосламаси бўлиб, унга оид қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Заҳиранинг Ўртача кунлик эҳтиёжи	40 бирлик
Сотиш нархи	200 $ / бирлик
Таннархи	125 $ /бирлик
Буюртма харажатлари	200 $/ буюртма
Сақлаш харажатлари	20 % бирлик таннарига нисбатан

Формула усулида берилган маълумотлардан фойдаланиб EOQ аниқлаш анча қўлай. Формуладаги (A) йиллик берилганлиги учун унинг қиймати 40 бирлик 250 кунга кўпайтирилса 10.000 бирликни ташкил этади. Битта буюртманинг таннархи (P) масаланинг шартида берилгани бЎйича 200 $. Масаланинг шарти бўйича сақлаш харажатлари (I) 20 %, бирлик таннархи (U) 125 долларга тенг. Ушбу маълумотларни формулага қўйсак, қуйидаги натижаларга эришамиз:

EOQ = $\sqrt{2AP/UI} = \sqrt{2 * 10.000}$ бирлик * 200 $ / 125 $ * 20% = $\sqrt{}$ $4000.000 бирлик / 25 $ = $\sqrt{}$ 160.000 бирлик = 400 бирлик

Демак, буюртманинг оптимал миқдори 400 бирликни ташкил этади, яъни ушбу бирликда заҳиралар билан боғлиқ харажатлар минимум бўлади.

Ушбу мисол маълумотлари ёрдамида буюртмалар сонини EOQга бЎлиш орқали ҳам топиш мумкин.

Буюртмалар сони = A / EOQ

= 10.000 бирлик бир йилда / 400 бирлик бир буюртмада =
25 буюртма бир йилда

Жами буюртма харажатлари = A / EOQ *P

= 10.000 бирлик йил учун * 200 $ бир буюртма / 400 бирлик бир буюртмада

= 5000 $ бир йилда

Буюртманинг оптимал миқдорини белгилаш заҳираларни назорат қилишда, улар билан боғлиқ харажатларни камайтиришда, заҳираларни оптималлаштиришга доир қарорларни қабул қилишда қўл келади.

Айрим адабиётларда U - ҳар бир номдаги бирликнинг таннархи ва I - бирликнинг таннархига нисбатан ҳисобланган фоизларда ифодаланган заҳираларни сақлаш харажати курсаткичларининг кЎпайтмаси сифатида йиллик эҳтиёжни таъмин этиш даври учун заҳира бирлигини сақлаш харажатлари (С) кўрсаткичи олинган. У ҳолда юқоридаги формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$EOQ = \sqrt{2\,AP/C}$$

Ушбу формуланинг қЎлланилишини мисолда кўриб ўтамиз. ООО “Video Galore” компаниясининг йиллик заҳирага бўлган эҳтиёжи 10400 бирлик, буюртма қилиш таннархи 62.50 $, бир бирлик заҳирани сақлаш харажатлари 5.20 $. Ушбу маълумотлар асосида

$$EOQ = \sqrt{2\,(10400) * (62.50\$)/5.20\$} = \sqrt{250000} = 500 \text{ бирлик}$$

Ушбу мисолдаги ҳолатда жами релевант харажатлар (TRC)

$$TRC = AP/Q + QC/2$$

Бунда, Q буюртма миқдори, лекин EOQ га ҳам тенг бЎлиши мумкин. Агар Q – 500 бирликка тенг бЎлса, у ҳолда:

TRC = 10400 * $62.50 / 500 + 500 * $ 5.20 / 2 =

= $1300 + $1300 = $2600

Ушбу давр мабойнида таъминотлар сони

Заҳираларга эҳтиёж / EOQ = 10400 / 500 = 21 та таъминот сони

Демак хулоса қилиш мумкинки, битта буюртмада оптимал заҳиралар миқдори 500 бирликни ташкил этган ҳолда йиллик заҳираларга бЎлган эҳтиёжни таъминлаш учун 21 марта таъминот учун буюртма қилиниши лозим бЎлади. Ушбу таҳлил натижалари буюртмалар ва заҳиралар устидан назорат қилиш имконини беради.

Буюртманинг оптимал миқдорини белгилаш заҳираларнинг қайси миқдорида, яъни қанча қолганда буюртма беришни бошлашни ҳамда қайси вақт моментида буюртма беришни аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу момент ***қайта буюртма бериш нуқтаси*** деб аталади. Буюртмани расмийлаштиришдан бошлаб то ҳақиқатда

буюртмаларнинг келиб тушушигача кетган вақт ***буюртма циклини*** ташкил этади.

Масалан, Хом-ашёнинг йиллик сарфи 10.000 бирлик, ҳафталик хом-ашёлар сарфи стабил бЎлиб Ўзгармас ҳисобланади. Агар бир йилда 50 иш ҳафтаси мавжуд бЎлса, у ҳолда хом-ашёларнинг ҳафталик сарфи 200 бирликни ташкил этади. Агар буюртма цикли 2 ҳафта бЎлса, у ҳолда буюртмани 400 бирлик заҳира қолгандан бошлаш керак. Чунки, 400 бирликни 2 ҳафта ишлатади, шу вақт ичида 2 ҳафта олдин буюртма берилган янги заҳиралар келиб тушади. Натижада заҳираларда узлуксизлик юз бермайди. Агар заҳираларнинг оптимал миқдори аниқ бЎлса, ундан хулоса қилиш мумкинки йиллик эҳтиёждан келиб чиқиб қанча буюртма қилиш лозимлигини ҳисоблаш мумкин. Бизнинг мисолимизда заҳираларнинг оптимал миқдори 2000 бирлик бЎлса, у ҳолда йил давомида 5 марта буюртмани амалга ошириш керак. Бунда 50 иш ҳафтасини ҳисобга олсак 10 ҳафтада битта буюртмани қилиш керак бЎлади. Аммо, 2 ҳафталик буюртма циклини ҳисобга оладиган бЎлсак, заҳираларни биринчи қабул қилгандан сЎнг 8 ҳафтадан кейин, яъни заҳираларнинг тугашига 2 ҳафта қолганда 400 бирликдаги моментдан бошлаш керак. Бундай ҳолларда буюртма ҳар 10 ҳафтада қайтарилади.

Ушбу циклни ***қуйидаги графикда*** акс эттириш мумкин.

Шундай қилиб қайта буюртма бериш нуқтаси ва буюртма цикли қачон заҳираларни тўлдириш лозимлиги ҳамда заҳираларни тўлдириш тўғрисидаги ахборотларни беради ва бу ахборотлар заҳираларни назорат қилишда қўл келади.

4-савол. Материаллар чиқиндиси ҳисоби.

Ишлаб чиқариш жараёни ***материаллар чиқиндисини*** юзага келтиради, қайсики улар ишлаб чиқариш натижаси бўлиб ёроқли материал ҳисобланади. Мисол учун, пўлат листлардан парчалар кесиб олинганда чиқадиган пўлат қириндилари ёки иситиш ва ҳаволантириш кондинционерларини катушкаларини ишлаб чиқишда мис трубачалари қисмларининг чиқиндилари ва бошқа ҳолатларни айтиш мумкин. Чиқинди ҳам меъёрда бўлиши керак. Кўп чиқинди чиқиши ҳам ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади, ишлаб чиқариш технологиясининг эскирганлигидан далолат беради.

Материал чиқиндиси сифатида тан олиниши учун иккита тавсифга эга бЎлиши керак:

Биринчидан, чиқинди материаллар бизнеснинг нормал операцион жараёнида фойдаланиб бЎлмаслиги.

Иккинчидан, чиқинди материаллар бозор қийматига эга бўлиши керак.

Чиқинди материаллар билан қайтарилган материалларни фарқлай билиш керак. Қайтарилган материаллар бу фойдаланилмаган хом-ашё ва

материаллар бўлиб, уларни келгуси ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилади. Чиқинди материаллар эса ишлаб чиқариш жараёнидан ўтган ҳамда уни келгуси нормал ишлаб чиқариш жараёнларида хом-ашё сифатида фойдаланиб бўлмайдиган, лекин иқтисодий қийматга эга бўлган маблағдир.

Материаллар чиқиндисини ҳисоби чиқинди материаллар қиймати ва менежмент таннархи объектига боғлиқ ҳолда бир йўлларда амалга оширилади. Чиқиндиларни ҳисобга олишда учта ёндашув мавжуд:

1. Чиқинди материал ажралиб чиққан махсус маҳсулотнинг таннархини камайтиришга олиб бориш;
2. Умумий маҳсулот таннархининг камайишига олиб бориш;
3. Чиқинди материалларни сотилишини бошқа даромадларга олиб бориш.

Чиқинди материал ажралиб чиққан махсус маҳсулотнинг таннархини камайтиришга олиб бориш. Ушбу ёндашувнинг бош концепти чиқинди материалларни аниқ махсус маҳсулотнинг таннархига ёки ишлаб чиқариш фаолияти таннархига олиб боришга таянади. Бунда чиқинди материалларни сотишдан тушган тушум тўғридан-тўғри махсус ишлар ёки жараён марказига олиб борилади.

Масалан, чиқинди материалларни сотишдан тушган тушум 2500 п.б. ташкил этса қуйидагича проводка берилади:

Пул маблағлари (ёки олинадиган счетлар) 2500 п.б.
Ишлаб чиқариш жараёни назорати 2500 п.б.
JO-67584 ишни бажариш натижасида олинган чиқинди материаллар суммаси ёзуви учун

Агарда даставвал чиқинди материаллар чиқинди заҳиралар счетига кирим қилиниб сўнгра унинг чиқарилиши амалга оширилса қуйидаги ёзувлар билан амалга оширилади:

Чиқинди материаллар омборга кирим қилинганда:

Чиқинди материаллар заҳираси 2.500 п.б.
Ишлаб чиқариш жараёни назорати 2.500 п.б.
JO-67584 ишни бажариш натижасида олинган чиқинди материаллар кирими суммаси ёзуви учун

Чиқинди материаллар сотилиши натижасида пул келиб тушганда ёки кейинчалик тўлаш шарти билан сотилганда:

Пул маблағлари (ёки олинадиган счетлар) 2.500 п.б.
Чиқинди материаллар заҳираси 2.500 п.б.
Чиқинди материаллар сотуви ёзуви учун

Умумий маҳсулот таннархининг камайишига олиб бориш. Айрим ҳоллада чиқинди материаллар қийматини махсус маҳсулотларга ёки жараён марказларига олиб бориш иқтисодий мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда чиқинди материалларни сотишдан олинган даромадлар мақсулот таннархини устама ишлаб чиқариш харажатлари счетига олиб бориш орқали камайтириш амалга оширилади.

Чиқинди материаллар заҳиралар счетига олинмасдан ҳисобдан чиқарилганда тўғридан-тўғри пул маблағлари счети билан устама ишлаб чиқариш харажатлари счетлари корреспонденциялашади.

Пул маблағлари (ёки олинадиган) счети 2500
Устама ишлаб чиқариш харажатлари счети 2500
Чиқинди материалларни сотишни махсус
Маҳсулотларга тўғридан-тўғри бўлмаган
Ҳолда идентификациялаш ёзуви

Агар заҳиралар счети орқали ўтказилса қуйидаги иккита ёзув амалга оширилади:

Чиқинди материаллар счетига кирим қилинганда:

Чиқинди материаллар счети 2500
Устама ишлаб чиқариш харажатлари счети 2500

Чиқинди материалларга пул келиб тушганда ёки кейинчалик тўлаш шарти билан чиқинди материаллар сотилганда:

Пул маблағлари (ёки олинадиган счетлар) 2500
Чиқинди материаллар счети 2500

Чиқинди материалларни сотилишини бошқа даромадларга олиб бориш. Ушбу ёндашувда чиқинди материалларни сотишдан олинган даромадлар маҳсулот таннархини камайтиришга олиб борилмасдан бошқа даромад сифатида эътироф этилади. У ҳолда пул маблағлари счети ёки олинадиган счетлар дебетланиб бошқа даромадлар счети кредитланади. Ушбу жараённи қуйидаги ёзув орқали амалга ошириш мумкин:

Пул маблағлари (ёки олинадиган счетлар) 2500
Чиқинди материаллар сотилиши 2500

Чиқинди материаллар сотилиши ёзуви учун

Чиқинди материалларни сотишдан олинган даромад бошқа даромадларга агар унинг миқдори катта бўлмаган ҳолларда олиб борилади.

5. Дефект бирликлар ҳисоби.

Компаниялар маҳсулотлар сифатини стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида сифат назоратини ўрнатадилар. Сифат назоратини ўрнатишдан мақсад компания ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг стандартларга мувофиқлигини назорат қилишдан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнида дефект бирликлар юзага келади. Дефект бирликлар бу сифат стандарт талабларига тўлиқ ёки қисман жавоб берадиган товарлар ҳисобланади. Дефект бирликлар бўлиб чиқишига асосий сабаблар меъёрий дефект чиқиш миқдори (тўғирлаб бўлмайдиган) ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва технологияларнинг ҳолати ва ишчиларнинг совуққонлик билан муносабати (тўғирласа бўладиган) ва бошқа ҳолатлар ҳисобланади.

Стандарт талабларига жавоб бермайдиган бирликларнинг бухгалтерия ҳисобини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз:

№8240 иш

Ишлаб чиқарилган бирлик	100
Дефект бирлик	10
Нормал сотиш баҳоси	50 п.б.
Маҳсулот таннархи:	
Тўғридан-тўғри материаллар	900 п.б.
тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи	1200
устама ишлаб чиқариш харажатлари	600
Жами харажатлар	2700 п.б.

Дефект бирликлар нормал нархдан паст нархга сотилиши, қайта ишланиши ёки нормал маҳсулот каби сотилиши мумкин. Уларнинг тасарруф қилиниши кўп жиҳатдан иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлади. Дефект бирликларни иқтисодий жиҳатдан қайта ишлаш мумкин бўлмаган ҳолатларда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби билан бошқарув ҳисоби нуқтаи назаридан танишиб чиқайлик.

Дефект бирликларни сотиш мумкин бўлмаган ҳолларда. Юқоридаги мисолда 100 бирлик маҳсулотдан фақат стандарт талабларига жавоб берадиган 90 бирлиги қабул қилинган. 10 бирлиги қийматга эга бўлмаганлиги сабабли чиқариб ташланган. Ушбу зарарни акс эттириш учун иккита йўл мавжуд. Биринчиси шундан иборатки №8240 рақамли иш бўйича юзага келган зарарни барча стандарт талабларида ишлаб чиқилган яхши товарларга тақсимлашдир. Бундан ҳолларда ёмон ишлаб чиқилган товарларга бухгалтерия ёзувини амалга

ошириш талаб этилмайди. Жами харажатлар 2700 п.б. 90 бирлик яхши товарлар бирлигига бўлинади. Маҳсулот бирлигининг таннархи 30 п.б. Ташкил этади. Ушбу усулнинг муқобил вариантида ёмон товарларнинг таннархини бутун маҳсулот таннархи қийматида акс эттириш бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ҳолатларда ишлаб чиқариш жараёни назорати счетида ҳисобга олинадиган таннархи суммаси, №8240 ишнинг таннархи ёмон маҳсулотлар таннархи 270 п.б. ((2.700 п.б. /100 бирлик) * 10 дефект бирликлар) га камайтирилади. Иккинчи томондан устама ишлаб чиқариш харажатлари назорати счети 270 п.б. Га кўпаяди. Натижада маҳсулот бирлигининг таннархи 27 п.б. Ни ташкил этади ((2.700 – 270) / 90) . Ушбу жараённи қуйидагича акс эттириш мумкин бўлади.

Устама ишлаб чиқариш харажатлари назорати 270
Ишлаб чиқариш жараёни назорати 270
№8240 иш бЎйича 10 та дефект маҳсулот таннархини бутун маҳсулот таннархида ифодасини топтириш

Дефект бирликлар сотилганда. Айрим ҳолатларда дефект маҳсулотлар нормал нархлардан паст нархларда сотилиши мумкин. Юқоридаги мисолда 10 бирлик ёмон маҳсулот ҳар бири 10 п.б. дан сотилди деб қарайлик. Дефект маҳсулот таннархи №8240 иш таннархига олидиндан олиб бориб қўйилган. Ушбу ҳолатда дефект маҳсулотни сотишдан олинган тушум унинг таннархини камайтиришга олиб борилиши мумкин. Дефект маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнидан алоҳида дефет бирликлар заҳиралари счетига қабул қилиб олинади. Бухгалтерия счетларида қуйидагича акс эттириш мумкин.

Дефект бирликлар заҳиралари 100
Ишлаб чиқариш жараёни назорати 100
№8240 иш бўйича таннархини ишлаб чиқаришдан қабул қилинган дефект маҳсулотларни сотиш қийматида кирим қилиниши

Ушбу ёзувлар амалга оширилгандан кейин №8240 иш бўйича маҳсулот бирлигининг таннархи 28.89 п.б. ни ташкил этади ((2700 – 100) / 90).

Муқобил ёндашувда кўрилган зарар бутун маҳсулотга тақсимланади. Бунда №8240 иш бЎйича маҳсулот таннархи 270 п.б. га камайтирилади. Дефект маҳсулотлар эса сотиш нархида кирим қилиниб, қолган зарар 170 п.б. (270-100) устама ишлаб чиқариш харажатлари счетига олиб борилади. Ушбу жараённи бухгалтерия счетларида қуйидагича акс эттириш мумкин.

Дефект бирликлар заҳиралари 100
Устама ишлаб чиқариш жараёни назорати 170
ишлаб чиқариш жараёни назорати 270
(№8240 иш бўйича таннархини ишлаб чиқаришдан
Қабул қилинган дефект маҳсулотларни сотиш
Қийматида кирим қилиниши ҳамда сотиш қиймати
Билан таннарх ўртасидаги фарқни маҳсулот
таннархига олиб бориш)

Дефект бирликлар сотилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

Пул маблағлари счети ёки (олинадиган счетлар) 100
Дефект бирликлар заҳиралари 100

Дефект бирликлар қайта ишланганда. Айрим ҳолларда дефект бирликлар нормал бирликлар ҳолатига келтирилиши учун қайта ишланиши мумкин. Дефект бирликлар қайта ишланганда қўшимча материаллар ҳамда ишчи кучи сарфланади. Бизнинг мисолимизда 10 бирлик маҳсулотни қайта ишлаш учун 40 п.б. Материал, 60 п.б. Миқдорида тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи сарфланди. Устама ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ставкасига мувофиқ харажатларнинг 50% миқдорида дефект маҳсулотни қайта ишлаш харажатларига олиб борилади.

Ушбу ҳолат бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати 150
Заҳиралар назорати 40
Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар 60
Тақсимланган устама ишлаб чиқариш 50
№8240 иш бўйича дефект бирликлар таннархини ёзиш учун

Бу ёзув №8240 иш бўйича ишлаб чиқариш таннархини юксалишига олиб келади. Ушбу иш бўйича жами ишлаб чиқариш таннархи 2.850 п.б. (2.700 + 150) ни ташкил этади. Маҳсулот бирлигининг таннархи энди 90 бирликка нисбатан эмас, балки 100 бирликка нисбатан ҳисобланади. Бу 28.50 п.б. Га тенг бўлади (2.850 / 100).

Агарда дефект маҳсулот умумий ишлаб чиқариш жараёни камчилиги сифатида юзага келса, у ҳолда қайта ишлаш харажатлари маҳсулот таннархига дасттавал устама ишлаб чиқариш харажатларига олиб бориб, сўнгра тақсимлаш орқали қўшилади. Ёзувлар қуйидагича бўлади:

Устама ишлаб чиқариш харажатлари назорати 150
Заҳира назорати 40
Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар 60
Тақсимланган устама ишлаб чиқариш 50
№8240 иш бўйича дефект бирликлар таннархини бутун маҳсулотларга тақсимлаш ёзуви учун

Ушбу ҳолатларда ёмон бирликларни қайта ишлаш харажатлари устама ишлаб чиқариш харажатлари счетини ўзгартиради ҳамда тақсимлаш ставкаси орқали бутун маҳсулот бирлигига тақсимланади. Агар дефект бирликлар ишлаб чиқаришнинг харажатлари сифатида қаралса, албатта қайта ишлаш харажатлари устама ишлаб чиқариш харажатлари бюджетига киритилган бўлади, қачонки устама харажатлар кредитланганда дефект бирликларни тузатиш бўйича харажатлар ҳам ҳисобга олинган бўлади. №8240 иш бўйича қайта ишлаш харажатлари тақсимланмаган бўлса, маҳсулот бирлигининг таннархи 27 п.б.ни ташкил этади (2700 п.б./100 бирлик).

4.2-Маъруза. Материалларни ҳисобга олишнинг узлуксиз ва даврий тизимлари. Ишлаб чиқаришга берилган материалларнинг таннархни аниқлаш.

ТМЗларнинг ҳақиқий таннархи фақат уларни харид қилиш баҳоси билан эмас, балки бошқа харажатлар, жумладан уни сотиб олиш, сақлаш ва фойдаланиш билан болиқ харажатлар билан ҳам бегланилади.

Бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ТМЗлар таннархи уларни харид қилиш, жойлашган жойига ва зарур ҳолатга келтириш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатлари қамраб олади. ТМЗларни харид қилиш харажатларига харид қиймати, импорт божхона пошлинаси ва йиғимлари, маҳсулотларни сертификатлаш харажатлари, комиссион рағбатлантиришлар, солиқлар (масалан, ҚҚС) ҳамда транспорт-тайёрлов харажатлари, хизмат кўрсатишлар ва бошқа ТМБларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ харажатлар киради. Савдо дисконтлари ва чигирмалари ҳам ТМЗлар таннархини аниқлашда ҳисобга олинади.

ТМЗларни ҳисобга олишнинг ***узлуксиз*** ва ***даврий тизимлари*** қўлланилади. *ТМЗлар узлуксиз тизимида* ТМЗлар баланс счётида кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида тўлиқ маълумотларни ёзиш орқали юритилади. Ушбу ёзувлар натижасида ҳисобот даври давомида маълум санада ТМЗларнинг аниқ турлари ва ассортименти бўйича қолдиқлари ва реализация қилинган заҳираларнинг таннархи аниқланади. Натижада реализация қилинган ТМЗларнинг таннархи бир жараёндаги ҳисоб билан аниқланадиган сумма бўлмасдан, балки бир қанча босқичда, яъни

реализация ва чиқарилиш жараёнида аниқланиб бориладиган сумма ҳисобланади.

ТМЗлар даврий ҳисобида деталли ҳисоб юритилмайди. ТМЗларнинг ҳақиқий миқдори инвентаризация қилиш орқали аниқланади. Реализация қилинган ТМЗлар таннархи инвентаризация тугатулгунга қадар аниқлаш имконияти бўлмайди, чунки реализация қилинган ТМЗлар таннархи қўйидаги формула бўйича аниқланади:

Ҳисобот даврининг бошида ТМЗлар қолдиғи
Қўшилади: ТМЗлар хариди
Реализацияга мулжалланган ТМЗлар таннархи
Айирилади: Ҳисобот даврининг охирида ТМЗлар қолдиғи
Реализация қилинган ТМЗлар таннархи.

Узлуксиз ва даврий ҳисоб тизимларининг бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттириш тартибини куйидаги 2.4-жадвалда расмийлаштирамиз.

2.4-жадвал

МЧЖ "American Oilseeds and Grains" корхонаси мисолида товар-моддий бойликларни даврий ва узлуксиз ҳисоблар тизимида ҳисобга олишниши

Асосий хўжалик операцияларининг мазмуни	**ТМЗлар даврий тизими**			**ТМЗлар узлуксиз тизими**		
	Д-т	**К-т**	**Сумма**	**Д-т**	**К-т**	**Сумма**
1. Таъминотчилардан хом-ашё хариди	1710	6010	6750.0	1010	6010	6750.0
2. Хом-ашё асосий ишлаб чиқаришга чиқарилди.				2010	1010	3375.0
3. Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё қиймати аниқланди (4-формула): Хом-ашё бошланғич қолдиғи. Харид қилинган хом-ашё. Хом-ашё охирги қолдиғи.	 9111 9111 1010	 1010 1710 9111	 1500.0 6750.0 4875.0			
4. Ишлаб чиқаришга оид ишчиларга иш хақи, суғурта ва ДМФларига ажратма	2010	6710 6520	360.0	2010	6710 6520	360.0
5. Ишлаб чиқаришга оид асосий воситалар депресиацияси	2010	0200	1365.0	2010	0200	360.0
6.Асосий ишлаб чиқариш счётига умум-ишлабчиқариш харажатлари тақсимланди	2010	2510 2610	938.0	2010	2510 2610	938.0
7. Тайёр маҳсулот бошланғич таннархда қабул қилинди				2810	2010	6138.0
8. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархи аниқланди (5-формала): Ишлаб чиқариш бошланғич қолдиғи. Ишлаб чиқариш таннархи (3375+360+1365+938). Ишлаб чиқариш охирги қолдиғи. Тайёр маҳсулот таннархи .	 9112 9112 2010 2810	 2010 2010 9112 9112	 250.0 6038.0 150.0 6138.0			
9. Тайёр маҳсулот сотилди				4010	9010	8200.0

10. Сотилган тайёр маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди				9110	2810	6128.0
11. Тайёр маҳсулот сотиш таннархи (6-формула): Тайёр маҳсулот бошланғич қолдиғи Тайёр маҳсулот таннархи Тайёр маҳсулот охирги қолдиғи Тайёр маҳсулот сотиш таннархи	 9110 9110 2810 9910	 2810 2810 9112 9110	 55.0 6138.0 65.0 6128.0			
12. Тайёр маҳсулотлар сотиш таннархи				9910	9110	6128.0

Изоҳ: 1. 1710-счётнинг номланиши 82-бетда, 9111 ва 9112 счётларнинг номланиши 88-бетларда келтирилган; 2. 2010, 0200, 2510, 2810-счётларнинг номланиши 21-сон БҲМСда келтирилган счётлар режасига тўлиқ мувофиқ келади (44, 265-268-б.).

2.4-жадвалда кўрсатилган тартиб таннарх тамойили талабларига тўлиқ жавоб беради. ТМЗларнинг бошланғич қийматини аниқлаш, баҳолаш усуллари, сотилган ТМЗлар таннархини аниқлаш методикасини халқаро ва миллий стандартлар талабларидан келиб чиққан.

Чиқарилган материалларнинг қийматини ва охирги заҳираларни баҳолашда бир қанча усуллардан фойдаланилади:

1) ФИФО (биринчи кирим биринчи чиқим);
2) ЛИФО (сўнги кирим биринчи чиқим);
3) ўртача салмоқли қиймат (АВЕКО);
4) таннархдан ва реализациянинг соф қийматининг энг кичиги методи;
5) чакана баҳо методида ТМЗ ҳисоби;
6) ялпи фойда методи;
7) НИФО “келгуси кирим биримчи чиқим”;
8) норматив қиймат бўйича ТМЗларни ҳисобга олиш методи.

ФИФО, ЛИФО, ўртача солмоқли қиймат усуллари молиявий ҳисоб курсида баён қилинган. Қолган методларнинг мазмуни ва қўлланилиши билан танишиб чиқамиз.

ТМЗларни ҳисобга олишнинг ялпи фойда методи.

Ушбу метод таннархга нисбатан белгиланган наценка (устама) аниқ бўлган тақдирда ялпи даромадни аниқлашга асосланади. Масалан, қуйидаги маълумотлар берилган.

ТМЗлар бошланғич қолдиғи	140.000 минг сЎм
Харид	250.000 минг сЎм
Реализациядан олинган даромад	330.000 минг сЎм
Таннархга нисбатан наценка	25%

Ушбу маълумотлар асосида ялпи фойда усулини қўллаган ҳолда ТМЗлар охирги қолдиғи қийматини аниқлаш талаб этилади:

1. Ялпи даромад даражасини аниқлаймиз:

Ялпи даромад даражаси = таннархга нисбатан наценка / (100% + таннархга нисбатан наценка)

ЯДД =25/(100+25)=25/125=0.20, демак 20% қилиб олиш мумкин

2. Реализация қилинган маҳсулот таннархини аниқлаймиз.

РҚМТ = Реализациядан олинган даромад * (100% - ялпи даромад даражаси).

Ушбу формулага масала шартидаги маълумотларни қўйсак, у ҳолда

РҚМТ = 330.000 (100-20)=330.000 * 80% =264.000

3.ТМЗларнинг даврий тизими усулига мувофиқ

ТМЗлар бошланғич қолдиғи	140.000 минг сўм
Харид	250.000 минг сўм
Сотишга мўлжалланган ТМЗлар	390.000 минг сўм
РҚМТ	264.000 минг сўм
ТМЗлар охирги қолдиғи	***126.000 минг сўм***

Демак, товар-моддий заҳираларнинг охирги қолдиғи 126.000 сЎм мифдорида баҳоланади.

ТМЗларни чакана нарх усули. Қуйидаги маълумотлар берилган:

ТМЗлар бошланғич қолдиғи:	
Таннархи бўйича	225.000 минг сўм
Чакана нарх бўйича	285.000 минг сўм
Соф харид:	
Таннарх бўйича	400.000 минг сўм
Чакана нарх бўйича	525.000 минг сум
Соф устама	45.000 минг сўм
Соф чегирма	25.000 минг сўм
Реализациядан олинган соф даромад	375.000 минг сўм

Ушбу маълумотлар бўйича чакана нарх усулини қўллаган ҳолда ТМЗларнинг охирги қолдиғи қийматини аниқлаш талаб этилади.

1. ТМЗларнинг чакана нархда охирги қолдиғи 225.000+400.000+45.000-25.000-375.000=270.000 минг сўм.
2. Таннархнинг чаканага нисбати (225.000 + 400.000) / (285.000 + 525.000 + 45.000) =625.000/855.000=0.73 ёки 73%

3. ТМЗлар охирги қолдиғининг қиймати 270.000 * 73% = 197100 минг сЎм

Демак, ушбу методда товар-моддий заҳираларнинг охирги қолдиғининг қиймати 197100 минг сЎмга тенг.

Таннархдан ва бозор қийматидан энг кичиги усули. Одатда ушбу усулда таннарх харид қийматига тенг бўлади, чунки харид нархи кўп ҳолларда бозор қийматидан кичик бўлади. Лекин қўйидаги ҳолларда ТМЗларни баҳолаш соф сотиш қийматида амалга оширилади:

Заҳираларни сотиш нархи пасайганда;

Заҳираларга зарар етказилганда

Заҳиралнинг тўлиқ ёки қисман эскириши юз берганда

Реализациянинг соф қиймати – бу товарларни сотишга тайёрлаш харажатларини чегирган ҳолда товарларни сотиш мўлжалланган нархидаги суммаси ҳисобланади. ЎР БҲМСларига мувофиқ, ТМЗлар асосий товар гуруҳлари методига асосан моддалар асосида қийматни реализациянинг соф қийматига қадар камайтириш орқали амалга оширилади.

Моддалар бўйича усул ишлатилганда ҳар бир товар категорияси бўйича ТМЗларни имкон қадар сотишнинг соф қиймати билан заҳираларнинг таннархини солиштириш орқали аниқланади. Иккаласининг ўртасида энг кичиги танланади ва ТМЗлар охирги қолдиғини баҳолашда ушбу кичик қиймат асос қилиб олинади.

НИФО усули. Бу келгусидаги кириш биримчи чиқиш маъносини англатади. Ушбу усул бошқарув қарорларини қабул қилишда анча самарали усул ҳисобланади. Бу шундай мантиқдан келиб чиқадики, у ёки бу операциялар бўйича материалларга нарх белгилашда улар маҳсулот таркибига киритилиб сотилганда у тўлиқ қопланилиши керак. Шу боис, келгуси давр материаллари харажатлари алмаштириладиган материаллар бўлиб ҳисобланади.

Материалларнинг норматив таннархи методида ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар норматив қийматда ҳисобга олинади. ТМЗларнинг ҳақиқий қиймати ва норматив қиймати ўртасида фарқ алоҳида фарқларни ҳисобга олувчи счётларда тўпланиб борилади.

ТМЗларни баҳолашнинг у ёки бу усулларини танлашда унинг камчиликлари ва афзалликларини эътироф этган ҳолда танланиши мақсадга мувофиқдир.

Истеъмолчилар материалларга кам харажатли бўлишини талаб қилиш билан улар юқори сифатли товар ва хизматларни олишга ҳаракат қиладилар. Кўпчилик компаниялар ушбу талабга жавоб бериш учун Сифатни Комплекс Бошқариш Тизимига (TQM) ўтмоқдалар. TQM – бу бизнеснинг барча турдаги функцияларини сифатни узлуксиз равишда юксалтириш жараёнига қўшилиши ҳолатларини акс эттириб беришда қўлланиладиган атама ҳисобланади.

5-МОДУЛ. МЕҲНАТ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

5.1. Ишчи кучи харажатларини ҳисоблаш. Иш ҳақини тўлашга харажатларни таҳлил қилиш.

5.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари. Ишчи кучи қўнимсизлиги ва меҳнат унумдорлиги.

5.1-маъруза. Ишчи кучи харажатларини ҳисоблаш. Иш ҳақини тўлашга харажатларни таҳлил қилиш.

Ишчи кучи маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнларида қатнашиб ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда хизматлар соҳасида шаклланган таннархнинг таркибий қисмига айланади. Иқтисодий мантиқ юзасидан қараладиган бўлса ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган даромад ишчи кучи билан боғлиқ харажатларни қоплайди, яъни олинган даромад харажатларни қоплаш учун манба ҳисобланади. Ишчи кучи билан боғлиқ харажатлар меҳнат ҳақи харажатлари деб аталади.

Меҳнат ҳақи харажатларининг асосий мақсади ҳар бир фаолият турига ишчилар томонидан сарфланган вақтларни алоҳида буюртмаларга ёки табелларга қайд қилиш ва тааллуқли соатбай тўлов ставкасини қўллаш ҳисобланади.

Ишчи кучи бўйича харажатлар ҳисобини қуйидаги йўналишлар бўйича юритиш мумкин:

- Алоҳида операциялар (таннарх объектлари) қийматига ва устама ишлаб чиқариш харажатларга олиб бориш мумкин бўлган ишчи кучи бўйича харажатлар;
- Иш ҳақи ҳисобини тузиш ва ушбу ҳисоб-китоблар асосида тўланадиган иш ҳақи, иш ҳақи билан боғлиқ даромад солиғи, пенсия фонди ва суғурта бўйича суммаларни аниқлаш керак

Меҳнат ҳақи харажатлари композициясини 19-1-чизмада (666-бет) акс эттириш мумкин бўлади.

Меҳнат ҳақи ҳисобининг биринчи босқичида унинг ишлаб чиқаришга оид ёки оид эмаслигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ишчиларнинг ишлаб чиқаришга доир меҳнат ҳақи харажатлари маҳсулотга ишлов беришда сарфланган тўғридан-тўғри ёки билвосита иш соатларининг қийматини ташкил этади. Тўғридан-тўғри иш соатлари бевосита маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган соатлар ҳисобланади. Билвосита иш соатлари маҳсулотни ишлаб чиқаришда

бевосита сарфланмаган, лекин ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарурий иш соатлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришга оид бўлган меҳнат ҳақи бўйича харажатлари таннарх объектига олиб борилишига қараб: Тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи; билвосита меҳнат ҳақига бўлинади.

Тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи – бу маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита сарфланган тўғридан-тўғри иш соатлари ёки ишлаб чиқарган маҳсулот бирлиги, бажарган иши ҳажми учун тўланадиган рағбатлантиришдир. Ушбу турдаги меҳнат ҳақи харажатлари аниқ турдаги маҳсулот таннархига ёки бошқа таннарх объектига тўғридан-тўғри идентификацияланади.

Билвосита меҳнат ҳақи – маҳсулот ишлаб чиқаришда билвосита сарфланган иш соатлари учун тўланадиган ва таннарх объектига маълум тақсимлаш базалари асосида тақсимладиган рағбатлантириш суммасидир. Ушбу харажатлар мутонасиб равишда реализация қилинган маҳсулот ёки заҳиралар таннархига қўшилади. Бошқа ҳолатларда иш ҳақи бўйича билвосита харажатлар ҳисобот даври харажатларига киритиладиг ва фойда ва зарарлар ҳисобидан қопланилади.

Ишлаб чиқаришга оид бўлмаган меҳнат ҳақи харажатларига корхона маркетинги, маъмурий-бошқарув ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган функцияларни бажариш учун сарфланган меҳнат соатлари учун тўланадиган суммалар киради.

Корхонада ишлаб чиқариш ишчилари томонидан турли хил ишларга сарфланган вақтлар тўғрисидаги ахборотларнинг манбаи бўлиб қуйидаги ҳужжатлар ҳисобланади: Буюртмалар карточкаси; ишчи табеллари; туриб қолишлар карточкаси. Ишлаб чиқариш ишчилари ишни бошлаганларида ва ишни тугатиш вақтлари буюртмалар карточкаси ёки табелларга ёзиб борилади. Натижада ходимнинг бир кунда, ҳафтада ва ойда неча соат ишлаганлиги тўғрисидаги маълумотларни олишимиз мумкин. Агар унинг соат ставкаси аниқ бўлса оладиган маошини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Меҳнат ҳақи харажатларининг тўғридан-тўғри ҳамда билвосита эканлигини аниқлаш учун бухгалтерлар ишчиларнинг ўз иш соатларини қандай сарфланганлигини аниқлаш методларига зарурият сезади. Ишчиларнинг меҳнат соатлари тўғрисида деталли ахборотлар олишнинг бир қанча усуллари амал қилади. Кўпчилик компаниялар компьютер ички тизимини ишлаб чиқариш цехларида жойлаштириш тармоғидан фойдаланади. Айрим компаниялар таннарх объектлари бўйича иш соатлари тўрисидаги ахборотларни понтаж тизимида қўлда тўплайди. Бажарилган иш соатлари тўғрисидаги деталли ахборотлар таннарх бухгалтерия ҳисоби тизимига киритилади ва шу аснода харажатлар таннарх объектларига тақсимланади.

Меҳнат ҳақи харажатлари меҳнат ҳақи ставкаси ва ишланган меҳнат соатлари натижаси сифатида шаклланади. Ҳар бир ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат соатлари кунлик меҳнат вақти табели ёки ишнинг меҳнат вақти табелларида йиғилади. ***Кунлик меҳнат табелида*** ҳар бир ишчининг ҳар бир маҳсулот ёки фаолиятда ишланган меҳнат соатлари қайд қилиб борилади.

Кунлик меҳнат табелини қуйидаги шаклда келтириш мумкин (2.6-Жадвал):

2.6-жадвал

КУНЛИК МЕҲНАТ ВАҚТИ ТАБЕЛИ

Исми, шарифи: *Шариф Турғунов*					Санаси 21,*12, 2005*		
Бўлим: *Ишлаб чиқариш №1*					Карточка № *A 59551-F*		
Санаси Иш	*16.12*	*17.12*	*18.12*	*19.12*	*20.12*	*21.12*	Жами
RC577-56MJ	*1.5*		*2*		*2.0*		*5.5*
RC577-56RJ	*3.0*	*3.0*			*3.0*		*9.0*
RC579-56MJ	*2.0*	*5.0*	*4.5*	*8.0*	*1.5*		*21*
Setup	*1.5*		*1.5*		*1.5*		*4.5*
Жами	*8,0*	*8.0*	*8.0*	*8.0*	*8.0*		*40.0*
Табелни тўлдирган масъул шахс имзоси: *Тошев*							
Кунлик меҳнат ставкаси *$7 /соат*			Миқдор (ишбай) ставкаси		Ишлаб чиқарилган бирлик *86*		

Агарда ишчи ходим кун давомида фақат битта иш (буюртма)да ишласа у ҳолда ***ишнинг меҳнат вақти табели*** тўлдирилади. Ушбу табел қуйидаги шаклда тўлдирилиши мумкин (2.7-жадвал):

2.7-жадвал

ИШНИНГ МЕҲНАТ ВАҚТИ ТАБЕЛИ

Исми, шарифи: Соҳиб Қодиров	Санаси: 18,12,2005
Бўлим: Машина	Карточка №. MC47439-M
Қисм номери. QCM 497-36 MJ	
Тугатиш вақти: 11.45	Операция:

Бошлаш вақти: 8.00	Ишнинг номери: 991-86172		Счет рақами:
_____ (масъул шахс имзоси)			
Соати: 3.75	Миқдор (ишбай): 120	Кунлик меҳнат ставкаси: $ 9.00/соат	Миқдор (ишбай) тсавкаси:
Соати:	Миқдор (ишбай):	Кунлик меҳнат:	(Ишбай) меҳнат:

Айрим компанияларда бошқа шакллардаги табеллар юритилиши мумкин, муҳими ишчи ва ходимларнинг қайси таннарх объектида қанча меҳнат соати ишлаганлиги, иш ҳақини ҳисоблаш учу асос бўладиган ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги ёки иш ҳажми, меҳнат соати ставкалари, ишбай ставкалари, иш вақтидан кейин қолиб ишлаган соатлари ҳар бир ишчи ходим кесимида аниқлаш имкониятини бериши лозим бўлади.

Агар ишлаб чиқариш ишчилари қисқа вақтлар давомида машина ва асбоб-ускуналарнинг бузилиши ёки кейинги буюртмани бошлашдан олдин туриб қолсалар туриб қолишлар карточкасига ёзиб борилади. Бунда туриб қолиш вақти ва сабаби кўрсатилади. Ҳар бир цехда ҳафталик туриб қолишлар ва уларнинг таснифи тўғрисида ҳисобот тайёрланади. Бу ҳисоботлар асосида тўғридан-тўғри меҳнат бўйича харажатларда улар қанча фоизни ташкил қилиши аниқланади.

Ҳақ тўлашнинг мукофат тизими қўлланиладиган корхоналарда ходимнинг умумий иш ҳақига ишга қатнашган вақти асосида ҳисобланган иш ҳақи (вақтбай тўлов) плюс қўшилган рағбатлантиришлар киради. Вақтбай тўловлар табел карточкаси маълумотлари асосида ҳисобланса, қўшимча рағбатлантиришлар буюртмалар карточкасидан олинади.

Бундай ҳолларда буюртмалар карточкасида операция учун режалаштирилган вақт қайд қилинади, иш тугаганда эса буюртмани бажариш учун ҳақиқатда сарфланган вақт тўғрисида қайдлар қилинади. Бундан кейин карточканинг лицевой томонига мукофатнинг миқдори кўрсатилиши мумкин. Кейинги босқичда буюртмалар карточкасидаги ахборотларни ишчининг ҳисоб карточкасига ўтказиш ҳисобланади, қайсики унинг маълумотлари ҳафталик мукофат пулини аниқлаш ва уни тўлов ведомостига ёзишга асос бўлади.

5.2-Маъруза. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари. Ишчи кучи қўнимсизлиги ва меҳнат унумдорлиги.

Меҳнат ҳақини ҳисоблашда бир қанча тизимлар амал қилади: вақтбай тўлов; ишбай тўлов; комбинациялашган тўлов; моддий рағбатлантириш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукофатли тизими; мукофатли рағбатлантириш; гуруҳ моддий рағбатлантириш тизими (Манба: Управленческий учет -1 Ташкент. 2003. 60-63 б.)

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг у ёки бу тизимини қўллашдан мақсад иш ҳақини ошириб бориш асосида меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг юксалишига эришиш ҳисобланади. Иш берувчи фақат шундай ҳоллардагина, яъни иш ҳақини оширишдан икки томон ҳам манфаат кўргандагина уни оширишга қарор қилади. Иш ҳақини оширган тақдирда ҳам маҳсулот бирлигига тўғри келадиган меҳнат ҳақи харажатлари камайиши, ҳеч бўлмаганда ўзгармай қолиши талаб этилади. Иқтисодиёт қонунларига мувофиқ меҳнат унумдолигининг ошиши меҳнатга ҳақ тўлашга нисбатан устун даражада ўсиши таъминланиши лозим.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида ходимга иш ҳақи ишлаган меҳнат соатлари асосида белгиланган соатбай ставкалар бўйича иш ҳақи ҳисобланади. Вақтбай тизимида белгиланган соатбай ставкаси меҳнат унудорлигини оширишни рағбатлантирмаслиги мумкин. Шу сабабли, бу системада ҳақ тўланганда маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, меъёрий сарфланадиган вақтлар билан мувофиқлиги, маҳсулот (бажарилган ишлар)нинг сифатининг қатъий назоратини йўлга қўйиш талаб этилади. Шу билан бир қаторда маҳсулдорлик, сифат, тежамкорликни рағбатлантиришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизимида сарфланган меҳнат соатларидан қатъий назар стандарт талабларида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги учун белгиланган сумма миқдорида ҳақ тўланади. Бу тизимда маҳсулот сифатини назорат қилишни кучайтириш талаб этилади. Меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида дифференциялашган ставкаларни қўллаш ўринлидир. Бунда дастлабки ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликлари учун кам ставкада, маълум бирликдан кейинги ишлаб чиқарилган бирликлар учун юқори меҳнат ставкалари қўлланилади.

Комбинациялашган иш ҳақи тизимида ишбай иш ҳақи бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига нисбатан ишбай ставкаси белгиланади. Лекин, бунда минимал ҳафталик иш ҳақи келишилади. Агар ҳафталик иш ҳақи белгиланган минималдан кам бўлган ҳолларда унга вақтбай асосида белгиланган минимал иш ҳақи тўланади. Масалан, ишчига ишлаб чиқарган маҳсулот бирлиги учун 300 п.б. тўлаш мўлжалланган. Иш ҳақининг кафолатланган ставкаси 1 соатига 550 п.б. белгиланган. Ходим ҳафтада 38 соат ишлади. Унинг кафолатланган минимал иш ҳақи 20900 п.б. ташкил этади (550 *38 соат). Ишчи бир ҳафтада 95 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Унинг ишбай ставкаси

бўйича иш ҳақи 28500 п.б. бўлаяпди (95*300). Демак, унинг ҳафталик иш ҳақи минималдан катта бўлганлиги учун 28500 п.б. ҳисобланади. Агар ходим 55 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарганда эди, унинг ишбай ставкаси бўйича иш ҳақи 16500 п.б. булади (55*300). Бундай ҳолларга ходимга кафолатланган минимал иш ҳақи 20900 п.б. берилади.

Моддий рағбатлантириш тизимини қўллашдан мақсад ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги харажатларини қисқартириш ҳисобланади. Масалан, ходимга соатига 200 п.б. тўлаш кўзда тутилган. Бир соатда у 10 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Демак, маҳсулот бирлигига ишчи кучи харажатлари 20 п.б.ни ташкил этади (200/10). Маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизими жорий қилиниб, унга мувофиқ меҳнат ҳақи харажатлари маҳсулот бирлигига нисбатан 15 п.б.ни ташкил этади, яъни ходимга бир бирлик маҳсулот учун 15 п.б. тўланади. Агар бу меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келса ишчи соатига 15 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Натижада унинг соатбай иш ҳақи 225 (15*15). Ушбу тизимнинг жорий қилинишидан кўриниб турибдики, ишчининг саотбай ставкаси юксалган ҳолда маҳсулот бирлигига нисбатан сарфланадиган харажатлар 20 п.б.дан 15 п.б. га пасаймоқда. Иш берувчи ишбай ставкасини 15 п.б. дан оширган тақдирда ҳам унга бу иш самарали бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши натижасида маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатларни камайтириш эъвазига маҳсулот бирлиги таннархини умумий ҳисобда қисқартириш имкониятига эга.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукофат тизими ҳам ишбай тўловга асосланади ва бу тизимда вақтбай ҳамда ишбай тизимидаги айрим камчиликлар мавжуд эмас. Мукофатли рағбатлантиришнинг асосий ғояси норматив ишбай расценкаси бўйича тўловларни амалга ошириш ва тежаб қолинган вақтга қўшимча ҳақ тўлашга асосланади. Ушбу тўловнинг иккита усули қўлланилади:

1) Ишчи 50% тежаб қолган вақт учун олади, яъни

$$\text{Мукофат} = (\text{Норматив вақт} - \text{Ҳақиқий вақт}) \times \text{соат ставкаси} / 2$$

2) Мукофат миқдори сарфланган вақтни йўл қўйиладиган вақтга нисбати кўринишида аниқланади:

$$\text{Мукофат} = \frac{\text{Ҳақиқий вақт}}{\text{Норматив вақт}} \times \text{тежалган вақт} \times \text{соат ставкаси}$$

Ушбу методлар тажриба ва квалификацияга эга бўлган ходимларга нисбатан қўлланилиши самарали ҳисобланади.

Мукофот рағбатлантириш тизимида тўғридан-тўғри ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига эришилган натижалар ва ютуқларга қараб

рағбатлантиришлар белгиланади. Ушбу харажатлар ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу харажатлар устама ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилиб, уларни тақсимлаш орқали маҳсулот таннархига ўтказилади. Қолган барча билвосита персоналга ҳисобланган иш ҳақи таннархга олиб борилмасдан корхонанинг фойда ва зарарларидан (даромадидан) қопланилади.

Юқоридаги барча тизимлар *гуруҳ бўлиб моддий рағбатлантириш тизимига* асосланиши мумкин. Гуруҳ бўлиб моддий рағбатлантириш тизими фақат индивидуал битта ходимнинг меҳнат унудорлигини оширишдан кўра гуруҳнинг меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш кўпроқ самара келтиришига таянади. Чунки, меҳнат натижалари гуруҳ бўлиб ишлашда юзага келади.

Ходимларга асосий иш ҳақидан ташқари бошқа тўловлар, жумладан меҳнат таътили учун тўловлар, иш вақтидан ташқари иш, туриб қолишлар учун тўловларни келтириш мумкин. Уларни ҳисоблаш ва харажатларга олиб бориш тартиби маълум хусусиятларга эга.

Меҳнат таътили бўйича тўловлар агар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган бўлса у тўғридан-тўғри ишчи кучи харажатларига киритилади.

У соат ставкасини ошириш орқали маҳсулот, иш ва буюртма таннархига олиб борилади.

Масалан, ходимга одатда 40 соатлик иш ҳафтасида соатига 6 п.б. меҳнат ҳақи тўланади. Агар ходимга 4-ҳафталик йиллик таътил берилиши лозим бўлса, ушбу меҳнат таътили суммаси 960 п.б. миқдорида ҳисобланади (40 соат * 6 п.б. * 4 ҳафта). Тасаввур қиламиз, ходим қолган 48 ҳафтада белгиланган соатларни ишлаб берди. У ҳолда унинг умумий соати 1920 соатни ташкил этади (48 ҳафта * 40 соат). Агар меҳнат таътили суммаси 960 п.б.ни умумий ишланган соатлари 1920 соатга бўлсак, тахминан 0,5 п.б. чиқади. Бу ставка эса меҳнат таътили ставкасини англатиб у асосий соатбай ставкасига қўшилади. Шу йўл билан меҳнат таътили харажатлари тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари ичида маҳсулот, иш ёки буюртма таннархига олиб борилади.

Иш вақтидан ташқари иш (сверхурочные) - бу ходимнинг ушбу даврда белгиланган иш вақтдан ташқари вақтида ишлаган соатлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ иш вақтидан ташқари иш бир кунда 2 соат, йилига 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Иш соати 12 соат бўлганда, ўта оғир шароитда ишлаган ҳолларда ортиқча меҳнатга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари иш икки ҳолатини эътиборга олиш талаб этилади. *Биринчи ҳолатда* иш вақтидан ташқари иш зарурий ҳолат деб баҳоланади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг заруриятидан келиб чиқиб қурилиш ишларини, маълум буюртмаларни муддатида топшириш, маҳсулотни ишлаб чиқаришни якунлаб қўйиш мақсадида ишдан кейин

қолиб ишлаш соатларини келтириш мумкин. *Иккинчи ҳолатда* одатдаги иш даврида қилиниши мумкин бўлган ишларни ишдан кейин қолиб ишлаш соатлари қайд этилади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин эди, қайсики нормал иш соатларида белгиланган суръатда ишлаганда ёки бўш ўтирилмаганда ушбу қолиб ишлашларнинг олдини олиш мукин бўлар эди.

Иш вақтидан ташқари зарурий иш учун тўловлар (биринчи ҳолат бўйича) агарда қочиб бўлмайдиган ва зарурий ҳолатдан келиб чиқса у ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига қўшилади. Кўпчилик ХИИКлар тажрибасига мувофиқ иш вақтидан ташқари тўловлар одатдаги вақтга нисбатан 2 баробар тўланади. Агарда қолиб ишлашга зарурият аниқ буюртмадан эмас, балки умуман кучланган графикдан келиб чиққан бўлса у ҳолда ушбу буюртмаларни иш вақтидан кейинги соатларда бажарилган буюртма деб қараб бўлмайди. Бундай ҳолларда иш вақтидан кейинги бажарилган соатлар учун тўловлар устама ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади. Агарда иш вақтидан ташқари соатлар учун тўловлар кучланган графикдан эмас, балки буюртмачининг илтимосига кўра амалга оширилган бўлса у ҳолда харажатлар тўғридан-тўғри буюртма таннархига олиб борилиши лозим.

Олдини олиш мумкин бўлган иш вақтидан ташқари иш соатлари учун тўловлар маҳсулот таннархига олиб борилмасдан фойда ва зараралар (даромад) ҳисобидан қопланилади.

Туриб қолишлар вақти - бу банд бўлмаган иш вақти ёки туриб қолишлар вақти бўлиб унумли бўлмаган, лекин тўланадиган иш вақтидир. Туриб қолишлар бир қанча сабабларга кўра юзага келади.

Буринчи турдаги туриб қолишларга олдини олиш мумкин бўлган ҳолатларни киритиш мукин. Масалан, хом-ашёнинг етишмаслиги, бошқарув қарорларининг қабул қилиниши (маҳсулотнинг технологик жиҳатлари ўзгарганда, режалар ўзгарганда) натижасидаги туриб қолишлар ва бошқа ҳолатларни қайд қилиш мумкин. Ушбу турдаги туриб қолишларни бошқарув ҳисоби мақсадида тузатса бўладиган ва ундан яхши режалар тузилган тақдирда кочиб қолиш мумкин бўлган йўқотишдир. Бундай харажатлар маҳсулот таннархига қўшилмайди ва фойда ва зараралар счётидан қопланилади.

Иккинчи турдаги туриб қолишлар нормал ҳолатлардан ҳамда олдини олиш қийин бўлган, яъни корхонанинг ўзидан боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омиллар ҳисобидан юзага келади. Масалан, чой учун танаффус, кутилмаганда маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг тушиб кетиши, хом-ашё таъминотига катта таъсир кўрсатувчи таъминотчилар айби билан хом-ашё етказиб берилмаслиги ва бошқа ҳолатларни келтириш мумкин. Бундай туриб қолишлар қочиб бўлмайдиган ва корхонанинг назорат қила олмайдиган харажатларига киради. Бундай харажатлар маҳсулот таннархнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу турдаги

туриб қолишлар фақат алоҳида операцияларнигина эмас балки бутун жараённинг туриб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу туриб қолишлар натижасида юзага келган харажатлар бутун операциялар бўйича тарқатилиши керак.

2. Кўпчилик компанияларда иш ҳақи бўйича харажатлар харажатларнинг салмоқли моддасини ташкил этади ва шу боис, даврий равишда ўлчанган меҳнат унумдорлигини режалаштирилган миқдор билан таққослаб туриш муҳимдир. Бунда "норматив соатлардан" фойдаланилади.

Норматив соат – бу бир соат давомида тажрибали ходим томонидан меъёрларга мувофиқ ишлаб чиқарилиши шарт бўлган маҳсулот бирлиги миқдори ҳисобланади.

Мисол:

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун норматив вақт – 30 минут

Даврда ҳақиқатда ишлаб чиқарилган миқдор – 840 бирлик

Ҳақиқатда сарфланган вақт миқдори - 410 соат

Бюджет бўйича берилган иш соатлари миқдори – 400 соат

Меҳнат унумдорлиги коэффициенти қуйидагича аниқланади:

Норматив соатларда ифодаланган ҳақиқий миқдор
Ҳақиқатда сарфланган соатлар

Яъни,

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган норматив вақт
Ҳақиқатда сарфланган соатлар

Бизнинг мисолимизда ((840х30 мин)/60)/410 * 100% = 102.44%

Демак, меҳнат унумдорлиги режалаштирилган миқдорга нисбатан 2,44 % га ошган. Бу эса ижобий ҳолат ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган меҳнат ҳақи харажатларини камайтириш имкониятларини ахтариб топишнинг муҳим воситаларидан бири ходимлар қўнимсизлигини таҳлил қилиш бўлиб ҳисобланади.

Ходимларнинг қўнимсизлиги – бу ишдан бўшатилган ходимлар сонини ушбу даврда ёлланган ходимларнинг ўртача сонига бўлиш орқали топилади. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

Ишдан чиқарилаётган ходимларнинг миқдори Х 100 %
Барча ходимларнинг ўртача сони

Ходимлар билан ишлаш бўлимининг бош мақсади ишчи кучи қўнимсизлигини камайтириш бўлиб ҳисобланади. Ходимларни алмаштириш корхона томонидан қўшимча қўйидаги харажатларни амалга оширишига олиб келади:

- Бўш иш жойлари тўғрисида эълон бериш ва танлаб олиш
- Ходимларни жўнатишни ташкил қилиш ва алмаштириш
- Ўқитиш
- Янги ходим ўргангунга қадар меҳнат унумдорлигининг пасайиши

Ходимлар қўнимсизлигини назорат қилиш, персонал ҳаракатини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадида кадрлар бўлимида ходимлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар тўпланиши, сақланиши ҳамда таҳлил қилиб борилиши лозим.

Шахсий маълумотлари

Ходим ишлаган бўлим, цех ва лавозими

Меҳнат стажи, маълумоти, малака оширганлиги, маоши

Ишдан чиқиш сабаби ва бошқа маълумотлар

Ходимларнинг ишдан чиқариш ҳолатларини икки гуруҳга ажратишимиз мумкин бўлади:

Олдини олиш мумкин бўлган ҳолатлар: 1) кам иш ҳақи; 2) ёмон иш шароитлари; 3) ўқитишнинг имкониятлари етарли эмаслиги; 3) кўтарилишга имкониятнинг йўқлиги.

Олдини олиш мумкин бўлмаган ҳолатлар: 1) Пенсияга чиқарилиши; 2) касал бўлиши/ўлими; 3) оилавий ҳолати; 4) яшаш жойининг ўзгариши

Келажакни кўриб ишлайдиган раҳбар ходимлар қунимсизлиги сабабларини ўрганиб чиқади. Олдини олиш мумкин бўлган ҳолларда ходимларнинг ишдан кетиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

6-МОДУЛ. УСТАМА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

6.1. Устама (накладной) харажатларини тақсимлаш зарурати. Устама харажатларни тақсимлашнинг ягона (умумзавод) ва алоҳида (цех) ставкалари.

6.2. Устама харажатларни тақсимлашнинг режа ставкалари

6.3. Устама харажатларни тақсимлашнинг тўғри (бевосита) усули

6.1-маъруза. Устама (накладной) харажатларини тақсимлаш зарурати. Устама харажатларни тақсимлашнинг ягона (умумзавод) ва алоҳида (цех) ставкалари.

Таннарх объектларига тақсимланадиган харажатлар тўғридан тўғри ва билвосита харажатларга бўлиниши маълум. Юқоридаги мавзуларда тўғридан-тўғри харажатларнинг элементи сифатида асосий материал ва асосий иш ҳақи харажатлари ҳисоби билан танишдик. Таннарх элементида билвосита, яъни таннарх объектига тўғридан-тўғри олиб бориш имконияти бўлмаган харажатлар салмоқли ўринни эгаллайди. Унинг ҳисоби масаласи маълум хусусиятларга эга.

Таннарх объекти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўлган ҳолларда билвосита харажатлар атамасининг ўрнига ***устама (накладной) ишлаб чиқариш харажатлар*** (УИЧХ) атамаси фойдаланади. Тўғридан-тўғри харажатларни таннарх объектига аниқ йўналтирилганлиги боис, уларни у ёки бу таннарх объектига тўғри ва ягона усулда олиб бориш мумкин. Устама (накладной) харажатлар бўйича бундай ёндашишнинг имкони йўқ. Устама харажатларнинг ҳар бир харажат объектига тўғридан-тўғри олиб бориш имкони бўлмаслигининг асосий сабаби ушбу харажатлар бир қанча таннарх объекти билан алоқадорлиги ҳисобланади. УИЧХларига мисол қилиб билвосита материаллар; билвосита меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш воситалари ва бино амортизицияси; электр-энергия; ёритиш, иситиш ва совутиш; мол-мулк солиғи; мол-мулк суғуртаси; ишчиларнинг овқатланиши ва уларга медицина хизматини кўрсатиш; бошқа умумишлаб чиқариш ва умумцех харажатларини киритиш мумкин.

Тўғридан-тўғри ҳамда билвосита харажатларни таннархи объектлари ҳисобланган фаолият майдони ҳамда маҳсулотга оидлиги қуйидаги мисолда аниқроқ кўриш мумкин (2.8-жадвал):

2.8-жадвал

Таннарх объектига олиб бориладиган тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларга мисоллар

Таннарх объекти	Тўғридан-тўғри харажатларга мисоллар	Билвосита харажатларга мисоллар
Фаолият майдони: адвокатлик фирмаларида ҳужжатлар фотонусха	Фотонусха машинасида қўлланиладиган картиж бўёғи ва коғозлар	Машанани ишлатишда қўлланилган электро-энергия. Электро-энергия харажатлари фирмага оид бўлиб ҳар бир машина бўйича ўрнатилмаган.
Маҳсулот: Уй хўжалиги жиҳозлари микроволновий печ компаниясининг	Микроволновий печни ташкил этадиган материаллар	Фабрика биноси ижараси. 200 та турли хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бино учун компания томонидан тўланган ижара тўлови.

Билвосита харажатлар таннарх объектларига тақсимлаш орқали бирлаштирилади.

Харажатларни тақсимлаш - бу тўғридан-тўғри ҳисобга олиш аниқ таннарх объектларида қўлланилган ресурсларни аниқлаш имкониятини бермаган ҳолларда юз берган харажатларнинг маълум қисмини тақсимлаш базалари асосида таннарх объектига олиб бориш жараёнидир. Масалан, корхона бир цехда бир қанча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва цехнинг электро-энергия бўйича харажатлар маҳсулотлар таннархига қўшилиши керак. Бу харажатлар асбоб-ускуналарнинг ишлаган соатлари даражасига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Харажатларни тақсимлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат деб қараш мумкин (2.9-жадвал):

2.9-Жадвал

Харажатларни тақсимлашнинг асосий мақсадлари

Т №	Мақсади	Баёни
1.	Ресурсларни тақсимлашга доир иқтисодий қарорларни қабул қилиш	• Янги маҳсулот турини ишлаб чиқишни йўлга қўйишни ҳал қилиш • Маҳсулотларнинг айрим қисмларини ўзида ишлаб чиқишни ташкил этиш ёки четдан таъминотчидан сотиб олишни йўлга қўйиш масаласини ҳал қилиш • Харидорларга маҳсулотларнинг нархларини белгилаш ва тақдим қилишга доир қарорларни ҳал қилиш
2.	Менеджерлар ва ходимларни мотивацияси	• Хизматлар, хусусан ички аудит, компьютер технологияси ва бозор тадқиқотлари натижаларидан фойдаланишнинг афзалликлари • Корпоратив устама харажатларнинг кўпайиш даражасини қисқартириш • Ишлаб чиқаришни енгиллаштириш ёки хизматлар таннархини камайтириш учун маҳсулот дизайнини такомиллаштириш
3	Ички ва ташқи қисмлар ҳисоботларда даромад ва активларни ўлчаш	• акциядорлар, инвесторлар ва бошқалар учун молиявий ҳисоботларда заҳиралар таннархи (умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини қамраб олган заҳиралар таннархи, бунда тадқиқот, маркетинг,

		дистрибюторлик ва харидорларга хизмат кўрсатишга оид харажатлардан ташқари) • Солиқ органларига заҳиралар таннархини солиқ ҳисоботига киритиш
4	Харажатларни қонунийлаштириш ёки шериклик суммаларини ҳисоблаш	• «Адолатли» нархни белгилаш учун базис маҳсулот таннархи • Маслаҳат (консалтинг) фирмаларига қилган тавсиялари натижасида тежаб қолинган харажатлардан шериклик суммаларини ҳисоблаш ва ўтказиб бериш

Харажатларнинг таннарх объектига тақсимлаш учун асос ***харажатларни тақсимлаш базаси*** ёки ***харажатлар омиллари*** деб аталади. Тақсимлаш базаси муҳим бўлган ҳолатларда ***сабаб-оқибат тақсимланиши*** ва тақсимлаш базаси муҳим аҳамият касб этмаган ҳолларда ***шартли тақсимлаш*** атамалари қўлланилади. Яқин вақтга қадар кўпчилик компаниялар билвосита харажатларни шартли тақсимлаш усулидан фойдаланиб келдилар. Устама (накладной) харажатларни бундай тақсимлаш тизими харажатларни ***анъанавий тақсимлаш тизими*** деб аталади.

Билвосита харажатларни таннарх объектлари бўйича аниқ тақсимлашда сабаб оқибат тақсимлаш усулини қўллаш ўринлидир. Бундан тизим ***калькуляциянинг функционал тизими*** деб ном олган (АВС тизими ҳам деб аталади “activity-based costing”)

Устама харажатларни таннарх объектлари бўйича тақсимлаш нима учун керак. Ишлаб чиқариш корхоналари харажатларни маҳсулот турлари бўйича иккита мақсадда тақсимлайди. *Биринчидан,* ҳисобот даврида амалга оширилган ишлаб чиқариш харажатларини реализация қилинган маҳсулот ва ТМЗлар бўйича тақсимлаш ва шу асосда молиявий натижаларни аниқлаш. *Иккинчидан,* қарорлар қабул қилиш учун менежерларни ахборотлар билан таъминлаш. Молиявий ҳисоб мақсадларида харажатларнинг алоҳида маҳсулот турлари бўйича тақсимланиши унчалик катта аҳамият касб этмайди. Бироқ кўпгина қарорларни қабул қилиш учун маҳсулотларнинг турлари бўйича харажатлар тўғрисида жуда аниқ ахборотлар талаб қилинади, қайсики у асосида менежерлар унинг нафи ёки зарари тўғрисида хулоса чиқаради. Агар харажатлар ҳисоби тизими маҳсулот турлари бўйича фойдаланилган ресурсларнинг тўлиқ ва аниқ ҳисобини таъмин этмаса, ҳисоб маълумотлари бузилиб кўрсатилишига олиб келади ва натижада менежерлар фойдали маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан бош тортиши

ёки фойда келтирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни давом эттириш тўғрисида қарорлар қабул қилиб қўйиш эҳтимоли мавжуд.

6.2-Маъруза. Устама харажатларни тақсимлашнинг режа ставкалари

Устама харажатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича тақсимлашда харажатларни иккибосқичли жараёни қўлланилади. *Биринчи босқичда* устама харажатлар харажатлар марказлари бўйича тақсимланади. Харажат марказлари бўлиб масалан, ишлаб чиқариш бўлимлари бўлиши мумкин. *Иккинчи босқичда* харажат марказларида тўпланган харажатлар таллуқли тақсимлаш базаларини қўллаган ҳолда аниқ таннарх объектларига тақсимланади.

Тақсимлашнинг иккибосқичли жараёнидан фойдаланиш учун қўйидаги туртта қадамни амалга оширилиши талаб этилади:

1) Барча ишлаб чиқариш устама харажатларини *ишлаб чиқариш* ва *хизмат кўрсатувчи харажат марказлари* бўйича тақсимлаш;
2) Хизмат кўрсатувчи харажат марказларига (сервис харажатлари маркази) тўғри келадиган харажатларни харажатларнинг ишлаб чиқариш марказлари бўйича қайта тақсимлаш;
3) Ҳар бир харажатлар ишлаб чиқариш марказларига тўғри келадиган устама харажатларнинг алоҳида ставкасини ҳисоблаш;
4) Устама харажатларни ҳар бир харажатларнинг ишлаб чиқариш марказларига тўғри келадиган харажатларини маҳсулот турлари ёки бошқа танланган таннарх объектларига тақсимлаш.

1 ва 2-қадамлар биринчи босқични, 3 ва 4-қадамлар эса иккинчи босқични ташкил этади.

Харажатларни калькуляция қилишнинг анъанавий тизими устама харажатларни тақсимлашнинг биринчи босқичида турли хил тақсимлаш базалари фойдаланилади (2.10-жадвал):

2.10-жадвал

Устама харажатларни тақсимлаш базалари

Устама харажатлар	***Биринчи босқичда тақсимлаш базаси (харажат омили)***
Амортизация, мол-мулк солиғи, асбоб-ускуналарни суғурта қилиш	Асбоб-ускуналарнинг қиймати
Ижара, коммунал хизматлар, бино суғуртаси	Майдон, бино ҳажми
Маъмурият, ошхона	Ходимлар сони
Маркетинг бўлими	Сотиш персоналининг сони

Иккинчи босқичда устама харажатларни маҳсулотлар турлари бўйича тақсимлашда асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш

соатлари (меҳнат-соатлари) ёки асбоб-ускуналар иш соатлари (машина-соат) тақсимлаш базаси сифатида олинади. Бошқа тақсимлаш базалари ҳам қўлланилиши мумкин: асосий ишлаб чиқариш ишчилари меҳнати харажатлари, материал харажатлар, тайёр маҳсулотлар бирлиги миқдори ва бошқалар.

Устама харажатларни тақсимлаш ставкасини аниқлаш формуласи:

Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси = Устама харажатлар/ тақсимлаш базаси (харажат омили)

Бу формула таннархни калкуляция қилишнинг анаъавий ва функционал тизимларининг хар қандай босқичида қўлланилади.

Мисол учун, 15000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳар бирига тўғридан-тўғри 2 соат ишлаб чиқариш ишчиларининг иш соатлари сарфлаш бюджетлаштирилган. Жами бюджетлаштирилган устама харажатлар $138.000 ташкил этади. Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси ҳисобланади:

Жами бюджетлаштирилган устама харажатлар = $138.000 = $4.60

Жами бюджетлаштирилган тўғридан тўғри иш соатлари 30.000

Ушбу тақсимлаш базаларини ишлаб чиқариш ишчиларининг бюджетлаштирилган иш ҳақи ($150,000) – $0,92, бюджетлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (15,000 бирлик) – $ 9.20 ҳар бир бирлигига нисбатан ҳисоблаш мумкин.

Айрим ҳолларда тақсимлаш базаси сифатида иккита ўлчов бирлиги олиниши ҳам мумкин бўлади. Уни қуйидаги жадвалдаги мисолда кўриб чиқамиз (2.11-жадвал):

2.11-жадвал

Иккита тақсимлаш базаларидан фойдаланиш

Кўрсаткичлар	***А маҳсулот***	***Б маҳсулот***
Маҳсулот бирлиги миқдори	10,000	8,000
Маҳсулот бирлигига сарфланадиган бюджетлаштирилган тўғридан тўғри иш соатлари	2 соат	1 соат
Бюджетлаштирилган жами соат	20,000	8,000
Бир соатга тўғри келадиган устама харажатларнинг белгиланган ставкаси ($138,000 / 28,000 соат)	$4,93	$4,93
Ҳар бир маҳсулот тури бўйича баҳоланган устама харажатлар	$98.571	$39.429
Маҳсулот бирлигига бўлинади	10,000	8,000

Маҳсулот бирлига тўғри келадиган устама харажатлар	$ 9,86	$ 4,93

Тақсимлаш базалари танланиб, устама харажатларни тақсимлаш ставкаси аниқлангандан сўнг, уларнинг тақсимлаш жараёнини қуйидаги амалий мисолда кўриб ўтамиз.

Lanco Manufacturing Co 2007 ҳисобот йилида барча бўлимларга оид бўлган ҳамда тақсимланиши лозим бўлган бюджетлаштирилган устама харажатлари тўғрисидаги маълумот 2.12-жадвалда келтирилган. Компания учта ишлаб чиқариш ҳамда иккита хизмат кўрсатувчи бўлимлардан ташкил топган. Маҳсулот биринчи цехдан иккинчи цехга ўтказилиб ишлов берилади сўнгра йиғма цехда якунланади. Омборхона ва техник хизмат кўрсатиш бўлими бошқа бўлимларга хизмат кўрсатади. Компания саккизта категориядаги устама харажатларга эга, қайсики бу харажатлар бешта бўлимга тақсимланади. Айрим харажатлар, жумладан амортизация харажатлари махсус идентификациялаш орқали тақсимланади.

2.12-жадвал

Lanco Manufacturing Company бўйича 31 декабр билан якунланадиган 2007 йилда бюджетлаштирилган ишлаб чиқариш устама харажатлари

Устама харажатлар	***Суммаси***	***Тақсимлаш базаси***
Билвосита (ёрдамчи персонал) меҳнат	$ 60.000	Фойдаланилган билвосита меҳнат
Билвосита (ёрдамчи) материал	55.000	Фойдаланилган билвосита материал
Эситиш, ёритиш ва энергия	40.000	Фойдаланиладиган майдон
Моддий ёрдам	158.600	Махсус идентификация
Асбоб-ускуналар суғуртаси	20.000	Мол-мулк қиймати
Мол-мулк солиғи	30.000	Мол-мулк қиймати
Завод биноси амортизацияси	80.000	Махсус идентификация
Машина ва асбоб-ускуналар амортизацияси	56.400	Махсус идентификация
Жами	**$500.000**	

Компаниянинг бюджетлаштирилган фаолият даражаси ва тақсимлаш базалари тўғрисидаги маълумотлар 2.13-жадвалда келтирилган.

2.13-жадвал

Lanco Manufacturing Company бўйича 31 декабр билан якунланадиган 2007 йилда бюджетлаштирилган фаолият даражалари ва тақсимлаш базалари

Тақсимлаш базаси	Хизмат кўрсатувчи бўлимлар		Ишлаб чиқарувчи бўлимлар			Жами
	Тех. хизмат	Омбор	№1 цех	№2 цех	Йиғма цех	
Фойдаланиладиган билвосита ишчи кучи	4%	5%	35%	40%	16%	100%
Фойдаланиладиган билвосита материал	20%	4%	36%	30%	10%	100%
Фойдаланиладиган майдон миқдори	7,500	2,500	20,000	12,500	7,500	50,000
Моддий ёрдам	$16,600	$13,000	$70,000	$45,000	$14,000	$158,600
Мол-мулк қиймати	$320,000	$960,000	$960,000	$800,000	$160,000	$3,200,000
Машиналар амортизацияси	$2,000	$800	$23,700	$26,200	$3,700	$56,400
Техник хизмат соати	460	400	5,500	3,960	1,540	11,860
Материал буюртмаси	500	-	750	800	450	2,500
Машина соат	5,000	3,000	30,000	18,000	10,000	66,000
Тўғридан-тўғри иш соатлари	11,000	12,000	61,000	38,000	13,000	135,000
Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари	$66,000	$80,000	$380,000	$254,000	$100,000	$880,000

Бюджетлаштирилган устама харажатлар суммаларининг хар бир бўлимларга тақсимланиши 2.14-жадвалда келтирилган. Биринчи иккита харажатлар, яъни билвосита меҳнат ва билвосита материал бешта бўлимга ушбу бўлимларда ишлатилишига қараб тақсимланади. Ўтган йилдаги ҳақиқий маълумотлар асосида 2.13-жадвалда тақсимлаш фоизлари чиқартирилган. Иситиш, ёритиш ва энергия харажатлари эса эгаллаб турган майдондаги ҳиссасига қараб тақсимланган.

2.14-жадвал

Lanco Manufacturing Company бўйича 31 декабрь билан якунланадиган 2007 йилда бюджетлаштирилган устама харажатлари

Тақсимлаш базаси	Хизмат кўрсатувчи бўлимлар		Ишлаб чиқарувчи бўлимлар			Жами
	Тех. хизмат	Омбор	№1 цех	№2 цех	Йиғма цех	

Билвосита меҳнат	$2,400	$3,000	$21,000	$24,000	$9,600	$60,000
Билвосита материал	11,000	2,200	19,800	16,500	5,500	55,000
Эситиш, ёритиш ва энергия	6,000	2,000	16,000	10,000	6,000	40,000
Моддий ёрдам	16,600	13,000	70,000	45,000	14,000	158,600
Мол-мулк суғуртаси	2,000	6,000	6,000	5,000	1,000	20,000
Мол-мулк солиғи	3,000	9,000	9,000	7,500	1,500	30,000
Завод амортизацияси	12,000	4,000	32,000	20,000	12,000	80,000
Машина амортизацияси	2,000	800	23,700	26,200	3,700	56,400
Жами			**197,500**	**154,200**	**53,300**	
Техник хизмат кўрсатиш бўлими харажатлари ишлаб чиқариш бўлимларига талаб қилинадиган техник хизмат кўрсатиш соатларига мутонасиб равишда тақсимланади	$55,000		27,500	19,800	7,700	
Омборхона бўлимининг харажатлари ишлаб чиқариш бўлимларига материалларга бўлган буюртмаларга қараб тақсимланади		$40,000	15,000	16,000	9,000	
Жами аниқланган бўлимлар устама харажатлари			**$240,000**	**$190,000**	**$70,000**	**$500,000**
Бўлинади: Белгиланган фаоллик даражаси			30,000 Маш/с	38,000 Т.тўғри мех/соат	100,000	
Бюджетлаштирилган устама харажатлар ставкаси			***$8 маш/ соат***	***$ 5 т.тўғри мех/соат***	***70% т. тўғри мех. хар***	

Ушбу жадвалда хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларини ишлаб чиқариш бўлимларига тақсимлашда тақсимлаш базаларини ҳисоблашда фақат ишлаб чиқариш бўлимлари нисбати олинади. Масалан, 1.5-жадвалда техник хизмат кўрсатишлар соати жами 11,860 соатни ташкил этмоқда. Бундан 11,000 соати ишлаб чиқариш бўлимларида амалга оширилган. Бунда ишлаб чиқариш корхоналарига тўғри келадиган техник хизмат соатлари улуши, масалан 1-цех бўйича 5,500 /11,000 = 50% ҳисобланади. У ҳолда 1- цехга тўғри келадиган

техник хизмат кўрсатиш харажатлари $55,000 * 50% = $ 27,500 га тенг бўлади. Бошқа бўлимлар бўйича ҳам худди шу тартибда тақсимланади.

Юқоридаги жадвал маълумотлари маҳсулот таннархини ҳисоблашга асос бўлади. Масалан, агар битта маҳсулотнинг материал харажатлари 150 п.б., тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари 75 п.б. га тенг бўлган ҳолда, маҳсулот бирлиги биринчи цехда 3 соат машина соатида, иккинчи цехда 2 меҳнат соатида ишлов берилса, йиғма цехда тўғридан-тўғри меҳнат харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида таннарх шаклланган ҳолда маҳсулотнинг тўлиқ таннархини аниқлаш мумкин бўлади:

Материал харажатлар		150 п.б.	
Меҳнат харажатлари		75	
Устама харажатлар:			
1-цех (3 маш/соат * 8 п.б.)	24 п.б.		
2-цех (2 мех/соат * 5 п.б.)	10		
Йиғма цех (75п.б. *70%)	52,5	86,5	311,5 п.б.

Демак, маҳсулотнинг тўлиқ таннархи 311,5 п.б. га тенг.

6.3-маъруза. Устама харажатларни тақсимлашнинг тўғри (бевосита) усули

Хизмат кўрсатувчи бўлимлар асосий ишлаб чиқариш бўлимларига хизмат кўрсатишлари билан бирга бир-бирларига ҳам хизмат кўрсатадилар. Бундай ҳолларда харажатларни тақсимлаш жараёни қийинлашади. Бунда хизмат кўрсатувчи бўлимлар бошқа бўлимларнинг (қайсики уларнинг хизматидан фойдаланади) харажатларини ўзида тўплайди ва бу харажатлар яна қайта тақсимланиши талаб этилади. Ёрдамчи бўлимларнинг харажатлари қўйидаги усуллар ёрдамида тақсимланиши мумкин:

- Туғридан-тўғри (direct);
- Қадамба-қадам (step-down);
- Такрор тақсимлаш (step-by-step);
- Чизиқли тенглама тизими (reciprocal)

Тўғридан-тўғри усул. Ушбу усул кенг қўлланилади. Масалан, хизмат кўрсатувчи бўлим техник хизмат кўрсатиш ва ахборот тизими хизматларидан иборат. Асосий ишлаб чиқариш бўлими эса машина цехи ва йиғма цехидан иборат. Маълумотлар 2.15-жадвалда келтирилган:

2.15-жадвал

Тўғридан-тўғри усул ёрдамида хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларининг тақсимланиши

Тўғридан-тўғри усул	Хизмат кўрсатувчи бўлим		Асосий цех		Жами
	ТХК	АТ	Машина	Йиғма	
Қайта тақсимлашдан олдин бюджетлаштирилган устама харажатлар	600,000	116,000	$400,000	200,000	1,316,000
Қайта тақсимлаш учун пропорция: ***Техник хизмат кўрсатиш:***					
Меҳнат соатлари бюджети		1,600	2,400	4,000	8,000
Коэффицент		2/10	3/10	5/10	10/10
ТХК харажатларини тақсимлаш			3/8 $225,000	5/8 375,000	600000
Ахборот тизими:					
Меҳнат соатлари бюджети	200		1600	200	2000
Коэффицент	1/10		8/10	1/10	10/10
АТ харажатларини тақсимлаш			8/9 $103,111	1/9 12,889	116.000
Асосий цехнинг харажатлари			**$728,111**	**587,889**	**1,316,000**

Ушбу методда харажатлар тақсимланганда хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг бир-бирига кўрсатган хизмат соатлари ҳисобга олинмасдан қолади, яъни техник хизмат кўрсатиш бўлимининг ахборот тизими бўлимига, худди шунингдек, ахборот тизими бўлимининг техник хизмат кўрсатиш бўлимига кўрсатган хизматлари инобатга олинмасдан қолмоқда. Ушбу метод ўзининг соддалиги ва ҳисоблаш қўлайлиги билан ажралиб туради. Юқоридаги мисолларимизда ҳам ушбу методдан фойдаланган эдик.

Қадамба-қадам усули. Ушбу усул тўғридан-тўғри усулга нисбатан аниқроқлиги билан ажралиб туради. Бунда даставвал энг катта харажатга эга бўлган бўлимнинг харажатларини тақсимлашдан бошланади. Кейин биринчи хизмат кўрсатувчи бўлимнинг харажатларининг ўзига тўғри келадиган қисмини мужассамлантирган иккинчи бўлим харажатлари тўғридан-тўғри усулда қўлланилган пропорциялар асосида ишлаб чиқарувчи бўлимларга тўлалигича тақсимланади. Ушбу усулнинг қўлланилишини 2.16-жадвалда кўриб ўтамиз.

2.16-жадвал

Қадамба-қадам усули ёрдамида хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларининг тақсимланиши

Тўғридан-тўғри усул	Хизмат кўрсатувчи бўлим		Асосий цех		Жами
	ТХК	АТ	Машина	Йиғма	
Қайта тақсимлашдан олдин бюджетлаштирилган устама харажатлар	$600,000	116,000	400,000	200,000	1,316,000
Қайта тақсимлаш учун пропорция: ***Техник хизмат кўрсатиш:***					
Меҳнат соатлари бюджети		1,600	2,400	4,000	8,000
Коэффицент		2/10	3/10	5/10	10/10
ТХК харажатларини тақсимлаш		2/10 $120,000	3/10 180,000	5/10 300,000	10/10 600000
Ахборот тизими:					
Меҳнат соатлари бюджети	200		1600	200	2000
Коэффицент	1/10		8/10	1/10	10/10
АТ харажатларини тақсимлаш			8/9 209.778	1/9 26.222	236.000
Асосий цехнинг харажатлари			**$789,778**	**526,222**	**1,316,000**

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ахборот тизими харажатлари 116000 п.б. эди. Техник хизмат кўрсатиш бўлими харажатларидан 120,000 п.б. қабул қилгандан сўнг 236,000 п.б. тақсимланиши лозим. Ушбу сумма тақсимлангандан сўнг машина ва йиғма цехларнинг жами харажатлари аниқланади. Чиққан рақамлар тўғридан-тўғри усулдан фарқ қилади. Қадамба-қадам усули аниқроқ бўлганлигии сабабли маълумотлар ҳам қарорлар қабул қилишда анча қўл келади.

Такрор тақсимлаш усули. Ушбу метод аниқлик даражаси анча ката ҳисобланиб, бунда биринчи пропорциялар асосида хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатлари тақсимланади, кейин яна шу пропорциялар бўйича қайта тақсимланади. Қайта тақсимлаш аҳамиятсиз рақам қолгунга қадар давом эттирилади. Охирида кичик рақам бир цехнинг харажатига қўшилади. Ушбу усулнинг қўлланилишини 2.17-жадвалда келтирамиз.

2.17-жадвал

Такрор тақсимлаш усули ёрдамида хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларининг тақсимланиши

Тўғридан-тўғри усул	Хизмат кўрсатувчи бўлим		Асосий цех		Жами
	ТХК	АТ	Машина	Йиғма	
Қайта тақсимлашдан олдин бюджетлаштирилган	600,000	116,000	400,000	200,000	1,316,000

устама харажатлар					
Қайта тақсимлаш учун пропорция: ***Техник хизмат кўрсатиш:***					
Меҳнат соатлари бюджети		1,600	2,400	4,000	8,000
Коэффицент		2/10	3/10	5/10	10/10
ТХК харажатларини тақсимлаш **(1)**		120,000	180000	300,000	600,000
Ахборот тизими:					
Меҳнат соатлари бюджети	200		1600	200	2000
Коэффицент	1/10		8/10	1/10	10/10
АТ харажатларини тақсимлаш **(1)**	23,600		188,800	23,600	236,000
ТХК харажатларини тақсимлаш **(2)**		4,720	7,080	11,800	23,600
АТ харажатларини тақсимлаш (2)	472		3776	472	4720
ТХК харажатларини тақсимлаш (3)		94,40	141,6	236	472
АТ харажатларини тақсимлаш (3)	9,44		75,52	9,44	94,4
ТХК харажатларини тақсимлаш (4)		1,88	2,84	4,72	9,44
АТ харажатларини тақсимлаш (4)	0,19		1,51/0,19	0,18	1,88 (2,07)
Асосий цехнинг харажатлари			***779,878***	***536,122***	***1,316,000***

Такрор тақсимлаш усули анча меҳнат талаблиги билан ажралиб туради. Дастлабки тақсимланадиган харажатлар қанча катта рақам бўлса хизмат кўрсатувчи бўлимлар устама харажатларини тақсимлагунча кўп маротаба амалга оширилади. Юқоридаги мисолимизда ушбу жараён тўрт марта тақсимлаш орқали бажарилди. Ҳисоб сўнгида ахборот тизими бўлимининг техник хизмат кўрсатиш бўлимига тўғри келадиган 0,19 п.б. кичик ҳамда унча аҳамият касб этадиган рақам бўлганлиги боис уни тақсимламасдан энг ката механик цехи харажатларига олиб бориб қўйиш мумкин бўлади. Бу усул меҳнат талаб қиладиган усул бўлсада лекин юқоридаги бошқа усулларга нисбатан аниқроқ маълумотни беради, қайсики маҳсулот таннархига оид қарорларни қабул қилишда қўл келади.

Чизиқли тенглама тизими (reciprocal). Ушбу усул такрор тақсимлаш усули билан бир хил натижа беради. Демак, бу усул такрор тақсимлаш усулининг формулали усулидир (математик). Бунинг учун қуйидаги белгилашларни киритиб оламиз:

X – Техник хизмат кўрсатиш бўлимининг тўплам харажатлари (бошқа хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларини ҳам ўзида мужассамлантирган).

Y – Ахборот тизими бўлимининг тўплам харажатлари (бошқа хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларини ҳам ўзида мужассамлантирган).

У ҳолда масаланинг шарти асосида қуйидаги тенгламалар системасини тузиш мумкин бўлади.

$$X = 600{,}000 + 0{,}1 * y$$
$$Y = 116{,}000 + 0{,}2 * x$$

Ушбу тенгламалар тизимини ечсак, X = 624,082, Y = 240816 га тенг эканлигини аниқлаймиз. Бу рақамлар хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг бир-бирига оид бўлган хизматлар харажатларини ўзида мужассамлантирган харажатлар суммаларидир. Энди ушбу кумулятив харажатлар суммаларини жадвал асосида масаланинг шартида берилган пропорциялар асосида ишлаб чиқарувчи бўлимларга тақсимлаймиз. Тақсимлаш натижаларини қуйидаги 2.18-жадвалда расмийлаштирамиз.

2.18-жадвал

Чизиқли тенгламалар усули ёрдамида хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларининг тақсимланиши

Тўғридан-тўғри усул	Хизмат кўрсатувчи бўлим		Асосий цех		Жами
	ТХК	АТ	Машина	Йиғма	
Қайта тақсимлашдан олдин бюджетлаштирилган устама харажатлар	600,000 **(624,082)**	116,000 **(240,816)**	400,000	200,000	1,316,000
Қайта тақсимлаш учун пропорция: ***Техник хизмат кўрсатиш:***					
Меҳнат соатлари бюджети		1,600	2,400	4,000	8,000
Коэффицент		2/10	3/10	5/10	10/10
ТХК харажатларини тақсимлаш		124,815	187,225	312,042	624,082
Ахборот тизими:					
Меҳнат соатлари бюджети	200		1600	200	2000
Коэффицент	1/10		8/10	1/10	10/10
АТ харажатларини тақсимлаш	24,083		192,653	24,080	240,816
Асосий цехнинг харажатлари			**779,878**	**536,122**	**1,316,000**

Тенгламалар тизими энг қўлай ва аниқ натижани берадиган усул ҳисобланади. Унинг қўлайлиги ҳисоб-китобларнинг бир марта тақсимланишида бажарилишидир. Бунда жадвалда кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш бўлимининг ахборот тизими бўлимига тақсимланган

124,815 п.б. ҳамда ахборот тизими бўлимининг техник хизмат кўрсатиш бўлимига тақсимланган 24,083 п.б. суммаларини қайта тақсимлашга зарурият туғилмайди.

Энди ҳар бир методда олинган натижаларни солиштирамиз. Юқоридаги мисолларда ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимига оид бўлган бюджетлаштирилган устама харажатлар индивидуал маҳсулотлар таннархига машина бўлимида бюджетлаштирилган 4000 машина/соат ҳамда йиғма цехда ишлаб чиқариш ходимларининг тўғридан-тўғри 3000 меҳнат соати ҳисобидан тақсимлаш амалга оширилади. Бюджетлаштирилган устама харажатларни тақсимлаш ставкаларини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади (2.19-жадвал):

2.19-жадвал

Маҳсулот таннархига устама харажатларни тақсимлашнинг бюджетлаштирилган ставкаси

Тақсимлаш методлари	***Хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатлари тақсимлангандан сўнг бюджетлаштирилган жами устама харажатлар***		***Маҳсулот таннархини ҳисоблаш учун устама харажатлар тақсимлашнинг бюджетлаштирилган ставкаси***	
	Машина цехи	***Йиғма цех***	***Машина цехи (4,000 маш/соат)***	***Йиғма цех (3000 меҳ/соат)***
Тўғридан-тўғри	$728.111	$587.889	$182	$196
Қадамба-қадам	789.778	526.222	197	175
Такрор тақсимлаш	779.877	536.123	195	179
Тенгламалар тизими	779.877	536.123	195	179

Сервис хизматлари бўлимлари харажатларини тақсимлашнинг алтернатив усуллари асосида ҳисобланган устама харажатларини тақсимлаш ставкалари ўртасидаги фарқлар менеджерлар учун аҳамиятли ахборот ҳисобланиши мумкин. У ёки бу маҳсулотлар бирлиги таннархи солиштирилиши асосида ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ёки давом эттириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда бу ахборотлар ўта муҳим ҳисобланади.

7-МОДУЛ. БУЮРТМАЛИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛИ *(ORDER JOB COSTING).*

7.1-Маъруза. Буюртмали калькуляциянинг асосий муқобил ёндашувлари. Ҳақиқий ва меъёрий калькуляция. Тугалланмаган контрактлар бўйича фойда ҳисоби.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш тизими иккита базисли тизимлардан бирини ёки иккаласини комбинациялашган ҳолда қўлланилишини тақоза этади: буюртмали калькуляция ёки жараёнли калькуляция тизимлари. Бу иккита тизимнинг хусусиятлари ва боғлиқлигини қуйидагича акс эттириш мумкин.



Чизмадан кўриниб турибдики, буюртмали калькуляция махсус буюртма қилинган буюмларни ишлаб чиқариш соҳасида ёки кичик партиядаги товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланилади.

Жараёнли калькуляция эса оммовий маҳсулотлар, яъни буюртмасиз ишлаб чиқариладиган бирликлар бўйича қўлланилади.

Таннархнинг буюртмали калькуляцияси – бу таннархни калькуляция қилиш методи бўлиб, бунда мақсадли харажат (ҳисоб объекти) бўлиб маҳсулотнинг (иш, хизмат) ўзи ёки маҳсулотнинг катта бўлмаган партияси, яъни буюртмалар ҳисобланади. Ушбу маҳсулот (иш, хизмат) кўп ҳолларда буюртма деб юритилади. Бундан ушбу калькуляция қилиш методининг номланиши келиб чиқади. Таннархни калькуляция қилишнинг буюртмали усулида харажатлар аниқ маҳсулотга тўғри ва онсон ёндашилади.

Буюртмали калькуляция менежмент мақсадларида фақат ишлаб чиқариш компанияларидагина эмас, балки қурилиш ташкилотларида, хизмат индустриясида, нотижорат корхоналарида ҳам қўлланилади. Мисол учун, бу тизимни қўллайдиган корхоналарга уй қурилиши корхоналари, маслаҳат фирмалари, ҳуқуқшунослик фирмалари, аудит ва бухгалтерия ҳисоби хизмати ташкилотлари, реклама агентликлари ҳамда медицина хизмати корхоналарини келтиришимиз мумкин. Ишлаб чиқариш бўлмаган индустрияда иш буюртмали калкуляция атамасини қўлламасдан, унинг ўрнига «ишлар», ҳуқуқшунослик фирмалари ёки касалхоналарда «кейслар», қурилиш ташкилотларида «контрактлар» ёки

«мажбуриятлар» деб аталади. Буюртмали калькуляция менежерларга режалаштириш ва назорат қилишда қўл келади. Унинг маълумотлари асосида иш ва маҳсулот учун сарфланган тўғридан-тўғри материалларнинг, меҳнат ҳақи ва устама харажатларнинг ҳар бир буюртма кесимида аниқлаш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқаришда жараёнли калькуляция қилиш – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблаш методи бўлиб, ушбу метод ялпи бир хилдаги (серийний) маҳсулот тайёрловчи ёки турли маҳсулотлар тайёрловчи, лекин жараён доимий қайтариладиган операцияларга бўлинадиган ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Жараёнли методнинг буюртмали методдан принципиал фарқи харажатлар ҳисоби объектини танлашда кўринади. Буюртмали усул ҳисоб объекти бўлиб маҳсулотларнинг махсус ҳар бир бирлиги ёки кичик партияси ҳисобланади. Жараёнли калькуляцияда эса мақсадли харажат бўлиб маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни, мисол учун қориштириш, пишириш ва упаковка қилиш жараёнлари ҳисобланади.. Жараёнли калькуляцияни қўллайдиган тармоқларга мисол қилиб кимё, нефтни қайта ишлаш, текстил, лак-бўёқ, ун, сут, резино-техник корхоналарини келтиришимиз мумкин.

Жараёнли методда битта буюмнинг таннархи бутун ишлаб чиқариш таннархини ушбу даврда ишлаб чиқарилган буюмлар миқдорига бўлиш орқали топилади. Буюртмали калькуляцияда кам бўлган миқдордаги бирликларнинг ёки бутун бир буюртманинг таннархи алоҳида ҳисобланади. 5.2-чизмада буюртмали калкуляция ва жараёнли калькуляция ўртасидаги фарқлар аниқ баён қилинган.

Бир қанча товарлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлган, масалан, уй рўзғор электр приборлари, қайсики реализациясига қадар омборларда сақлайдиган компаниялар таннархни калькуляция қилишнинг товарлар партияси усулини қўллайди. Бунда фарқли жиҳати шундан иборатки, маҳсулот бирлиги харажатлар ҳисобланмасдан, балки харажатлар ҳар бир ишлаб чиқариш нарядига ҳисобланади. Буюртма тугагандан кейин маҳсулот бирлиги таннархи партиянинг жами харажатларини товарлар бирлиги миқдорига бўлиш орқали топилади.

Кўпчилик компаниялар таннархни буюртмали калькуляциясини товарлар партияси таннархини калькуляция қилиш билан бирлаштирадилар. Бундай ҳолатларни мижозларнинг техник талаблари асосида маҳсулотларни йиғувчи, қайсики конструкция (йиғма)нинг ўзи бир қанча бутловчи деталлардан иборат бўлиб, улар бошқа конструкцияларда ишлатиш мумкин бўлган компанияларда учратиш мумкин. Бундай ҳолларда бутловчи деталлар партияси ва барча харажатлар буюмларнинг аниқ партияси калькуляцион ведомостида ҳисобга олинади. Бутловчи буюмлар тайёрланиши якунлангандан сўнг наряд-буюртма ёпилади ва тайёрланган маҳсулот ўртача таннархи бўйича тайёр деталлар омборига узатилади. Агар мижоз қандайдир

маълум конструкцияга буюртма берса, талаб қилинадиган деталлар омборхонадан олинади ва харажатлар йиғиш бўйича наряд-буюртма ҳисобига ёзиб борилади.

Профессионал хизмат кўрсатувчи (сервис) корхоналарида буюртмали калькуляцияда учта ёндашувдан бирини қўллайдилар:

- *Биринчи муқобиллик*. Ягона тўғридан тўғри харажат моддаси (одатда тўғридан-тўғри профессионал меҳнат), ягона билвосита (устама) харажат заррачаси ҳамда ягона устама харажатларни тақсимлаш ставкаси.
- *Иккинчи муқобиллик*. Кўп тўғридан-тўғри харажат моддаси (тўғридан-тўғри профессионал меҳнат, фотонусха, компьютер соати ва бошқа заррачалар) ва ягона билвосита (устама) харажат заррачаси ҳамда ягона устама харажатларни тақсимлаш ставкаси.
- *Учинчи муқобиллик*. Кўп тўғридан-тўғри харажат моддаси ва кўп билвосита (устама) харажат заррачаси ҳамда кўп устама харажатларни тақсимлаш ставкаси.

5.1-расмда ушбу муқобилларнинг тавсифи чизма кўринишда келтирилган. Ушбу муқобилларнинг қўлланилишини бухгалтерия ҳисоби соҳасида хизмат кўрсатадиган компания мисолида кўриб ўтамиз.

Биринчи муқобиллик. Кўплаб профессионал сервис фирмалар, жумладан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги фирмалар профессионал персонал, қайсики кимнинг меҳнати аудит ўтказишга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлса тўғридан-тўғри меҳнатга олиб боради. Бошқа қолган барча харажатлар эса билвосита (устама) харажат деб таснифланади. Биз бу ҳолатни ***биринчи муқобиллик*** деб аташимиз мумкин. Жамоат бухгалтерия ҳисоби фирмаси 2009 йил учун аудит бюджетини қуйидагича акс эттирди (пул бирлигида):

Даромадлар……..	15,000,000
Тўғридан-тўғри профессионал меҳнат (Мижозлар томонидан қабул қилинган профессионал меҳнат соатлари учун тўланадиган ҳақ)	3,750,000
Маржинал даромад (устама харажатлар ва операцион фойдани таъминлаш)	11,250,000
Устама харажатлар*.	10,500,000
Операцион фойда.	.750,000

*Бошқа барча харажатлар имзолаш соати, тайёргарлик кўриш, маркетинг ва бошқа умумий маъмурий харажатлар.

Тўғридан-тўғри профессионал соатлар бу мижозлар аудити, менеджерлар ва бошқа бухгалтерларнинг меҳнати билан ўлчанилади. Бюджетлаштирилган тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари бюджет соатлари ҳамда белгиланган меҳнат ставкалари асосида ҳисобланади. Аудит борасида мижозларга кўрсатилган соатлар учун тўланадиган ҳақ субординаторларга нисбатан тўланадиган ставкалардан юқорини ташкил этади. Устама эса ягона билвосита харажатлар заррачасидан ташкил топади, қайсики тўғридан-тўғри меҳнат харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланиб хизмат таннархига олиб борилади. Аудит бўйича бюджетлаштирилган жами харажатлар тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ҳамда тақсимланган устама харажатларидан ташкил топади. Ушбу ҳолатдаги мисолда бюджетлаштирилган устама харажатларнинг ставкаси 280% га тенг. Бу қуйидагича ҳисобланади:

Бюджетлаштирилган устама ставкаси = Бюджетлаштирилган устама харажатлар / бюджетлаштирилган тўғридан-тўғри профессионал меҳнат харажатлари = 10,500,000 п.б./3,750,000 п.б. =280%

Аудит фаолиятини бюджетлаштиришда ҳамда аудит шартномаларини тузишда, ҳар бир индивидуал аудитнинг суммасини ва унинг молиявий натижаларини аниқлашга зарурият туғилади. Бунинг учун формула ёрдамида ставка даражаси аниқланади.

Индивидуал аудит нархи ставкаси даражаси = Бюджетлаштирилган даромад / бюджетлаштирилган тўғридан-тўғри профессионал меҳнат харажатлари = 15,000,000 / 3,750,000 = 400%

Агар ҳар бир индивидуал аудит бўйича тўғридан-тўғри профессионал меҳнат харажатлари аниқ бўлса, юқоридаги формулалардан фойдаланиб аудит бўйича харажатлар, даромадлар ва операцион фойдани аниқлаймиз:

Тўғридан-тўғри профессионал меҳнат	40,000
Тақсимланган устама, 40,000 п.б. дан 280%.	112,000
Аудитнинг тўлиқ таннархи.	152,000

Индивидуал аудит нархи ставкаси даражаси 400% мўлжалланган даромад ва операцион фойда суммаларини аниқлаш мумкин бўлади:

Даромад (40,000 п.б.дан 400%)	160,000
Айирилади: жами таннарх.	152,000
Операцион фойда.	8,000

Ушбу буюртмали калкуляцияга асосан ҳисоб-китоблар аудит фаолиятини режалаштиришда ҳамда харажатлари устидан назорат қилишда қўл келади.

Иккинчи муқобиллик. Биз юқорида тавсифлаган профессионал хизмат кўрсатувчи корхона мисолда буюртмали калкуляциянинг қўлланилишини кўриб ўтдик. Бунда ягона тўғридан-тўғри харажатлар моддаси ва ягона устама харажатлар ставкаси қатнашди. Бироқ, мижозлар биринчи муқобилликда таъминланган ахборотлардан кўра кўпроқ ахборотларни очиқлашга (тўланадиган сумманинг қандай шаклланганлиги) эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжни таъминлаш мақсадида профессионал хизмат кўрсатувчи корхоналар тўғридан-тўғри харажатларда устама харажатларга нисбатан кўпроқ харажатларни акс эттиришга интилмоқдалар. Тўғридан-тўғри харажатларни кенгроқ очиқлашга йўналтирилган ёндашув ***иккинчи муқобиллик*** деб аталади.

Иккинчи муқобиллик асосида харажатлар тўғрисида ахборотларни акс эттириш қуйида келтирилган (пул бирлигида):

Тўғридан-тўғри профессионал меҳнат	40,000
Тўғридан-тўғри қўллаб-қувватловчи меҳнат, жумладан котибалик харажатлари.	10,000
Барча тўғридан-тўғри меҳнат учун рағбатлантириш* . .	17,500
Фотонусха чиқариш.	1,100
Телефондаги сўзлашув.	1,000
Компьютер вақти	8,000
Жами тўғридан-тўғри харажатлар.	77,600
Тақсимланган устама харажатлар (100% тўғридан-тўғри харажатлар миқдорида).	77,600
Аудит бўйича жами харажатлар.	155,200

*35% меҳнат харажатларидан (40,000 + 10,000) =17,500 п.б.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, иккинчи муқобилликда биринчи муқобилликка нисбатан тўғридан-тўғри харажатлар кенгроқ очиқланган. Агар фотонусха олиш, телефонда сўзлашув, котибалик соати, компьютер соати харажатларини кузатиш иқтисодий нуқтаи назардан мумкин бўлса, у ҳолда уларни устама харажатлар ичида билвосита харажат сифатида эмас балки тўғридан-тўғри харажат деб тан олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айрим компаниялар тўғридан-тўғри меҳнат учун рағбатлантиришларни тўғридан-тўғри меҳнат ҳамда тўғридан-тўғри қўллаб-қувватловчи меҳнат ичида акс эттиради. У ҳолда юқоридаги мисолда, тўғридан-тўғри профессионал меҳнат 40,000 *1,35 =54,000 п.б. бўлади, қўллаб қувватловчи меҳнат эса 10,000 * 1,35 = 13,500 п.б. ни ташкил этади. Жами тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари 57,500 п.б.га тенг.

Иккинчи муқобиллик ахборот фойдаланувчиларда кенгроқ ахборотларни шакллантиришга ҳамда мижозларда тўловлар ҳақида асосли қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Учинчи муқобиллик. Ноишлаб чиқариш тармоқларда харажатларни ишларга тақсимлашда биттадан ортиқ устама харажатларини тақсимлаш ставкаларидан фойдаланади, қайсики бу ***учинчи муқобил ёндашув*** деб аталади. Мисол учун, айрим устама харажатлар тўғридан-тўғри профессионал меҳнат асосида тақсимланса, бошқа устама харажатлар моддалари компьютер соати асосида тақсимланиши кўзда тутилади.

Устама харажатларнинг кўп тақсимлаш базаларидан фойдаланиш харажатларни махсус ишлар билан мувофиқликда тақсимлашга хизмат қилади. Юқоридаги мисолларда профессионал хизмат кўрсатувчи компанияда билвосита харажатларини тақсимлаш базаси сифатида тўғридан-тўғри профессионал меҳнат харажатлари, ишлов берилган бетлар, жами тўғридан-тўғри харажатлар олинган. Бошқа бир мисолда ишлаб чиқаришда кўплаб таннарх драйверлари идентификацияланиши мумкин ҳамда турли харажатлар иш таннархига турли тақсимлаш базалари, жумладан харид буюртмалари сони, турли-туман қисмлар миқдори, тўғридан-тўғри меҳнат соатлари, машина соатлари ва бошқа кўрсаткичлар.

Ишлаб чиқариш ва сервис корхоналарида кўп устама харажатларини тақсимлаш базаларидан фойдаланиш нархларни белгилаш борасида қарорлар қабул қилиш, маҳсулотни танлаш, ресурсларни ташқаридан жалб қилишни ёки ушбу ресурсларни ички омилларни ишга солиб ҳал қилиш масалаларини ечишда қўл келади.

Буюртмали калкуляция учун даставвал ишончли ва объектив ахборот манбаи талаб этилади. Асосий ахборот манбаи бўлиб бошланғич ҳужжатлар ҳамда улар асосида юритиладиган ***иш таннархи ёзувлари*** ёки ***буюртма иш жадвали*** ҳисобланади. Иш таннархи ёзувларини юритиш тартиби ва унинг кўринишини қуйидаги жадвал шаклида акс эттириш мумкин (3.1-Жадвал):

3.1-Жадвал

АВС компанияси

Иш рақами №МТ24Х48-47201

_____ Заҳираси учун Харидор (Буюртмачи) **XYZ компанияси**

_____Иш бошланиши санаси **08,01,2009** Ишни тугатиш санаси **23,01,2009** Миқдори: **50**

А бўлими – Машина ишлови

Тўғридан-тўғри материал	***Тўғридан-тўғри меҳнат***	***Устама харажатлар***

Санаси	*Референс (Материал талабномаси номери*	*Сумма*	*Санаси*	*Референс (Материал талабномаси номери*	*Сумма*	*Санаси*	*Референс*	*Сумма*
08.01.09	**MRQ4340**	**$1.550**	**14.01.09**	**14.01.09**	**$240**	**14.01.09**	***LDI-14-09***	**$288**
10.01.09	**MRQ4347**	**575**	**21.01.09**	**21.01.09**	**520**	**21.01.09**	***LDI-21-09***	**624**
Жами		**$2.125**			**$760**			**$912**

Б бўлими – Йиғиш ишлови

Тўғридан-тўғри материал			*Тўғридан-тўғри меҳнат*			*Устама харажатлар*		
Санаси	*Референс (Материал талабномаси номери*	*Сумма*	*Санаси*	*Референс (Материал талабномаси номери*	*Сумма*	*Санаси*	*Тақсимлаш ставкаси*	*Сумма*
16.01.09	***MRQ4368***	***$425***	***21.01.09***	***LDI-21-09***	***$440***	***21.01.09***	***LDI-21-09***	***$528***
-	*-*	*-*	***28.01.09***	***LDI-28-09***	***600***	***28.01.09***	***LDI-21-09***	***720***
Жами		***$425***			***$1040***			***$1248***

Таннарх ҳисоби

	А. Бўлим	***Б. Бўлим***	***Жами***
Бирлик таннарх			
Тўғридан-тўғри материал	*$2.125*	*$425*	*$2.550*
Тўғридан-тўғри меҳнат	*760*	*1.040*	*1.800*
Тақсимланган устама	*912*	*1.248*	*2.160*
Жами	***$ 3.797***	***$ 2.713***	***$ 6.510***

$130,20

Қўлланилаётган иш таннархи ёзувлари компаниянинг махсус ахборотларга бўлган талабларига жавоб бериши, лекин ахборотларнинг қайтарилишига йўл қўйилмаслиги керак. Ушбу маълумотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ишнинг бошланиш санаси
2. Ишнинг якунланиш санаси
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш тавсифи ва қисмлари

4. Маҳсулотни буюртма қилган харидор
5. Ишлаб чиқарилган миқдор
6. Ишнинг рақами

Ушбу маълумотлар буюртма таннархни ҳисоблашга имкон беради. Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, буюртма маҳсулот бирлигининг таннархи $130,20 га тенглиги аниқланди.

Буюртмали усулда қуйидаги 8 кетма-кетликка риоя қилинади:

1. Таъминотчилардан асосий ва ёрдамчи материалларнинг келиб тушишиш;
2. Асосий ва ёрдамчи материалларни ишлаб чиқаришга чиқариш;
3. Иш ҳақи ва ажратмаларни ҳисоблаш;
4. Ой давомида иш ҳақини бериш;
5. Бошқа ишлаб чиқариш устама харажатларни ёзиш;
6. Ишлаб чиқариш устама харажатларини буюртмалар бўйича тақсимлаш;
7. Буюртмани якунлаш ва тайёр маҳсулотларни тайёрлаш;
8. Реализация ва реализация қилинган маҳсулот таннархини ҳисобдан чиқариш.

Компания бухгалтериясида журнал ва бош китоб ёзувлари асосида маҳсулот таннархини буюртмали усулда калкуляция қилиш тартибини амалий мисолларда кўриб ўтайлик.

1-операция. 99,000 п.б. га тўғридан-тўғри ва билвосита фойдаланиш учун материал харид қилиб олинди.

Натижада, материаллар активи кўпайади. Бир вақтнинг ўзида тўланадиган счетлар бўйича мажбуриятлар ҳам шу суммага ошади. Агар компания заҳираларни ҳисобга олишда узлуксиз ҳисоб тизимини қўлласа бу ёзув *материал ёзуви* деб аталади. Ушбу материалларнинг битта туридаги карточкасига ёзувларни қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин (3.2-жадвал):

3.2-жадвал

Материал ёзуви

		Қабул қилинди			***Қўлланилди***			***Қолдиқ***		
Сана си	***Рефе ренс***	***Миқ-дори***	***Бирлик таннарх и***	***Жами таннарх***	***Миқ-дори***	***Бирлик таннархи***	***Жами таннарх***	***Миқ-дори***	***Бирлик таннархи***	***Жами таннарх***
10.02	***VL014R41***	***300***	***2.50***	***750***				***300***	***2.50***	***750***
22.02	***R41***				***80***	***2.50***	***200***	***220***	***2.50***	***550***

Юқоридаги операция бўйича журнал ёзуви қуйидагича бўлади:

Материал назорати *99,000*
Тўланадиган счетлар *99,000*

Бош китобга ёзувлари қуйидагича амалга оширилади:

Материал назорати		***Тўланадиган счетлар***	
(1) 99,000			(1) 99,000

2-операция. Ишлаб чиқариш талабномаси асосида 91,000 п.б. да тўғридан-тўғри материаллар ва 4,000 п.б да билвосита материаллар фойдаланишга чиқарилди.

Ушбу операция натижасида ишлаб чиқариш жараёни ҳамда бўлим устама харажатлари кўпайди. Бир вақнинг ўзида материаллар активи шу жами 95,000 п.б. суммасига камайди. Ёзувларни амалга ошириш учун асос бўлиб бўлимларнинг талабномаси ҳисобланади. Бўлимнинг устама харажатларини қуйидаги шаклдаги жадвалда умумлаштирилиши бўлим устама харажатлари тўғрисида ахборотларни етказишга хизмат қилади (3.3-жадвал):

3.3-жадвал

Бўлим устама харажатларини умумлаштириш

Сана си	***Ҳужжат манбаи***	***Ёғлаш материаллари***	***Бошқа таъминот***	***Ёрдамчи материал***	***Турибқолишлар***	***Иш вақтидан кейинги вақт***	***Ёрдамчи меҳнат***	***Маиший хизмат***	***Суғурта***	***Амортизация***
	Талабнома	***XX***	***XX***							
	Меҳнат ҳисоб-китоблари			***XX***	***XX***	***XX***	***XX***			
	Фактура							***XX***		
	Назоратчи бўлимлар томонидан ҳисоблаш, олдиндан тўлов ва бошқалар асосида тузилган мемолар							***XX***	***XX***	***XX***

2-операция бўйича бухгалтерия ёзувлари қўйидагича амалга оширилади:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати *91,000*
Бўлим устамалари назорати *4,000*
(билвосита материал)
Материал назорати *95,000*

Ушбу операция натижаларини бош китобга ёзуви қуйидагича амалга оширилади:

Материал назорати		***Ишлаб чиқариш жараёни назорати***		***Бўлим устамалари назорати***	
(1) 99,000	**(2) 95,000**	**(2) 91,000**		**(2) 4,000**	

3-операция. Компания ишчи ходимларига иш ҳақи ҳисобланди. Тўғридан-тўғри ишчиларга 39,000 п.б., билвосита меҳнат 5,000 п.б..

Ушбу операция натижасида ишлаб чиқариш жараёни ҳамда бўлим устамалари актив сифатида кўпаяди. Бир вақтнинг ўзида иш ҳақи бўйича мажбуриятлар ҳам ошади. 3-операциянинг журнал ёзувлари қуйидагича бўлади:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати *39,000*
Бўлим устамалари назорати (билвосита меҳнат) *5,000*
Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар *44,000*

Ушбу операцияларнинг бош китобга ёзуви қуйидагича амалга оширилади:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати		***Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар***		***Бўлим устамалари назорати***	
(1) 91,000			**(3) 44,000**	(2) 4,000	
(3) 39,000				**(3) 5,000**	

4-операция. Компания ишчи ва ходимларига иш ҳақи 44,000 п.б.га берилди.

Ушбу операция натижасида иш ҳақи бўйича мажбуриятлар камайди. Бир вақтнинг ўзида актив счет пул маблағлари ҳам шу суммага камайяпди. 4-операциянинг журнал ёзувлари қуйидагича амалга оширилади:

Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар *44,000*
Пул маблағлари *44,000*

Бош китобга ёзувлар бажарилгандан сўнг счетлар қуйидагича кўринишга эга бўлади.

Пул маблағлари		Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар	
	(4) 44,000	***(4) 44,000***	(3) 44,000

Кўпчилик компаниялар иш ҳақи бўйича тўловларни ҳафтада бир марта амалга оширадилар. Натижада, иш ҳақи бўйича мажбуриятлар счетининг дебетида бир ой мабойнида тўрт марта ёзувлар бўлади. Юқоридаги мисолимизда уларнинг жамиси 44,000 п.б. га тенг бўлади.

5-операция. Ҳисобот ойида фабрика бўлимлари устама харажатлари 75,000 п.б.ни ташкил этди. Бу маиший хизматлар ва таъмирлаш 23,000 п.б., асбоб-ускуналарнинг амортизацияси 50,000 п.б., суғурта бўйича олдиндан тўловлар 2,000 п.б.дан иборат.

Ушбу операция натижасида фабрика устама харажатлари ўсаяпди. Тўланадиган счетлар бўйича счетлар, жамғарилган амортизация счетлари кўпаймоқда, суғурта бўйича аванс счетлари камаймоқда.

5-операциянинг бухгалтерия ёзувларини қуйидагича амалга оширамиз:

Фабрика бўлим устама харажатлари *75,000*
Тўланадиган счетлар *23,000*
Асбоб-ускуналарнинг жамғарилган амортизацияси *50,000*
Олдиндан тўланган суғурта *2,000*

Бош китобга ёзувлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Бўлим устамалари назорати		***Тўланадиган счетлар***	
(2) 4,000			(1) 99,000
(3) 5,000			**(5) 23,000**
(5)75,000			

Асбоб-ускуналарнинг жамғарилган амортизацияси		***Олдиндан тўланган суғурта***	
	(5)50,000		**(5) 44,000**

6-операция. Фабрика устама харажатлари маҳсулотга тақсимланди. Суммаси 80,000 п.б.

Ушбу операция натижасида ишлаб чиқариш жараёни кўпаяди. Фабрика устама бўлим харажатлари эса ушбу суммага тақсимланган устама харажатлари счети орқали камаяди.

Тақсимланган устама харажатлари бу фабриканинг маҳсулотларга тақсимланган устама харажатлари бўлиб, у бюджетлаштирилган устама ставкалари асосида аниқланади. Юқоридаги мисолимизда устама харажатларни тақсимлаш ставкаси 80 п.б. бир машина соатга белгиланган. Демак, тақсимланган устама харажатлари ҳақиқатда ишлатилган машина соатга боғлиқ бўлади. Ушбу ишда 1,000 машина соати қўлланилган. У ҳолда тақсимланган устама харажатлари суммаси 80,000 п.б.ни ташкил этади, қайсики бу сумма 6-операцияда келтирилган.

Ушбу операциянинг журнал ёзувлари қуйидагича бўлади:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати 80,000
Тақсимланган устама харажатлари 80,000

Бош китобга амалга оширилган ёзувлари қуйидагича амалга оширилади:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати

(2) 91,000	
(3) 39,000	
(6) 80,000	

Тақсимланган устама харажатлар

	(6) 80,000

7-операция. №101-108 буюртма иш якунланиб тайёр маҳсулотга ўтказилди. Суммаси 198,800 п.б..

Операциянинг мазмунидан маълумки, буюртма иш тугалланган ҳамда буюртма ишнинг жами натижаси чиқарилган. Счет таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, тўғридан-тўғри материал харажатлари ҳақиқий, тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ҳам ҳақиқий, устама харажатлар эса бюджетлаштирилган ставка асосида тақсимланган.

Ушбу операциянинг журнал ёзувлари қуйидагича бўлади:

Тайёр маҳсулотлар назорати 198,800
Ишлаб чиқариш жараёни назорати 198,800

Бош китобга ёзувлар амалга оширилгандан кейин счетлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати

(2) 91,000	**(7) 198,800**
(3) 39,000	
(6) 80,000	

Тайёр маҳсулотлар назорати

(7) 198,800	

8-операция. Реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи 190,000 п.б.га тенглиги аниқланди.

Операция натижасида юзага келган ўзгаришлар таҳлил қилинадиган бўлса, унинг натижасида реализация қилинган маҳсулот таннархи 190,000 п.б.га ошганлиги ҳамда тайёр маҳсулотлар эса шу суммага камайганлини кўрамиз.

Реализация қилинган маҳсулот таннархи

(8) 190,000	

Тайёр маҳсулотлар назорати

(7) 198,800	**(8) 190,000**

Ушбу юқоридаги операцияларнинг журнал ёзувлари, бош китобга ёзувлари ва уларнинг алоқадорлиги ҳамда буюртмали калкуляциянинг қўлланилиши жараёнини схематик равишда 4-5 (98-бет)-чизмада акс эттирамиз.

Юқоридаги 6-операцияда фабрика устамаларини маҳсулотга тақсимлашда бюджетлаштирилган устама харажатлари ставкасидан фойдаланилди. Бюджетлаштирилган устама харажатлари ставкасини қўллашнинг асосий сабаби нимадан иборат. Кўпчилик менеджерлар ишлаб чиқариш харажатларини турли хил маҳсулотларга йилнинг охирида эмас, балки доимий равишда олиб борилишини исташади. Агар устама харажатларни ҳақиқий ҳисоб-китоб бўйича амалга ошириладиган бўлса, йилнинг якунини ёки сорақликнинг якунини кутишга тўғри келади. Маҳсулотнинг тўлиқ таннархи тўғрисидаги ахборотларга эҳтиёж доимий бўлади. Уларни имкон қадар қисқа муддатларда тақдим этишга зарурият бор, чунки қарорлар қабул қилишда кечикмаслик керак. Шу боис, бюджетлаштирилган устама харажатлар ва бюджетлаштирилган тақсимлаш базалари асосида бюджетлаштирилган устама харажатлари ставкаси ҳисобланади. Бюджетлаштирилган устама харажатлар ставкасини ҳисоблаш учун қуйидаги босқичдаги ишлар амалга оширилади.

1-босқич. Тақсимлаш базаси танланади ва у барча маҳсулотлар учун (таннарх объекти) умумий бўлинувчи бўлиши керак. Тақсимлаш базаси бўлиб тўғридан-тўғри меҳнат соатлари, тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ва машина соатлари ва бошқа базаларни мисол келтириш

мумкин. Умумий бўлинувчи харажатларни ёки харажатлар гуруҳларини, чунончи устама харажатларни маҳсулот билан боғлай олиши керак. Бунда сабаб оқибат боғланиши бўлиши керак.

2-босқич. Режалаштирилаётган йил учун фабрика устама харажатларининг бюджетларини тузиш талаб этилади. Бунда икки масала ҳал қилиниши лозим бўлади: (а) бюджетлаштирилган жами устама ва б) тақсимлаш базаси учун асос қилиб олинадиган бюджетлаштирилган ҳажм рақами.

3-босқич. Бюджетлаштирилган устама харажатларнинг ставкасини ҳисоблаш. Бунинг учун бюджетлаштирилган жами устама харажатларини тақсимлаш базаси бўлган бюджетлаштирилган ҳажм рақамига бўлиш талаб этилади.

4-босқич. Ҳисобот санаси якуни билан ҳақиқий тақсимлаш базасини аниқлаб олиш талаб этилади. Мисол учун ҳақиқий ишланган машина соат.

5-босқич. Бюджетлаштирилган устама харажатлари ставкаси ҳақиқий тақсимлаш базасига кўпайтирилиб, маҳсулот ёки ишларнинг таннархига олиб бориладиган устама харажатлар суммаси аниқланади.

6-босқич. Йил сўнгида маҳсулот таннархига олиб борилган устама харажатлар суммаси билан ҳақиқатда жамғарилган устама харажатлари суммаси ўртасидаги фарқ аниқланади.

Юқоридаги мисолимизда компаниянинг жами бюджетлаштирилган устама харажатлари 1,056,000 п.б.ни ташкил этади. Бюджетлаштирилган тақсимлаш базаси 13,200 машина соатга тенг. У ҳолда бюдетлаштирилган устама ставкаси қуйидагига тенг бўлади:

Тақсимлашнинг бюджетлаштирилган устама ставкаси = жами бюджелаштирилган фабрика устамаси / бюджетлаштирилган тақсимлаш базаси жами ҳажми = 1,056,000 п.б. / 13,200 машина соат = 80 п.б. /машина соат.

80 п.б./машина соатни индивидуал иш таннархини калкуляция қилишда фойдаланиш мумкин. Мисол учун, 323-иш бўйича иш-таннарх ёзувлари қуйидаги ахборотларни қамраб олади:

Ҳақиқатда тўғридан-тўғри материал харажатлари 700 п.б.
Ҳақиқатда тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари 280 п.б.
Ҳақиқатда ишлаган машина соатлар 8

323-иш бўйича устама харажатларни амалга ошириш қуйидагича амалга оширилади: 8 ҳақиқатдаги машина соатни * бюджетлаштирилган ставка 80 = 640 п.б.. 323-иш бўйича жами таннарх тенг бўлади: 700 п.б. + 280 п.б. + 640 п.б. = 1,620 п.б. Йилнинг якуни бўйича ҳақиқий натижалар кўзда тутилган 1,056,000 п.б. даги устама харажатлар ҳамда 13,200 машина соатга мувофиқлаштирилади, қайсики жами устамалар

йил давомида маҳсулот турларига аниқ тақсимланади. 4.8-чизма (105-бет) буюртмали калкуляция тизимининг қўлланилишини схематик акс эттириб беради.

Счетларга очилган регистрлардаги маълумотлар устида ишлаш устама харажатлар ҳисобини яхшироқ тушунишга имкон беради. Юқоридаги операциялар асосида ёзувлар амалга оширилгандан кейин компаниянинг январ ойидаги счетларининг кўриниши қуйидагича бўлади:

Бўлим устамалари назорати	
(2) 4,000	
(3) 5,000	
(5)75,000	
Баланс **84,000**	

Фабрика тақсимланган устамаси	
	(6) 80,000

Фабрика Бўлим Устамалари Назорати счети ойлик жами дебет суммаси жуда кам ҳолатларда Фабрика Тақсимланган Устамаси счетининг ойлик кредит суммасига тенг бўлади. Компаниянинг январ ойидаги счетларнинг ҳолати шуни кўрсатиб турибдики, иккита счетнинг ойлик натижалари ўртасида 4000 п.б. фарқ юзага келган (84,000 - 80,000). 4000 п.б. *тақсимланмай қолган устама суммаси* деб аталади. Агарда тақсимланган баланс жамғарилган (ҳақиқатдаги) балансдан катта бўлса у ҳолда *ортиқча тақсимланган устама суммаси* юзага келади. Ой мабойнида счетлар таҳлил қилинганда уларнинг балансида плюс ва минус фарқлар юза келиши мумкин. Улар бир-бирини қоплаб йил охирида бу икки счетнинг баланслари ўртасида катта фарқ юзага келмаслиги мумкин.

Агарда йил сўнгида бу икки счет ўртасида фарқ чиқиб, натижада тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган устама юзага келса уларни қоплашнинг иккита усули мавжуд.

Биринчи усул ***зудлик билан ёзувларни амалга ошириш усули***, яъни ўртадаги фарқни Реализация Қилинган Маҳсулот Таннархига олиб бориш билан иш якунланади.

Мисол учун, олайлик жамғарилган (ҳақиқатда) устама суммаси 600,000 п.б., тақсимланган устама эса 550,000 п.б. га тенг бўлган. Натижада, тақсимланмай қолган устама суммаси 50,000 п.б.ни ташкил этмоқда. Ушбу ҳолларда зудлик билан ёзувларни амалга ошириш усули бўйича қўйидаги ёзувлар амалга оширилади:

Реализация қилинган маҳсулот таннархи	*50,000*	
Фабрика тақсимланган устамаси	*550,000*	
Фабрика бўлим устамалари назорати		*600,000*

Ёзув: Устама счетларини ёпиш ҳамда тақсимланмай қолган устама харажатларни реализация қилинган маҳсулот таннархига олиб бориш.

Агарда ортиқча тақсимланган устама харажатлари юзага келган ҳолларда эса реализация қилинган маҳсулот таннархи счети кредитланади.

50,000 п.б. юзага келган фарқ бир компания учун салмоқли бўлмасада, лекин бошқа бир компания учун салмоқли бўлиши мумкин. Агар менеджерлар ушбу суммани салмоқли деб ҳисоблаган ҳолларда тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган суммаларни иккинчи усул ҳисобланган ***пропорция усулида*** Ишлаб Чиқариш Жараёни Назорати, Тайёр Маҳсулот Назорати ҳамда Реализация Қилинган Маҳсулот таннархи счетларига тақсимлайди (3.4-жадвал):

3.4-жадвал

Тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган суммаларни пропорция усулида тақсимлаш

Счетлар	*Йил охирида пропорцияга қадар счетлар баланси (п.б.)*	*Тақсимланмай қолган устама харажатларни счетларга олиб бориш пропорцияси (п.б.)*	*Йил охирида пропорциядан кейин счетлар баланси*
Ишлаб чиқариш жараёни	125,000	125/1,250*50,000=5,000	130,000
Тайёр маҳсулотлар	500,000	500/1,250*50,000=20,000	520,000
Реализация қилинган маҳсулот таннархи	625,000	625/1,250*50,000 =25,000	650,000
Жами	1,250,000	50,000	1,300,000

Ушбу пропорция маълумотлари асосида қуйидаги журнал ёзувларини амалга оширамиз:

Ишлаб чиқариш жараёни назорати	*5,000*	
Тайёр маҳсулот назорати	*20,000*	
Реализация қилинган маҳсулот таннархи	*25,000*	
Тақсимлаган фабрика устамаси	*550,000*	
Фабрика бўлим устамаси назорати		*600,000*

Амалиётда пропорция усулини агарда заҳираларни баҳолаш катта аҳамият касб этган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Буюртмали калкуляциянинг иккита тури мавжуд

1. ҳақиқий калкуляция (actual absorpsion costing)
2. Меъёрий (нормал) калкулция (Normal absorpsion costing)

Т-кўринишидаги счетлар мисолида иккита буюртмали калкулциянинг мазмунини тушуниб олиш мумкин:

Ҳақиқий калкуляция		***Меъёрий (нормал) калкуляция***	
Ишлаб чиқариш жараёни		***Ишлаб чиқариш жараёни***	
(1) Тўғридан-тўғри материал	***(ҳақиқий)***	(ҳақиқий)	
(2) Тўғридан-тўғри Меҳнат	***(ҳақиқий)***	***(ҳақиқий)***	
(3) Ўзгарувчан устама	***(ҳақиқий)***	***Таннарх тақсимлаш базасининг ҳақиқий миқдори * бюджет-лаштирилган устама ставкаси***	
(4) Доимий устам	***(ҳақиқий)***		

Счетнинг тузилишидан кўриниб турибдики, ҳақиқий калкуляцияда тўғридан-тўғри материал харажатлар, тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ҳамда ўзгарувчан ва доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ҳақиқий миқдори олинади. Бюджетлаштирилган устама харажатларни тақсимлаш ставкаларидан фойдаланилмайди.

Юқоридаги келтирилган 8 та операция бўйича амалга оширилган калкуляция буюртмали иш калкуляциясининг меъёрий калкуляциясига мисол бўла олади.

Меъёрий калкуляцияга айнан шу типдаги қуйидаги операциялар ёзуви орқали қўлланилишини яна бир бор кўриб ўтамиз.

1-гуруҳ операциялар ва уларнинг журнал ёзувлари. Материаллар хариди ва уларнинг ишлатилиши.

(1) Материаллар	25,000	
Тўланадиган счетлар		25,000
(2) Ишлаб чиқариш жараёни	20,000	
Материаллар		20,000
(3) Устама харажатлар	3,000	
Материаллар		3,000

2-гуруҳ операциялар ва уларнинг журнал ёзувлари. Меҳнат харажатлари ҳисобланиши

(4) Ишлаб чиқариш жараёни	70,000	
Меҳнат ҳақи		70,000
(5) Устама харажатлар	2,500	
Меҳнат ҳақи		2,500

3-гуруҳ операциялар ва уларнинг журнал ёзувлари. Бошқа устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланиши

(6) Устама харажатлар	5,500	
Тўланадиган счетлар		1,000
Амортизация		4,000
Аванс суғуртаси		500

Устама харажатларнинг бюджетлаштирилган ставкаси 0,5 п.б./меҳ.соатга тенг. Ҳақиқиатда 21,000 меҳнат соат ишлади. У ҳолда тақсимланган устама харажатлар 10,500 п.б. ни ташкил этади (21,000 *0,5).

(7) Ишлаб чиқариш жараёни	10,500	
Тақсимланган устама харажатлар		10,500

(8) Тақсимланган устама харажатлари	10,500	
Устама харажатлар		10,500

Ҳақиқатда амалга оширилган устама харажатлари суммасини аниқлаймиз: (3), (5), (6) проводкаларда:

Фабрика устама харажатлари

(3) Устама материал	3,000	(8) Тақсимланди	10,500
(5) Устама меҳнат	2,500	(9) Фарқи (11,000-10,500)	500
(6) Бошқа устама	5,500		
	11,000	Жами	*11,000*

5-гуруҳ. Операциялар фабрика устама харажатларини ёпиш ва тайёр маҳсулотлар кирими ва реализация қилинган маҳсулот таннархи.

(9) Реализация қилинган маҳсулот таннархи	500	
Устама харажатлар		500

(10) Тайёр маҳсулот	100,500	
Ишлаб чиқариш жараёни		100,500

(11) Реализация қилинган маҳсулот таннархи	100,500	
Тайёр маҳсулот		100,500

Ушбу калкуляция методидан кўриниб турибдики, тақсимланмай қолган устама харажатлари 500 п.б.ни ташкил этмоқда ва зудлик билан ёзиш усулига мувофиқ реализация қилинган маҳсулот таннархига олиб борилмоқда. Натижада, ҳисобот даврида жами реализация қилинган маҳсулот таннархи 101,000 п.б. (10,500+500) га тенг бўлмоқда.

Буюртмали калкуляциянинг яна бир муҳим жиҳати унинг кенг қамровлиги, узоқ муддатли контрактлар бўйича бажариладиган ишларда ҳам қўлланилишидир.

Буюртмали калькуляцияга контрактлар бўйича харажатларни калкуляция қилиш ҳам киради.

Контракт бўйича харажатлар калькуляцияси – бу одатда ишлаб чиқарилиши кўп вақтини талаб этадиган ҳамда катта бирликдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан қўлланиладиган харажатларни буюртмали калькуляция қилиш тизимидир. Бунга мисол қилиб, йирик контрактларни бажарадиган тармоқлар қурилиши, фуқоралик машинасозлиги ва кемасозлигини келтириш мумкин, қайсики уларнинг ишни бажариш муддати бир қанча ойларни ташкил этади ва кўп ҳолларда иш қурилиш объектининг жойлашган жойида (пудратчининг ишлаб чиқариш объектларида эмас) бажарилади.

Контрактнинг таннархини калькуляция қилиш жараёнида ҳар бир контракт калькуляция қилинадиган маҳсулотнинг алоҳида бирлиги сифатида қаралади. Шу боис, ҳар бир контракт бўйича харажатлар бош китобда алоҳида счётда тўпланилади. Асосий харажатлар элементлари бўлиб:

1) Асосий материаллар. Контрактга кирувчи материаллар махсус харид қилинган материаллар ҳамда пудратчининг омборхонасидан чиқарилган материаллар киритилади. Бунда контракт счети ҳисобидаги харажатлар дебетланади.

2) Ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат ҳақи. Контрактга олиб бориладиган меҳнат харажатлари режалар (сметалар) ва ҳужжатларни тузиш билан боғлиқ офис ишлари, бевосита заводда ишлаб чиқариш операциялари ва қурилиш участкасидаги ишлар учун тўланадиган меҳнат ҳақини қамраб олади. Контракт бўйича қурилиш жойларидаги барча ишлар тўғридан-тўғри меҳнат деб қаралади. Маълумот манбаи бўлиб иш вақти ҳисоби табеллари ҳисобланади.

3) Бошқа тўғридан-тўғри харажатлар. Материал ва меҳнат харажатларидан ташқари катта салмоққа эга бўлган контракт бўйича тўғридан-тўғри харажатлар ҳам амал қилади. Ушбу категорияга иккита асосий модда киритилади, яъни *ишлаб чиқариш жиҳозлари* ва *субпудратчилар ишлари*.

-Ишлаб чиқариш жиҳозлари - бу контракт учун махсус харид қилинган инструментлар, асбоб-ускуналар, мослашма-қурилмалар ёки буюртмани комплектация қилиш учун асбоб-ускуналар (масалан,

меҳмонхона қурилишида унинг жиҳозлари)дан иборат. Бундай ҳолларда ушбу харажатларга контракт счети дебетланади. Агар ишлаб чиқариш жиҳозлари бошқа контрактдан олинган бўлса, янги контракт счети асбоб-ускуналарнинг қолган амортизация суммасига дебетланади. Агар ишлаб чиқариш ускуналари ижарага олинса контрак счети ижара тўловлари суммасига дебетланади.

- ***Субпудратчи бўйича ишлар***. Қачон катта контрактлар бўлса, қайсики ишларнинг аниқ аспектлари бўйича мутахассислар фаолияти билан боғлиқ бўлса, компания субпудратчиларни ёллашлари мумкин.Субпудратчиларнинг ҳар қандай ишлари контрактнинг тўғридан-тўғри харажатлари сифатида эътироф этилади.

4) Билвосита харажатлар. Кўпчилик пудратчилар ўз харажатларини алоҳида контрактлар бўйича тақсимлашга ҳаракат қилишмайди. Агарда шундай харажатлар тақсимланганда ушбу сумма салмоқли бўлган ҳолларда амалга ошрилади.

Контракт узоқ давр мабойнида бажарилади, лекин ҳар бир ҳисобот даврига таллуқли бўлган фойда суммасини аниқлаш талаб этилади. Тугалланмаган контрактларда фойданинг қайси миқдори тан олинишига оид қарорлар қабул қилинаётганда қуйидаги аспектлар диққатга олиниши керак**:**

а) Оралиқ фойда тан олинаётганда контракт мувоффақиятли бўлиши ҳамда якунланиши аниқ маълум бўлиши керак, яъни унинг тўхтаб қолиши, молиялаштиришда катта муаммоларнинг чиқиши ёки бошқа уни давом эттиришга тўсқинлик қилувчи бошқа сабабларининг юзага келиш эҳтимоли мавжуд бўлмаслиги талаб этилади**.**

б) Ҳар қандай фойда ушбу санадаги ишнинг якунланиш даражасига пропорционал даражада олиниши лозим.

с) Контракт бўйича кутилаётган умумий йўқотишларга нисбатан чора-тадбирлар тезкорлик билан қабул қилиниши лозим.

Тугалланмаган контракт бўйича фойда ҳисоби бешта поғона (қадам)да бажарилади:

1) Контракт реализациясининг умумий суммаси аниқланади (ўзгармас нархдаги контрактларда эса бу контракт қиймати ҳисобланади). Бу ***кўрсаткични (а)*** билан белгилаймиз.

2) Контрактни бажариш жараёнида юзага келадиган ***харажатларнинг умумий миқдори ҳисобланади,*** *буни* ***(б***) билан белгилаб оламиз. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун i) ушбу санадаги ҳақиқий амалга оширилган харажатлар (буюртмани ҳисобга олиш корточкасидан) плюс ii) контракни тугаллаш учун зарур бўлган келгусида амалда ошириладиган ориентирли (мўлжалдаги) харажатлар.

3) Контрак бўйича ориентирли (мўлжалдаги) фойда сумма аниқланади:

Мўлжалдаги фойда (В) = Контракт қиймати (А) – умумий харажатлар (Б), яъни

В = А - Б

4) Ушбу санадаги эътироф этиладиган фойда ушбу вақт моментидаги бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиши лозим. У қуйидагича аниқланади:

Эътироф этиладиган фойда (Г) = Ушбу санада экспертларнинг хулосаси ёки бажарилган ишлар акти бўйича бажарилган ишларнинг қиймати (ушлаб қолинадиган суммалардан ташқари) (Д) / контаркнинг умумий суммаси (А) х мўлжалдаги фойда (В), яъни

Г = Д / А * В

БҲХСга мувофиқ контрактнинг тугалланганлик % қуйидагича аниқланади:

Ушбу санада сарфланган харажатлар (Б) / контрактнинг умумий баҳоланган таннархи (Е) = тугалланганлик фоизи (Ё), яъни

Ё = Б / Е

5) 4-босқичда аниқланган тугалланмаган контраклар бўйича фойда жамғарилган фойда суммасини тавсифлайди. Жорий даврда олинган фойда суммасини аниқлаш учун ушбу санадаги фойда суммасидан ўтган йилларда аниқланган фойда суммасини айириш талаб этилади. Буни қуйидаги формулада ифодалаш мумкин:

Жорий даврда эътироф этилган фойда (Ж) = жамғарилган эътироф этилган фойда (Г) – ўтган даврда эътироф этилган фойда (З), яъни

Ж = Г – З

Халқаро стандартда шартномалар билан боғлиқ харажатлар уч гуруҳга ажратилган: (а) аниқ шартнома билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар; (б) контракт фаолияти билан умумий боғлиқ бўлган харажатлар, қайсики махсус контрактларга тақсимланади; (с) бошқа харажатлар, қайсики шартнома шартларига кўра буюртмачи томонидан қопланилиши мумкин.

Халқаро стандартда қуйидаги икки ҳолатда бажарилган ишлар даражасини акс эттирмайдиган харажатлар кўрсатилган: (а) қурилиш шартномаси бўйича келгуси фаолиятга тааллуқли бўлган харажатлар (масалан, келтирилган, лекин ишлатилмаган қурилиш материалларининг қиймати), (б) субпудратчиларга аванс тўловлари.

Халқар стандартга тушунтиришларда пудратчи ташкилот томонидан шартномани бажариш стадиясини аниқлаш тартиби кўрсатилган. Унга мувофиқ шартномани бажариш стадияси ҳисобот санасида қурилиш шартномаси бўйича ишларни бажариш учун сарфланган харажатларни қурилиш шартномаси бўйича охирги ҳисобдаги жами харажатларнинг миқдорига нисбати орқали топилади. Қурилиш давомида компаниянинг молиявий маълумотлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3.5-жадвал):

3.5-жадвал

Қурилиш давомида компаниянинг молиявий кўрсаткичлари

	20X5	**20X6**	**20X7**
Шартномада келишилган тушумнинг бошланғич суммаси	9.000		9.000
9.000			
Фарқи	-		200
200			
Қурилиш шартномаси бўйича тушумнинг умумий суммаси	9.000		9.200
9.200			
Ҳисобот санасига қурилиш шартномаси бўйича амалга оширилган харажатлар	2.093		6.168
8.200			
Қурилиш шартномаси бўйича уни бажаргунга қадар амалга ошириладиган харажатлар	5.957		2.032
-			
Қурилиш шартномаси бўйича умумий ҳисобдаги харажатлар	8.050		8.200
8.200			
Ҳисобдаги фойда	950		1.000
1.000			
Бажариш стадияси	26%		74%
100%			

Ушбу жадвалда қурилиш шартномасидаги ишлар бажарилганга қадар фойдани тан олиш тартиби кўрсатилган.

Буюртмали калкуляциянинг амалиётда кўплаб қўлланилиш шакллари мавжуд бўлиб, лекин уларнинг барчасининг асосида буюртма-ишнинг таннархни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаш ётади.

8-МОДУЛ. ЖАРАЁНЛИ КАЛКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛИ (PROCESS COSTING) .

8.1. Жараёнли калькуляциянинг тавсифи. Эквивалент бирликларни ҳисоблаш. Жараёнли калькуляциянинг босқичлари.

8.2. Бошқа жараёнларга бериш ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш.

8.1-маъруза. Жараёнли калькуляциянинг тавсифи. Эквивалент бирликларни ҳисоблаш. Жараёнли калькуляциянинг босқичлари.

Жараёнли калкуляция кенг қўлланиладиган калкуляция тури ҳисобланади. Бу усулда маҳсулот таннархи маҳсулот тайёрлашнинг ҳар бир технологик жараёнида шаклланади. Буюм бир жараёндан бошқасига ушбу жараёнда маҳсулот тўлиқ тайёрланмасдан ўтказилмайди. Тайёрлаш жараёни билан параллел равишда ишлаб чиқариш харажатларини жамғариш жараёни ҳам олиб борилади, яъни буюмлар таннархнинг ўсиши амалга ошади. Ҳар бир технологик жараён учун тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни аниқлаш зарур.

Харажатлар худди калькуляциянинг буюртмали усулидаги каби аниқланади. Бунда ҳам харажатлар хом-ашё ва материаллар, меҳнат ҳақи ҳамда ишлаб чиқариш устама харажатлари моддалари бўйича олиб борилади. Бунда кўпгина харажатлар буюртмали методда билвосита, жараёли усулда эса тўғридан-тўғри харажатларга айланади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш, жараён ичида асбоб-ускуналар амортизацияси ва бошқ.

Учта технологик жараёндан иборат бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш цикли ва ишлаб чиқариш жараёнида таннархнинг ўзгаришини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз (3.5-жадвал):

3.5-жадвал

Ишлаб чиқариш жараёнида таннархнинг ўзгариши

А Жараён		***Б Жараён***	
Материал 2500 Меҳнат 1500 УХ 1000 Жами ***5000***	Б Жараёнга ўтказилди 3000 Жами ***3000***	А Жараёндан 3000 Материал 2500 Меҳнат 1500 УХ 500 Жами ***7500***	В жараёнга ўтказилди 7500 Жами ***7500***
В Жараён		***Тайёр маҳсулот***	
Б Жараёндан ўтказилди 7500 Материал 3200 Меҳнат 2300 УХ 1100 Жами ***14100***	Тайёр маҳсулот омборига ўтказилди 14100 Жами ***14100***	В жараёндан олинди 14100 Жами ***14100***	

Жараёнли калкуляцияни схематик кўринишда 5.2-чизмада акс эттириш мумкин.

Буюмларнинг тайёрлик даражасини аниқлаш маълум бир қийинчиликлар билан боғлиқ. Масалан, материаллар қиймати жараённинг бошида маҳсулотга ўтказилиши, меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлар ушбу жараёнда ўсиб боради. Шу боис, ишлаб чиқариш харажатлари калькуляциясини таннархнинг ҳар

бир компоненти бўйича тузиш зарур. Шу боис, бошқарув ҳисоби мақсадларида меҳнат ҳақи харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатларини суммасини қамраб олувчи кўрсаткични ***қайта ишлаш қиймати*** деб аташ қабул қилинган.

Жараёнли калкуляцияда ҳам бухгалтерия ёзувлари бир-бирига ўхшайди. Лекин бу тизимда Ишлаб Чиқариш Жараёни счети биттадан ортиқ бўлади. Қуйидаги бухгалтерия ёзувларини кўриб чиқамиз:

1. Ишлаб чиқариш жараёни – А жараён 30
Материал заҳиралари 30
Ёзув: *Тўғридан-тўғри материалларнинг ишлатилиши*

2. Ишлаб чиқариш жараёни – А жараён 20
Материал заҳиралари 2
Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар 8
Жамғарилган амортизация, асбоб-ускуналар 10
Ёзув: *Қайта ишлаш харажатлари, жумладан таъминот, ишчилик ва ҳисобланган амортизация*

3. Ишлаб чиқариш жараёни – Б жараён 45
Ишлаб чиқариш жараёни – А жараён 45
Ёзув: Маҳсулотнинг Б-жараёнга ўтказилиши

4. Ишлаб чиқариш жараёни – Б жараён 8
Материал заҳиралари 1
Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар 2
Жамғарилган амортизация, асбоб-ускуналар 5
Ёзув: *Қайта ишлаш харажатлари ҳисобланиши*

5. Тайёр маҳсулот 50
Ишлаб чиқариш жараёни – Б жараён 50
Ёзув: *Б жараёндан тайёр маҳсулот олиниши*

Юқоридаги бухгалтерия ёзувлари асосида А ва Б ишлаб чиқариш жараёнлари счетлари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Ишлаб чиқариш жараёни –А жараён

Тўғридан-тўғри материал 30	Кейинги жараёнга ишлов бериш учун 45
Қайта ишлаш харажатлари 20	бошқа бўлимга ўтказилди 45
маҳсулотга 50	
50	
Охирги Қолдиқ 5	

Ишлаб чиқариш жараёни – Б жараён

А-жараёндан Якунланган	
таннарх 45 ўтказилган	
Қўшимча қайта таннархи	
ишлаш тайёр	
харажатлари 8 ўтказилди	
53	
Охирги	

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, жараёнли калкуляциянинг бош масалаларидан бири ҳар бир бўлимдан чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини ҳамда бўлимда қолган маҳсулотнинг таннархини аниқлаш ҳисобланади. Агарда идентификацияланадиган сумма жараёндаги якунланган маҳсулот бирликларига оид бўлса у ҳолда ҳисоблаш жараёни онсон кечади. Лекин, заҳирадаги бирликлар қисман якунланган бўлса у ҳолда жараёнли калкуляция тизими ишлов тўлиқ якунланган ва бошқа жараёнга чиқарилган маҳсулотлар ҳамда ишлов тўлиқ якунланмаган ва ташқарига чиқарилмаган бирликларни ажратиб олиши лозим бўлади.

Масалан, Davis Company бир хил турдаги қўғирчоқлар ишлаб чиқаради. Материаллар биринчи жараёнда киритилади. Тайёр бўлган маҳсулот иккинчи бўлимга ўтказилиб унда маҳсулотга тайёр кўринишга эга бўлиш учун қўшимча ишлов берилади. Апрел ойи давомида биринчи бўлим 25,000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бошланғич қолдиқ мавжуд эмас. Бўлимнинг апрел ойидаги харажатлари қуйидагича:

Тўғридан-тўғри материал харажатлар	*82,500 п.б.*
Қайта ишлаш харажатлари	*42,500*
	125,000 п.б.

Тайёр бўлган маҳсулот бирлигининг таннархи тенг бўлади 125,000 п.б. / 25,000 = 5,00 п.б. Агар бу кўрсаткични таннархи элементлари бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда қўйидагича ҳисоб-китоб амалга оширилади:

Тўғридан-тўғри материал харажатлар 82,500 п.б. / 25,000	*3,30 п.б.*
Қайта ишлаш харажатлари 42,500 п.б. / 25,000	*1,70*
	5,0 п.б.

Тасаввур қиламиз, апрел ойи давомида 25,000 бирлик ҳаммаси ҳам тайёр ҳолда эмас. Мисол учун, 5000 бирлик маҳсулот апрел ойининг охиригача ушбу жараёнда тайёр ҳолатга келтирилмади. Барча тўғридан-тўғри харажатлар жараённинг бошида киритилган, фақат жараён сўнгида тайёр ҳолатга келтирилмаган 5000 бирлик маҳсулотга атига 25% миқдоридагина қайта ишлаш харажатлари амалга оширилган, яъни бу маҳсулотлар ¼ қисмгагина тайёр. Бундай ҳолатларда жараёндан ташқарига чиқарилган маҳсулотлар ҳамда ҳисобот ойининг сўнгида жараёнда қолган маҳсулот бирликларининг таннархи қанча? Бу заҳиралар таннархини аниқлашнинг бош масаласидир. Шу боис, жараёнли калкуляция тўлиқ якунланган ва

бошқа жараёнларга чиқарилган ҳамда қисман якунланган ва жараёндан чиқарилмаган маҳсулотларнинг таннархини фарқлаган ҳолда ҳисоблаш йўлларини кўрсата олиши лозим бўлади.

Ушбу масалаларга жавоб топишда жараёнли калкулцияни қуйидаги бешта босқичга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- ***Биринчи босқич***: Бирликларнинг жисмоний миқдорини ҳисоблаб чиқиш.
- ***Иккинчи босқич***: Харажатлар моддалари бўйича бирлик таннархини ҳисоблашда эквивалент бирликлар миқдорини аниқлаш.
- ***Учинчи босқич***: Харажат моддалари бўйича ҳамда жами таннархни Ишлаб Чиқариш Жараёни счети маълумотлари бўйича аниқлаш.
- ***Тўртинчи босқич***: Эквивалент бирлик таннархини ҳисоблаш.
- ***Бешинчи босқич***: Таннархни тўлиқ якунланган бирликлар ҳамда Ишлаб Чиқариш Жараёни охиридаги бирликларга тақсимлаш.

Биринчи ва иккинчи босқичлардаги амалга ошириладиган жараёнлар 3.6-жадвалда келтирилган.

3.6-жадвал

Бирликларнинг жисмоний миқдори ва эквивалент бирлик ҳисоби

Маҳсулот оқими	1-босқич. Жисмоний бирликлар	2-босқич. Эквивалент бирлик	
		Тўғридан-тўғри материал	Қайта ишлаш харажатлари
Бошланган ва якунланган	20,000	20,000	20,000
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида	5,000 (25%)*	5,000	1,250**
Ҳисоблаш учун асос бўладиган бирликлар	25,000	25,000	21,250

*Бу ишлаб чиқариш жараёни охирида мавжуд бўлган бирликларга ишлов берилганлик даражасини тавсифлайди.

** 5,000 жисмоний бирлик х 25% қайта ишлаш харажатларининг амалга оширилган қисми.

Бирликларнинг жисмоний ва эквивалент бирликлари Ушбу жадвалда биринчи босқичида маҳсулотлар жисмоний бирликлари ҳаракати кўрсатилди. Апрел ойида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги қанчага тенг? 25,000 бирлик бўлмайди. Чунки, 20,000 бирлик тўлиқ якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган, 5,000 бирлик эса қисман якунланган. Қисман якунланган бирликларни тўлиқ якунланган бирликларга тенглаштириб бўлмайди. Шу боис, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигини жисмоний бирликлар билан эмас, балки эквивалент бирликлар билан ўлчаш мақсадга мувофиқдир.

Бошқача талқин қилинадиган бўлса бу ҳолатни қуйидагича талқин қилишимиз мумкин. Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги технологик жараёнларни чуқурроқ кўриб чиқишни тақозо қилади. Ҳисобот даврининг бошида ва охирида ярим фабрикантлар, яъни тўлиқ ишлаб чиқариш циклини ўтамаган буюмлар амал қилади. Бундай буюмларнинг қиймати тайёр маҳсулотнинг қийматидан кичик. Шу боис, маҳсулот бирлигининг қийматини умумий қийматни ишлаб чиқариш жараёнидаги маҳсулот бирлигига бўлиш орқали топиш мумкин бўлмай қолади. Натижада, ишлаб чиқариш жараёнида бўлган бирликларни тайёр маҳсулот эквивалентига айлантириш керак. Масалан, киритилган 10,000 бирлик буюмдан фақат 7000 таси тайёр, қолган 3000 таси 1/3 қисмга тайёр. Демак, 3000 та ярим фабрикант 1000 дона тайёр маҳсулотга эквивалентли ҳисобланади. Демак, маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблашда тайёр маҳсулот миқдори 8000 бирлик олинади.

Демак, ***Эквивалент бирликлар*** деганда, бу ушбу жараёнда тўлиқ якунланган ҳамда қисман якунланган бирликларнинг тўлиқ маҳсулот бирлигига айналтирилганда ҳисобга олиналиган бирликлари тўплами тушунилади. 3.6-жадвалда 2-қадамда кўрсатилган тўғридан-тўғри материал харажатлар учун эквивалент бирлик 25,000 бирлик, қайта ишлаш харажатлари учун эквивалент бирлик 21,250 бирлик эканлиги ҳисобланган. Демак, қайта ишлаш харажатларининг тўртдан бир қисми ишлаб чиқариш жараёнининг охирги қолдиғига қўшилмоқда.

3.7-жадвалда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ҳисоботи келтирилган. Бу ҳисобот 3, 4 ва 5-босқичларни ўзида акс эттирмоқда.

3.7-жадвал

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ҳисоботи

Қадамлар	Таннарх	Жами	Шу жумладан	
			Тўғридан-тўғри материаллар	Қайта ишлаш харажатлари
3-қадам	Жами харажатлар Эквивалент бирлиги	125,000 п.б.	82,500 п.б. 25,000	42,500 п.б. 21,250
4-қадам	Эквивалент бирлик таннархи		3,30	2,00
5-қадам	Таннархни тақсимлаш: Якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган (20,000 бирлик)	106,000 п.б.	(20,000 *5,30 п.б.)*	
	Ишлаб чиқариш жараёни, охирида (5,000 бирлик): Тўғридан-тўғри материал Қайта ишлаш харажатлари Жами ишлаб чиқариш жараёни охирида қолдиқ	 16,500 п.б. 2,500 19,000 п.б.	 5000 *3,30	 1,250 * 2
	Жами таннарх	125,000 п.б.		

- Эвивалент бирлиги таннархи = 3,30 + 2,00 = 5,30 п.б.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 4-қадамда маҳсулот эквивалент бирлигининг таннархи аниқланган. Бу кўрсаткич 5,30 п.б.дан ташкил топган (3,30 + 2,00). 5-қадамда эса ишлаб чиқарилган, яъни тўлиқ якунланган ва бошқа жараёнга ёки тайёр маҳсулотга ўтказилган маҳсулотларнинг таннархи 20,000 * 5,30 = 106,000 п.б. га тенглиги аниқланган. Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш кўрсаткичи харажатларнинг иккита элементи бўйича алоҳида ҳисобланган. Тўғридан-тўғри материал харажатлар бўйича 5,000 бирлик * 3,30 п.б. = 16,500 п.б.га тенг. Қайта ишлаш харажатлари бўйича эса 1,250 * 2 = 2,500 п.б. ни ташкил этмоқда. 5000 бирлик 25%га тайёр бўлганлиги учун тайёр маҳсулот сифатида эквиваленти 5000 бирлик * 25 % = 1,250 бирлик бўлади. Иккита элемент бўйича таннархи суммаси 19,000 п.б. бўлмоқда. Бу апрел ойининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини беради.

Ушбу операцияларнинг журнал ёзувлари қуйидагича амалга оширилади:

1. Ишлаб чиқариш жараёни – А-жараён 82,500
Материаллар
82,500
***Ёзув:** Апрел ойида материаллар ишлаб чиқаришга чиқарилди.*

2. Ишлаб чиқариш жараёни – А-жараён 42,500
Турли хил счётлар 42,500
***Ёзув:** Қайта ишлаш харажатлари: таъминот, меҳнат, амортизация харажатлари*

3. Ишлаб чиқариш жараёни – Б-жараён 106,000
Ишлаб чиқариш жараёни – А-жараён
106,000
***Ёзув:** Апрел ойида А-жараёнда тўлиқ тугалланиб Б-жараёнга ўтказилган бирликлар таннархи*

Ишлаб чиқариш жараёни счети Т кўринишда қуйидагича бўлади:

Ишлаб чиқариш жараёни счети – А-жараён

1. Тўғридан-тўғри материал	82,500	3. Б-жараёнга ўтказилган	106,000
2. Қайта ишлаш харажатлари	42,500		
Жами таннархи	***125,000***		
30 апр. Баланс	***19,000***		

Жараёнли калкуляцияни тўлароқ тушуниб олиш учун юқоридагига ўхшаш мисолларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини бошқача кўринишдаги жадваллар ёрдамида тузишни чуқурроқ кўриб ўтайлик. Ушбу жадвал учта қисмдан иборат бўлиши мумкин. Биринчи қисмида ишлаб чиқаришга киритилган маҳсулот бирлиги, ишлаб чиқаришдан ташқарига чиқарилган бирлик ҳамда ишлаб чиқариши тугалланмаган бирлик миқдори, яъни бирликларнинг жисмоний ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар берилади. Иккинчи қисмида ҳисобот даврида ишлаб чиқариш таннархи ва маҳсулот бирлигининг таннархи, учинчи қисмида эса эквивалент бирлиги ҳисоби кўрсатилади (3.8-жадвал):

3.8-жадвал

Grubbs Manufacturing Company

Ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархи тўғрисида ҳисобот

Ҳисобга олинадиган бирликлар	***Бирлик***	***Ҳисобга олинган бирлик***	***Бирлик***
Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришга олинган бирлик	11,000	Ишлаб чиқаришдан ташқарига чиқарилган бирлик	10,000
		Ишлаб чиқариш жараёнидаги охирги қолдиқ	1,000
Жами ҳисобга олинадиган бирлик	**11,000**		**11,000**

Ҳисобга олинадиган таннарх	***Таннарх***	***Эквивалент бирлик***	***Бирлик таннархи***
Тўғридан-тўғри материал	$13,750	11,000	$1,25
Тўғридан-тўғри меҳнат	8,560	10,700	0,80
Устама ишлаб чиқариш харажатлари	12,840	10,700	1,20
Ҳисобга олинадиган жами таннарх	**$35,150**		**$3,25**

Ҳисобга олинган таннарх	*I-устун*	*II-устун*	*III-устун*	*IV-устун*
Жараёндан ташқарига чиқарилган бирлик	10,000 бирлик	$ 3,25		$32,500

Ишлаб чиқариш жараёни охирида заҳиралар: Тўғридан-тўғри материал	1,000 бир.	1,25	$1,250	
Тўғридан-тўғри меҳнат	700 бир.	0.80	560	
Устама ишлаб чиқариш харажатлари	700 бир.	1.20	840	2,650
Ҳисобга олинган жами таннарх				**$35,150**

	Материал	***Қайта ишлаш харажатлари***
Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришга олинган ва якунланган бирликлар	10,000	10,000
Ишлаб чиқариш жараёни якунидаги материал: 1,000 бирлик 100% материал қўшилишини ҳисобга олиб	1,000	
Ишлаб чиқариш жараёни якунида қайта ишлаш: 1,000 бирлик 70% қайта ишланган		700
Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган эквивалент бирлик	***11,000***	***10,700***

Ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот бирлигининг таннархи ҳамда эквивалент бирлигини ҳисоблаш тартибини яна қўлайроқ бошқача жадвал кўринишида кўриб ўтайлик.

А жараён тўғрисидаги ахборотлар:

Ҳисобот даврининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш	–
А жараёнга киритилган маҳсулот бирлиги, бирлик	16,000
Қайта ишлаш якунланган ва Б жараёнга ўтказилган маҳсулот, бирлик	11,000
Ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш, бирлик	5,000
Ушбу дарда материал харажатлари, п.б.	90,000
Даврда қайта ишлаш қиймати, п.б.	60,000

Материал харажатлари жараённинг бошида амалга оширилади, қайта ишлаш қиймати жараён давомида текис қўшилиб боради. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тайёрлик даражаси 50% баҳоланмоқда. Аниқлаш талаб этилади Б жараёнга ўтказилган маҳсулот таннархи ва ҳисобот даврининг охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш.

Талаб қилинадиган ҳисоб-китоблар натижаларини қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз (3.9-жадвал):

3.9-жадвал

Маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисобот

1. ***Маҳсулот бирлиги таннархининг ҳисоби***:

Харажатлар элементлари	***Умумий таннарх, п.б.***	***Тайёр маҳсулот, бирлик***	***Жараён якунида қолдиқ эквивалент бирлиги***	***Эквивалент бирлиги суммаси***	***Бирлик таннархи, п.б.***
Материаллар	90000	11000	5000	16000	5.6250
Қайта ишлаш қиймати	60000	11000	2500 (5000x1/2)	13500	4.4445
	150000			*29500*	*10.0695*

2. ***Жараён якунида ишлаб чиқариши тугалланмаган бирликлар таннархи***:
Материалларнинг қиймати (5000 бирлик * 5.6250) 28125
Қайта ишлаш қиймати (2500 бир. * 4.4445) 11111
39236

3. Жараёнда якунланган тайёр маҳсулот таннархи
Тайёр маҳсулот (11000 x 10.0695) 110764

А Жараён бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш счёти қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.10-жадвал):

3.10-жадвал

А-жараён бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш жараёни

	Сумма		***Сумма***
Материаллар Қайта ишлаш харажатлари	90000 60000	Маҳсулот таннархи Жараён якунида тугалланмаган бирлик таннархи	110770 39236
Жами	***150000***	***Жами***	***150000***

Олдинги А жраённинг таннархи Б жараёнда алоҳида элемент сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш жараёни йўқотишлардан ҳоли эмас. Суюқликларнинг бўғланиши, материалларни ишлатишдаги йўқотишлар, ишлаб чиқаришдаги брак ва бошқа йўқотишларни киритиш мумкин. Ишлаб чиқариш тўғри ташкил этилган ҳолларда

уларни минимумга келтириш мумкин ва бу норматив йўқотишлар деб аталади (назорат қилиб бўлмайдиган). Қочиб бўлмайдиган харажатлардан ташқари ишлаб чиқаришнинг нормал ташкил этилишида юзага келмасдан, балки технологик жараёнлардаги нуқсонлар эъвазига юзага келган йўқотишлар ҳам мавжудир. Бундай йўқотишлар нормадан юқори йўқотишлар ёки назорат қилинадиган харажатлар деб аталади.

Норматив йўқотишлар маҳсулотларнинг таннархига олиб борилади, нормативдан юқори йўқотишлар эса ишлаб чиқариш даврининг охиридаги фойда ва зарарлар счетидан ҳисобдан чиқарилади.

1-мисол. Ишлаб чиқариш жараёнида 1300 литр, қиймати 13000 п.б бўлган суюқлик ишлатилади. Норматив йўқотиш 20%, бу 260 литрни ташкил этади. Маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш талаб этилади.

Тайёр маҳсулотнинг таннархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Ишлаб чиқариш харажатлари 13000 п.б = 13000/1040 = 12.5 п.б./л

Кутилаётган маҳсулот чиқиши 1300 л-260л.

Агар ишлаб чиқариш жараёнида нуқсонларга йўл қўйилса ушбу йўқотишлар кўпайиши мумкин.

2-мисол. 1040 л кутилаётган маҳсулот чиқишида 950 л маҳсулот олинди. Бунда нормадан ортиқча йўқотиш 90 л.ни ташкил этмоқда. Тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш талаб этилади.

Маҳсулот бирлиги таннархи бунда ўзгармайди, яъни 1 мисолда аниқланган 12.5 п.б/л. ни ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари қуйидагича тақсимланади:

Тайёр маҳсулот (950 л. 12.5 п.б)*	*11875 п.б*
*Нормадан ортиқча харажатлар (90 л.*12.5 п.б)*	*1125 п.б*
	13000 п.б

Тугалланмаган ишлаб чиқариш счети қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.11-жадвал).

3.11-жадвал

Тугалланмаган ишлаб чиқариш							
	Миқдори	Баҳоси	Сумма		Миқдори	Баҳоси	Сумма
Киритилаётган ресурсларга харажатлар	1300	10	13000	Норматив йўқотиш Нормативдан юқори йўқотиш Маҳсулот таннархи	260 90 950	 12.5 12.5	 1125 11875
Жами	***1300***		***13000***	***Жами***	***1300***		***13000***

Норматив йўқотишлар брак маҳсулотлар бўлганда уларнинг ҳисобида шуни инобатга олиш керакки брак маҳсулотларнинг бир қисми реализация қилиниши мумкин. Брак маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларни таннарх счетининг кредитида ҳисобга олиш лозим.

Масалан, технологик жараёнда 3500 та, қиймати 15000 п.б. бўлган тайёрловга мўлжалланган буюмдан 3000 та маҳсулот олинди. 500 та брак маҳсулотни 1.5 п.б. дан реализация қилиш мумкин. У ҳолда таннархни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари (норматив йўқотишлар реализацияси қийматидан ташқари)

Кутилаётган маҳсулот чиқиши

= 15000 п.б. – (500 х 1.5 п.б.) / (3500-500) = 14250/3000 = 4.75 п.б.

Ушбу жараённинг тугалланмаган ишлаб чиқариш счети қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.11-жадвал):

3.11-жадвал

Тугалланмаган ишлаб чиқариш							
	Миқдори	Баҳоси	Суммаси		Миқдори	Баҳоси	Суммаси
Киритилаётган ресурсларга харажатлар	3500	4.30	15000	Норматив брак Маҳсулот таннархи	500 3000	1.5 4.75	750 14250
Жами	***3500***		***15000***	***Жами***	***3500***		***5000***

Нормативдан ортиқча браклар юзага келганда, (масалан 100 бирлик) уни сотишдан олинган даромад режалаштирилмаган даромад бўлиб, уни маҳсулот бирлиги таннархининг камайишига олиб бориш мумкин бўлмайди. Бу даромад алоҳида “Нормадан юқори йўқотишлар” счетининг кредитида кўрсатилади. Ушбу счетларнинг кўриниши қуйидагича бўлади (3.12-жадвал):

3.12-жадвал

Тугалланмаган ишлаб чиқариш							
	Миқдори	***Баҳоси***	***Суммаси***		***Миқдори***	***Баҳоси***	***Суммаси***
Киритилаётган ресурсларга харажатлар	3500	4.30	15000	Норматив брак Нормадан юқори йўқотишлар Маҳсулот таннархи	500 100 2900	1.5 4.75 4.75	750 475 13775
Жами	***3500***		***15000***	***Жами***	***3500***		***15000***

Нормадан юқори йўқотишлар счети							
	Миқдори	***Баҳоси***	***Суммаси***		***Миқдори***	***Баҳоси***	***Суммаси***

Тугалланмаган ишлаб чиқариш	100	4.75	475	Бракни сотишдан олинган тушум Фойда ва зарарлар счети	100	1.5	150 325
Жами	***100***		***475***	***Жами***	***100***		***475***

Агар ҳақиқий йўқотишлар кутилаётган йўқотишлардан кам бўлса, нормадан ортиқча даромад юзага келади, қайсики нормадан ортиқ йўқотишлар каби ҳисобланади, лекин таннархни ҳисоблашда ҳисобдан чиқарилмайди.

Масалан, навбатдаги жараёнга 1500 бирлик умумий қиймати 1500 п.б. миқдорида маҳсулот ўтказилди. Норматив йўқотиш бошланғич қолдиғига нисбатан 1/6 ташкил қилади, яъни 250 бирлик, лекин ҳақиқатдаги йўқотиш 150 бирликни ташкил этмоқда.

$$\text{1 бирликнинг таннархи} = \frac{\text{Ишлаб чиқариш таннархи}}{\text{Маҳсулотнинг кутилаётган чиқиши}} =$$

=1500 / (1500-250) =1500 / 1250=1.2 п.б

Тугалланмаган ишлаб чиқариш счети қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.13-жадвал):

3.13-жадвал

Тугалланмаган ишлаб чиқариш							
	Миқдори	***Баҳоси***	***Суммаси***		***Миқдори***	***Баҳоси***	***Суммаси***
Киритилаётган ресурсларга харажатлар Нормадан юқори даромад	1500 100	1.0 1.2	1500 120	Норматив брак Маҳсулот таннархи	250 1350	1.2	1620
Жами	***1500***		***1620***	***Жами***	***1500***		***1620***

Ушбу қоидалар умумэътироф этилган қоидалар бўлиб маҳсулот таннархини ҳисобга олишда инобатга олиниши талаб этилади.

8.2-Маъруза. Бошқа жараёнларга бериш ва тугалленмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашда ушбу даврда маҳсулот бирлиги таннархини калькуляция қилиш учун унинг бошланғич заҳирасини жорий ҳисобот даврига тақсимлашни бажариш учун йўл қўйилишлардан фойдаланилади. Иккита муқобил усулдан фойдаланилади:

1. ***Ўртача салмоқли усул*** – бунда ҳисобот даврининг бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришга тўлиқ жалб қилинган ва тайёр маҳсулот таннархи ҳамда ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини ҳисоблашга киритилган деб қаралади.
2. ***ФИФО методи*** – бунда ҳисобот даврининг бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш биринчи қайта ишланган ва ҳисобот даврида тугалланган маҳсулот бирлиги ҳисобланади.

Ушбу усулларнинг қўлланилишини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз (Управленческий учет І. Ташкент 2003г. 127-128 б.).

Мисол: Компания иккита жараённи амалга оширади (Х ва У). Материаллар даставалл Х жараёнига киритилади, қўшимча материаллар эса У жараёнида қўшилади. Қайта ишлаш қиймати иккала жараёнда ҳам бир текис қўшилиб борилади. Маҳсулот бирлиги Х жараёндан У жараёнга тўғридан – тўғри ўтказилади. У жараёнидан эса тайёр маҳсулот олиниб омборга топширилади. Ушбу давр маълумотлари қуйидагича (3.14-жадвал):

3.14-жадвал

Х ва У жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар

	Х жараён	***У жараён***
Ҳисобот даврининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш	6000 бирлик, 3/5 тайёр ҳолда, 24000 п.б. материаллар ҳамда қайта ишлаш қиймати 15300 п.б.	2000 бирлик, 4/5 тайёр ҳолда, ўтган давр таннархи 30600 п.б., материаллар 4000 п.б. ва қайта ишлаш қиймати 12800 п.б.
Ушбу даврда тайёрланиши бошланган маҳсулот бирлиги	16000	18000
Ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш, бирлик	4000 (3/4 тайёр ҳолда)	8000 (1/2 тайёр ҳолда)
Ушбу даврда қўшилган материаллар	64000 п.б.	20 000 п.б.
Ушбу даврда қўшилган қайта ишлаш қиймати	75000 п.б.	86400 п.б.

Биринчи босқичда ҳисобот даврида қайта ишлаши якунланган маҳсулот миқдори бирлигини аниқлаймиз(3.15-жадвал):

3.15-жадвал

Қайта ишлаши якунланган маҳсулот миқдори

	Х жараён	У жараён
Ҳисобот даврининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш, бирлик	6000	2000

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариши бошланган маҳсулотлар бирлиги	16000	18000
Ҳисобот даврида жами жалб қилинган бирликлар	22000	20000
Минус: Ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш, бирлик	4000	8000
Тайёр маҳсулот, бирлик	18000	12000

Ўртача салмоқли усул. Ушбу методда Х жараёни учун маҳсулот бирлиги таннархининг ҳисоби қуйидагича аниқланади (3.16-жадвал):

3.16-жадвал

Маҳсулот таннархи ҳисоби

1. Маҳсулот бирлигининг таннархи:

Харажатлар элементлари	***ТИЧ (д/б), п.б.***	***Жорий харажатлар, п.б.***	***Умумий таннарх, п.б.***	***Тайёр маҳсулот, бирлик***	***ТИЧ (д/о) экв. бирлиги***	***Экв. бирлик суммаси***	***Маҳсулот бирлиги таннарх, п.б.***
Материаллар	24000	64000	88000	18000	4000	22000	4.0
Қайта ишлаш қиймати	15300	75000	90300	18000	3000 (4000 х ¾)	21000	4.30
	39300	***139000***	***178300***				***8.30***

2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи

Материал қиймати (4000 бир х 4 п.б.) 16000 п.б.

Қайта ишлаш қиймати (3000 бир. 4.30 п.б.) 12900 п.б. 28900

3. Тайёр маҳсулот таннархи (18000 бир х 8.30 п.б.) 149400

178300

Х Жараённинг тагалланмаган ишлаб чиқариш счети қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.17-жадвал):

3.17-жадвал

Тугалланмаган ишлаб чиқариш счети

ТИЧ (д/б)	39300	У жараёнига ўтказилган маҳсулот	149400
Материаллар	64000	ТИЧ(д/о)	28900
Қайта ишлаш қиймати	75000		
178300		***178300***	
ТИЧ (д/о)	***28900***		

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, ҳисобот даврининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари суммаси жорий давр харажатлари элементларига қўшилади ва шу сумма элементлар бўйича ҳисобот даврида тайёр маҳсулотлар суммасини ҳисоблашда ва худди

шунингдек, ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашда фойдаланилади.

У жараёнда харажатлар элементлари учта бўлади. Х жараёндан қиймати алоҳида харажат элементи сифатида қаралади.

У жараён учун маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаймиз (3.18-жадвал):

3.18-жадвал

1. **Маҳсулот бирлиги таннархининг ҳисоби**

Харажатлар элементлари	***ТИЧ (д/б), п.б.***	***Жорий харажатлар, п.б.***	***Умумий таннарх, п.б.***	***ТМ, бирлик***	***ТИЧ (д/о) экв. бирлиги***	***Экв. бирлик суммаси***	***Маҳсулот бирлиги таннархи, п.б.***
Олдинги жараён қиймати	30600	149400	180000	12000	8000	20000	9.0
Материаллар	4000	20000	24000	12000		12000	2.0
Қайта ишлаш қиймати	12800	86400	99200	12000	4000 (8000 х 1/2)	16000	6.2
	47400	***255800***	***303200***				***17.20***

2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи (д/о)

Ўтган жараён қиймати (8000 бир. х 9 п.б.) 72000

Материал қиймати йўқ

Қайта ишлаш қиймати (4000 бир. х 6.2 п.б.) 24800 96800

3. Тайёр маҳсулот таннархи (12 000 бир. х 17.20 п.б.) 206400

303200

У жараённинг тугалланмаган ишлаб чиқариш счети қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.19-жадвал):

3.19-Жадвал

У жараёнининг тугалланмаган ишлаб чиқариш счети

ТИЧ (д/б)	***47400***	ТМ	206400
Х жараёнидан олинди	149400	ТИЧ (д/о)	96800
Материаллар	20000		
ҚИ қиймати	86400		
303200		***303200***	
ТИЧ (д/о)	***96800***		

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан маълумки, олдинги жараённинг харажатлари ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб

чиқаришни ҳисобга олишда тўлиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотга қўшилган деб тасаввур қилинаяпди.

ФИФО усули. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, ҳисобот даврининг бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш жорий даврда қайта ишланиши, якунланиши ва тайёр маҳсулот таннархига киритилиши лозим. Давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати тайёр маҳсулотга алоҳида олиб борилади, маҳсулот таннархи эса жорий давр харажатларига асосланади.

Юқоридаги мисол маълумотлари бўйича ФИФО усулининг қўлланилишини кўриб ўтайлик.

Х жараёни бўйича (3.20-жадвал):

3.20-жадвал

ФИФО усулида маҳсулот таннархи ҳисоби

1. Маҳсулот бирлигининг таннархи

Харажатлар элементлари	***Жорий харажатлар, п.б.***	***ТМ минус ТИЧ (д/б) экв бирлиги***	***ТИЧ экв бирлиги (д/о)***	***Экв. бирлиги сумма си,***	***Бирлик таннархи, п.б.***
Материаллар	64000	12000 (18000-6000)	4000	16000	4.00
Қайта ишлаш қиймати	75000	14400 (18000-3600*)	3000 (4000 ¾)	17400	4.31
	139000		***178300***		***8.31***

2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи (д/о):

Материаллар қиймати (4000 бир. х 4.00 п.б.) 16000

Қайта ишлаш қиймати (3000 бир. х 4.31 п.б.) 12931 28931

3. Тайёр маҳсулот таннархи:

Тугалланмаган ишлаб чиқариш (д/б) (24000+15300) 39300

Материал қиймати (12000 бир. х 4 п.б.) 48000

Қайта ишлаш қиймати (14400 бир. х 4.31 п.б.) 62069 149369

178300

У жараён бўйича (3.21-жадвал):

3.21-жадвал

ФИФО усулида маҳсулот таннархи ҳисоби

1. Маҳсулот бирлигининг таннархи ҳисоби

Харажатлар элементлари	***Жорий харажатлар***	***ТМ экв. бирлиги минус ТИЧ (д\б)***	***ТИЧ Экв. бирлиги (д\о)***	***Экв. бирлиги, бирлик***	***Бирлик таннархи, п.б.***
Х жараённинг таннархи	149369	10000 (12000-2000	8000	18000	8.2983
Материаллар	20000	10000		10000	2.00
Қайта ишлаш қиймати	86400	10400 (12000-1600) (2000* 4/5=1600)	4000 (8000*1/2)	14400	6.00
Жами	255769				16.2983

2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи (д/о)

Ўтган жараён қиймати (8000 бир. х 8.2983)	63386	
Материаллар қиймати	йўқ	
Қайта ишлаш қиймати (4000 бир. х 6.00 п.б)	24000	90386

3. Тайёр маҳсулот таннархи:

Тугалланмаган ишлаб чиқариш (д/б) (30600+4000+12800)	47400	
Ўтган жараён қиймати (10000 б.х 8.2983)	82983	
Материаллар қиймати (10000 б. х 2.00)	20000	
Қайта ишлаш қиймати (10400 б.х 6.00)	62400	212783
303169		

Солиштиришлардан кўриниб турибдики, агар нархларнинг тебраниши унчалик катта бўлмаса ўртача салмоқли ва ФИФО усули бир хил натижани беради. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, норматив йўқотишлар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича харажат сифатида қаралиши лозим. Норматив йўқотишларни акс эттириш учун уларни тайёр маҳсулот таннархига қўшиш ёки бир қисм йўқотишларни ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига олиб бориш керак бўлади. Бунинг учун биз йўқотишлар ишлаб чиқаришнинг қайси босқичида юз берганлигини билишимиз керак бўлади.

Агар норматив йўқотишлар жараённинг охирига яқин юз берса ва бу назорат қилиш орқали аниқланса, йўқотишларнинг қиймати фақат назоратдан ўтказилган маҳсулотларнинг таннархига олиб борилиши керак бўлади.

Мисол. Даврнинг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш заҳираларига эга бўлмаган бўлим ишлаб чиқариш жараёнига 1000 бирликда маҳсулот киритади: 600 бирлиги қайта ишлаш жараёни тугатилган, 300 бирлиги яримига тугалланган ва 100 бирлик брак қилинган (барча йўқотишлар норматив). Йўқотишлар ишлаб чиқаришнинг тугалланиш стадиясида аниқланди. Назорат тугалланиш стадиясида амалга оширилган. Материалларнинг қиймати 5000 доллар, қайта ишлаш қиймати 3400 доллар. Ҳисоб-китобларни қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз (3.22-жадвал)

3.22-жадвал

Маҳсулот таннархи ҳисоби

1. Маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш

Харажатларнинг элементлари	***Умумий таннархи, п.б.***	***ТМ, бирлик***	***Норматив йўқотишлар, бирлик***	***ТИЧ экв. бир (д/о)***	***Экв. бирлиги суммаси***	***Бирлик таннархи, п.б.***
Материаллар	5000	600	100	300	1000	5.0
Қайта ишлаш	3400	600	100	150 (300	850	4.0

қиймати				х ½)		
	8400					***9.0***

2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи (д/о):

Материаллар (300 бир. х 5 п.б.) 1500

Қайта ишлаш қиймати (150 бир х 4 п.б.) 600 2100

3. Тайёр маҳсулот (600 бир х 9 п.б.) 5400

плюс норматив йўқотишлар (100 б.х 9 п.б.) 900 6300

8400

Энди олиб кўрайлик, йўқотишлар ишлаб чиқариш 50 % якунланиш босқичига етганда аниқланди. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш тартиби қуйидагича бўлади (3.23-жадвал):

3.23-жадвал

Маҳсулот таннархи ҳисоби

1. Маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш

Харажатларнинг элементлари	***Умумий таннархи, п.б.***	***ТМ, бирлик***	***Норматив йўқотишлар, бирлик***	***ТИЧ экв. бир (д/о)***	***Экв. бирлиги суммаси***	***Бирлик таннархи, п.б.***
Материаллар	5000	600	100	300	1000	5.0
Қайта ишлаш қиймати	3400	600	50 (100 х ½)	150 (300 х ½)	800	4.25
	8400					9.25

Норматив йўқотишлар:

Материалларнинг қиймати (100 бирлик х 5 п.б.) 500.00

Қайта ишлаш қиймати (50 бирлик х 4.25 п.б.) 212.50

712.50

Бизнинг мисолда йўқотишлар ишлаб чиқаришнинг 50% лик якунланганлик стадиясида аниқланди. Демак, йўқотишлар миқдорини тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимлаш керак. Агар йўқотишлар 60 %лик якунланганлик стадиясида аниқланганда эди, у ҳолда йўқотишлар тўлиқ тайёр маҳсулот таннархига олиб борилар эди.

Энди, меъёрдан ортиқча йўқотишлар юз берганда маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлаш тартиби билан танишиб чиқайлик.

Масалан, ҳисобот даврининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш заҳиралари нолга тенг. 1000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди. Шундан, 600 бирлиги тўлиқ ишлаб чиқарилди. 250 бирлиги 20% га тайёрланди, 150 бирлиги брак қилинди (бундан 100 бирлиги норматив йўқотиш, 50 бирлиги меъёрдан ортиқча йўқотиш). Йўқотишлар жараён тугагандан кейин аниқланди. Материалларнинг қиймати 8000 п.б. (барча материаллар ишлаб чиқаришнинг бошида

киритилади), қайта ишлаш қиймати 4000 п.б.. Ҳисоб китоблар натижаларини 3.24-жадвалда расмийлаштирамиз:

3.24-жадвал

Маҳсулот таннархининг ҳисоби

1. Бирлик таннархини аниқлаш

Харажатларнинг элементлари	***Умумий таннархи, п.б.***	***ТМ, бирлик***	***Норматив йўқотишлар, бирлик***	***НОЙ, бирлик***	***ТИЧ экв. бир (Д/О)***	***Экв. бирлиги суммаси***	***Бирлик таннархи, п.б.***
Материаллар	8000	600	100	50	250	1000	8.0
Қайта ишлаш қиймати	4000	600	100	50	50 (250 х 20%)	800	5.00
	12000						***13.00***

2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи (д\о)

Материаллар (250 бир. х 8 п.б.) 2000

Қайта ишлаш қиймати (50 бир. х 5 п.б.) 250 2250

3. Тайёр маҳсулот (600 х13 п.б.) 7800

плюс норматив йўқотишлар (100 бир. 13 п.б.) 1300 9100

3. ***Нормативдан ортиқ йўқотишлар*** (50 б. х13п.б.) 650

12000

Жараён бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш счети

Материаллар	8000	Кейинги жараёнга ўтказилди	9100
Қайта ишлаш қиймати	4000	Фойда ва зарарлар ҳисобидан қопланган нормативдан ортиқча йўқотишлар	650
Жами	***12000***	ТИЧ (д\о)	2250
		12000	
ТИЧ (д/о)	***2250***		

Ушбу жараёндан кўриниб турибдики, норматив йўқотишлар тайёр маҳсулот таннархига олиб борилган. Нормативдан ортиқча йўқотишлар эса алоҳида ҳисобга олинган ва фойда ва зарарлар счетига олиб борилган. Уларнинг сотилмаслиги ҳисобга олинган.

Жараёнли калкуляция сўнгида жорий даврдаги ҳақиқий харажатлар меъёрий харажатлар билан солиштирилиб турилади. Бу эса харажатларни меъёрлардан четланишини назорат қилиб туриш имконини беради.

Айрим чет эл адабиётларида жараёнли калкуляцияда ҳисоб-китобларни 5 та босқичда амалга ошириш тартиби кўрсатилган. Ушбу босқичлар қуйидагилардан иборат:

1-қадам. Жисмоний бирликлар оқимларини ҳисоб-китоб қилиш.

2-қадам. Бошқа жараёнга чиқарилган эквивалент бирликларни ҳисоблаш.

3-қадам. Жами таннархи ҳисобини тўплаш, қайсики ишлаб чиқариш жараёни счетининг жами дебет суммаси.
4-қадам. Эквивалент бирлиги таннархини ҳисоблаш.
5-қадам. Таннархни тугалланган бирликлар ва ишлаб чиқариш жараёни охиридаги бирликларга тақсимлаш.

Ушбу босқичларнинг бажарилишини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз.
А пластик компанияси катта ҳажмдаги болалар ўйинчоғини ишлаб чиқаради, қайсики компания жараёнли калкуляцияда иккита жараённи қўллайди – *биринчи жараён* қуйиш бўлими, *иккинчиси* якунлаш бўлими. Тўғридан-тўғри материаллар қуйиш жараёнининг бошида киритилади ва қўшимча тўғридан-тўғри материаллар эса якунлаш жараёнининг охирида қўшилади. Қайта ишлаш қиймати ишлаб чиқариш жараёнида бир текисда қўшилиб боради. Қуйиш жараёни якунлангандан сўнг, маҳсулот зудлик билан якунлаш жараёнига ўтказилади ва бу жараёндан маҳсулотлар тайёр маҳсулотларга ўтказилади.
2009 йил март ойида қуйиш жараёнининг маълумотлари қуйидагича:

Ишлаб чиқариш жараёни:		
Бошланғич заҳиралар:		10.000 бирлик
Тўғридан тўғри материаллар	$4.000	
Қайта ишлаш харажатлари (40%)*	1.110	$5.110
Март ойида якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирликлар		48.000 бирлик
Март ойида кирим қилинган бирликлар		40.000 бирлик
Ишлаб чиқариш жараёни, охирги бирлик		2.000 бирлик (50%)*
Март ойида қўшилган тўғридан-тўғри материал		$22.000
Март ойида қўшилган қайта ишлаш харажатлари		$18.000

Заҳиралар ҳисоби мақсадида бухгалтер қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- Жараёнда (бизнинг мисолда қуйиш жараёни) якунланган ва бошқа жараёнга ёки бўлимга ўтказилган маҳсулот таннархини ҳисоблашлари;
- Ишлаб чиқариш жараёни якунида охирги заҳираларни ҳисоблашлари;
- Операциялар суммаларига журнал ёзувларини амалга оширишлари.

Юқоридаги мисол маълумотлардан фойдаланиб қайд этиб ўтилган босқичлар асосида маҳсулот таннархини жараёнли калкуляциясини амалга оширамиз.

1-қадам. Жисмоний бирликлар оқимларини ҳисоб-китоб қилиш.

Заҳиралар ҳисобида қолдиқ ва оборотлар ўртасидаги боғлиқликни белгилашда қуйидаги классик формуладан фойдаланамиз:

Бошланғич заҳира + Кирим қилинган бирликлар = Бошқа жараёнга ўтказилган бирликлар + Охирги заҳира.

Ушбу формуладан фойдаланиб қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз.

Жисмоний бирликлар ҳисоб-китоби

Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	10.000 (40%)*
Жорий даврда кирим қилинган бирликлар	40.000
Ҳисобга олиш учун бирлик	***50.000***
Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирликлар:	
Бошланғич заҳиралардан	10.000
Кирим қилинганлардан якунлангани	38.000
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида	2.000 (50%)*
Ҳисобга олинган бирлик	***50.000***

* Тугалланганлик даражаси, фақат шу бўлим қайта ишлаш қиймати учун, яъни тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги заҳиралар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

1-қадамдаги ҳисоб-китоблар жараёнли калкуляциянинг иккита усули (ўртача салмоқли ҳамда ФИФО) учун ҳам бир хил амалга оширилади. Лекин, 2-5-қадамдаги ҳисоб-китоблар танланган усулга боғлиқ бўлади. Шу боис, ушбу босқичларнинг бажарилишини ҳар бир усулда алоҳида кўриб ўтамиз.

ЎРТАЧА САЛМОҚЛИ УСУЛ

2-қадам. Бошқа жараёнга чиқарилган эквивалент бирликларни ҳисоблаш.

Маҳсулотларни Қуйиш Бўлимида тўғридан-тўғри материаллар жараённинг бошида киритилади. Натижада, харажатларнинг материаллар моддаси бўйича жисмоний миқдор ва ишлаб чиқариш охирида қолган бирликлар учун эквивалент ҳисобланганда ишлаб чиқариши тўлиқ тугатилган ва ушбу бирликлар 100%га тўлиқ ишланган деб қаралади. Чунки, тўғридан-тўғри материаллар бир марта киритилиб барча жараёнга тақсимланади.

Тўғридан-тўғри материаллар учун эквивалент бирлик қуйидаги ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилади:

Тўғридан-тўғри материал

Тўлиқ якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирликлар 48.000 x 100%. 48.000

Ишлаб чиқариш жараёни, охиргиси

бирликлар 2.000 x 100%. 2.000
Ҳисобга олинадиган эквивалент бирлик. ***50.000***

Қайта ишлаш харажатлари моддаси учун эса эквивалент бирлик ҳисобланганда тўлиқ тугалланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирликлар бўйича 100% тўлиқ олинади. Ишлаб чиқариш жараёни охиридаги бирликлар бўйича эса қанча фоизга тугатилганлигига қараб эквивалент бирлик ҳисобланади. Бизнинг мисолда тугатилганлик даражаси 50%ни ташкил этади.

Қайта ишлаш харажатлари учун эквивалент бирлик ҳисоби қуйидагича бўлади:

Қайта ишлаш харажатлари

Тўлиқ якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган
бирликлар 48.000 x 100%. 48.000
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида
бирликлар 2.000 x 50%. 1.000
Ҳисобга олинадиган эквивалент бирлик. ***49.000***

1 ва 2-қадамда амалга оширилган ҳисоб-китобларни қуйидаги кўринишдаги жадвалда умумлаштирамиз (3.25-жадвал):

3.25-жадвал

1-2-қадамдаги ҳисоб-китоблар

Маҳсулот ҳаракати (оқими)	**1-қадам**	**2-қадам**. Эквивалент бирлик	
	Жисмоний бирлик	Тўғридан-тўғри материаллар	Қайта ишлаш қиймати
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	10.000 (40%)*	Жорий даврга қадар ишланган	
Жорий даврда кирим қилинган бирликлар	40.000		
Ҳисобга олиш учун бирлик	50.000		
Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган	48.000	48.000	48.000
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида	2.000 (50%)*	2.000	1.000
Ҳисобга олинган бирлик	50.000		
Ишламга олинадиган бирлик		50.000	49.000

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўртача салмоқли усул ишламга олинадиган бирлик жорий даврда якунланган ҳамда ишлаб чиқариш жараёни охиридаги бирликлардан ташкил топади.

3-қадам. Ушбу босқичда жами таннархи ҳисобини тўплаш, қайсики ишлаб чиқариш жараёни счетининг жами дебет суммасини аниқлаш талаб этилади. Масаланинг шартида берилган маълумотлар бўйича ишлаб чиқариш жараёнининг бошида қолдиқ $5.110, бунга қўшилади март ойида амалга оширилган харажатлар, $22.000 + $18.000 =$40.000. Жами таннарх $45.110 (5.110+40.000)ни ташкил этади.

4-қадам. Бу босқичда эквивалент бирлик таннархи ҳисобланади. Ўртача салмоқли усулда эквивалент бирликларга тақсимланадиган таннархи жорий даврда амалга оширилган харажатлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг бошидаги қолдиғи суммасини қамраб олади. Ҳисоб-китобларни қуйидаги жадвалда амалга оширамиз (3.26-жадвал):

3.26-жадвал

Эквивалент бирлиги таннархининг ҳисоби

Таннарх	Жами	Шу жумладан		
		Тўғридан-тўғри материаллар	Қайта ишлаш қиймати	Эквивалент бирлик
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	$5.110	$4.000	$1.110	
Жорий даврда амалга оширилган харажатлар	40.000	22.000	18.000	
Жами ҳисобга олинадиган таннарх	***$45.110***	***$26.000***	***$19.110***	
Тақсимлаш учун эквивалент бирлик		50.000	49.000	
Эквивалент бирлик таннархи		***$0.52***	***$0.39***	***$0.91***

5-қадам. Бу босқичда жами таннарх ишлаб чиқариши тугалланган ва ишлаб чиқариши тугалланмаган бирликларга тақсимланади. Масаланинг шартида 48.000 бирлик тўлиқ тугалланган ва бошқа жараёнга ўтказилган. 4-қадамда маҳсулот бирлигининг таннархи $0.91 (0.52+0.39) аниқланган эди. Ишлаб чиқариш жараёнининг охирида 2000 бирлик таннархи унинг элементлари бўйича аниқланади, яъни тўғридан-тўғри материал моддаси бўйича 2000 бирлик $0.52, қайта ишлаш қиймати бўйича эса 1000та эквивалент бирлик $0.39 дан ҳисобланади. Ҳисоб-китоб натижаларини қуйидаги 3.27-жадвалда расмийлаштириш мумкин.

3.27-жадвал

Жами таннархни тугалланган маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёни охиридаги бирликларга тақсимоти (Ўртача салмоқли усул)

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан	
		Тўғридан-тўғри материал	Қайта ишлаш қиймати
Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган	$43.680	48.000 ($0.91)	

Ишлаб чиқариш жараёни, охирида (2000 бирлик): Тўғридан-тўғри материал Қайта ишлаш қиймати Жами	 $1.040 390 $1.430	 2.000 ($0.52) 1.000 ($0.39)
Жами таннарх	***$45.110***	

Юқоридаги барча босқичлар натижаларини қуйидаги жадвалда умумлаштирамиз (3.28-жадвал).

3.28-жадвал

Маҳсулот таннархи ҳисоботи. 31 март билан якунланадиган ҳисобот даври. Ўртача салмоқли усул.

	Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан	
			Тўғридан-тўғри материал	Қайта ишлаш қиймати
	Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	$5.110	$4.000	$1.110
	Ҳисобот даври давомида қўшилган таннарх	40.000	22.000	18.000
3-қадам	***Жами ҳисобга олиш учун таннарх***	***$45.110***	***$26.000***	***$19.110***
	Бўлинади: эквивалент бирлик		50.000	49.000
4-қадам	Эквивалент бирлик таннархи		$0.52	0.39
5-қадам	Таннархни тақсимлаш: Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган	$43.680	48.000 ($0.91)	
	Ишлаб чиқариш жараёни, охирида (2000 бирлик): Тўғридан-тўғри материал Қайта ишлаш қиймати Жами	 $1.040 390 $1.430	 2.000 ($0.52) 1.000 ($0.39)	
Жами ҳисобга олинган таннарх		***$45.110***		

Жараёнли калькуляцияда бухгалтерия ёзувлари буюртмали калкуляцияга ўхшаш бўлади. Бунинг фарқли тарафи, фақат ишлаб чиқариш жараёни счетининг ҳар бир жараёнга очилиши билан белгиланади.

Юқоридаги мисол маълумотлари асосида журнал ёзувларини амалга оширамиз:

1. Ишлаб чиқариш жараёни – Қуйиш 22.000
Материал заҳиралари 22.000
Ёзув: Март ойида жараёнга киритилган материалларнинг қиймати суммасига

2. Ишлаб чиқариш жараёни – Қуйиш 18.000
Турли счётлар 18.000

Ёзув: Март ойида қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар, мисол учун ҳар хил таъминот, меҳнат ва амортизация

3. Ишлаб чиқариш жараёни – Қуйиш 43.680
Ишлаб чиқариш жараёни – Якунлаш 43.680
Ёзув: Қуйиш жараёнида тугалланган маҳсулот таннархини Якунлаш жараёнига ўтказиш

Юқорида 5 та қадамда амалга оширилган ҳисоб-китобларни ҳамда журнал ёзувлар "Ишлаб чиқариш жараёни – Қуйиш" Т-счёт кўринишидаги шаклига ўтказилса қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.29-жадвал):

3.29-жадвал

Ишлаб чиқариш жараёни - Қуйиш

	Жисмоний бирлик	Сумма		Жисмоний бирлик	Сумма
Бошланғич заҳира	***10.000***	***$5,110***			
Амалга оширилди: Тўғридан-тўғри материал Қайта ишлаш қиймати	40.000	 22.000 18.000	Бошқа жараёнга ўтказилган	48.000	$43.680
			Охирги заҳира	2.000	1.430
Жами	***50.000***	***$45.110***	***Жами***		***$45.110***
Охирги заҳира	***2.000***	***$1.430***			

Ушбу ҳисоб-китоб маълумотларидан кўриниб турибдики, бошқа жараёнга ўтказилган маҳсулот таннархи $43.680, ишлаб чиқариш жараёни давр охирида $1.430 ни ташкил этмоқда. Ушбу маълумотлар реализация қилинган маҳсулот таннархи кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланилади ва охир натижада фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларда стандартлар талабларига мувофиқ сифатли ахборотларни тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилади.

ФИФО УСУЛИ

1-2-қадам. Жисмоний бирликлар ва эквивалент бирликларни аниқлаш.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1-қадамдаги ҳисоб-китоблар ўртача салмоқли усулдаги каби амалга оширилади.

1-2 қадамда қилинган ҳисоб-китоб натижаларини қуйидаги жадвалда умумлаштирамиз (3.30-жадвал):

3.30-жадвал

Жисмоний бирлик эквивалент бирликлар ҳисоби. ФИФО усули.

Маҳсулотнинг ҳаракати	***(1-қадам) Жисмоний бирлик***	***(2-қадам) Эквивалент бирлик***	
		Тўғридан-	***Қайта***

		тўғри материал	***ишлаш қиймати***
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	10.000 (40%)*	Жорий даврга қадар бажарилган	
Жорий даврда кирим қилинган бирликлар	40.000		
Жами ҳисобга олиш учун бирлик	***50.000***		
Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирликлар: Бошланғич заҳиралардан	10.000	-	6.000**
Кирим қилинганлардан якунлангани	38.000	38.000	38.000
Ишлаб чиқариш жараёни, охиргиси	2.000 (50%)*	2.000	1.000**
Жами ҳисобга олинган бирлик	***50.000***	***40.000***	***45.000***

* Тугалланганлик даражаси, фақат шу бўлим қайта ишлаш қиймати учун, яъни тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги заҳиралар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар

****** 10.000 x (100%-40%) = 10.000 x 60% = 6.000

2.000 x 50% = 1.000

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, эквивалент бирликни ҳисоблаганда бошланғич заҳираларда фақат қайта ишлаш қиймати моддаси бўйича олинади. Бошланғич заҳираларнинг 60% ҳисобот даврида қайта ишланади, чунки ишламнинг 40% жорий даврга қадар олдинги ҳисобот даврида амалга оширилган. Бошланғич заҳираларнинг тўғридан-тўғри материаллар моддаси бўйича эквивалент бирлик олинмайди, чунки 10.000 бирлик олдинги ҳисобот даврида ҳисобга олинган.

3, 4 ва 5 қадамлар. Маҳсулот таннархи ҳисоботи.

ФИФО усулида маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисоботни тузишни 3.31-жадвалда кўриб ўтайлик:

3.31-жадвал

Қуйиш цехида маҳсулот таннархи ҳисоботи

	Таннарх	***Жами***	***Шу жумладан***	
			Тўғридан-тўғри материал	***Қайта ишлаш қиймати***
	Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	$5.110	Жорий даврга қадар амалга оширилган	
	Жорий даврда амалга оширилган харажатлар	40.000	$22.000	$18.000
3-қадам	Жами ҳисобга олиш учун таннарх	***$45,110***		

	Бўлинади: Эквивалент бирликлар		÷40.000	÷45.000
4-қадам	Эквивалент бирлик таннархи		$0.55	$0.40
5-қадам	Таннархнинг тақсимланиши: Якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирликлар (48.000):			
	Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич (10.000)	$5.110		
	Жорий даврда қўшилган харажатлар: Тўғридан-тўғри материал			
	Қайта ишлаш харажатлари	2.400		6.000*($0.40)
	Бошланғич заҳираларнинг жами	$7.510		
	Кирим қилинган ва якунланган (38.000)	36.100	38.000 ($0.95**)	
	Бошқа жараёнга ўтказилган жами таннарх	$43.610		
	Ишлаб чиқариш жараёни, охирида (2.000): Тўғридан-тўғри материал	$1.100	2.000* ($0.55)	
	Қайта ишлаш қиймати	400		1.000* ($0.40)
	Жами	$1.500		
	Жами ҳисобга олинган таннарх	***$45.110***		

* Бажарилган эквивалент бирлик

** Эквивалент бирликнинг жами таннархи =$0.55+$0.40=$0.95

ФИФО усулининг қўлланилишини ўрганиш учун 3.9-жадвални тўлдирилишини диққат билан ўқиш керак бўлади. Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисоб-китобларда биринчидан тугалланган ва бошқа жараёнга чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи, яъни 48.000 бирликнинг таннархи аниқланган ва у $43.610 ни ташкил этмоқда. Иккинчидан ишлаб чиқариш жараёни охирида 2.000 бирликнинг таннархи аниқланиб, у $1.500 бўлган. Бунга тугалланган ва бошқа жараёнга ўтказилган маҳсулот таннархи $43.610 қўшилиб, жами таннархи $45.110 аниқланади ва бу кўрсаткич ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич суммаси ($5.110) ва жорий даврда қўшилган таннарх ($40.000) йиғиндиси $45.110 га тенг бўлиш керак. Ушбу тенглик ҳисоб-китобларнинг тўғри бажарилганлигини кўрсатади.

Ўртача салмоқли усулда маҳсулот эквивалент бирлигининг ўртача таннархи $43.610 ÷ 48.000 = $0.9085. ФИФО усулида эса маҳсулот бирлигининг таннархи $0.95 ни ташкил этмоқда. ФИФО усули ва ўртача

салмоқли усул ўртасидаги асосий фарқ эквивалент бирлик қандай ҳисобланганлиги натижасида келиб чиқади.

9-МОДУЛ. КОМПЛЕКС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА ҚЎШИМЧА (ИККИЛАМЧИ) МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

9.1. Комплекс ва қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари**.** Харажатларни тақсимлаш усуллари. Қўшимча маҳсулот ҳисоби.

9.1-маъруза. Комплекс ва қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари. Харажатларни тақсимлаш усуллари. Қўшимча маҳсулот ҳисоби.

Қўшма ишлаб чиқариш жараёни, қўшма маҳсулот ва иккиламчи маҳсулотлар шундай тармоқларга таллуқли, қайсики бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш бошқасини ишлаб чиқариш билан технологик боғлиқликда бўлади.

Қўшма ишлаб чиқариш жараёни (Joint production process) бу бир ишлаб чиқариш жараёнида иккита ва ундан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳолларда юзага келади.

Қўшма маҳсулот (Joint product) деганда эса қўшма ишлаб чиқариш жараёнидан олинадиган маҳсулотларга айтилади. Айрим адабиётларда қўшма маҳсулот ва асосий маҳсулотни бир-биридан фарқлашади. Қўшма ишлаб чиқариш натижасида бир нечта маҳсулот юқори сотиш қийматига эга бўлса бу *қўшма маҳсулот* деб аталади. Агар қўшма маҳсулотларнинг ичида биттаси бошқаларига нисбатан юқори сотиш қийматига эга бўлса бу *асосий маҳсулот* деб аталади. Демак, асосий маҳсулот қўшма маҳсулотнинг энг асосийси экан.

Иккиламчи маҳсулот (By product) асосий маҳсулот билан биргаликда ишлаб чиқариладиган ва технологик жаражаённинг маълум нуқтасида қўшма маҳсулотдан ажраладиган ҳамда сотиш нархи нисбатан кичик бўлган маҳсулотга айтилади.

Қўшма ва иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларига: кимё саноати, нефтни қайта ишлаш, тоғ, сут-ун, мой-ёғ ишлаб чиқариш саноати корхоналарини киритиш мумкин.

Масалан, сут маҳсулотини битта технологик жараёнда қайта ишлаш натижасида бир қанча маҳсулотлар, жумладан сут, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ, чакка, айрон, қурт ва бошқа маҳсулотларни бирин-кетин олиш мумкин.

5-чизмада қўшма ишлаб чиқариш жараёни натижасида тўртта қўшма маҳсулот ва иккита иккиламчи маҳсулот тўртта жараён марказларида олиниши диаграмма оқимида кўрсатилган. Чизмадан кўриниб турибдики, барча маҳсулотлар иккита ишлаб чиқариш жараёнидан, аралаштириш ва пиширish жараёнидан ўтаяпди. Ушбу иккита жараёнда тўпланган барча харажатлар эса олтита маҳсулотга ҳам оид бўлади. Бу икки жараённинг охиригача, яъни маҳсулотлар ажралгунга қадар амалга оширилган харажатлар ***қўшма таннарх*** (joint cost) деб аталади. Жараён тугаши билан маҳсулотлар ажралиб алоҳида индентификацияланадиган, яъни технологик ишлов бериш жараёнида маҳсулот бири иккинчисидан жисмоний ажралиб келгусида уларнинг маҳсулот таннархини алоҳида ҳисоблаш мумкин бўлган нуқтасига ***ажралиш нуқтаси (split-off point)*** деб аталади. Ажралиш нуқтасидан кейин айрим маҳсулотлар бошқа қайта ишлаш зарурияти бўлмасдан сотиш учун тайёр ҳолатга келиши мумкин. Бунга чизмада А маҳсулотни мисол қилиб олиш мумкин, қайсики у пиширish жараёнидан кейин сотишга тайёр ҳолатга келтирилган. Бошқа маҳсулотларда эса ажралиш нуқтасидан кейин уларни сотиш учун тайёр ҳолатга келтириш учун яна қўшимча ишлов беришга зарурияти бўлади ва бундай ҳолларда ишлаб чиқариш яна бошқа жараёнларда давом этади. Чизмада маҳсулот дасттавал *қориштириш жараёнини* ўтаб сўнгра *пиширish жараёнига* ўтказилган. Ундан ажралиш нуқтасида В, С ва Д маҳсулотлар алоҳида ажралиб уларга ишлов бериш учун бошқа-бошқа жараёнларга ўтказилган. Ажралиш нуқтасидан кейин алоҳида олинган маҳсулотларга қайта ишлаш учун амалга оширилган харажатлар ***бўлинган харажатлар*** деб аталади.

Чизмадаги *Ёпиш жараёнига* ўтказилган маҳсулот қайта ишланади, яъни яна материал, меҳнат ва устама харажатлар амалга оширилади (бу бўлинган харажатларни ташкил этади) ва бу жараён якунлангандан сўнг маҳсулот упаковка жараёнига ўтказилган ва унда ишловлар амалга оширилиб *В маҳсулот* олинган, қайсики у сотиш учун тайёр ҳолатга келтирилган. Ажралиш нуқтасидан кейин маҳсулотнинг бир қисми бошқа *қориштириш жараёнига* ўтказилган (олдинги қориштириш жараёнидан фарқ қилади). Маҳсулот ушбу жараёнда ишлов олгандан сўнг *мувофиқлаштириш жараёнига* ўтказилган. Ундан *С тайёр маҳсулот* ҳамда *Z иккиламчи маҳсулот* олинган.

Маҳсулотнинг яна бир қисми ажралиш нуқтасидан кейин *тўйинтириш жараёнига* ўтказилган. Бу жараёндан Д тайёр маҳсулот ва унга нисбатан кичик қийматга эга бўлган Y иккиламчи маҳсулот олинган.

Ишлаб чиқарадиган қўшма маҳсулот корхонанинг тижорат фаолиятида асосий ролни ўйнайди. Иккиламчи маҳсулот эса асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади. Иккиламчи маҳсулотни аниқлаш бўйича асосий мезон бўлиб унинг нархини асосий

маҳсулот нархига таққослаш асосида аниқланган натижалар ҳисобланади.

Қўшма ва иккиламчи маҳсулотнинг одатдаги ишлаб чиқаришдан фарқли тарафи шундан иборатки, биринчисини иккинчисидан ишлаб чиқаришнинг маълум бир нуқтасига келгунга қадар идентификация қилиш мумкин эмас. Шу боис, ушбу ажралиш нуқтасига етгунга қадар харажатларни алоҳида маҳсулот турларига олиб бориш имкони бўлмайди. Ажралиш нуқтасига етгундан кейин алоҳида маҳсулотлар реализация қилиниши ёки келгуси қайта ишлашга жўнатилиши мумкин.

Иккиламчи маҳсулотларни чиқинди материаллардан фарқ қилиш керак бўлади.

Қўшма маҳсулотлар бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири ҳар бир маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини баҳолаш ва унга оид бўлган ахборотларни ички ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиш бўлиб ҳисобланади. Жами маҳсулот таннархи, қўшма маҳсулот таннархига оид ахборотлар молиявий ҳисоботларда фойдаланилади ва солиқ ҳамда бошқа давлат идораларига тақдим этилади ҳамда бошқарув таннарх ҳисоботларида фойдаланади.

Қўшма маҳсулот таннархини баҳолашдаги муҳим масалалардан бири бу қўшма таннархнинг алоҳида маҳсулотларга онсон идентификацияланмаслигидир. Қўшма таннарх қўшма маҳсулотларга тақсимлаш таннарх ҳисоботи стандартлари талабларига мувофиқ ҳолда, яъни мувофиқлик тамойилига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Қўшма маҳсулотлар таннархини ҳисобга олишда иккита босқичда амалга ошириш талаб этилади:

1. Ажралиш нуқтасидан кейин ҳар бир қўшма маҳсулот учун маҳсулот таннархини аниқлаш (баҳолаш);

2. Қўшма таннархни қўшма маҳсулотларга тақсимлаш.

Биринчи босқичда амалга ошириладиган ишлар алоҳида услубиётни талаб этмайди. Ажаралиш нуқтасидан кейин ҳар бир маҳсулотга сарфланган материал, меҳнат ва устама харажатлар ҳисоб китоби юқоридаги мавзуларда баён этилган тартибда амалга оширилади. Шу боис, ушбу мавзуда иккинчи босқичда амалга ошириладиган ишлар мазмунига тўхталиб ўтамиз.

Қўшма маҳсулот таннархи иллюстрациясини Farington Industrial Products мисолида кўриб ўтамиз. Маҳсулотларнинг бир гуруҳи қўшма ишлаб чиқариш жараёнидан ўтади, қайсики унда маҳсулотларга юқори углерод босимида ишлов берилиб пўлат қуйилади. Ишлаб чиқаришда тўртта маҳсулот олинади, қайсики улар коррозияга бардошли ва узоқ муддатга чидамли ҳисобланади. Бироқ ҳар бир алоҳида маҳсулот махсус талабларга жавоб бериши талаб этилади. Бундай талабларга жумладан юқори ва паст намлик, темпратуранинг кескин ўзгариши, юқори коррозияли муҳит ва бошқа омилларни киритиш мумкин.

Маҳсулотлар миқдори ва таннархи тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги 9.1-жадвалда келтирилган:

Farington Industrial Products
Ишлаб чиқариш, нарх ва таннарх маълумотлари
2009 йил декабр ойи учун

9.1-жадвал

Маҳсулот	***Ишлаб чиқарилган бирлик***	***Бирлик сотиш нархи***	***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***
Z-800	4,000 barrel	10 п.б.\ barrel	5,000 п.б.
Z-900	3,000	15	15,000
XZ-880	2,000	25	-
XZ-990	1,000	65	30,000
Жами	10,000 barrel		50,000 п.б.
Қўшма таннарх = 90,000 п.б.			

Жадвалдан кўриниб турибдики сотишга тайёр ҳолатга келтириш учун учта маҳсулот ажралиш нуқтасидан кейин қўшимча ишлов бериш жараёнига ўтказилмоқда. Фақат XZ-990 маҳсулот эса қўшимча ишловларсиз сотишга тайёр ҳолатга келтирилган. Декабр ойи давомида 10,000 barrel маҳсулотни тўлиқ ишлаб чиқариш учун жами таннарх 140,000 п.б.ни ташкил этмоқда (50,000 + 90,000). Маҳсулотлар ажралгунга қадар жами қўшма таннарх 90,000 п.б. бўлиб, бу барча тўртта маҳсулот учун умумий харажат ҳисобланади. Ажралиш нуқтасидан кейин маҳсулотларни қўшимча қайта ишлаш жараёнида 50,000 п.б. миқдорида сарф харажат амалга оширилган, қайсики бу харажатлар ҳар бир маҳсулотга идентификацияланган.

Ҳар бир маҳсулотнинг таннархни аниқлашимиз учун қўшма таннархни ҳар бир маҳсулотга тақсимлашда мантиқан тўғри бўлган йўлни танлашимиз керак бўлади. Тақсимлашда энг тўғри идеал ғояга, яъни ҳар бир маҳсулотнинг таннархи уларни сотишдан олинган даромад билан мувофиқлигини таъминлашга риоя қилиш бўлиб ҳисобланади. Лекин, мувофиқлик концепти қўшма таннархни тақсимлашда мураккабликлар билан боғлиқдир. Натижада, сабаб-оқибат боғлиқлиги қўшма таннарх ва қўшма таннархни ҳақиқатда ўзида

мужассамлантирган маҳсулот ўртасида ўз аксини топа олмаслиги мумкин. Ушбу фарқни мумкин қадар камайтиришда бир қанча умум қабул қилинган методлар қўлланилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Натурал бирликлар асосида тақсимлаш.
2. Сотиш қиймати асосида тақсимлаш.
3. Ялпи файда асосида тақсимлаш.
4. Ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймати асосида тақсимлаш.
5. Ажралиш нуқтасида қийматни баҳолаш методи

Натурал бирликлар асосида тақсимлаш. Қўшма таннархни тақсимлашда кенг фойдаланиладиган усуллардан бири ***натурал бирлик*** методи, айрим адабиётларда ***ишлаб чиқарилган бирликлар*** методи деб аталади. Бу усулни қўллаш онсон ва тез тушунарли ҳисобланади. Бунда қўшма таннарх ишлаб чиқарилган ҳар бир бирликка тенг тақсимланади. Fairinhton компанияси Декабр ойида 10,000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарган ва қўшма таннарх эса 90,000 п.б.ни ташкил этган. Натурал бирликлар методига мувофиқ ҳар бир бирлик маҳсулотга 9 п.б.дан қўшма таннарх тақсимланади (90,000 п.б. / 10,000 бирлик). У ҳолда 4,000 barrel дан иборат Z-800 маҳсулотга декабр ойида умумий 36,000 п.б.да қўшма таннарх тақсимланади (9 п.б. ҳар бир barrelга * 4,000 barrel). Худди шунингдек, Z-900 маҳсулотга 27,000 п.б. (9 п.б. * 3,000 barrel), XZ-880 маҳсулотга 18,000 п.б. (9 п.б. * 2,000 barrel) ва XZ-990 маҳсулотга 9,000 п.б. (9 п.б. * 1,000 barrel) қўшма таннарх тақсимланади. Ҳисоб-китоб натижаларини 9.2-жадвалда расмийлаштирамиз.

Farington Industrial Products
Натурал Бирликлар Асосида Тақсимлаш Методи Бўйича Маҳсулот Таннархи
2009 йил декабр ойи учун

9.2-жадвал

Маҳсулот	***Қўшма таннарх***		***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***		***Жами маҳсулот таннархи***	
	Жами	***Бирлик ка***	***Жами***	***Бирлик ка***	***Жами***	***Бирлик ка***
Z-800	36,000 п.б.	9,00 п.б.	5,000 п.б.	1.25 п.б.	41,000 п.б.	10.25
Z-900	27,000	9	15,000	5.00	42,000	14.00
XZ-880	18,000	9	-	-	18,000	9.00
XZ-990	9,000	9	30,000	30.00	39,000	39.00

Жами	***90,000 п.б.***		***50,000 п.б.***		***140,000 п.б.***	

Жадвал маълумотларилан кўриниб турибдики, ушбу методда маҳсулот бирлигига қўшма таннарх тўртта маҳсулот учун ҳам бир хил даражада белгиланган, қайсики бу кўрсаткич қўшма маҳсулотларга тақсимланадиган жами таннархни ой мабойнида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига бўлиш орқали топилади. Жадвалнинг кейинги устуни ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх ҳар бир маҳсулотга алоҳида идентификацияланган, чунки уларнинг ҳисоб-китоби ҳар бир алоҳида маҳсулот учун юритилади. Уларни тақсимлашга зарурият йўқ.

Идентификациялаш билан тақсимлаш ўртасидаги фарқ қўшма маҳсулот таннархига доир қарорларини қабул қилувчи менеджерлар учун аҳамият касб этади. Мисол учун қўшма маҳсулотлардан бирининг бозор қиймати сезиларли даражада камайса бу уни ишлаб чиқаришни тўхтатиш тақоза қилади ва бу ҳолат кўпроқ агарда бозор қиймати ажралиш нуқтасидан кейинги харажатларни қоплай олмаса.

Алоҳида маҳсулотларнинг тўлиқ таннархи бу унга тақсимланган қўшма таннарх ва ажралиш нуқтасидан кейин амалга оширилган таннарх йиғиндисидан иборат. Бизнинг мисолимизда учта маҳсулот қўшма таннарх ва ажралиш нуқтасидан кейинги таннархлардан ташкил топган. Фақат, XZ-880 маҳсулот ажралиш нуқтасидан кейин сотишга тайёр ҳолга келтирилган, яъни унга қўшимча ишлов бериш зарурияти йўқ.

9.1-жадвалда келтирилган маҳсулотларнинг нархларини 9.2-жадвалда ҳисоблаб чиқилган таннарх тўғрисидаги маълумотлар билан солиштирадиган бўлсак, айрим ҳолатларни қайд қилиш мумкин. Z-800 маҳсулот бирлигининг таннархи 10.25 п.б. бўлган ҳолда сотиш нархи ундан паст бўлиб 10.00 п.б.ни ташкил этмоқда. Бозор эса уни юқори нархда сотишга имкон бермайди. Натижада компания ушбу маҳсулотни таннархидан паст нархга (фарқи 0.25 п.б.) сотишга мажбур бўлади. Агар таҳлил жараёнига маҳсулотни сотиш, дистрибутция ва маъмурий харажатларни ҳам қўшадиган бўлсак у ҳолда зарар суммаси яна ошади. Z-900 маҳсулотга ялпи маржин 1 barrel га 1 п.б.ни ташкил этмоқда (15 п.б.сотиш нархи – 14 п.б. маҳсулот таннархи). Бу ҳам жуда паст. Лекин XZ-880 XZ -990 маҳсулотларда ялпи маржин юқори бўлиб мос равишда 16 п.б. ва 26 п.б.га етган. Бунинг сабаби натурал бирликлар методида кичик нархга эга бўлган маҳсулотлар кичик ҳажмга ва кўпроқ миқдорга эга бўлиши натижасида негатив ялпи маржинга эга бўлиши мумкин. Юқори нархга эга бўлган маҳсулотлар эса юқори маржин кўрсаткичига эга бўлмоқда. Шу боис, натурал бирликлар методини маҳсулотлар нархи ўртасида катта фарқ бўлмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сотиш қиймати асосида тақсимлаш методи. Сотиш қиймати асосида тақсимлаш методида қўшма таннарх сотишдан олинган даромадга мутонасиб равишда тақсимланади. Юқоридаги мисолимизда сотишдан олинган даромад сотилган миқдорни маҳсулотларнинг сотиш баҳосига кўпайтириш орқали топилади. 9.1-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз:

9.3-жадвал

Маҳсулот	***Ишлаб чиқарилган миқдор***	***Бирлик нархи***	***Сотиш ҳажми***
Z-800	4,000 barrel	10 п.б./barrel	40,000 п.б.
Z-900	3,000	15	45,000
XZ-880	2,000	25	50,000
XZ-990	1,000	65	65,000
Жами			***200,000 п.б.***

Қўшма таннарх қўшма маҳсулотларга уларнинг ҳар бирининг жами даромаддаги ҳиссасига қараб тақсимланади. Мисол учун, Z-800 маҳсулотга 18,000 п.б.да қўшма таннарх тақсимланади ((40,000 п.б. / 200,000 жами сотиш ҳажми) * 90,000 п.б.). Агар тақсимланган қўшма таннарх 18,000 п.б.ни 4,000 бирлик маҳсулотга бўлсак, маҳсулот бирлигига қўшма таннарх 4.50 п.б. келиб чиқади. Худди шунингдек, Z-900 маҳсулот учун қўшма таннарх 20,250 п.б. ((45,000 п.б. / 200,000 п.б.) * 90,000 п.б.) га тенг. Бошқа маҳсулотлар учун ҳам қўшма таннарх шу тартибда аниқланади. Ҳисоб-китоб натижаларини қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз (9.4-жадвал).

Farington Industrial Products
Сотиш Қиймати Асосида Тақсимлаш Методи бўйича Маҳсулот Таннархи

9.4-жадвал

Маҳсулот	***Қўшма таннарх***		***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***		***Жами маҳсулот таннархи***	
	Жами	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***
Z-800	18,000 п.б.	4.50 п.б.	5,000 п.б.	1.25 п.б.	23,000 п.б.	5.75 п.б.
Z-900	20,250	6.75	15,000	5.00	35,250	11.75
XZ-880	22,500	11.25	-	-	22,500	11.25
XZ-990	29,250	29.25	30,000	30.00	59,250	59.25
Жами	***90,000 п.б.***		***50,000 п.б.***		***140,000 п.б.***	

Усуллар турли хил бўлса ҳам ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх бир хил ҳисобланади, чунки ажралиш нуқтасидан кейинги харажатлар танланаётган методга боғлиқ эмас. Бу усулда ҳар бир алоҳида қўшма маҳсулот турли хил маҳсулот бирлиги таннархига эга. Ушбу усул натижалари натурал бирликлар асосида тақсимлаш методига нисбатан таннарх Z-800 маҳсулотда 44 фоизга кам [(10.25 п.б. – 5.75 п.б.) / 10.25 п.б.], XZ-990 маҳсулотда эса 52 фоизга юқори [((59.25 п.б. – 39.00) * 39.00 п.б.]. Қолган иккита маҳсулот бўйича фарқлар унча катта эмас. Усулларни танлаш ишлаб чиқариш ҳолатидан, маҳсулотларнинг жисмоний тавсифларидан келиб чиқиб амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ялпи фойда асосида тақсимлаш методи. Ялпи фойда методи, баъзи адабиётларда ялпи маржин ёки доимий контрибутция фоизли методи деб аталувчи усулда қўшма таннарх қўшма маҳсулотларга ялпи фойданинг бир хил фоизи асосида тақсимланади. Қўшма маҳсулотлар гуруҳига таллуқли бўлган ялпи фойда сотишдан олинган даромаддан уларнинг жами ишлаб чиқариш таннархини айириш орқали топилади. Ялпи маржин фоизи ялпи маржин суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган даромадга бўлиш орқали топилади.

Fairington Industrial Products компанияси учун ялпи фойда фоизи 30 %ни ташкил этади [(200,000 п.б. – 140,000 п.б.) / 200,000]. Бу ерда 140,000 п.б. бу қўшма таннарх 90,000 п.б. ва ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх 50,000 п.б.дан иборат. Соф фойда фоизи 30% шуни англатадики ҳар бир маҳсулот таннархи сотиш нархининг 70% ни ташкил этади. Қўшма маҳсулотларга тақсимланиши керак бўлган қўшма таннарх суммаси маҳсулотнинг тўлиқ таннархидан ажралиш нуқтасидан кейинги таннархни айиришдан келиб чиққан суммага тенг бўлади.

Юқоридаги маълумотлар ва ҳисобланган маҳсулот таннархи фоизидан фойдаланиб жами маҳсулот таннархини ҳар бир маҳсулот тури бўйича аниқлаймиз:

Маҳсулот	***Жами сотиш қиймати***	***Маҳсулот таннархи фоизи***	***Жами маҳсулот таннархи***
Z-800	40,000 п.б.	70 фоиз	28,000 п.б.
Z-900	45,000	70	31,500
XZ-880	50,000	70	35,000
XZ-990	65,000	70	45,500
Жами маҳсулот таннархи			***140,000 п.б.***

Ушбу жадвал маълумотлари асосида маҳсулот таннархи фоизи асосида жами маҳсулот таннархи аниқлангандан сўнг, жами таннархдан ажралиш нуқтаидан кейинги таннархни айириб ташлаб қўшма таннархни аниқлаймиз. Маҳсулот бирлигининг таннархи эса жами таннархни маҳсулот бирлигига бўлиб топамиз. Мисол учун, Z-800 маҳсулотда маҳсулот бирлиги таннархи 7 п.б.ни ташкил этмоқда (28,000 п.б. / 4,000 бирлик). Ҳисоб-китоб натижаларини қуйидаги жадвалда умумлаштирамиз.

Farington Industrial Products
Ялпи Фойда Асосида Тақсимлаш Методи бўйича Маҳсулот Таннархи

9.5 -жадвал

Маҳсулот	***Қўшма таннарх***		***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***		***Жами маҳсулот таннархи***	
	Жами	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***
Z-800	23,000 п.б.	5.75 п.б.	5,000 п.б.	1.25 п.б.	28,000 п.б.	7.00 п.б.
Z-900	16,500	5.50	15,000	5.00	31,500	10.50
XZ-880	35,000	17.50	-	-	35,000	17.50
XZ-990	15,500	15.50	30,000	30.00	45,500	45.50
Жами	***90,000 п.б.***		***50,000 п.б.***		***140,000 п.б.***	

Бу жадвалга қўшимча равишда шуни киритиш мумкинки, юқорида таъкидлаганимиздек қўшма таннарх жами маҳсулот таннархи билан ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Бу ҳисоб-китоблар натижаларини қуйида келтириш мумкин:

Маҳсулот	***Жами маҳсулот таннархи***	***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***	***Тақсимланган қўшма таннарх***
Z-800	28,000 п.б.	5,000 п.б.	23,000 п.б.
Z-900	31,500	15,000	16,500
XZ-880	35,000	-	35,000
XZ-990	45,500	30,000	15,500
Жами тақсимланган қўшма таннарх			***90,000 п.б.***

Ушбу ҳисоб-китобда аниқланган тақсимланмаган қўшма таннарх 9.5-жадвалдаги қўшма таннарх устунига ўтказилган. Маҳсулот

бирлигига тўғри келадиган қўшма таннарх маҳсулот бўйича қўшма таннарх суммасини маҳсулот бирлигига бўлиш орқали топилади. Масалан, Z-880 қўшма маҳсулот бўйича маҳсулот бирлиги қўшма таннархи 5.50 п.б.ни ташкил этмоқда (16,500 п.б. / 3,000 бирликка).

Ушбу усулнинг афзаллик томони фойдаланиш учун қўлайлиги, умумий натижадларни бир текисда маҳсулот турларига тақсимлаши билан белгиланади. Лекин камчилиги шундан иборатки фойдалилик даражаси барча маҳсулотлар бўйича бир хилда тақсимланади. Холбуки, амалда ҳамма маҳсулотнинг ҳам фойдалилик даражаси бир хил бўлавермайди. Натижада ҳақиқий фойдалилик даражасига эга бўлган маҳсулотларнинг рентабиллик кўрсаткичи ҳисобидан бошқа маҳсулотларнинг ҳақиқий рентабиллиги юқори бўлиб кўриниши мумкин.

Ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймати (ССМБҚ) асосида тақсимлаш. Бу усулда қўшма таннарх ҳар бир маҳсулотга ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймат пропорцияси асосида тақсимланади. *Соф сотиш мумкин бўлган қиймати* бу ажралиш нуқтасидаги сотишилиши мумкин бўлган қиймати минус сотиш ва дистрибутция харажатлари. Кўп қўшма маҳсулотлар ажралиш нуқтасида бозорга тайёр ҳолатга келади, қайсики у ажралиш нуқтасида бозор қийматидан уни тайёр ҳолатга келтириш жараёнларини чегириш орқали топилади.

Бизнинг мисолимизда ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймат қуйидагича баҳоланган:

Маҳсулотлар	***Ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймат***
Z-800	20,000 п.б.
Z-900	18,000
XZ-880	50,000
XZ-990	12,000
Жами ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймат	***100,000 п.б.***

Ушбу маълумотлар асосида қўшма маҳсулотларга қўшма таннарх ажралиш нуқтасидаги соф сотиш мумкин бўлган қийматдаги (ССМБҚ) ҳиссаси асосида қуйидаги тартибда тақсимланади.

Маҳсулотлар	***Ажралиш нуқтасида ССМБҚ фоизи****	***Жами қўшма таннарх =***	***Тақсимланган қўшма таннарх***
Z-800	*20,000 п.б./ 100,000 п.б.*	***90,000 п.б.***	***18,000 п.б.***

Z-900	*18,000 /100,000*	***90,000***	***16,200***
XZ-880	*50,000 / 100,000*	***90,000***	***45,000***
XZ-990	*12,000 / 100,000*	***90,000***	***10,800***
Жами тақсимланган қўшима таннарх			***90,000 п.б.***

Ушбу маълумотлар асосида натижавий 9.6-жадвални расмийлаштирамиз:

Farington Industrial Products

Ажралиш Нуқтасида Соф Сотиш Мумкин Бўлган Қиймат Методи бўйича Маҳсулот Таннархи

9.6 -жадвал

Маҳсулот	***Қўшма таннарх***		***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***		***Жами маҳсулот таннархи***	
	Жами	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***
Z-800	18,000 п.б.	4.50 п.б.	5,000 п.б.	1.25 п.б.	23,000 п.б.	5.75 п.б.
Z-900	16,200	5.40	15,000	5.00	31,200	10.40
XZ-880	45,000	22.50	-	-	45,000	22.50
XZ-990	10,800	10.80	30,000	30.00	40,800	40.80
Жами	***90,000 п.б.***		***50,000 п.б.***		***140,000 п.б.***	

9.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймат асосида қўшма таннархини тақсимлаш ҳар бир маҳсулотнинг ҳақиқий қийматини тўлароқ ҳисобга олиш имконияти туғилади. Ушбу усулнинг камчилик томони унда ажралиш нуқтасида соф сотиш қийматини аниқлашдаги муаммолар ҳисобланади. Ҳали тўлиқ тайёр бўлмаган маҳсулотларнинг ажралиш нуқтасида соф сотиш қийматини аниқлаш тахминий маълумотларга асосланади ва бу натижаларга таъсир қилади.

Ажралиш нуқтасида қийматни баҳолаш методи. Агар қўшма маҳсулот ажралиш нуқтасида бозор қийматига эга бўлмаса бухгалтерлар бозор қийматини баҳолашлари шарт бўлади. Ажралиш нуқтасида баҳоланган бозор қиймати бу маҳсулотнинг бозор қийматидан ажралиш нуқтасидан кейинги таннархни айириш орқали топилади. Бизнинг мисолимизда Fairington компанияси бўйича ажралиш нуқтасида баҳоланган бозор қиймати тенг бўлади:

Маҳсулотлар	***Бозор қиймати***	***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***	***Ажралиш нуқтасида баҳоланган бозор қиймати***

Z-800	40,000 п.б.	5,000 п.б.	35,000 п.б.
Z-900	45,000	15,000	30,000
XZ-880	50,000	-	50,000
XZ-990	65,000	30,000	35,000
Жами	***200,000 п.б.***	***50,000 п.б.***	***150,000 п.б.***

Энди, ҳар бир маҳсулотнинг ажралиш нуқтасидаги баҳоланган бозор қиймати суммасининг умумий суммадаги ҳиссасини аниқлаймиз ва натижаларини қуйидагича расмийлаштирамиз:

Маҳсулотлар	***Ажралиш нуқтасида баҳоланган бозор қиймати ****	***Жами қўшма таннарх =***	***Тақсимланган қўшма таннарх***
Z-800	*35,000 п.б./ 150,000 п.б.*	***90,000 п.б.***	***21,000 п.б.***
Z-900	*30,000 /150,000*	***90,000***	***18,000***
XZ-880	*50,000 / 150,000*	***90,000***	***30,000***
XZ-990	*35,000 / 150,000*	***90,000***	***21,000***
Жами тақсимланган қўшма таннарх			***90,000 п.б.***

Натижавий жадвални расмийлаштириш учун барча маълумотлар тайёр бўлди. Юқоридаги амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларини 9.7-жадвалда расмийлаштирамиз:

Farington Industrial Products
Ажралиш Нуқтасида Баҳоланган Бозор Қиймати Методи бўйича Маҳсулот Таннархи

9.7 -жадвал

Маҳсулот	***Қўшма таннарх***		***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***		***Жами маҳсулот таннархи***	
	Жами	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***	***Жами***	***Бирликка***
Z-800	21,000 п.б.	5.25 п.б.	5,000 п.б.	1.25 п.б.	26,000 п.б.	6.50 п.б.
Z-900	18,000	6.00	15,000	5.00	33,000	11.00
XZ-880	30,000	15.00	-	-	30,000	15.00
XZ-990	21,000	21.00	30,000	30.00	51,000	51.00
Жами	***90,000 п.б.***		***50,000 п.б.***		***140,000 п.б.***	

Бу усул ҳам юқоридаги усул каби нисбатан аниқроқ маълумотларни берсада, лекин маҳсулотларнинг бозор қийматини белгилашда қийинчиликлар юзага келиш мумкин.

Компания бухгалтерияси аниқ вазиятдан келиб чиқиб у ёки бу усулни танлашини белгилаб олиши керак бўлади. Қанчалик вазият тўғри ҳисобга олинса юқоридаги усуллар аниқроқ маълумотларни беради ва компания менеджменти қўшма маҳсулотлар таннархи тўғрисида объектив ахборотларга эга бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қўшма маҳсулот ва иккиламчи маҳсулот ҳамда чиқинди маҳсулот ўртасидаги фарқлар уларнинг қиймати билан белгиланилади. Иккиламчи маҳсулот қўшма ёки асосий маҳсулотга нисбатан кичик қийматга эга бўлади. Иккиламчи маҳсулотни чиқинди маҳсулотлардан фарқ қилиш талаб этилади. Иккиламчи маҳсулот чиқинди маҳсулотга нисбатан истеъмол қиймати баландроқ бўлади ва натижада унинг қиймати ҳам юксакроқ бўлади. Бошқа бир катта фарқи иккиламчи маҳсулот асосий маҳсулотдан ажралгандан сўнг яна қайта ишланиши мумкин, қайсики бу қўшимча материал, меҳнат ва устама харажатларни сарфлашни зарурият қилиб қўяди. Чиқинди маҳсулотлар эса қайта ишланмайди.

Иккиламчи маҳсулотнинг сотишдан олинган даромадларни иккита кўрсаткичга ажратиш мумкин: 1) Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган ялпи даромад. Бу кўрсаткич иккиламчи маҳсулотни сотишдан тушган ялпи тушум билан белгиланади; 2) Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф даромад. Бу кўрсаткич иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган ялпи даромаддан ажралиш нуқтасидан кейин қайта ишлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни чегириш орқали топилади.

Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф даромад қўшма маҳсулотнинг сотиш таннархи ёки ажралиш нуқтасигача амалга оширилган қўшма таннархнинг камайишига олиб борилади.

Иккиламчи маҳсулотни ҳисобга олишнинг иккита усули амал қилади:

1) Иккиламчи маҳсулот сотишдан олинган соф даромадни қўшма маҳсулотнинг сотиш таннархининг камайишига олиб бориши усули;
2) Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф дароадни ажралиш нуқтасигача амалга оширилган қўшма таннархнинг камайишига олиб бориш усули.

Ушбу усулларнинг қўлланилишини амалий мисолларда кўриб ўтайлик. Масалан, ишлаб чиқариш жараёни натижасида асосий маҳсулот ва иккиламчи маҳсулот олинади. Январ ойи давомида 1,000 бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича шаклланди:

Тўғридан-тўғри материал	23,000 п.б.
Тўғридан-тўғри меҳнат	17,000
Устама ишлаб чиқариш	15,000
Жами маҳсулот таннархи	***55,000 п.б.***

У ҳолда маҳсулот бирлиги 55.00 п.б.ни ташкил этади (55,000 п.б. / 1,000 бирлик). 1,000 бирлик қўшма маҳсулотдан 800 бирлиги 100 п.б.дан сотилди. Ой мабойнида асосий қўшма маҳсулотдан ташқари 750 фунд иккиламчи маҳсулот ҳам олинди, қайсики унга 850 п.б. қўшимча харажатлардан иборат ишлов берилди. Ой давомида 750 фунд иккиламчи маҳсулотдан фақат 500 фунди 4.20 п.б. сотилди .

Ушбу маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаймиз:

1) Бир бирлик иккиламчи маҳсулотга тўғри келадиган қўшимча ишлаш харажатлари:

850 п.б. / 750 бирлик = 1.13 п.б. / бирлик

2) Иккиламчи маҳсулотни тўлиқ сотишдан олинадиган мўлжалдаги соф даромад:

750 (4.20 – 1.13) = 2303 п.б.

2) Иккиламчи маҳсулотни ҳисобот ойида ҳақиқий сотишдан олинган соф даромад:

500 (4.20 – 1.13) = 1535 п.б.

Юқорида қайд қилинган усуллар ёрдамида иккиламчи маҳсулотни ҳисобга олиш тартиби билан танишиб чиқайлик.

Иккиламчи маҳсулот сотишдан олинган соф даромадни қўшма маҳсулотнинг сотиш таннархининг камайишига олиб бориши усули. Ушбу усул асосида юқоридаги ҳисоб китоб маълумотлари асосида тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Кўрсаткичлар	***Сумма***
Сотиш ҳажми (800 бирлик)	800 бирлик * 100 п.б. = 80,000 п.б.
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	(800 бирлик * 55 п.б.) - 1535 = 42,465 п.б.
Ялпи фойда	***37,535 п.б.***

Бу усулда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларини бухгалтерия счетларида акс эттириш тартибини кўриб чиқайлик:

Иккиламчи маҳсулотни қўшимча қайта ишлаш жараёни билан боғлиқ амалга оширилган харажатларига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни 850
Материаллар 300
Меҳнат ҳақи 320
Тақсимланган ишлаб чиқариш устама 230

Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган ялпи даромад суммасига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Олинадиган счетлар ёки пул маблағлари счетлари 2,100
Иккиламчи маҳсулот заҳираси счети 2,100

Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф даромад суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни 1,250
Маҳсулотларнинг сотиш таннархи 1.250

Иккиламчи маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнидан қабул қилинганда қуйидагича ёзув берилади:

Иккиламчи маҳсулот заҳираси счети 2,100
Иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни 2.100

Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф даромадни ажралиш нуқтасигача амалга оширилган қўшма таннархнинг камайишига олиб бориш усули. Бу усул номидан кўриниб турибдики, иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинадиган тўлиқ соф даромад қўшма таннархнинг камайишига олиб борилади. Юқоридаги мисолда қўшма таннарх 55,000 п.б.га тенг. Иккиламчи маҳсулотни тўлиқ сотишдан олинадиган мўлжалдаги соф даромад 2,303 п.б.га тенг.

Натижада, ушбу соф даромад суммасига камайтирилгандан кейинги қўшма таннарх суммаси

55,000 - 2,303 = 52,697 п.б.

Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган қўшма таннарх суммаси тенг бўлади

52,697 п.б. / 1,000 бирлик = 52,70 п.б.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот:

Кўрсаткичлар	***Сумма***
Сотиш ҳажми (800 бирлик)	800 бирлик * 100 п.б. = 80,000 п.б.
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	(800 бирлик * 52.70 п.б.) = 42,160 п.б.
Ялпи фойда	***37,840 п.б.***

Ушбу усулда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларини бухгалтерия счётларида акс эттириш тартибини кўриб чиқайлик.
Иккиламчи маҳсулотни қўшимча қайта ишлаш жараёни билан боғлиқ амалга оширилган харажатларига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни 850
Материаллар 300
Меҳнат ҳақи 320
Тақсимланган ишлаб чиқариш устама 230

Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган ялпи даромад суммасига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Олинадиган счетлар ёки пул маблағлари счетлари 2,100
Иккиламчи маҳсулот заҳираси счети 2,100

Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф даромад суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни 1,250
Ишлаб чиқариш жараёни 1.250

Иккиламчи маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнидан қабул қилинганда қуйидагича ёзув берилади:

Иккиламчи маҳсулот заҳираси счети 2,100
Иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни 2.100

Айрим проводкалари биринчи усулдагисидан фарқ қилмайди. Асосий фарқ шундан иборатки, иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф даромад биринчи усулда сотилган маҳсулотларнинг таннархининг камайишига олиб борилган бўлса, иккинчи усулда эса ишлаб чиқариш жараёни счетининг камайишига олиб борилган. Проводкалардан кўриниб турибдики, иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни алоҳида счетда юритиш кўзда тутилган, қайсики бу счет ажралиш нуқтасидан кейин иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш учун амалга оширилган харажатлар ҳамда иккиламчи маҳсулотни сотишдан олинган соф даромад суммасига дебетланиб иккиламчи маҳсулотнинг қиймати шаклланган ва счетни кредитлаш орқали иккиламчи маҳсулотлар заҳираси счетига ўтказилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, таъкидлаш жоизки қўшма ишлаб чиқариш жараёнида муҳим масала уларнинг қийматини аниқлаш ҳисобланади. Амалдаги қийматни аниқлаш усуллари маълум қўлайликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд эканки,

қайсики бу функционал қиймат усулларини ишлаб чиқишни ва жорий қилишни тақоза қилади.

10-Модул. ХАРАЖАТЛАРНИ ТЎЛИҚ ТАҚСИМЛАБ ВА ЎЗГАРУВЧАН ХАРАЖАТЛАР БЎЙИЧА ТАННАРХНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛИ. МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АТАНДАРТ УСУЛИ.

10.1. Харажатларни тўлиқ тақсимлаб (***Absorption costing)*** ва ўзгарувчан харажатлар (***Variable costing)*** бўйича таннархни калькуляция қилиш усули.

10.2. Харажатларни тўлиқ тақсимлаб (***Absorption costing)*** ва ўзгарувчан харажатлар (***Variable costing)*** бўйича таннархни калькуляциялашнинг фойда миқдорига таъсири. Харажатларни тўлиқ тақсимлаб (***Absorption costing)*** ва ўзгарувчан харажатлар (***Variable costing)*** бўйича таннархни калькуляция қилишни қувватловчи далиллар.

10.1-маъруза. Харажатларни тўлиқ тақсимлаб (*Absorption costing)* ва ўзгарувчан харажатлар (*Variable costing)* бўйича таннархни калькуляция қилиш усули.

Контрибутция маржини бу даромад билан ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида намаён бўлади. Контрибутция маржини ҳисобидан доимий харажатлар қоплангандан сўнг эса фойда аниқланади. Ушбу мавзуда биз контрибутция ёндашуви ҳамда ***absorption costing*** тизимларини солиштириш асосида маълум хулосаларни қилишга ҳаракат қиламиз.

Маҳсулот таннархини аниқлаш ва ҳисоботини тузишда умумқабул қилинган усулларидан бири бу Absorption costing ёки харажатларни тўлиқ тақсимлаш тизимидир.

Absorption costing орқали таннарх калькуляцияси деб, барча ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олган, яъни доимий устама ишлаб чиқариш харажатларни ҳам қамраб олган таннархни калькуляция қилиш тизимига айтилади. Бу тизимда маҳсулот таннархи – тўғридан-тўғри ва билвосита ҳамда доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўз ифодасини топади. Ялпи даромад эса бу реализация ҳажми билан тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.Ушбу тизим компаниялар томонидан ташқи молиявий ҳисоботлар учун маҳсулот таннархи тўғрисида маълумотларни тайёрлашда қўлланилади

Absorption costing дан фарқли ўлароқ таннархнинг *контрибутция ёндашувида* маҳсулот таннархига фақат ўзгарувчан харажатлар олиб борилади. Натижада контрибутция маржини (маржинал даромад), яъни даромад ҳажми билан барча ўзгарувчан харажатларнинг фарқи ҳисобланади. Контрибутция маржинидан доимий харажатлар чигирилгандан сўнг маҳсулотнинг аниқ сегменти бўйича корхона

фойдаси юзага келади. Маржинал даромад калькуляциянинг контрибутция ёндашуви тизимида қўлланилади. Бу тизим бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кўпроқ қулайлик туғдиради.
Absorption costing ҳамда контрибутция ёндашуви менеджерларни фойдали ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади. Лекин, ҳисоботнинг ҳар бир усули турли хилдаги ахборотларни таъмин этади. Тўлиқ тақсимлаш ёндашувида харажатлар анъанавий таснифга таяниб, харажатлар маҳсулот таннархи ва операцион харажатларга ажратилади. Тўлиқ тақсимлаш ёндашуви асосида тузилган молиявий ҳисобот бизнесмен ва инвесторларга харажатлар умумэътироф этилган, ҳаммага таниш бўлган харажатлар структурасида тақдим этилади. Бу эса унинг тушунарлилигини ва фойдалилигини таъмин этади. Бошқарув мақсадларида айрим турдаги қарорларни қабул қилишда контрибутция ёндашувида тақдим этилган ахборотлар тўлиқ тақсимлаш ёндашувига нисбатан фойдалироқ бўлади. Мисол учун, кейинги йилда маҳсулот сотиш ҳажми 20 %га қисқариши кутилмоқда, натижада 10,000 бирлик 8,000 бирликка тушади. Тўлиқ тақсимлаш тизимида жорий ҳисобот даври молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботига маҳсулот сотиш ҳажми қисқаришининг таъсирини кўриш қийин кечади. Бу тизимда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган маҳсулот таннархининг бир қисми тақсимланган доимий харажатлардан ташкил топади, қайсики бу харажатлар маҳсулот сотиш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмайди. Контрибутция тизимида маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилишда кўпроқ фойдалироқ бўлади, сабаби харажатлар ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратилган бўлади. Контрибутция ёндашувининг энг муҳим устунлиги менеджерларга ахборотларни тайёрлашда фаолият даражасининг ўзгариши натижасида фойдага таъсирини аниқлашда қўл келиши ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар молиявий натижа ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ахборотларни бутун бир бизнес бирликлари бўйича тақдим қилади. Лекин, кўпчилик бизнесменлар зарур кўрсаткичларни бизнес сегментлари, хусусан қисмлар, бўлимлар ва маҳсулот линиялари бўйича олишни мақсадга мувофиқ деб билишади.

Сегментал контрибуция ҳисоботларининг бир қанча турлари амал қилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Қисмлар (бўлимлар) бўйича контрибутция ҳисоботлари
2. Маҳсулот бўйича контрибутция ҳисоботлари
3. Сотиш регионлари бўйича контрибутция ҳисоботлари

Қисмлар (бўлимлар) бўйича контрибутция ҳисоботлари

контрибутция маржини компаниянинг ҳар бир бўлими бўйича аниқланади. Контрибутция маржини (маржинал даромад) бу даромадлар билан ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади.
Контрибутция маржини ҳар бир қисм бўйича маҳсулотларнинг

самарадорлиги баҳолашда ҳамда маркетинг стратегиясини белгилашда зарур ахборотлар билан таъминлайди. Қуйидаги 4.1-жадвалда 3 та ишлаб чиқариш қисмлари бўйича даромад ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

4.1-Жадвал

Корпорация бўйича 31 декабр билан якунланадиган молиявий йил учун қисмлар бўйича сотиш ҳажми ва Таннархи маълумотлари

	Қисмлар		
	Калкуляторлар	***Ёзув мебеллари***	***Ёзув машинкаси***
Сотиш бирлиги	26,000	4,000	10,000
Ўртача сотиш нархи	$50	$650	$320
Ўртача маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар:			
Ишлаб чиқариш	20	300	146
Маркетинг	3	50	32
Тақсимот	2	40	10
Маъмурият	2	10	12
Қисмлар бўйича тўғридан-тўғри олиб борилган доимий харажатлар:			
Ишлаб чиқариш	$280,00	$400,000	$390,000
Маркетинг	80,000	95,000	115,000
Тақсимот	50,000	110,000	95,000
Маъмурият	140,000	160,000	175,000
Махсус қисмларга идентификацияланмаган корпорация харажатлари			380,000

Ушбу жадвал маълумотлари асосида қисмлар контрибутция ҳисоботини тайёрлаш мумкин бўлади (4.2-Жадвал).

4.2-Жадвал

Қисмлар контрибутция ҳисоботи
31 декабр билан якунланадиган ҳисобот йили учун

	Қисмлар			
	Калкулятор	Ёзув мебели	Ёзув машинкаси	
Сотиш	$1,300,000	$2,600,000	$3,200,000	$7,100,000
Айирилади: Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари	520,000	1,200,000	1,460,000	3,180,000
Ишлаб чиқариш контрибутция маржини	***780,000***	***1,400,000***	***1,740,000***	***3,920,000***

Айирилади: Ўзгарувчан бошқа харажатлар				
Ўзгарувчан маркетинг	78,000	200,000	320,000	598,000
Ўзгарувчан тақсимот	52,000	160,000	100,000	321,000
Ўзгарувчан маъмурият	52,000	40,000	120,000	212,000
Жами	*182,000*	*400,000*	*540,000*	*1,122,000*
Контрибутция маржини	***598,000***	***1,000,000***	***1,200,000***	***2,798,000***
Айирилади: қисмлар доимий харажатлари:				
Доимий ишлаб чиқариш	280,000	400,000	390,000	1,070,000
Доимий маркетинг	80,000	95,000	115,000	290,000
Доимий тақсимот	50,000	110,000	95,000	255,000
Доимий маъмурият	140,000	160,000	175,000	475,000
Жами доимий харажатлар	*550,000*	*765,000*	*775,000*	*2,090,000*
Қисмлар контрибутцияси	***$48,000***	***$235,000***	***$425,000***	***$708,000***
Корпорация харажатлари				*380,000*
Соф даромад				***$328,000***

4.2-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, контрибутция кўрсаткичлари уч босқичда ҳисобланган:

1) Ишлаб чиқариш контрибутция маржини
2) Контрибутция маржини
3) Қисмлар контрибутцияси

Ишлаб чиқариш контрибутция маржини бу сотиш ҳажмидан ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларини айириш орқали топилади. Бу кўрсаткич менеджерларга ўзгарувчан маркетинг ва бошқарув харажатлари таъсирини ҳисобга олмаганда сотиш ҳажми ва унга боғлиқ бўлган ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги нисбатни баҳолаш имконини беради. Ҳисоботда ишлаб чиқариш ўзгарувчан харажатлардан ишлаб чиқариш бўлмаган ўзгарувчан харажатларнинг алоҳида ажратилиб кўрсатилиши менеджерларга қўшимча ахборот талаб қиладиган махсус ҳолатларни баҳолашда қўл келади. Ишлаб чиқаришга оид бўлмаган ўзгарувчан харажатларга маҳсулотларни сотиш ва тақсимлаш, жумладан сотиш комиссиони, юкларни ортиш тушириш харажатлари ва бошқа сотиш жараёни билан боғлиқ харажатлар киради. Ишлаб чиқариш контрибутцияси маржинидан ишлаб чиқаришга оид бўлмаган ўзгарувчан харажатларни чигириш натижасида ***контрибутция маржини*** кўрсаткичи келиб чиқади. Контрибутция маржинидан доимий харажатлар чигирилганда эса ***қисмлар контрибутцияси*** аниқланади. Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, энг кичик контрибутция 48,000 $ калкулятор қисмида бўлса, энг катта контрибутция 425,000 $ ёзув машиналари ишлаб чиқарадиган қисмга тўғри келаяпди. Абсолют рақамларни солиштириш ҳамма вақт ҳам

қисмларни самарали ишлаётганлиги тўғрисида асосли хулосаларни келтириб чиқариш учун етарли эмас. Шу боис, сотиш ҳажсига нисбатан контрибутция ҳажмини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида қуйидаги жадвални тузиш мумкин бўлади (4.3-жадвал):

4.3-Жадвал

	Қисмлар		
	Калкулятор	Ёзув мебели	Ёзув машинкаси
Қисмлар контрибутцияси	$48,000	$235,000	$425,000
Сотиш	$1,300,000	$2,600,000	$3,200,000
Сотиш ҳажмига контрибутция	$0.37	$0.9	$1.33

Жадвалдан кўриниб турибдики, сотиш ҳажмига нисбатан контрибутция ёзув машинкаси бўлимида катта рақамни ташкил этмоқда, бу эса ушбу бўлимнинг самаралироқ эканлигидан далолат беради. Ёзув машинкаси бўлими сотиш ҳажми контрибутцияси (1.33) калкулятор қисми сотиш ҳажми контрибутцияси (0.37) ўртасидаги фарқ $0.96 (1.33-0.37)га тенг. Нисбий кўринишида эса 3.6 баробар (1.33/0.37) кўп. Абсолют суммаларнинг нисбати эса 8.8 баробарни ($425,000/48,000$) ташкил этмоқда. Демак, ўртадаги фарқ нисбий кўрсаткичларда абсолют кўрсаткичларга нисбатан анча кичик экан.

Худди шу тартибда *маҳсулот бўйича контрибутция ҳисоботлари ва сотиш регионлари бўйича контрибутция ҳисоботлари тузилади*. Бунда, маҳсулот бўйича контрибутция ҳисоботлари тузилганда битта қисмдаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, масалан ёзув машиналари қисмида иккита маҳсулот электрик ёзув машинаси ва мануал ёзув машинаси маҳсулотлари бўйича контрибутция кўрсаткичлари аниқланади. Ҳудудлар бўйича, масалан ёзув машинаси жанубий ва шимолий регионларда ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва харажатларига оид кўрсаткичлар берилиб, контрибутция кўрсаткичлари ҳисобланади.

10.2-маъруза Харажатларни тўлиқ тақсимлаб (*Absorption costing)* ва ўзгарувчан харажатлар (*Variable costing)* бўйича таннархни калькуляция қилиш фойда миқдорига таъсири. Харажатларни тўлиқ тақсимлаб (*Absorption costing)* ва ўзгарувчан харажатлар (*Variable costing)* бўйича таннархни калькуляция қилишнинг қувватловчи далиллари.

Контрибутция ёндашувининг амалда қўлланилиши маҳсулот таннархини калкуляция қилишнинг Variable Costing тизимида намаён бўлади.

Variable Costing (ёки айрим адабиётларда Direct Costing) бу маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзгарувчан харажатларга асосланади. Ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларга тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи ва устама ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгарувчан қисми киритилади. Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси ҳисоблашда фақат ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатлари олинади, яъни доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинмайди. Бизга маълумки, айрим доимий устама иишлаб чиқариш харажатлари моддалари тўғридан-тўғри харажат сифатида эътироф этилади. Шу боис, ушбу тизимни *Direct Costing* деб аталиши унинг моҳиятини тўлароқ очмаслиги мумкин, чунки билвосита ўзгарувчан харажатлар маҳсулот таннархига қўшилади.

Адабиётларда Variable Costing билан Absorption Costing ўртасида иккита муҳим фарқ мавжудлиги эътироф этилган. Биринчи фарқ маҳсулот таннархига олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатлари таркиби билан изоҳланади. Иккинчи фарқ эса, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдаги ахборотларнинг туркуми билан белгиланади.

Маҳсулот таннархига олиб борилган харажатлар таркиби. Variable Costing ва Absorpsion Costing ўртасида бош масала харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқарилишига боғлиқ ҳолда уларнинг *заҳираланиши* белгиланади. Заҳираланиш деганда материалнинг ҳаракатига мувофиқ ҳолда харажатларнинг унга сингдирилишига айтилади, яъни ушбу харажатларни келгуси даврга ўтказиб бўлмайди. Ўзгарувчан харажатлар юз берган вақтнинг ўзида заҳираланади, яъни унинг кейинроқ юз бериши ҳолати амалга ошмайди. Мисол учун ишчилар ҳозирда стул йиғиш билан машғуллиги, уларнинг келгусида ҳам айни шу стулларни йиғиш билан машғул бўлишини инкор этади. Бошқа бир ҳолатда, масалан қуввати билан боғлиқ харажатлар, жумладан бино ва асбоб-ускуналарнинг амортизацияси харажатларидан келгусида ҳам юз беришидан қочиб бўлмайди. Шундай қилиб доимий харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ бўлмайди.

Absorption costing маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган барча харажатларни, жумладан тўғридан-тўғри ва билвосита, ўзгарувчан ва доимий харажатларни қамраб олади, муҳими ушбу харажатлар ишлаб чиқаришга оид бўлсин.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдаги ахборотларнинг туркуми. Variable Costing ва Absorption Costing тизимларида маҳсулот таннархига олиб бориладиган таннарх заррачалари турли бўлганлиги боис, ҳисоботда шаклланаётган ахборотлар ҳам турлича бўлади. Absorpsion Costing тизимида ҳисоботда таннарх ахборотлари функциялар (фаолиятлар) бўйича тақдим этади. Бу тизимда ялпи даромадни аниқлаш учун сотиш ҳажмидан ишлаб чиқариш функцияси харажатларини чигириш талаб этилади. Сотиш ва маъмурий функциялар харажатлари ялпи даромаддан чигирилиб операцион фойда

аниқланади. Соф фойдани аниқлаш учун эса операцион фойдадан бошқа функциялар харажатлари айирилади.

Variable Costing тизимида сотилган маҳсулотларнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари сотиш ҳажмидан чегириш орқали ишлаб чиқариш контрибутцияси аниқланади. Ушбу кўрсаткичдан ишлаб чиқариш бўлмаган ўзгарувчан харажатлар чегирилса контрибутция маржини топилади. Ҳисоб-китоблар сўнгида контрибутция маржинидан барча доимий харажатлар чигирилиб соф фойда топилади. Ушбу тизим ёрдамида тайёрланган ахборотлар орқали менеджерлар бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг фаолият активлик даражасига (ҳажм кўрсаткичларига) таъсирини аниқлайдилар.

Variable Costing ва Absorpsion Costing нинг қўлланилишини иллюстратив мисолларда (Mullett Manufacturing Company мисолида) кўриб ўтайлик. Компаниянинг 4 йиллик фаолиятига оид маҳсулот ишлаб чиқариши, сотиши ва таннархи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (4.4-Жадвал)

4.4-Жадвал

Mullett Manufacturing Company
4–йил мабойнида маҳсулот ҳажми, сотиш ва таннархи маълумотлари

	Йиллар			
	1	2	3	4
Сотиш ҳажми, бирликда	8,000	9,000	13,000	10,000
Маҳсулот, бирликда	10,000	12,000	10,000	8,000
Бошланғич қолдиқ, бирликда	0	2,000	5,000	2,000
Тўғридан-тўғри материал, бирликка	$ 6	$ 6	$ 6	$ 6
Тўғридан-тўғри меҳнат, бирликка нисбатан	3	3	3	3
Ўзгарувчан УИЧХ, бирликка нисбатан	2	2	2	2
Доимий УИЧХ, суммада	50,000	50,000	50,000	50,000
Ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар, бирликка нисбатан	3	3	3	3
Доимий сотиш ва ўзгарувчан харажатлар, суммада	30,000	30,000	30,000	30,000
Сотиш нархи, бирликка нисбатан	25	25	25	25

Ушбу маълумотлар асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун Variable Costing ва Absorption Costing учун маҳсулот бирлигининг таннархи ҳисобланади. Даставвал, маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлаб оламиз (4.5-Жадвал).

4.5-Жадвалда қайд қилинганидек Variable Costing тизимида маҳсулот бирлиги таннархи тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ва ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатларидан (УИЧХ) ташкил топган. Бу рақам ҳар бир йил учун $11 га тенг бўлаяпди.

Absorption Costingда маҳсулот бирлиги таннархи ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархига маҳсулотга тақсимланадиган доимий устама ишлаб чиқариш харажатларини қўшиш орқали аниқланади. Ҳар бир маҳсулот бирлигига тақсимланаётган Доимий УИЧХ суммаси УИЧХ тақсимлаш ставкаси, қайсики устама ишлаб чиқариш харажатларининг бюджетлаштирилган суммасини нормал қувватда (capacity) ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига бўлиш орқали аниқланган кўрсаткич ёрдамида аниқланади. Компанияда бюджетлаштирилган доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳар йил учун $50,000ни ташкил этади.

4.5-Жадвал

Mullett Manufacturing Company
Маҳсулот бирлиги таннархи (4 йил мабойнида)

	Йиллар			
	1	2	3	4
Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлар, бирликка:				
Тўғридан-тўғри материаллар	$ 6	$ 6	$ 6	$ 6
Тўғридан-тўғри меҳнат	3	3	3	3
Ўзгарувчан УИЧХ	2	2	2	2
Variable Costing да қўлланиладиган маҳсулот бирлиги таннархи	11	11	11	11
Қўшилади: Доимий УИЧХ, бирликка нисбатан	5	5	5	5
Absorption Costing да қўлланиладиган маҳсулот бирлиги таннархи	$ 16	$ 16	$ 16	$ 16

Компаниянинг нормал капастаси 10,000 бирлик. У ҳолда ҳар бир маҳсулотга тақсимланаётган доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари $5га тенг бўлади ($50,000/10,000). Мисолда $11га тенг бўлган ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархига $5 доимий УИЧХни қўшсак жами $16 absorpsion costing учун маҳсулот таннархини аниқлаймиз. Ушбу маълумотлар асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузамиз.

Absorption Costingда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Юқоридаги 4.4-Жадвал ва 4.5-Жадвал маълумотлари асосида Absorpsion Costing да молиявий натижалра тўғрисидаги ҳисоботни тузамиз (4.6-Жадвал)

4.6-Жадвал

Mullett Manufacturing Company
(4 йил мабойнида)

Absorption Costingда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот

	Йиллар

	1	*2*	*3*	*4*
Сотиш	$200,000	$225,000	$325,000	$250,000
Сотилган товарлар таннархи	128,000	144,000	208,000	160,000
Ялпи даромад (маржин)	72,000	81,000	117,000	90,000
Ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар	24,000	27,000	39,000	30,000
Доимий сотиш ва маъмурий харажатлар	30,000	30,000	30,000	30,000
Кам (Ортиқча) тақсимланган устама харажатлар (тўғирлашлари) корректировкаси		(10,000)		10,000
Жами операцион харажатлар	54,000	47,000	69,000	70,000
Соф даромад	$18,000	$34,000	$48,000	$20,000

Ушбу жадвал кўрсаткичларига тавсиф берадиган бўлсак, сотиш ҳажми сотиш бирлигини сотиш нархига ($25) кўпайтириш орқали топилади. Масалан, биринчи йил учун сотиш ҳажми $200,000 (8000 * 25)га тенг. Сотилган товарлар таннархи сотиш бирлигини absorpsion costingдаги маҳсулот бирлиги таннархига ($16) кўпайтириш орқали топилади. Масалан, биринчи йил учун сотилган товарлар таннархи $128,000 (8000 * 16) ни ташкил этади. Соф даромадни аниқлаш учун сотиш ва маъмурий харажатларни ялпи даромад (маржин)дан чигириш талаб этилади. Бу харажатлар ҳам икки гуруҳга ажратилади. Биринчиси, ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар, қайсики сотиш ҳажмини маҳсулот бирилигига тўғри келадиган сотиш ва маъмурий харажатларга кўпайтириш орқали аниқланади. Масалан, 1-йил учун ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар $24,000 (3 *8000)га тенг. Иккинчиси, доимий сотиш ва маъмурий харажатлар бўлиб, бу кўрсаткич ўзгармас бўлганлиги боис барча йиллар учун 30,000 п.б. га тенг.

4.4-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, компания 1 ва 3-йилларда нормал капастада ишлаб 10,000 бирликдан маҳсулот ишлаб чиққан. Демак, ушбу йилларда *Кам тақсимланган ёки Ортиқча тақсимланган доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари* бўлмайди. Бироқ 2-йилда 12,000 бирлик маҳсулот, нормал капастадан 2,000 бирлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилган. 4.5-Жадвалдан маълумки, маҳсулот таннархига олиб бориладиган маҳсулот бирлигига нисбатан доимий УИЧХ $5га тенг. Демак, тўғирлаш киритиладиган, яъни ортиқча тақсимланган доимий устама харажатлари суммаси $10,000 (5 * 2,000)га тенг бўлади. Буни бошқача тушунтирадиган бўлсак, агар 12,000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, у ҳолда товарлар таннархига $60,000 п.б. доимий УИЧХлари киритилган. Лекин, аслида доимий УИЧХ $50,000 п.б. га тенг. Бизга маълумки, доимий харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз беради. Демак у $50,000 дан ошмаслиги талаб этилади. У ҳолда ўртадаги фарқ $10,000 (60,000-50,000) ни ташкил этади ва бу

тўғирлашлар киритишни талаб этади. Шу боис, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида қаторда жами операцион харажатлар аниқлангунга қадар кам ёки ортиқча тақсимланган УИЧХ кўрсаткичи киритилиши талаб этилади. 4-йилда эса бошқача ҳолатни кузатиш мумкин, яъни 8,000 бирлик ишлаб чиқарилган бўлиб, нормал капастага нисбатан 2,000 бирлик кам ишлаб чиқарилган. Бундай ҳолда, маҳсулот таннархига доимий УИЧХ га $40,000 киритилган, ҳақиқатда ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолди $50,000 доимий УИЧХлари юз берган. Демак, маҳсулот таннархига $10,000 (50,000-40,000) қўшимча киритилиши талаб этилади. Шу боис, бу сумма қўшилган. Ушбу ҳисоб-китоблар бажарилгандан сўнг, ялпи даромаддан жами операцион харажатлар чегирилиб соф даромад аниқланади. Масалан, биринчи йил учун ушбу кўрсаткич $18,000 (72,000 – 54,000)га тенг. Бошқа йиллар учун ҳам шу тартибда якуний молиявий натижалар аниқланади.

Variable Costingда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот . Юқоридаги жадвал маълумотлари бўйича Variable Costingда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузамиз (4.7-Жадвал).

4.7-Жадвал

Mullett Manufacturing Company
(4 йил мабойнида)

Variable Costing **молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот**

	Йиллар			
	1	***2***	***3***	***4***
Сотиш	$200,000	$225,000	$325,000	$250,000
Сотилган маҳсулотларнинг ўзгарувчан таннархи	88,000	99,000	143,000	110,000
Ишлаб чиқариш контрибутция маржини	112,000	126,000	182,000	140,000
Ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар	24,000	27,000	39,000	30,000
Контрибутция маржини	88,000	99,000	143,000	110,000
Доимий УИЧХ	50,000	50,000	50,000	50,000
Доимий сотиш ва маъмурий харажатлар	30,000	30,000	30,000	30,000
Жами доимий харажатлар	80,000	80,000	80,000	80,000
Соф даромад	$8,000	$19,000	$63,000	$30,000

Ушбу жадвалга аниқликлар ва хулосалар қилинадиган бўлса, absorption costing ва variable costing бўйича аниқланган соф даромад турлича натижаларда изоҳланаяпди.

Variable costingда биринчи босқичида ишлаб ***чиқариш контрибутцияси маржини*** даромадлардан сотилган маҳсулотларнинг ўзгарувчан таннархини айириш орқали топилмоқда. Масалан, 1-йил учун бу кўрсаткич $112,000 (200,000 – 88,000)ни ташкил этади. Бошқача таҳлил қиладиган бўлсак, яъни ҳисоб-китобларни маҳсулот бирлигига нисбатан амалга оширсак ҳам шу натижаларга келамиз. Мисолда, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар $11га тенг, маҳсулот бирлигини сотиш нархи $25ни ташкил этади. У ҳолда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ишлаб чиқариш контрибутция маржини 14$ га тенг (25-11). Умумий суммада 1-йил учун ишлаб чиқариш контрибутция маржини $112,000 (14 бирлик ишлаб чиқариш контрибутция маржини * 8,000 сотиш бирлик)га тенг бўлмоқда. Энг муҳим эсда тутиш керак бўлган ҳолат шундан иборатки, Variable Costingда ҳам ва Absorption Costingда ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишда маҳсулот бирлиги сифатида албатта ***сотилган маҳсулотларнинг бирлиги*** олинади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бирлиги эмас.

Бошқа ўзгарувчан харажатлар, бизнинг мисолимизда ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар ишлаб чиқариш контрибутция маржинидан чегирилади ва натижада ***контрибутция маржини*** кўрсаткичи аниқланади. Бизнинг мисолимизда 1-йил учун контрибутция маржини $88,000 (112,000-24,000)га тенг. Маҳсулот бирлигига нисбатан ҳисоб-китобларни амалга оширадиган бўлсак, бизнинг мисолда жами маҳсулот бирлиги ўзгарувчан харажатлари $14 (11 ўзгарувчан маҳсулот таннархи + 3 ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар)га тенг. Маҳсулот бирлиги контрибутция маржини $11 га тенг (25 маҳсулот бирлиги сотиш нархи - 14$ маҳсулот бирлиги ўзгарувчан харажатлар). $11 ни сотилган маҳсулот бирлиги 8,000 га кўпайтириб, 1-йил учун контрибутқия маржини $88,000 эканлигини аниқлаймиз.

Ҳисоб-китобларнинг кейинги босқичида контрибутция маржинидан барча доимий харажатлар айирилиб ***соф даромад*** аниқланади. Доимий харажатлар сотиш ва маъмурий харажатлар ҳамда доимий устама ишлаб чиқариш харажатларидан ташкил топади. Шундай қилиб, variable costingда доимий устама харажатлари маҳсулот таннархининг таркибий қисмига айланмасдан, балки қайси даврда юз берган бўлса ишлаб чиқариш бўлмаган харажатлар каби шу даврнинг харажатлари сифатида тан олинади.

Absorption costing ва variable costing тизимларини солиштириш. Юқоридаги ҳисоб-китоблар натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, 4 йил давомида икки турдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда соф даромадлар турлича суммаларни ташкил этмоқда. Масалан, 1-йилда absorpsion costing $18,000 бўлса, variable

costingда $8,000 га тенг. Худди шунингдек натижалар бошқа йилларда ҳам фарқ қилади. Натижалардаги асосий фарқ уларда қўлланилаётган усуллардан келиб чиқади: absorpsion costingда доимий устама харажатлари маҳсулот таннархига қўшилади; variable costingда эса доимий устама харажатлар давр харажатларига олиб борилади.

Absorption costingда доимий устама харажатлар ишлаб чиқариш жараёни давомида маҳсулотга таҳсимланиб боради ва маҳсулот таннархининг таркибий қисмига айланади. Маҳсулот таннархи маҳсулот сотилгандан кейин харажатларга айланади. Айрим бирликлар сотилмасдан қолади, бундай ҳолларда доимий устама харажатларни ҳам ўз ичига олган маҳсулот таннархи давр учун охирги заҳиралар қолдиғига ҳам тақсимланади.

Variable costingда барча доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари қайси даврда юз берган бўлса шу давр харажатлари бўлганлиги боис, қанча маҳсулот бирлиги сотилишидан қатъий назар охирги заҳиралар қолдиғига тақсимланмайди. Бошқача қилиб тушунтирганда absorpsion costingда доимий устама харажатларининг бир қисми актив сифатида шаклланади, variable costingда тўлиқ харажат сифатида тан олиниб даромаддан қопланилади.

Absorption costing ва Variable Costingда заҳиралар таннархи концепциясини амал қилинишини бошланғич ва охирги заҳиралар мисолида кўриб ўтайлик (4.8-4.9-Жадваллар).

4.8-4.9-Жадваллар

Mullett Manufacturing Company
(4 йил мабойнида)
Absorption Costing Variable Costing асосида Бошланғич ва Охирги заҳиралар Жадвали

Absorption Costing

	Йиллар			
	1	***2***	***3***	***4***
Бошланғич заҳиралар:				
Бирликлар сони	0	2,000	5,000	2,000
Бирлик таннархи	-	$16	$16	$16
Жами таннархи		$32,000	$80,000	$32,000
Охирги заҳиралар:				
Бирликлар сони	2,000	5,000	2,000	0
Бирлик таннархи	$ 16	$ 16	$ 16	-
Жами таннархи	$32,000	$80,000	$32,000	-

Variable Costing

	Йиллар			
	1	***2***	***3***	***4***
Бошланғич заҳиралар:				
Бирликлар сони	0	2,000	5,000	2,000

Бирлик таннархи	-	$11	$11	$11
Жами таннархи	-	$22,000	$55,000	$22,000
Охирги заҳиралар:				
Бирликлар сони	2,000	5,000	2,000	0
Бирлик таннархи	$ 11	$ 11	$ 11	-
Жами таннархи	$22,000	$55,000	$22,000	-

Жадвал маълумотларига эътиборни қаратадиган бўлсак, иккита методда ҳам бошланғич ва охирги қолдиқларнинг миқдори бир хил. Демак, бухгалтернинг у ёки бу методни танлаши заҳираларнинг миқдорий ҳаракатига таъсир қилмайди. Лекин, absorption costingда маҳсулот бирлигининг таннархи variable costingга нисбатан $5 (16-11)га юксак, чунки бу тизимда таннарх доимий устама ишлаб чиқариш харажатларини ҳам олган. Маҳсулот таннархининг бошқа компонентлари иккита методда ҳам бир хил.

Иккита методдаги соф даромадлар ўртасидаги фарқларни тушуниш учун таннарх шаклланиши ва маҳсулот сотилгунга қадар заҳиралар ҳаракатини кузатиш керак бўлади. Absorption Costingда доимий устама харажатлар охирги заҳиралар таннархининг таркибий қисмига киради. Доимий УИЧХ ўз ичига олган заҳиралар таннархи кейинги даврларда, қачонки маҳсулот сотилса ҳисобдан чиқарилади. Variable costingда эса доимий УИЧХ қайси даврда юзага келган бўлса шу даврда ҳисобдан чиқарилади. Доимий УИЧХ маҳсулотга тақсимланмаганлиги боис, доимий устама харажатлар охирги заҳираларда ҳам ўз аксини топмайди. Шу сабабли, variable costingда доимий УИЧХ бошланғичдан охирги заҳиралар шакллангунга қадар даврда заҳиралар таннархида амал қилмайди, яъни бир даврдан бошқа даврга заҳиралар орқали ўтмайди. Absorption costingда эса доимий УИЧХ бир даврдан бошқа ҳисобот даврига заҳиралар орқали ўтади. Иккита методда заҳиралар баҳоланишидаги фарқ молиявий натижаларда соф даромад ўртасидаги фарқнинг юзага келишига сабаб бўлади. Қуйидаги иллюстратив мисолда фарқнинг қандай натижаларда юзага келганлиги кўрсатилган (4.10-Жадвал).

4.10-Жадвал

Mullett Manufacturing Company
(4 йил мабойнида)
Бошланғич ва Охирги Заҳираларга киритилган Доимий Устама Харажатлари Жадвали

	Йиллар			
	1	***2***	***3***	***4***
Бошланғич заҳираларда давр ичига ўтказилган Доимий УИЧХ		2,000 бирлик	5,000 бирлик	2,000 бирлик @

		@ $5 = ***$10,000***	@ $5 = ***$25,000***	$5 = ***$10,000***
Охирги заҳиралар орқали даврдан ташқарига чиқарилган Доимий УИЧХ	2,000 бирлик @ $5 = ***$10,000***	5,000 бирлик @ $5 = ***$25,000***	2,000 бирлик @ $5 = ***$10,000***	..... ***0***
Соф даромаднинг Absorption Costingдаги сабаби (ортиқ ёки кам)	***$10,000*** *ортиқ*	***$15,000*** *ортиқ*	***$15,000*** *кам*	***$10,000*** кам

1-йилда бошланғич заҳиралар бўлмаган. Шу боис ушбу даврга бошланғич заҳиралар орқали доимий устама харажатлари ўтказилмаган. Биринчи йилнинг сўнгида охирги заҳиралар 2,000 бирликни ташкил этмоқда ва absorption costingда ҳар бир бирликка $5 доимий устама харажатлари тақсимланган. Absorption Costingда ҳисобот даври давомида доимий устама харажатлар маҳсулот бирлигига нисбатан $5, жами сотилган 8,000 бирликка ҳисобланганда эса $40,000ни ташкил этмоқда. Variable Costingда ҳисобдан чиқарилган доимий устама харажатлар $50,000 даражасида бўлган бўлган. Демак, бундай ҳолларда absorption costingда доимий устама харажатлар $10,000 га (50,000 – 40,000) кам ҳисобдан чиқарилган. Натижада бу ҳолат соф даромадларни 10,000 сўмга оширган.

2-йилда бошланғич заҳиралар орқали $10,000 доимий устама харажатлар ушбу даврга ўтказилмоқда, қайсики ушбу харажатлар маҳсулот сотилгандан кейин ҳисобдан чиқарилади. Агар йилнинг охирида охирги заҳиралар бўлмаганда эди соф даромад variable costingга нисбатан $10,000га кам бўлган бўлар эди. Аммо, ушбу йилнинг охирида 5,000 бирлик заҳира қолган, унинг қийматида доимий устама харажатлари $25,000ни ташкил этади (5,000 * 5). Натижада, йил бошида $10,000 доимий устама харажатлари шу даврга ўтказилган, бу ҳолат соф даромадни шу суммага камайишига олиб келган, лекин $25,000 доимий УИЧХ охирги заҳиралар орқали ушбу даврдан келгуси даврга ўтказилган. Бу эса соф даромадни Variable costingга нисбатан $25,000 га ошишига сабаб бўлган. Умумий натижада absorption costingда variable costingга нисбатан соф даромад $15,000 (25,000-10,000) ошишига олиб келган.

3-йилда бошқача ҳолат кузатилаяпди, яъни охирги заҳиралар бошланғич заҳираларга нисбатан кичик. Бошланғич заҳиралардаги $25,000 доимий устама харажатлар 3-йилда ҳисобдан чиқарилмоқда ва фақат $10,000 доимий УИЧХ охирги заҳиралар орқали даврдан ташқарига ўтказилмоқда. Натижада бу ҳолат соф даромаднинг absorption costingда variable costingга нисбатан $15,000 га кам бўлишига олиб келмоқда (25,000-10,000).

Охирги 4-йил учун ҳам шу таҳлилни ўтказадиган бўлсак, бунда йил сўнгида охирги заҳиралар мавжуд эмас. Бошланғич заҳиралар орқали ўтказилган доимий устама харажатлар $10,000ни ташкил этмоқда, қайсики бу соф даромадни шу суммага камайишига олиб келади. Охирги қолдиқ бўлмаганлиги боис, даврдан ташқарига доимий УИЧХлари ҳам ўтмайди. Натижада absorption costingда соф даромад $10,000 суммага кам бўлади.

4 йиллик ҳисоб-китоб натижаларини қуйидаги жадвалда умумлаштирамиз (4.11-Жадвал).

4.11-Жадвал

Absorption Costing ва Variable Costing соф даромадлари ўртасидаги фарқларнинг сабаблари

Йиллар	***Absorption Costing***	***Variable Costing***	***Фарқи***	***Охирги заҳиралар билан бошланғич заҳиралардаги доимий УИЧХ ўртасидаги фарқ***
1	2	3	4 (2-3)	5 (4.10-Жадвалдаги 3-қатор кўрсаткич)
1	$18,000	$8,000	$10,000	$10,000 ортиқ
2	34,000	19,000	15,000	15,000 ортиқ
3	48,000	63,000	-15,000	15,000 кам
4	20,000	30,000	-10,000	10,000 кам
Жами	***$120,000***	***$120,000***	***0***	***0***

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1-йилнинг бошида ва 4-йилнинг охирида заҳиралар қолдиғи бўлмаганлиги боис, заҳиралар орқали 1-йил бошида даврга ўтказилган ва 4-йил охирида даврдан ташқарига чиқарилган доимий устама харажатлар ҳам нолга тенг бўлади. Натижада, умумий тўрт йили ичида absorption costing ва variable costing тизимида ҳисобланган соф даромадлар ўртасида фарқ юзага келмайди.

Юқоридаги мисолда 4 йил маҳсулот нархи ва маҳсулот бирлиги таннархи бир хил бўлган ҳолларда кўриб чиқдик. Ҳар йили маҳсулот нархи ва маҳсулот бирлиги таннархи ўзгарган ҳолларда иккита методда ҳисобланган соф даромад кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар шу методик тартибда аниқланади.

Агар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда заҳиралар тўғрисидаги ахборотларни тўғридан-тўғри кўрсатиш имконияти бўлса absorption costing ва variable costing ни солиштириш имкониятлари кенгаяди.

Ушбу ҳолатни қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз (4.12-Жадвал).

Variable Costing ва Absorption Costing натижаларини солиштириш
Radius Company
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
Variable Costing

Кўрсаткичлар	1	2
Сотиш ҳажми: 1,000 бирлик @ $17.00		$17,000
Сотишга мўлжалланган товарларнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи: 1,100 бирлик @ $6.00	$6,600*	
Айирилади: охирги заҳиралар 100 бирлик @ $6.00	600	
Сотилган товарларнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи (6,600-600)	$6,000	
Қўшилади: Ўзгарувчан маркетинг ва маъмурий харажатлар	2,400	
Жами ўзгарувчан харажатлар (6,000+2,400)		8,400
Контрибутция маржини (17,000 – 8,400)		$ 8,600
Айирилади: Доимий харажатлар Доимий ишлаб чиқариш харажатлари Доимий маркетинг ва маъмурий харажатлар	$2,200 5,500	7,700
Операцион даромад (8,600-7,700)		$ 900
*	***Бирлик таннахи***	***Жами***
Тўғридан-тўғри материал	$ 3.00	$3,300
Тўғридан-тўғри меҳнат	2.00	2,200
Узгарувчан устама	1.00	1,100
Ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи	$6.00	$6,600

Absorption Costing

Кўрсаткичлар			
Сотиш			$17,000
Сотилган товарлар таннархи:			
	Бирлик таннархи	*Жами*	
Ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи 1,100 бирлик	$6.00	$6,600*	
Доимий ишлаб чиқариш таннархи	2.00	2,200	
Сотишга мўлжалланган товарларнинг таннархи	$8.00	$8,800	
Айирилади: Охирги заҳиралар	8.00	800	8,000

100 бирлик			
Ялпи маржин (даромад)			$ 9,000
Айирилади: Жами маркетинг ва маъмурий харажатлар ($2,400 иборат ўзгарувчан харажатлар ҳам)			7,900
Операцион даромад			***$1,100***

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, иккита усулда тузулган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромад $200 (1,100-900)га фарқ қилаяпди. Бу фарқ охирги заҳиралар ўртасидаги фарқдан келиб чиқади $200 (800-600). Absorption Costing да $2,200 доимий ишлаб чиқариш таннархининг ичидаги $200 сумма заҳираларда ўтиради. Variable Costingда эса бу сумма давр харажатларида ҳисобдан чиқарилади. Юқоридаги кўринишдаги жадвал иккита усулда тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда соф даромад ўртасидаги фарқларни заҳиралар қолдиғига боғлиқ ҳолда ўрганишга қўлай ҳисобланади.

Absorption Costing ва Variable Costing усулларида молиявий натижалар ўртасидаги фарқ аниқлашни формулалар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин бўлади:

1- ФОРМУЛА

Absorption Costingда операцион даромадлар – Variable Costingда операцион даромадлар = (Ишлаб чиқарилган бирлик – сотилган бирлик) * Бюджетлаштирилган доимий устама даражаси

*Мисол: $1,100-$900 = (1,100-1,000)*2= $200*

2 -ФОРМУЛА

Absorption Costingда операцион даромадлар – Variable Costingда операцион даромадлар = Заҳира бирликларининг кўпайиши (камайиши) * Бюджетлаштирилган доимий устама даражаси

*Мисол: $1,100-$900 = (100-0)*2 = $200*

Фарқларни аниқлаш менеджерларга ҳолатни баҳолаш, омиллар таъсирини ўрганишда ҳамда асосли қарорлар қабул қилишда қўл келади.

11-МОДУЛ. СМЕТА ТУЗИШ (БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ)

11.1. “Standard cost” ва фарқланишлар таҳлили

11.2. Асосий смета. Оператив бюджет, молиявий бюджет ва капитал сарфлар бюджети. Пул оқими фарази. (Пул маблағлари бюджети)

11.1-маъруза. “Standard cost” ва фарқланишлар таҳлили

Дасттавал бюджет билан стандарт ўртасидаги фарқни тушуниб олишга ҳаракат қилайлик. Эгилувчан Бюджет тизими (flaxible budgeting system) бу кенгроқ маънони англатиб бу фаолиятнинг кенг жабҳасини қамраб олиб, фаолиятга оид режаларни ифодалайди (фаоллик кўрсаткичлари, иқтисодий-техник кўрсаткичлар, харажатлар ва молиявий натижаларга оид кўрсаткичлар бир-бирига узвий боғлиқликда қаралади). Таъкидлаб ўтиш лозимки, ташкилотда эгилувчан бюджет тизимининг ўрнатилиши асосий таннарх элементлари бўлган тўғридан-тўғри материал ва тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи таннархи стандартларининг ривожланишига олиб келади. *Standard cost* бу асосан ягона бир бирлик учун ифодаланган кўрсаткич бўлиб у олдиндан аниқланадиган таннахр ҳисобланади. Ушбу олдиндан аниқланган таннарх эришиладиган даражада бўлиши керак. Standard cost бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун талаб этиладиган олдиндан аниқланган ресурслар қийматидир. *Standard cost* бу эгилувчан бюджет тизими ҳамда тескари алоқалар учун қурилиш блоки ҳисобланади. Стандартлар асосан ўрганилаётган жараён номолиявий атамаларда (вақт, ҳажм, килограмм ва бошқа бирликлар) ҳамда шу бир бирликларнинг таннархи кўринишида берилади. Ишлар бажарилиб бўлингандан сўнг ҳақиқий таннарх стандарт таннарх билан солиштирилиб юзага келувчи фарққа сабаб бўлувчи омиллар ва фаолиятлар ўрганилади. Бухгалтерия ҳисобининг моҳиятини ўрганганимизда тескари боғлиқлик ҳақида фикр юритилган эди. Унга мувофиқ ҳақиқий натижалар билан стандарт натижалар ўртасидаги юзага келган фарқлар ўрганилиб тегишли қарорлар, яъни фарқнинг юзага келишига сабаб бўлувчи камчиликларни баратараф этиш ёки стандартлар ҳамда бюджетларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

Стандарт таннарх ва бюджет таннарх ўртасида қандай фарқ мавжуд? Агарда стандартлар эришиладиган бўлса у ҳолда бюджет таннархидан концептуал фарқ қилмайди. *Standard cost* асосан ишлаб чиқарилиб тайёр ҳолга келтирилган ягона бир бирликка нисбатан белгиланса, *бюджет таннархи* эса умумий суммада белгиланади. Буни тўғридан-тўғри материал моддаси бўйича қуйидаги мисолда кўриш мумкин бўлади:

	Бир бирликка нисбатан бюджет	**Ҳажм кўрсаткичининг (Сотиш бирликлари) турли даражалари**		
Сотилган бирликлар	1	10.000	12.000	14.000
Тўғридан-тўғри материаллар	60 п.б.	600.000 п.б.	720.000 п.б.	840.000 п.б.

Ушбу мисолда тўғридан-тўғри материаллар моддаси бўйича Standard cost тайёр маҳсулот бирлигига 60 п.б. га тенг. Бюджет таннархи 10.000 бирликка нисбатан 600.000 п.б. ёки 12.000 бирликка нисбатан 720.000 п.б.да келтирилган. Демак, хулоса қилиш мумкинки, стандарт ягона маҳсулот бир бирлигига нисбатан берилган бюджетдан ташкил топади, бюджет эса умумий бирликка нисбатан таннархнинг умумий суммасини тавсифлайди. Адабиётларда ушбу атамлар фарқлансада амалиётда кўплаб компанияларда *бюджет бажарилишлари (budgeted performance)* ва *стандарт бажарилишлари (standard performance)* бир хил маънода ҳам қўлланилади.

Бошқа бир мисолда, масалан 1 Oak кофе столи ишлаб чиқаришда харажат моддалари бўйича қуйидаги Standard cost лар келтирилган.

Ресурслар	Миқдори	Ресурслар таннархи	Жами
Oak Lumber	12 bd ft	1.50 п.б. 1 bd ft учун	18.00 п.б.
Varnish	.25 gal	16.00 п.б. 1 gal учун	4.00
Тўғридан-тўғри меҳнат	2.5 соат	10.00 п.б. 1 соат учун	25.00
Устама ишлаб чиқариш харажатлари	2.5 соат	6.00 п.б. 1 соат учун	15.00
1 кофе столи ишлаб чиқариш учун Standard cost			***62.00 п.б.***

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики бир кофе соти ишлаб чиқаришнинг олдиндан белгиланган таннархи 62.00 п.б.га тенг экан. Бу маҳсулотнинг Standard cost и бўлади. Standard cost таннархнинг ҳар бир моддаси бўйича белгиланади. Масалан, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган стандарт устама ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин бўлади:

Стандарт УИЧХ = Жами бюджетлаштирилган УИЧХ / Ишлаб чиқаришнинг стандарт даражаси

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, харажат моддалари бўйича стандартларни белгилашда ушбу харажатларнинг бюджетлаштирилган суммалари асос қилиб олинади.

Демак, хулоса қиладиган бўлсак Standard cost бу ишлаб чиқарилган ягона бир бирликка нисбатан олидиндан белгиланган ва эришиладиган таннархи бўлиб у ёрдамида ҳақиқий таннарх меъёрдаги таннарх билан солиштирилиб назорат қилиб борилади. Назорат қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

1. Таннарх назорати (Cost control)
2. Баҳо (нарх)га оид қарорлар (Pricing decisions)
3. Бажарилишларни баҳолаш (Performance appraisal)
4. Таннархни тасаввур қилиш ва билиш (Cost awareness)
5. Вазифаларни бошқариш (Management by objective)

Таннарх назорати. Таннарх назорати таннархни минималлаштиришни англатмайди. Standard cost тизими таннарх назоратини ўрнатиш учун асосий қурилма ҳисобланади. Натижада, маълум вақт мисол учун ойлик, ҳафталик ёки ҳар кунлик ёки бошқа вақт оралиғида ҳақиқий эришилган таннарх натижалари стандарт таннарх билан солиштирилиб назорат қилиб борилади. Агарда фарқ юзага келса сабаби ўрганилади ва маълум қарор қабул қилинади. Тегишли қарорлар ва қўшимчалар киритилмаса жараён назоратдан чиқиб кетиши мумкин. Натижада харажатларни бошвариш мумкин бўлмай қолади. Шундай қилиб ҳақиқий таннарх стандарт доирасида ушлаб турилади. Бунга таннарх назорати орқали эришилади.

Баҳога оид қарорлар. Бизга маълумки маҳсулот таннархи унга сотиш нархини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Кўп ҳолларда компания нарх белгилаш бўйича назоратни қўлга олган бўлади, яъни ҳамма вақт ҳам нархни бозорнинг ўзи белгилайвермайди. Агарда маҳсулотга белгиланадиган нарх унинг таннархи асосида белгиланадиган бўлса Standard cost маълумотларига таянади, чунки ҳали ҳақиқий таннарх маълумотлари тайёр бўлмаслиги мумкин.

Бажарилишларни баҳолаш. Агар стандартлар бажарилишларни баҳолаш учун ўрнатилган бўлса, у ҳолда барча персоналларга иш жараёнларида фойдаланиш учун меъёр ва нормалар берилади. Улар асосида бажарилишлар баҳоланади. Масалан, Oak кофе столини тайёрлаш учун меъёр бўйича талаб қилинадиган меҳнат соатлари ишчилар меҳнатининг самарадорлигини баҳолашда фойдаланилади. Агар меҳнат меъёрида бўлса, демак ишчилар норматив самарадорликда ишлаяпди деган хулосаларга келиш мумкин. Меъёрдан кам ёки кўп меҳнат сарфланса, демак бунинг сабаблари ўрганилиб чиқилиши лозим бўлади. Standard cost тизими бажарилишларни баҳолайди, уларни нормативлар билан солиштиради. Юзага келган фарқларнинг сабаб ва омиллари ўрганилиб чиқилади.

Таннархни тассавур қилиш ва билиш. Айрим ходимлар бизнес фаолиятида таннарх тўғрисида кам маълумотга ва билимга эгадирлар. Стандартлар ходимларга таннарх тўғрисида маълумот беради. Ҳар бир бажараётган ишлари меъёр доирасида бўлишини таъминлайди. Бу эса охир натижа ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, маҳсулот сифатининг юксалиши, ортиқча чиқимларга йўл қўймасликка олиб келади. Ҳар бир компанияда таннарх тўғрисида ходимларга таълим ҳам бўлиши керак.

Ҳар бир таннарх элементи стандарларини ходимларга тушунтириб берилиши керак.

Вазифаларни бошқариш (Management by objective). Стандартлар орқали компаниялар ўзларининг олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Таннарх маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Демак, таннарх бўйича стандартларнинг жорий қилиниши ишлаб чиқаришга оид бўлган вазифаларнинг бажарилишин таъминлайди, яъни менеджерлар стандартлар орқали вазифаларни бошқариб боради. Бутун персонал қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳаракат қилиши лозим.

Стандартларнинг қуйидаги турлари амал қилади:

1. Идеал стандартлар
2. Асосий стандартлар
3. Жорий эришиладиган стандартлар

Идеал стандартлар. Маълум операцион шарт-шароитлар юзага келганда амалга ошириш мумкин бўлган стандарларга идеал стандартлар деб аталади. У эишилиши мумкин қачонки йўқотишлар, браклар ва асбоб-ускуналарнинг туриб қолишлари ва бошқа олдини олиш мумкин бўлган хатоликлар бўлмаган тақдирда. Бу стандартлар оптимал бажарилишларни баҳолашларда қўл келади.

Асосий стандартлар. Бу стандартлар узоқ муддатга тузилган стандартлар бўлиб, улар бажарилишлардаги тенденцияларни аниқлашга ёрдам беради. Асосий стнадартлар жорий стандартларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жорий эришиладиган стандартлар. Жорий стандартлар жорий фаолият давомида қўлланиладиган ишчи сандартлар ҳисобланади. Бунда стандартлар меҳнат соатларидан меъёр даражасида самарали фойдаланилган, асбоб-ускуналар нормал ишлаши таъминланган, ишда тўхтаб қолиш ҳолатлари меъёрдан ортиқ бўлмаган шароитида тузилади. Бу ҳолатларга чегирмалар берилади.

Standard cost тизими учта асосий фаолиятдан ташкил топади. Улар қуйидагилардан иборат: (1) стандартларнинг жорий этилиши; (2) ҳақиқий таннархнинг жамғарилиши; (3) фарқланишлар таҳлили

Дастлаб *стандартларни жорий қилиш* керак. Ҳар бир харажат моддаси бўйича стандартлар ишлаб чиқарилиши лозим. Бунинг учун компания Стандарт Тармоқлари Қўмитаси стандартларидан, илмий тадқиқот институтлари томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан ҳамда корхонанинг ўзининг амалиётида синовдан ўтган ва корхона учун маъқул бўлган таннарх стандартларидан фойдаланилади. Стандартлар ишлаб чиқилгандан кейин *ҳақиқий таннарх жамғарилиши* керак, қайсики улар стандарт таннарх билан солиштирилади. Ҳақиқий таннархни жамғариш учун буюртмали калкуляция ёки жараёнли калкуляция асосида юритилган бухгалтерия ёзувларидан олинади. Бизга маълумки таннарх бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳам

таннарх тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Standard cost нинг қўлланилиши ҳақиқий таннархнинг жамғарилишини инкор қилмайди. Стандарт таннарх тизими ҳисоботга киритилаётган таннарх тўғрисидаги маълумотларни аниқлашда йўл йўриқ кўрсатиб туради. Standard costда ҳақиқий таннарх билан стандарт таннарх ўртасидаги *фарқланишлар (variance)* аниқланиб таҳлил амалга оширилади. Фарқланишлар деганда ҳақиқий таннарх корреспонденциялашган стандарт таннарх ўртасидаги четланишларга айтилади. Чунки, ҳамма вақт ҳам ҳақиқий таннарх стандарт таннархга тенг бўлавермайди. Корхонага боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида стандартдан фарқланишлар юзага келади. Масалан, бешта Oak кофе столининг ҳақиқий таннархи 298 п.б.га тенг бўлди. Битта кофе столининг стандарт таннархи олдинги мисолларимизда 62.00 п.б.га тенг бўлган эди. У ҳолда 5 та столнинг стандарт таннархи 310 п.б. га (5 бирлик * 62.00 п.б. бир бирлик учун) тенг. У ҳолда ҳақиқий таннарх стандарт таннахрдан 12 п.б. га кам эканлигини аниқлаш мумкин (310 п.б.– 298 п.б.). Юзага келган ижобий фарқланиш ниманинг ҳисобига юзага келганлигини аниқлаш талаб этилади. Бу материалларнинг нархларининг кутилганидан камайиши ёки меҳнат таннархининг иқтисод қилинишига эришилиши ёки бошқа омиллар таъсирида юз бериши мумкин. Сабаб ва оқибатни аниқлаш фарқланишлар таҳлилини тақозо қилади.

Фарқланишлар таҳлили бу ҳақиқий таннархни стандарт таннархга солиштиришнинг систематик жараёни бўлиб, унда фарқланишлар идентификацияланади, фарқларнинг сабаб ва оқибати интерпритацияланади. Агар ҳақиқий таннарх стандарт таннархдан катта бўлса ***нохуш фарқ*** юзага келади. Агарда ҳақиқий таннарх стандарт таннархдан кичик бўлса ***хуш фарқ*** ҳисоботга киритилади.

Фарқланишлар таҳлили иккита саволга жавоб беради:

1. Ҳақиқий таннарх билан стандарт таннарх ўртасида қандай фарқ бор?

2. Фарқ ниманинг ҳисобига юзага келди?

Биринчи саволга жавоб топиш учун фарқларни ҳисоб-китоб қилиб чиқиш етарли бўлади. Иккинчи савол муҳим ҳисобланади, чунки бунда фарқларнинг сабаблари, ушбу сабаблар билан боғлиқ муаммоларга ечимлар топишга қаратилган. Иккинчи саволга жавоб бериш анча мураккаб ҳисобланади, чунки омилларнинг таъсири комплекс бўлади. Масалан, юқоридаги мисолимизда 12 п.б. ижобий фарқ чиқди. Бу қуйидаги омиллар таъсирида юзага келган. 50 п.б. ижобий фарқ Oak lumber ни харид қилинишида ҳақиқий нархнинг стандарт нархга нисбатан пасайиши ҳамда 38 п.б. салбий фарқ меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилмаслик натижасида юзага келган. Умумий фарқ ижобий бўлаяпди ва 12 п.б.ни ташкил этмоқда (50 п.б. –

38 п.б.). 38 п.б. да меҳнат бўйича нохуш фарқлар қуйидаги сабаблар натижасида келиб чиқиши мумкин.

1. Харид бўйича агенти иккита сортдаги (сифптдаги) Oak Lumber материали сотиб олган. Пастроқ сифатдаги материалнинг таннархи паст бўлганлиги метериаллар бўйича хуш фарқ юзага келишини таъминлаган, лекин орзон материалларнинг харид қилиб олиниши столларни комплектлашда меҳнат сарфининг ошишига олиб келган. Натижада, меҳнат бўйича нохуш фарқ юз берган.

2. Иккинчи бўлиши мумкин бўлган омил сифатида бу ишлаб чиқариш бўйича супервайзернинг янги ходим эканлиги ва унинг кофе столи ясаш жараёни билан боғлиқ ишлаб чиқариш ишларини самарали ташкил этиш бўйича тажрибаси етарли бўлмаганлиги ҳисобланиши мумкин.

3. Учинчи ҳолатда янги ишчининг ишлаб чиқариш бўйича тажрибаси талаб қилинадиган даражада бўлмаслигини қараш мумкин.

Энди фарқланишларни ҳисоблаш тартиби билан танишиб чиқайлик. Бу жараёнга ***изоляцияланган фарқланишлар*** деб аталади ва ҳисоб-китобларни Beta компанияси мисолида кўриб ўтамиз. Beta компанияси ягона битта маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади. Маҳсулот бирлигининг стандарт таннархи қуйидагидан ташкил топган:

Материаллар – 5 лист 6 п.б. . . . . 30 п.б.
Тўғридан-тўғри меҳнат – 2 соат 10 п.б. 20
Устама ишлаб чиқариш – 2 тўғридан-тўғри меҳнат соати 5 п.б.дан 10
Маҳсулот бирлигининг стандарт таннархи. . . . . .60 п.б.

Материаллар фарқи

Фарқланишларни таннархнинг ҳар бир элементи бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Материаллар бўйича Ҳақиқий таннарх стандарт таннархдан фарқ қилиши иккита омил таъсирида юз беради. Биринчи омил материаллар учун тўланган нарх ***(материалларнинг нархи фарқи) (МНФ)*** ҳамда иккинчи омил менеджерлар томонидан қўлланиладиган материалларнинг меъёрий сарфланиши ва ҳақиқатда фойдаланилган материаллар миқдори ўртасидаги фарқ ***(материаллардан файдаланишдаги фарқи)(МФФ)*** ҳисобланади. Бухгалтерлар ушбу иккита омилни бир қанча сабабларга кўра изоляциялайди: *Биринчиси,* ҳар бир омил бўйича ходимларнинг жавобгарлиги алоҳида белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, харид бўйича агент материалларнинг харид нархи фарқи бўйича масъул, ишлаб чиқариш бўйича супервайзери қўлланилаётган материалларнинг миқдори бўйича фарққа жавобгар қилиб белгиланган ҳолларда фарқланишлар жавобгарликни назорат қилишда фойдаланади. *Иккинчиси*, материаллар бўйича ҳақиқий таннархнинг стандарт

таннархдан фарқи тўғрисидаги ахборотлар таннарх назорати самарадорлиги менеджменти фойдаланилади.

Материаллар нархи фарқи (МНФ). Ишлаб чиқариш компанияларида материаллар ҳақиқий нархи стандарт нархдан фарқ қилиши мумкин. Бунга сабаб бозор шарт-шароитларининг ўзгариши, янги таъминотчиларнинг юзага келиши, инфляция даражаси ва бошқа омиллар ҳисобланади. МНФ агарда компания харид қилиб олинаётган материалларга стандарт нархга нисбатан баланд ёки кам нархда тўлаганда келиб чиқади. МНФ ни аниқлаш учун ҳақиқий нарх билан стандарт нарх ўртасидаги фарқни ҳақиқатда хариб қилиб олинган материаллар миқдорига кўпайтириш орқали топилади. Буни формула кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Материаллар нархи фарқи (МНФ) = (Ҳақиқий нарх – Стандарт нарх) * ҳақиқатда харид қилинган миқдор

Ушбу жараённи амалий мисолларда кўриб ўтайлик. Компания 60,000 бирлик листни 5.90 п.б. да харид қилиб олди. Юқорида келтирилганидек, ушбу листга белгиланган стандарт нарх 6 п.б.. У ҳолда материаллар нархи фарқи тенг бўлади:

Материаллар нархи фарқи = (5.90 п.б. – 6.00 п.б.) * 60,000 = - 0.10 п.б. * 60,000 = -6,000 п.б. (хуш фарқ)

Ушбу фарқ хуш фарқ ҳисобланади. Сабаби ҳақиқий нарх стандарт нархга нисбатан паст. Агарда ҳақиқий нарх стандарт нархга нисбатан юқори бўлса у ҳолда нохуш фарқ юзага келган бўлар эди. Ушбу юзага келган фарқни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Материал заҳиралари 360,000
Материаллар нарх фарқи. 6,000
Тўланадиган счетлар. 354,000

Демак, проводкадан кўриниб турибдики, материаллар стандарт нархда кирим қилинаяпди. Тўланадиган счетлар ҳақиқий нархда амалга оширилмоқда. Ўртасидаги фарқ материаллар нархи бўлиб у алоҳида “Материаллар нархи фарқи” счетида акс эттирилган.

Материаллардан файдаланишдаги фарқи. Бу фарқ агарда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки жараёндаги маҳсулотни комплектлашда ҳақиқий файдаланилган материаллар миқдори стандарт миқдордан кам ёки ортиқча бўлган ҳолларда юз беради. МФФни суммада аниқлаш учун ҳақиқатда фойдаланилган миқдор билан тақсимланган стандарт миқдор ўртасидаги фарқни стандарт нархга кўпайтириш орқали

топилади. Бу жараённи формула кўринишда қуйидагича акс эттириш мумкин:

Материаллардан фойдаланишдаги фарқ (МФФ) = (Ҳақиқатда фойдаланилган миқдор – Тақсимланган стандарт миқдор) * стандарт нарх

Ушбу формаланинг қўлланилишини амалий мисолларда кўриб ўтайлик. Beta компанияси 11,000 бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 55,500 листдан фойдаланди. Стандарт бўйича бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 5 та лист меъёр қилиб белгиланган. У ҳолда 11,000 бирлик учун стандарт қўлланиладиган материал миқдори 55,000 листни ташкил этади. Юқоридаги формуладан фойдаланиб материаллардан фойдаланишдаги фарқни топамиз:

МФФ = (55,500 – 55,000) * 6 п.б. = 500 * 6 п.б. = 3,000 п.б. (нохуш)

Демак, материаллар фойдаланиши бўйича 3,000 п.б. нохуш фарқ чиқаяпди. Бунинг асосий сабаби ишни якунлаш учун ҳақиқатда фойдаланилган материаллар уларнинг стандарт кўзда тутилган миқдоридан ортиқ бўлган. Агарда ҳақиқатда фойдаланилган материал стандарт кўзда тутилган миқдордан кам бўлганда эди натижада хуш фарқ чиққан бўлар эди. Материалларнинг фойдаланиши бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидагича амалга оширилади:

Заҳираларни ишлаб чиқариш жараёни. 330,000
Материаллардан фойдаланишдаги фарқ. 3,000
Материал заҳиралари. 333,000

Бухгалтерия проводкасидан кўриниб турибдики, материаллар ишлаб чиқаришга стандарт миқдорда кирим қилинаяпди. Материал заҳираларининг ҳақиқатда фойдаланишида чиқим қилинаяпди. Ўртадаги фарқ материаллардаги фойдаланишдаги фарқ счетига олиб борилаяпди.

Юқорида амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларини қуйидаги иллюстрацияда акс эттириш мумкин бўлади:

Материаллар хариди

Харид қилинган материалларнинг ҳақиқий таннархи:

*Ҳақиқий нарх * Ҳақиқатда харид қилинган миқдор = 5.90 п.б. * 60,000 лист = 354,000 п.б..*

Харид қилинган материалларнинг стандарт таннархи:

*Стандарт нарх * Ҳақиқатда харид қилинган миқдор = 6.00 п.б. * 60,000 лист =360,000 п.б..*

Материаллар нархи фарқи = 354,000 – 360,000 = 6,000 (хуш фарқ)

Материаллардан фойдаланиш

Ишлаб чиқаришда фойдаланилган материалларнинг Стандарт таннархи (11,000 бирлик):

*Фойдаланилган листларнинг ҳақиқий миқдори * Стандарт нарх = 55,500 * 6 п.б. = 330,000 п.б.*

Маҳсулотда ҳисобга олинган материаллар Стандарт таннархи (11,000 бирлик):

*Ҳисобга олинган листнинг миқдори * Стандарт нарх = 55,000 * 6 п.б. =330,000 п.б. (бунда, 11,000 *5 =55,000 бўлади)*

Материаллардан фойдаланишдаги фарқ = 333,000 – 330,000 = 3,000 п.б. (нохуш фарқ)

Материаллар фарқи бўйича юқоридаги таҳлил маълумотлари асосида Standard cost тизими ёрдамида олинган маълумотларни қуйида келтириш мумкин:

Материал бўйича ҳар бир листнинг стандарт нархи . . . . . 6,00 п.б.
Материал бўйича ҳар бир листнинг ҳақиқий нархи. 5,90
Материал бўйича харид қилинган лист миқдори. 60,000
Маҳсулот бирлиги учун материллар бўйича
листларнинг стандарт миқдори. 5
Даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги. 11,000
Материллар бўйича фойдаланилган листларнинг
ҳақиқий миқдори. 55,500

Меҳнат фарқланиши

Стандарт меҳнат таннархи деганда ҳисобга олинган меҳнат вақти стандарт миқдорини ушбу фақт учун тўланадиган иш ҳақи ставкасига кўпайтириш орқали топилади. Албатта, ҳиқиқий меҳнат таннархи билан стандарт меҳнат таннархи ўртасида фарқ юзага келиши мумкин. Бу фарқ меҳнат фарқи деб аталади. Меҳнат фарқи иккита омил натижасида юзага келади: меҳнат ставкаси фарқи ва меҳнат самарадорлиги фарқи.

Меҳнат ставкаси фарқи. Меҳнат ставкаси фарқи бу тўловларнинг ўртача ставкаси маҳсулот ишлаб чиқариш ёки жараённи якунлашда стандарт таннархга нисбатан юқори ёки паст бўлиши натижасида юзага келади. Меҳнат ставкаси фарқи худди материал нархи фарқига айнан ўхшайди. Меҳнат фарқи ставкасини (МФС) ҳисоблаш учун тўланган ҳақиқий тўридан-тўғри меҳнат соати даражаси билан стандарт тўғридан-тўғри меҳнат ставкаси ўртасидаги фарқни ҳақиқатда ишланган тўғридан-тўғри меҳнат соатларига кўпайтириш орқали топилади:

Меҳнат ставкаси фарқи = (Ҳақиқий ставка – Стандарт ставка) * Ҳақиқатда ишланган соатлар

Beta компанияси мисолида кўриб ўтадиган бўлсак, компанияда ҳисобот даврида ҳиқиқатда ишланган тўғридан-тўғри меҳнат соатлари 22,200 соатни ташкил этмоқда. Меҳнат таннархи 233,100 п.б. (ҳақиқатдаги ўртача соат ставкаси 10,50 п.б. ташкил этади). Компания менеджменти томонидан тўғридан-тўғри меҳнат соатлари учун 10 п.б. стандарт ставка белгиланган. У ҳолда меҳнат ставкаси фарқи:

Меҳнат ставкаси фарқи = (Ҳақиқий ставка – Стандарт ставка) * Ҳақиқатда ишланган соатлар = (10.50 п.б. – 10.00 п.б.) * 22,200 = 0.50 п.б. * 22,200 = 11,100 (нохуш фарқ)

Хуш ёки нохуш фарқларнинг юзага келишининг асосий сабаби меҳнат ставкаларининг белгиланган стандарт ставкаларга нисбатан ўзгариши бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат самарадорлиги фарқи. Меҳнат самарадорлиги фарқи ишчилар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки жараённи якунлашда тўғридан-тўғри меҳнат соатлари стандарт суммасидан кам ёки кўп меҳнат қилинганда юзага келади. Меҳнат самарадорлиги фарқи худди материаллардан фойдаланиш омилига айнан ўхшашдир.

Меҳнат самарадорлиги фарқини аниқлаш учун ҳақиқатда ишланган тўғридан-тўғри меҳнат соатлари билан стандарт тўғридан-тўғри меҳнат соатлари ўртасидаги фарқни стандарт меҳнат соатлари ставкасига кўпайтириш орқали топилади.

Меҳнат самарадорлиги фарқи = (Ҳақиқатда ишланган соатлар – Белгиланган стандарт соатлар) * Стандарт ставка

Юқоридаги мисолимизда Beta компанияси 11,000 бирликдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 22,200 соат тўғридан-тўғри меҳнат соатлари амалга оширилган. Стандарт тўғридан-тўғри меҳнат соатлари 22,000 соатни ташкил этади (11,000 бирлик * ҳар бир бирлиги 2 соат). Стандарт тўғридан-тўғри меҳнат ставкаси ҳар бир соатига 10 п.б.га тенг бўлса, меҳнат самарадорлиги фарқи 2,000 п.б.га тенг бўлади. Бу қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

Меҳнат самарадорлиги фарқи = (Ҳақиқатда ишланган соатлар – Белгиланган стандарт соатлар) * Стандарт ставка = (22,200 – 22,000) * 10 п.б. = 200 * 10 п.б. = 2,000 п.б. (нохуш фарқ)

Юқоридаги таҳлил маълумотлари асосида бухгалтерия журналларига қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

Заҳираларни ишлаб чиқариш жараёни. 220,000
Меҳнат ставкаси фарқи. 11,100
Меҳнат самарадорлиги фарқи. 2,000
Меҳнат ҳақи ҳисоб-китоблари. 233,100

Бухгалтерия ёзувларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш жараёни стандарт меҳнат харажатларига дебетланаяпди, меҳнат ҳақи ҳисоб-китоблари счети эса ҳақиқий меҳнат таннархига кредитланаяпди. Ўртадаги фарқланиш меҳнат ставкаси фарқи ва меҳнат самарадорлиги фарқи счетларига олиб борилаяпди. Натижада, ишлаб чиқариш жараёни счетида стандарт таннарх шаклланмоқда.

Ҳақиқий ва стандарт тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари боғлиқлигини ҳамда меҳнат фарқланиши ҳисоб-китоби натижаларини қуйидаги иллюстрацияда акс эттириш мумкин:

Меҳнат ставкаси ва самарадорлиги фарқланишлари

Ҳақиқий меҳнат таннархи:

Ҳақиқий меҳнат ставкаси * Ҳақиқатда ишланган соатлар = 10,50 * 22,200 = 233,100 п.б.

Ҳақиқий ишланган соатлардаги стандарт таннарх:

Стандарт меҳнат ставкаси * Ҳақиқий ишланган соатлар = 10,00 * 22,200 = 222,000 п.б.

Меҳнат ставкаси фарқи = 233,100 – 222,000 = 11,100 (нохуш)

Маҳсулот ишлаб чиқаришда белгиланган соатлардаги стандарт таннарх (11,000 бирлик):

Стандарт меҳнат ставкаси * Белгиланган стандарт соатлар = 10,00 * 22,000 = 220,000 п.б.
(2 соат * 11,000 = 22,000)

Меҳнат самарадорлиги фарқи = 222,000 – 220,000 = 2,000 п.б. (нохуш)

Ушбу ҳисоб-китоблар натижалари асосида Standard Cost тизимида шаклланган ахборотларни қуйидагича умумлаштиришимиз мумкин:

Бирлик учун Стандарт тўғридан-тўғри меҳнат соатлари. . . . . .2 соат
Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган эквивалет бирлик. . . . . .11,000 бирлик
Тўғридан-тўғри меҳнат соатлари стандарт меҳнат ставкаси. . . . . .10 п.б.
Жами ҳисобланган (тўланган) меҳнат ҳақи (22,200 * 10,50 п.б.). . . 233,100 п.б.
Ҳақиқатда ишланган тўғридан-тўғри меҳнат соатлари. . . . . .22,200 соат
Белгиланган Стандарт таннарх (22,000 * 10 п.б.). . . . . 220,000 п.б.
Жами меҳнат фарқи (233,100 – 220,000). . . . . .13,100 п.б.

Натижалардан кўриниб турибдики, умумий фарқ 13,100 п.б.ни ташкил этмоқда. Берилган рақамлар стандарт таннарх тизимини назорат олиб боришда фойдаланилади.

Устама фарқланиши

Standard cost тизимида бухгалтерлар устама ишлаб чиқариш харажатларининг стандарт (бюджетлаштирилган) ставкаларидан фойдаланилади. Олдинги мавзуларда бюджетлаштирилган устама ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг ставкаси аниқлаш тартиби кўрсатиб берилган. УИЧХ стандарт ставкаси бюджетлаштирилган устама харажатлари суммасини ишлаб чиқариш ёки фаолликнинг стандарт даражасига бўлиш орқали топилади.

Менеджерлар устама фарқланишларини изоляциялаш ҳамда стандарт устама ставкаларини жорий қилиш мақсадида эгилувчан (гипкий) бюджетлардан фойдаланади. Эгилувчан бюджетлар ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида устама ишлаб чиқариш харажатларининг суммаларини акс эттиради.

Beta компанияси бўйича ҳисобот даврида эгилувчан бюджети 5.2-жадвалда келтирилган.

5.2-жадвал

Beta компанияси

Эгилувчан Устама Ишлаб Чиқариш Харажатлари Бюджети

Машина соатлар	18,000	20,000	22,000
Ишлаб чиқарилган бирлик	9,000	10,000	11,000
Ўзгарувчан Устама (УИЧХ):			
Билвосита материал	7,200	8,000	8,800
Энергия	9,000	10,000	11,000
Билвосита меҳнат	1,800	2,000	2,200
Бошқа	18,000	20,000	22,000
Жами ўзгарувчан устама	***36,000***	***40,000***	***44,000***
Доимий Устама:			
Суғурта	4,000	4,000	4,000
Мол-мулк солиғи	6,000	6,000	6,000
Депресиация	20,000	20,000	20,000
Бошқа	30,000	30,000	30,000
Жами доимий устама	***60,000***	***60,000***	***60,000***
Жами УИЧХ	***96,000***	***100,000***	***104,000***
Стандарт Устама Ставкаси (100,000 п.б. / 20,000 соат = 5 п.б. бир соатга			

Beta компанияси бўйича эгилувчан бюджетида ишлаб чиқариш бирликлари (фаолият даражаси) 9,000, 10,000 ва 11,000 бирлик

бўлганда ўзгарувчан ва доимий УИЧХ нинг бюджетлштирилган рақамлари келтирилган. Таннархни аниқлаш мақсадларида компания белгиланган фаолият даражасини баҳолаши ҳамда ушбу даражага нисбатан ставкани аниқлаш талаб этилади. Ушбу танланган даража фаолиятнинг стандарт ҳажми даражаси деб аталади. Стандарт ҳажм даражаси фақат ишлаб чиқариш бирликлари билан ифодаланмасдан, балки қувватдан фойдаланиш даражаси, машина соатлар, тўғридан-тўғри машина соатлари ва бошқалар олиниши мумкин. Бизнинг мисолда стандарт ҳажм қилиб ишлаб чиқарилган 10,000 бирлик маҳсулот олинган. Бунда 20,000 машина соат ишланиши кўзда тутилган. Эгилувчан устама ишлаб чиқариш харажатлари бюджетига мувофиқ 20,000 машина соатда УИЧХ стандарт суммаси 100,000 п.б. ни ҳамда унинг даражаси эса бир машина соатига 5 п.б.ни (100,000 п.б. / 20,000 машина соат) ташкил этади. Ўзгарувчан устама харажатлари даражаси 2 п.б. (40,000 п.б. / 20,000 маш. соат), доимий устама харажатлари даражаси 3 п.б. (60,000 п.б. / 20,0000 маш. соат)ни ташкил этмоқда. Агарда 18,000 машина соатини оладиган бўлсак, стандарт устама даражаси 5.33 п.б.ни ташкил этади (96,000 п.б. / 18,000 маш. соат). Агарда стандарт ҳажм 22,000 машина соат олинганда эди стандарт устама даражаси 4.73 п.б.га тенг бўлар эди (104,000 п.б. / 22).

Beta компанияси фаолиятида юз берган ҳодисаларни таҳлил қилишни давом эттирайлик. Компания ҳисобот даври давомида устама ишлаб чиқариш харажатларининг суммаси 108,000 п.б.ни ташкил эди, қайсики бунда 11,000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Ушбу ҳақиқий таннарх суммасига УИЧХ счетини дебетлаш ҳамда бир қанча счетларни, жумладан Тўланадиган счетлар, Жамғарилган депресиация, Олдиндан тўланган суғурта, Тўланадиган мол-мулк солиғи ва бошқа счетла кредитланиши мумкин. Юқоридаги эгилувчан бюджетга мувофиқ 11,000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган тақдирда 22,000 машина соат иш бўлади. Маҳсулот таннархига стандарт устама ставкасига 5 п.б.га мувофиқ 110,000 п.б. (5 п.б. * 22,000 машина соат)даги сумма олиб борилади. Бунга қуйидагича бухгалтерия ёзувлари берилади:

Заҳираларни ишлаб чиқариш жараёни. 110,000
Устама ишлаб чиқариш харажатлари. 110,000

Натижада, Устама Ишлаб Чиқариш харажатлари счетининг дебитида 108,000 п.б., кредитида эса 110,000 п.б.да маблағ ёзилиб, ўртада 2,000 п.б (110,000 – 108,000) фарқ юзага келади. Бу маҳсулот таннархига ортиқча тақсимланган УИЧХларини ташкил этади. Бу фарқ қайси омиллар ҳисобидан келиб чиққанлигини аниқлаш талаб этилади.

Устама фарқланишида иккита омилни таъкидлаш мумкин бўлади: *Устама бюджет фарқи* ва *Устама ҳажм фарқи*.

Устама бюджет фарқи. *Устама бюджет фарқи* бу устама сервиси қанчалик тежамкорлик асосида харид қилинганлиги (юз берганлиги) ва қанчалик даражада самарали фойдаланилганлигини тавсифлайди. Устама бюджет фарқи нарх фарқи ва метериллар ёки меҳнатдан фойдаланилганлик фарқи каби ҳисобланади. Устама бюджет фарқини ҳисоблаш учун ҳақиқий устама харажатларидан ҳақиқий ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда бюджетлаштирилган устама таннархни айириш орқали топилади. Beta компанияси учун ўзгарувчан устама 2 п.б. да 22,000 машина соат ҳақиқий ишлаганда 44,000 п.б.да ўзгарувчан УИЧХлари бўлади. Бунга 60,000 доимий устама харажатларини қўшсак, жами бюджетлаштирилган устама 104,000 п.б.га тенг. Ҳақиқий Устама 108,000 п.б.ни ташкил этмоқда. У ҳолда Устама Бюджет Фарқи қуйидагича ҳисобланади:

Устама Бюджет Фарқи = Ҳақиқий Устама – Ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажми даражасидаги Бюджет Устама = 108,000 п.б. – 104,000 п.б. = 4,000 п.б. (Нохуш)

Бу фарқнинг нохуш бўлишига сабаб ҳақиқий устама харажатлари 108,000 п.б. эгилувчан бюджет харажатлари 104,000 п.б. га кўра ошганлиги ҳисобланади.

Устама ҳажм фарқи. Устама ҳажм фарқи жорий қилинган стандарт устама тақсимлаш ставкасидан бошқа ишлаб чиқариш даражаси ишлаб чиқарилганда юз беради. Устама ҳажм фарқини топиш учун Бюджет Устамадан Тақсимланган Устамани айириш керак. Юқорида бухгалтерия ёзувларидан маълумки, Тақсимланган Устама 110,000 ташкил этган эди (22,000 маши. соат * 5 стандарт тақсимлаш стакаси). У ҳолда Устама Ҳажм Фарқи:

Устама Ҳажм Фарқи = Бюджет Устама – Тақсимланган Устама = 104,000 п.б. – 110,000 п.б. = -6,000 п.б. (хуш)

Ушбу фарқни бошқа формула орқали ҳам ҳисоблаш мумкин.

(Белгиланган (олдиндан аниқланган)Устама ставкасида фойдаланилган соатлар миқдори – Эришилган ишлаб чиқариш даражасида тақсимлаган Стандарт соатлар миқдори) * Бир Соат учун Доимий Устама Ставкаси = (20,000 – 22,000) * 3 = - 6,000 (Хуш)

Иккита омил таъсири материаллар харажат моддаси бўйича 3,000 (-6,000 + 3,000) хуш фарқни беради.

Худди шу тартибда меҳнат ҳақи ва УИЧХ бўйича ҳам фарқлар таҳлили амалга оширилади. Барча омиллар таъсирининг йиғиндиси умумий фарқни беради. Стандарт таннарх таҳлили омиллар таъсирини ўрганишда қўл келади.

11.2-маъруза. Асосий смета. Оператив бюджет, молиявий бюджет ва капитал сарфлар бюджети. Пул оқими фарази. (Пул маблағлари бюджети)

Иқтисодий адабиётлар таҳлил қилинганида бюджет ва бюджетлаштириш, даромад ва харажатлар бюджетига доир умумий методологик усуллар ёритилганлигини кўришимиз мумкин. “Бюджет” сўзи қадимги норманд тилидан олинган бўлиб, “bougette” халта, кармон, чарм қоп, пул тўла қоп деган маъноларни англатади Б.Нидлз, М.Пауэрс, С.Миллз ва Г.Андерсонларнинг фикрича: “бюджет – келгусидаги иқтисодий операциялар, хўжалик фаолияти ва натижаларни молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ифодасида башорат қилувчи ҳаракатлар режасидир” Россиялик иқтисодчи олимлар Е.А.Ананькина, С.В.Данилочкин ва Н.Г.Данилочкинларнинг фикрича, “бюджет – корхонанинг яхлит ёки алоҳида бўлимлари фаолиятини миқдорий экс этган режасидир”/ Республикамиз иқтисодчи олимлари А.Х.Пардаев ва З.А.Пардаеваларнинг фикрича, “бюджет – бу режалаштирилган фаолиятни амалга оширишдан олдин тузиладиган молиявий ҳужжат ҳисобланади”. Буюк Британиядаги бошқарув ҳисоби бўйича Қироллик университети (CIMA) маълумотларига кўра, бюджетлаштириш иқтисодий бошқарувнинг энг машҳур воситаси ҳисобланиб, 80% компанияларда қўлланилади. Кўпгина иқтисодчи олимлар бюджетлаштиришга турлича ёндашишади, масалан - молиявий режалаштириш жараёни, молиявий назоратни оптималлаштириш воситаси, бошқарув ҳисоби воситаси, корхона фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш воситасида бюджетларни ишлаб чиқиш жараёни, оператив бошқарув услуби. Республикамиз иқтисодчи олимларидан Б.А.Хасанов ва А.А.Хашимовларнинг фикрича, “бюджетлаштириш – корхонанинг маълум 3 даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади”. Жаҳон тажрибасига кўра бюджетлаштириш қуйидаги ижобий жиҳатларга эга: - жамоанинг руҳиятини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатади; - корхона фаолиятини яхлит ҳолда мувофиқлаштириш имконини беради; - бюджетга ўз вақтида тузатишлар киритиш имконияти мавжуд; - олдинги даврларда тузилган бюджетларнинг ижобий жиҳатларини олиш имконияти мавжуд; - ресурсларни тақсимлаш жараёнини такомиллаштириш имконияти мавжуд; - режалаштирилган ва эришилган натижаларни таққослаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бюджетлаштиришнинг салбий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: - Бюджетлаштириш тизимининг мураккаблиги ва қимматга тушиши; - Бюджет бўйича маълумотларнинг ҳар бир ходимга етиб бормаслиги уларнинг иш натижаларига ва руҳиятига таъсир этмаслиги; - Бюджетлаштириш тизимидаги арзимаган ўзгартириш режа ва ҳисобот

кўрсаткичларини қайтадан кўриб чиқиш ва бюджетни бошқадан тузишни тақозо этиши мумкин. Умуман олганда бюджетлаштиришнинг аҳамияти қуйидагиларда кўринади: режалаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш; компания молиявий барқарорлигининг барча жиҳатларини баҳолаш; корхона ташкилий тузилмалари томонидан молиявий тартиб-интизомни мустаҳкамлаш; алоҳида хўжалик фаолияти ва таркибий тузилмалар фаолияти самарадорлигини узлуксиз назорат қилиш; компания молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар устидан доимий назорат қилиш. Тадқиқот методологияси Тадқиқот ишида кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция каби усуллар қўлланилди. Тадқиқот натижаларига кўра ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тузиладиган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотлари асосида даромад ва харажатлар бюджети шакли тузилган. Тадқиқотнинг асосий масаласи даромад ва харажатлар бюджетини тузишда юзага келадиган ташкилий, методологик ва дастурий-техник муаммоларни бартараф этиш йўналишларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар даромад ва харажатларнинг оптимал бюджетини тузиш, харажатларни қисқартириш, фойда ва рентабеллик даражасини ошириш имконини беради. Таҳлил ва натижалар Бозор иқтисодиёти шароитида айнан бюджетлаштириш асосий режалаштириш жараёни бўлиб, бошқарувнинг муҳим функциясини ташкил қилади. Бюджетлаштиришнинг жаҳон тажрибасига эътибор қаратиладиган бўлса, унинг ташкилий, методологик ва дастурий-техник муаммоларини кўриб ўтиш мумкин. Методологик характердаги асосий камчиликлар сифатида бюджетларнинг ягона таснифи, бюджетларни ижро этишда таҳлил ва назорат қилиш технологияси, молиявий натижалар ва молиявий ҳолатни баҳолашнинг оптимал методикаси мавжуд эмаслигини келтириб ўтиш мумкин. Бюджетларни таснифлашнинг асосий муаммоларига қуйидагиларни киритиш мумкин: бюджет моддалари бўйсунувчанлиги белгиланмаган; бюджет номланишида ягона терминология мавжуд эмас; муайян бир хил кўрсаткич турлича талқин этилади. Корхона молия-хўжалик фаолиятидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини ҳар томонлама қамраб олган, шунингдек якуний молиявий натижаларни тавсифловчи бюджетларнинг комплекс тизими самарали ҳисобланади. Бу каби бюджетларни тузиш ягона ахборот базасини шакллантиришни тақозо этади. Мазкур ахборот базаси ҳар бир бюджет учун ҳисоб-китоб кўрсаткичларини аниқлаш, уларни ҳисоб-китоб қилиш, маълумотлар базасини шакллантириш имконини бериши керак. Даромад ва харажатлар бюджети компания фаолияти самарадорлигини бошқаришни таъминлайди. Амалиётда фойданинг бир нечта турлари мавжуд: ялпи фойда, маржинал фойда, операцион фойда, солиқ тўлангунга қадар фойда ва соф фойда. Даромад ва харажатлар бюджетининг мазкур кўрсаткичлари муайян мақсадга

хизмат қилади. Даромад ва харажатлар бюджетидан фойдаланишда ҳисоб сиёсати муҳим ўрин тутади, яъни молиявий бюджетлар қабул қилинган ҳисоб сиёсатига жуда ҳам боғлиқ. Аммо бу масалага ҳамиша чуқур эътибор қаратилмайди. Бунда корхонада ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқувчи етук мутахассис мавжуд эмаслиги асосий муаммо эмас, корхона менежерлари ҳисоб сиёсатига иккинчи даражали масала сифатида қаратилади. Менежерлар учун ҳисоб сиёсати масалалари мураккаб ва унчалик муҳим эмас бўлиб туюлади. Аммо менежерлар бошқарув ҳисоботлари, масалан даромад ва харажатлар бюджетини қабул қилишда фойда ва зарар миқдори хусусида жуда кўплаб саволлар (нима учун ўтган йилга нисбатан фойда кам, нима учун харажатлар ошиб бормоқда) беришади. Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидаларини тушунмаслик оқибатида менежерлар молиявий ҳисобот маълумотларини, даромад ва харажатлар бюджети маълумотларини талқин қилади. Яна бир бор шуни таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини билмаслик, самарасиз қарорларни қабул қилинишига ва муаммоли вазиятларнинг ўз вақтида аниқланмаслигига олиб келади. Молиявий бюджетларнинг учта асосий тури мавжуд: даромад ва харажатлар бюджети, пул маблағлари ҳаракати бюджети, баланс моддалари бюджети. Молиявий бюджетлар билан биргаликда операцион бюджетларнинг 10 дан ортиқ тури ҳам мавжуд. Операцион бюджетлар бюджетлаштириш объектларига қараб турлича бўлади (сотиш бюджети, ишлаб чиқариш бюджети, сотиш харажатлари бюджети ва ҳоказо). Демак, молиявий бюджетларнинг учта асосий тури бўйича мулкдорнинг аниқ мақсадлари мавжуд: бизнес қанча фойда келтиради, қанча миқдорда пул маблағлари кирими ва чиқими юз беради, бизнесни юритишда активлардан қай даражада самарали фойдаланилади.

Юқоридаги учта мақсадга эришишда молиявий бюджет маълумотларини яхлит ҳолда таҳлил қилиш орқали корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, юқоридаги учта ҳолат бўйича корхона раҳбарияти ахборотларга эга бўлган ҳолда фаолиятни бошқариш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлади. Даромад ва харажатлар модели бюджетлаштириш молиявий моделининг муҳим элементи ҳисобланади. Даромад ва харажатлар модели ёрдамида корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш мумкин. Шу боисдан даромад ва харажатлар суммаларини уларнинг операцион бюджетлар даромад ва харажатлари билан боғлиқликда текшириш керак. Дарвоқе, даромад ва харажатларни консолидациялаш учун талаб этиладиган асосий ахборотлар функционал ва инвестицион бюджетларни тузиш жараёнида тайёрланиши керак. Даромад ва харажатлар моделини тузишда асосий муаммолардан бири харажатлар қисмининг шаклланиш методикасига боғлиқ. Бунда асосий эътибор маҳсулот таннархига қаратилиши керак,

чунки маҳсулот таннархи аввало даромад ва харажатлар бюджетида фойда суммасига таъсир қилади, шунингдек бухгалтерия балансида захиралар ва тайёр маҳсулот қийматига таъсир қилади. Харажатлар тўғрисидаги бошқа маълумотлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Яъни даромад ва харажатлар бюджетига корхонанинг барча харажатлари киритилиши керак. Харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг “ тўлиқ акс эттирилмаслиги корхона фаолиятининг ҳақиқий ҳолати хусусида нотўғри маълумотлар шаклланишига олиб келади. Бундан ташқари даромад ва харажатлар бюджетига маълумотлар фақат функционал бюджетлар маълумотларидан эмас, балки инвестицион лойиҳалар бюджетларидан ҳам шаклланади. Масалан, корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида лойиҳалаш харажатларини даромад ва харажатлар бюджетига киритилмаслиги оқибатида, жорий даврда корхонанинг фойдаси ошишига олиб келади. Яна шундай ҳолатлар ҳам бўладики, корхона қиммат турадиган асосий воситасини сотиши орқали фойда миқдори кескин ошиб кетиши мумкин. Корхона раҳбарияти фойданинг кескин ошиб кетиши сабабларига эътибор қаратиши учун даромад ва харажатлар бюджети натижаларини чуқур таҳлил қилиши керак. Қуйидаги 1-жадвалда ишлаб чиқариш корхонасининг даромад ва харажатлар бюджетининг намунаси келтирилган.

Даромад ва харажатларнинг 1-жадвалда келтирилган ушбу намунаси умумий кўринишга эга. Яъни бу ерда маҳсулот турлари ёки фаолият турлари бўйича батафсил намуна келтирилмаган. Масалан, маҳсулот сотишдан тушган соф тушум, сотилган маҳсулот таннархи ва сотиш харажатлари кўрсаткичларини маҳсулот турлари бўйича келтириш мумкин. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини бевосита ва билвосита харажатларга ажратишга тўғри келади. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил № 3, 2017 www.iqtisodiyot.uz 7 Бу ерда маҳсулот сотишдан тушган соф тушум кўрсаткичи сотиш бюджетидан олинади. Сотилган маҳсулот таннархи кўрсаткичини аниқлаш бироз қийин масала, чунки бу ҳолатда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот эмас, балки фақат сотилган маҳсулот таннархини аниқлаш керак бўлади. Даромад ва харажатлар бюджетининг асосий кўрсаткичлари соф фойда ва рентабеллик даражаси кўрсаткичларидир. Соф фойда корхона жорий фаолияти самарадорлигининг мутлақ кўрсаткичи ҳисобланса, рентабеллик самарадорликни ифодаловчи нисбий кўрсаткичдир. Рентабеллик кўрсаткичини нафақат ҳисобот йили бўйича, балки ҳар ой кесимида ҳам ҳисоблаш мумкин. Чунки, корхона фаолияти мавсумий кўринишга ҳам эга бўлиши мумкин. Яъни баъзи ойларда корхона зарар билан ишлаши, бошқа даврларда юқори миқдорда фойда билан ишлаши ҳам мумкин. Юқоридаги мисолда корхона дастлабки ойларда зарар билан ишлаган, кейинчалик фойда миқдори ошиб борган. Умуман

олганда йил бўйича рентабеллик даражаси меъёр даражасида, шу боисдан мазкур турдаги даромад ва харажатлар бюджети корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланиши мумкин. Даромад ва харажатлар бюджетини тасдиқлаш учун аввало пул маблағлари ҳаракати бюджети ва баланс моддалари варағи (бюджети) маҳсулотларини умумлаштириш керак. Маълумки, ушбу бюджетларнинг кўрсаткичлари қатъий лимитга эга эмас. Ушбу бюджетлар кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда кредит олиш тўғрисида қарор чиқариш мумкин. Бундай қарор кредит бўйича фоизларнинг кўпайишига олиб келади ҳамда даромад ва харажатлар бюджетига ўз таъсирини кўрсатади.

Бизнес субъектларининг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда пул оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш муҳим роль ўйнайди. Пул оқимлари тадбиркорлик субъектининг бир йил давомидаги барча сарфланган ва кирим қилинган пул маблағларининг ҳаракатини ифодалайди. Субъектнинг «пул оқимлари» тушунчаси ўзида фаолиятининг узлуксизлиги жараёни давомида пул маблағлари тушуми ва чиқимининг тақсимланиш йиғиндисини акс этиради. Субъектларнинг пул оқимлари тушунчаси молиявий бошқарувнинг алоҳида объекти сифатида нафақат маҳаллий, балки хорижий адабиётларда ҳам молиявий бошқарув бўйича етарли даражада ўз аксини топмаган. Бу пул оқимларининг асосий таркибида пул активларини бошқариш, молиявий ресурсларни шакллантиришни бошқариш ва банкротлик хавфи шароитида инқирозга қарши субъектларнинг бошқаруви масалалари кўриб чиқилади. Унга шунингдек, молиявий ҳисоботлар, пул маблағларининг ҳаракат динамикасини тасвирловчи бухгалтеря ҳисобини юритиш каби ҳисоб турлари киради. Пул оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш нисбатан мураккаб вазифа бўлиб, у эндигина амалиётга кириб келмоқда. Шунингдек, молиявий ҳисоботининг шаклларидан бири ҳам «пул оқимлари тўғрисида»дир. Бизнес субъектларининг пул оқимларидан унумли фойдаланиш қуйидаги вазифаларни ечишга ёрдам беради: у тадбиркорлик субъектининг «молиявий қон айланиш тизими» бўлиб, самарали ташқил этилганда молиявий барқарорликни таъминлайди; пул оқимларини оқилона шакллантириш хўжалик операцион фаолиятининг бир маромда ва доимий амал қилишини таъминлайди;

пул оқимларини самарали бошқариш қарз маблағларига, яъни четдан жалб қилинган капиталларга бўлган эҳтиёжларни қисқартиради; пул оқимларини бошқаришнинг фаол тизимига эга бўлиш ўз маблағларидан самарали фойдаланишни, ички молиявий манбаларни шакллантиришни таъминлайди; пул оқимларини тўғри бошқариш хўжалик капиталининг айланишини тезлаштирувчи молиявий дастак ҳисобланади; пул оқимларидан самарали фойдаланиш тадбиркорлик субъектининг тўлов қобилиятини оширади ва мақсадли фойда

миқдорига эришишга ёрдам беради; пул оқимларини самарали бошқариш шаклларига эга бўлиш, қўшимча фойда олишни, бевосита пул активлари бўйича ижобий натижаларга эришишни, яъни вақтинча бўш турган пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Тадбиркорлик субъектлари «пул оқимларини бошқариш» тушунчаси ўзида ҳўжалик фаолияти учун хизмат қилувчи турли шаклдаги пул оқимлари таркибини акс эттиради. Бунинг моҳиятини пул оқимларини бошқаришда уларнинг алоҳида хусусиятларига қараб аниқлаш талаб этилади. Бундай пул оқимларини гуруҳлаштиришни қуйидаги асосий белгилари бўйича ташкил қилиш таклиф қилинади.

1. Пул оқимлари хўжалик фаолиятига хизмат қилиш жараёнларининг ҳажми бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади: • корхона бўйича тўлиқ пул оқимлари; • корхона хўжалик фаолиятининг алоҳида шакллари бўйича пул оқимлари; • алоҳида таркибий тузилмалари (жавобгарлик марказлари) бўйича пул оқимлари; • алоҳида хўжалик операциялари бўйича пул оқимлари.

2. Халқаро ҳисоб стандартларига мос равишда хўжалик фаолиятининг шакллари бўйича пул оқимларининг турлари қуйидагиларга ажратилади: • операцион фаолият бўйича пул оқимлари; • инвестиция фаолияти бўйича пул оқимлари; • молиявий фаолият бўйича пул оқимлари.

3. Пул маблағларининг ҳаракат йўналишлари бўйича пул оқимлари икки асосий шаклга ажратилади: • ижобий пул оқимлари («пул маблағларининг кирими»); • салбий пул оқимлари («пул маблағларининг чиқими»).

4. Ҳажмини ҳисоблаш усуллари бўйича пул оқимлари қуйидаги шаклларга ажратилади: • ялпи пул оқимлари; • соф пул оқимлари.

5. Ҳажмининг етарлилик даражаси бўйича пул оқимлари қуйидаги шаклларга ажратилади: • пул оқимларининг етарлилиги; • пул оқимларининг етишмаслиги (дефицитлиги).

6. Пул оқимлари даврда баҳолаш усуллари бўйича қуйидаги шалларга ажратилади: • жорий пул оқимлари; • келгусидаги пул оқимлари.

7. Пул оқимлари кўриладиган даврда шакллантирилишининг узлуксизлиги бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади: • доимий пул оқимлари; • вақтинчалик пул оқимлари.

8. Доимий пул оқимлари вақт оралиғинг барқарорлиги бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади: • доимий пул оқимларининг бир хил вақтдаги оралиғи;

Доимий пул оқимларининг ҳар хил вақтдаги оралиғи. Тадбиркорлик субъектларининг пул оқимлари операцион фаолият, молиявий фаолият ва инвестицион фаолият натижасида шаклланадиган пул оқимларидан иборат бўлади. Операцион фаолият бўйича пул оқимлари мол етказиб берувчиларга тўланадиган счетлар, ишчиларга меҳнат ҳақи харажатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий

ажратмалар, асосий воситаларнинг эскириши, турли иш ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари, фоиз кўринишидаги харажатлар, ишлаб чиқариш хусусиятидаги бошқа харажатлар, хўжаликни бошқариш харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва бошқа операцион харажатлар, бюджетга турли солиқлар кўринишидаги чиқимлар ҳамда маҳсулот сотишдан олинган, иш ва хизматлар кўрсатишдан келиб тушган тушум, роялти, фоиз кўринишидаги тушумлар ва операцион фаолият билан боғлиқ бошқа пул тушумларини акс эттиради. Инвестицион фаолият бўйича пул оқимлари кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқаришга сарфлаган реал инвестициялари ва ортиқча асосий воситаларни сотиш, бошқа субъектларнинг акцияларини сотиб олиш ва сотиш ҳамда бошқа инвестиция хусусиятига эга бўлган кирим ва чиқимларни ўз ичига олади. Молиявий фаолият бўйича пул оқимлари тадбиркорлик субъектининг қўшимча сармоя сифатида маблағ жалб қилишини, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни жалб қилишни, пул кўринишида дивиденд бериш ва корхона фаолиятини ташқи маблағлар билан молиялаштиришни ўз ичига олади.

12- МОДУЛ. БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

12.1. Ишлаб чиқариш зарарсизлиги нуқтаси. Ишлаб чиқариш зарарсизлиги таҳлили
12.2. Сотиладиган маҳсулотлар (товарлар) ассортиментини режалаштириш. Баҳони шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш. Корхона маҳсулот таркибини чегараловчи омиллар асосида аниқлаш.
12.3. Бизнес таркибини ўзгартириш (реструктуризация) қилиш бўйича қарор қабул қилиш

12.1-маъруза. Ишлаб чиқариш зарасизлиги нуқтаси. Ишлаб чиқариш зарарсизлиги таҳлили

“Таннарх – маҳсулот ҳажми – фойда” (CVP) таҳлилининг мақсади агар ишлаб чиқариш / реализация даражаси ўзгарган тақдирда молиявий натижаларда қандай ўзгариш юз берганлигини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда CVP усули фаолият даражаси билан бизнес фаолияти учун зарур бўлган ресурслар сарфланиши ўртасидаги боғлиқликни белгилайди. Бу таҳлил систематик равишда маҳсулот таннархи, сотишдан олинган даромад (ишлаб чиқариш ҳажми) ва фойда кўрсаткичларининг бир-бирига асосланганлигини кўрсатади.Ушбу таҳлил ёрдамида таннарх табиати аниқланади ва натижада менеджерларга фаолиятни назорат қилиш ва

режалаштириш, фаолиятнинг муқобил курсларини таҳлил қилиш, иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда оқилона қарорлар қабул қилишга доир ахборотлар етказиб берилади. CVP таҳлили зарарсизлик нуқтасини аниқлашда фойдаланилади, қайсики бу таҳлилни фақат фойда олиб ишловчи бизнес соҳасидагина эмас, балки фойда олишни мақсад қилиб қўймаган ташкилотларда ҳам қўлаш мумкин бўлади.

Зарарсизлик нуқтаси ёки критик нуқта (Break-Even Point)– бу фаолият даражасининг (ишлаб чиқариш ҳажми ёки реализация ҳажмининг) шундай нуқтасики бунда жами даромад тўплам харажатларга тенг бўлган, яъни фойда ҳам зарар ҳам бўлмайди.

Фойда (зарар) – бу контрибутция маржини ва доимий харажатлар ўртасидаги фарқдир. Шундай қилиб зарарсизлик нуқтаси бу контрибутция маржинининг доимий харажатларга тенг бўлган жойида аниқланади.

Критик нуқта таҳлили корхонанинг фойдалигини бошқаришда қўлланилади. Критик нуқтани бутун бир корхона бўйича ҳисоблаб бўлмайди. Бунда қисмлар, алоҳида олинган маҳсулот, маҳсулотлар гуруҳи, сотиш регионлари ва бошқа танланган таннарх объектлари таҳлил жараёнида фойдаланиши мумкин.

Бошқарув ҳисобида критик (зарарсизлик) нуқтасини ҳисоблашнинг учта методи амал қилади.

1) математик (тенглама методи),
2) контрибутция маржини методи
3) график методи

Математик метод. Математик методда критик нуқтани аниқлашнинг формула усулига таянади. Бизга маълумки, фойдани ҳисоблашнинг базисли усули бу даромадлардан харажатларни айириш орқали ҳисоблаш бўлиб ҳисобланади. Демак, агар тўплам харажатларга даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қўшилганлигини таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Бу критик нуқтани аниқроқ ҳисоблаш имконини беради. CVP таҳлилида тўлиқ таннархи ҳисобот даври давомида харажатларга олиб борилган (ҳисобдан чиқарилган) деб қаралади. Шу боис, бу таҳлил мақсадларида таннархи ва харажат бир кўрсаткич деб олинади.

Жами даромадлар – Жами таннарх = Фойда (1)

Юқорида таъкидлаганимиздек, критик нуқтада фойда ҳам зарар ҳам бўлмаганлиги учуе (1) тенглик натижаси нолга тенг бўлади. У ҳолда (1)- формала қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Жами даромадлар – Жами таннарх = 0 (2) бундан,

Жами даромадлар = Жами таннарх (3) келиб чиқади

Жами таннарх ўзгарувчан ва доимий таннархдан ташкил топганлигини инобатга оладиган бўлсак, (3)-формулани кенгайтириш мумкин.

Жами даромадлар = Ўзгарувчан таннарх + Доимий таннарх (4)

Белгилашларни киритиб олсак: Жами даромад - Y, Ўзгарувчан таннарх - (ЎТ), Доимий таннарх - (ДТ). У ҳолда юқоридаги формулани белгилашлар асосида ёзишимиз мумкин бўлади:

$$Y = ЎТ + ДТ \quad (5)$$

Агарда, жами даромад (Y) Сотилган (ёки ишлаб чиқарилган) Маҳсулот Бирлиги (Х) ва Сотиш нархи (СН) кўпайтмасидан иборат. Бунда ўзгарувчан таннарх ҳам Сотилган (ёки ишлаб чиқарилган) Маҳсулот Бирлиги (Х) ва Маҳсулот Бирлигининг Ўзгарувчан Таннархи (ЎТб) кўпайтмасидан иборат бўлади. Бу кўпайтмаларни ҳисобга оладиган бўлсак, (4) ва (5) формулаларни қуйидаги кўринишга келтириш мумкин бўлади:

Маҳсулот бирлиги (Х) * Сотиш нархи (СН) = Маҳсулот бирлиги (Х) * Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан таннархи(ЎТб) +Доимий Таннарх(ДТ)

Белгилашлар асосида формулани ёзадиган бўлсак,

$$X * CH = X * ЎТб + ДТ \quad (6)$$

Ушбу формулада (Х * ЎТб) ни тенгликнинг чап тамонига ўтказсак, у ҳолда

$$X * CH - X * ЎТб = ДТ$$

Х ни қавснинг ташқарисига чиқарсак, у ҳолда

$$X\ (CH - ЎТб) = ДТ$$

Бундан Х (Маҳсулот бирлиги) ни топсак,

$$X = ДТ / (CH - ЎТб) \quad (7)$$

Х маҳсулот бирлигида фойда нолга тенг бўлганлиги боис (7) да (Х) маҳсулот бирлиги кўрсаткичи критик нуқта бўлади. Демак,

Критик нуқта (Х) = Доимий таннаарх (ДТ) / (Сотиш нархи (СН) – Маҳсулот бирлиги ўзгарувчан таннархи (ЎТб) (8)

Критик нуқтани ҳисоблаш тартибини амалий мисолда кўриб ўтамиз. Компаниянинг фаолият даражаси маҳсулот бирлиги миқдори билан белгиланади деб тассавур қиламиз. Компания режаси бўйича янги компасс ишлаб чиқишни мўлжаллаган. Доимий таннарх 20,000 п.б., маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар 6 п.б.га тенг. Компания маҳсулотни 10 п.б. сотишни кўзда тутмоқда. Критик нуқтани аниқлаш талаб этилади.

Критик нуқтани аниқлаш формуласи:

Х = ДТ / (СН –ЎТб)

Масаланинг шартида ДТ - 20,000 п.б., СН - 10п.б., ЎТб - 6 п.б.га тенг. Ушбу қийматларни формуладаги кўрсаткичлар ўрнига қўйсак критик нуқтани аниқлаш мумкин бўлади:

Х = 20,000 / (10 – 6) = 20,000 /4 = 5,000 бирлик

Демак, 5,000 бирлик компасс ишлаб чиқарилган тақдирда фойда ҳам зарар ҳам бўлмайди. Чунки, сотиш ҳажми 5,000 * 10 п.б. = 50,000 п.б. бўлади. Ўзгарувчан харажатлар 5,000 * 6 п.б. = 30,000 п.б. га тенг. Жами харажатлар 30,000 п.б. + 20,000 = 50,000 п.б. ни ташкил этади. У ҳолда жами даромад ва жами таннархи бир бирига тенг. Натижа эса нолга тенг бўлади (50,000 даромад - 50,000 харажат = 0). Демак, 5,000 бирликдан ошган ҳар бир бирликдан корхона фойда олишга ўтади. 5,000 бирликдан кам ишлаб чиқарган тақдирда эса зарарга ўтади.

Контрибутция маржини методи. Бизга маълумки, ***контрибутция маржини*** бу жами даромадлардан ўзгарувчан таннархни чигириш орқали топилган сумма бўлиб, у доимий харажатларни қоплаш ва фойдани таъминлашга қаратилган бўлади. Контрибутция маржини жами суммада ёки маҳсулот бирлигига нисбатан ҳисобланиши мумкин. Юқоридаги Rember Company сида маҳсулот бирлигига нисбатан контрибутция маржини қуйидагича ҳисобланади:

Контрибутция маржини = Даромад – Ўзгарувчан таннарх (9)

Маҳсулот бирлигига нисбатан контрибутция маржини = Сотиш нархи – Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан таннархи (10)

Юқоридаги маълумотларни (10) даги ифодалар ўрнига қўйсак, у ҳолда қуйидаги натижани оламиз.

Маҳсулот бирлигига контрибутция маржини = 10 п.б. – 6 п.б. = 4 п.б.

(10)-формуладаги сотиш нархидан маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан харажатларини айириш натижасида олинган сумма маҳсулот бирлигига нисбатан контрибутция маржини берганлиги боис, (8)-формуланинг махражидаги ифаданинг ўрнига маҳсулот бирлигига контрибутция маржини кўрсаткичини қўйсак, у ҳолда критик нуқтани контрибутция маржини (маржинал даромад) орқали аниқлаш формуласи келиб чиқади:

Критик нуқта (Х) = Доимий таннарх (ДТ) / Маҳсулот бирлигига контрибутция маржини (КМб)
Ёки

$$X = ДТ/КМб \quad (11)$$

Юқоридаги мисол маълумотларини (11)-формуладаги ифодаларга қўйсак критик нуқта кўрсаткичи келиб чиқади.

$$X = 20{,}000 \text{ п.б.} / 4 \text{ п.б.} = 5{,}000 \text{ бирлик}$$

1-чизмада критик нуқта ва контрибутция маржини жойлашиши иллюстратив тарзда кўрсатиб берилган. Диаграммада контрибутция маржини доимий харажатларни қоплаб критик нуқта устидан эътиборан фойдани таъминлаши ҳамда критик нуқтадан пастки қисмида эса доимий харажатларни тўлиқ қоплай олмасдан зарар майдони шаклланиши акс эттирилган. Агар 6,000 бирлик ишлаб чиқилганда жами контрибутция маржини 24,000 п.б. да бўлиб (6,000 бирлик * 4 п.б./бирликка), бу сумма 20,000 п.б. даги доимий харажатларни қоплаб компанияга 4,000 п.б.даги фойдани таъмин этади.

Критик нуқтани суммада ҳисоблаш тартиби. Контрибутция маржини методи критик нуқтани суммада ҳисоблаш имконини ҳам беради. Буннинг учун (11)-формуланинг махражида клнтрибутция маржини даражаси кўрсатилиши керак бўлади. Контрибутция маржини даражаси қуйидагича аниқланади:

Контрибутция маржини даражаси = Контрибутция маржини / Сотишдан олинган даромад
ёки
Контрибутция маржини даражаси = Маҳсулот бирлигига контрибутция маржини / Сотиш нархи

Юқоридаги мисол маълумотларини қўйсак

Контрибутция маржини даражаси = 4 п.б. / 10 п.б. * 100% = 40% ёки 0.40 коэффициент

Ушбу кўрсаткичдан фойдаланиб критик нуқтани суммада ҳисоблаш формуласини келтириб чиқарамиз:

Критик нуқта (суммада) = Доимий харажатлар / Контрибутция маржини даражаси (12)

Юқоридаги мисол маълумотларини (12) формулага қўйсак, критик нуқтани суммадаги кўрсаткичи келиб чиқади:

Критик нуқта (суммада) = 20,000 п.б. / 0.40 = 50,000 п.б.

Демак, критик нуқта бирликда 5,000 бирликни, суммада эса 50,000 п.б.ни ташкил этмоқда. Ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш учун 5,000 бирликни 10 п.б. кўпайтириб критик нуқтанинг 50,000 п.б.дан иборат эканлигини аниқлаймиз.

График методи. График усулида кординатлар тизимида фаолият даражаси (ишлаб чиқариш ҳажми ёки сотиш ҳажми) билан даромадлар ва харажатлар ўртасидаги боғлиқлик тўғри чизиқлар орқали аниқланади. Бизга маълумки, доимий харажатлар Х ўқига нисбатан тўғри чизиқ кўринишида бўлади, яъни бизнинг юқоридаги мисолимизда доимий таннарх чизиғи У ўқидаги 20,000 п.б. дан Х ўқига параллел чизиқ тортилади. Ўзгарувчан таннарх чизиғи нолдан ўсувчи тартибда чизиқ орқали ифодаланади. Бунда шунга маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннарх 6 п.б. га тенг. Демак, чизиқни чизишда шунга эътиборни қаратиш лозимки маҳсулот бирлиги 1 бирликка ошганда ўзгарувчан харажатлар 6 п.б. га ошади. Бу чизиқ чизиш учун орентир ҳисобланади. Жами тўплам таннарх чизиғи эса У ўқидаги 20,000 п.б. дан ўзгарувчан харажатлар чизиғига параллел чизиқ орқали тасвирланади. Тўплам даромадлар чизиғи эса нолдан тортилади ва бу чизиқ ўзгарувчан харажатларнинг устидан ўтади. Бу чизиқни чизишда шунга эътиборни қаратиш лозимки маҳсулотни сотиш нархи 10 п.б. бўлганлиги учун сотиш бирлиги бир бирликка ошганда сотишдан олинган даромад 10 п.б. га ошади. Шу сабабли чизиқни чизишда сотиш нархи компасс вазифасини бажаради.

Ҳосил бўлган даромад ва харажатлар чизиғининг кесишиш нуқтаси критик нуқтани беради. Ушбу жараённинг иллютратив акс эттирилиши 2-чизмада келтирилган. Графикдан кўриниб турибдики маҳсулот ишлаб чиқаришининг 5,000 бирлигида тўплам даромадлар чизиғи тўплам таннарх чизиғи билан кесишмоқда. Бу нуқтада фойда ҳам зарар ҳам бўлмайди. Ушбу кесишиш нуқтасидан пастдаги

даромадлар ва харажатлар чизиғи ўртасидаги майдон зарарлилик майдони деб аталади. Аксинча эса, критик нуқтадан юқорида даромадлар чизиғи билан харажатлар чизиғи орасидаги майдон фойдалилик майдони деб аталади.

График усул фаоллик даражасининг (ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳажмининг) исталган миқдорида тўплам даромадлар ва тўплам таннархни аниқлаш имконини беради. Мисол, 6,000 бирлик ишлаб чиқарилганда ва сотилганда графикда жами даромад 60,000 п.б. эканлигини ҳамда жами таннархи 56,000 п.б.га тенг эканлигини аниқлаш мумкин. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги фарқ фойдани беради, яъни бу 4,000 п.б. га тенг (60,000 п.б. – 56,000 п.б.). Бу кўрсаткични формула орқали ҳам ҳисоблаш мумкин бўлади. Сотиш ҳажмининг харажатлар ва фойда боғлиқлиги формуласини келтирамиз :

Сотиш бирлиги (Х) * Сотиш нархи (СН) = Сотиш бирлиги (Х) * Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан таннархи(ЎТб) +Доимий Таннарх(ДТ) +Фойда (Ф)

Бу формуладан фойдани аниқлаш формуласини келтириб чиқарамиз:

$$Ф = Х * (СН – ЎТб) - ДТ \quad (13)$$

Юқорида берилган маълумотлар асосида 6,000 бирлик ишлаб чиқарилганда ва сотилганда фойда суммаси (13)-формула асосида ҳисобланганда

$$Ф = 6{,}000\ (10 – 6) – 20{,}000 = 24{,}000 – 20{,}000 = 4{,}000 \text{ п.б.}$$

келиб чиқади.

2-чизмадаги график ***CVP диаграммаси*** ёки ***CVP харитаси*** ҳам деб аталади. График усули CVP таҳлилини ўтказишда кенг фойдаланади. График таҳлили бир қанча афзалликларга эга ҳисобланади. График усули фаолият даражасининг маълум оралиғида натижаларни аниқ кўриш мумкин бўлади, қайсики формула усулида фақат битта фаолият даражасида натижаларни ҳисоблаш мумкин бўлади. График натижасида комплекс таҳлил натижаларини яққол илюстратив тарзда кўрсатиш имконияти бўлса, қайси бу ҳолат унинг тушунарлилик даражасини оширади. Индивидуал тартибда ҳар бир фаолият даражасида натижалар ўрганилганда бир қанча маълумотларни ҳисоб-китоб қилишда қийинликлар туғилиши мумкин. Фақат график усулини компьютер воситасида дастурда тайёрланса яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

12.2-маъруза. Сотиладиган маҳсулотлар (товарлар) ассортиментини режалаштириш. Баҳони шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш. Корхона маҳсулот таркибини чегараловчи омиллар асосида аниқлаш.

Менеджерлар доимий таннархи, ўзгарувчан таннархи, сотиш нархи ўзгариши ва уларнинг комбинациясининг фойдага таъсирини аниқлашда CVP боғлиқлигини таҳлил қилишга зарурият сезади. CVP таҳлили *Мўлжалдаги Фойдани (Target Profit)*олиш учун зарур бўлган фаолият ҳажми, таннархи ва сотиш нархи, ёки фаолиятнинг турли даражаларида фойда ва таннарх қандай бўлишини аниқлашга доир ахборотлар билан таъмин этади.

Дасттавал биз CVPнинг ҳар бир компонентининг бошқасидан мустақил ҳолда ўзгариши натижаларини ўрганиб чиқамиз. Кейинчалик эса турли компонентларнинг биргаликда ўзгариши натижаларини кўрамиз. Барча ҳолатларда биз муаммоларни ҳал қилишда биз айни бир тенглик формуласидан фойдаланамиз:

$$Даромад = ЎТ + ДТ + Фойда$$

Доимий таннархда ўзгариш. Бизга маълумки, доимий таннарх маълум релевант диапазонда ва ўрганилаётган давр давомида ўзгармас ҳисобланади. Бироқ, менеджерлар келгуси операцияларни режалаштираётганда унимдорликнинг ошиши, меҳнат муаммоларининг ҳал қилиниши, операцион жараённинг яхшиланиши натижасида доимий таннархнинг камайиши ёки кўпайишига доир қарорлар қабул қилиши мумкин. CVP таҳлили менеджерларга кам ҳиссада бўлган ёки корхона назоратидан ташқарида бўлган харажатларни ҳам таҳлил қилиш имконини беради, жумладан доимий харажатлар мол-мулк солиғи ўзгариши натижасида ҳам юз бериши мумкин. Ушбу таҳлил натижалари менеджерларга жами фойданинг доимий таннархи ҳисобидан ўзгаришини баҳолашга ёрдам беради, хусусан шундай омилларга операцион капастасининг (capacity) янги автоматик асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши натижасида ошишини киритиш мумкин.

Мисол учун, Rember Company менеджменти кейинги йилда ижарага олинган майдонни қисқартирган ҳолда фаоллик даражасини таъминлашни мўлжалламоқда. Ушбу майдон учун ижара суммасининг тежалиши ҳамда операцион жараённи ижарадаги майдондан ўз майдонига ўтказиш натижасида доимий таннарх 4,000 п.б. га қисқаришига эришилмоқда. У ҳолда доимий харажатларнинг ўзгариши муносабати билан янги критик нуқтани аниқлаш талаба этилади. Янги критик нуқта:

Х = ДТ / (СН-ЎТб) = 16,000 п.б. / (10 п.б. – 6п.б.) = 16,000 /4 =4,000 бирлик

Бу шуни англатадики, маҳсулот бирлигига контрибутция маржини 4 п.б. сақланган ҳолда доимий таннархнинг 4,000 п.б. камайиши компанияга яни 1,000 бирлик маҳсулотни доимий таннархни қоплашга ва фойдани таъмин этишга йўналтириш имконияти туғилмоқда. Агар компания 6,000 бирликда маҳсулот ишлаб чиқарса ва сотилса фойда тенг бўлади.

Ф = Х * (СН – ЎТб) – ДТ

Маълумотларни формулага қўйсак,

Ф = 6,000 б. (10 п.б. – 6 п.б.) – 16,000 п.б. = 8,000 п.б.

Доимий таннархининг ўзгариши ***3-чизмада*** (***а)*** диагараммада келтирилган. Доимий таннархнинг камайиши, ўзгарувчан таннархнинг ўзгармасдан қолиши натижасида тўплам таннарх камайган, натижада тўплам таннарх чизиғи кординатлар тизимида олдингисига нисбатан пастроқдан ўрин олган. Даромадлар чизиғида ва ўзгарувчан харажатлар чизиғида ўзгариш юз бермайди. Тўплам харажатлар чизиғининг пасайиши даромадлар билан тўплам харажатларнинг кесишиш нуқтаси, яъни критик нуқтанинг ҳам пасайишига сабаб бўлган. Диаграммада 6,000 бирлик ишлаб чиқилганда ва сотилганда фойданинг чиқиши ҳам кўрсатилган.

Ўзгарувчан таннархда ўзгариш. Ўзгарувчан таннарх жуда кўп сабабларга кўра ўзгариши мумкин. Масалан, янги меҳнат шартномаси, материал таннархининг юксалиши, юқори энергия харажатлари ва бошқа ўзгарувчан харажатлар ошиши ёки камайиши мумкин бўлади.

Rember Company янги меҳнат шартномаси қабул қилиши натижасида маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннарх 1 п.б. ошмоқда. Натижада жами ўзгарувчан таннарх 7 п.б. га тенг бўлади. Доимий таннарх ўзгармасдан қолмоқда. Бу ҳола янги критик нуқта тенг бўлади:

Х = ДТ / (СН – ЎЗб) = 20,000 / (10 – 7) = 6,667 бирлик

Таннархнинг 1 п.б. га ошиши сотиш нархининг 10%ни (1 п.б./10 п.б.), контрибутция маржинининг эса 25%ни (1 п.б./4 п.б.) ташкил этади ва бу натижада критик нуқтанинг 33 % (1,667 бирлик / 5,000 бирлик)га ошишига сабаб бўлади. Контрибутция маржининг кичик бўлиши доимий таннархни қоплаш учун кўпроқ бирликда маҳсулот бирлиги талаб этади ва натижада юқори бўлган критик нуқта юзага келади. Агар компания 6,000 бирлик ишлаб чиқарган тақдирда ҳам 2,000 п.б. да зарар кўради. 3-чизмадаги (b) диаграммада ўзгарувчан таннарх ўсишининг

таъсири акс эттирилган. Кординатлар майдонида жами таннарх чизиғи юқоридан ўрин олган, бу эса критик нуқтани 5,000 бирликдан 6,667 бирликка чиқишига сабаб бўлган, ёки сумма ҳисобида 66,670 п.б.ни сотиш ҳажмини ташкил этмоқда.

Сотиш нархида ўзгариш. Сотиш нархининг ўзгариши албатта контрибутция маржинига таъсир кўрсатади. Агар сотиш нархи юксалса, таннарх ўзгармасдан қолган ҳолларда критик нуқта пасайади. Мисол учун сотиш нархи 11 п.б. ўзгарди (олдин 10 п.б. эди). Критик нуқта тенг бўлади:

$$X = 20{,}000 / (11 - 6) = 20{,}000 / 5 = 4{,}000 \text{ бирлик}$$

Критик нуқтадаги сотишдан олинган даромадни топиш учун сотиш миқдорини сотиш нархига кўпайтириш керак бўлади. Янги сотиш нархида критик нуқтадаги даромад 44,000 п.б. га тенг (4,000 * 11). 3-чизмадаги (с) диаграммада сотиш нархи ўзгаришининг натижаси кўрсатилган. Агар 6,000 бирлик ишлаб чиқарилиб сотилса, нарх ва бошқа омиллар ўзгармасдан олдин 4,000 п.б.да фойда олинган. 6,000 бирлик 11 п.б. сотилганда эса 10,000 п.б.да фойда олинган, бу эса 250% ўсганлигидан далолат беради, қайсики сотиш нархи фақат 10% ўсгани ҳолда.

Мўлжалдаги фойда (Target Profit). Менеджерлар етарли даражада ахборот олишлари учун фақат критик нуқта етарли бўлмайди. Таҳлил етарли бўлишлари учун мўлжалдаги фойдани олишлари учун қайси фаоллик даражалари (ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми)га эришишлари лозимлигига доир ахборотлар талаб этилади.

Мисол учун, Remler Company си 15,000 п.б. фойда олишни мўлжалламоқда ва шунга яраша компасс сотиш миқдорини белгилаши лозим бўлади. Бу кўрсаткични аниқлаш учун, юқоридаги формулалардан :

$$\text{Даромад} = \text{ЎТ} + \text{ДТ} + \text{Мўлжалдаги Фойда (МФ)}$$

Бу формула асосида мўлжалдаги фойдада критик нуқтаси (Х м.ф.) аниқлаш формуласини топиш мумкин:

$$\boldsymbol{Хм.ф = (ДТ + МФ) / (СН\text{-}ЎТб)\ (14)}$$

Шу формулага қийматларни қўйиб мўлжалдаги фойдада критик нуқтани ***(Хм.ф.)***топамиз:

Хм.ф. = (20,000 п.б. + 15,000 п.б.) / (10 п.б. – 6 п.б.) = 35,000 п.б. / 4 п.б. = 8,750 бирлик

Бу 8,750 бирликни компания ишлаб чиқариш ёки сотиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Компассга бўлган эҳтиёж сотиш даражасига мувофиқ келмаслиги мумкин. Ушбу бирлик миқдори заводнинг капастасидан ташқарида ёки фаолият даражаси релевант ораликдан ташқарида бўлиши мумкин. Шу боис, менеджерлар риал ҳолатга баҳо бера олишлари лозим бўлади. Агар менеджерлар 8,750 бирликни ишлаб чиқиш нореал деб баҳоласа у ҳолда қанча бирлик ишлаб чиқиши мумкин бўлади ва ундаги мўлжалдаги фойда қанча бўлишини аниқлаши талаб этилади.

(12)-формуладан фойдаланиб мўлжалдаги фойдада критик нуқтани (суммада) топиш формуласини келтириб чиқарамиз:

Мўлжалдаги фойдада критик нуқта (суммада) = (Доимий харажатлар + мўлжалдаги фойда) / Контрибутция маржини даражаси (15)

Масалан, агар компаниянинг имкониятидан келиб чиқиб мўлжалдаги фойдани аниқлаш иконияти ҳисоблаш мумкин деб ҳисоблайлик. Бунда компаниянинг ўзгарувчан харажатлари сотиш нархининг 60%ни, фойда эса сотиш нархининг 15%ни ташкил этиш мўлжалланган бўлса:

Даромад (У) = ЎХ + ДХ + Мўлжалдаги фойда = 60% даромад + ДХ +15% даромад

Маълумотлар формулага қўйиб:

У = 80,000 п.б. аниқлаймиз.

Буни 10 п.б. сотиш нархига бўлиб мўлжалдаги фойдада критик нуқта (бирликда), 8,000 бирликка тенглигини топамиз:

3-чизмада (d)-диаграммада фаолиятнинг 8,000 бирлигида даромад ва харажатлар чизиғидаги юзага келган мўлжалдаги файда майдони акс эттирилган.

Комбинацион ўзгариш. Амалиётда CVP таҳлилида ўзгарувчан таннарх бошқаларига нисбатан кўпроқ ўзгаради. CVP таҳлилида бир вақтдаги барча ўзгаришларни ўз ичига олиши талаб этилади. Битта омилнинг ўзгариши бошқа омилларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, бир қанча доимий таннарх элементларининг ошиши бир қанча ўзгарувчан таннарх заррачаларининг камайишига сабаб бўлади ёки сотиш нархининг ўсиши доимий ёки ўзгарувчан таннархнинг ошиши натижасида юз берган бўлиши ва шунинг натижасида компенсацияланиши мумкин. Нархнинг ошиши сотиш ҳажмининг камайишига олиб келиши мумкин. Аниқ мисолда кўриб ўтайлик.

Масалан, *Rember Company* маҳсулот бирлигига 0.80 п.б.да меҳнат ҳақи харажатларининг ошишини доимий харажатларни камайиши

ҳисобидан компенсациялайди. Бу ижарага олинган майдондаги барча операцияларни хусусий бинодаги майдонга кўчириш орқали эришилмоқда, натижада доимий харажатлар 2,000 п.б. га камаймоқда. Бир вақтнинг ўзида менеджер ҳар бирлик маҳсулотга белгиланган нархни 0.40 п.б. га оширишни мўлжалламоқда, қайсики бу ҳолат маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қисқартирмайди. Компания томонидан 9,000 п.б. мўлжалдаги фойдани олиш кўзда тутилган. Мўлжалдаги фойдани олиш учун талаб этиладиган ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми:

$$X = (18{,}000 + 9{,}000) / (10.40 - 6.80) = 27{,}000\ п.б. / 3.60 = 7{,}500\ п.б.$$

Демак, барча омиллар бир вақтнинг ўзида ўзгарганида 9,000 п.б. даги фойдани олиш учун 7,500 бирлик сотиш талаб этилади.

Солиқлар таъсири. Юқорида таъкидлаганимиздек, CVP таҳлили маҳсулотга оид бўлган базисли компонентлар – доимий таннарх, ўзгарувчан таннарх, ҳажм ва фойда кўрсаткичларига таянади. Бу таҳлилни яна чуқурлаштириш мумкин. Масалан, ўзгарувчан харажатларни уларни ташкил этувчи компонентлари тўғридан тўғри материаллар, тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи ва ўзгарувчан УИЧХ, ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар ажаритилган ҳолда таҳлил қилиниши мумкин. Бундан ташқари фойда солиғи, солиқдан кейин фойда кўрсаткичларини ҳам таҳлил жараёнига киритиш мумкин. Бунда, фойда солиғининг чизиғи критик нуқтадан кейин юзага келади, чунки унгача фойда солиғи бўлмайди.

Фойда солиғи солиқгача фойдага нисбатан фоиз ҳисобида берилади. Rember Company си учун фойда солиғи ставкаси 30% белгиланган. Менеджерларга солиқдан кейинги фойда (соф фойда) суммаси 8,400 п.б.дан иборат эканлиги маълум (мўлжалдаги соф фойда). Ушбу маълумотлар асосида солиқгача фойда суммасини ҳисоблаймиз:

Солиқгача фойда суммаси = мўлжалдаги соф фойда / (1 – солиқ ставкаси)

Маълумотларни ушбу формулага қўйамиз:

Солиқгача фойда суммаси = 8,400 п.б. / (1 – 0.30) = 8,400 п.б. / 0.70 = 12,000 п.б.

Ушбу маълумотлар асосида солиқгача фойда суммасидаги критик нуқтани нуқтани аниқлаш мумкин бўлади:

$$X = (20{,}000 + 12{,}000) / (10 - 6) = 32{,}000\ п.б. / 4\ п.б. = 8{,}000\ бирлик.$$

Демак хулоса қилиш мумкинки, 12,000 п.б.даги солиққача фойда суммасини олиши учун компания 8,000 бирликдаги маҳсулот ишлаб чиқариши ва сотиши талаб этилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг сотиш ассортиментини режалаштириш Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот ассортиментига нисбатан бошқарув қарорлари молиявий ҳисобот асосида қабул қилинади. Шу ҳолда субектлар турли йўллар билан сотиладиган маҳсулотларни кенг ассортиментда ишлаб чиқарадилар; катта ва кичик ҳажмда, улгуржи ва чакана савдо ёрдамида, турли географик ҳудудда жойлашган истеъмолчиларга етказиб бериш йўли билан ва ҳоказо. Бундай амалиёт маҳсулотнинг турлари ва бозорларнинг сегментлари бўйича олинадиган даромадлар тўғрисида алоҳида ҳисоботларни талаб қилади. Бухгалтер томонидан субектнинг молиявий-сотув фаолияти ҳақидаги тўлиқ молиявий маълумотни ишлатиш субект ишининг унумдорлигини оширишга қаратилган назоратнинг амалдаги тизимини яратишга имкон беради. Алоҳида сегментлар бўйича молиявий ҳисоботларга умумий суммаларни киритиш керак ва субектнинг умумий молиявий ҳисоботига ҳам ушбу суммалар умумлаштирилган ҳолда киритилиши керак. Масалан, ҳар бир маҳсулот ёки маҳсулотнинг ассортиментини ишлаб чиқаришдан олинган фойда ялпи фойданинг бир қисми бўлиши керак, ишлаб чиқариш ҳажми эса ўзгарувчан харажатларнинг ҳажми билан ўзаро боғлиқликни сақлаши керак. Бир ишлаб чиқариш бўлинмаларининг харажатлари бутун субект даражасида ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми ҳисобланади ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, маҳсулот тури, иш вақтидан тўлиқ фойдаланганликни ҳисобга олган ҳолда назорат қилиниши лозим. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир сегментини баҳолаш ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобловчи бухгалтерга муаммо туғдиради. Унинг ечими кўпроқ рентабелли маҳсулотни ва субектнинг ялпи фойдасининг ишлаб чиқариш ҳажмини ва ассортиментини назорат қилиш тизимини тузиш жараёнида рўёбга чиқади. Бир субект учун назорат тизимининг ўзига хослигига қарамай у қуйидаги намунавий муолажаларни ўз ичига олиши лозим: ҳар бир маҳсулотнинг рентабеллигини кузатиш; ҳар бир маҳсулотдан олинган ялпи фойдани назорат қилиш; ҳақиқий фойданинг кутилаётганидан четга чиқишини аниқлаш; харажатлар тизимини ҳисоблаб чиқиш, ўта яширин харажатларни чиқариб ташлаш; алоҳида маҳсулотга тўғри келадиган устама сарфларни ҳисоблаб чиқиш; субектда қўлланиладиган талабнинг эластиклигига ва бошқа назорат муолажаларига нарх ўзгаришининг таъсирини аниқлаш. Назорат муолажаларидан фойдаланиш кутилаётган фойдани таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳажмининг қанча бўлишини, фойданинг аниқ ҳажмини олиш учун сотишда қандай нарх қўйиш кераклигини, субект ишининг зарарсизлик чегарасининг, хавфсизлик

ҳудудининг ва сотилган маҳсулот тизимининг қандайлигини аниқлашга имкон беради. Маҳсулот бирлигининг миқдорини ҳисоблаш зарарсизлик нуқтасини ҳисобга олмасдан қуйидаги тенгламага асосланади: Кутилган фойдани олиш учун сотилган маҳсулот бирлигининг миқдори = Доимий харажатлар + Кутилган фойда Бирлик маҳсулотнинг нархи Олдинги мисолнинг маълумотлари бўйича: (40000 + 146000) : 150 = 1240 дона яъни, ишлаб чиқаришнинг ҳажмини 760 донагача (2000-1240) тушириш керак. 209 Ҳисобнинг тўғри усули деб ялпи фойда усулига айтилади, унинг асосида қуйидаги тенглама ётади: Ялпи фойда (ёки маржинал даромад) = Маҳсулотни сотишдан тушган даромад - Ўзгарувчан сарфлар Бизнинг мисол учун ялпи фойданинг чизмасини тузиш қуйидаги расмда кўрсатилган (14.4-чизмага қаранг). Сарфлар ва даромад, м.с. 400000 Ишлаб чиқариш ҳажмининг қулай диапазони(майдони) 350000 С 300000 250000 Зарарсизлик нуқтааси 200000 Фойда худуди Д 150000 Зарарлар худуди К 100000 В 50000 0 200 400 600 800 100 0 120 0 140 0 160 0 180 0 200 0 220 0 240 0 Маҳсулотнинг бирлиги, дона 14.4-чизма. Ялпи фойданинг чизмаси (маржинал даромад) Ўзгарувчан сарфлар чизиғи (ОК) ишлаб чиқариш ҳажми бирлигига 2000 дона буюм ва 100000 сўм ҳисобидан тузилади. Доимий харажатлар (КД) ялпи (АД) ва ўзгарувчан (ОК) харажатларнинг ўртасидаги фарққа тенг. Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун майдони (диапазони) учун доимий қиймат ҳисобланади. 40000000 сўмдаги доимий харажатларнинг суммаси ўзгарувчан харажатларга қўшилади, натижада ялпи харажатлар чизиғи ўзгарувчан харажатлар чизиғига параллел бўлади. Маржинал даромад графикда сотишдан олинган даромад чизиғи (ОС) ва ўзгарувчан харажатлар чизиғи ўртасида кўрсатилган. Маҳсулотларнинг қулай майдони (диапазони) - маҳсулотнинг 600дан 2000 донагача бўлган бирлиги даражасида жойлашган. Шунга эътибор қаратиш лозимки, ишлаб чиқаришнинг белгиланган майдони (диапазони) чегарасида қарорлар қулай бўлади. Бу майдон (диапазон)дан ташқарида маҳсулот бирлигига бўлган сотиш нархи ва ўзгарувчан сарфлар бошқача бўлади. Айрим ҳолларда таҳлил учун хавфсизлик ҳудуди, шунингдек хавфсизлик чегарасининг коеффициенти ҳисоблаб чиқилади: Хавфсизлик ҳудуди = Режалаштирилаётган сотиш ҳажми - Зарасизлик нуқтасидаги сотиш ҳажми Хавфсизлик чегарасининг коеффициенти = Режалаштирилаётган сотиш ҳажми + Зарарсизлик нуқтасидаги сотиш ҳажми 210 Режалаштирилаётган сотиш ҳажми Зарарсизлик нуқтаси хавфсизликнинг чегарасини кўрсатмоқда. У субектнинг зарар кўришидан олдин сотиш ҳажми қанчага қисқартирилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Маҳсулотнинг рентабеллиги = Маҳсулот бирлигига таълуқли маржинал даромад Маҳсулот бирлигининг нархи х 100 Умумий таҳлилдан сўнг ҳар бир маҳсулот ёки маҳсулотнинг ассортименти томонидан фойдага қилинган индивидуал

қўйилмаларнинг жадвали тузилади (14.3- жадвалга қаранг). 14.3-жадвал Маҳсулотнинг ассортименти томонидан фойдага қилинган индивидуал қўйилма Маҳсулот Маҳсулотнинг рентабеллиги, % Маржинал даромад, сўм Маҳсулотнинг ассортименти тизими, % А 62 10000000 20 Б 60 20000000 40 В 50 20000000 40 Ялпи маржинал даромад 50000000 100 Жадвалдан кўриниб турибдики, В маҳсулоти энг кам рентабеллидир. Шу маҳсулотни ишлаб чиқариш натижасида умумий рентабеллик тушиб кетган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рентабеллик фойда бўйича 14,5дан 16 %гача ўсган бир даврда маржинал даромад бўйича ҳисобланганда эса 61%дан 55,9 %га тушиб кетди. Умумий ялпи маржинал даромаднинг 40 %ни эгаллаган В маҳсулоти ушбу маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва маркетинги ҳақида маълумот олинган сари камаядиган маълум бошланғич харажатларнинг мавжудлиги аниқланди. В маҳсулоти бошқа маҳсулотга нисбатан юқори нархга эга. Бу шароит маҳсулотнинг ассортиментини ўзгартириш учун раҳбарлар томонидан қарор қабул қилишга олиб келса ажаб эмас. Маҳсулотнинг ҳажми ва ассортиментига янада кенг қараш мақсадида кўп поғонали сегмент ҳисоби маълумотларига асосланган сегмент таҳлили усули қўлланилади (14.4-жадвалга қаранг). 14.4-жадвал Маҳсулот ҳажми ва ассортиментининг сегмент таҳлили Кўрсаткичлар В маҳсулотини ишлаб чиқаргунга қадар, минг сўм В маҳсулотини ишлаб чиқаришдан сўнг, минг сўм Сотишдан тушган даромад 49500 89500 Ўзгарувчан харажатлар 19500 39500 Маржинал даромад 30000 50000 Доимий харажатлар, шундан: Тўғри 6800 21500 Эгри 16000 16000 Фойда 7200 12500 Ишлаб чиқаришнинг ўртача рентабеллиги, % 61,0 55,9 Фойда даражаси нафақат маҳсулотлар бўйича, балки ҳар бир зонани фойданинг умумий суммасига қилган қўйилмалари бўйича баҳоланади. Субектнинг маржинал 211 даромади тизими бозор зоналари бўйича ҳисобланади, зоналар ичида эса маҳсулотларнинг тури бўйича ҳисобланади. Тадбиркорлик сегментларини назорат қилиш шакллари ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан ҳар бир маҳсулот учун сотиш нархини белгилашни ҳам кўзда тутади. Ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан маҳсулот сотишсини баҳолаш одатда усталар, бўлим ва сех бошлиқларини моддий рағбатлантиришда қўлланилади. Шуни эсда тутиш керакки, трансферт нархларини ҳисоблашнинг энг қулай варианти бўлиб харажатларнинг меъёрлари ҳисобланади. Шунинг учун фойда суммасига ҳар бир бўлинма томонидан қилинган қўйилма тўғри ишлаб чиқариш харажатларининг умумий устамаларини эмас балки ялпи қопланиши ва субектнинг соф даромадига бўлган таъсири сифатида қаралади. Назоратнинг кам аҳамиятли бўлмаганининг яна бири сифати бу маҳсулот турлари бўйича талабнинг эластиклигини кузатишдир. Сотишдан олинган фойданинг асосий консепсияси: нархларнинг кўтарилиши - сотиш ҳажмининг камайиши ёки нархларнинг пасайиши -

сотиш ҳажмининг ўсиши ҳисобланади. Талабнинг эластиклиги ҳар бир маҳсулот бўйича аниқланади. Агар талаб эластик бўлса сотишнинг ўсиши ҳақиқий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги керак ва нархларнинг даражасини ушлаб туришда алтернатив қадам бўлиб харажатларни пасайтириш дастури хизмат қилиши мумкин. Шунда сарфларнинг умумий суммасининг пасайтирилгани сотишнинг ҳақиқий ҳажмини 1/3 қисмидан ошмаслиги керак. Агар маҳсулот ассортименти маржинал қўйилма ва соф даромад даражаси билан белгиланса, унда ўртача ўзгарувчан харажатлар сотиш харажатларига мутаносибликда ўзгаради. Бундай ҳолда сотишнинг юқори даражаси харажатларни пасайтиради. Ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги сотиш ҳажмининг ўсиши учун қўшимча қўйилма ва ишчи кучи тўпламини талаб қилади, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасайиб харажатлар кўтарилиб кетади. 5. Баҳони шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш Маҳсулотга сотув нархини ўрнатиш- субектнинг асосий масаласи ва менежернинг санъати ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳони шакллантиришнинг бир неча ёндашувлари мавжуд. Биринчи ёндашув- шундай нарх қўйиш керакки, у сотувчини жалб қилсин; бошқаси- ўзи учун маълум нарх чегарасини белгилаш мақсадида рақибнинг ўрнатган нархидан фойдаланиш; учинчиси- рентабеллик поғонасини, ўзгарувчан харажатлар ва маржинал даромаднинг қийматини аниқлаш учун маҳсулот таннархи ҳақидаги маълумотдан фойдаланиш. Маҳсулотлар, товарлар ва хизматларга қуйидаги нарх ва тарифлар ўрнатилиши мумкин: сотувчи ва харидорлар учун мажбурий бўлган- расмий, субектнинг мазкур маҳсулотини ҳамма сотиб олувчилари учун бир хил бўлган- муқобиллаштирилган, сотишсотиб олиш далолатномасининг ҳар бирида- келишув. Расмий ва муқобиллаштириладиган нархлар жаҳон бозори нархлари ёки ишлаб чиқаришнинг асосланган харажатлари асосида ўрнатилади. Келишув нархлари эса ёки индивидуал харажатлар, ёки фойдаланиш параметрлари, ёки талаб ва таклифнинг ўзгариши асосида аниқланади. Реал нархни шакллантириш масаласи ҳозирги даврда субектларда ишлаб чиқаришнинг тушиб кетишида ортиқча қувватларнинг вужудга келиши, уларни таъминлаш сарфларининг ошиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфлация ва қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаш услубининг мавжудлиги учун қийинлашган. Субектнинг маъмурияти иқтисодий асосланган нархни ўрнатиш учун қатор муаммоларни ечиши керак: қарор қабул қилишда ҳисобга олинадиган харажатларнинг таркибини асослаш; калкулация қилиш услубини танлаш; доимий харажатлар минимал бўлган ишлаб чиқариш даражасини ўрнатиш; субект фойдасининг суммасини ҳисоблаб чиқиш. 212 Биринчи учта масала ишлаб чиқариш фаолияти ҳақидаги бобда кўриб чиқилган. Субектнинг фойдасини формула бўйича ва фойда билан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро алоқасини акс

эттирувчи график усули ёрдамида ҳисоблаб чиқиш мумкин. Формула бўйича фойдани ҳисоблаш усули соф фойда тенгламаси ва капиталнинг қайтимига асосланган: Фонд қайтими х Устав капитали Р = Ўтган йил учун ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг умумий суммаси х 100 бу ерда, Р- маҳсулот рентабеллигинининг даражаси. Фонд (капитал) қайтимининг меъёри = Соф фойда Ҳиссадорлик капитали Масала. Мазкур саноат тармоғи учун фонд қайтимининг ўртача меъёри 10 %. Устав капитали- 200 млн. сўм. Маҳслуот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар- 400 млн. сўм, шунда рентабеллик Р = 10% х 200000 х 100 қ 5 %ни ташкил этади. 400000 Агар субектнинг фойдаси ҳисоб нархидан паст бўлса. унда нархни калкулация қилишда фойданинг ўртача меъёридан ёки унинг озмунча ўсишини ҳисобга олгандан келиб чиқади. Инфляция шароитларида фойданинг ўртача меъёрига субектда инфлацияни компенсация қилиш учун тузилган захираларнинг қиймати қўшилади. Шуни таъкидлаш керакки, инфлация шароитларида ва субектнинг харажатларни пасайтиришга қаратилган қизиқишлари бўлмаган пайтда формулаларнинг маълуомтлари жуда муаммоли ҳисобланади. Нархни ўрнатишга харажатлар энг катта таъсирни кўрсатади. Харажатларнинг таркибини танлашда қуйидаги формула қўлланилади: 1. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш сарфлари + даромад. 2. Умумий ўзгарувчан сарфлар + даромад. 3. Ишлаб чиқариш таннархи + даромад. 4. Тўлиқ таннарх + даромад. Харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги зарарсизликни таҳлил қилишда ўрганиб чиқилган. Бу ерда асосий эътибор фойданинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигига қаратилган, чунки маҳсулотга бўлган нархнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан ёки сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгариши билан боғлиқ. Нархларни, маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришлари ўртасидаги ўзаро алоқа қуйидаги 14.5- чизмада кўрсатилган. А. Сотиш нархининг ўзгариши Б.Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши Фойд а, м.с. Фойд а, м.с. 80 80 60 60 40 40 20 20 500 100 150 200 250 500 100 150 200 250 213 0 0 0 0 0 0 0 0 0 Ҳажми, дона Ҳажми, дона 14.5-чизма. Нархларни, маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришлари ўртасидаги ўзаро алоқаси Масала. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми- 2000 дона. Маҳсулот бирлигининг сотиш нархи- 150 сўм. Маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар- 100 сўм. Доимий харажатлар- давр учун 40 минг сўм. Жорий фойда- 60 минг сўм (150-100) х 2000-40000) = 60000 сўм. Фараз қилайлик, ҳар бир кўрсаткич 10%га ўзгарди, унда маълумотлар қуйидагича ўзгаради. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми- 2200 дона (2000 х 10 % = 200); Маҳсулот бирлигининг сотиш нархи- 165 сўм (150 х 10% = 15); Маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар- 90 сўм(100 х 10% = 10); Доимий харажатлар- давр учун 36 минг сўм (40

х 10% = 4); Ҳамма ўзгаришлар натижасидаги жорий фойда ((165-90) х 2200 -36000) = 129000 сўм. 14.5-жадвал Кўрсаткичларнинг ўзгаришидан олинган натижа Омиллар Янги фойда, сўм Фойданинг ўсиши Сўм % А. Сотув нархининг кўтарилиши 90000 +30000 +50 Б. Маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатларнинг пасайиши 80000 +20000 +33 В. Доимий харажатларнинг пасайиши 64000 +4000 +7 Г. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши 70000 +10000 +17 Мазкур ҳисоблар омиллар бир-бирига боғланмаган ҳолда ҳаракат қиладиган шароитда амалга оширилади. Лекин амалий ҳолат бу омилларнинг тўлиқ бир-бирига алоқадорлигини ва бошқаларнинг таъсир кўрсатишини чиқариб ташламайди, шунингдек, сотиб олувчиларнинг талабларини, рақибларга йўналтирилган тезкор нарх сиёсатини ва бошқаларни. Ундан ташқари, махсус буюртмаларга нарх ўрнатишда озод ишлаб чиқариш қувватларини ҳисоблашда ёки уларнинг етишмаслигидан қийинчиликлар содир бўлади. Бундай ҳолатларда нархнинг шаклланиши нафақат бозор билан, қўшимча сармоялар билан ҳам боғлиқ бўлади. Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш консепсиясини ишлаб чиқиш олиб бориладиган сиёсат, режа ва иш тажрибасини аниқ таҳлил қилишни талаб қилади. Бунда- ниҳоятда янги маҳсулот ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг модификацияси муҳимдир. Янги деб, янги хусусиятларга эга бўлган ва мавжуд бўлган ассортиментга қўшиладиган маҳсулотга айтилади. Буюмлар абсолут янги бўлиши мумкин ёки маҳсулотни ўзи ўзгартирилмасдан янги ускуналар ва механизмларнинг комбинациясидан ташкил топиши мумкин. Абсолут янги маҳсулотни ишлаб чиқариш қўшимча сармояларни талаб этади. Шунинг учун янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича қарорларни қабул қилиш инвестициялар бўйича қарор қабул қилиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади, субект бошқарувининг юқори даражасида амалга оширилади. Сармояларни бошқаришнинг мақсади- қуйидаги соҳаларда асосий стратегик йўналишларни аниқлаш: янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш; ишлаб чиқариладиган маҳсулотни модернизация қилиш ва такомиллаштириш; одатдаги 214 маҳсулотни ишлаб чиқаришни кейинчалик ривожлантириш; эскирган маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ҳисобланади. Аммо янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш бошқа ҳамма йўналишларни аниқловчи субектнинг стратегиясида приоритет йўналиш бўлиб қолмоқда. Инновацион менежментини тузиш қуйидаги формулани таклиф этади: "Фан Ишлаб чиқариш Маҳсулот" Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш соҳасидаги инновация сиёсатини қарор қабул қилишда керак бўлган кўриниш, ҳажм ва маълумот мазмунини топширади. Инновация жараёнини 6та босқичга бўлиш мумкин: 1. Бозордаги технологик янги ўзгаришлар, илмий-изланиш ва тажрибаконструкторлик ишлаб чиқиш бўлимларидан (ИИТКИ), маркетинг бўлинмаларидан, сотув бўлими аппартидан, савдо даллолларидан, харидорлардан тушадиган

маълумотларни йиғиш ва тизимлаш; субектни янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва татбиқ этиш, таваккалчилик даражаси ва миқдорини аниқлашда мавжуд имкониятлари ҳақидаги мақсадли бозорлар ва уларнинг ривожланиш тенденсиялари ҳақидаги маълумотни йиғиш ва тизимлаш. Маълумотни йиғиш ва тизимлашнинг бу босқичида маҳсулотга бўлган талабга таълуқли омиллар аниқланиши керак. Қийинчилиги шундаки, бир хил маҳсулотлар талабни қондириш учун мўлжалланган бўлса, бошқалари эса талаб ва бозорни рағбатлантириш учун мўлжалланган бўлади. Изланиш ишининг энг бошида бозорни таҳлил қилиш маҳсулотнинг стандартларга тўғри келишини, унинг харидорлар учун кўзга ташланишини, катта ва кичик гуруҳларда сотиш ҳажмларини ўрнатишга имкон беради. 2. Янги маҳсулот ғоясига таъллуқли маълумотни танлаш, ғояларнинг имкониятлари ва амалий сотишсини аниқлаш; янги ва эски маҳсулотларнинг технологиясида ўхшашликлар ва фарқларни аниқлаш; янги маҳсулот субектнинг ихтисослигига тўғри келиши; бўлажак буюмнинг патент тозалигини аниқлаш. 3. Янги маҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш маркетинг дастурини ишлаб чиқиш билан бирга амалга оширилади: маҳсулотнинг лойиҳасини техник ишлаб чиқиш; маҳсулотнинг техник-иқтисодий тавсифини танлаш, унинг сифати ва истеъмол хусусиятларини баҳолаш; сотув талаби ва ҳажмини баҳолаш; яратиш ва ўзлаштиришга кетган сарфларни аниқлаш, сарфларининг қопланиш муддатлари; ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларнинг мавжудлиги- машина, ускуна, хомашё, материаллар, ишчи кучи ва молия; маҳсулотни ўзлаштириш ва у билан бирга бозорга чиқиш муддатлари; ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш. 4. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш- янги буюмни ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси учун ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш; намунани яратиш ва экологик жиҳатдан, хавфсизлик жиҳатдан техник синашларни ўтказиш ва бошқалар; товарнинг номланишини, унинг товар белгисини, безатиш, қадоқлаш ва маркировка қилишни ишлаб чиқиш. 5. Чекланган бозорда маҳсулотга бўлган нархга ва бошқа тижорат шартларга нисбатан уч ойдан кам бўлмаган муддатда изланишлар олиб бориш; сотиш қилишни муқобил каналларини танлаш; реклама воситалари ва усулларини танлаш. 6. Сотув ҳажми, маҳсулотнинг рентабеллиги, талаб ва таклифни қондириш даражаси, харидорлар билан бўлган алоқанинг бир маромлилигини; ишлаб чиқариш қувватлари, ресурслари, ходимларнинг малакавий таркибини; ишлаб чиқариш ва сотувга сарфланган умумий суммасини, молиялаштириш манбалари, ҳисоблаш даврига бўлган фойда ва зарар бўйича кўзланаётган натижаларни ҳисоблаш асосида янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга киритиш ҳақида қарор қабул қилиш. Янги маҳсулот устидан изланиш олиб бориш ва яратиш босқичларида муҳим масала

бўлиб бу мақсад ва сотиш ҳажмига бўлган сарфларнинг нисбатини, ишлаб чиқариш сарфлари ва ялпи фойда (маржинал даромад)нинг нисбатини аниқлаш туради. 215 Қарор қабул қилишда муҳим хусусият бўлиб бутун субект бўйича сотиш ҳажмига ва бошқа буюмлар сотишсининг ҳажмига янги маҳсулотни татбиқ этиш таъсирини баҳолаш қўлланилади, шунингдек яратишга, ишлаб чиқаришга, сотишга, рекламага кетган харажатларнинг қопланиш вақтини баҳолаш қўлланилади. Янги маҳсулотни яратишнинг самарадорлигини баҳолашнинг турли усуллари мавжуд: эксперт баҳолаш; фойданинг кутилаётган меъёри; эҳтимолли ёндашиш; кутилаётган фойданинг динамикасини баҳолаш; баҳолаш критерияларининг кўп ўлчамлиги; тармоқни жалб қилиш қобилияти, рақибларнинг унга таъсири ва кириши; ҳозирда ишлаб чиқарилаётган товарларни такомиллаштириш учун янги яратмаларни қўллаш имкониятлари; янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотувини субектнинг молиявий фаолиятига таъсири. Маҳсулотнинг муваффаққиятлиги кўп жиҳатдан маҳсулотга нарх ўрнатиш билан кафолатланган. Маҳсулотга бўлган нархни белгилашнинг асосий критерияси эски ёки шунга ўхшаш маҳсулотнинг нархи хизмат қилади. Бозорнинг талаби ва ундаги маҳсулотлар доим ўзгариб турганлиги сабабли янги маҳсулотнинг пайдо бўлиши бошқа ишлаб чиқарувчилар учун маълум бўлади. Шундан, реклама компаниясини кенгайтириш, реклама қилинаётган маҳсулотнинг функсионал роли, ўхшаган параллел маҳсулотни ишлаб чиқариш, бундай маҳсулот учун "ўзининг" бозорини яратиш ёки талаб қайишқоқлигини ҳисобга олган ҳолда унча кўримсиз бўлган маҳсулотларга нархни белгилаш. Турли ҳолда янги маҳсулотга нархни ўрнатиш ва ҳисоблаш учун сарфлар ва фойда коеффициентлари, сотиш нуқтаси ва маҳсулотнинг зарарсизлик графиги ишлатилади. Қатор лойиҳаларнинг мавжудлигида йирик субектлар бирданига бир нечасига сармоя киритади, кейнчалик эса, қарор қабул қилингандан, маҳсулот текширилгандан сўнг уларни танлашни бошлайди. Айрим ҳолларда ўтмишдаги "омадсиз" маҳсулот келажакда "омадли" бўлиб кетади. Маҳсулот нархининг ва қийматининг тўғри келишини ўрнатиш учун бу кўрсаткичлар бўйича ҳисоботлар тузиш тизими тез ва самарали бўлиши керак, бухгалтерия ҳисоботларига қўшимча қилиб бухгалтерлар янги маҳсулотнинг ҳулқини тавсифловчи алоҳида жадваллар тузишлари керак. Маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг унинг сотишсини текшириш жараёни ўтказилади. Янги маҳсулот сотишсининг тезлиги ва сотиш қийматига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги маълумот бухгалтерия ҳисоботида рўйхатга олинади. Ундан ташқари, янги маҳсулотнинг бозордаги ҳулқини ўрганишнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилади. Бу- почтали корреспонденсия, саволнома ёки телефон ёрдамида хусусий шахсларни савол-жавоб қилиш. Янги маҳсулотни баҳолашдан ташқари харидор томонидан мазкур маҳсулот сотиб

олинган шароитлар ўрганилади, бу эса нархни аниқлашда, бўлажак маҳсулотларни баҳолашда ва рекламада муҳим ўрин тутади.

Сотиладиган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)га илмий асосланган баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўз маҳсулотини ишлаб чиқара бошлашидан аввал ҳар бир корхона қанча фойда олиши мумкинлигини режалаштиради. Корхона фойдаси, одатда, асосан икки кўрсаткичга боғлиқ: маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳақиқий харажатлар. Эркин рақобат шароитида маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳиши бўйича баланд ёки паст бўлиши мумкин эмас, у талаб ва таклиф асосига қурилган бозор қонуниятлари билан тартибга солиб борилади. Профессор Т.Маликов, корхонага инвестиция ва молиявий қарорлар қабул қилмоғи учун биринчи навбатда унинг маҳсулотига бўлган талаб тўғрисида маълумот зарур бўлади, деб ҳисоблайди. Шунинг учун, маркетинг тадқиқотларининг муҳим инструментларидан бири талаб ва таклиф эгри чизиқлари эканлигини тан олган ҳолда, шулар устида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир (3.75., 12 б.). Маълумки, инфляция жараёнида баҳоларнинг ўсиши содир бўлаётган пайтда пулнинг фойдалилиги пасайиб боради. Шу сабабли бундай шароитда барча ҳисоб-китобларни қиёсий ёки базис даври баҳоларида амалга оширмоқ зарур. Акс ҳолда, нотўғри маълумотларга асосида тўғри молиявий қарор қабул қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи-назардан қиёсий баҳолардан фойдаланиш молиявий менежментдаги ҳамма ҳисоб-китобларга тегишли бўлган талаб ҳисобланади. Бунда бир ўлчамнинг ўзгариши иккинчи ўлчамнинг ўзгаришига қандай таъсир этиши таҳлил қилинади. 161 Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва баҳолар даражаси турлича бўлган шароитда фойда суммасини солиштиришни бир нечта вариантлари мавжуд. Маҳсулотнинг қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш умумий тушумнинг маълум бир бирликда ошишига олиб келади ва у чекланган тушум дейилади. Ўз навбатида харажатлар миқдорининг ҳам бир бирликда ошиши кузатилади ва у чекланган харажатлар деб аталади. Максимал фойда чекланган тушум билан чекланган харажатлар бир-бирига тенг бўлган ёки улар бир-бирига максимал даражада яқинлашган ҳолда олиниши мумкин. Фойдалиликнинг чекланганлиги назариясига мувофиқ, ишлаб чиқаришнинг ўсиши туфайли чекланган тушум чекланган харажатларга нисбатан тезроқ суръатларда ўсиб боргунга қадар фойда ҳажми ўсиб бораверади. Бироқ, чекланган харажатлар чекланган тушумдан ошиб кетган пайтда маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш зарур. Хулоса қилганимизда, чекланган харажатларнинг чекланган тушумга яқинлиги (максимал) энг юқори даражада таъминланганда ёки унга тенглаштирилганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва унинг баҳоси ишлаб чиқарувчини энг юқори (максимал) фойда билан таъминлайди. Муаллифнинг яна бир фикри

диққатга сазовордир яъни баҳо ошган (ёки пасайган) ҳолатда талаб ҳажмининг эластиклиги масаласидир. (12-жадвал). 12-жадвал Талабнинг турли кўринишларида харидорларнинг хатти-ҳаракатлари Талаб характери Баҳолар пасайганда харидорларнинг хаттиҳаракатлари Баҳолар ошганда сотиб олувчиларнинг хаттиҳаракатлари Талаб эластикли (ТЭ>1) Сотиб олиш ҳажми кескин ошади (баҳонинг пасайишига нисбатан талаб тез-роқ ўсади). Корхонанинг тушуми ортади. Сотиб олиш ҳажми кескин камаяди (баҳонинг ошишига нисбатан талаб юқори суръатларда пасая боради). Корхонанинг тушуми орта-ди. Корхонанинг тушуми камаяди. Талаб эластиклиги бирга тенг (ТЭ=1) Баҳонинг пасайишига мос равишда талаб суръатлари ҳам ўса боради. Корхона-нинг тушуми ортади. Баҳонинг ўсиш суръатларига мос равишда талаб ҳам пасая боради. Тушум ўзгармайди. 162 Талаб эластик эмас (ТЭ

Ташқи муҳитдаги қуйидаги макродаражадаги ўзгаришлар корхона даражасида баҳони шакллантиришга шубҳасиз таъсир кўрсатади: 1. Иқтисодиётдаги ўсиш ва пасайиш (ҳар қандай маҳсулотга бўлган эҳтиёж аҳолининг реал даромадлари, инвестиция фаоллиги, давлат Бошқарувнинг асосий функциялари: Режалаштириш, ташкил этиш Назорат Иқтисодий таҳлил Ҳисоб: бухгалтерия, статистик, оператив-техник Бошқарувнинг таъминот функциялари: Бошқарилувчи тизим: ишлаб чиқариш жараёни трансферт баҳони шакллантириш бўйича қарор-лар қабул қилиш Бошқарувчи тизим: Турли даражадаги раҳбарлар Баҳони шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш Ташқи муҳит Тўғри алоқа Тескари алоқа 163 харажатлари, кредит олиш ва уни қайтаришга имкониятлари, баҳоларнинг ўзгаришига боғлиқ). Шу сабабли ташқи муҳитни таҳлил қилиш корхонани баҳолаш учун бошланғич нуқта ва қадам бўлиб ҳисобланади; 2. Табиий ресурсларга яқинлик ва уларнинг заҳирасига эга бўлиш нафақат маҳсулот етиштирувчи, балки қайта ишловчи корхоналарни стратегик ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга; 3. Сиёсат ва ҳуқуқ. Корхонанинг фаолият юритишида давлатнинг иқтисодий барқарорлиги, турли хил мулк эгаларининг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгариб туриши, божхона ҳуқуқи каби омиллар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга; 4. Демография. Корхона жойлашган ҳудуддаги аҳолининг сони ва таркиби унинг фаолиятига жуда ҳам боғлиқдир. Агар ҳудудда туғилиш даражаси юқори бўлса, болалар ассортиментига талаб катта бўлади ёки катта ёшдаги аҳолининг ҳиссасига қараб уларнинг талабидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарур бўлса, корхона шу бозорга қараб мўлжал олиши зарур; 5. Ижтимоий-маданий муҳит. Жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги ошиб бориши билан унда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга, кам аҳолининг таъминланган ва ишсиз қатламларини ҳимоя қилишга эҳтиёж ошиб боради; 6. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий

муносабатлар. Баҳо сиёсати масаласи бўйича молиячи ва маркетологлар ўртасидаги баҳога нисбатан икки муқобил ёндашув - харажатлар ва қиймат ёндашувлари соҳасида баҳс-мунозара келиб чиқади. Уларнинг моҳиятини 14-чизма ёрдамида тасвирлаш мумкин. Баҳога нисбатан харажатлар ёндашуви энг синалган ва ишончли ёндашувдир. Унинг асосида реал категория ётади, бу - маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва сотилишига сарфланадиган корхона харажатларидир. Бу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқаришга ва сотишга қилинган ҳақиқий харажатлар категорияси орқали ифодаланади ва бухгалтерияда дастлабки 164 ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлади. Т/н Харажатлар асосидаги ёндашув Қиймат ёндашуви 1. Маҳсулот Харидорлар 2. Технология Қийматликлар 3. Харажатлар Баҳо 4. Баҳо Харажатлар 5. Қийматликлар Технология 6. Харидорлар Маҳсулот 14-чизма. Баҳони шакллантиришга ёндашувлар Бунинг устига, маълум даражада бу ёндашувнинг нуфузи иқтисодий назарияда қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ, чунки, маҳсулотлар ўртасида харажатларни тўғри тақсимлаш, таннархни шакллантириш ва бошқариш баҳони корхона учун нафлилик нуқтаи-назаридан даромад олиш манбаига айлантиради. (15-чизма). 15-чизма. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо ва харажатлар ўртасидаги реал боғлиқлик Маҳсулот сотишда баҳо даражасини сотишнинг тахминий ҳажми ва шунга мос ишлаб чиқаришнинг тахминий миқёси белгилайди. Шу билан бирга, иқтисодий назария ҳам, бошқарув ҳисоби ҳам эътироф этадики, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари ҳажми бевосита ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқ. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўсиши билан бир буюмга тўғри келадиган доимий харажатлар суммаси ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган ўртача харажатлар ҳажми ҳам ўсади. Бинобарин, уддабурон менежер баҳони белгилаётганда харажатлар усули асосида ёки рақобатчилар томонидан баҳо бўйича қабул қилинган қарорлар таъсири остида пассив баҳо белгилаш йўлини танламаслиги лозим. Энг оқилона ёндашув - баҳони шакллантиришга фаол ёндашув бўлиб, Баҳо Сотишларнинг режалаштирилаётган ҳажми Ишлаб чиқаришнинг кутилаётган ҳажми Маҳсулот бирлигига сарфланган харажатлар 165 бунда баҳони бошқариш орқали сотишларнинг зарур ҳажмига мос келувчи ўртача харажатлар ҳажмига эришилади, бу эса корхонани фойдалалиликнинг кутилаётган даражасига олиб чиқади. Баҳони шакллантиришга фаол ёндашув мантиқига ўхшаш масалаларни қуйидагича таърифлаш мумкин: “Энг паст баҳода сотиладиган товарлар миқдорини катта миқдордаги фойда олиш учун қанчагача оширишимиз керак?” ёки “Сотиладиган товарларнинг қанча миқдорини юқорироқ баҳода кўпроқ фойда олиш учун қурбон қилишимиз керак?”. Айнан мана шундай ёндашув “заиф” бозорларда (яъни, талаб пасайиб борувчи бозорларда) ёки “кучли” бозорларда (яъни, талаб ортиб борувчи бозорларда жуда юқори баҳолар харажат ёндащувини жиддий

камчилигини четлаб ўтиш имконини беради). Шуни таъкидлаш жоизки, баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувдан воз кечиш корхона менежерларига осон бўлмайди, чунки улар ишлаб чиқаришга янги маҳсулот учун инвестиция қилиш ва баҳони шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилингунча, кутилаётган фойдани аниқлашни талаб этадилар. Лойиҳалаштирилаётган янги маҳсулот замонавий техник даражага мос келувчи ўлчамлар ва хоссаларга эга бўлиши, конструкторлик хизматлари, технологлар, молия-иқтисодий бўлим ва бухгалтерияда техникиқтисодий асоснома (ТИА) билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шу босқичнинг ўзида баҳо аниқланади, у харажатларнинг ўрнини тўлдириши ва инвестицияларни зарурий даражада қоплаши керак. Шундан сўнггина маркетологлар (агар шундай мутахассислар бор бўлса) маҳсулот сотиш ҳажмини аниқлайдилар. Улар маҳсулот сотишни ташкил этиш, маҳсулот хоссаси ва сифатига харидорларни ишонтиришга интиладилар. Агар бундай "тарғибот" натижалари ижобий натижа бермаса, корхона раҳбарияти одатда баҳони пасайтириш таклифи ҳисобига вазиятни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бундай шароитда, одатда, харидорлар бозорда устунлик қиладиган 166 вазият юзага келади. Бунда айнан улар ўз шартларини қўядилар ва баҳони янада кўпроқ арзонлаштиришга эришадилар, акс ҳолда товарларни сотиб олишдан бутунлай бош тортишлари мумкин. Профессор Вахрушина М.А. бошқарув ҳисобида баҳони белгилашда халқаро амалиётда мавжуд икки хил ҳолатни кўрсатиб ўтади: 1) Баҳонинг узоқ муддатли қуйи чегараси; 2) Баҳонинг қисқа муддатли қуйи чегараси. Биринчи ҳолат корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилинган жами харажатларни қоплаш учун қандай минимал баҳони ўрнатиши зарурлигини кўрсатади. Бу қуйи чегара маҳсулотнинг тўлиқ таннархига мос келади. Иккинчи ҳолат корхона харажатларнинг фақат ўзгарувчан харажатларга тенг қисмини қоплайдиган баҳони назарда тутади. Мазкур қуйи чегара "директ-костинг" усули асосида ҳисобланадиган ўзгарувчан харажатларга тенгдир. Айрим вазиятларда корхонада ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишлатилмаганда қўшимча буюртмалар учун қилинган харажатлар тўлиқ қопланмаган ҳолатда ҳам уларни бажаришга тўғри келади. Бунда корхона буюртманинг баҳосини унинг қисқа муддатли қуйи чегарасигача туширишга мажбур бўлади. (3.36., 233 б.). Шу ўринда профессор Жуманов О.нинг қуйидаги фикрини ўринли деб ҳисоблаймиз:"Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётган корхоналарда доимий ва ўзгарувчан харажатларни ҳар бир буюртма бўйича гуруҳларга бўлиш зарурдир. Баъзан баҳо белгилаш вақтида бир нечта кичик буюртмалар учун тааллуқли доимий харажатларни таъсирини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин". (3.53., 152.). Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувга мўлжал қилиб муваффақиятга

эришиш ғоят мушкул. Бизнинг фикримизча, бундай шароитда баҳога қийматли ёндашувга кўпроқ эътибор бериш лозим. (16-чизма). 167 16-чизма. Баҳони шакллантиришга қийматли ёндашув Акад.М.Шарифхўжаев ва проф.ғ.Абдуллаевларнинг «Менеж-мент» дарслигида юқори фойда олишнинг учта шартини оқилона мувофиқлаштириш шароитидагина маъқул ва ишончли қарорлар қабул қилишга, танловни тўғри бажара олишга эришиш мумкинлигини таъкидлашимиз зарур. (17-чизма). (3.175., 6 б.). 17-чизма. Юқори фойда олишнинг уч шарти Баҳога нисбатан қийматли ёндашувнинг вазифаси корхона мижозларининг рағбатлантирилишидан иборат эмас. Бундай натижага баҳога катта чегирмалар бериш ҳисобига ҳам эришиш мумкин. Лекин, қийматли ёндашув, корхона учун сотишлар ҳажмини тобора авж олиши ҳисобига эмас, балки “қиймат - харажатлар” нисбатининг мутаносиблигига эришиш ҳисобига фойда олишни таъминлаши керак. Одатда, баҳони шаклланиши меҳнат бозорида рақобатда бўлган бошқа корхоналар таъсирига ҳам боғлиқ. Шу боис, корхонанинг баҳо сиёсати бухгалтерлар, молиячилар, маркетологлар, менежерлар ва бозорни ўрганувчи ахборот хизматчиларининг доимий ҳамкорлиги натижасида туғилади ва такомиллашади. Бундай шароитда баҳо сиёсатини шакллантириш корхонага Фойда Харажат Наф Баҳо Харидорнинг манфаати ва ютуғи Корхонанинг фойдаси БАҲО Корхонанинг харажатлари ҚИЙМАТ (НАФ) 168 фойда, харидорга эса кўпроқ наф келтириши лозим. Баҳони шакллантиришда маҳсулотни зарарсиз сотилишини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳосини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз: 1 Юқорида таъкидланган зарарсизлик баҳосини аниқлаш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз. 1-мисол. Корхона бир хил товар ишлаб чиқаради ва сотади. Ўуйида унинг фаолиятини изоҳлайдиган маълумотлар келтирилган. Сотишдан олинадиган тушум, сўм 470000 Ўзгарувчан харажатлар, сўм 280000 Маржинал даромад, сўм 190000 Доимий харажатлар, сўм 115000 Операцион фойда, сўм 75000 Ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми, дона 250 Биринчи навбатда, остонавий тушумни белгилаб олиш учун қуйидагича ҳисоб-китоблар қилинади: 1. Маржинал даромад катталигини топамиз: 470000-280000=190000 3. Маржинал даромад коэффициентини чиқариб ташлаймиз: 190000:470000=0,4 4. Остонавий тушум (зарарсизлик нуқтаси)ни аниқлаймиз 115000:0,4=287500 Остонавий тушумни ҳисоблаб топгач, унинг ёрдамида маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳосини аниқлаш мумкин: 287500:250дона=1150 сўм. 1 2.2.1 параграфда зарарсизлик нуқтаси ва остонавий тушум батафсил кўриб чиқилган. Остонавий тушум Зарарсизлик баҳоси = Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 169 Демак, маҳсулотни бир бирлигини сотиш баҳоси 470000:250дона=1880 сўм бўлса, бир бирликка тўғри келадиган фойда суммаси 730 сўмни ташкил этади. Зарарсизлик баҳоси формуласи

маҳсулотнинг белгиланган ҳажмини сотиш жараёнида фойданинг маълум даражасига эришиш учун сотишнинг зарарсиз баҳосини аниқлашга имкон беради. Баҳо ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаши ва корхонага фойда келтира бошлашига имкон бериш учун уни сотиладиган маҳсулотга қандай белгилаш лозим? Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз. 2-мисол. Корхона 5000 дона маҳсулот сотишни режалаштирган, бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган ўзгарувчан харажатлар 1600 сўмни ташкил этади Доимий харажатлар - 2000000 сўм. Корхона 3000000 сўм миқдорида фойда олишни мўлжаллаган. Маҳсулотни қандай баҳода сотиш керак? 1. Дастлаб, маржинал даромад ҳажмини аниқлаймиз. Бунинг учун доимий харажатларга фойданинг режалаштирилган ҳажмини қўшамиз. 2000000 сўм+3000000 сўм = 5000000 сўм 2. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган маржинал даромад суммасини топиш учун ялпи маржинал даромад суммасини сотиладиган маҳсулотлар миқдорига бўламиз: 5000000 сўм:5000дона = 1000 сўм. 3. Маҳсулот бирлиги баҳосини аниқлаш учун ўзгарувчан харажатлар орқали ҳисобланган маржинал даромад суммасига доимий харажатлар ва фойдани қўшиш натижасида аниқланган маржинал даромад суммасини йиғиб топамиз: 1600 сўм+1000 сўм = 2600 сўм

Операцион ричаг (Operation Beyond). Операцион ричаг бу компанияда доимий харажатларнинг қопланиш даражасини белгилайди. Агар бу кўрсаткич юқори бўлса, демак доимий харажатлар ҳиссаси ўзгарувчан харжатларга нисбатан катта бўлади. Компанияларда операцион ричаг қанчалик катта бўлса фойда кўрсаткичи даромад кўрсаткичига шунчалик сезувчан бўлади. Даромадларнинг озгина ошиши ёки камайиши фойданинг сезиларли даражада ошишига ёки камайишига олиб келади. Фойданинг даромадга нисбатан ошиши ёки камайишини операцион ричаг даражаси орқали ифодалаш мумкин бўлади.

Операцион ричаг даромаднинг фоизларда ўзгариши фойданинг фоизларда ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини англатади (Управленческий учет 1. Ташкент-2004, 79-бет).

Операцион ричаг даражаси = Контрибутция маржини / Фойда

Юқоридаги мисолимизда кўриб ўтайлик, доимий харажатлар 20,000 п.б., сотиш нархи 10 п.б., маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар 6 п.б., мўлжалдаги фойда 12,000 п.б.га тенг. Опрацион ричаг даражасини аниқлаймиз.

1) Критик нуқта = 20,000 / 4 = 5,000 бирлик
2) Мўлжалдаги фойдада фаоллик даражаси (сотиш ҳажми, бирликда) = (20,000 + 12,000) / 4 = 8,000 бирлик

Юқоридаги маълумотлар асосида қўйидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин бўлади:

Сотишдан олинган даромад	(8,000 бирлик * 10 п.б.)	80,000 п.б.
Ўзгарувчан харажатлар	(8,000 бирлик * 6 п.б.)	48,000
Контрибутция маржини	(80,000 п.б. – 48,000)	32,000
Доимий харажатлар		20,000
Фойда	(32,000 – 20,000)	12,000

Ушбу маълумотлар асосида операцион ричагни ҳисоблаймиз:

Операцион ричаг = Контрибутция маржини / фойда = 32,000 / 12,000 = 2,67

Демак, агар компаниянинг даромади 10% га кўтарилса, фойда кўрсаткичи 26.7%га ошади.

Буни юқоридаги рақамларда кўришимиз мумкин:

Сотишдан олинган даромад	(80,000 *1.10)	88,000 п.б.
Ўзгарувчан харажатлар	(48,000 * 1.10)	52,800
Контрибутция маржини	(88,000 – 52,800)	35,200
Доимий харажатлар		20,000
Фойда	(35,200 – 20,000)	15,200

(15,200/12,000= 1.267, 26,7%)

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, сотиш ҳажми 10%га ошганда фойда 26.7% га ошмоқда.

Хавфсизлик маржини (Margin of Safety Ratio). Хавфсизлик маржини бу ҳақиқий даромаднинг критик нуқтадаги даромаддан ошган қисмини суммада ҳамда сотиш ҳажмига нисбатан фоизлардаги кўрсаткичлар билан ифодаланиб, компаниянинг критик нуқтага нисбатан қанча хавфсиз ишлаётганини тавсифлайди.

Хавфсизлик маржасини суммада ва коэффициентда ифодалаш мумкин:

1) ***Хавфсизлик маржини, суммада = Ҳақиқий сотиш (даромад) - Критик нуқтадаги сотиш (даромад)***

2) ***Хавфсизлик маржини, коэффициентда = (Ҳақиқий сотиш (даромад) – критик нуқтадаги сотиш) / Ҳақиқий сотиш***

CVP таҳлили жараёнида хавфсизлик маржини кўрсаткичларидан фойдаланишни амалий мисолларда кўриб ўтайлик. Rember Company си иккита алтернатив вариант юзага келмоқда. Ушбу алтернатив вариантларни баҳолаш талаб этилади. Компасснинг сотиш нархи 10 п.б.

Менеджерлар унинг сотиш нархини ўзгартирмоқчи эмас. Доимий харажатлар 20,000 п.б.ни ташкил этмоқда. Ўзгарувчан таннархи маҳсулот бирлигига нисбатан 6 п.б. га тенг. 12,000 п.б. да мўлжалдаги фойда.

Компания қўшимча асбоб-ускуна бир йилга 7,500 п.б.га ижарага олмоқчи, қайсики бу жараённи автоматлаштиришга кўмаклашиб, ўзгарувчан харажатларни маҳсулот бирлигига нисбатан 5 п.б.га ташкил этиши мўлжалланмоқда. Иккита алтернатив ҳолатнинг ҳисоб-китобларини қуйида келтирамиз:

Биринчи алтернатива:

1) *Сотиш ҳажми, бирликда = (20,000 + 12,000) / (10 – 6) = 32,000 / 4 = 8,000 бирлик*
2) *Сотиш ҳажми, суммада = 8,000 бирлик * 10 п.б. = 80,000 п.б.*
3) *Критик нуқта = 20,000 / (10 – 4) = 20,000 / 4 = 5,000 бирлик*

Иккинчи алтернатива:

1) *Сотиш ҳажми, бирликда = (27,500 + 12,000) / (10 – 5) = 39,500 / 5 = 7,900 бирлик*
2) *Сотиш ҳажми, суммада = 7,900 бирлик * 10 п.б. = 79,000 п.б.*
3) *Критик нуқта = 27,500 / (10 – 5) = 27,500 / 5 = 5,500 бирлик*

Ушбу ҳисоб-китоблар таҳлил қилинаётган бўлса, 1-алтернативада критик нуқта 5,000 бирлик, 12,000 п.б. мўлжалдаги фойдани олиш учун 8,000 бирлик ишлаб чиқариш ва сотиш талаб этилади. 2-алтернативада эса критик нуқта 5,500 бирлик ва мўлжалдаги фойдани олиш учун 7,900 бирлик ишлаб чиқариб сотиш зарур бўлади. Натижада, 2-алтернативада 1-сига нисбатан 1,000 п.б. сотиш ҳажми суммада кам бўлади. Қайси алтернатива маъқул деган саволга жавоб топиш талаб этилади. Бунинг учун эса хавфсизлик маржини коэффицентини иккита алтернатива учун ҳам ҳисоблаймиз:

Биринчи алтернатива:

Хавфсизлик маржини, коэффициентда = (Ҳақиқий сотиш (даромад) – критик нуқтадаги сотиш) / Ҳақиқий сотиш = (8,000 – 5,000)/8,000 =0.375 ёки 37.5%

Иккинчи алтернатива:

Хавфсизлик маржини, коэффициентда = (Ҳақиқий сотиш (даромад) – критик нуқтадаги сотиш) / Ҳақиқий сотиш = (7,900 – 5,500) / 7,900 = 0.304 ёки 30.4%

Ҳар бир алтернативада 12,000 п.б.да фойда олинишига қарамасдан 2-алтернативада хавфсизлик маржини кичик (30,4 < 37.5). Бу 2-алтернативанинг моддий харажатлари баландлигини англатмасдан, балки компания 2-алтернативада 1-алтернативага нисбатан критик нуқта даражасидан ошиши учун кўп маҳсулот ишлаб чиқиши кераклигини билдиради.

Бу таҳлил натижалари асосида менеджерлар албатта 1-алтернативани танлашларини англатмайди. Бунда 1-алтернатива фақат хавфсизлик маржаси нуқтаи назаридан 2-алтернативага нисбатан афзалликларга эга. Лекин, менеджер томонидан қарор қабул қилинаётганда бошқа омиллар ҳам ҳисобга олиниши талаб этилади. Масалан, заводда автоматлашган ускунанинг ўрнатилиши унинг амалдаги капастасининг ошишига олиб келмоқда. 2-алтернативада 100 бирлик (8,000 – 7,900) кам ишлаб чиқарган тақдирда ҳам мўлжалдаги фойдаги эришилмоқда. Хулоса шундай иборатки CVP таҳлили бошқарувчиларга қарорлар қабул қилиш учун муҳим ахборотлар етказиб беради, лекин қарорлар етказиб бермайди.

Хавфсизлик маржаси коэффициенти контрибутция маржини ва фойда рентабиллиги кўрсаткичлари билан ҳам боғлиқдир. Мисол учун, 1-алтернативада фойда рентабиллиги 15%га тенг (12,000 п.б. / 80,000 п.б.). Контрибутция маржини маҳсулот бирлигига 4 п.б. га ёки фоиз ҳисобида 40%га тенг.

Хавфсизлик маржини, коэффициентда = Фойда рентабиллиги / контрибутция маржини даражаси = 15% / 40% = 0.375 ёки 37.5%

Бундан таҳлил мақсадларида фойда рентабиллиги кўрсаткичини ҳисоблашнинг формуласини чиқариб олиш мумкин бўлади:

Фойда рентабиллиги = Хавфсизлик маржини, коэффициентда * контрибутция маржини даражаси

Ушбу кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш компаниянинг ҳалатини назорат қилиб боришда ва унинг хавфсиз ишлашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

4-савол. CVP таҳлилида йўл қўйилишлар.

CVP таҳлилини қўллашда унинг самарали ишлаши, олинган маълумотларнинг фойдалилиги ҳамда аниқлигини таъминлаш учун ушбу таҳлил асосида ётадиган бир қанча фундаментал йўл қўйилишлар таъминланиши лозим бўлади. Ушбу йўл қўйилишлар (тамойиллар)га қуйидагилар киради:

1. Жами даромадлар ва жами харажатлар координатлар ўқида релевант диапазонда чизиқ кўринишида бўлишлиги;
2. Релевант диапазонда сотиш нархи ўзгармаслиги;

3. Барча харажатларни (заррачаларини) доимий ёки ўзгарувчан харажатларга идентификациялаш (ажратиш) имкони бўлишлиги;

4. Жами доимий харажатларнинг ўзгармаслиги;

5. Ўзгарувчан таннарх релевант диапазонда фаоллик даражасига (ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳажмига) тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқликлиги;

6. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги омилларнинг (масалан, материаллар нархи, фойдаланадиган энергиянинг нархи, иш ҳақи ставкалари) нархи ва ставкаларининг ўзгармаслиги;

7. Самарадорлик ва меҳнат унумдорлигининг бир хил меъёрда туриши;

8. Таҳлилда битта маҳсулот қараладими ёки аралаш сотиш қабул қилинадими, барчаси жами ҳажм ўзгаришларида ўз аксини топишлиги;

9. Даромад ва харажатлар ягона ҳажм кўрсаткичи базасида солиштирилиши мумкинлиги (масалан, ишлаб чиқарилган ва сотилган бирлик);

10. Энг муҳим базисли йўл қўйилишлардан бири бу ҳажм кўрсаткичининг таннарх драйвери эканлиги билан белгиланади. Бошқа омиллар ҳам таннарх ва сотиш ҳажмига таъсил кўрсатади. Натижада бошқа омилларнинг таъсири мумкин бўлмаган ҳолда камситилиши CVP таҳлилини тўлиқ бўлмаган ҳолатга айлантириб қўйади.

11. Ишлаб чиқариш ҳажми сотиш ҳажмига тенг бўлган ҳолларда CVP таҳлили қараб чиқилади. Бошланғич ва охирги қолдиқларнинг даражалари ўзгаришсиз қолади (CVP таҳлилида заҳиралар ўзгаришига қайси баҳолаш методларидан фойдаланаётганлигига ҳам боғлиқдир).

Бизнес бир жойда қотиб қолмаган, у динамикдир (ўсувчидир). Бизнеснинг шарт-шароити доимий равишда ўзгариб туради. CVP таҳлили ушбу ўзгаришларга доимий равишда мосланувчанлигини таъминлаш лозим бўлади. Юқорида CVP таҳлили жараёнида баҳонинг, доимий таннархнинг, ўзгарувчан таннархнинг ўзгариши натижаларини кўриб чиқдик. Бу таҳлилни омилларнинг барчаси ўзгарган тақдирда олиб бориш услубиётини такомиллаштириш керак бўлади.

12.6-маъруза. Бизнес таркибини ўзгартириш (реструктуризация) қилиш бўйича қарор қабул қилиш.

Корхоналарда бизнес таркибини ўзгартириш бўйича оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш бошқарув тизими самарадорлигини таҳлил қилишга бевосита боғлиқ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар бошқаруви самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодиётини истиқболли ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур ҳолатда корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ички ва ташқи омиллар таъсирида такомиллашади.

Улар олдига ўз фаолиятларини бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш талаби қўйилади.

Бу каби талаблар корхоналарга харидорлар эҳтиёжларини оптимал даражада қондириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ҳамда ташқи муҳит ўзгаришларига мослашувчан бошқарув тизимини вужудга келтиришни тақозо этади.

Агар корхона бошқарув фаолиятининг натижавийлиги ходимлар фаолиятининг пировард натижавийлиги билан тўғри келса, бошқаришда мураккаб, кўп қиррали объектни баҳолаш бўйича тўлиқ (умумий) ёки шаклан самарадорлик юзага келади .

Ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда бошқарув самарадорлиги алоҳида ўрин эгаллайди, чунки ҳар бир иқтисодий тизим ва жараён самарали бошқаришни талаб қилади. Иқтисодиётни бошқариш самарадорлиги дейилганда, аввалambор, бошқариш жараёнининг натижавийлиги тушунилади. Самарадорлик ижтимоий-иқтисодий категория сифатида бошқарувнинг барча томонларини қамраб олади ва иқтисодий, ташкилий, маркетинг ҳамда бошқа муносабатларни ифодалайди. Мазкур таҳлил жараёнида аниқланган мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланиб бошқарув самарадорлигига баҳо берилади. Қуйидаги чизмада бошқарув тизими самарадорлигини таҳлил қилиш модели келтирилган .

Бошқарув самарадорлиги бошқарувнинг ўзига эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши зарур. Бу ҳолат бошқарув ва ишлаб чиқаришни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги, бироқ бу яхлитликда ишлаб чиқариш устувор ҳисобланиши лозимлиги билан изоҳланади.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш фақат ишлаб чиқаришни эмас, балки корхона фаолиятининг бошқа жиҳатлари, хусусан, бозорларни ўрганиш, ходимлар ва молияни бошқариш кабиларнинг самарадорлигини оширишни ҳам талаб этади. Шу сабабали, бошқарув самарадорлиги деганда пировард натижада объектни яхлит тизим сифатида оқилона фаолият кўрсатиши ва унинг ривожланишини таъминлайдиган бошқаришни тушуниш зарур.

Корхона бошқаруви самарадорлигини таъминлашда унинг услубий жиҳатдан мезон ва кўрсаткичлари аниқланиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун бошқарув тизими самарадорлигининг таҳлилини ўтказиш лозим. Чунки ўтказиладиган таҳлил қанчалик чуқур ва сифатли бўлса, бошқарув самарадорлигининг объектив баҳоланишига шунчалик ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу таҳлил блоклари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш бошқарув тизими самарадорлиги таҳлилини сифатли ва ишончли ўтказишни таъминлайди. Шуни таъкидлаш зарурки, муайян объектнинг

бошқарув самарадорлигига баҳо бераётганда унинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши зарур. Масалан, қишлоқ хўжалиги тармоғига тегишли хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– субъектларнинг стратегик аҳамиятга молик эканлиги;

– ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоғи хусусиятларининг уйғунлашганлиги. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришида маҳсулот таннархининг асосий қисмини хом ашё ташкил этади, яъни бунда материал сиғими юқори;

– қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришига табиий иқлим омилларининг бевосита таъсир этиши.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув самарадорлигини ҳаққоний баҳолаш қуйидаги тамойилларни ҳисобга олишни тақозо қилади:

– тезкорлик ҳамда бошқарув жараёни мақсад ва вазифаларини бозор иқтисодиёти талабларини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш;

– фойдалилик ва бошқарувнинг ташкилийлиги, яъни ишлаб чиқариш ҳамда корхона бошқарувининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

– тежамкорлик ёки натижавийлик, яъни бошқарувни имкон даражада кам меҳнат, моддий ва молиявий харажатлар сарфлаш орқали ташкил этиш.

Юқоридагиларга асосланиб хўжалик юритувчи субъектлар бошқаруви самарадорлиги мезонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

– ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги самарадорлиги;

– бозордаги улушнинг ортиши;

– харажатлар даражаси;

– ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлик даражаси;

– бошқарув қарорлари қабул қилишнинг тўғрилиги ва тезлиги;

– тизимнинг ўз-ўзини тартиблаш ва ташкил этиш имконияти.

Бу мезонлардан келиб чиқиб бошқарув самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини қуйидагича асослаш мумкин (1-жадвал).

Ушбу кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектнинг нафақат ички самарадорлиги, балки ташқи самарадорлигини ҳам ўзида акс эттиради. Бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш йирик корхоналарда бошқарувни кичик ва ўрта бизнес субъектлари бошқаруви каби ташкил этишни англатади.

Бошқарув тизимини бундай тартибда шакллантиришнинг афзаллиги йирик корхоналарнинг даромади юқорилиги ва уларни ишсизлик даражасини пасайтиришга кўмаклашиши билан ифодаланади.

Иқтисодиётда бизнесни амалга оширувчи шахс бизнес субъекти ёки бизнесмен деб аталади. Бизнес хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, жумладан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишдан иборат фаолият мажмуини ифодалайди.

Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳар бир мамлакатдаги мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитга боғлиқ бўлади. Ҳозирги пайтгача республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни истиқболли ривожлантириш борасида кўпгина амалий ишлар қилинди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида қонунлар ва қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2015 йил 24 апрелда “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратишда акциядорлик жамиятларининг бошқариш тизимини буткул янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш давр талаби эканлигини яна бир бор тасдиқлади[1].

Фармонда: “Корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш...” каби устувор вазифалар белгиланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектларини ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

− КБХТларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

− КБХТларда замонавий, рағбатлантирувчи бошқарув тузилмасини барпо қилиш;

− КБХТларга моддий-техника базани шакллантиришда ёрдам бериш;

− КБХТларни ишончли ахборот манбалари билан таъминлаш.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар республикамиз иқтисодиётида марказлаштирилмаган бошқарувни йўлга қўйиш, бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришни марказлаштирилмаган ҳолда бошқаришнинг муҳим шарти иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш бирликларини вужудга келтириш ҳисобланади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар юридик жиҳатдан мустақил ёки мустақил бўлмаслиги мумкин. Халқаро тажрибанинг тасдиқлашича, кичик бизнес субъектлари йирик бизнес кўмаги остида самаралироқ фаолият юритади, чунки йирик корпорациялар технологик жараёнларнинг маромийлигини таъминлайди.

Кичик бизнес субъектлари бошқарувда бир қатор ижобий устунликларга эга, жумладан:

− бошқарув қарорлари қабул қилишнинг тезкорлиги ва ихчамлигига эришилади;

− юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, уларнинг таннархини пасайтириш, хом ашё ва ресурслардан самарали фойдаланишда йирик бизнесга қараганда кичик бизнес субъектларининг имконияти юқори;

− кичик бизнес субъектларида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, илмий-техникавий янгиликларни амалиётга қисқа муддатларда жорий этиш мумкин;

− иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини шакллантиришга кўмаклашади;

− бозор талабларига, рақобатбардошлик шартларига тезроқ мослашилади;

− қўшимча ишчи ўринларини юзага келтиради ва ҳ.к.

Бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш зарурияти корхона иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиб қолганда, яъни унинг кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажара олмаслик ҳолларида ҳам юзага келади.

Корхоналарда бошқаришнинг мазкур тартибини самарали жорий этиш уларда бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ. Бунда корхонанинг ҳисоб тизимини харажатлар ва жавобгарлик марказлари устидан ҳамда режалаштирилган кўрсаткичлардан четланишлар бўйича тезкор назорат ўрнатиш, шунингдек, бўлинмалар ўртасида трансферт баҳоларни тўғри шакллантириш, улар молиявий-хўжалик фаолиятини батафсил акс эттирадиган сегментар ҳисоботларни тузишга имкон бериши талаб қилинади.

13-модул. ТРАНСФЕРТ БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.1. Трансферт баҳосининг турлари ва шакллантириш тамойиллари. Бозор нархи ва харажатлар миқдори бўйича баҳолаш.

13.2. Трансферт баҳоларни ўрнатиш услублари. Саноат, савдо ва банк тизимида трансферт баҳони шакллантириш

13.1-маъруза. Трансферт баҳосининг турлари ва шакллантириш тамойиллари. Бозор нархи ва харажатлар миқдори бўйича баҳолаш.

Хўжалик юритувчи субектлар ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида кўп ҳолларда ички бўлинмаларнинг ярим тайёр маҳсулотларини бошқа бўлимларга бериши мумкин. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ва ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш натижасида уларнинг ўртасидаги муносабат пулга чақилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу ички хўжалик ҳисобининг асосий шартларидан биридир. Ушбу талабни бажариш юзасидан трансферт баҳолари қўлланилади. Трансферт баҳолари - бу хўжалик юритувчи субектдаги ички бўлинмаларнинг биринчисидан иккинчисига, яъни биринчи масъулият марказидан иккинчи масъулият марказига берилаётган ярим фабрикатлар, бажарган хизматларнинг баҳосини аниқлаш учун қўлланиладиган баҳолардир. Хўжалик юритувчи субектнинг таъминот-тайёрлов фаолияти унинг умумий хўжалик фаолиятининг биринчи босқичи эканлигини эътиборга олган трансферт баҳолари олинган ва сарфланган ТМЗ баҳоларини аниқлашда муҳим ўрин тутишини биламиз. Трансферт 216 баҳоларини ҳисоблаш иккита усулда, бозордаги баҳоларга асосан ва сарфланган харажатларга асосан амалга оширилади. Бозордаги баҳоларга асосан аниқланган трансферт баҳолар. Айрим ҳолларда ўхшаш ТМЗ бозор баҳоси маълум бўлган вақтда асосий эътибор харажатларга қаратилмайди, балки ушбу бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Чунки бозор шароитида субектнинг ички бўлинмаларидан олаётган ярим фабрикатлар, деталлар ва истеъмол қилаётган хизматларнинг қийматини истеъмолчи сотувчи бўлинмага бозордаги баҳодан келиб чиққан ҳолда тўлайди ва шу билан бир вақтда сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи ҳам ушбу ярим фабрикатлар ва хизматларни сотганда худда ташқи истеъмолчига сотганда олган даромади суммасида даромад олади. Бозор баҳосининг афзаллиги сотадиган ва истеъмол қиладиган марказларнинг ўзаро алоқалари ва менежерларнинг малакавий даражасига қарамайди, балки унинг обектив хусусиятга эга бўлишидир. Бундан ташқари кўпгина субектлар ўзларининг бўлинмаларига тўлиқ мустақиллик берган ва улар ички хўжалик ҳисоби жараёнда бизнеснинг мустақил субекти ҳисобланади. Демак, ушбу шароит ва шартларни инобатга олганда ушбу бозор баҳосини қўллаш бўлинмаларнинг ўзаро алоқаларини ҳақиқатга яқинлаштиради. Амалиётда эса ҳақиқий бозор баҳоси ҳамма вақт ҳам ҳақиқатни ёритавермайди, чунки бир турдаги товар-моддий қийматликларига ҳар хил мол етказиб берувчи ҳар хил баҳо

белгилайди. Шунинг учун энг аввало мол етказиб берувчиларни кейин эса ТМЗ танлаш ва баҳони белгилаш бўйича қарорни қабул қилишдан аввал аниқ ва тўғри баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш лозим: мол етказиб берувчининг тартиблилигига ишонгандан кейин оладиган ТМҚ– баҳосини пасайтириш; олинган ТМҚ кафолатланишини таъминлаш;– етказиб бериш шарти;– олиш ва қийматини тўлаш шартлари ва ҳоказо.– Харажатларга асосланган трансферт баҳолар. Кўпчилик ҳолларда трансферт баҳоларни белгилаш учун шунга ўхшаш товар ва хизматлар учун бозор баҳоси белгиланмаган бўлади. Ушбу вақтларда харажатларга асосланган трансферт баҳолар қўлланилади ва унинг асосида стандарт таннарх ётади. Агарда ушбу маҳсулот ва хизматларга фақатгина ҳақиқий харажатлар қўшилган бўлса ушбу маҳсулот ва хизматларни сотувчи масъулият марказлари учун унинг самарадорлигини тартибга солиш қизиқтирмайди, чунки бу сарфларнинг ўзгариши истеъмол қилувчи марказнинг трансферт баҳосига ўз - ўзидан таъсир қилади. Трансферт баҳолардаги харажатларнинг таркиби ва фойданинг улуши ўзаро низолар ва келишмовчиликлар содир бўлмаслиги учун юқори раҳбарият томонидан белгиланган бўлиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда келишмовчиликларнинг чиқмаслиги учун ташқи баҳоларга ва таннархни ҳисоблаш усулига таянмай истеъмол қилувчилар билан сотувчилар, ўзаро келишилган ҳолларда ушбу трансферт баҳоларни ўрнатадилар. Айрим ҳолларда сотувчи трансферт баҳоларни ўрнатиш юзасидан қабул қилинган ҳисоб сиёсатидан чекинишга мажбур бўлади. Мисол, сотувчи харидорни ўзига жалб қилиш учун хизматларга баҳони бозор баҳосидан паст қўйиши мумкин. Ушбу ҳолатларда истеъмол қилувчи, сотиб олувчи марказ вақтинчалик ушбу арзон баҳолардан фойдаланади. Демак, ушбу шароит, яъни келишилган баҳо икки томоннинг келишиши асосида ўрнатилади. Айрим ҳолларда, агарда менежернинг ҳаракати чегараланган ёки ишбилармонлик муносабатларига ҳар хил таъсирлар мавжуд бўлса ушбу олиб борилган мулоқотлар ижобий натижа билан тугамайди. Бўлғуси истеъмолчи у ёки бу сотувчи билан мустақил алоқада бўлиш имкониятига эга бўлмаса ва шу билан бир вақтда мазкур сотувчи ушбу буюртмани бажаришдан бош торта олмаса, ушбу шароитларда юзага келган тортишувни ечиш, яъни трансферт баҳони белгилаш учун бошқа бир усулни топиши лозим бўлади. 217 Амалиётда эса фойда маркази кўп ҳолларда мустақил юридик шахс бўлаолмайди. Улар ўзаро келишилган ҳолда биргаликда муомала қилса тегишли фойда марказининг эълон қилган даромади субектнинг олган умумий даромадини оширмаслик ҳолатларига олиб келадиган таваккалчилиги пайдо бўлади. Ушбу етарлича муқобиллаштирилмаган таваккалчилик доимо амалиётда содир бўладиган, сотувчи томонидан қўлланилган трансферт баҳоси унинг қисқа муддатли сарфидан ошиқча бўлса тез-тез рўёбга чиқиб туради.

Мисол, субектнинг В бўлими (сех) А омборхонадан Х компонентни сотиб олаяпди. В бўлинма (сех) ушбу Х компонентини У маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланади. Х компоненти учун жорий трансферт баҳо (тўлиқ харажатлар ва фойда қўшилган ҳолда 500 сўмга тенг. У маҳсулотни ишлаб чиқариш учун В бўлимнинг сарфлаган ўзгарувчан харажати 1500 сўм, шундан компонентнинг қиймати 500 сўм, демак фақат ўзгарувчан харажат 1000 сўмни ташкил қилади. Ушбу сарфларга бўлимнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти бўйича ҳам сарфлар қўшилган. Ҳозирги даврда В бўлими У компонентнинг 1000 донасини 1450 сўмдан ташқи харидорга сотиш имконини қараб чиқишни тавсия қилди. Натижада В бўлимида бирлик маҳсулотга сарфланган харажатлардан кам бўлганлиги учун ушбу бўлимнинг менежери сотишдан воз кечди. Лекин кейинчалик А омборининг бир бирлик Х компонентига сарфлаган харажати фақатгина 200 сўмни ташкил қилди. Шу билан бир қаторда У маҳсулотининг ўзгарувчан харажатлари эса 1200 сўмни ташкил қилди (А омборининг сарфлари 200 сўм ва В бўлимининг ўзгарувчан сарфлари 1000 сўм). Шундай қилиб, ушбу илгари рад қилинган муомала-келишув яна кучга кирса субект қўшимча равишда 250 сўм даромад олиши мумкин (1450 сўм-1200 сўм, ўзгарувчан харажатлар). Ушбу ҳолатда ўзининг тутган сиёсати бўйича ушбу В бўлинма тўғри қарор қабул қилди, лекин хўжалик юритувчи субектнинг трансферт баҳолари бўйича қабул қилган сиёсати нуқтаи назаридан ушбу қарор нотўғри ҳисобланади. Бу мисол, яъни етарлича муқобиллаштирмаслик назарияда бўладию, лекин амалиётда камдан-кам учрайди. Чунки наф кўриладиган баҳода ташқи истеъмолчига ТМЗ сотиш бўйича иккита менежер-бошқарувчи ҳам қизиқади. Шунинг учун улар ўзаро келишган ҳолда трансферт баҳода муомалани амалга оширадилар. Ушбу келишилган баҳо сотаётган бўлимнинг ўзгарувчан харажатларининг йиғиндисидан кўп. Лекин амалиётда қўлланилаётган оддий трансферт баҳодан арзон бўлади. Натижада ушбу муомаладан кўрилган наф иккита бўлинма ўртасида холис тақсимланади. Хўжалик юритувчи субектлар ўзининг трансферт баҳоларни ташкил қилиш сиёсатида қамралган ҳамма томонлар учун холислик, ҳаққонийлик тамойилларига эришишга ҳаракат қилади, келишув ва арбитраж муомалаларига сарфланган вақтини минимумгача қисқартириш ва муқобиллаштириш бўйича етишмовчиликни ва таваккалчиликни қисқартиришга эришади. Бундан ташқари улар ҳар бир фойда марказининг ҳақиқий иқтисодиётини ёритадиган ушбу баҳолар пировардида фойда олиб келишига интиладилар. Мисол, Агарда А омбори В бўлимига доимо компонент-детал сотиб турса субектнинг раҳбари В бўлинманинг олган фойдаси ҳақиқатда кўрадиган ўртача фойдадан юқори бўлишини хоҳламайди. Шунинг учун сунъий паст трансферт баҳолари А ва В бўлимларидаги олинадиган фойданинг қайта тақсимланишини кўзда тутади. Бундай ёпиқ субсидиялар В

бўлимга инвестицияларни кўпайтиришга олиб келади. Ҳақиқатда эса ушбу инвестиция қарорларини қабул қилишдаги интилишлар ҳолис асосга эга эмас. Ҳақиқий ҳолатнинг хусусияти ва муқобиллаштириш таваккалчилиги билан боғлиқ ҳар хил чегаралар тез-тез ўзаро ихтилофларни чиқариб туради. Шунинг учун ҳам бўлимларнинг менежерлари кўп ҳолларда трансферт баҳоларни шакллантириш бўйича субект раҳбарларининг қарорларига рози бўлмайдилар. Трансферт баҳоларнинг таркиби бўйича бошқа вариантлар ҳам мавжуд. Мисол учун баҳони ҳисоблашда материалларнинг шартномавий баҳосига ТМҚ яратиш ва сақлаш учун 218 сарфланган ҳар хил хизматларнинг таннархи ва таъминот-тайёрлов бўлими фаолиятининг фойдаси қўшилади. Маълум вақт оралиғида трансферт баҳосини товар-моддий қийматикларининг муқобил захираларини яратиш ва уларни сақлаб туриш ҳисобланади.

13.2-маъруза. Трансферт баҳоларни ўрнатиш услублари. Саноат, савдо ва банк тизимида трансферт баҳони шакллантириш

Трансферт баҳо - бу корхона ичида бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган маҳсулот (материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар) ёки хизматлар баҳосини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳодир. Трансферт баҳони аниқлаш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мавжуд: марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган шаклларига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш марказлаштирилган ҳолда ташкил этилган шароитда жавобгарлик марказлари ўртасида маҳсулот ва хизматлар алмашинуви кўпроқ ҳақиқий (норматив) таннарх асосида амалга оширилади. Марказлаштирилмаган ҳолда ташкил этилган ишлаб чиқаришларда жавобгарлик марказлари нисбатан мустақил бўлиб, корхона ичидаги узатув (топшириш) баҳоси ҳар бир бўлинма фойдасининг аниқ ва ишончли кўрсаткичини аниқлаш имкониятига эга бўлиши назарда тутилган ҳолда ўрнатилган бўлиши керак. Корхона ичидаги узатув (топшириш) баҳосини танлаш нафақат бўлинма фаолияти натижаларини аниқлаш учун, балки “қандай қилиб ишлаб чиқариш ва сотиб олиш”, “сотиш ва бундан кейин ишлов бериш” каби саволлар бўйича қарорлар қабул қилиш учун шунингдек, ишлаб чиқаришнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш пайтида катта аҳамият касб этади. Трансферт баҳони белгилаш қуйидаги асосий талабларга жавоб бермоғи керак: − ишлаб чиқариш корхонасининг пировард мақсадига эришишини ва алоҳида бўлинмалар мақсадларини корхонанинг умумий мақсадлари билан уйғун ҳолда бирикиб кетишини таъминлаш; − бошқарувнинг турли даражаларида менежерлар учун мослашувчан ва бир хилда бўлиши керак. Трансферт баҳо бўлинма-сотувчининг маҳсулот ва хизматларини харид қилган бўлинма-харидор фаолиятини

самарадорлигига 171 салбий таъсир қилмаслиги лозим; − марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш шароитида сотувчи ва харидор бўлинмалар раҳбарларига уларнинг мустақиллигини сақлаб қолишга имкон туғдириши керак; − ички ва ташқи бозорларнинг ўзгарувчан шароитларини тез илғаб олиш, фойдани самарали соҳаларга йўналтириш имконини бериш. Масалан, юқори фойдани солиқлардан имтиёзлар мавжуд бўлган соҳаларга, юқори бўлмаган фойдани эса солиқлари юқори бўлган соҳаларга йўналтириш лозим, зеро улардан янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилишида фойдаланиш зарур; − амалдаги қонунлар талаблари асосида шакллантирилиши ва уларга мос келиши. Корхона ичидаги узатув вақтида трансферт баҳоларни белгилашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: − бозор баҳоси; − тўлиқ таннарх плюс фойда (тўлиқ таннархдан % сифатида); − ўзгарувчан харажатлар плюс фойда (ўзгарувчан харажатлардан % сифатида); − томонларнинг ўзаро келишуви асосидаги шартномавий баҳо; − тўлиқ ёки қисқартирилган таннарх. Афсуски, бошқарувчиларни ҳам, бўлинма-сотувчини ҳам, бўлинмахаридорни ҳам талабини бирдай қониқтирадиган ягона трансферт баҳо мавжуд эмас. Амалиётда корхоналарнинг бир қисми шартномавий бозор баҳосидан трансферт баҳо сифатида фойдаланади, бошқа бир қисми эса «тўлиқ таннарх плюс фойда» усулидан фойдаланишни афзал билади. Маҳсулот ёки хизматларнинг шартномавий бозор баҳоси ҳажми қулай трансферт баҳо ҳисобланади, чунки бу баҳо ҳар бир марказнинг фойдасини мустақил хўжалик бирлиги сифатида қараб чиқиш имкониятини яратади. 172 Агар ташқи бозорда баҳо анча аниқ бўлса (масалан, янги маҳсулот турига муқобил товарлар бозори бўлмаганда ва баҳо олдиндан белгиланмаган бўлса), унда «тўлиқ таннарх плюс фойда» яъни тўлиқ таннархдан фоиз сифатида олинган баҳони қўллаш лозим бўлади, чунки бундай баҳо бозор баҳосига яқин ҳисобланади ва бўлинмалар фаолияти камчиликларини аниқлашга имкон туғдиради. Баҳога устама белгилаш вақтида бутун корхонани фойдалилик коэффицентини эмас, балки мазкур бўлинманинг харажатлари хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Амалиётда фойда кўпинча молиявий қўйилмалардан олинган даромад сифатида ҳисобланади ҳамда белгиланган режа кўрсаткичи билан солиштирилиб борилади. Агар трансферт баҳо сифатида «смета таннархи плюс устама баҳо»дан фойдаланилса, хомашё, материаллар, хизматлар ва иш ҳақи миқдорлари баҳосининг ўзгаришларига тузатишлар киритадиган қоидага амал қилиш зарур. Амалиётда трансферт баҳо ҳақиқий таннарх плюс қўшимча фойда тарзида белгиланиши ҳам мумкин. Мазкур усулдан менежерлар ўз бўлинмаларида маблағлар харажати учун жавобгар бўлган жойларда қўлланилади. Бироқ бу усул маблағларни тежаш имкониятини пасайтиради яъни ҳақиқий таннарх қанча юқори бўлса, бўлинма-сотувчи сотиш баҳосини шунча баланд белгилайди. Шуни назарда

тутиш зарурки, таннарх асосида трансферт баҳоларни белгилаш вақтида корхона таркибига кирувчи бўлинмаларни фойда ёки инвестиция марказлари сифатида эмас, балки харажатлар марказлари сифатида қараб чиқиш лозим. Бундай шароитда ўзгарувчан харажатлар асосида белгиланган трансферт баҳолар самарали ҳисобланади. Ўзгарувчан харажатлар асосида корхона ичидаги топширувлар пайтидаги баҳо усули тўлиқ таннарх асосидаги усулдан корхона заҳираларидан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Юқорида келтирилган тадқиқотлар корхона томонидан мослашувчан 173 баҳо сиёсати ўтказилганда унинг асосий ахборот негизи ҳисобланган бошқарув ҳисоби самарадорлигини ошириш имконини беради.

14-МОДУЛ. КОРХОНА СЕГМЕНТАР ҲИСОБОТИ

Сегментлар бўйича ҳисобот ҳисобот юритувчи субектнинг айрим бўлимлари, фаолиятининг турлари ва маъсуллик марказлари бўйича тузилган ҳисобот ҳисобланарди. Сегментлар - сегментум у ёки бу нарсанинг қисми ёки бўлагидир. Ушбу ҳисоботларни ташқи фойдаланувчилар учун тузиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар тегишли БХМС белгиланган. Лекин ички фойдаланувчилар учун тузиш тартиби ва қўйилган талаблар ҳозирча ишлаб чиқилмаган ва ҳозирги амалиётда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмаган. Ушбу муаммоларни субектлар ўзларича ва фаолиятига маъқул вариантларда баҳоли қудрат ечиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун”да фақатгина ушбу маълумотларнинг сир сақланиши, яъни бухгалтерия ҳисобининг сегментлар бўйича тузилган ички ҳисоботлари тижорат сири эканлиги ва ташқи фойдаланувчиларга ушбу маълумотларнинг берилмаслиги таъкидланган. Ушбу ҳисобот маълумотларининг сир сақланиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (Қонун) билан биринчи бор мустаҳкамланди. Чунки бу ҳолат асосан себъектларнинг фаолиятини элементлар, технология жараёнлари, маъсуллик марказлари бўйича ёритилиши натижасида ушбу ҳисоботнинг маълумотларидан фақатгина ички бошқарув ходимлари фойдаланиши мумкин, чунки у тижорат сири ҳисобланади. Шу билан бир вақтда молиявий ҳисобнинг маълумотларидан эса ташқи фойдаланувчилар ҳам фойдаланадилар. Ушбу ҳисоботларда маълумотлар умумлашган ҳолда якуний қилиб тузилади. Амалиётда эса ҳозирги даврда ички ҳисоботлар учун берилган ҳуқуқлар бузиляпти. Мисол, ташқи фойдаланувчилар ҳисобланган солиқ ташкилотларининг ва иқтисодий жиноятга қарши курашувчи прокуратура ходимлари кўп ҳолларда бошқарув ҳисоби ва ҳисоботларини текширадилар. Масъул ходимлар ҳисобот юритувчи себъектларнинг молиявий ҳолатини

таҳлил қилиш ва баҳолаш учун молиявий ҳисоботдан фойдалансалар бошқарув ҳисоби ва ҳисоботнинг маълумотларидан эса ушбу субектнинг фаолият сегментлари, бўлим, сех, маъсуллик марказининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун фойдаланадилар. Маъсуллик маркази субектнинг фаолиятида ўзига хос ўринга эга, чунки у ушбу субектнинг асосий қисмларини ташкил қилади. Натижада кириш ва чиқишга эга. Маъсулият марказининг киришида хомашё материаллар ва яримфабрикатлар туради. Бундан ташқари маъсулият марказлари ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун маълум мулкларга, асосий воситалар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш қуроллари ва бошқа маблағларга эгалик қиладилар. Бу бўлинмалар ўзининг фаолиятида меҳнат ресурсларини истеъмол қиладилар, буюртмаларни бажариш учун ташқи субектларнинг хизматидан фойдаланадилар. Ушбу масъулият марказларининг чиқишида эса сотиш ёки бошқа бўлимларга бериш учун чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ва яримфабрикатлар мавжуд бўлади. Сегментлар бўйича тузилган ҳисоботлар субектнинг раҳбарларига ўзининг қарамоғидаги бўлим ва сехларнинг фаолиятини бошқариш ва фаолиятининг якунини баҳолаш учун хизмат қилади, уларнинг фаолиятини баҳолаш учун молиявий ва номолиявий чегаралар ишлаб чиқилади, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими шаклланади. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида битта менежернинг фаолиятига иккинчи боқарувчининг фаолияти таъсир қилади. Ушбу қарамақаршиликларни тугатиш имконияти йўқ, лекин ўзаро боғлиқ менежерларни тегишли ва зарур ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш омиллари ёрдамида ушбу қарама қаршиликларни юмшатиш ва аста секинлик билан тугатиш мумкин. Бундан ташқари сегментлар бўйича ҳисобот ушбу менежерларнинг иш юритишида ўзларига ҳам ёрдам беради. Чунки қандай даражада бўлмасин раҳбар ўзининг иш 219 фаолиятини баҳолаши ва ҳулоса чиқариши лозим. Агарда унинг олдига қўйилган режа ва вазифалар бажарилмаган бўлса энг аввало унинг ўзи билиши керак ва ушбу мақсадларга эришиши учун тезлик билан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқмаса ва татбиқ қилмаса режанинг бажарилиши амримаҳол бўлиб қолади. Шундай қилиб, аниқ ўрнатилган назорат маъсул шахсларнинг оралиқ қарорларни асосланган ҳолда қабул қилиш ва ўзи бошқараётган бўлимнинг фаолиятини режалаштираётганда олдига қўйилган мақсадларини қайта кўриб чиқиш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам маъсуллик марказларининг фаолиятини назорат қилишни амалиётда тескари алоқа ҳам деб юритилади. Сегментлар бўйича ҳисобот маълумотлари ҳилма-хил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жуда ҳам зарур. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, шароитлар, воқеликлар ва ташқи муҳитлар тез-тез ўзгариб турган бир ҳолатда субектлар ушбу муҳит ва шароитга

тезлик билан мослашган тақдирдагина уларнинг рақобатбардошлиги мустаҳкамланади ва келгусида ривожланиши учун шароит яратилади. Ҳозирги пайтда субектларнинг олдида турган асосий муаммо фаолиятининг таркибини ўзгартириш, яъни йирик субектлар айрим олган кичик субектларга ажралишдир. Ушбу тадбир билан боғлиқ бошқарув қарорини қабул қилишдан олдин фаолиятининг якунини чуқур ўрганиш ва баҳолашни талаб қилади. Ушбу ишни амалга ошириш учун бошқарув ҳисоби тўплаган, ишлов берган маълумотлардан кенг фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Раҳбариятнинг ушбу фаолиятини айрим бўлимларга бўлиш бўйича қабул қиладиган қарори иқтисодий асосланган ҳисобларга таяниши шарт. Ушбу ҳолатларда жуда бўлмаганда иккита вариант ўзаро таққосланиши керак. Ушбу таққослаш тегишли субектда сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот тизими мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Энг охирги омил бу сегментлар бўйича ҳисоботнинг трансферт боҳолар билан тўғридан тўғри боғлиқлигидир. Чунки ушбу баҳолар асосида сегментлар бўйича ҳисобот шаклланади. Ушбу трансферт баҳолар асосли равишда ҳисобланиши ва жорий қилиниши, сегментларнинг фаолиятини ҳолис баҳолашда асосий омил бўлади. Бухгалтерия ҳисоботини шакллантириш ва тақдим қилиш нуқтаи назаридан субектнинг сегментлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйилган мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан– ҳолда ташқи фойдаланувчилар учун ҳисобот тузиш ва тақдим қилишнинг зарурлиги; бошқарув ҳисобининг тизимида бўлимлари /сегментлар/ бўйича ҳисоботларни– тузиш ва тақдим қилишнинг зарурлиги. Ушбу талаблар ва ҳолатлар сегментлар бўйича ҳисобот тузишнинг заруриятини келтириб чиқаради. Бошқарув ҳисобида тегишли муомалаларга ишлов берилиб, йиғилиб ва гуруҳлаштирилиб ички сегментлар бўйича ҳисобот тузилади ва улар тегишли сегментларнинг менеджер раҳбарларига ва субектнинг раҳбарига тақдим қилинади. Ушбу ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишдан кўзланган асосий мақсад ички фойдаланувчиларни зарур маълумотлар билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашдир. Ушбу ҳисоботларни тузиш бўйича қуйидаги тавсиялар берилади: 1. Ички сегментларнинг бошқарув ҳисоби аниқ бир бўлим- сегментнинг фаолиятини ёритиши лозим. Агарда қуйидаги чекинишларга йўл қўйилса кутилаётган натижаларни бермайди: а) аниқ бошқарувчилар, даромад ва харажатлар марказларининг талаблари бўйича маълумотларни акс эттирмай асосан ишлаб чиқаришнинг, сотишнинг ва сарфларнинг ҳажми бўйича маълумотларни ўзида акс эттирса; в) аниқ маълумот бошқарувчи-менеджерга эмас юқори бошқарувчиларга мўлжалланган бўлса; с) умумий вазифалар бўйича умумий ва ноаниқ маълумотлар кўрсатилса. Чунки самарали бошқарув назорати тўлиқ ва аниқ маълумотлардан фойдаланади. 220 2. Бошқарув қарорларини

қабул қилиш учун фақатгина ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ берилган ахборотларгина фойдали ҳисобланади. Бухгалтер томонидан тақдим қилинган ҳисобот уни махсус жойда сақлаш учун эмас балки менеджерни қизиқтирувчи ҳолатда ва зарур лойиҳалар билан тақдим қилиш зарур. Ушбу ички ҳисоботларни тақдим қилаётганда менеджерларнинг руҳий ҳолатини инобатга олиш зарур. У ҳисоботнинг жадвал ёки чизма кўринишини ёқтирадими, унинг кейинги режалари ва истаклари, иш юритиш усули ва ҳоказо кўринишларини четда қолдириш мумкин эмас. 3. Илгариги ҳисобот, воқеаларига ва уларни баҳолашга кўп ҳам эътиборни қаратмасдан масъулият марказларининг фаолиятини яна ҳам равонлаштирадиган маълумотларни қидириб топиш фойдали ҳисобланади. Кўпгина ҳолатларда бухгалтер ретроспектив таҳлилга кўпроқ эътибор бериб кейинги фаолиятни баҳолашни саёз ўрганади Натижада илгари содир бўлган хато ва камчиликларга асосий эътибор қаратилади, уларнинг сабаблари аниқланади, тафтиш қилинади, лекин келгусида самарали фаолият кўрсатиш бўйича режаларни ишлаб чиқишга унчалик эътибор берилмайди. Ушбу ҳолатлар бошқарув назоратини сусайтиришга олиб келади. 4. Ички фойдаланувчилар учун субектнинг фаолият турлари ва бўлим (сегмент)лари бўйича тузиладиган ҳисоботларнинг шаклини тез-тез ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқ эмас. 5. Ушбу ҳисоботларни ҳисобланган маълумотлар билан кўп ҳам юклайвериш уларнинг сифатига салбий таъсир қилади. Бошқарувчи битта муқобил тизимга келтирилган ва уларга таянган ҳолда муқобил бошқарув қарорларини қабул қилишга ва аниқ фаолият кўрсатишга ёрдам берадиган маълумотларнинг минимал ҳажми етарли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳисоботни олган менеджер у ёки бу хулосани чиқариш ёки фаолиятнинг турини баҳолаш учун қўлида калкулятор билан қўшимча ҳисобларни бажармаслиги ва маълумотлар тўғридан-тўғри баҳолаш учун асос бўлиши лозим. Унинг учун ушбу ички ҳисоботнинг маълумотлари асосида таҳлил қилиниб қабул қилинадиган тадбир ва қарорларни қайта кўриб чиқиш ва тадбиқ қилиш йўлларини ўйлаш муҳимроқ ҳисобланади. Чунки кейинги режалар ва истиқболларга таъллуқли кўрсаткичларни бухгалтер эмас, балки менеджер ишлаб чиқиши ва тегишли қаторни тўлдириши лозим. 6. Тузилган ҳисоботлар асосан ходимларни белгиланган режаларни бажаришга қаратилган асосий маълумотларни ўзида акс эттириши мақсадга мувофиқ. Менеджерга зарур бўлмаган маълумотлар ҳисоботнинг назорат даражасини пасайтиради. 7. Ушбу қарорларни қабул қилиш жараёнларида ҳамма воқеалар ва ҳаракатларни ёзиш имконияти бўлмайди. Чунки ушбу ёзма ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилишдан ташқари бухгалтер ҳар бир соҳа ёки бўлимнинг бошқарувчиси билан у ёки бу масалаларни ёритиш ёки чуқур ўрганиш мақсадида суҳбатлар ўтказади. Ички ҳисоботларни тузиш даври, унинг аниқлиги, тўлиқлиги ва тақдим қилиш вақтини ҳар

бир хўжалик юритувчи субект ўзининг обектлари ва бошқарув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Субектнинг маъмурияти ушбу масалаларни ечаётганда энг аввало тежамкорлик шартига асосланади, яъни ушбу бўлимлар ва фаолиятнинг турлари бўйича тузилаётган ички ҳисоботга сарфланган харажатлар уларнинг маълумотларидан фойдаланиб қабул қилинган қарорларнинг иқтисодий самарадорлиги натижасидан ошиб кетмаслиги лозим. Тегишли ҳисобот маълумотларини акс эттирган бўлимларнинг масъулият марказларининг қайси турига таъллуқлигига қараб ушбу ҳисоботнинг шаклларига ҳар хил талаблар қўйилади. Харажатларнинг маркази бўйича тузиладиган ички ҳисоботларнинг асосида назорат қилиш принципи ётади ва ушбу тамойил қуйидаги натижаларга олиб келади: ҳисоботни тақдим қиладиган раҳбарнинг мансаб поғонаси ошган сари ушбу– ҳисоботдаги маълумотлар қамрови бўйича йириклашиб бораверади; 221 юқори поғонадаги раҳбарга тақдим қилинган ҳисобот қуйи раҳбарларга тақдим– қилинган ҳисоботларнинг йиғиндиси бўлиши мумкин эмас. Ушбу усул амалиётда инкор қилишларни бошқариш деб юритилади, яъни юқори поғонадаги бошқарувчига у ёки бу бошқарув муомма ойлик ёки кундалик бўлмагунча пастки поғона учун тузилган ички ҳисоботларга мурожат қилиш зарурияти туғилмайди. Тузиладиган ички ҳисобот ўзида хақиқий кўрсаткичларнинг режадаги кўрсаткичлардан фарқи бўйича маълумотларни ёритиши лозим. Натижада ушбу маълумотларнинг асосида амалиётда фарқлар бўйича бошқариш принципини рўёбга чиқаради ва ушбу фарқлар бўйича бошқариш қуйидагиларга ёрдам беради: 1. Субектнинг ҳар бир сегменти ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича олинган фойданинг ўсишига ёки кўрилган зарарларнинг ҳажмига таъсир қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлашга. Ушбу омиллар қуйидагилардан ташкил топган: ишлаб чиқаришнинг шароити; ишлаб чиқариш кучларининг чегараланганлиги; маҳсулотнинг турлари (ассортименти); баҳоларни белгилашда қўлланиладиган сиёсат; омборхонадаги тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи; ишлаб чиқаришда ишлаётган ходимларнинг сони ва уларнинг малакавий даражаси; ҳомашё ва материалларнинг мавжудлиги ва уларнинг қиймати; технология жараёнининг хусусияти ва шунга ўхшашлар. 2. Ушбу салбий фарқларнинг содир бўлишидаги масъул-жавобгар шахслар ёки марказларни аниқлаш. Ушбу масалани ечишда илгари субект бўйича ва айрим олган маҳсулотлар бўйича фарқлар аниқланиб унинг сабаблари чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишига қарамасдан ҳар бир харажат марказлари ва масъулият марказлари бўйича ушбу фарқларни аниқлаш ва уларнинг сабабларини ўрганиб салбий кўринишларни тезкорлик билан тугатиш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга қўллаш ушбу муаммони ечишга ёки унинг келгуси даврда содир бўлмаслигига олиб келади. Ушбу шартлардан келиб чиққан ҳолда сегментлар бўйича ҳисоботларни

тузишнинг намунавий шакли қуйидаги кўринишда келтирилган. Бошқарувнинг тизими учун харажат марказлари бўйича тақдим қилинадиган ҳисоботлар (14.6-жадваалга қаранг). 14.6-жадвал Бошқарувнинг тизими учун харажат марказлари бўйича тақдим қилинадиган ҳисоботлар Кўрсаткичлар Ҳисобот даврида Йил бошидан смета бўйича фарқи +,- смета бўйича фарқи +,- Бригадирнинг ҳисоботи Асосий хомашё ва материаллар 43000 -1000 134000 1200 Меҳнат сарфлари 214000 2400 588300 8400 Ёрдамчи материаллар 18500 -300 40000 -800 Технология учун энергия 9800 350 29400 2500 Бошқалар 3400 100 5400 400 Жами 288700 1550 777100 11700 Ишлаб чиқариш сехининг бошлиғига ҳисобот 1-бригада 288700 1550 777100 11700 2-бригада 214500 1120 628200 8900 ------- ---------- ---------- ---------- ---------- - Бригадалар бўйича жами 887800 2460 2753800 26000 Умумсех сарфлари: Сех усталарининг меҳнат ҳақи ажратмалари билан 126000 0 700000 0 Ускуналарнинг эскириши 104000 0 308000 0 Элект энергия сарфлари 35000 2600 104500 6400 222 Сехни тозалаш сарфи 18900 -670 83500 -3000 Жами 1171700 -4390 3949800 29400 Субектнинг бош менеджерига ҳисобот Ишлаб чиқариш сехи 1171700 -4390 3949800 29400 Қуйиш сехи 893500 -1900 3026790 2300 Йиғув сехи 1347900 5800 4873200 19800 ------- --------- --------- ---------- ---------- Сехлар бўйича жами 4616100 4390 16155790 4280 Умумхўжалик сарфлари: Иморатларнинг эскириши 35000 0 165000 0 Иситиш ва ёритиш 84000 150 213000 4780 Маъмуриятнинг меҳнат ҳақи 235000 12300 487600 45780 Субект бўйича сарфларнинг жами 4970100 18190 17021390 93360 Ушбу ҳисоботлардан кўриниб турибдики, ҳар хил бошқарув поғоналаридаги харажат марказларининг ҳисоботлари ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжуд. Мисол тариқасида кўраётган субектда бошқарув учта поғонадан ташкил топган: бригадирлар томонидан назорат қилинадиган бригадалар; сехларнинг раҳбарлари томонидан назорат қилинадиган сехлар; бош менеджер томонидан назорат қилинадиган субект. Ушбу менеджер ўз навбатида ишлаб чиқариш бўйича жавоб берадиган бош директорнинг муовинига бўйсунади. Илгари қайд қилганимиздек, юқори бошқарув поғоналарига тақдим қилинадиган ҳисоботлар пастки поғонага топширилган сегментлар бўйича ҳисоботларнинг йиғма нусхаси бўлиши мумкин эмас. Чунки ушбу сарфлар назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган харажатлардан ташкил топганлиги учун ва пастки бошқарув поғонасида назорат қилинмайдиган харажатларнинг инкор қилинганлиги сабабли ушбу ҳисоботларнинг ўртасида фарқлар вужудга келади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки умуман харажатлар уларнинг содир бўлиш турларидан қатъий назар кимнингдир томонидан назорат қилинади. Мисол, умумхўжалик сарфларини сех ёки бўлимларнинг раҳбарлари назорат қила олмайдилар. Ушбу харажатларнинг сарфи устидан субектнинг бош директори назорат ўрнатади. Чунки ушбу харажатлар

ҳамма сех ва бўлимлар учун умумий бўлганлиги сабабли бўлимларнинг раҳбарлари уларнинг сарфи устидан назорат ўрната олмайдилар. Шунга ўхшаш бригадирлар ва усталар назорат қилиши мумкин бўлмаган умумсех ёки умумбўлим сарфларининг устидан мазкур сехлар ёки бўлимларнинг раҳбарлари назорат ўрнатадилар. Бундан ташқари, айрим ҳолатларда субектларнинг бош директорлари айрим сех ва бўлимларнинг бошлиқларини уларнинг назорат қилиш доирасидаги айрим харажатларнинг устидан назоратни амалга оширишдан озод қилишлари ҳам мумкин. Мисол тариқасида ушбу раҳбарлар назорат қилиши мумкин бўлган харажатларнинг икки моддасини: электр қувватларининг сарфи; телефон хизматларининг сарфи кўриб чиқамиз. Электр қуватларининг сарфи устидан назорат ўрнатганда менеджерлар энг аввало иш кунининг охирида ходимлар ўзлари ишлаётган машиналар, ускуналар ва компютерларни токдан ажратиши, ортиқча приборларнинг электрга уланмаслигини назорат қиладилар. Телефон хизматларининг сарфини назорат қилиш учун эса ортиқча сўзлашувларнинг олдини олиш мақсадида ёки кимнинг гаплашганлигини билиш учун шаҳарлараро ва давлатлараро телефон алоқаларини кодлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу сарфлар унча катта ҳажмда бўлмаса ҳам уларнинг устидан назорат ўрнатиш тадбирлари қимматга тушади, лекин ушбу назоратни ўрнатиш зарур. Шунинг учун ҳам маъмурият ушбу сарфларни менеджерлар учун қуйидаги сабабларга мувофиқ назорат қилинмайдиган 223 деб тан олишга мажбурдирлар: ушбу сарфларнинг аҳамияти унча катта эмаслиги; тежамкорлик шартига риоя қилиш. Мисол учун элект қувватини тежашдан олинган наф ушбу нафни олиш учун сарфланган харажатлардан ортиқ бўлиши лозим. Чунки бўлимларнинг ички ҳисоботларига асосан назорат қилинадиган сарфларгина қўшилади. Фойда марказлари бўйича тузиладиган ҳисоботларнинг ҳам асосида назорат қилиш имконияти, шарти ётади. Ушбу ҳисобот ҳам бошқарув поғонасига мувофиқ равишда тузилган бўлиб унда кўрсатиладиган фойда марказлари тегишли муомалавий сегментлар бўйича ва ҳудудлар бўйича ташкил қилинади. Пастки табақада жойлашган бўлимларнинг раҳбарлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг сотилиши бўйича масъулдирлар ва улар субектнинг бош директорига бўйсунадилар. Фойда бўйича ҳисобот тузилганда маржинал даромаднинг поғонама-поғона ҳисобланишини талаб қилади, чунки ушбу тартиб бир томондан ўзгарувчан харажатларнинг таъсирини ёрица иккинчи томондан эса якуний молиявий натижани шакллантиради. Бундан ташқари, ушбу тартибда ёндашиш якуний фойданинг таркибини таҳлил қилишни енгиллаштиради. Натижада ҳар бир айрим олинган маҳсулот ва хизматларнинг тўғри доимий харажатларни қоплашга қўшган ҳиссасини ва натижада субектнинг олган умумий фойдасига қўшган ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради. Доимий харажатларни қоплашни

ҳисобга олишнинг ушбу тартиби сегментларнинг фаолиятларини турлари ва жойланиш ҳудудлари бўйича рентабеллик даражаси тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга етказиб беради. Ушбу ҳолатда ҳам юқорида таъкидланган иккита принцип (шарт)га риоя қилинади: бошқарув поғонасига қараб ҳисоботнинг аналитик даражаси пасайиб боради;– ҳисобот кўрсаткичларининг номланиши йўқолиб боради.– Бўлимларнинг маъмурий бошқарув харажатлари маҳсулот ва хизматларнинг турига тақсимланмайди. Чунки улар жойларнинг доимий харажатлари бўлганлиги учун олинган умумий маржинал даромаднинг суммасидан чегирилади. Ушбу умумий сарфларга шу жойда жойлашган филиал маъмуриятининг меҳнат ҳақи, иморатларни асраш ва бошқа сарфлар киради. Бошқа муомалавий харажатларни субектнинг ўзи амалга оширади. Ушбу харажатлар тегишли бўлим ва филиалнинг харажатлари суммасидан чегирилади (қопланади). 14.7-жадвал Бошқарув поғоналарининг даражаси шароитида фойда марказларининг фаолияти бўйича ҳисоботнинг шакли (минг сўм). Кўрсаткичлар Йил бошидан Субект Субектдаги Филиаллар бўйича бўлим Урганч Андижон жами смет а фарқ и смет а фарқ и смет а фарқ и смет а фар қи Маҳсулотни сотишдан даромад 4300 0 65 3300 0 -14 3800 0 115 1140 00 66 Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 3000 0 197 3231 0 -199 2650 0 264 8881 0 231 Ялпи фойда 1300 0 -132 1310 185 1150 0 -149 2519 0 -65 Субектнинг муомалавий харажатлари - - - - - - 1500 0 76 Субектнинг муомалавий фойдаси 1019 -141 Сегментлар бўйича фойда юзасидан тузиладиган ҳисоботнинг бошқа алтернатив варианти ҳам мавжуд бўлиб ушбу тартибда маржинал даромалнинг кўрсаткичлари ўрнига 224 сегментларнинг ялпи фойдаси ҳисобланиб аниқланади. Ушбу ҳисоблаш қуйидаги формулага асосан амалга оширилади: ФΣқДΣ-Тм Бу ерда: ФΣ- ялпи фойда; ДΣ- ялпи даромад ва Тм- маҳсулотнинг таннархи. Лекин амалиётда фойда марказлари бўйича ҳисоботларни тузишда ушбу масалаларни чуқурроқ ёритиш имкониятлари мавжуд. Ушбу ҳолатларда ҳисобот сегментларининг муомалавий фойдаларини ёритишгача кенгайтирилади ва фойда эса сегментларнинг олган ялпи фойда суммасидан субектнинг муомалавий харажатларини чегириш натижасида топилади. Бу тартибни жорий қилишда эҳтиёт бўлиш керак, чунки айрим ҳолларда бўлимларнинг хақиқатда олган фойдасининг ҳажмини нотўғри кўрсатишга ва нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин. Ушбу муомалавий харажатларни тақсимлашнинг учта усули олимлар ва амалиётчилар томонидан таклиф қилинаяпти: 1. Тақсимот базаси қилиб меҳнат ҳақи сарфларини олиш; 2. Тақсимот базаси қилиб ҳар бир сегментнинг олган даромадини олиш; 3. Тақсимот базаси қилиб ҳар бир сегментнинг олган фойдасини олиш. Шундай қилиб, ушбу усулларни чуқур ўрганиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: фойда марказлари бўйича ҳисобот тайёрлаётганда ташкилий муомалавий харажатларни тақсим қилишнинг мутаносиблик

асоси бу сегментларнинг олган фойда суммасидир. Ушбу усул тегишли бўлимлар фаолиятининг самарадорлигини бузиб кўрсатмайди. 7. Хўжалик юритувчи субектларнинг сегментлари бўйича ҳисобот тизимини тузишнинг вазифалари ва босқичи Сегментлар бўйича ҳисобни юритиш ва ҳисобот тузиш тизимини яратишдан мақсад мулк эгалари ва ҳамма босқичдаги менеджерларни ушбу бўлимларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган тўлиқ, тезкор ва ишончли маълумотлар билан таъминлашдир. Зарурат туғилганда ушбу маълумотларни молиявий ҳисоб тўлиқ ҳолда ва тезкор етказиб бера олмайди. Шунинг учун ҳам сегментлар бўйича ҳисобни юритиш: ҳозирда амал қилинаётган ҳужжатларнинг айланишини такомиллаштиришга ёрдам беради; компаниянинг ва айрим масъулият марказлари фаолиятининг кўрсаткичларини муқобиллаштириш имкониятини яратади; натижада компаниянинг оладиган фойдаси ҳажмининг кўпайишига ёрдам беради. Шунинг учун сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилишда қуйидагиларга амал қилиш лозим: ушбу тизимни тадбиқ қилиш ва унга хизмат қилиш харажатлари улардан фойдаланиш натижасида кўрилган самарадан кам бўлиши керак; ушбу тизим маълумотларининг сирлилигини таъминлаши лозим; тизим автоматлаштирилган ва қулай бўлиши лозим. Сегментлар бўйича ҳисобни юритиш тизими тегишли субектда қуйидаги босқичларни босиб ўтишини талаб қилади: 1-босқич. Масъулият марказларига ажратилган ҳолда бошқаришнинг марказлашмаган таркибини шакллантириш. Масъулият марказлари ўз навбатида фойда маркази ва харажатлар марказига бўлиниши шарт. Ушбу шартдан келиб чиққан ҳолда бошқарув таркибини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. (9.5-чизмага қаранг). Ушбу келтирилган лойиҳа бўйича бошқарув ташкил қилинса фойда маркази сифатида айрим олинган ҳар бир дўкон ва харажат маркази сифатида эса идора ва омборлар фаолият кўрсатади. Натижада фойда марказлари бўйича олинган бошқарув ахборотлари асосий ўрин тутади. Чунки уларнинг фаолиятини оқилона ва муқобил бошқариш компаниянинг умумий фойдасига тўғридан тўғри таъсир қилади. Чунки фойда марказлари сарфланган харажатларни қоплабгина қолмай субект учун фойда ҳам олиб келиши керак. Харажатларнинг пайдо бўлиш марказлари ҳисобланган масъулият марказлари бўйича бошқарув ҳисоби ва назорати ўрнатилади. 225 Маъсулият марказларининг фаолияти учун жавобгар шахслар тегишли сегментларнинг раҳбарларига юклатилган. Ушбу марказларнинг фаолияти ўз навбатида тегишли бўлимларнинг раҳбарлари томонидан назорат қилинади. 14.5-чизма. «Махмуд» компаниясининг лойиҳадаги ташкилий таркиби. Масъул ходимлар-мутахассислар ва бўлимнинг директорлари мансаб ҳуқуқи чегарасида бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Уларнинг ҳуқуқ чегарасидан чиққан айрим муаммо ва масалалар эса бош

директор томонидан ёки директорлар кенгаши томонидан ечилади. Директорлар кенгашининг йиғилиши икки усулда ўтказилиши мумкин: департаментларнинг директорлари иштирокида очиқ йиғилиш; зарур департаментнинг директори иштирокидаги йиғилиш. Ушбу йиғилишда кўриладиган ва ечиладиган масалага боғлиқ ҳолда йиғилиш ўтказилади. Мисол, коммерсия директори кейинги кунлардаги товар айланишини таҳлил қилиб 16-дўконда ушбу кўрсаткичнинг пасайиб кетганлигини қайд қилди. Ушбу дўконнинг директоридан келган маълумотга қараганда яқин жойда янги магазин очилиб шунга ўхшаш товарлар билан савдо қилинаётгани маълум бўлди. Демак, ушбу ҳолат бўйича маълум қарор қабул қилиш лозимки: ушбу 16-дўкондаги товарларнинг айланиши ва савдо ҳажмини илгариги ҳолатига қайтариш тадбирини белгилаш; бошқа дўконларнинг яқинида имконияти борича шунга ўхшаш дўконларни қуришга ҳалақит бериш. Демак, ушбу масалага бағишланган мажлисни тезлик билан ўтказиш лозим. Айрим ҳолларда хусусий масалаларни ечиш зарурияти туғилганда у ёки бу дўконнинг директорини алмаштириш масалалари кўрилса бош директор ходимлар билан шуғулланадиган масъул шахс ва коммерсия директорининг фикри билан кифояланиши мумкин. Компаниянинг марказий идораси бўйича ҳолат бошқача бўлади. Ушбу харажат марказининг фаолияти бўйича масъулликни компаниянинг молиявий директорига юклаш мумкин. У идорадаги харажатларнинг пайдо бўлиш сабаби ва жойлари устидан назорат ўрнатади. Ҳамма бўлимларнинг директорлари зарурият туғилганда харажатларнинг ортиқча сарфи бўйича молиявий директорга тушинтириш хатлари ёзиши шарт, чунки ушбу бўлимларнинг, қолаверса компаниянинг бюджети директорлар кенгашининг йиғилишида йилнинг бошида тасдиқланган. Ушбу фарқлар йиғилган ҳолда билдиришнома кўринишида келгусида қарор қабул қилиш учун бош директорга берилади. Чунки бюджетни тасдиқлаётган вақтда четга чиқиш чегараси ҳам тасдиқланади. 2-босқич. Масъуллик марказлари бўйича сарфланган харажатларнинг моддаларини кодлаштириш. Сегментлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш тизимини ташкил Бош директор Бўлимлар директориннг кенгаши Бўлимларнинг директори Маъсулят марказлари Идора Омбор Дўконлар Харажатларнинг маркази Ғойда маркази 226 қилишда ушбу марказларнинг харажат ва даромадларини аниқ ва аналитик ҳолда кўрсатиш, фаолиятининг натижаларини баҳолаш ва ҳисоботларни тузиш учун ҳар бир масъулият маркази бўйича харажат ва даромадларни моддалар бўйича кодлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу муҳим вазифани амалиётга тадбиқ қилиш учун мазкур компанияда қўлланиладиган счётларнинг ишчи режасини тузишни талаб қилади. Ушбу масалани ечиш тартибини компаниянинг муомала харажатларини ҳисобга олиш жараёнига тадбиқ қилиб кўрамиз. Айрим олинган сегментларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш учун

қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим: а) ушбу харажатларни ўзгарувчан, ўзгармас ва шартли ўзгармас харажатларга туркумлаш лозим: ўзгарувчан харажатларга товарларни сотиш ҳажмига мутаносиб равишда ўзгарадиган харажатлар киради; ўзгармас харажатларга эса тескариси, яъни ушбу марказлар фаолиятининг кенгайиши-тавсифланиши ҳажмининг ўзгаришидан қатъий назар ўзгармайдиган харажатлар (дўконни асраш, солиқлар) киради; шартли ўзгармас харажатларга эса юқоридаги гуруҳларга таълуқли бўлмаган харажатлар киради. б) масъулият марказларининг харажатларини тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган харажатларга бўлиш: тартибга солинадиган харажатларга ушбу раҳбарларнинг қарорларига асосан ўзгартириладиган харажатлар. Бошқача қилиб айтганда ушбу харажатларнинг миқдори раҳбарнинг қарорига асосан ўзгариши мумкин бўлган харажатлар киради; тартибга солинмайдиган харажатларга эса ушбу марказ раҳбарининг қарори таъсир қилмайдиган харажатлар киради. Ушбу тартибдан келиб чиққан ҳолда компанияда қўлланилаётган счётларнинг режасига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. бир харажат моддасига қўшимча белгилар қўйилади: 1-ўзгарувчан харажат, 2-ўзгармас харажат, 3-шартли ўзгармас харажат, 4-тартибга солинадиган харажат, 5-тартибга солинмайдиган харажат. Ушбу кодлаштириш бухгалтериянинг ишини кўпайтирмайди, балки ушбу тармоқнинг ҳисобини юритаётган бухгалтерни сегментларнинг харажатлари бўйича таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлайди. Чунки ҳозирги даврда ҳисоб, таҳлил ва баҳолаш ишига компютерларнинг кенг жорий қилиниши ушбу ишларни анча енгиллаштиради. Ушбу таклифдан келиб чиққан ҳолда 9410-«Муомала харажатлари» счётлари гуруҳини амалиётга тадбиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Мисол, 9414-"Меҳнат хақи бўйича сарфлар" счётини олиб қарайлик. 9414/1/4. Демак, ушбу харажатлар ўзгарувчан ва тартибга солинувчи харажатлар гуруҳига киради. Ушбу компаниядаги дастлабки ҳужжатларга ишлов бераётган ва муомала харажатлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантирадиган бухгалтериянинг иш тартиби сегментлар бўйича ҳисобни жорий қилиш натижада аҳамиятли даражада ўзгармайди. Ушбу ҳисобда илгари кодлаштирилган харажатларнинг моддаси сақланиб қолинади. Харажатлар моддасининг белгилари масъул бухгалтер томонидан шакллантирилади. Мисол, товарларни сақлаш ва ташиш харажатларини 30-дўкон бўйича кодлаштирамиз -9411/30/11/100. Бу ерда, 9411-"Товарларни сақлаш ва ташиш харажатлари" счёти; 30-аналитик ҳисобнинг биринчи босқичи- магазиннинг номери; 11-аналитик ҳисобнинг иккинчи босқичи- харажатларнинг моддаси; 100-аналитик ҳисобнинг учинчи босқичи- таъсисчиларга бериладиган ҳисоботларнинг шаклланиши. Сегментлар бўйича ҳисобда харажатларнинг туркумланиш белгилари бўйича маълумотлар автомат

равишда тақсимланади. Юқорида келтирилган харажатланинг моддаси қуйидаги кўринишда келтирилиши мумкин: 9411/30/11/100, 1.4. Бу ерда қўшимча 1-ўзгарувчан харажат ва 4 эса тартибга солинадиган харажат эканлигини билдиради. 227 Айрим ҳолларда харажатлар бўйича маълумотлар тегишли белгилари бўйича ажратилмаслиги ва тегишли магазиннинг фаолиятини ёритадиган тезкор ҳисобнинг маълумотлари тегишли департаментга умумий суммада тақдим қилиниши мумкин. Шундай қилиб, сегментлар бўйича ҳисобни ёритадиган бухгалтер ўзининг шахсий компютерига эга бўлган ҳолда бутун бухгалтериядаги ахборотларга кириш имкониятига эга бўлади. Бошқа истеъмолчилар, фойдаланувчилар учун ушбу ахборотларга кириш йўли берк бўлади. Бухгалтерия ахборотларини олиш имкониятлари ушбу бухгалтерияда ишлаётган ходимларнинг мансаб поғоналаридан келиб чиқилган ҳолда белгиланади. Сегментлар бўйича ҳисоботларнинг шаклланишининг тезкорлигини оширишнинг иккита йўли мавжуд: а) камроқ сарф талаб қиладиган йўл. Ушбу йўл танланганда фойда марказлари томонидан товарлар ва кассалар бўйича ҳисоботларни тайёрлаш муддатларини қисқартириш. Ушбу жараёнда касса бўйича ҳисоботни тайёрлашда ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки ҳозирда касса бўйича ҳисобот ҳар куни топширилмоқда. Товарлар бўйича ҳисоботни тайёрлашдаги асосий муаммо ушбу ҳисоботларнинг оралиқ даврини қисқартириш ва тегишли маълумотларни бухгалтерия ҳисобининг тизимига киритишдир. Лекин тегишли дўконлар ва омборлар бўйича ушбу ҳисоботларни ҳар уч кунда топширсалар ҳужжатларга дўкон ва омборларда ишлов бериш ва текшириш уч марта қисқаради. Омборларда товарларнинг ҳаракати бўйича ҳисоботни миқдор-сумма карточкасига ва омборнинг кирим ва чиқим дафтарига асосан кунда тайёрлаш имконияти бор. Шундай қилиб ушбу товар ҳисоботини ҳафтада икки марта топширсалар бухгалтерияда текширилмаган ҳужжатларнинг миқдори ҳам камаяди. Ушбу тартиб қўлланилганда хафтанинг биринчи ярмидаги товарларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот кечи билан раҳбариятга жума куни эрталаб етказилади, бу унинг тезкорлигини оширади ва бошқарув қарорининг нисбатан тўғри қабул қилинишига олиб келади. б) ушбу муаммони ечишнинг иккинчи йўли. Бу йўл кўп сарфларни талаб қиладиган глобал йўл ҳисобланади, лекин ушбу вариант тадбиқ қилинса бошқарувнинг самарадорлиги тубдан ошади. Бу усул ўзида ҳисоботларни автоматлаштириш, яъни товарларнинг ва пул маблағларининг ҳаракатини компютерлашдир. Натижада ҳар кунда олинган, сарфланган товарларнинг натура ва сумма ҳаракатини, пулнинг олинишини компютерга киритиш, ушбу муомалаларни кодлаштириш ва эрталаб марказий офисдаги компютерга ўтказиш имконини яратади. Натижада ўтган кундаги товарларнинг ҳаракати ва бугун эрталабда мавжуд бўлган товарларнинг турлари бўйича миқдор ва сумма кўрсаткичида тегишли таъминот, коммерсия бўлимларида ва

бош директорнинг столида бўлади. Бу эса ўз навбатида тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади ва товарларга бўлган талаблар ўрганилади, товарларнинг тақчиллигининг олдини олиш билан бир вақтда у ёки бу дўконда унинг ортиқча йиғилиб қолишига йўл қўймайди. 3-босқич. бир сегмент бўйича режа ва ҳисобот ишларини ташкил қилиш. Бошқарув ҳисобини амалиётга тадбиқ қилиш натижасида масъулият марказлари бўйича сарфлар ва даромадларни режалаштириш имконияти яратилади ва натижада: бизнес сегментларининг баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш; ҳақиқий кўрсаткичлар билан режадаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш; ушбу фарқларнинг сабабларини топиш имконияти юзага келади. Сегментлар бўйича ҳисоботнинг асосий вазифаларидан бири бизнес сегментлари бўйича тасдиқланган меъёрлардан содир бўлган фарқлар бўйича ҳисоботларни тақдим қилишдир. Ушбу фарқларни ўз вақтида аниқлаш ва сабабаларини билиш натижасидагина уларни тезкорлик билан тугатиш имконияти вужудга келади. Тегишли сегментларнинг бюджет ва меъёрларини бухгалтер-таҳлилчи ишлаб чиқаётганда ушбу сегментларнинг директорлари билан узвий алоқада бўлади, режалаштириш усулларидан фойдаланади, олдинги давр кўрсаткичларини чуқур таҳлил 228 қилиб ўрганиб чиқади, ички стандартлар ва истиқболларни ишлаб чиқади. Ушбу ҳисобот қуйидаги шаклда ва тартибда тузилади (14.8-жадвалга қаранг). Ушбу ҳисобот маълумотларига асосан долзарб муаммолардан бири ҳисобланган товарларнинг оқимини муқобиллаштириш муаммосини ечиш мумкин. Ушбу ҳисобот коммерсия бўлимига топширилади ва ҳамма йўналишлар бўйича товарларнинг ҳаракатини кузатиш ва назорат қилиш имкониятини яратади. Шу билан бир қаторда 14.8-жадвал Товар оқимларининг ҳаракати бўйича ҳисобот (минг сўм) 12-сон дўкон бўйича 01.03-05.03.20хх. йил даври учун. № Кўрсаткичлар Товарларнинг гуруҳи 1. 01.03 санасидаги қолдиқ 350 420 180 190 210 260 2. Кирим, жами 420 360 210 200 160 190 2.1 Мустақил олинган 130 140 110 90 60 80 2.2 Марказлашган ҳолда олинган 290 220 100 110 100 110 3. Сотилган 530 490 300 320 290 400 4. Дўконлараро берилиши 100 25 30 10 20 0 6. Қайтарилган, жами 20 10 - 10 - 20 6.1 Омборга 9 5 - 10 - 5 6.2 Мол етказиб берувчига 11 5 - - - 15 7. Товарларнинг ҳисобдан чиқарилиши 5 - 3 - 4 5 8. 05.03 санасига қолдиқ 115 345 57 50 56 25 коммерсия бўлими, таъминот бўлимларининг директорлари дўконларнинг ва омборларнинг фаолиятини бошқариш ва бир-бирига боғлаш имкониятига эга бўладилар. Мисол, феврал ойининг охирги 8 кунлик (21-28) ҳисоботини таҳлил қилиш натижасида бир қатор дўконларда (3, 9, 18, 21, 24, 29) товарларнинг 1-4 гуруҳлари бўйича ортиқча қолдиғи аниқланди, ваҳоланки ушбу товарлар бўйича тақчиллик 1. 4, 8, 23, 26 дўконларда вужудга келди. Лекин шу вақтнинг ўзида 2-омборда ушбу товарларнинг ўртача 10-13 кунлик захираси

мавжуд эди. Ушбу ҳолатларни чуқур ва тезлик билан ўрганиб товарларнинг дўконлар ўртасидаги ва омбордан олинишини оқилона ташкил қилганда товарларнинг айланиши ўртача 5-8 %га ошган ва олинадиган фойда 9-11%га кўпайган бўлар эди. Бундан ташқари битта дўконда (12-дўкон) 5 кун ичида 17000 сўмлик товар ҳисобдан чиқарилган, демак, ушбу дўкон 17000 сўм зарар кўрган. Ушбу рақамни компания бўйича ҳисобласак ўртача 500-530 минг сўмни ташкил қилади. Тегишли дўконлар раҳбарларининг ушбу ҳисоботига асосан ҳар бир дўкондаги товарларнинг турларини тартибга солиш мумкин. Мисол, ушбу дўконда 1-гуруҳ товарларига бўлган талаб анча камайди, яъни 100000 сўмлик товар қолдиғи қолди, лекин бошқа товарларга бўлган талаб ошди. Ушбу маълумотларга асосан коммерсия директори бошқа дўконлардаги шу товарга бўлган талабни ўрганиб унинг бир қисмини бошқа дўконга ўтказиш (100 минг сўм) тўғрисида тезлик билан буйруқ беради ва талаб катта бўлган товарларни (6-гуруҳ) тезлик билан омбордан олишга ёки мустақил сотиб олишга рухсат беради. Кейинги тақдим қилинадиган ҳисобот товар гуруҳлари бўйича уларнинг фойдалилик даражасини аниқлаш имконини яратади. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда дўконнинг сарфларига қўшиладиган билвосита харажатлар товарларнинг айрим гуруҳлари ўртасида белгиланган тартибда тақсимланади. Шу билан бир қаторда ушбу келтирилган ҳисобот баҳони шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни беради. Бу ҳисобот улардан фойдаланувчиларнинг хоҳиши бўйича белгиланган даврларда (ҳар куни, 3, 5 кунда) тузилади ва тақдим қилинади (9.9-жадвалга қаранг). Ушбу ҳисоботни чуқур ўрганиш натижасида қайд қилиш мумкинки, айрим товарларни сотишдан юқори даражада фойда олинса 15-20 %гача (5-6 гуруҳ) бошқа 229 гуруҳдаги товарларни сотишдан олинган фойда нисбатан кам даражада, 13 %гача. Демак, дўкон раҳбарининг олдига қўйилган масала ушбу кам фойда олинадиган товарларга қўйиладиган устамаларни қайта кўриб чиқиш ва уларни гуруҳлари бўйича талабга таянган ҳолда тартибга келтириш лозимлигидир. Демак. бошқа дўконлардаги аҳволларни ҳам тезликда ўрганиб чиқиб салбий ҳолатларни тугатиш, товарларнинг гуруҳларини талабга мувофиқ тартибга келтириш ва баҳо сиёсатини қайта кўриб чиқиш масаласини қўяди. Ушбу ҳисоботда харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлиш уларнинг масъулият марказларида ўзларини тутиш ва молиявий натижаларга таъсирини ўрганишга ёрдам беради. Айрим ҳолларда ушбу ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу харажатлар яна ҳам майдалаштирилади, яъни улар моддаларга бўлинган ҳолда гуруҳланади ва таъсири ўрганиб чиқилади. Компаниянинг бутун фаолияти юзасидан тузилган йиғма ҳисобот ушбу субект умумий фаолиятининг якунини акс эттиради ва унинг маълумотлари илгари даврдаги натижалар билан солиштирилган ҳолда

таққосланиб жорий йилдаги хўжалик фаолияти баҳоланади. 14.9-жадвал 12-дўконнинг фаолияти бўйича ҳисобот, минг сўм. 01.03-05.03.20хх йил № Кўрсаткичлар Товарларнинг гуруҳи Жа ми 1 2 3 4 5 6 1. Товарларнинг айланиши 50 45 55 60 80 90 380 2. Товарнинг таннархи 32 23 31 37 47 40 210 3. Даромад 18 22 24 23 33 50 170 4. Дўконнинг харажатлари, жаъми, шундан 8 10 11 11 15 25 80 4.1 Тартибга солинадиган, жаъми, шундан 6 5 6 6 8 14 45 4.1.1 Ўзгарувчан 3,6 2,8 3,4 3,4 4,8 8 26 4.1.2 Ўзгармас 2,4 2,2 2,6 2,6 3,2 6 19 4.2 Тартибга солинмайдиган, жаъми, шундан 2 5 5 5 7 11 35 4.2.1 Ўзгарувчан 1,1 2,2 2,2 2,2 3,1 6 16 4.2.2 Ўзгармас 0,9 2,8 2,8 2,8 3,9 5 19 5. Дўконнинг олган фойдаси 10 12 13 12 18 25 90 6. Идоранинг сарфи, жаъми, шундан 3 4 5 4 6 8 30 6.1 Тартибга солинадиган 2 2,7 3 2,6 3,7 5 17 6.2 Тартибга солинмайдиган 1 1,3 2 1,4 2,3 3 13 7. Якуний фойда 7 8 8 8 12 17 60 Сегментлар бўйича ўтган ойда тузилган ҳисоботларнинг маълумотларига асосан кейинги йил учун дўконларнинг бюджетлари тузилади, масъулият марказлари юқори даражада фойда олиш учун товарларнинг гуруҳлари бўйича айланиши ва олинадиган даромади муқобиллаштирилади. Чунки ушбу ҳисоботнинг маълумотларидан компаниянинг ҳамма бўлимлари ўзларини қизиқтирган параметрлар бўйича фойдаланиши мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, товарларнинг турлари ва уларнинг айланишини назорат қилиш учун сотув бўлимини муомала сарфларининг хажми қизиқтирмайди Ҳисоботларнинг тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлили билан тегишли бўлимнинг бухгалтери ва компаниянинг таҳлил гуруҳи шуғулланади. 230 Агарда ушбу ҳисоботларда бюджетнинг бажарилиши юзасидан эътиборга лойиқ фарқлар аниқланса, у вақтда ушбу таҳлил ва фарқнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш учун тегишли бўлимлар ҳам жалб қилинади. Агарда компаниянинг иши яхши ривожланаётган бўлса, у вақтда дўкон ва бўлимлардан кўрсаткичлар қисқартирилган ҳолда ҳисоботлар олинади. Режалаштирилган давр (ой)нинг охирида ушбу сегментларнинг фаолиятини баҳолаш ва олинган маълумот-кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун эса дўконлар, омборлар ва марказий идора бўйича ҳамма зарур кўрсаткичлар акс эттирилган ҳисоботлар тақдим қилинади. Дўконнинг ходимлари ва директорнинг ихлоси эса фақат уларнинг меҳнатини рағбатлантирган вақтдагина ошади ва ўзининг касбига меҳрини уйғотади. Натижада дўконнинг фойдасини оширишдан манфаатдор бўлган директор эса дўконнинг фаолиятида содир бўладиган ва бўлган харажатларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатади ва тартибга солади. Унинг ходимлари ҳам директор билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб дўконнинг ривожланишига кўмаклашади. Ушбу йўналишни қўллаб қувватлаш фойданинг хажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланган иқтисодий рағбатлантиришнинг миқдори, мансаб поғоналаридан кўтарилиши ва фаолиятидаги ҳуқуқларининг кенгайтирилиши билан амалга

оширилади (14.10-жадвалга қаранг). 14.10-жадвал 20хх йил март ойида 12-дўкон бўйича бюджетнинг бажарилиши бўйича ҳисобот (минг сўм) № Кўрсаткичлар Режа Хақ. Фарқ Белги си* 1. Товарларнинг айланиши-жаъми 860 920 60 И 231 идора сарфи 22 22 0 - бошқа сарфлар 14 12 -2 И 5. Фойда ёки зарар (3-4) 70 80 10 И *И-ижобий, С-салбий Ҳисоботдан кўриниб турибдики, ўтган ойда дўкон бюджет кўрсаткичларининг ҳамма параметрлари бўйича режани бажарган. Ой давомида режалаштирилган 70000 сўм фойда ўрнига 80000 сўм фойда олган. Ушбу 10000 сўм ортиқча фойда дўкон директорининг назорат қиладиган сарфларга тўғри таъсир қилишининг натижаси ҳисобланади. Тасдиқланган бюджетга асосан март ойида дўконнинг муомала харажатлари 180000 сўм қилиб белгиланган. Ҳақиқатда эса 160000 сўм сарфланиб 20000 сўм тежалган. Лекин фойда бўйича бюджет топшириғи эса фақат 10000 сўмга ортиқча бажарилган. Чунки бунга ялпи даромад режа-кўрсаткичининг бажарилмаслиги сабаб бўлган (240000- 250000 = 10000). Март ойида товарларнинг айланиши режалаштирилганга (920-860) нисбатан 60000 сўмга ошди. Натижада ялпи даромад бўйича режанинг бажарилмаслиги қуйидаги сабабларнинг таъсирида содир бўлиши мумкин: март ойида сотилган товарларнинг сотиб олиш баҳоси режалаштирилган баҳога нисбатан ошиқ бўлган; дўконларда сотилган товарларнинг ичида паст даражада устама қўйилган товарлар кўп ҳажмни ташкил қилган. Демак, 1-сабаб ушбу дўкон директорнинг қарорига боғлиқ эмас, балки бу ташқи омил, яъни тартибга келтирилмайдиган сарфлар ҳисобланса, иккинчи сабабни эса директорнинг ўзи назорат қилиши мумкин эди, чунки устама қўйиш масаласини дўконнинг директори еча олади. Директорнинг фаолиятини баҳолаш жараёнида ушбу сабаблар ва уларнинг исботи инобатга олиниши лозим. Хулоса қилганда ҳар бир дўкон фаолиятининг самарадорлиги товарларнинг айланиши ҳажмининг кўрсаткичи билан баҳоланади. Лекин ушбу баҳолаш холис ҳусусиятга эга бўлиши лозим. Ҳаётдан маълумки, аҳоли зич жойлашган ва ҳаракат қиладиган жойлардаги дўконларда савдо-сотиқ нисбатан кўп амалга оширилади. Бундан ташқари, товарларни сотиш ҳажми товарларнинг тури, уларга талаб ва савдо лицензиясининг мавжудлигига ҳам боғлиқ. Шунга ўхшаган масалаларни асосан компаниянинг бош директори ечади ва бу омиллар дўкон директори фаолиятининг сифати билан боғлиқ эмас. Натижада ушбу омиллар у ёки бу дўконнинг бюджети шакллантирилаётганда ва унинг фаолияти баҳоланаётганда ҳисобга олиниши лозим. Ушбу юқорида тасниф берилган ва ёритилган баҳолаш чегаралари молиявий чегараларга киради. Фаолиятини баҳолашнинг номолиявий чегараларига эса хизмат қилишнинг сифати, сотувчиларнинг хушмуомала ва чаққонлиги киради. Чунки ушбу хатти ҳаракатлари билан сотувчилар дўкондан харидорларни қуруқ чиқармай у ёки бу товарни сотиб олишга ундайдилар. Марказий идора ва

омборлар фаолиятининг натижасини баҳолаш тартиби фойда марказларининг фаолиятини баҳолаш каби белгиланади. Қуйида март ойида марказий идоранинг харажатлар бўйича тузилган бюджетининг бажарилиши бўйича ҳисоботи келтирилган (14.11-жадвалга қаранг). Б-бухгалтерия, К-компютер бўлими, Т- таъминот бўлими, М- кўчмас мулк бўлими, С- сотиш бўлими. Харажат марказларининг ходимларини рағбатлантириш учун эса уларнинг шахсий фаолияти, қўшган хиссаси, ижрочилик қобилияти, маданияти эътиборга олинади. Рағбатлантиришлар пул кўринишида- мукофот, дам олиш уйларига ва даволашга бепул йўлланма, саёҳат, хизмат лавозимининг поғонасидан кўтарилиш кўринишида бўлади. Ҳисоботда сарфланган харажатлар тўғрисида маълумотлар келтирилганлиги учун «+» белгиси ижобий ва «-» белгиси салбий ҳолатларни билдиради. Март ойида компаниянинг маъмурияти томонидан сарфланган харажатларнинг бюджетга нисбатан 160000 сўмга тежалгани кўриниб турибди. Ушбу кўринишдаги тузилган ва тақдим 232 қилинган ҳисоботда харажатлар унинг турлари-моддалари бўйича назорат қилишдан ташқари ҳар бир масъулият марказлари бўйича ҳам назорат ва таҳлил қилиш имкониятини яратади. 14.11-жадвал Компания идорасининг март ойидаги бюджетининг бажарилиши бўйича ҳисобот (минг сўм) № Кўрсаткичлар Режа Ҳақ. Фарқи Бўлим коди 1. Меҳнат ҳақи сарфлари 1810 1740 -70 5 2. Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратма 3. Йўллардан фойдаланиш солиғи 4. Маиший хизмат сарфлари 5. Товарларни божхонадан ўтказиш ва экспертиза сарфлари 6. Транспорт хизмати сарфлари 7. Мулкларнинг суғуртаси сарфи 8. Алоқа хизматлари сарфи 9. Ҳисоблаш техникаларини асраш ва улардан фойдаланиш сарфи 10. АВ ва НМА эскириши 11. Банк ва инкассация хизмати 12. Ижара тўловлари 13. Идора сарфлари 14. Хизмат сафари сарфлари 15. Реклама сарфлари 16. Бошқа сарфлар Жаъми 9250 9090 -160 - Ушбу марказларнинг раҳбарларини рағбатлантириш бош директор томонидан амалга оширилса, бўлимларнинг ходимларини рағбатлантириш эса департаментларнинг директорлари томонидан амалга оширилади. Ушбу рағбатлантиришнинг умумий суммаси компаниянинг бюджетида айрим моддада келтирилади. Шундай қилиб, ушбу компанияда сегментлар бўйича ҳисобни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилишдан кўзланган асосий мақсад ушбу компаниянинг молиявий барқарорлигини ўстиришдир. Хулоса Сегментлар бўйича ҳисоботнинг асосий вазифаси - бизнес сегментлари бўйича тасдиқланган меъёрлардан содир бўлган фарқлар бўйича ҳисоботларни тақдим қилишдир. Ушбу фарқларни ўз вақтида аниқлаш ва сабабларини билиш натижасидагина уларни тезкорлик билан тугатиш имконияти вужудга келади. Назорат ва муҳокама учун саволлар 1. Сегментлар бўйича ҳисоб нима? 2. Бошқарув ҳисоби тизимида сегментлар бўйича ҳисобнинг ўрни ва аҳамиятини ёритинг? 3. Трансферт баҳолари, уларнинг қўлланилиши

жойларини айтинг? 4. Трасферт баҳоларни ҳисоблаш усулларини айтинг? 5. Субектнинг ташкилий таркибининг трансферт баҳоси шаклланишига таъсири? 6. Ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган трансферт баҳоларни айтинг? 7. Зарарсизлик нуқтаси қандай аниқланади? 8. Баҳони шакллантириш учун қарорлар қандай қабул қилинади?

15-МОДУЛ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳозирги шароитда бошқарув ҳисоби тизими моҳиятини хўжалик юритувчи субъектлар бўлимлари ўртасидаги коммуникацион алоқаларнинг мукаммал тарзда ишлаб чиқилган шакллари ва методлари йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин; корхона таркибий бўлинмалари фаолиятини жорий режалаштириш; маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг оперативлигини таъминлаш; моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар сарфи устидан оператив назорат қилиш; юзага келган ҳар бир ҳолат юзасидан таҳлил ва истиқболни белгилаш.

Юқорида таъкидланганидек, бошқарув ҳисоби калькуляция ҳисоби негизида вужудга келган, шунга мувофиқ ҳозиргача унинг асосий таркибини ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ташкил қилиб келмоқда. Бошқарув ҳисоби моҳиятига ана шундай ёндашув бу нафақат амалиётчилар, балким назариячи-иқтисодчи олимлар орасида ҳам анчагинадир. Улар “бошқарув ҳисоби” моҳиятини белгилашда худди ана шу ёндашув моҳиятидан келиб чиқадилар.

Шу ўринда қайд қилиш керакки, бошқарув ҳисобининг моҳиятини белгилашда деярлик барча муаллифлар унинг асосида ахборот таҳлили туришини алоҳида қайд қиладилар. Бошқарув ҳисоби таркибида хўжалик юритувчи субъектнинг барча бўлимлари кесимида асосий фаолият натижалари, ана шу натижадаги ҳар бирининг улуши тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, таснифланади, таҳлил қилинади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Бошқарув ҳисоби моҳиятини аниқ белгилашда хўжалик юритувчи субъектнинг маълумот-назорат тизими яхлитлигини ифодаловчи белгилар йиғиндиси: узлуксизлик, аниқ бир мақсадга қаратилганлик, маълумотлар таъминотининг тўлиқлиги, жамиятдаги объектив иқтисодий қонунларнинг амалиётда акс эттирилиши, ташқи ва ички шароитлар ўзгариши натижасида бошқарув объектлари таъсирчанлигининг ўзгариши ва шу кабиларни кўриб чиқиш тақозо этилади.

Кўпгина муаллифлар бошқарув ҳисоби моҳияти тўғрисида турли-туман қарашларни ифодалашади. Замонавий миллий иқтисодиётнинг

ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқарув ҳисоби моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Бошқарув ҳисоби – хўжалик юритувчи субъектнинг муаммоларини ҳал этиш ва истиқболдаги ривожланишини таъминлашга қаратилган тезкор (оператив) бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар ҳисоби, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлил тизимини ифодаловчи релевант маълумотларни бир тизимга солади.

Берилган ушбу таъриф бошқарув ҳисобининг объектлари, белгилари ва мақсадларидан келиб чиқиб берилган бўлиб, булар ушбу мақола доирасида атрофлича кўриб чиқилади.

Бошқарув ҳисобининг функциясини белгилашда бир қатор ривожланган бозор муносабатларига эга давлатлар, шунингдек, мамлакатимиз олимлари қуйидаги қарашларни алоҳида таъкидлайдилар:

1. Бошқарув ҳисоби бошқарувнинг турли бўғинларини маълумотлар билан таъминлайди; оператив назорат функцияси ҳамда истиқболли режалаштириш функциясини бажаради.

2. Бошқарув ҳисоби бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотлар тайёрлайди; турли хил бошқарув бўғинлари учун таҳлилий ҳисоботларни тузади; раҳбарларни четланишларни бошқаришга йўналтиради.

3. Бошқарув ҳисоби бизнесни тизимли бошқариш учун бошқарувнинг турли бўғинларини релевант маълумотлар билан таъминлайди; хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўғинларини бошқариш учун зарурий маълумотларни шакллантиради.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасига таяниб, шунингдек, мавжуд қарашларни танқидий ўрганган ҳолда бошқарув ҳисобининг қуйидаги функцияларини белгилаш мумкин, деб ҳисоблаймиз: бошқарув ҳисоби бизнесни ва унинг сегментларини тизимли бошқариш учун релевант маълумотлар базасини шакллантиради ва раҳбарларни у билан мунтазам таъминлайди; оператив назорат ҳамда истиқболли режалаштириш функцияларини бажаради.

Бошқарув ҳисоби предмети – ишлаб чиқаришнинг максимал самарадорлигига эришиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект ходимлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш учун бошқарув объекти ёки бошқарув жараёнига таъсир ўтказишдир. Бошқарув режалаштириш, ташкил қилиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш ва назорат қилиш ёрдамида бошқарув предметига таъсир ўтказади. Айнан шу функцияларни бошқарув ҳисоби бажариб, у ўз тизимини яратиб, бошқарувнинг мақсад ва вазифаларига жавоб беради.

Ҳозирги пайтгача бошқарув ҳисоби предметининг аниқ таърифлари мавжуд эмас. Муаллифлар умумий ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва хусусий ҳолда бошқарув ҳисоби моҳияти таърифларини ифодалаш билан чегараланишмоқда. Таъкидлаш лозимки, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш тизим ва методлари ўзгариши туфайли бошқарув ҳисобининг таркиби ўзгармоқда. Айниқса, бу турли ташкилий тузилмага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардаги ўзгарувчан ташқи омиллар (инфляция, ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш ва ш.к.) таъсиридаги харажатлар ва даромадлар ҳисобини моделлаштиришга тегишлидир. Ана шу ерда бошқарувнинг объектлари ва субъектлари таркиби ўзгаради.

Бошқарув тўғрисидаги фан бошқарув ҳисоби предмети ҳақидаги концепцияни ҳам шакллантиради.

Бошқарув ҳисобининг предмети – муайян хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолияти.

Предметнинг мазмунини тушуниш, унинг моҳиятига объектив баҳо бериш учун, бошқарув ҳисоби фанининг объектлари моҳиятини тўғри тушуниш керак бўлади.

Бошқарув ҳисобининг объектини белгилашда нафақат амалиётчилар, балким назариячи олимлар ўртасида ҳам яқин бўлган қуйидагича ёндашув мавжуд: бошқарув ҳисобининг объекти, бу хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолияти ҳамда унинг алоҳида сегментлари. Шу билан биргаликда, алоҳида таъкидлаш керакки, амалиётчилар ҳам, назариячи олимлар ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг сегментини белгилашга турлича ёндашишади. Айрим қарашларда, хўжалик юритувчи субъектнинг сегменти дейилганда, унинг фақат айрим олинган бўғинлари ҳисобга олиниши назарда тутилади. Яна бир қарашларда, корхона сегменти унинг айрим олинган мустақил бўғинлари ва маҳсулотлари турини ҳисобга олиш имконини беради, деб эътироф этилади.

Хўжалик юритувчи субъект сегменти дейилганда, нафақат ана шу хўжалик юритувчи субъектнинг алоҳида олинган бўғинлари, балким бошқарув ҳисобининг олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маҳсулот турлари ҳамда бир хил жараёнлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Бошқарув ҳисоби моҳиятини белгилашда унинг муҳим хусусиятини таъкидлаш лозим, яъни бошқарув ҳисоби бошқарув жараёнини ҳисоб-китоблар жараёни билан узлуксиз боғлайди.

Хўжалик юритувчи субъект маълумотлар тизимида бошқарув ҳисоби объектларининг турли хил усуллар ва йўллар орқали ифода этилиши бошқарув ҳисоби *методи* деб аталади.

Бошқарув ҳисобининг методи, бошқарув ҳисоби объектларини хўжалик юритувчи субъектнинг ягона маълумотлар тизимида акс эттириш имконини берадиган усул ва услублар йиғиндисидир. Ана шу усул ва услубларга бухгалтерия ҳисобининг методи элементлари (ҳужжатлаштириш, инвентаризация, баҳолаш, калькуляция, бухгалтерия счетлари, икки ёқлама ёзув, бухгалтерия ҳисоботи ва баланс), шунингдек, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат қилиш, молиявий ва иқтисодий математик таҳлиллар ҳам киради.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш мураккаб жараён ҳисобланади. Бошқарув талабларига жавоб берувчи ҳисоб тизими ҳам мураккаб бўлиб, кўпгина тадбирлар ва жараёнлардан ташкил топади. Бошқарув мақсадларидан келиб чиқиб, бошқарув ҳисоби тизими элементлари таркиби ўзгариши мумкин. Шу билан бирга, аниқ хўжалик юритувчи субъектда ташкил қилинган ҳар қандай ҳисоб сиёсати умумқабул қилинган тамойилларга жавоб бериши керак. Албатта, бундан бошқарув ҳисоби ҳам мустасно эмас. Бошқарув ҳисобининг *тамойиллари* моҳиятини тўғри англаш шу ҳисоб туридан самарали фойдаланиш имконини беради.

Фикримизча, бошқарув ҳисоби тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг узлуксизлиги; режалаштириш ва ҳисоблашда ягона ўлчов бирликларини ишлатиш; иқтисодий маълумотларнинг тезкорлиги, махфийлиги ва энг муҳими, релевантлилиги; хўжалик юритувчи субъектнинг таркибий бўлинмалари фаолияти натижаларини баҳолаш; бошқарув мақсадида бирламчи ва оралиқ маълумотларнинг кўп маротаба ишлатилиши; хўжалик юритувчи субъект ичидаги коммуникация тизими; харажатлар, молия ва тижорат фаолиятини бошқаришда бюджет усулини қўллаш; ҳисоб объектлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишни таъминловчи тўлиқлик ва таҳлилийлик; хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати томонидан ўрнатилган ишлаб чиқариш ва тижорат жараёнларининг даврийлиги.

Ҳар қандай ихтиёрий олинган хўжалик юритувчи субъект ўз мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бошқарув ҳисобини ташкил қилиши ва юритиши, шунингдек, хоҳламаса уни умуман, ташкил қилмаслиги ва юритмаслиги мумкин. Шу билан бир қаторда, хўжалик юритувчи субъект раҳбарларининг билим даражаси, уларнинг умумий савияси ва интеллектуал салоҳиятлари бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишга, унинг савиясига, бошқарув ҳисоби олдига турли хил янги ва истиқболли вазифалар қўйишга олиб келиши мумкин.

Эътироф этиш керакки, ҳар бир ихтиёрий олинган ХЮС раҳбарлари учун шакллантириладиган ва уларга тақдим этиладиган маълумотлар мазмуни ва шакли бошқа субъектлардагидан албатта, фарқ қилади.

Шу билан бир қаторда, бизнинг фикримизча, уларнинг барчасида шакллантирилаётган ва тақдим этилаётган маълумотларнинг ўхшаш томонлари ҳам мавжуд, яъни уларнинг стратегик, тактик ва оператив характерида эканлигидир. Бу ўхшашликни бир қатор иқтисодий мактаблар олимлари ўзларининг илмий тадқиқотларида эътироф этишга ва улар ўртасидаги фарқларни ҳам кўрсата олишга ҳаракат қилишган. Лекин, бошқарув ҳисобининг ана шу қайд қилинган турларини бир яхлитликда ва энг асосийси, уларнинг моҳиятини бошқарув ҳисоби доирасида ягона тизим сифатида талқин қила олишмаган. Бошқарув ҳисобининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилинса, маълумотларнинг ана шу учта турига мос тарзда бошқарув ҳисобининг мос турлари шаклланиб борганлигини кузатиш мумкин: стратегик, тактик ва оператив бошқарув ҳисоблари.

Стратегик бошқарув ҳисоби – бу ХЮСнинг юқори раҳбарларини корхонанинг рақобатбардошлигини оширишга таъсир қиладиган ташқи омиллар ҳамда ички имкониятларни баҳолаш ва улардан самарали тарзда фойдаланиш бўйича узоқ муддатларга мўлжалланган қарорлар қабул қилишларига асос бўладиган релевант маълумотлар билан таъминлашдир.

Бошқарув ҳисобининг тактик даражаси – стратегик мақсад ва режаларга эришишни таъминловчи воситалар тўғрисидаги маълумотлар билан ХЮСнинг ўрта бўғин раҳбарларини таъминлайди. Стратегик бошқарув ҳисобига нисбатан бу ҳисоб даражасида вақт оралиғи жуда қисқа, одатда бир ҳисобот йили, маълумотларнинг аниқлик даражаси юқори, маълумотлар кенглиги жуда қисқа ва аниқ йўналтирилган бўлади.

Оператив бошқарув ҳисоби ХЮСнинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлари ҳақиқий параметрларининг белгиланганларидан, яъни режалаштирилганларидан сезиларли оғиш вужудга келаётганда бу ҳолатга раҳбарларнинг зудлик билан эътиборини қаратиш учун уларга тескари маълумотлар алоқасини ўратиб бериш вазифасини бажаради. Оператив ҳисоб раҳбарлар учун тезкор ва қисқа муддатларга мўлжалланган релевант маълумотлар етказиб бериш учун хизмат қилади. Қисқа муддатда ХЮСнинг фаолият кўрсаткичлари аниқ белгиланган бўлади, аммо ресурслар ниҳоятда чекланган ва улардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Ана шундай вазиятларда ХЮСнинг барқарорлиги чекланган муқобиллар доирасидаги энг яхши ҳаракатлар варианти танловини амалга ошириш ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланиш имконини беради. Оператив маълумот жудаям тор, кўпроқ ички, батафсил ва аниқ бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг барча даражалари бир-бирига боғланган, шунинг учун амалда тактик, стратегик ва оператив маълумотлар ўртасига аниқ бир чегара тортиб бўлмайди. Шунингдек, бир вақтнинг

ўзида бошқарув ҳисобининг стратегик ва оператив даражалари ўртасидаги фарқлар очиқ-ойдин намоён ҳам бўлади. Бу ҳолат бошқарув ҳисоби тизимининг назарий асосларини ишлаб чиқишда ўзининг аниқ ифодасини топади.

Стратегик бошқарув ҳисобининг тамойилларига: истиқболли (ХЮС ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини келгусида энг юқори даражага кўтара олиш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаш), экстерналлик (ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олиш ва ХЮСнинг унга мослашувини таъминлаш), энтропея (ташқи муҳитнинг ноаниқлигини камайтира оладиган ва ХЮСнинг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатувчи томонларини баҳолашга хизмат қиладиган маълумотлар йиғини), эгилувчанлик (ташқи ўзгаришларга мослашиш ва мослашув натижаларини ХЮСнинг иқтисодий муҳитига самарали йўналтириш ҳусусияти), салоҳиятли (рақобатбардош стратегияда имконият манбаларини излаш ва кўпайтириш), сифатлилик (ХЮСнинг имкониятлари ва хатарлар, кучли ва заиф томонларини ҳисоблай олиш) ва эхтимолликлар киради.

Бошқарув ҳисобининг оператив даражаси қуйидаги тамойилларга асосланади: тезкорлик (берилган параметрлардан четланишга нисбатан тезкор харакат), интерналлик (ички жараёнларнинг самарасини баҳолаш), релевант даврининг барқарорлиги (қисқа муддат оралиғида иқтисодий муҳитнинг ўзгармаслиги), оптималлик (чегараланган манбалардан самарали фойдаланиш), молиявий ўлчовлар (маълумотларнинг фойда ва харажатлар миқдорига бевосита таъсирини аниқ кўрсатиб берилиши), таҳлилийлик ва аниқлик.

Стратегик бошқарув ҳисоби матрицали таҳлилий воситалардан, “кучли” ва “кучсиз” сигналлар билан ишлаш алгоритмлари, сценарийли таҳлил, SWOT-таҳлил, GAP-таҳлил (оралиқлар таҳлили), портфель таҳлили (махсулотлар ва бозорларга тегишли муайян стратегиялар бўйича фаолият йўналишларини тақсимлаш таҳлили), мижоз учун сифатли қиймат яратиш таҳлили, махсулотнинг ҳаёт цикли бўйича харажат ҳисоби, мақсадли харажатлар ҳисоби, инвестиция ҳисоб ҳисоб-китоблари, кўрсаткичларнинг мувозанатли тизими ва шу кабилардан фойдаланади.

Тактик ва оператив бошқарув ҳисобларини самарали тарзда амалга ошириш воситалари қуйидагилардир: фаолият кўрсаткичларининг молиявий таҳлили, инвестиция ҳисоб-китобларининг статистик ва динамик воситалари, бюджетлаштириш, функционал қиймат таҳлили (ФҚТ), харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблаш воситалари, стандарт-костинг, директ-костинг, билвосита харажатлар таҳлили, CVP-таҳлил, ABC-таҳлил ва шу кабилар.

Бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилишдаги ана шу муҳим воситалардан мувозанатли кўрсаткичлар тизими ва

бюджетлаштиришнинг ўрни беқёсдир. Улар бошқарувнинг ҳамма даражаларига дахлдордирлар, яъни стратегик даражадан то оператив даражагача. Улар ёрдамида жуда кўплаб бошқарув масалалари ечилади, ХЮСнинг иқтисодий фаолиятини тизимли тарзда баҳолаш иқтисодий баҳолаш имконияти таъминланади ҳамда тескари алоқа (бошқарув жараёнининг барча босқичларини таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш) ўрнатиш имконини беради.

Кўрсатилган воситаларининг бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнида ягона ахборот моделига бирлаштирилиши ХЮСнинг мақсадга эришиш имкониятларини оширган ҳолда, уларнинг ўзаро таъсир даражасини ҳисоблаш ва шунга мувофиқ ҳар бирининг самарасини алоҳида ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш имкониятлари ҳам кескин ошади.

бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий масалаларини тадқиқ қилиш натижалари бўйича олинган илмий хулосалар ҳамда берилаётган таклиф-тавсиялардан фойдаланиш ихтиёрий олинган хўжалик юритувчи субъект раҳбарларига, хўжалигининг мулк шакли ва фаолият туридан қатъий назар, уларда:

- бошқарув ҳисобини ташкил қилиш, уни юритиш ва натижаларини ҳисобга олишга услубий жиҳатдан тўғри ёндашиш имконини беради. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектда бошқарув ҳисоби сиёсатининг тўғри шаклланишига эришилади, бу эса пировард натижада ана шу маълумотларга асосланадиган тўғри ва самарали бошқарув қарорларининг қабул қилинишига мустаҳкам пойдевор яратади;

- раҳбарларга ички имкониятларни ҳисоблаш, ташқи муҳит таъсирини эътиборга олиш ва бунинг учун уларни таҳлил қилиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш имкониятларини очади;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий маълумотларнинг асосланишини таъминлаш, истиқбол кўрсаткичларини тўғри шакллантириш, ҳосил бўлган бир неча вариантлардан энг оптималларини танлаш имкони кенгаяди ва пировард натижада бевосита иқтисодий самаранинг ўсиши таъминланади.

2. Амалий машғулотлар мавзулари

Мавзу бўйича масалалар (Амалий машғулотлар):

1. Ушбу жадвалда келтирилган харажатларнинг қайси категориядаги, яъни доимий ёки ўзгарувчан, ёхуд билвосита ёки бевосита харажатларга таллуқли эканлигини аниқланг**.**

Харажатларнинг моддалари	**Доимий**	**Ўзгарувчан**	**Билвосита**	**Бевосита**
Асосий хом-ашё ва материаллар				
Ёрдамчи материаллар				
Инвентар қиймати				
Ёқилғи				
Электр энергияси				
Ишлаб чиқариш ишчилари меҳнат ҳақи				
Завод маъмурияти меҳнат ҳақи				
Асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш				
Ишчи ва ходимларни овқатланиши				
Ишчи ва хизматчиларга тиббий хизмат харажатлари				
Ишлаб чиқариш биноси ижараси				
Ишлаб чиқариш асосий воситалари амортизацияси				
Бино суғурта харажатлари				

2. Савдо-тижорат корхонаси 01 январ ҳолати бўйича товар заҳиралари қолдиғи 25 000 п.б., соф харид қиймати 165 000 п.б., 31 декабрдаги товар заҳиралари 30 000 п.б.ни ташкил этади.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Сотишга мўлжалланган товар заҳиралари суммаси
2. Реализация қилинган товарлар (сотиш) таннархи суммаси

3. Ишлаб чиқариш корхонаси бўйича 1 январ ҳолатида тайёр маҳсулотлар заҳираси 50 000 п.б., ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархи 1 100 000 п.б., 31 декабр ҳолати бўйича тайёр маҳсулотлар таннархи 60 000 п.б.ни ташкил этади.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар суммаси
2. Реализация қилинган тайёр маҳсулотлар суммаси
3. 2-мисолдаги савдо-тижорат корхонаси таннарх кўрсаткичлари билан солиштиринг.

4. Компаниянинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ***(x)*** ва ўзгарувчан харажатлар ***(y)*** тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотлар асосида ўзгарувчан харажатларнинг графигини чизинг:

x	50	70	90	100	115	125	150	200
y	150	210	270	300	345	375	450	600

5. “AMIR SRAT” компаниясининг 2007 йил фаолиятига оид ҳисоб журналларидан қуйидаги ёзувлар танлаб олинган.

(п.б.)

Сотиш ҳажми	1500 000
1 январдаги бевосита материал қолдиғи	55 000
Билвосита меҳнат	125 000
Завод биноси амортизацияси	22 000
1 январ ҳолатида тугалланмаган ишлаб чиқариш	35 000
1 январ ҳолатида тайёр маҳсулот қолдиғи	55 000
Сотиш харажатлари	310 000
Бевосита меҳнат харажатлари	375 000
Завод асбоб-ускуналари амортизацияси	25 000
Маъмурий мақсадлардаги номоддий активлар амортизацияси	5 000
Завод ишчи ва ходимлари овқатланиши	15 000
31 декабр ҳолатида тайёр маҳсулотлар қолдиғи	62 000
Маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнат ҳақи	100 000
Бошқа маъмурий харажатлар	95 000
Бевосита материал хариди	510 000
Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари	50 000
Завод инвентарлари бўйича харажатлар	10 000
31 декабрда бевосита материал қолдиғи	35 000
31 декабр ҳолатида тугалланмаган ишлаб чиқариш	45 000
Бошқа умумзавод харажатлари	23 000

Юқорида танлаб олинган маълумотлар бўйича қуйидагилар талаб этилади:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи тўғрисида ҳисоботни қуйидаги таннарх элементлари бўйича тайёрланг:
   - Бевосита материал харажатлари
   - Бевосита меҳнат харажатлари
   - Устама ишлаб чиқариш харажатлари
2. Тайёр маҳсулотларнинг сотиш таннархи
3. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг.

6. Лаймон Компанияси 20__1 йил учун қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Тошли қоғоз	2.000	Асбоб-ускуналар амортизацияси	40.000
Ёрдамчи материаллар	40.000	Фабрикаси ижараси	50.000
Ёғлаш ва совутиш	5.000	Асбоб-ускуналар мол-мулк солиғи	4.000
Овертайм иш ҳақи	20.000	Асбоб-ускуналар ёнғин суғуртаси	3.000
Бўш туриб қолишлар	10.000	Бевосита материаллар хариди	460.000
Билвосита меҳнат	40.000	Бевосита метериаллар 31/12/20_1	50.000
Бевосита ишчи	300.000	Сотиш	1.260.000
Бевосита материал 31/12/20_0	40.000	Сотиш комиссиони	60.000
Тайёр маҳсулот 31/12/20_1	150.000	Сотувчилар иш ҳақи	100.000
Тайёр маҳсулот 31/12/20_0	100.000	Юклаш харажатлари	70.000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш 31/12/20_0	10.000	Маъмурий харажатлар	100.000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш 31/12/20_1	14.000		

Талаб этилади:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ҳисоботи ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тузинг. Ҳар бир моддага (сотиш, бевосита материаллар хариди, заҳиралардан ташқари) “Ў” (Ўзгарувчан) ва “Д” (Доимий) белгиларини қўйиб чиқинг. Таннарх объекти бўлиб маҳсулот бирлиги ҳисобланади.
2. Агар бевосита (тўғридан-тўғри) материал ҳамда фабрика ижараси 900.000 бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган материал харажатлар ва фабрика ижара харажатларини аниқланг? Ижара харажатлари доимий харажат эканлигини ҳисобга олинг.
3. 2-пунктда аниқлаш талаб этиладиган рақамлар асосида агар компания келгуси йили 1.000.000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган бевосита материал харажатлари ва маҳсулот бирлигига тўғри келадиган фабрика ижара харажатлари суммасини аниқланг?
4. 2 ва 3-пунктларда аниқланган ҳолатлар, яъни нима учун маҳсулот бирлигига тўғри келадиган материал харажатлари ўзгармасдан

қолди, маҳсулот бирлигига ижара харажатлари ўзгарганлиги бўйича менежмент консалтинг хизматини кўрсатинг?

7. Қуйидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ва сотилган тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисобланг. 2002 йил учун (минг п.б. ҳисобида):

Завод биноси учун мол-мулк солиғи.....3.000
Маркетинг харажатлари.....37.000
31.12.2001 тайёр маҳсулотлар қолдиғи.....27.000
Фабрика инвентарлари.....17.000
31.12.2002 даги тугалланмаган ишлаб чиқариш... .....26.000
Завод биносининг амортизацияси.....9.000
Заводга оид бўлмаган маъмурий харажатлар.....43.000
Ишлатилган тўғридан-тўғри материаллар.....87.000
31.12.2002 тайёр маҳсулотлар қолдиғи.....34.000
Завод асбоб-ускуналари амортизацияси.....11.000
Завод жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш.....16.000
31.12.2001 даги тугалланмаган ишлаб чиқариш.....20.000
Тўғридан тўғри меҳнат ҳақи.....34.000
Билвосита меҳнат харажатлари.....23.000
Ишлатилган билвосита материал харажатлари.....11.000
Бошқа завод умумишлаб чиқариш харажатлари.....4.000

8. Surbonia LTD электрик сувда иситиш воситасини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Қуйида компаниянинг трайл баланси ва молиявий-хўжалик фаолиятига оид бўлган маълумотлар келтирилган.

Surbonia LTD
Трайл баланси
31 декабр 2005 йил

	Дебет	Кредит
Пул маблағлари	146.000	
Олинадиган счётлар	145.000	
Хом-ашё ва материаллар	115.000	
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	144.000	
Тайёр маҳсулотлар заҳираси	154.000	
Бинолар	1.450.000	
Жамғарилган амортизация, бинолар		510.000
Машина ва асбоб-ускуналар	210.000	
Жамғарилган амортизация, машина ва асбоб-ускуналар		50.000
Инвестициялар	62.000	
Тўланадиган счётлар		700.000

Тўланадиган нотлар		280.000
Капитал		390.000
Тақсимланмаган фойда		430.000
Акцияларга дивидендлар	25.000	
Сотиш		1.440.000
Қайтарилган сотиш ва чегирмалар	22.000	
Сотилган маҳсулот таннархи	760.000	
Реклама	25.500	
Сотиш комиссиони	84.000	
Амортизация, бинолар	70.000	
Амортизация, машина ва асбоб-ускуналар	45.000	
Асбоб-ускуналар ижараси	12.500	
Маъмурий меҳнат ҳақи	256.000	
Инвентарлар	74.000	
Жами	3800.000	3800.000

Surbonia LTD
Устама ишлаб чиқариш харажатлари
31 декабр 2005 йил

Билвосита материал.....24.000
Билвосита меҳнат.....32.000
Супервайзор меҳнат ҳақи.....103.000
Техник хизмат кўрсатиш.....39.000
Амортизация, завод.....66.000
Амортизация, машина ва асбоб-ускуналар.....58.000
Завод инвентарлари.....47.000
Мол-мулк солиғи.....16.000
Завод суғуртаси.....11.000

2005 йил 1 январ ҳолатида хом-ашё ва материалларнинг қолдиғи 97.500 п.б., тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи 119.000 п.б., тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи 96.000 п.б.ни ташкил этган. 2005 йил давомида тўғридан-тўғри материал харажатлари 256.000 п.б., тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари 191.000 п.б.ни ташкил этган. Компания 2005 йилда 25.500 бирликда маҳсулот ишлаб чиқарган ва 24.000 бирликда маҳсулот сотишини амалга оширган.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Компаниянинг ҳисобот йили учун маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш бўйича жадвал тузинг.

2. Компаниянинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тузинг.
3. Компания бухгалтерия китоблари ёпилгандан сўнг тақсимланмаган фойда счётининг қолдиғини аниқланг.
4. 2005 йилда сотилган маҳсулот бирлигининг ўртача сотиш баҳосини аниқланг.
5. 2005 йилда сотилган маҳсулот бирлигининг ўртача таннархини аниқланг.
6. 2005 йилда ишлаб чиқариш жараёнидан тайёр маҳсулотга ўтказилган маҳсулот бирлигининг ўртача таннархини аниқланг.
7. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материалларнинг суммасини ҳисобланг.
8. Компания жами тўплаш харажатларида маҳсулот харажатлари қанча фоизни ташкил этади?
9. Нима учун тўғридан-тўғри материал харажатлари, тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи ва устама ишлаб чиқариш харажатлари компаниянинг трайл балансида ўз аксини топмаганлигини тушунтириб беринг. Бунда бухгалтер хатога йўл қуйганми?

Таянч атамалар:

1. Молиявий ҳисоб - бу бухгалтерия ҳисобига оид Қонун ва ҳисоб принциплари асосида юритиладиган ва асосан корхонанинг молиявий ҳолати билан боғлиқ ахборотларни шакллантирадиган тизимидир.

2. Бошқарув ҳисоби – бу мавжуд объектларни бошқариш учун зарур бўлган ахборотларни идентификациялаш, ўлчаш, тўплаш, тизимлаштириш, таҳлил ва интерпритациялаш ҳамда узатиш тизимидир.

3. *Таннарх ҳисоби* - маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини шаклланиш жараёни ва калкуляциясига доир ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва интерпритацияси билан шуғулланувчи тизимдир.

4. Стаф ваколати – бу ўзаро мулоқот бўлиб, буйруқли бошқаришга асосланмасдан, ходимларнинг пастки, ёнидаги ва юқоридаги ваколатлар билан иш алоқасида бўлишидир.

5. *Функционал ваколат* – бу буйруқ асосида ёнидаги ёки пастки бўлимларга ўзаро ҳурмат асосида махсус функционал вазифаларни бажариш учун берилади.

6. ***Тришурешип*** - бу капитал сармояси, қисқа муддатли молиялаштириш, банк, кредитлаш, суғурта ва пул маблағлари менежери билан боғлиқ ишларга жавобгар бўлимдир.
7. Контроллёр - бу бевосита менежментлик ва молиявий бухгалтерия ҳисобига жавобгар бўлган молиявий ижорачи бўлимдир.
8. Бюджет - бу ҳаракатларга оид режаларнинг миқдорий ифодаланиши, координациялашуви ва амалга ошириш воситаларини мужассамлантирувчи лойиҳадир.
9. ***Бухгалтерия ҳисоби*** - бошқарув фаолиятида режалаштириш воситаси сифатида «*бюджет*»ларни тайёрлашда бевосита иштирок этиш, назорат қилиш воситаси сифатида эса ҳаракатлар натижаларини ўлчаб "*бажарилишлар ҳисоботлари*"ни тузиш ва ҳақиқий натижалар билан режани таққослаш асосида мавжуд фарқларни аниқлаш, шунингдек бошқарув тизимида "*тескари боғлиқлик*»ни ўрнатиш тизимидир

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар:
1. Молиявий ва бошқарув ҳисобига таъриф беринг?
2. Бошқарув ҳисобининг объектлари ва асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Бошқарув ҳисоби тизими қандан таркибий элементлардан иборат?
4. Таннарх бухгалтерия ҳисоби бошқарув ҳисобида қандай рол ўйнайди?
5. "Таннарх бухгалтерия ҳисоби менеджмент бухгалтерия ҳисобининг бир қисми плюс молиявий бухгалтерия ҳисобининг ҳам бир қисми" тушунчасини тавсифланг?
6. Корхонада бошқарув ҳисобини ким юритади?
7. Молиявий ва бошқарув ҳисобининг алоқалари нималарда намоён бўлади?
8. Молиявий ва бошқарув ҳисобининг фарқли белгилари нималардан иборат?
9. Бошқарув ҳисоби корхоналар менеджмент тизимида қандай рол ўйнайди?
10. Стаф ваколати деганда нимани тушунасиз?
11. Компаниялар контроллер департаментининг асосий функция ва вазифалари нималардан иборат?
12. Бошқарув ҳисоби қарорлар қабул қилиш жараёнида қандай иштирок этади?

***1..Бухгалтерия ҳисоби қайси турларга бўлинади*:**
А. *Молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби.
Б. Оператив ва статистик ҳисоб.
С. Бошқарув ҳисоби ва синтетик ҳисоб
Д. Синтетик ва аналитик ҳисоб
***2. Бошқарув ҳисобининг тамойилларини белгилаб беринг*:**

А. *Бошқарувчиларга фойдали бўлган метод ва усуллар
Б. Холислик ва таққосланувчанлик.
С. Иккиёқлама ёзув ва эҳтиёткорлик.
Д. Оддийлик ва тезкорлик.

***3..Бошқарув ҳисобининг объектларини аниқланг*:**

А.*Бўлимлар, цехлар, участкалар.
Б. Ягоналик, яхлитлик.
С. Цехлар
Д. Участкалар.

***4. Бошқарув ҳисобининг ахборотлари қандай ўлчанади*:**

А. Моддий, меҳнат ва қиймат
Б. Моддий
С. Меҳнат
В. Қиймат

***5. Бошқарув ҳисобининг ахборотларини акс эттириш усулларини аниқланг*:**

А. *Эконометрика, статистика, иқтисодий таҳлил
Б. Ҳужжатлаштириш ва инвентаризация
С. Калькуляция ва баҳолаш
Д. Иккиёқлама ёзув ва счётлар режаси

***6. Бошқарув ҳисобининг элементларини қайси қаторда тўлиқ келтирилган*:**

А. *Режалаштириш, тахминлаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш, сегментар ҳисоб ва ҳисобот, трансферт баҳони шакллантириш
Б. Режалаштириш (бюджетлаштириш), ички аудит, молиявий менеджмент, молиявий ҳисоб ва ҳисобот
С. Тахминлаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш.
Д. Сегментар ҳисоб ва ҳисобот, трансферт баҳони шакллантириш.

***7. Бошқарув ҳисоби ахборот етказиб беради*:**

А. *Ички ахборот фойдаланувчилар учун
Б. Ташқи ахборот фойдаланувчилар учун
С. Ташқи ва ички фойдаланувчилар учун
Д. Корхона таъсисчилари учун

8. *Қайси қаторда бошқарув ҳисоби (БҲ) ва молиявий ҳисоб (МҲ) ўртасида боғлиқлик очиб берилган* :

А. Молиявий менеджер орқали бошқарилади
Б. Таннарх ҳисоби ахборот базасига таянади
С. МҲ тамойиллари БҲда ҳам фойдаланилади
Д. А, Б ва С лар

9. Бошқарув ҳисоби даврийлигига кўра:

А. Фақат ойлик, чораклик ва йиллик
Б. Соат, кун, ой, чорак, йиллик ва бир неча йиллик
С. Фақат зарурият туғилган вақт оралиғида

Д. Фақат ҳар кунлик

10. Бошқарув ҳисоби бўлими ……..ваколати доирасида иш юритади:

А. Функционал

Б. Махсус

С. Стаф

Д. А ва Б

11. ***Бошқарув ҳисоби ахборотлари қандай мақсадда фойдаланилади:***

А. Корхонада ижтимоий –иқтисодий муҳитни барқарорлаштириш

Б. Корхонанинг ташкилий харажатларини тузиш учун

С. Корхонада ходимлар ўртасида муҳитни яхшилаш учун

Д. Менеджерлар қарорлар қабул қилиш ҳамда режалаштириш учун

Мавзуни ўрганиш учун адабиётлар (1, 2, 9, 10, 11, 13, 14, 15, 16, 19, 20, 21, 22)

Таянч атамалар:

1. Харажатлар - бу кўзланган мақсадларга эришиш учун (маҳсулот ишлаб чиқариш, товар хариди, хизматлар) сарфланган ресурслар қийматининг пулдаги ифодасидир.

2. ***Таннарх объекти*** – бу таннархи аниқланадиган базадир. Таннарх объекти бўлиб фаолият турлари, тармоқлар, ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ва хизматлар, лойиҳалар, дастурлар ҳамда бўлимлар (ҳуқуқий бўлим, лойиҳалаштириш бўлими, савдо бўлими) бўлиши мумкин.

3. ***Бевосита (тўғридан-тўғри) харажатлар*** – бу аниқ таннарх объектига иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан тўғри идентификацияланадиган (олиб бориш мумкин бўлган) харажатлардир.

4. Билвосита харажатлар (тўғридан тўғри бўлмаган) харажатлар – бу аниқ таннарх объектига иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан–тўғри идентификацияланмайдиган (олиб бориш мумкин бўлмаган) харажатлардир.

5. Релевант ва норелевант харажатлар. *Релевант харажатлар* – бу қарорлар қабул қилиш натижасида ўзгариб турадиган келгуси харажатлар ҳисобланади. Қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ бўлмаган харажатлар *норелевант харажатлар* деб аталади.

6. Альтернатив харажатлар – бу бошқа вариантлардан воз кечилиб битта вариант танлаш натижасида йўқотилиши мумкин бўлган имкониятларнинг баҳолаб ўлчанган суммасидир.

7. Ўсувчи (баъзан қўшимча, инкремент ёки дифференциаллашган) харажатлар ва тушумлар – бу кўриб ўтилаётган маҳсулот тури учун таҳлилининг ҳар бир вариантида амалга ошрилаётган харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

8. Маҳсулот таннархи – бу савдо корхоналарида товарларни харид қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарида эса маҳсулотни ишлаб чиқиш харажатларидир. Ушбу таърифга асосланиб қуйидаги тенгликни келтириб чиқариш мумкин: ***Маҳсулот таннархи = Ишлаб чиқариш харажатлари***

9. Устама ишлаб чиқариш харажатлари - бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида қатнашадиган тўғридан-тўғри материал ва тўғридан-тўғри меҳнат харажатларидан ташқари барча амалга оширилган билвосита ишлаб чиқариш харажатларидир.

10. Давр харажатлари – бу заҳиралар таннархига олиб борилмайдиган ва юз бериш вақти қайси даврга оидлигига қараб ўша ҳисобот даврига олиб бориладиган харажатлардир. Давр харажатлари *сотиш харажатлари* ва *маъмурий-бошқарув харажатларидан* ташкил топади.

11. Ўзгарувчан харажатлар - *бу* маҳсулот ҳажми ёки фаолият даражасига тўғридан-тўғри мутоносиб (пропорционал) равишда ўзгаради, яъни маҳсулот ҳажми икки карра кўпайса, ўзгарувчи харажатлар ҳам икки карра кўпаяди.

12. Доимий харажатлар – бу ўрганилаётган даврда маҳсулот ҳажми ва фаолият даражасининг катта ўзгариши диапазонида миқдор жиҳатдан ўзгаришсиз қолади.

***Тестлар*:**

1. Ҳисобот даврида жами ишлаб чиқариш харажатлари 2000000 п.б. Тақсимланган устама ишлаб чиқариш харажатлари жами ишлаб чиқариш харажатларининг 30% ни ташкил этади. Устама Ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишчиларнинг меҳнат ҳақи харажатларининг 60% ни ташкил этади. Ушбу маълумотлар асосида ишлаб чиқаришда қўлланилган асосий материалларнинг қийматини аниқланг.

А. 600000 п.б.
Б. 400000 п.б.
С. 1000000 п.б.
Д. 1200000 п.б.

2. Ўзгарувчан харажатлар – бу

А. Маҳсулот ҳажмига нисбатан тескари пропорционал равишда ўзгарувчи харажатлар
Б. Корхонанинг фаолият активлиги даражасига боғлиқ бўлмаган харажатлар
С. Маҳсулот ҳажмига нисбатан тўғри пропорционал равишда ўзгарувчи харажатлар
Д. Менежерларнинг қабул қиладиган қарорларига боғлиқ равишда ўзгарувчи харажатлар

Е. Жавобгарлик марказлари бўйича менежерлар томонидан регулировка қилинадиган харажатлар

3. Ярим ўзгарувчи харажатлар – бу

А. Маҳсулот ҳажми ўсиши билан тўғри пропорционал равишда ошадиган харажатлар

Б. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар

С. Корхона томонидан назорат қилинмайдиган харажатлар

Д. Ўз таркибига ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажатлар компонентларини олган харажатлар

Е. Ўз таркибига барча ҳолларда 50% ўзгарувчан ва 50 %доимий харажатлар компонентини олган харажатлар

4. Яримдоимий харажатлар – бу

А. Маҳсулот ҳажми ўсиши билан тўғри пропорционал равишда ошадиган харажатлар

Б. Релевант диапазонида ўзгармас ва поғанали ўсиб борувчи харажатлар

С. Корхона томонидан назорат қилинмайдиган харажатлар

Д. Ўз таркибига ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажатлар компонентларини олган харажатлар

Е. Ўз таркибига барча ҳолларда 50% ўзгарувчан ва 50 %доимий харажатлар компонентини олган харажатлар

*5. .**Қуйидагилардан қайси бири маъмурий харажатларда ҳисобга олинади:***

А. Бошқарув ходимларига ҳисобланган иш ҳақи

Б. Тўланган фоизлар

С. Салбий курс фарқлари

Д. Маҳсулотни сотишдан курилган фойда

6 . Доимий харажат моддасини аниқланг:

А. Амортизация

Б. Асосий материал

С. Ишлаб чиқариш ходимлари иш хақи

Д. Қадоқлаш харажатлари

***7. Ўзгарувчан харажатлар моддасини аниқланг*:**

А. Ишбай иш хақи

Б. Реклама

С. мамурий иш хақи

D. ижара

8. Қабул қилинган қарорларга боғлиқ бўлмаган харажатлар бу:

А.Норелевант харажатлар
Б.Релевант харажатлар
С. Алтернатив харажатлар
Д. Назорат қилинадиган харажатлар

9. Бошқа вариантлардан воз кечиб битта вариант танлаш натижасида йўқотилиши мумкин бўлган имкониятларни ўлчовчи харажатлар бу:
А. Муқобил (алтернатив) харажатлар
Б. Релевант харажатлар
С. Норелевант харажатлар
Д. Доимий харажатлар

10.Тўғридан-тўғри харажатлар бу:
А. Маҳсулот ҳажмига нисбатан ўзгармайдиган доимий харажатлар
Б. Аниқ таннарх объектига билвосита идентификацияланадиган харажатлар
С. Аниқ таннарх объектига бевосита идентификацияланадиган харажатлар
Д. Маҳсулот ҳажми ёки фаолият даражасига боғлиқ бўлмайди

11. Билвосита харажатлар бу:
А. Аниқ таннарх объектига тўғридан-тўғри идентификацияланмайдиган харажатлар
Б. Маҳсулот таннархига олиб бориладиган доимий харажатлардан ташкил топади
С. Маҳсулот ҳажми ёки фаолият даражасига боғлиқ бўлмайди
Д. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа харажатлар

12. Маҳсулот таннархи бу:
А. Капитал ва инвестицион харажатлар йиғиндиси
Б. Бошқарув, сотиш ва операцион харажатлари йиғиндиси
С. Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари йиғиндиси
Д. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажат йиғиндиси

13. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи томонидан назорат қилинадиган харажат:
А. Материаллар учун тўлов
Б. Хом-ашёнинг сарфланиши
С. Машиналар амортизацияси
Д. Машиналарнинг суғурта харажатлари

14. Тўғридан-тўғри материал харажатлар бу:

А. Ишлаб чиқаришда қўлланилган барча асосий ва ёрдамчи материаллар харажатлари йиғиндисидан иборат
Б. Бу ёғлаш материаллари, гайка, винт ва бошқа хўжаликни юритишда ишлатиладиган ёрдамчи материаллар
С. Устама ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб асосий ишлаб чиқаришга тақсимланади
Д. Асосий хом-ашё ва материал бўлиб, қайсики ундан маҳсулот ишлаб чиқилади

15. Ишлаб чиқариш (и.ч.) харажатлари категориялари қайси қаторда тўғри кўрсатилган:
А. Бевосита материал харажатлари, устама и. ч. харажатлари
Б. Меҳнат харажатлари, устама и.ч. харажатлари
С. Асосий материаллар, и.ч. меҳнат харажатлари, и.ч. устама харажатлари
Д. Асосий ва ёрдамчи материаллар, иш ҳақи, билвосита харажатлар

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар:

1. Харажатларга таъриф беринг?
2. Харажатлар ва таннарх тушунчалари?
3. Таннарх объекти нима?
4. Таннарх омили (драйвери) нима ва унга учта мисол келтиринг?
5. Харажатларни аккумляциялаш ва тақсимлаш?
6. Бевосита ва билвосита харажатлар нима?
7. Маҳсулот таннархи ва давр харажатлари?
8. Ўзгарувчан ва доимий харажатлар?
9. Релевант ва норелевант харажатлар?
10. Алтернатив харажатлар қандай харажатлар?
11. Маҳсулот таннархи қандай харажатлар элементларидан ташкил топади?
12. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи қандай аниқланади?
13. Устама ишлаб чиқариш харажатларига учта мисол келтиринг?
14. Қуйидагиларнинг бир-биридан фарқини тушунтириб беринг:
бевосита материал харажатлар, билвосита материал харажатлар, билвосита меҳнат харажатлари, фабрика устама харажатлари ва қайта ишлаш харажатлари
15. Тайёр маҳсулотлар таннархи ва тайёр маҳсулотларни сотиш таннархи қандай аниқланади?
16. Тайёр маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда кўрсаткичларни аниқлаш тартиби?
17. Сотиш ва маъмурий-бошқарув харажатлар?
18. Маҳсулотни ишлаб чиқариш фаолияти ва таннарх ҳисоби тизими?

19. Буюртмали (иш) костинг ва жараёнли костинг тизимларининг моҳияти?
20. Ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг *x* ва *y* ўқидаги графиги?
21. Аралаш ва яримдоимий харажатлар?
22. Аралаш ва яримдоимий харажатларнинг *x* ва *y* ўқидаги графиги?
23. Жами таннарх ва маҳсулот бирлигининг таннархи?

Таянч атамалар:
1. Регрессия тенгламаси – бу боғлиқ ўзгарувчан (бизнинг ҳолатда бу харажатлар) ва битта ёки ундан ортиқ миқдордаги боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан (ишлаб чиқаришнинг фаоллик кўрсаткичлари ёки харажатлар омиллар) ўртасида боғлиқликни акс эттиради.
2. Энг катта ва кичик қиймат методининг моҳияти шундан иборатки, бунда энг катта ва энг кичик фаоллик даври танланиб, унда ушбу даврга харажатларнинг ўзгариши фаоллик даражасининг ўзгаришига таққосланиб харажатларнинг чизиқли тенгламасидаги маҳсулот бирлигига тЎғри келадиган Ўзгарувчан харажатлар аниқланади.
3. Умумий таннарх - бу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча (материал, меҳнат ва устама ишлаб чиқариш) харажатларининг йиғиндиси ҳисобланади.
4. Маҳсулот бирлигининг таннархи ёки ўртача таннарх - бу жами таннарх (бўлинувчи)ни маълум бўлувчига (масалан, маҳсулот миқдорига) тақсимлаш орқали аниқланади.

Ўзини-ўзи текшириш учун саволлар:
1. Фаоллик даражаси ва харажатлар ўртасидаги чизиқли функционал боғлиқлик тушунтириб беринг.
2. Фаоллик даражаси ва харажатлар ўртасидаги боғлиқликни белгилашда қўлланиладиган усуллар.
3. Энг катта ва энг кичик қиймат усули билан график усул ўртасида қандай боғлиқлик бор?
4. График усулда доимий харажатлар суммаси (a) қандай аниқланади?
5. Энг катта ва энг кичик қиймат усулида маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар суммаси (b) қандай аниқланади.
6. График усул қандай афзалликларга эга?
7. Маҳсулот бирлигининг таннархи қандай аниқланади?

Тестлар:
1. Y = a + bX тенгламасида (a) қайси кўрсаткични ифодалайди:
А. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар
Б. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар
С. Доимий харажатлар
Д. Фаоллик даражаси

2. Агар ишлаб чиқаришнинг максимал даражаси 6000 бирлик, минимал даражаси 4000 бирлик, ушбу даражаларга мос харажатлар суммаси 12900 п.б. ва 11100 п.б. ни ташкил этса, Y = a + bX тенгламаси қандай кўринишга эга бўлади.

А. *Y = 7500 + 0.7 X*
Б. *Y = 7500 + 0.9 X*
С. *Y = 7500 + 2 X*
Д. *Y = 7500 + 0.8 X*

3. Агар ишлаб чиқаришнинг максимал даражаси 6000 бирлик, минимал даражаси 4000 бирлик, ушбу даражаларга мос харажатлар суммаси 12900 п.б. ва 11100 п.б. ни ташкил этса, 5000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда харажатларнинг умумий суммасини Y = a + bX тенглама орқали аниқланг.

А. 11000 п.б.
Б. 12500 п.б.
С. 12000 п.б.
Д. 13000 п.б.

4. Ўртача таннарх..... аниқланади

А. Жами таннархни ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот қолдиғи бирлигига бўлиш орқали
Б. Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини тайёр маҳсулотлар қолдиғир бирлигига бўлиш йўли билан
С. Ишлаб чиқариш харажатлар ва давр харажатларини ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар бирлигига бўлиш орқали
Д. Жами ишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига бўлиш орқали

Мавзуга доир масалалар:

1. Ҳисобот ойида АВС компанияси 20000 бирликда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Асосий бевосита материаллари	230000
Асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнати	220000
Ёрдамчи материал (ўзгарувчан)	40000
Ёрдамчи ходимларнинг меҳнати (доимий)	60000
Ишлаб чиқариш биносининг ижараси	50000
Амортизация	30000
Асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш (ўзгарувчан қисми 0.4)	25000
Жами харажатлар.....	655000

Талаб этилади:
1. Счётларни таҳлил қилиш асосида жадвал шаклида харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратинг.
2. Компания фаолиятига оид бўлган маълумотлар асосида $Y = a + bX$ чизиқли тенгламанинг кўринишини аниқланг.
3. Келгуси ойда компания ишлаб чиқариш ҳажми 15000 бирликни ташкил этиши кутилаётган тақдирда жами харажатлари суммасини аниқланг.

2. Ўтган ўн икки ой мабойнида март ойи учун энг катта таннарх суммаси 55000 п.б. ни ташкил этди, қайсики бунда 5.000 меҳнат соати сарфланган. Энг кам таннарх август ойида 25000 п.б. га тенг бўлиб, бу 2600 меҳнати соати учун ҳисобланган.

Талаб этилади:
1. Энг катта ва энг кичик қиймат усулидан фойдаланиб, $Y = a + bX$ чизиқли тенгламанинг кўринишини аниқланг.
2. Агар компания меҳнат соатлари режалаштираётган ойда 4200 меҳнат соатни ташкил этса жами харажатлар суммасини аниқланг.

3. АВС компаниясида 6 ой мабойнида ишлаб чиқариш биносидаги телефон ва алоқа харажатлари бўйича энг катта ва энг кичик фаоллик даражасида ишлаб чиқариш фаоллиги ва харажатларнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар қуйида келтирилган:

Фаоллик даражаси	***Ишлаб чиқариш фаоллиги (маҳсулот бирлиги)***	***Харажатлар (пул бирлигида)***
Энг кичик фаоллик даражаси	25000	1500
Энг катта фаоллик даражаси	85000	2200
Фарқи	60000	700

Талаб этилади:
1. Энг катта ва энг кичик қиймат усулидан фойдаланиб $Y = a + bX$ чизиқли тенгламанинг кўринишини аниқланг.
2. Агар режалаштираётган келгуси 6 ойда 65000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилса, жами харажатлар суммасини аниқланг.

4. Lemore компанияси йиғилиш залларини жиҳозлаш учун алюминий деразалари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Компания буюртма бўйича ишларни бажаради ва жисмоний шахсдан ижарага олинган бинонинг бир қисмида фаолият юритади. Компания жиҳозлаш учун катта контрактга эга бўлганда жисмоний шахс бинонинг ижарага ажратилган қисмини кенгайтириб беришга рози бўлганлигини ва бунинг

учун ижара ҳақи ҳам ошишини билдирди. Бу ўз навбатида компаниянинг инвентар ва арзон жиҳозлар бўйича харажатларининг ҳам ошишига сабаб бўлади.

Маҳсулот бирлиги(бирликда)	*Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари(п.б.)*	*Инветар ва арзон буюмлар бўйича харажатлар (п.б.)*
80	*1100*	*520*
150	*1600*	*800*
120	*1500*	*570*
60	*700*	*500*
220	*1750*	*910*
190	*1700*	*850*
140	*1500*	*600*

Аниқлаш талаб этилади:
1. Маълумотларни диаграммага жойлаштиринг. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 100 бирлигидан 200 бирлигига қадар бевосита меҳнат ҳамда инвентар ва буюмлар бЎйича харажатларнинг графикасини акс эттиринг.
2. Энг катта ва энг кичик қиймат усулидан фойдаланиб ҳар бир харажат тури бЎйича Y = a + bX чизиқли тенгламасини ишлаб чиқинг**.**

5. Корхона фаолиятини бир неча йиллар давомида кузатув натижасида қуйидаги маълумотлар олинган:

Даврлар	*Маҳсулот бирлиги (Х)*	*Аралаш харажатлари (У)*
1	110	570
2	70	520
3	75	430
4	65	330
5	55	410
6	85	560
7	100	850
8	90	520
9	140	870
10	50	350
11	130	600
12	120	900

Аниқлаш талаб этилади:

1. Маълумотларни графикка жойлаштириб маҳсулот бирлиги ва аралаш харажатлар ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи тўғри чизиқни чизинг.
2. График усулидан фойдаланиб Y = a + bX чизиқли тенгламасини ишлаб чиқинг.

Адабиётлар (12, 14, 20, 21)

Таянч атамалар:

1. Харид қилиш учун талабнома *- бу омбор масъул ходимининг харид бўлимига ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб заҳираларни харид қилиш учун талаби бўлиб, унда харид қилинадиган заҳира номи, миқдори ва қайси булим ёки эҳтиёж учун қўлланилиши кўрсатилади. Харид қилиш учун талабнома харид жараёнига асосий ҳаракат берувчи ҳужжати ҳисобланади.*

2. Харид бЎйича буюртма *- бу харид бЎйича талабнома олингандан сЎнг харид бЎлимининг маъсул ходимлари томонидан керакли таъминотчиларга тайёрланган таъмин қилиш бЎйича кЎрсатмаси бЎлиб, унда харид қилинадиган заҳиранинг номи, миқдори, баҳоси ва бошқа сифат тавсифлари қайд этиладиган ҳужжатдир.*

3. Заҳиралар карточка регистри *– бу индивидуал заҳиралар бЎйича, яъни уларнинг ҳар бир тури бЎйича юритиладиган аналитик ҳисоб ҳужжатидир. Ҳар бир заҳира турига очилганда карточка регистрларни компьютерларда махсус дастурлар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.*

4. ***ТМЗларни ҳисобга олишнинг узлуксиз тизими*** *- бу ҳисобот даври давомида ТМЗлар баланс счётида кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида тўлиқ маълумотларни ёзиш орқали маълум санада ТМЗларнинг аниқ турлари ва ассортименти бўйича қолдиқлари ва реализация қилинган заҳираларнинг таннархи аниқлаш усулидир.*

5. ТМЗларни ҳисобга олишнинг даврий тизими – *заҳираларнинг турлари бЎйича деталли ҳисоб юритилишига асосланмасдан товар заҳираларини баҳолаш ҳамда реализация қилинган ТМЗларнинг таннархини аниқлаш мақсадида заҳираларнинг ҳақиқий миқдори ва суммаси инвентаризация қилиш орқали аниқланади.*

6. Буюртма қилиш таннархи *- бу заҳираларнинг янги нархлар квотасини талаб қилиш, харид учун буюртмаларни тайёрлаш, юкларни қабул қилиб олиш ва уларни буюртма ордерлари билан текшириб чиқиш ва бошқа буюртма билан боғлиқ харажатларидир:*

7. Заҳираларни сақлаш қиймати *- бу ТМЗларга инвестициялар фонди; суғурта бўйича қўшимча; омборда заҳираларни сақлаш учун иситиш, ҳаволантириш, ёритиш, бошқа электр-энергия ҳамда омбор воситаларининг амортизацияси; материалларни қайта ишлаш бўйича*

қўшимча; заҳиралар билан боғлиқ солиқлар; заҳираларнинг моддий ва маънавий эскириши, сифатининг бузулиши, ёмонлашиши ва ўғирланиши билан боғлиқ йЎқолишлардан ташкил топган харажатлари йиғиндисидир.

8. Буюртманинг оптимал миқдори (EOQ) - *бу буюртманинг шундай миқдорки, бунда буюртма ҳажми ва унинг таннархи ҳамда заҳираларни сақлаш қиймати йиғиндиси энг минимал бўлади. У қуйидаги формула бЎйича аниқланади:*

$$EOQ = \sqrt{2\,AP/UI}$$

Бу ерда: А = Давр учун эҳтиёждан келиб чиқиб талаб қилинадиган заҳираларнинг миқдори.

Р = Битта буюртмани бажариш харажатлари.

U = ҳар бир номдаги бирликнинг таннархи

I = Бирликнинг таннархига нисбатан ҳисобланган фоизларда ифодаланган заҳираларни сақлаш харажати

9. Қайта буюртма бериш нуқтаси *- бу заҳираларнинг қайси миқдорида, яъни қанча қолганда буюртма беришни бошлашни ҳамда қайси вақт моментида буюртма беришни кЎрсатувчи миқдордир.*

10. Буюртма цикли - бу буюртмани расмийлаштиришдан бошлаб то ҳақиқатда буюртмаларнинг келиб тушушигача кетган вақт интервалидир.

11. Материаллар чиқиндиси *- бу ишлаб чиқариш жараёнида юзага келиб, қайсики улардан асосий материал сифатида фойдаланиб бўлмасада ёроқли материал ҳисобланади. Ундан бизнеснинг нормал операцион жараёнида фойдаланиб бЎлмайди ҳамда у бозор қийматига эга бЎлиши керак.*

12. Дефект бирликлар *– бу ишлаб чиқаришда нуқсонларга эга бЎлган ва шу боис сифат стндарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларга айтилади.*

Ўзини-Ўзи текшириш учун саволлар:

1. *Материаллар бўйича харажатларга тавсиф беринг: бевосита ва билвосита материал харажатлари.*

2. *Заҳиралар оқими ва таннарх шаклланишини изоҳлаб беринг?*

3. *Заҳираларни харид қилиш процедураси қандай амалга ошади?*

4. *Заҳираларнинг ҳаракатини ҳужжатлаштириш тартиби?*

5. *Заҳираларни харид қилиш учун талабномани ҳамда харид қилиш учун буюртма тузиш тартиби?*

6. *Заҳираларни қабул қилинганлиги тЎғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши, заҳираларнинг карточка регистрининг юритилиши.*

7. *Заҳираларни ҳисобга олишнинг услуксиз тизими мазмуни ва қЎлланилиши.*

8. *Заҳираларни ҳисобга олишнинг даврий тизими мазмуни ва қЎлланилиши.*

9. *Заҳираларни баҳолаш усуллари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари*

10. *Буюртма қилиш таннархи қандай харажатлардан ташкил топган?*

11. *Заҳираларни сақлаш қиймати қандай харажатлар элементларидан ташкил топади?*

12*. Буюртманинг оптимал миқдори нима ва уни аниқланиш тартиби.*

13*. Қайта буюртма бериш нуқтаси ва буюртма циклини тушунтириб беринг.*

14. *Чиқинди материаллар, уларнинг маҳсулот таннархига таъсири.*

15. *Дефект маҳсулотлар, уларнинг маҳсулот таннархига таъсири*

Тестлар:

1. Нима учун ёғлаш материаллари билвосита материал ҳисобланади.

А. Таннарх таркибига кирганлиги сабабли
Б. Техник хизматга доир харажат бЎлганлиги сабабли
С. Ёрдамчи характерига эга бЎлганлиги учун
Д. Таннарх таркибига киритилмаганлиги боис

2. Қайси бири олдин тўлдирилади: харид бўйича буюртма, харид қилиш учун талабнома.

А. Харид бўйича буюртма
Б. Харид бўйича талабнома
С. Иккаласи ҳам бир вақтда
Д. Қатъий тартиб амал қилмайди

3. Заҳира карточка регистри қайси ҳужжат асосида юритилади.

А. Заҳираларни қабул қилиш тўғрисидаги ҳисобот
Б. Харид қилиш учун талабнома
С. Харид бўйича буюртма
Д. Б ва С

4. Заҳираларни ҳисобга олишнинг узлуксиз тизими

А. Заҳираларини инвентаризация маълумотларига асосланади
Б. Заҳираларни баҳолаш усуллари мажмуаси
С. Заҳиралар таннархнинг шаклланиш тартибини белгилайди
Д. Кирим ва чиқимига оид маълумотларни тЎлиқ киритиб боришга асосланади.

5. Агар таннархга нисбатан устама (наценка) 30% бўлса, ялпи даромад даражасини аниқланг.

А. 23.1%
Б. 30%
С. 42.9%
Д. Аниқлаш имкони йўқ

6. ТМЗларнинг бошланғич қиймати – 120000 п.б., харид 250000 п.б., реализация қилинган маҳсулот таннархи 270 000 п.б. Ушбу маълумотлар асосида ТМЗларнинг охирги қийматини аниқланг.

А. 640000 п.б.
Б. 100000 п.б.
С. 140000 п.б.
Д. 150000 п.б.

7. Қуйидаги маълумотлар берилган:

ТМЗларнинг бошланғич қолдиғи – 50 000 п.б.
Харид – 100 000 п.б.
Маҳсулот реализациясидан олинган даромад – 110 000 п.б.
Таннархга нисбатан устама – 25%

Ушбу маълумотлар асосида ТМЗлар ҳисобида ялпи фойда методини қўллаган ҳолда ТМЗларининг охирги қолдиғини аниқланг.

А. 62500
Б. 40000
С. 55000
Д. 60000
Е. 63500

8. ***Заҳиранинг йиллик эҳтиёжи 200000 бирлик***
Сотиш нархи 400 $ / бирлик
Таннархи 250 $ /бирлик
Буюртма харажатлари 400 $/ буюртма
Сақлаш харажатлари 20 % бирлик таннарига нисбатан

Ушбу маълумотлар асосида буюртманинг оптимал миқдорини аниқланг.

А. 450 бирлик
Б. 800 бирлик
С. 600 бирлик
Д. 400 бирлик

9. Заҳираларга йиллик эҳтиёж- 40 000 бирлик, битта буюртмани бажариш учун амалга ошириладиган харажатлар –2 п.б., бир бирлик

заҳирани сақлаш харажати 1 п.б. Ушбу маълумотлар асосида буюртманинг оптимал миқдорини аниқланг.

А. 450 бирлик
Б. 285 бирлик
С. 400 бирлик
Д. 300 бирлик
Е. 250 бирлик

10. Агар заҳирага бўлган йиллик эҳтиёж 40 000 бирлик, буюртманинг оптимал миқдори 400 бирлик бЎлса, заҳира буюртмаси миқдори қанча бЎлиши керак.

А. 100 та
Б. 10 та
С. 200 та
Д. 1000 та

11. Заҳираларга йиллик эҳтиёж 40 000 бирлик, битта буюртмани бажариш учун амалга ошириладиган харажатлар 2 п.б., бир бирлик заҳирани сақлаш харажати 2 п.б. Заҳиралар билан боғлиқ жами релевант харажатлар нечига тенг(Агар Q-400 ,бЎлса)

А. 400 п.б.
Б. 600 п.б.
С. 800 п.б.
Д. 1000 п.б.

12. Қуйидагиларнинг қайси бирида чиқинди материаллар ҳисоби ёндашуви келтирилган

А. Махсус маҳсулот таннархи камайишига
Б. Умумий маҳсулот харажатларининг камайишига
С. Бошқа даромадларга
Д. Юқоридагиларнинг барчаси

13. Дефект маҳсулотлар

А. Сотилиши мумкин (нормал маҳсулотга нисбатан арзон нархда)
Б. Сотилмаслиги мумкин (дефект маҳсулот чиқариб ташланади)
С. Қайта ишланиши мумкин
Д. Юқоридаги ҳолатдан бири юз беради

Мисоллар ва кейслар

1. 7739-DI иши якунланди ҳамда ушбу ишнинг таннархига оид бЎлган ёзувлар қуйидагича:

Тўғридан-тўғри материаллар	2400 $

Туғридан-тўғри меҳнат ҳақи	2000
Тўғри келган устама ишлаб чиқариш харажатлари	3000
Жами маҳсулот таннархи	$7400

80 бирлик маҳсулот ишлаб чиқилди, лекин инспекция хулосасига кЎра олти бирлик маҳсулот минимум стандарт талабларига мувофиқ келмайди. Талаб даражасидаги маҳсулот бирлигининг сотиш нархи $128.00 га тенг.

Талаб этилади:

А. Ишнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот дефекти юзага келишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот бирлиги таннахини ҳисобланг.

Б. Ишлаб чиқариш жараёнининг хатоси боис маҳсулот дефекти юзага келганлигини ҳисобга олиб маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисобланг.

С. Б ҳолат юз берган ҳолда дефект маҳсулотларга бухгалтерия ёзувини амалга оширинг.

2. 7739-DI иши бЎйича 1-масаланинг шартида келтирилган маълумотлар бЎйича дефект маҳсулотларга қайта ишлов бериш иқтисодий-техник мумкин эхмас, фақат уларни бирлиги 42.50 долларга сотилиши мумкин.

Талаб этилади:

А. Ишнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот дефекти юзага келишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот бирлиги таннахини ҳисобланг.

Б. Ишлаб чиқариш жараёнининг хатоси боис маҳсулот дефекти юзага келганлигини ҳисобга олиб маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисобланг.

С. Икки ҳолат юз берган ҳолда дефект маҳсулотларга бухгалтерия ёзувини амалга оширинг.

3. Компания барча заҳиралар операциялари учун узлуксиз ҳисоб тизимини қЎллайди. Компания электрик кабеллар ишлаб чиқаради. Қуйида заҳираларга оид қуйидаги ёзувлар танлиб олинган:

A. 67000 п.б. Га хом-ашё ва материаллар сотиб олинди.

b. 42400 п.б. Материал ишлаб чиқаришга чиқарилди, шундан 37200 п.б. тўғридан-тўғри материал ҳисобланади.

c. А шартдаги харидда 6700 п.б. Даги материал дефекти борлиги сабабли таъминотчиларга кредит ҳисобига қайтарилди.

d. А шартдаги харид учун мавжуд қолдиқ тўлаб берилди.

e. 13000 п.б. Га материал пул тўлаш ҳисобига сотиб олинди

f. 3800 п.б. тўғридан-тўғри материаллардан фойдаланилди, қайсики ўтган ой охирида омборга қайтарилган.

g. Қолдиқ (чиқинди) материаллар 1400 п.бга сотилди. Қолдиқ материаллар маҳсулот таннархининг камайишига олиб борилган эмас.

Талаб этилади:

1. Ҳар бир жараён ва операциялар учун белгиланган шаклда бухгалтерия ёзувларини амалга оширинг.

4. QV1173 рақамли ишда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар берилган:

Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги	200
Тўғридан-тўғри материаллар	$5800
Тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи	2300
Устама ишлаб чиқариш харажатлари	2500

Маҳсулот ишлаб чиқарилишига оид маълумотларни таҳлил қилиш учун қЎшимча қуйидаги маълумотлар келтирилган:

a. 200 бирлик маҳсулотдан 50 таси дефект билан ишлаб чиқилган бЎлиб, ҳар бири 30$ сотилди. Дефекти мавжуд бўлган маҳсулотларни сотишдан олинган тушум бошқа даромадлар ҳисобига олиб борилган.
b. Ушбу ишдан олинган 700 $ ишлаб чиқариш материали омборхонага қайтарилган, лекин ёзувлар амалга оширилмаган.
c. Эътиборсизлик натижасида хизмат кўрсатувчи бўлимда ишлатилган 800$ билвосита материаллар тўғридан-тўғри материалларга олиб борилган.
d. 300 $ дан иборат тўғридан-тўғри материаллар ўтган ҳафтада қўлланилгани боис, ёзувларда қайд этилмасдан қолган.

Талаб этилади:

1. Ушбу ишга алоқадор ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаш учун маълумотлар жадвалини тузиб, уни таҳлил қилинг. Таҳлил натижаларида хато ёзувлар ҳамда ишлаб чиқариш материалларини сотишдан ва қайтаришдан сақлаб қолиш оқибати каби йЎл қЎйилишлар натижасида шаклланган турли таннархлар фарқларини аниқланг.

5. Компания материалларни узлуксиз тизимида ҳисобга олади. Бухгалтер олдин ишлаб чиқариш корхонасида ишламаганлиги боис, айрим ёзувларни Ўтказишда хатоликларга йўл қўйган. Компания фаолиятига оид қуйидаги ёзувлар амалга оширилган.

	Харид Тўланадиган счётлар *Очилган счёларга хом-ашё ва материалларнинг харидини ёзиш*	89.300	89.300

	учун		
	Тўғридан-тўғри материаллар Харид *Хизмат кўрсатувчи бўлим томонидан ёглаш машиналари учун 9.000 $ қисмлар ишлатилди.*	9.000	9.000
	Заҳира назорати Чиқинди материаллар даромади *Чиқинди материалларни сотишга доир ёзувларни амалга ошириш учун*	2.300	2.300
	Қайтарилган материаллар Ишлаб чиқариш жараёни назорати *Омборхонага қайтарилган материалларни ёзиш учун*	1.800	1.800
	Олинадиган счетлар Сотилган маҳсулотлар таннархи Сотишдан олинган фойда Таннархи 34.000 $ бЎлган маҳсулотларни 56.000 $	56.000	 34.000 22.000

Талаб этилади:

1. Ҳар бир журнал ёзувларини таҳлил қилиб хатоларини тўғирланган ҳамда зарур тўғирлашларни киритинг.

6. "Video Galore" компанияси учун йиллик турли хил буюртма миқдорида буюртма таннархи ва сақлаш таннархи тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилган.

1. Йиллик эҳтиёж (А)	**10.400**	**10.400**	**10.400**	**10.400**	**10.400**	**10.400**	**10.400**
2. Битта буюртмадаги миқдори **(Q)**	50	100	400	500	600	1000	10400
3. Бирликдаги ўртача заҳира **(Q/2)**	25	50	200	250	300	500	5.200
4. Харид буюртмалар миқдори **(A/Q)**							
5. Харид буюртмалар учун йиллик буюртма таннархи **(A/Q *P) =4*P**							
6. Заҳираларни йиллик сақлаш харажатлари **(Q/2 *C) =3*C**							
7. Буюртма қилинган ва сақланадиган							

заҳираларнинг йиллик релевант харажатлари **(5+6)**							

A = Давр учун эҳтиёждан келиб чиқиб талаб қилинадиган заҳираларнинг миқдори – 10.400 $

Q = Буюртма миқдори

P = Битта буюртмани бажариш харажатлари – 62.50 $

C = Бирлик заҳираларни сақлаш харажати – 5.20 $

Ушбу маълумотлар асосида аниқлаш талаб этилади.

1. Юқоридаги жадвалдаги кўрсаткичларни ҳисоблаб, бЎш устунларни тўлдиринг.
2. Жадвал усулидан фойдалиниб минимал харажатларда буюртманинг оптимал миқдорини аниқланг.
3. График усулида буюртманинг оптимал миқдорини аниқланг
4. Формула усулида (EOQ) нинг миқдорини аниқланг.
5. Формула усулида жами релевант харажатларни (TRC) ҳамда таъминот сонини ҳисобланг.

7. “Cloth Center” компанияси харид бўлими қуйидаги маълумотларни тўплади:

Пахтадан газламасига йиллик эҳтиёж 20.000 йард (1 йард 91.4 см)

Бир харид ордери учун буюртма таннархи $ 160

Йил учун сақлаш харажатлари Харид таннархининг 20%

Сақланиши талаб қилинадиган заҳира Йўқ

Пахта газламасининг таннархи Бир йард учун 8 $

Компания учун харид вақти 2 ҳафта. Компания бир йилда 250 кун ишлайди (ҳар ҳафтада 5 кундан 50 ҳафта).

Талаб этилади:

1. Пахта газламаси учун буюртманинг оптимал миқдорини (EOQ) аниқланг.
2. Ҳар йили талаб қилинадиган буюртманинг сонини ҳисобланг.

8. 5 ой мабойнида материалларнинг қуйидаги хариди ва чиқарилиши амалга оширилган.

1 июл	Харид	2000 бирлик, бирлик баҳоси 10$
9 июл	Харид	520 бирлик, бирлик баҳоси 10.5$
18 июл	Чиқарилган	1400 бирлик
5 август	Харид	800 бирлик, бирлик баҳоси 11.5$

22 август	Харид	600 бирлик, бирлик баҳоси 12.5$
15 сентябр	Чиқарилган	1240 бирлик
14 октябр	Чиқарилган	480 бирлик
8 ноябр	Харид	1000 бирлик, бирлик баҳоси 11 $
24 ноябр	Чиқарилган	760 бирлик

Ушбу берилган маълумотлар асосида заҳиралар таннархи ва ишлаб чиқаришга чиқарилган материалларнинг таннархини қуйидаги усуллар асосида ҳисобланг:

1. FIFO
2. LIFO
3. Ўрта салмоқли қиймат усули

Усуллар натижалари ўртасидаги фарқларни тушунтириб беринг.

Таянч атамалар:

1. Тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи – бу маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита сарфланган тўғридан-тўғри иш соатлари ёки ишлаб чиқарган маҳсулот бирлиги, бажарган иши ҳажми учун тўланадиган рағбатлантиришдир.

2. Билвосита меҳнат ҳақи – бу маҳсулот ишлаб чиқаришда билвосита сарфланган иш соатлари учун тўланадиган ва таннарх объектига маълум тақсимлаш базалари асосида тақсимладиган рағбатлантириш суммасидир.

3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида ходимга иш ҳақи ишлаган меҳнат соатлари асосида белгиланган соатбай ставкалар бўйича ҳисобланади.

4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизимида сарфланган меҳнат соатларидан қатъий назар стандарт талабларида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги учун белгиланган сумма миқдорида ҳақ тўланади.

5. Иш вақтидан ташқари иш - бу ходимнинг ушбу даврда белгиланган иш вақтдан ташқари вақтида ишлаган соатлари ҳисобланади.

6. Туриб қолишлар вақти - бу банд бўлмаган иш вақти ёки туриб қолишлар вақти бўлиб унумли бўлмаган, лекин тўланадиган иш вақтидир.

7. Норматив соат – бу бир соат давомида тажрибали ходим томонидан меъёрларга мувофиқ ишлаб чиқарилиши шарт бўлган маҳсулот бирлиги миқдори ҳисобланади.

8. Ходимларнинг қўнимсизлиги – бу ишдан бўшатилган ходимларнинг ушбу даврда ёлланган ходимларнинг ўртача сонига бўлиш орқали топилади.

Ўзини-ўзи текшириш учун саволлар:

1. Ишлаб чиқаришга оид бўлган ва ишлаб чиқаришга оид бўлмаган меҳнат ҳақи харажатларига тавсиф беринг?
2. Тўғридан-тўғри ва билвосита меҳнат ҳақи харажатларига тавсиф беринг?
3. Меҳнат ҳақини ҳисоблашнинг қандай тизимлари мавжуд?
4. Комбинациялашган иш ҳақи тизимида ишбай ва вақтбай тизимларининг уйғунланишини тушунтириб беринг?
5. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукофатлаш тизими амалиётда қўлланилишини мисолларда тушунтириб беринг?
6. Меҳнат таътили, иш вақтидан ташқари иш соатларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари.
7. Иш вақтида туриб қолишлар ва уларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.
8. Норматив соатларда ифодаланган ҳақиқий вақт миқдорининг ҳақиқий сарфланган соатларга нисбати.
9. Меҳнат ҳақи харажатларини тебел тизимида ҳисобга олиш тартиби.
10. Ходимларнинг қўнимсизлиги кўрсаткичини ҳисоблаш тартиби, унинг асосий сабаблари.

ТЕСТЛАР:

1. Тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи – бу

А. Устама ишлаб чиқариш харажатлари
Б. Фойда ва зарарлар ҳисобидан қопланилади
С. Тўғридан-тўғри иш соатлари учун тўланадиган миқдор
Д. Бошқа харажатлар

2. Билвосита меҳнат ҳақи

А. Тўғридан-тўғри иш соатлари учун тўланадиган миқдор
Б. Даромаддан қопланилади
С. Устама ишлаб чиқариш харажатлари
Д. Билвосита меҳнат соатлари учун тўланадиган миқдор

3. Комбинациялашган иш ҳақи тизимида ишбай ставкаси бўйича иш ҳақи 30000 п.б., кафолатланган вақтбай стакаси бўйича иш ҳақи 32000 п.б. ни ташкил этмоқда. Ходимга ҳисобланишга бериладиган иш ҳақи суммаси

А. 30000 п.б.
Б. 32000 п.б.
С. 62000 п.б.
Д. 2000 п.б.

4. Ходимга соатига 400 п.б. тўлаш кўзда тутилган. Ходим бир соатда 25 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Корхона ишбай тизимини жорий қилиб маҳсулот бирлиги учун 14 п.б. тўламоқчи. Ишчи соатига қанча маҳсулот ишлаб чиқаргандан сўнг соатбай тизимига нисбатан кўпроқ маош олиш имкониятига эга бўлади.

А. 25 бирлик
Б. 16 бирлик
С. 28 бирлик
Д. 14 бирлик

5. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун норматив вақт 120 соат қилиб белгиланган. Ҳақиқиатда сарфланган вақт 105 соат. Белгиланган соат ставкаси 40 п.б. Тежаб қолинган вақт учун 50% мукофат тизими жорий қилинган. Мукофат суммаси

А. 300 п.б.
Б. 600 п.б.
С. 2100 п.б.
Д. 2400 п.б.

6. Ходимга одатда 40 соатлик иш ҳафтасида соатига 10 п.б. меҳнат ҳақи тўланади. Ходимга 5-ҳафталик йиллик таътил берилиши лозим. Ходим қолган 47 ҳафтада белгиланган соатларни ишлаб берди. Аниқлаш талаб этилади: 1. Таътил суммаси, 2. Умумий иш соатлари, 3. Бир иш соатига тўғри келадиган таътил стакаси

А. 1. 2000 п.б., 2. 1880 соат, 3. 1,064 п.б./соат
Б. 1. 2000 п.б., 2. 1920 соат 3. 1,04 п.б./соат
С. 1. 400 п.б., 2. 1880 соат 3. 0,213 п.б./соат
Д. 1. 400 п.б., 2. 1920 соат 3. 0,5 п.б./соат

7. Иш вақтидан ташқари зарурий иш учун тўловлар агарда қочиб бўлмайдиган ва зарурий ҳолатдан келиб чиқса

А. Фойда ва зарарлар ҳисобидан қопланилади
Б. Резерв ҳисобидан қопланилади
С. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига қўшилади
Д. Давр харажатларига олиб борилади

8. Олдини олиш мумкин бўлган ҳолатлар натижасидаги туриб қолишлар ва бошқа ҳолатлардаги иш ҳақи харажатлари (яхши режалар тузилган тақдирда кочиб қолиш мумкин бўлган йўқотишлар)

А. Фойда ва зарарлар счётидан қопланилади.
Б. Маҳсулот таннархига қўшилади.
С. Устама ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади

Д. Давр харажатларига олиб борилади.

9. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун норматив вақт 45 минут, даврда ҳақиқатда ишлаб чиқарилган миқдор 600 бирлик, ҳақиқатда сарфланган вақт миқдори 430 соат. Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичи

А. 0,956
Б. 0,75
С. 1,34
Д. 1,046

10. Таннарх объектига тўғри идентификациялаш учун ҳар бир ишчининг ҳар бир маҳсулот ёки фаолиятда ишланган меҳнат соатлари қайд қилиб борилади.

А. Бажарилган ишлар актида
Б. Процентовкада
С. Кунлик меҳнат вақти табелида
Д. Махсус журналларда

11. Ишдан бўшатилган ходимлар 20 киши, ушбу даврда ёлланган ходимларнинг ўртача сони 180 киши. Ходимларнинг қўнимсизлиги

А. 11,1 %
Б. 9%
С. 20%
Д. 5%

Масалалар:

1*. Келтирилган маълумотлар асосида ҳар бир ишчига қуйидаги шартлардан келиб чиқиб меҳнат ҳақини ҳисобланг:

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизими асосида иш ҳақини ҳисоблашни амалга оширинг.
2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизими бўйича меҳнат ҳақини ходимнинг вақтбай иш ҳақидаги 75 % кафолатланган иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланг (комбинациялашган иш ҳақи).
3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофат тизими бўйича меҳнат ҳақини ҳисобланг. Бунда ходимга вақтбай иш ҳақига қўшимча равишда тежаб қолган вақт учун соатбайдан 50% миқдордаги ставкаси бўйича мукофат ҳисобланади.

	А	В	С	Д
Ҳақиқатда ишланган соатлар	38	36	40	34
Соатбай ставкаси, п.б.	3	2	2,5	3,6

Ишлаб чиқарилган бирлик:				
Деталь Н	42	120	-	120
Деталь К	72	76	-	270
Деталь М	92	-	50	-

Вақт меъёри (маҳсулот бирлиги):
Н - 6 мин, К – 9 мин, М – 15 мин.
Ишбай тизимида меҳнатга ҳақ ҳар бир минут 0,05 п.б. /мин ҳисобидан тўланади.
*Бошқарув ҳисоби -1, Ташкент-2004 й., 28-бет

2. Компания ҳозирги кунда меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимини қўлламоқда ва рағбатлантиришнинг муқобил вариантларини қўллашни жорий қилиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Келтирилган маълумотлар асосида ҳар бир ишчига қуйидаги шартлардан келиб чиқиб меҳнат ҳақини ҳисобланг:

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизими асосида иш ҳақини ҳисоблашни амалга оширинг.
2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизими бўйича меҳнат ҳақини ходимнинг вақтбай иш ҳақидаги 80 % кафолатланган иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланг (комбинациялашган иш ҳақи).
3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофат тизими бўйича меҳнат ҳақини ҳисобланг. Бунда ходимга вақтбай иш ҳақига қўшимча равишда тежаб қолган вақт учун соатбайдан 75 % миқдордаги ставкаси бўйича мукофат ҳисобланади.

	Y	Z
Ҳақиқатда ишланган соатлар	44	40
Соатбай ставкаси, п.б.	3.5	4,5
Ишлаб чиқилган бирлик	480	390

Бир бирлик маҳсулот вақт меъёри – 7 мин.
Ишбай тизимида меҳнатга ҳақ ҳар бир минут 0,05 п.б. /мин ҳисобидан тўланади.

3. Компания ҳафтасига 6000 техник компонентларни ишлаб чиқаради. Компанияда 6 та асосий ишлаб чиқариш ишчилари ишлайди. Иш ҳафтасининг давомийлиги 40 соат, асосий иш ҳақи 80 п.б./соат. Ҳар бир ходим ишни мустақил бажаради.

Компаниянинг иш ҳақи вақтбай тизими бўйича амалга оширилади. Компанияга янги меҳнатга ҳақ тўлашнинг тизими жорий қилинмоқда. Унга мувофиқ ҳар бир ходим қуйидаги асосларда иш ҳақи олади:

Ҳафтадаги биринчи 800 компоненти – бирлигига 3.2 п.б.
Кейинги 200 компонент – бирлигига 3.4 п.б.
Ҳар бир кейинги компонент – 3.6 п.б.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизимида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳафтасига 6600 компонентга чиқиши режалаштирилмоқда.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Ходимга вақтбай асосида иш ҳақи ҳисобланг. Маҳсулот бирлигининг меҳнат ҳақи харажатлари элементлари бўйича таннархини ҳисобланг.
2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими асосида ходимга меҳнат ҳақи ҳисобланг. Бунда ҳамма ходим бир хил даражада ишлайди деб қабул қилиш мумкин. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими жорий қилингандан сўнг маҳсулот бирлигининг меҳнат ҳақи харажатлари бўйича таннархини ҳисобланг.

4. Корхонада ўртача 42 ишчи ишлайди. Жорий даврда 7 киши ишдан бўшади ва янги ходимлар билан алмаштирилди. Компанияда барча ишлаб чиқариш ишчиларига асосий соатбай иш ҳақи 92 п.б. Бу норматив ставка ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда корхонада мукофатли тўлов тизими ҳам амал қилади. Унга мувофиқ самарадорлик кўрсаткичи 100%дан ошган ҳар бир процентининг ярми миқдорида мукофат ҳисобланиб асосий соатбай ставкасига қўшилади. Масалан, агар самадорлик кўрсаткичи 110% бўлса, демак асосий соатбай стакасига белгиланган ставканинг 5 % (10/2) миқдорида қўшилади, яъни бу 4,6 п.бни ташкил этади (92 п.б. * 5%). У ҳолда соатбай иш ҳақи ставкаси 96,6 п.б. бўлади (92 + 4,6).

Ушбу даврда корхона 114286 бир хил бирликдаги маҳсулотни 4900 соат сарфлаб ишлаб чиқди. Норматив соатда 22 бирлик маҳсулот ишлаб чиқиши талаб этилади.

Талаб этилади:

1. Ишчи кучининг кўнимсизлик коэффициентини ҳисобланг
2. Иш ҳақининг мукофатни ҳисобга олган ҳолда соатбай ставкасини аниқланг
3. Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари бўйича нормативдан фарқини аниқланг.

Таянч атамалар:

1. У***стама (накладной) ишлаб чиқариш харажатлар*** - бу бир қанча таннарх объекти билан алоқадор ҳисобланиб харажат объектига тўғридан-тўғри олиб бориш имкони бўлмаслиги сабабли тақсимлаш асосида олиб бориладиган маҳсулот таннархининг бир қисмидир. УИЧХларига мисол қилиб билвосита материаллар; билвосита меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш воситалари ва бино амортизицияси; электр-энергия; ёритиш, иситиш ва совутиш; мол-мулк солиғи; мол-мулк суғуртаси; ишчиларнинг овқатланиши ва уларга медицина хизматини кўрсатиш; бошқа умумишлаб чиқариш ва умумцех харажатларини киритиш мумкин.

2. Харажатларни тақсимлаш - бу тўғридан-тўғри ҳисобга олиш аниқ таннарх объектларида қўлланилган ресурсларни аниқлаш имкониятини бермаган ҳолларда юз берган харажатларнинг маълум қисмини тақсимлаш базалари асосида таннарх объектига олиб бориш жараёнидир.

3. ***Таннарх заррачалари*** - бу таннархнинг илк бор юзага келган элементи бўлиб, қайсики ташкилотларда ўрнатилган бухгалтерия ҳисоби тизими уларни индивидуал тўплашга асосланади ва унинг натижасида таннарх элементлари индивидуал таннархларга гуруҳланади.

4. ***Харажатларни тақсимлаш базаси*** ёки ***харажатлар омиллари*** деб харажатларнинг таннарх объектига тақсимлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган кўрсаткичига айтилади. Тақсимлаш базаси муҳим бўлган ҳолатларда ***сабаб-оқибат тақсимланиши*** ва тақсимлаш базаси муҳим аҳамият касб этмаган ҳолларда ***шартли тақсимлаш*** атамалари қўлланилади.

5. Устама (накладной) харажатларни анъанавий тақсимлаш тизими деб билвосита харажатларни шартли тақсимлаш усулидан фойдаланиб таннарх объектига олиб боришга айтилади.

6. Калькуляциянинг функционал тизими *(АВС тизими ҳам деб аталади "activity-based costing")* билвосита харажатларни таннарх объектлари бўйича аниқ тақсимлашда сабаб оқибат тақсимлаш усулини қўллашга таянади.

7. Устама харажатларни тақсимлаш мезонлари: *1. Сабаб ва оқибат.*; *2. Наф олиш.*; *3. Адолатлилик ёки тенглик;* 4. *Қўллаб-қувватлашга қобилияти*.

8. Ишлаб чиқариш (операцион) бўлими харидорларга сотиладиган маҳсулот ва хизматлар қийматининг тўғридан-тўғри яратилиши ва ошишини таъминлайдиган қисмдир. Ишлаб чиқариш бўлимларига мисол қилиб металл қуювчи цех, ишлов берувчи цех, йиғма цех, безак ва бўёқ берувчи цех, тайёр маҳсулотни якунловчи цехларни келтириш мумкин.

9. Сервис (хизмат кўрсатувчи) бўлими эса маҳсулот ва хизматлар қийматига билвосита таъсир кўрсатадиган, яъни бошқа

(ишлаб чиқариш ва сервис) бўлимларига сервис хизматини таъминлайдиган қисмдир. Уларга мисол қилиб таъмирот ва техник хизмат кўрсатиш бўлими, заҳираларни сақлаш бўлими, инвентар ва жиҳозлар хонаси, таъминот хонаси, биринчи тиббий ёрдам хонаси, ошхоналарни киритиш мумкин.

10. *Бир даражали методда* ўзгарувчан харажатлар ва доимий харажатлар функциялари ўртасида фарқлар бўлмайди ва ягона таннарх функциясидан фойдаланади. Иккита таннарх функцияларидан фойдаланган ҳолларда ***икки даражали метод*** атамаси ишлатилади. Одатда иккита функция, яъни доимий харажатлар функцияси ҳамда ўзгарувчан харажатлар функциялари бунга мисолдир.

11. Устама харажатларни тақсимлаш ставкасини аниқлаш формуласи:

Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси = Устама харажатлар/ тақсимлаш базаси (харажат омили)

12. Хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг харажатларини асосий ишлаб чиқариш бўлимларига тақсимланишда фойдаланиладиган усуллар:

- Туғридан-тўғри (direct);
- Қадамба-қадам (step-down);
- Такрор тақсимлаш (step-by-step);
- Чизиқли тенглама тизими (reciprocal)

13. ***Прайм таннарх*** - бу тўғридан-тўғри материал харажатлар билан тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари йиғиндисидан иборат

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар:

1. Устама харажатларга тавсиф беринг ва уларга қандай харажатлар элементлари киради?
2. Фаолият майдони ва унда юз берадиган тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларга мисоллар келтиринг?
3. Харажатларни тақсимлаш тушунчасига тавсиф беринг ва унинг мақсадларини айтинг?
4. Харажатларни тақсимлашда қандай асосий мезонлар эътироф этилган?
5. Менеджер харажатларни тақсимлашда қандай қарорларни қабул қилиши талаб этилади?
6. Корпорация мисолида таннарх заррачаларига мисоллар келтиринг?
7. Харажатларни тақсимлаш базалари тушунчасига тавсиф беринг ва унга мисоллар келтиринг?
8. Харажатларни тақсимлашнинг анъанавий ва функционал тизимлари қандай мантиқий усулларга таянади?

9. Бошқарув ҳисоби мақсадларида ишлаб чиқариш бўлимлари ва сервис (хизмат кўрсатувчи) бўлимларга тавсиф беринг ва уларга мисоллар келтиринг?
10. Нима учун сервис (хизмат кўрсатувчи) бўлимлар харажатлари асосий ишлаб чиқарувчи бўлимларга тақсимланади?
11. Биринчи даражали ва иккинчи даражали усулларнинг моҳияти ва қўлланилишини амалий мисолларда тушунтириб беринг?
12. Харажатларни тақсимлашда эътироф этилган тўртта қадамлар (бажариладиган амаллар)нинг ва уларнинг қўлланилишини тушунтириб беринг?
13. Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси қандай аниқланади?
14. Тақсимлаш базаларига мисоллар келтиринг ва уларни танлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади?
15. Бюджетлаштирилган устама харажатларни тақсимлаш ставкаси аниқлашни амалий мисолларда тушунтириб беринг?
16. Хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларини асосий ишлаб чиқариш бўлимларига тақсимлашда қўлланиладиган усуллар ва уларнинг қўлланилишини амалий мисолларда тушунтириб беринг?

Тестлар:

1. Қуйидагилардан қайси бири устама харажатларга кирмайди:

А. Электро-энергия
Б. Бино амортизацияси
С. Ошхона харажатлари
Д. Тўғридан-тўғри меҳнат

2. Агар А бўлим бўйича доимий харажатлар 100,000 п.б., ўзгарувчан харажатлар соатига 100 п.б. га тенг. Агар бюджетлаштирилган меҳнат соати 1000 соат белгиланган. Ҳақиқатда 900 соат ишлади. Биринчи даражали метод бўйича А бўлимга тақсимланган харажатлар суммаси

А. 200,000 п.б.
Б. 180,000 п.б.
С. 171,000 п.б.
Д. 190,000 п.б.

3. Бино амортизацияси харажатларини тақсимлашнинг биринчи босқичида тақсимлаш базаларидан энг оптимали

А. Асбоб-ускуналар қиймати
Б. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми
С. Эгаллаб турган майдон
Д. Ишчиларнинг сони

4. Агар маҳсулот бирлиги миқдори 1000 бирлик, ҳар бир маҳсулотга бюджетлаштирилган тўғридан-тўғри меҳнат соатлари 2 соат, жами бюджет устама харажатлар 18,000 п.б. га тенг бўлса устама харажатларни тақсимлаш ставкаси

А. 9 п.б./ меҳ. соати
Б. 18 п.б. / меҳ. соати
С. 36 п.б./ меҳ. соати
Д. 0,11 п.б./меҳ.соати

5. Корхонанинг жами иситиш харажатлари 10,000 п.б. га тенг. Корхонанинг майдони 30,000 м2, шу жумладан 1-цех майдони 10,000 м2 бўлса 1-цехга тақсимланадиган иситиш харажатлари қанча бўлади.

А. 3,000 п.б.
Б. 10,000 п.б.
С. 3,333 п.б.
Д. тақсимланмайди

6. Корхонада ишлаб чиқариш маъмурияти, ошхона ва 1 ва 2-цехлардан иборат. Агар корхона маъмуриятининг қолган бўлимларга хизмат кўрсатиш меҳнат пропорцияси мос равишда 1/10, 6/10, 3/10 бўлса, тўғридан-тўғри тақсимлаш усулида қайси пропорцияга асосан маъмурият харажатлари 1 ва 2-цехларга тақсимланади.

А. 6/10, 4/10
Б. 5/10, 5/10
С. 4/10, 6/10
Д. 6/9, 3/9

7. Хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларини қадамба-қадам тақсимлашда нима учун энг кўп харажатга эга бўлган бўлим харажатларини тақсимлашдан бошланади.

А. Бу аҳамият касб этмайди.
Б. Стандартларда шундай қабул қилинган
С. Энг кўп харажатларни тақсимлашдан бошлаш харажатларни тақсимлашнинг объективлигини оширади.
Д. Энг кўп харажатларни тақсимлашдан бошлаш кейинги ҳисоб-китобларни онсонлаштиради.

8. Қайси усул энг объектив ва аниқ маълумотларни беради.

А. Такрор-тақсимлаш ва тенгламалар тизими
Б. Тўғридан-тўғри усул
С. Қадамба-қадам тақсимлаш
Д. Тўғридан-тўғри ва қадамба-қадам тақсимлаш усули

9. Корхонада ишлаб чиқариш маъмурияти, ошхона ва 1 ва 2-цехлардан иборат. Агар маъмурият харажатлари – 500,000 п.б., ошхона харажатлари 100,000 п.б., маъмурият харажатларини тақсимлаш пропорциялари мос равишда 1/10, 6/10, 3/10; ошхона харажатларини тақсимлаш пропорцияси мос равишда 2/10, 5/10, 3/10 бўлса тенгламалар тизими қандай куринишга эга бўлади.

А. $X = 500,000 + 0,1*y$
$Y = 100,000 + 0,2*x$

Б. $X = 500,000 + 0,3*y$
$Y = 100,000 + 0,2*x$

С. $X = 500,000 + 0,1*y$
$Y = 100,000 + 0,3*x$

Д. $X = 500,000 + 0,2*y$
$Y = 100,000 + 0,1*x$

10. 1-цехнинг устама харажатларини тақсимлаш ставкаси 5 п.б./маш.соат, 2-цехнинг 2 п.б./маш.соат, йиғма цехнинг 1 п.б./меҳ.соатга тенг. Агар маҳсулот 1-цехда 3 маш.соат, 2-цехда 2 маш.соат, йиғма цехда 1 меҳ.соат ишловдан ўтса, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган устама харажатлар суммасини аниқланг.

А. 8 п.б.
Б. 15 п.б.
С. 22 п.б.
Д. 19 п.б.

Масалалар:

1. Marston company бўйича келгуси йилда қуйидаги маълумотлар режалаштирилган.

Бюджетлаштирилган харажатлар:		
Тўғридан-тўғри меҳнат		$406,780
Тўғридан-тўғри материал		400,000
Ишлаб чиқариш устама харажатлари:		
Билвосита меҳнат	$160,000	
Билвосита материал	52,000	
Инвентарлар	36,000	
Суғурта	45,000	
Ходимларга моддий ёрдам	98,500	
Амортизация	88,500	480,000
Жами		$1,286,780

Бошқа бюджетлаштирилган маълумотлар:

Машина соатлар	75,000 маш.соат
Тўғридан-тўғри меҳнат соатлари	60,000 меҳ. соат
Маҳсулот бирлиги	30,000 бирлик

Талаб этилади: Қуйидаги тақсимлаш базаларига асосан устама харажатларни тақсимлаш бюджетлаштирилган ставкасини аниқлаш:

a) Тўғридан-тўғри меҳнат соатлари
b) Машина соатлари
c) Маҳсулот бирлиги
d) Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари
e) Тўғридан-тўғри материал харажатлари
f) Прайм таннарх

2. Palermo Corporation бўйича келгуси йилга маълумотлар режалаштирилган:

Кўрсаткичлар	А	Б
Бюджетлаштирилган бирлик миқдори	4,000	5,000
Маҳсулот бирлигига тўғридан-тўғри меҳнат соатлари	20	24
Бир соат учун тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари	$7.00	$7.00
Маҳсулот бирлигига тўғридан-тўғри материаллар	$63.00	$93.60
Устама харажатлар	**$540,000**	

Талаб этилади: Қуйидаги базалар асосида маҳсулот бирлигига нисбатан устама харажатларни тақсимлаш ставкаси

a) Тўғридан-тўғри меҳнат соатлари
b) Тўғридан-тўғри материал харажатлари

3. Treblinka Manufacturing Company да учта бўлим фаолият юритади: сервис, ишлаб чиқариш ва қадоқлаш. Қуйида якунланган йил учун маълумотлар берилган.

Кўрсаткичлар	Сервис	Ишлаб чиқариш	Қадоқлаш
Ишчиларнинг сони	9	36	15
Активлар қиймати	$40.000	$560.000	$120.000
Тўғридан-тўғри меҳнат соатлари		80,000	30,000

Маҳсулот бирлиги		212,000	188,000
Эгаллаб турган майдони	2,000	18,000	5,000

Харажатлар элементлари	Устама харажат	Тақсимлаш базаси
Супервайзорлар	$ 30,000	Ишчилар сони
Маъмурият	240,000	Ишчилар сони
Амортизация	90,000	Активлар қиймати
Коммунал хизматлар	45,000	Эгаллаб турган майдони

Сервис бўлимининг харажатлари иккита ишлаб чиқариш корхонасига маҳсулот бирлиги базаси асосида тақсимланади.

Талаб қилинади:

1. Харажатларни бўлимларга тақсимлаш ҳамда хизмат кўрсатувчи бўлим харажатларини ишлаб чиқарувчи бўлимларга тақсимлашни акс эттирувчи жадвални тузинг.

4. 2008 йили давомида А компанияси китоб муқоваси учун материал ишлаб чиқаради. Бу ягона ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлиб буюртма асосида бажарилади. Корхонада иккита бўлим фаолият кўрсатади – умумий сервис ва ишлаб чиқариш. 2008 йил учун иккита бўлимга оид бўлган маълумотлар қуйида келтирилган:

Харажатлар элементлари	Умумий сервис	Ишлаб чиқариш
Тўғридан-тўғри меҳнат		$25,000
Билвосита меҳнат	$3,000	6,000
Тўғридан-тўғри материал	-	18,000
Билвосита материал	2,000	7,000
Маиший хизмат	1,000	3,000
Амортизация	1,500	4,500

Устама харажатлар маҳсулотга тўғридан-тўғри меҳнат харажатларининг 120% сифатида олиб борилган. Ортиқча ҳисобдан чиқарилган ёки тежалган устама харажатлар реализация қилинган маҳсулот таннархига олиб борилади.

Талаб этилади:

1. Устама харажатлари счетини ёпиш учун ишлаб чиқариш, ҳақиқатда ва тақсимланган устама харажатларига бухгалтерия ёзувларини амалга оширинг.

5. Б компаниясида иккита хизмат кўрсатувчи ва иккита ишлаб чиқариш бўлимлари фаолият кўрсатади. 31 март билан якунланадиган квартал учун кўйидаги бюджетлаштирилган маълумотлар берилган.

	Сервис		Ишлаб чиқариш	
	Компьютер	Тех. хизмат	Асосий цех	Йиғма цех
Бюджетлаштирилган машина соатлари		2,400	20,000	6,000
Бюджетлаштирилган меҳнат соатлари	6,800	8,350	38,400	30,000
Бюджетлаштирилган техник хизмат соатлари	470	800	3,750	2,500
Компьютер тармоғининг бюджетлаштирилган вақти	2,600	6,000	12,240	5,760
Жами бюджетлаштирилган устама харажатлар	$31,250	$30,000	$60,750	$158,000

Устама харажатлар асосий цехга машина соатлари ва йиғма цехда эса меҳнат соатлари асосида маҳсулот таннархига олиб борилади. Компьютер бўлимининг харажатлари ишлаб чиқариш бўлимларига компьютер тармоқларининг бюджетлаштирилган вақти асосида техник хизмат кўрсатиш бўлимининг харажатлари эса бюджетлаштирилган техник хизмат кўрсатиш соатлари асосида тақсимланади.

Талаб этилади:

1. Хизмат кўрсатиш бўлимлар харажатларини тўғридан-тўғри олиб бориш асосида устама харажатларни иккита ишлаб чиқариш бўлимига тақсимлаш ставкаларини аниқланг.

6. Компьютер ва унинг жиҳозларини ишлаб чиқарадиган фирмада корпоратив бўлимлар бир-бирига ва операцион бўлимларга хизмат кўрсатади. Сервис хизмати бўлимлари харажатлари операцион бўлимларга икки даражали метод асосида тақсимланади. Computer Horizons фирмаси иккита марказий сервис бўлими (Ҳуқуқий ва персонал) бир-бирига ва иккита ишлаб чиқариш бўлими (Микрокомпьютер бўлими MCD ва Периферал асбоб-ускуналар бўлими PED)га хизмат кўрсатади. Уларга оид бўлган маълумотлар қуйида келтирилган:

Кўрсаткичлар	Бюджетлаштирилган қуввати				
	Ҳуқуқий	Персонал	MCD	PED	Жами
Ҳуқуқий – соат	-	250	1,500	750	2,500

Пропорцияси	-	0,10	0,60	0, 30	1,00
Персонал - соат	2,500	-	22,500	25,000	50,000
Пропорцияси	0,05		0,45	0,50	1,00

Ҳақиқатда эришилган натижалар:

Кўрсаткичлар	Ҳаққиқатда фойдаланилган				
	Ҳуқуқий	Персонал	MCD	PED	Жами
Ҳуқуқий – соат	-	400	400	1,200	2,000
Пропорцияси	-	0,20	0,20	0,60	1,00
Персонал - соат	2,000	-	26,600	11,400	40,000
Пропорцияси	0,05		0,665	0,285	1,00

Ҳақиқий харажатлар:

Бўлим	Доимий	Ўзгарувчан
Ҳуқуқий бўлим	$360,000	$200,000
Персонал бўлими	$475,000	$600,000

Доимий харажатлар бюджетлаштирилган қувват базаси, ўзгарувчан харажатлар ҳақиқий натижалар асосида тақсимланади.

Талаб этилади:

1. Хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг харажатларини MCD ва PED бўлимларига (a) тўғридан-тўғри метод (b) қадамба-қадам (c) чизиқли тенгламалар усуллари ёрдамида тақсимланг.

7. А компанияси ишлаб чиқариш устама харажатлар бюджетини тайёрлаш жараёнида устама харажатларни маҳсулотларга тақсимлашни амалга оширади. Қуйида маълумотлар келтирилган:

Маълумотлар	Жами	Машина А цехи	Машина Б цехи	Йиғма цех	Ошхо-на	Тех. Хиз-мат
Билвосита меҳнат $	78,500	8,586	9,190	15,674	29,600	15,460
Билвосита материал	16,900	6,400	8,700	1,200	600	
Ижара	16,700					
Бино суғартаси	2,400					
Электро-энергияси	8,600					

Иситиш ва ёритиш	3,400					
Асбоб-усуналар эскириши	40,200					
Жами						
Майдон, м2	45,000					
Асбоб-ускуналар қиймати	402,000					
Электр-энергия ишлатилиш тех хизмат, %	100					
Тўғридан-тўғри меҳнат соатлари, мех/соат	35,000					
Машина соати, маш/соат	25,200					

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий натижалари қуйидагилардан иборат:

	А машина цехи	***Б машина цехи***	***Йиғма цех***
Тўғридан-тўғри меҳнат, мех/соат	8,200	6,500	21,900
Машина соат, маш/соат	7,300	18,700	

Тўплам устама харажатлар $176,533

Аниқлаш талаб этилади:

1) Устама ишлаб чиқариш харажатларини сервис ва ишлаб чиқарувчи бўлимларга тақсимланг.
2) Тўғридан-тўғри усулдан фойдаланиб сервис бўлими харажатларини ишлаб чиқарувчи бўлимларга қайта тақсимланг.
3) Ҳар бир ишлаб чиқарувчи бўлим учун устама харажатларни тақсимлаш ставкаларини аниқланг.
4) Устама ишлаб чиқариш харажатлари счетини очинг ва унга ҳисоб-китоблар асосида ёзувларни ўтказинг. (Управленческий учет 1, 86-бет)

8. «Ecsony» компанияси Х ва У турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаради ва сотади. Ушбу турдаги маҳсулотларнинг баҳоси мос равишда $1,000 ва $3,000ни ташкил этади. Ҳар бир маҳсулот А ва Б ишлаб чиқариш жараёнидан ўтади. А жараёнида Х маҳсулот бирлигига - 2 соат, У маҳсулот бирлигига – 4 соат, Б жараёнида эса Х маҳсулот бирлигига – 1 соат, У маҳсулот бирлигига – 3 соат сарфланади. А жараёнида 1 соатига $40, Б жараёнида 1 соатига $50 тўланади.

Икки турдаги маҳсулот ҳам К, Л ва М материалларидан фойдаланади, уларнинг маҳсулот бирлигига сарфланиши қуйидагича:

	Баҳоси	***Маҳсулот бирлигига сарфланиши***

		Х маҳсулот	*У маҳсулот*
К материал, кг	$10	37	93
Л материал, бирлик	2	10	240
М материал, м2	2	20	75

Сотувчиларга сотиш ҳажмидан 5% устама тўланади. Упаковка материаллари: Х маҳсулот учун $10 ва У маҳсулот учун 40$. Товарлар харидорларга етказиб бериш харажатлари: Х маҳсулот учун $20, У маҳсулот учун $50.:

Бошқа йиллик харажатлар:

Билвосита меҳнат	А жараён	$250,000
	Б жараён	400,000
	Омбор	200,000
	Ошхона	100,000
		950,000
Билвосита материал	А жараён	$515,100
	Б жараён	585,050
	Омбор	13,100
	Ошхона	84,250
		1,197,500
Ижара ҳақи ва пошлина		4,500,000
Машина ва асбоб-ускуналар амортизацияси		1,400,000
Электроэнергия		500,000
Бинони пожардан суғуртаси		37,500
Меҳнатга ҳақ тўлашдан 2%лик компенсация		120,000
Иситиш ва ёритиш		45,000
Реклама		900,000

Х маҳсулот бирлигидан 10$ лицензион тўловлар ушланиб қолинади. Бир йилда Х маҳсулотдан 15,000 бирлик, У маҳсулотдан 10,000 бирлик сотилган.

Қуйидаги ахборотлар берилган:

Харажатлар маркази	*Майдон, м2*	*Машина ва асбоб – ускуналар-нинг баланс қиймати*	*Машина ускуналари, %*	*Тўғридан-тўғри меҳнат соатлари*	*Ишчи-лар сони*	*Материалларга накладнойлар сони*
А жараён	100,000	10,000,000	80	70,000	40	10,000
Б жараён	50,000	2,000,000	20	45,000	30	5,000
Омбор	100,000	1,500,000			10	
Ошхона	50,000	500,000			5	

	300,000	***14,000,000***	***100***	***115,000***	***85***	***15,000***

Талаб қилинади:
1. Устама ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш базаларини кўрсатган ҳолда сервис ва ишлаб чиқариш бўлимларига (А ва Б жараён) тақсимланг.
2. Сервис бўлимлари устама харажатларини ишлаб чиқариш бўлимларига қайта тақсимланг ва А ва Б жараён учун таллуқли устама харажатларни тақсимлаш ставкасини аниқланг.
3. Ҳар бир турдаги маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархини ва реализация қилинадиган маҳсулот таннархини ҳисобланг.
4. Ҳар бир турдаги маҳсулот бирлиги фойдаси ёки зарарини ҳисобланг.

Таянч атамалар:

1. Таннархнинг буюртмали калькуляцияси – бу таннархни калькуляция қилиш методи бўлиб, бунда мақсадли харажат (ҳисоб объекти) бўлиб маҳсулотнинг (иш, хизмат) ўзи ёки маҳсулотнинг катта бўлмаган партияси ҳисобланади. Ушбу маҳсулот (иш, хизмат) кўп ҳолларда буюртма деб юритилади.

2. Жараёнли калькуляция қилиш – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблаш методи бўлиб, ушбу метод ялпи бир хилдаги (серийний) маҳсулот тайёрловчи ёки турли маҳсулотлар тайёрловчи, лекин жараён доимий қайтариладиган операцияларга бўлинадиган ишлаб чиқаришда қўлланилади.

3. Тақсимлашнинг бюджетлаштирилган устама ставкаси

Тақсимлашнинг бюджетлаштирилган устама ставкаси = жами бюджелаштирилган фабрика устамаси / бюджетлаштирилган тақсимлаш базаси жами ҳажми

4. Зудлик билан ёзувларни амалга ошириш усули деганда тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган устама харажатлари тўғридан-тўғри Реализация Қилинган Маҳсулот Таннархига олиб боришга тушунилади.

5. Пропорция усули **деганда** тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган устама харажатларни Ишлаб Чиқариш Жараёни Назорати, Тайёр Маҳсулот Назорати ҳамда Реализация Қилинган Маҳсулот таннархи счетларига маълум нисбатларда тақсимлашга айтилади.

6. ***Ҳақиқий буюртмали калкуляцияда*** тўғридан-тўғри материал харажатлар, тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ҳамда ўзгарувчан ва

доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ҳақиқий миқдори олинади ва бунда бюджетлаштирилган устама харажатларни тақсимлаш ставкаларидан фойдаланилмайди.

7. ***Меъёрий (нормал) буюртмали калкуляцияда*** тўғридан-тўғри материал харажатлар, тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ҳақиқий миқдори, устама харажатлар эса таннарх тақсимлаш базасининг ҳақиқий даражаси ва бюджетлаштирилган устама ставкаси асосида ҳисобланган миқдори олинади

8. Контракт бўйича харажатлар калькуляцияси – бу одатда ишлаб чиқарилиши кўп вақтини талаб этадиган ҳамда катта бирликдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан қўлланиладиган харажатларни буюртмали калькуляция қилиш тизимидир.

9. Эътироф этиладиган фойда

Эътироф этиладиган фойда = Ушбу санада экспертларнинг хулосаси ёки бажарилган ишлар акти бўйича бажарилган ишларнинг қиймати (ушлаб қолинадиган суммалардан ташқари) / контаркнинг умумий суммаси х мўлжалдаги фойда

Ўзини-ўзи текшириш учун саволлар:

1. *Буюртмали иш калкуляцияси ва жараёнли калкуляция ўртасида принципиал фарқ нимадан иборат?*
2. *Буюртмали калкуляциянинг иккита синонумини келтиринг?*
3. *Фабрика устама харажатлари ҳисобида тақсимлаш базасининг ролини тавсифлаб беринг?*
4. *Меъёрий буюртмали калкуляциянинг моҳияти нимадан иборат?*
5. *Буюртмали калкуляцияда қўлланиладиган учта ёндашувни тавсифланг?*
6. *Индивидуал аудит нархи ставкаси даражаси қандай аниқланади?*
7. *Иш-таннарх ёзувлари жадвали шакли ва уни юритиш тартиби?*
8. *Буюртмали калкулцияни амалга оширишда 8 та кетма-кетлик?*
9. *Бюджетлаштирилган устама харажатлари ставкасини аниқлашнинг 6 та босқичи?*
10. *Буюртмали калкуляцияда бюджетлаштирилган устама харажатлари ставкаси қандай аниқланади.*
11. *Тақсимланмай қолган ва ортиқча тақсимланган устама харажатлар қандай сабабаларга кўра юзага келади?*
12. *Зудлик билан ёзувларни амалга ошириш усули ва пропорция усулининг қўлланилиш тартиби?*
13. *Контарк бўйича харажатларнинг асосий элементлари?*

14.Мўлжалдаги фойда, жамғарилган эътироф этилган фойда ва жорий даврда эътироф этилган фойда кўрсаткичларининг фарқлари?

Тестлар:

1. Буюртмали калкуляцияда таннарх объекти бўлиб

А. Оммовий маҳсулотлар
Б. Буюртмасиз ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар
С. Махсус бирликлар ва кичик партиялар
Д. Ҳар қандай ишлаб чиқариладиган маҳсулот, хизматлар

2. Буюртмали калкуляциянинг ичида жараёнли калкуляцияни қўллаш мумкинми.

А. Қўллаб бўлмайди
Б. Қўллаб бўлади
С. Истисно тариқасида қўлласа бўлади
Д. Стандартларда қайд қилинган ҳолатларда

3. Аудит фаолиятида бюджетлаштирилган устама ставкасини аниқлашда тақсимлаш базаси сифатида

А. Бюджетлаштирилган тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари
Б. Бюджетлаштирилган машина соатлари
С. Бюджетлаштирилган компьютер соатлари
Д. Бюджетлаштирилган материал харажатлар

4. Агар устама харажатларининг бюджетлаштирилган ставка асосида тақсимланган суммаси жамғарилган (ҳисобланган) суммасидан кичик бўлса, ……. юзага келади

А. Тақсимланмай қолган устама
Б. Ортиқча тақсимланган устама
С. Кичик бўлиши мумкин эмас
Д. Устама харажатларнинг баланс қолдиғи

5. Агар устама харажатларининг бюджетлаштирилган ставка асосида тақсимланган суммаси жамғарилган (ҳисобланган) суммасидан катта бўлса, ……. юзага келади

А. Тақсимланмай қолган устама
Б. Ортиқча тақсимланган устама
С. Катта бўлиши мумкин эмас
Д. Устама харажатларнинг баланс қолдиғи

6. Буюртмали калкуляциянинг ҳақиқий турида …… бўлади.

А. Тўғридан-тўғри материал (ҳақиқий), тўғридан-тўғри меҳнат (ҳақиқий) ва устама харажатлар (ҳақиқий) даражада

Б. Тўғридан-тўғри материал (ҳақиқий), тўғридан-тўғри меҳнат (ҳақиқий) ва устама харажатлар (бюджет) даражада

С. Тўғридан-тўғри материал (бюджет), тўғридан-тўғри меҳнат (бюджет) ва устама харажатлар (ҳақиқий) даражада

Д. Тўғридан-тўғри материал (бюджет), тўғридан-тўғри меҳнат (ҳақиқий) ва устама харажатлар (ҳақиқий) даражада

7. Буюртмали калкуляциянинг меъёрий турида …… бўлади.

А. Тўғридан-тўғри материал (ҳақиқий), тўғридан-тўғри меҳнат (ҳақиқий) ва устама харажатлар (ҳақиқий) даражада

Б. Тўғридан-тўғри материал (ҳақиқий), тўғридан-тўғри меҳнат (ҳақиқий) ва устама харажатлар (бюджет) даражада

С. Тўғридан-тўғри материал (бюджет), тўғридан-тўғри меҳнат (бюджет) ва устама харажатлар (ҳақиқий) даражада

Д. Тўғридан-тўғри материал (бюджет), тўғридан-тўғри меҳнат (ҳақиқий) ва устама харажатлар (ҳақиқий) даражада

8. Зудлик билан ёзувларни амалга ошириш усулида тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган устама суммаси ……...олиб борилади.

А. Ишлаб чиқариш харажатларига

Б. Сотиш билан боғлиқ харажатларга

С. Реализация қилинган маҳсулот таннархига

Д. Фойда ва зарарларга

9. Контрак бўйича мўлжалдаги фойда аниқланади:

А. Контракт қиймати – умумий харажатлар

Б. Маълум санада бажарилган ишлар қиймати – амалга оширилган харажатлар

С. Контракт қиймати – амалга оширилган харажатлар

Д. Контаркт қиймати – контракт смета таннархи

Масалалар.

1. Компаниянинг 31 январ ойи бўйича счетлари қуйидаги кўринишларга эга бўлган:

Материал жараёни назорати		***Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар***		***Ишлаб чиқариш***	
31.12.__8 Баланс 15,000			**31.12.___8 Баланс 3,000**		

Бўлим устамалари назорати	*Тақсимланган устама*	*Тайёр маҳсулотлар назорати*
Январ ойида ҳисобланди 57,000		31.12._8 *Баланс* 20,000

Реализация қилинган маҳсулот таннархи

Зарур ахборотлар:

1. Устама харажатларни тақсимлашнинг бюджет ставкаси ҳар декабрда аниқланиб келгуси йилда тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари асосида ойма–ой тақсимланади. 2009 йил учун бюджетлаштирилган тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари 400,000 п.б. ва фабрика устамаси 600,000 п.б. қилиб белгиланган.
2. Фақат 31 январ ойида №419 буюртма бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари 2000 п.б. (125 соат тўғридан-тўғри меҳнат) ва тўғридан-тўғри материал харажатлари 8,000 п.б.ни ташкил этган.
3. Январ ойида ишлаб чиқаришга чиқарилган материал қиймати 90,000 п.б. бўлган.
4. Январ ойида тайёрланган маҳсулотлар таннархи 180,000 п.б.ни ташкил этган.
5. 31 январдаги материалларнинг баланси 20,000 п.б.да қолган.
6. 31 январ ҳолати бўйича тайёр маҳсулотлар баланси 15,000 п.б.ни ташкил этган.
7. Фабриканинг барча ишчилари бир хил ставкадаги маошда ишлаган. Январ ойида тўғридан-тўғри меҳнат соатлари 2,500 ни ташкил этган. Бошқа ишчилар ва супервайзорларга 10,000 п.б. иш ҳақи ҳисобланган.
8. Фабрикада белгиланган кунларда 52,000 п.б. миқдорида иш ҳақи тўланган.
9. Ҳақиқий устама харажатларига оид бўлган ёзувлар ўз вақтида амалга оширилган.

Талаб этилади:

a) Январ ойида харид қилинган материаллар қиймати
b) Январ ойида реализация қилинган маҳсулот таннархи

c) Январ ойида ҳисобланган тўғридан-тўғри иш ҳақи харажатлари
d) Январ ойида тақсимланган устама харажатлари
e) 31.12. 2008 ҳолатда «Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар» счети бўйича баланс
f) 31.12.2008 ҳолат бўйича «Ишлаб чиқариш жараёни назорати» счети бўйича баланс
g) 31.01.2009 ҳолат бўйича «Ишлаб чиқариш назорати» счети бўйича баланс
h) Январ ойида тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган устама харажатлари суммасини аниқланг.

2-масала. Lee Company си ишлаб чиқариш жараёнида иш буюртма таннархи тизимини қўллайди. Март ойида қуйидаги операциялар амалга оширилган:

1. Ишлаб чиқаришга чиқарилган материал қиймати, 98,000 п.б.
2. Тўғридан-тўғри иш ҳақи, 50,000 п.б.
3. Устама ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулотга машина соатга 30 п.б. ҳисобидан тақсимланади. Ҳисобот даврида 2000 машина соат ишланган.
4. Жами ҳисобланган устама ишлаб чиқариш харажатлари ой давомида 64,000 п.б.ни ташкил этмоқда.
5. Ой давомида иш буюртмаси таннархи 210,000 п.б. га ҳисобланди.
6. Таннархи 200,000 п.б. бўлган иш буюртма бўйича харидорга счет-фактура ёзилди. Ялпи даромад ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан 20% қилиб белгиланган.

Талаб этилади:

Ишлаб чиқариш жараёнида бошланғич қолдиқ 40,000 п.б. Юқоридаги ахборотларга асосланиб журнал ёзувларини амалга оширинг. Ишлаб чиқариш жараёни назорати счетида охирги қолдиқни аниқланг.

3-масала. Қурилиш ташкилоти томонидан олиб борилаётган қурилиш ишлари 15 ой олдин бошланган бўлиб ҳозиргача якунланган эмас. Якунланаётган йил учун ушбу контракт бўйича қуйидаги ахборотлар тайёрланган (минг п.б.)

Контракт нархи	2,100
Ҳисобот йилининг охирида топширилган ишлар қиймати	1,840
Топширилмаган ишлар қиймати	35
Амалга оширилган харажатлар:	
Бошланғич сальдо:	
- тугалланган ишлар таннархи	350

- қурилиш майдонидаги материаллар	10
Жорий йилда:	
- қурилиш майдонига келтирилган материаллар	512
- иш ҳақи	487
- асбоб-ускуналар кирраси	96
- бошқа харажатлар	74
Охирги сальдо:	
- қурилиш майдонидаги материаллар	18

Қурилиш майдонига келтирилган материаллар контракт счетига ёзилади. Бундан ташқари контракт бўйича ҳақиқий ишлатилган материалларнинг ҳисоби юритилади. Даврий равишда заҳираларнинг ҳолати текширилиб чиқилади ва ҳужжатлар билан ҳақиқий миқдорлар тўғрисидаги маълумотлар ўртасидаги четланишлар Контракт Материаллар Ҳисоби Маълумотлари Фарқлари счетига олиб борилади . Четланишлар ҳар бир контрактда мавжуд бўлиб ҳозирги пайтда улар буюртма қилинган материаллар ҳажмидан 0,4%ни ташкил этади. Ҳисобот йилининг охирида заҳиралар ҳолати бўйича ўтказилган текширувлар натижасида 4,000 п.б. камомад аниқланган.

Юқоридагиларга қўшимча равишда контракт бўйича тўғри харажатларга умумий топширилган ишлар қийматидан 5% миқдорда устама харажатлар олиб борилган. Ҳисобот йилининг охирида тугалланган ишлар таннархига 13,000 п.б. миқдорида устама харажатлар киритилган.

Баҳолаш натижаларига кўра контрактни тугаллаш учун амалга ошириладиган харажатлар 215,000 п.б. ни ташкил этмоқда. Бу баҳолашга якунланаётган йил сўнгида қурилиш майдонида мавжуд бўлган материаллар қиймати ҳамда дефектларни тузатиш қиймати киради.

Талаб этилади:

a) Контрактлар бўйича харажатларни калкуляция қилишнинг хусусиятларини айтиб беринг.
b) Ушбу контрактнинг фойдалигини аниқланг ва мўлжалдаги фойда суммасини ҳисобланг. Бунинг учун харажатларнинг калкуляциясини келтиринг.
c) Агар контракт нархи 3,500,000 бўлган тақдирда b) пунктда келтирилган хулосалар ва тавсиялар бўйича қандай ўзгаришлар рўй беради.

Таянч атамалар.

1. Қайта ишлаш қиймати бу бошқарув ҳисоби мақсадларида меҳнат ҳақи харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлари суммасини қамраб олувчи кўрсаткич билан тавсифланади.

2. Эквивалент бирликлар деганда бу ушбу жараёнда тўлиқ якунланган ҳамда қисман якунланган бирликларнинг тўлиқ маҳсулот бирлигига айналтирилганда ҳисобга олиналиган бирликлари тўплами тушунилади.

3. Ҳисобга олиш учун бирлик – бу жараён марказида давр давомида ишланадиган жисмоний бирликлардан иборат ресурслардир. Бу икки бирликлар йиғиндисидан ташкил топади: ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич бирликлар ҳамда жорий давр давомида киритилган ресурслардан иборат бирликлар.

4. Ҳисобга олинган бирлик – бу жараён марказида давр давомида ишланган жисмоний бирликлардан ташкил топади. Кўп бирликлар жорий давр давомида якунланиб келгуси жараёнга ёки тайёр маҳсулотларга ўтказилади, айримлари эса ишлаб чиқариш жараёни, охирида қолдирилади.

5. Ҳисобга олиш учун таннарх – бу жараёнли калкуляцияда жами таннарх ва маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичдир.

6. ***Ҳисобга олинган таннарх*** – бу жараёнли калкуляцияда маҳсулот бирлигининг таннархи асосида бошқа жараёнга ўтказилган маҳсулотнинг таннархи ҳамда элементлар таннарих бўйича ишлаб чиқариш жараёни, охирида таннарх кўрсаткичларидан иборатдир.

7. Ўртача салмоқли усул – бу санагача бажарилган ишларнинг жамига асосланади (барча салмоқли қийматнинг жорий давр давомида тайёрланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирликларга *плюс* ишлаб чиқариш жараёни охиридаги қолдиқларнинг бажарилган қисмига ўтказилишига таянади).

8. ФИФО усули – Фақат жорий даврда бажарилган ишларга асосланади (Қийматнинг келиб тушган ва тугалланган бирликларга *плюс* жорий даврда ишлаб чиқариш бошида ва охиридаги қолидиқларга ўтказилишига таянади)

9. Олдинги жараёндан ўтказилган қиймат (Transferred in costs) бу ишлаб чиқаришнинг олдинги жараёнларда шаклланган ва ишлов бериш учун навбатдаги бўлимга жўнатиладиган таннархдир.

10. Бошқа жараёнга ўтказиладиган таннарх (costs transferred out) бу ушбу жараёнда қайта ишлаш натижасида якунланиб бошқа жараёнга ўтказиладиган бирликлар таннархидир.

11. Маҳсулот таннархи ҳисоботи – бу ҳисобот даври ёки махсус давр давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бирлиги ва уларнинг таннархи тўғрисидаги ахборотларни мужассамлантирувчи ҳисоботдир.

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар.

1. Жараёнли калкуляциянинг моҳияти ва мазмуни.
2. Жараёнли калкуляциянинг 5 та босқичи (қадам).

3. Биринчи иккита қадамнинг кейинги учта қадамдан фарқли жиҳатлари.
4. Жараёнли калкуляцияда бирликларнинг жисмоний ҳаракатини тавсифлаш учун тенглик (баланс) усулидан фойдаланиш.
5. “1-қадам барча ҳисобга олиш усуллари бўйича бир хил бажарилади, қолган қадамлар танланган усулларга боғлиқ ҳолда амалга оширилади” деган фикрга қўшиласизми?
6. Жараёнли калкуляцияда таннархи иккита таснифга асосланади. Улар нимадан иборат?
7. Ўртача салмоқли усулда нима учун эквивалент бирлик ҳисобланганда бошланғич заҳиралар ҳисобга олинмайди?
8. Жараёнли калкуляция билан буюртмали калкуляцияда журнал ёзувлари ўртасидаги асосий фарқ нимадан иборат?
9. ФИФО усулида эквивалент бирликларни ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг?
10. Ўртача салмоқли усулда эквивалент бирликларни ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг?
11. “Жараёнли калкуляцияда бюджетлаштирилган устама харажатлари ставкасидан фойдаланишга зарурият йўқ” фикрига қўшиласизми? Асосланг.
12. Нима учун бухгалтер олдинги жараёндан ўтказилган қиймат ва тўғридан-тўғри материаллар қийматини фарқлаши лозим?
13. Таннарх ўтказилишини тушунтириб беринг?
14. Жами ҳисобга олиш учун таннарх ва жорий даврда амалга оширилган таннарх кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг?

Тестлар.

1. Жараёнли калкуляцияда

А. Маҳсулот партиялари бўйича таннарх ҳисобланади

Б. Маҳсулот бирлиги ва таннарх бир жараёндан бошқа жараёнга ўтказилади.

С. Меъёрий ва ҳақиқий калкуляция қўлланилади.

Д. Ишлаб чиқариш жараёни бошида қолдиқ бўлмайди.

2. Буюртмали усулда билвосита бўлган айрим харажатлар жараёнли калкуляцияда тўғридан-тўғри харажат сифатида қаралиши мумкинми?

А. Мумкин эмас

Б. Стандартларда кўзда тутилган ҳолларда мумкин

С. Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган ҳолларда мумкин

Д. Мумкин (Жараёндан келиб чиқиб)

3. Қайта ишлаш қиймати - бу

А. Тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари ва асосий воситаларни тутиб туриш харажатлари

Б. Билвосита ва тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари

С. Меҳнат ҳақи харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари

Д. Устама ишлаб чиқариш харажатлари

4. Ишлаб чиқариш бошланган ва якунланган бирлик 10.000, ишлаб чиқариш жараёни охирида бирлик 1000, Бу 30%га тайёр бўлса харажатларнинг материал элементи бўйича эквивалент бирлик қанча бўлади.

А. 10300 бирлик

Б. 11000 бирлик

С. 10.000 бирлик

Д. 3300 бирлик

5. Ишлаб чиқариш бошланган ва якунланган бирлик 10.000, ишлаб чиқариш жараёни охирида бирлик 1000, Бу 30%га тайёр бўлса харажатларнинг қайта ишлаш қиймати элементи бўйича эквивалент бирлик қанча бўлади.

А**.** 11000 бирлик

Б. 10000 бирлик

С. 10300 бирлик

Д. 3300 бирлик

6. Агар эквивалент бирлик таннархи материал элементи бўйича 5 п.б.га, қайта ишлаш қиймати бўйича 2 п.б. га тенг бўлса, якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган 10000 бирлик маҳсулот таннархи қанча бўлади.

А. 20000 п.б.

Б. 50000 п.б.

С. 70000 п.б.

Д. 30000 п.б.

7. Агар эквивалент бирлик таннархи материал элементи бўйича 5 п.б.га, қайта ишлаш қиймати бўйича 2 п.б. га тенг. Ишлаб чиқариш жараёни, охирида 1000 бирлик маҳсулот мавжуд. 50%га тайёр. Ишлаб чиқариш жараёни, охирида қиймати тенг бўлади.

А. 6000 п.б.

Б. 7000 п.б.

С. 3500 п.б.

Д. 5000 п.б.

8. Навбатдаги жараёнга 500 бирлик материал, 20%лик норматив йўқотиш, материал қиймати 10000 п.б. ўтказилди. Материал бирлигининг таннархи
А. 20 п.б.
Б. 18 п.б.
С. 25 п.б.
Д. 22.5 п.б.

9. Норматив бракни сотишдан олинган даромад
А. Маҳсулот таннархининг камайишига олиб борилади
Б. Нормадан ортиқча йўқотишлар счетининг кредитига олиб борилади
С. Режалаштирилмаган даромадга олиб борилади
Д. Фавқулотдаги даромадларга олиб борилади

10. Нормативдан ортиқча брakларни сотишдан олинган даромад
А. Маҳсулот таннархининг камайишига олиб борилади
Б. Нормадан ортиқча йўқотишлар счетининг кредитига олиб борилади
С. Режалаштирилмаган даромадга олиб борилади
Д. Фавқулотдаги даромадларга олиб борилади

11. Тўлиқ якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирлик 50000 (100% га тайёр), ишлаб чиқариш жараёни, охирида 1000 бирлик (50% га тайёр). Ўртача салмоқли усулда харажатларнинг материаллар ва қайта ишлаш элементлари бўйича эквивалент бирликни аниқланг.
А. 51000 бирлик, 50500 бирлик
Б. 50500 бирлик, 51000 бирлик
С. 51000 бирлик, 51000 бирлик
Д. 50000 бирлик, 1000 бирлик

12. Ишлаб чиқариш жараёни бошида 5000 (60%), жорий даврда кирим қилинган бирлик 30000. Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган: бошланғич заҳиралардан 5000 бирлик, кирим қилинган заҳиралардан 28000 бирлик, ишлаб чиқариш жараёни, охирида 2000 бирлик 40% тайёр. ФИФО усулида материаллар ва қайта ишлаш моддаси эквивалент бирликни аниқланг:
А. 30000 бирлик, 30000 бирлик
Б. 30800 бирлик, 30000 бирлик
С. 30000 бирлик, 28000 бирлик

Д. 30000 бирлик, 30800 бирлик

13. Жами ҳисобга олиш учун таннарх 20000 п.б., шу жумладан материал бўйича 15000 п.б., қайта ишлаш қиймати 5000 п.б, эквивалент бирлик материал – 500 бирлик, қайта ишлаш бўйича 400 бирлик. Ўртача салмоқли усулда эквивалент бирлик таннархини аниқланг.

А. 30 п.б., 12.5 п.б.
Б. 37.5 п.б., 10 п.б.
С. 40 п.б., 50 п.б.
Д. 30 п.б., 10 п.б.

14. Жорий даврда амалга оширилган таннарх 50000 п.б., шундан материаллар 30000 п.б., қайта ишлаш қиймати бўйича 20000 п.б.. Эквивалент бирлик мос равишда 15000 ва 20000 бирликка тенг бўлса эквивалент бирлик таннархини харажатлар элементлари бўйича аниқланг.

А. 1 п.б., 2 п.б.
Б. 1.33 п.б., 1.5 п.б.
С. 2 п.б., 1 п.б.
Д. 3.33 п.б., 2.5 п.б.

15. Эквивалент бирлик таннархи материал бўйича 0.50 п.б., қайта ишлаш бўйича 0.40 п.б.. Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган 10000 бирлик. Ишлаб чиқариш жараёни, охирида 2000 бирлик (50% га тайёр). Ушбу маълумотлар асосида ўртача салмоқли усулда бошқа жараёнга ўтказилган маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқариш жараёни, охирида қийматини аниқланг.

А. 9000 п.б., 1400 п.б.
Б. 9000 п.б., 1800 п.б.
С. 9900 п.б., 900 п.б.
Д. 9900 п.б. 1400 п.б.

16. Эквивалент бирлик таннархи материаллар бўйича 0.50 п.б., қайта ишлаш бўйича 0.40 п.б.. Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич 5000 бирлик (60%га тайёр), қиймати 8000 п.б., ушбу даврда кирим қилинган ва якунланган бирлик 20000 бирлик. Ишлаб чиқариш жараёни охириди 3000 бирлик (40% га тайёр). Ушбу маълумотлар асосида ФИФО усулида бошқа жараёнга ўтказилган жами таннарх ва ишлаб чиқариш, охирида қийматни аниқланг.

А. 18000 п.б., 2700 п.б.
Б. 18000 п.б., 1980 п.б.

С. 26800 п.б., 2700 п.б.
Д. 26800 п.б., 1980 п.б.

МАСАЛАЛАР ВА КЕЙСЛАР

1-масала. Компанияда жараёнли калкуляцияда босқичли қадамлар асосида маҳсулот таннархи ҳисобланади. Қуйида пластик компаниясининг термоқуйиш жараёни бўйича июн ойида маълумотлар келтирилган:

Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич 50000 бирлик, 80 % га қайта ишлаш қиймати учун тайёр.

Жорий давр давомида олдинги жараёндан ўтказилган бирлик 200,000

Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган бирлик 210,000

Ишлаб чиқариш жараёни, охирида, 40 % га қайта ишлаш қиймати учун тайёр.

Қўшимча тўғридан-тўғри материаллар жараённинг бошида қўшилади.

Талаб этилади:

Жорий давр учун эквивалент бирликни ҳисобланг: (1) ўртача салмоқли усул; ва (2) ФИФО усули бўйича

2-масала. Ўртача салмоқли усулда эквивалент бирлик. Қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Бирликлар ҳаракати	Жисмоний бирликлар
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	20000*
Жорий даврда кирим қилинган	70000
Ҳисобга олиш учун бирлик	90000
Жорий даврда якунланган ва бошқа жараёнга ўтказилган	?
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида	5000**
Ҳисобга олинган бирлик	90000

*Маҳсулотларнинг тайёрлик даражаси: тўғридан-тўғри матераил, 60%; қайта ишлаш қиймати, 30%

**Маҳсулотларнинг тайёрлик даражаси: тўғридан-тўғри матераил, 80%; қайта ишлаш қиймати, 60%

Талаб этилади:

Ўртача салмоқли усулда тўғридан-тўғри материаллар ва қайта ишлаш харажатлари учун эквивалент бирлигини аниқланг. Натижаларни жадвалда расмийлаштиринг. Жадвалнинг биринчи устунига жисмоний бирликларни акс эттиринг.

3-масала. Gagliono Company си А бўлимига оид бўлган жисмоний бирликларнинг Апрел ойидаги ҳолатига оид маълумотларнинг ҳисоб-китоби қуйидагича бўлган:

Якунланган бирликлар:

1 апрелдаги қолдиқни ишлов беришдан	10000
Апрел ойидаги маҳсулотдан	30000
	40000

Тўғридан-тўғри материаллар жараённинг бошида қўшилади. 30 апрелда ишлаб чиқариш жараёнида 8000 бирлик қолган. 1 апрелдаги ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишлаш харажатлари бўйича 80%га якунланган ҳамда 30 апрелда ишлаб чиқариш жараёни охирида қайта ишлаш харажатлари учун 60%га якунланган.

Талаб этилади:

ФИФО усулида апрел ойи учун маҳсулотларнинг эквивалент бирлиги қанчага тенг бўлади. Қуйидаги жавоблардан бирини танланг:

	Тўғридан-тўғри материал	Қайта ишлаш қиймати
a	38.000	38.000
b	48.000	44.800
c	38.000	36.800
d	48.000	48.000

4-масала. ФИФО усулидан фойдаланиб ушбу жадвалдаги сўроқ белгиси қўйилган катакчалардаги кўрсаткичларни аниқланг.

Маҳсулотларнинг ҳаракати	Жисмоний бирлик	Эквивалент бирлик	
		Тўғридан-тўғри материал	Қайта ишлаш таннархи
Ҳисобга олиш учун бирлик: Ишлаб чиқариш жараёни, 31 Март Апрел ойида кирим	12000		

қилинган Ҳисобга олиш учун	? 67000		
Ҳисобга олинган бирлик: Жорий давр давомида якунланган ва ташқарига чиқарилган: Бошланғич заҳиралардан Кирим қилинган ва якунланган Ишлаб чиқариш жараёни, 30 апрел Ҳисобга олинган	 12000 47000 ? 67000	 ?* ? ?**	 ?* ? ?**
Жорий даврда бажарилган		?	?

* Тўғридан-тўғри материаллар 40%, қайта ишлаш қиймати 30%

** Тўғридан-тўғри материал 50%, қайта ишлаш қиймати 20%

5-масала. Компания фаолиятига оид май ойида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Кўрсаткичлар	Жисмоний бирликлар
Май ойида кирим қилинган	50000
Май ойида якунланган	46000
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида	12000
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	8000

Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғичида тўғридан-тўғри материалларда 90%га, қайта ишлаш қийматида 40%га якунланган. Ишлаб чиқариш жараёни, охирида тўғридан-тўғри материалларда 60%, қайта ишлаш қийматида 30%га якунланган.

Талаб этилади:

Эквивалент бирликлар жадвалини тайёрлаш (1) Санага бажарилган ишлар (ўртача салмоқли усулда), (2) Май ойи давомида санага бажарилган ишлар (ФИФО)

6-масала. Montez Enterprises компанияси фаолиятига доир қуйидаги маълумотлар келтирилган.

Маҳсулот ҳаракати	Жисмоний бирликлар
Ҳисобга олиш учун бирлик: Ишлаб чиқариш жараёни, 31 январ Феврал ойида олдинги жараёндан ўтказилган ***Жами ҳисобга олиш учун***	 10000 80000 **90000**
Ҳисобга олинган бирлик: Феврал ойида давомида якунланган ва ташқарига	

чиқарилган:	
Бошланғич заҳиралардан	10000*
Феврал ойида кирим қилинган ва якунланган	65000
Ишлаб чиқариш жараёни, 28 феврал	15000**
Жами ҳисобга олинган бирлик	**90000**

Феврал ойида амалга оширилган харажатлар:

* тўғридан-тўғри материаллар 20%, қайта ишлаш харажатлари 30%

** тўғридан-тўғри материаллар 50%, қайта ишлаш харажатлари 40%

Талаб этилади:

Олдинги жараёндан ўтказилган маҳсулот, тўғридан-тўғри материаллар ва қайта ишлаш қиймати учун эквивалент бирлик миқдорини аниқланг. ФИФО усулидан фойдаланинг.

7-масала. Colling Company си 1 апрел ҳолатида В бўлимида ишлаб чиқариш жараёнида 6000 бирликка эга. Бу бўлим иккинчи ҳамда охиридан олдинги жараён ҳисобланади. Ушбу 6000 бирликнинг таннархи А бўлимдан ўтказилган таннархи 12000 п.б., В бўлимга қўшилган тўғридан-тўғри материал харажатлар 2500 п.б. ва В бўлимда амалга оширилган қайта ишлаш харажатлари 2000 п.б. га тенг. Материаллар В бўлимдаги жараённинг бошида қўшилади. 1 апрелда қайта ишлаш 50 %га якунланган. Апрел ойи давомида 14000 бирлик маҳсулот А бўлимдан таннархи 27000 п.б. га ўтказилди. В бўлимда материал харажатлар 3500 п.б., қайта ишлаш харажатлари 3000 п.б. амалга оширилган. 30 апрелда В бўлимида ишлаб чиқаришда 5000 бирлик мавжуд бўлган, қайсики улар 60% қайта ишлаш бўйича тайёр ҳолда бўлган. Ушбу 5000 бирликнинг таннархи А бўлимдан қабул қилингани 10500 п.б., В бўлимда қўшилган 1800 материал таннархи ва В бўлимда амалга оширилган 800 п.б. қайта ишлаш таннархидан ташкил топади.

Талаб қилинади:

Ҳар бир талаб қилинган саволга энг тўғри жавобни танланг:

1. Апрел ойида ўртача салмоқли усулдан фойдаланиб эквивалент бирлик миқдорини харажат элементлари бўйича аниқланг?

	А бўлимдан ўтказилган	***Тўғридан-тўғри материал***	***Қайта ишлаш қиймати***
A	15000	15000	15000
B	19000	19000	20000
C	20000	20000	18000
D	25000	25000	20000

2. Ўртача салмоқли усулда қайта ишлаш харажатлари моддаси учун эквивалент бирлиги таннархини аниқланг? (а) 4200 п.б./15000

бирлик, (b) 5000 п.б. / 18000 бирлик, (c) 5800 п.б. / 18000 бирлик, (d) 5800 п.б. /20000.

8-масала. Frito-Lay, Inc., озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан шуғулланади, жумладан картошкали чипс ва маккажўхорили чипс. Маккажўхорили чипс тўртта босқичдан иборат, қайсики уларни алоҳида жараён сифатида қараш мумкин: тозалаш, қориштириш, пиширish ҳамда қуритиш ва қадоқлаш. Бухгалтерия ёзувларига мувофиқ ҳафта давомида Frito-Lay нинг қуритиш ва қадоқлаш бўлимига оид қуйидаги ахборотлар келтирилган:

Кейс:

Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич 5000 кейс, қайта ишлаш таннархи учун 80% га якунланган

Пишириш бўлимидан ўтказилган бирлик 20000

Якунланган бирлик 21000

Ишлаб чиқариш жараёни, охирги, 4000 бирлик, қайта ишлаш таннарих учун 40%га якунланган.

Таннарх:

Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич (29000 п.б. олдинги жараёндан ўтказилган таннарх, 9060 п.б. қайта ишлаш таннархи) 38060 п.б.

Пишириш бўлимидан ўтказилган таннарх 96000 п.б.

Қўшилган тўғридан-тўғри материаллар (жараённинг охирида қўшилган) 25200 п.б., қўшилган қайта ишлаш қиймати 38400 п.б., жами ҳисобга олинадиган таннарх 197.660 п.б.

Талаб этилади:

1. Олдинги жараёндан ўтказилган таннарх, тўғридан-тўғри материаллар ва қайта ишлаш таннархи элементлари бўйича эквивалент бирликни ҳисобланг: (а) ўртача салмоқли усул ва (б) ФИФО усули
2. Қуритиш ва қадоқлаш бўлими ўртача салмоқли усулдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш таннархи тўғрисидаги ҳисоботни тайёрланг.
3. Қуритиш ва қадоқлаш бўлими ФИФО усулидан фойдаланган ҳолда маҳсулотнинг ҳафталик таннархидан келиб чиқиб маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисобланг.

9-масала. Қуйида Mabling Manufacturing Corporation бўйича ишлаб чиқариш таннархига оид ахборотлар келтирилган. Ҳисоботнинг ҳисобга олинган таннарх қисми берилган маълумотлар асосида тўлдирилади. Ишлаб чиқариш жараёни, охирида материаллар ва 50 фоизга якунланган қайта ишлашдан таркиб топган.

Mabling Manufacturing Corporation
Ишлаб чиқариш таннархи ҳисоботи
Декабр

Ҳисобга олиш учун бирлик		Ҳисобга олинган бирлик	
Ишлаб чиқариш жараёни бошланғич	3000	Бошқа жараёнга ўтказилган бирлик	10000
Ушбу даврда олдинги жараёндан ўтказилган	9000	Ишлаб чиқариш жараёни, охирги	2000
Жами ҳисобга олиш учун бирлик	***12000***	***Жами ҳисобга олинган бирлик***	***12000***

Ҳисобга олиш учун таннарх	Таннарх	Эквивалент бирлик	Бирлик таннархи
Тўғридан-тўғри материал:			
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	$6000	3000	$2.00
Жорий даврда	18720	9000	2.08
Жами	***24720***	***12000***	***2.06***
Тўғридан-тўғри меҳнат:			
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	4220	2000	2.11
Жорий даврда	19980	9000	2.22
Жами	***24200***	***11000***	***2.20***
Устама ишлаб чиқариш харажатлари:			
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	8440	2000	4.22
Жорий давр	39960	9000	4.44
Жами	48400	11000	4.40
Жами ҳисобга олиш учун таннарх	***$97320***		***$8.66***

Талаб этилади:

Таннарх тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳисобга олинган таннарх бўлимини тўлдиринг: 1)Ўртача салмоқли усулдан фойдаланинг; 2) ФИФО усулидан фойдаланинг.

10-масала. Fainer Corporation ишлаб чиқариш таннархида ФИФО усулидан фойдаланади. Жараён марказларидан бири тугаллаш жараёни ҳисобланади. Июл ойи давомида ишлаб чиқариш фаолияти ва таннархга оид қуйидаги ахборотлар берилган.

Тугаллаш бўлими	***Июл ойи***
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич	2000 бирлик

Материалларнинг тугалланганлик фоизи	100%	
Қайта ишлашнинг тугалланганлик фоизи	25%	
Бошланғич заҳиралар таннархи:		
Олдинги бўлимдан	$ 7000	
Тўғридан-тўғри материаллар	8000	
Тўғридан-тўғри меҳнат	3500	
Устама ишлаб чиқариш	1000	
Ушбу ойда олдинги жараёндан ўтказилган бирлик		9000 бирлик
Жорий давр таннархи:		
Олдинги жараёндан ўтказилган	$33750	
Тўғридан-тўғри материал	35100	
Тўғридан-тўғри меҳнат	62080	
Устама ишлаб чиқариш харажатлари	16975	
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида		4000 бирлик
Материалларнинг тугалланганлик фоизи	100%	
Қайта ишлашнинг тугалланганлик фоизи	80%	

11-масала. “Shell” саноат ёғлаш материали иккита жараёнда бир қанча турдаги кимёвий хом-ашёларни қайта ишлаш натижасида олинади. 1-жараённинг маҳсулоти 2-жараёнга ўтказилади, қайсики бу жараёнда бошқа кимёвий элементлар билан аралаштирилади. Давр учун ишлаб чиқариш жараёни харажатлари қуйидагини ташкил этади:

1-Жараён

Материаллар	3000 кг 1 кг учун 0.25 $
Меҳнат харажатлари	$120
Жараён давомида техниканинг иш вақти	12 соат, 1 с. учун $20

2-Жараён

Материаллар	2000 кг 1 кг учун $84
Меҳнат харажатлари	$84
Жараён давомида техниканинг иш вақти	20 соат, 1 с. учун $13.50

Умумий устама харажатлари $357ни ташкил этиб жараёнлар таннархига меҳнат харажатлари базаси асосида қўшилган. Норматив чиқиши 1-жараёнда бошланғич массасидан 80%, 2-жараёнда бошланғич массасидан 90%ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш отходлари 1-жараённики 1 кг $0.20дан, 2-жараённики 1 кг. 0.30 $дан сотилади. Давр учун маҳсулот чиқиши:

1-жараён 2300 кг.

2-жараён 4000 кг.

Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари ва ишлаб чиқариш жараёнидаги заҳиралар ҳисобот даврининг бошида ва охирида 0 га тенг. Барча отходлар кўрсатилган нархларда сотилган.

Талаб этилади:

Юқорида қайд қилинган маълумотларни харажатлар счетларида акс эттиринг.

12-масала. Суюқ концентратли ўғит иккита кетма-кет келувчи жараёнда ишланади. Фақат 1-жараёнга киритиладиган кимёвий компонентлар сарфланиши спецификаси май ойи учун қуйида келтирилган:

1-Жараён	Л	$
Давр бошида заҳира	4000	10800
Давр охирида заҳира	8000	24200
Омборхонага олинган материаллар	20000	61000

Ишлаб чиқариш жараёнларига оид бўлган маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

	1-жараён	2-жараён
Асосий ишлаб чиқариш ишчилари меҳнати, $	4880	10800
Тўғридан-тўғри харажатлар, $	4270	-
Устама харажатларни тақсимлаш меъёрлари	Асосий ишлаб чиқариш ишчилари меҳнати харажатларига нисбатан 250%	Асосий ишлаб чиқариш ишчилари меҳнати харажатларига нисбатан 100%
Маҳсулот чиқиши, л	8000	7500
Ишлаб чиқариш жараёни, бошланғич, л	Йўқ	Йўқ
Ишлаб чиқариш жараёни, охирида, л	5600	Йўқ
Маҳсулотнинг нормада чиқиши	Киритилган ресурсларга нисбатан 85%	Киритилган ресурсларга нисбатан 90%
Отходларни сотишдан тушган тушум, $	Йўқ	Йўқ

Талаб этилади:

(а) Май ойида жараёнларнинг натижаларини акс эттирувчи счетларни ва ишлаб чиқариш таннархи ҳисоботини тайёрланг.

Таянч атамалар:

1. Қўшма ишлаб чиқариш жараёни (Joint production process) бу бир ишлаб чиқариш жараёнида иккита ва ундан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш амалга ошириладиган жараёнга айтилади.

2. Қўшма маҳсулот (Joint product) қўшма ишлаб чиқариш жараёнида технологик жараённинг маълум нуқтасигача биргаликда қайта ишланадиган, ажралгандан кейин алоҳида идентификацияланиб сотишга тайёр ҳолга келтириладиган ёки бошқа қайта ишлаш жараёнига ўтказиладиган маҳсулотларга айтилади. Агар қўшма маҳсулотларнинг ичида биттаси бошқаларига нисбатан юқори сотиш қийматига эга бўлса бу *асосий маҳсулот* деб аталади.

3. Иккиламчи маҳсулот (By product) бу асосий маҳсулот билан биргаликда ишлаб чиқариладиган ва технологик жараённинг маълум нуқтасида қўшма маҳсулотдан ажраладиган ҳамда сотиш нархи нисбатан кичик бўлган маҳсулотга айтилади.

4. Қўшма таннарх (joint cost) - бу ҳар бир жараённинг охиригача, яъни маҳсулотлар ажралгунга қадар амалга оширилган харажатларга айтилади.

5. Ажралиш нуқтаси (split-off point) бу жараён тугаши билан маҳсулотлар ажралиб алоҳида индентификацияланадиган, яъни технологик ишлов бериш жараёнида маҳсулот бири иккинчисидан жисмоний ажралиб келгусида уларнинг маҳсулот таннархини алоҳида ҳисоблаш мумкин бўлган нуқтасидир.

6. Бўлинган харажатлар (Separable costs) - бу ажралиш нуқтасидан кейин алоҳида олинган маҳсулотларга қайта ишлаш учун амалга оширилган харажатлардир.

7. Соф сотиш мумкин бўлган қиймати (Net realizable value) - бу ажралиш нуқтасидаги сотишилиши мумкин бўлган қиймати минус сотиш ва дистрибутция харажатлари.

Ўзини-ўзи текшириш учун саволлар:

1. Қўшма таннарх нима?
2. Бўлинган харажатлар нима?
3. Қўшма маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларга иккита мисол келтиринг. Уларнинг ҳар бири бўйича ажралиш нуқтасида ажралиб чиқадиган маҳсулотлари?
4. Қўшма маҳсулот ва иккиламчи маҳсулотнинг бир-биридан фарқи?
5. Қўшма таннархнинг индивидуал маҳсулотлар ва хизматларга тақсимлашнинг учта сабабини келтиринг?
6. Ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймати асосида тақсимлаш ва Ажралиш нуқтасида қийматни баҳолаш методларининг фарқини айтиб беринг?

7. Кўп корхоналар ажралиш нуқтасида қийматни баҳолаш методидан фойдаланишни афзал деб билади. Учта сабабини айтинг?
8. Қўшма таннархни қўшма маҳсулотларга тақсимлашнинг ҳар бир усулларининг афзалликлари ва камчиликларини айтинг?
9. Иккиламчи маҳсулотлар ажралиш нуқтасидан кейин қўшимча қайта ишлашга зарурияти бўлмаса кўп ҳолларда бухгалтерлар уларнинг қийматини ажралиш нуқтасида нолга тенг деб олиб, сотилган маҳсулотларнинг таннархини кредитлайди. Бу тўғрими, мулоҳаза қилинг?

Тестлар

1. *Қўшма маҳсулот ва асосий маҳсулот бир хил маънони англатадими*?

А. Ҳа, бир хил маънони англатади

Б. Асосий маҳсулот ҳам қўшма маҳсулот, у бошқаларига нисбатан юқори нархга эга

С. Асосий маҳсулот агар битта қўшма маҳсулот қолганлари иккиламчи маҳсулот бўлса

Д. Қўшма маҳсулот иккита ва ундан ортиқ маҳсулот, асосий маҳсулот эса энг тез сотиладиган қўшма маҳсулот

2. *Компания А, В ва С маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Қўшма таннарх 200,000 п.б.га тенг. Умумий ишлаб чиқарилган бирлик 20,000 бирлик. Ишлаб чиқарилган А маҳсулот бирлиги 4,500 бирлик. Натурал бирликлар методи асосида А бирликка тақсимланадиган қўшма таннарх суммасини аниқланг.*

А. 45,000 п.б.

Б. 66,666 п.б.

С. 90,000 п.б.

Д. 100,000 п.б.

3. *Компания А, В ва С маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Қўшма таннарх 200,000 п.б.га тенг. Умумий сотиш ҳажми 600,000 п.б.ни ташкил этади. А маҳсулотни сотиш ҳажми 180,000 п.б. Сотиш қиймати асосида тақсимлаш методи асосида А маҳсулот бирлигига тақсимланадиган қўшма таннарх суммасини аниқланг.*

А. 45,000 п.б.

Б. 60,000 п.б.

С. 111,000 п.б.

Д. 180,000 п.б.

4. *Компаниянинг умумий сотиш ҳажми 600,000 п.б.га тенг. Қўшма таннарх 200,000 п.б.. Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх 120,000 п.б.. А маҳсулотни сотиш ҳажми 180,000 п.б. бўлса, ялпи фойда фоизи ва А маҳсулотга тақсимланадиган қўшма таннархни аниқланг.*

А. 54%, 97200 п.б.
Б. 37%, 66,600 п.б.
С. 46%, 97200 п.б.
Д. 62,5%, 112,500 п.б.

5. *А маҳсулотнинг ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймати (ССМБҚ) 100,000 п.б.. Жами ажралиш нуқтасида ССМБҚ 450,000 п.б.ни ташкил этади. Жами қўшма таннарх 200,000 п.б.. Ажралиш нуқтасида ССМБҚ методи асосида А маҳсулотга тақсимланадиган қўшма таннах суммасини аниқланг.*

А. 100,000 п.б.
Б. 200,000 п.б.
С. 225,000 п.б.
Д. 44,000 п.б.

6. *А маҳсулотнинг бозор қиймати 180,000 п.б. Ушбу маҳсулотнинг ажралиш нуқтасидан кейинги таннархи 40,000 п.б.. Жами ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх 120,000 п.б.. Жами бозор қиймати 600,000 п.б.. Жами қўшма таннарх 200,000 п.б. бўлса, ажралиш нуқтасида баҳоланган бозор қиймати методи асосида А маҳсулотга тақсимланган қўшма таннарх суммасини аниқланг.*

А. 160,000 п.б.
Б. 58,000 п.б.
С. 44,000 п.б.
Д. 55,000 п.б.

7. Сотиш ҳажми 2,000 бирлик. Унинг таннархи 44,000 п.б.. Иккиламчи маҳсулот 100 бирлик. Ажралиш нуқтасидан кейин унга 500 п.б. миқдорида қўшимча ишлов берилди. 100 бирликдан фақат 80 бирлиги 8 п.б. сотилди. Сотиш таннархни камайтириш усулида сотилган асосий маҳсулотнинг таннархини аниқланг.

А. 44,000 п.б.
Б. 43,700 п.б.
С. 43,760 п.б.
Д. 43,500 п.б.

8. Сотиш ҳажми 2,000 бирлик. Унинг таннархи 44,000 п.б.. Иккиламчи маҳсулот 100 бирлик. Ажралиш нуқтасидан кейин унга 500 п.б. миқдорида қўшимча ишлов берилди. 100 бирликдан фақат 80 бирлиги 8 п.б. сотилди. Маҳсулот таннархни камайтириш усулида сотилган асосий маҳсулотнинг таннархини аниқланг.

А. 44,000 п.б.
Б. 43,700 п.б.
С. 43,760 п.б.

Д. 43,500 п.б.

9. Иккиламчи маҳсулот ва чиқинди маҳсулот бир-биридан фарқ қиладими?

А. Критерияси мавжуд эмас, корхона ўзи белгилайди

Б. Чиқинди маҳсулот иккиламчи маҳсулотга нисбатан кам қийматга эга ва қайта ишланмасдан сотилиши мумкин.

С. Чиқинди маҳсулот қийматга эга эмас ва у чиқариб ташланади, иккиламчи маҳсулот эса сотилади.

Д. Иккиламчи маҳсулот ва чиқинди маҳсулот бир-биридан фарқ қилмайди, бир хил маънода қўлланилади.

10.Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олган соф даромад нима?

А. Иккиламчи маҳсулотни сотишдан тушган тушум.

Б. Иккиламчи маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи плюс фойда

С. Иккиламчи маҳсулот сотишдан олган тушум ва минус тақдим қилинган савдо чегирмаси

Д. Иккиламчи маҳсулотни сотишдан олган тушум ва минус иккиламчи маҳсулотни қайта ишлаш таннархи

Масалалар.

1-масала. NWC компанияси табиий ўсимликлардан табобат учун дори-дармонлар ишлаб чиқаради. Бунинг учун гиёҳлар томирларидан ва ҳар хил шифобахш ўсимликлардан хом-ашё йиғилади. Рецептлар бўйича гиёҳлар аралаштирилиб, сўнгра секин қайнатилади. Жараён натижасида бир нечта маҳсулот олинади. Ажралиш нуқтасидан кейин маҳсулотларга ишлов бериш давом этади. Маҳсулотлар, уларни ишлаб чиқиш ҳажмлари ҳамда сотиш нархлари, ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилган:

Маҳсулот	Ишлаб чиқарилган бирлик	Маҳсулот бирлиги сотиш нархи	Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх
RH-basic	6,000	5.00 п.б.	9,000
RH-extra	13,000	8.00	26,000
RH-prem	1,000	16.00	5,000
Жами қўшма таннарх = 50,000 п.б.			

Аниқлаш талаб этилади:

Маҳсулот таннархи жадвалини тайёрланг:

А) Натурал бирликлар асосида тақсимлаш методи асосида
Б) Ялпи фойда методи асосида тақсимлаш методи асосида

2-масала. Компания уч хил қўшма пластик маҳсулот ишлаб чиқаради. Октябр ойининг биринчи ҳафтасида маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида маълумотлар қуйида келтирилган:

Маҳсулот	***Маҳсулот бирлиги***	***Сотиш нархи***	***Ажралиш нуқтасидан кейинги таннарх***	***Ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймати***
PL –X	21,000	1.60 п.б.	8,400 п.б.	0.70 п.б./1 б.
PL-Y	18,000	2.00	3,600	1.00
PL-Z	11,000	3.00	6,600	1.50
Қўшма таннарх = 66,000 п.б.				

Учта маҳсулот учун маҳсулот таннархи жадвалини тузинг:

А) Қўшма таннархни тақсимлашнинг жисмоний бирликлар методи асосида

Б) Қўшма таннархни тақсимлашнинг сотиш қиймати методи асосида

С) Ажралиш нуқтасида соф сотиш мумкин бўлган қиймати методи асосида.

3-масала. Учта қўшма маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар қўйида келтирилган:

Маҳсултлар	Ишлаб чиқариш миқдори	Сотиш нархи	Ажралиш нуқтасидан кейиги таннарх	Сотиш миқдори
N 1	1,500	10 п.б.	3,000	1,200
M 1	2,500	12	-	2,200
Q 1	1,000	15	7,000	600
Қўшма таннарх		***35,000 п.б.***		

Ҳар бир маҳсулотнинг таннархини ҳисобланг:

А) Ажралиш нуқтасида баҳоланган қиймат

Б) Сотиш қиймати методи

С) Жисмоний бирликлар методи

Д) Доимий фоиз методи

4-масала. “Саншайн ойл” компанияси тозаланмаган ўсимлик ёғини харид қилиб олади. Ушбу ёғ дастлабки тозалангандан сўнг ажралиш нуқтасида тўрттта маҳсулот олинади: А, В, С ва Д. С маҳсулот тўлиқ ажралиш нуқтасидан кейин қайта ишланмасдан сотилади. А, В ва Д ажралиш нуқтасидан кейин рафинат қилиш ишлови берилади, қайсики ундан кейин “А супер”, “В супер” ва “Д супер” маҳсулотлари олинади. Охирги ойда ажралиш нуқтасида маҳсулот чиқиши қўйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

А маҳсулот 300 000 литр
В маҳсулот 100 000 литр
С маҳсулот 50 000 литр
Д маҳсулот 50 000 литр

Тозаланмаган ёғни харид қилиш ва қайта ишлаш бўйича қўшма таннарх 100 000 п.б. ни ташкил этади. Ҳисобот даврининг бошида ва охирида захиралар мавжуд эмас. Декабр ойида С маҳсулот 50 000 п.б.га сотилган. Декабр ойида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Маҳсулот	“Супер” маҳсулот олиш учун қайта ишлашга доир ажралиш нуқтасидан кейин бўлинган харажатлар	Даромад
А супер	200 000 п.б.	300 000 п.б.
В супер	80 000	100 000
Д супер	90 000	120 000

“Саншайн Ойл” компаниясида ажралиш нуқтасида А, В ва Д маҳсулотни сотиш имконияти туғилди. Ушбу алтернатива маҳсулотни сотишдан қуйидагича даромад олишга имкон туғдиради.

А маҳсулот 50,000 п.б.
Б маҳсулот 30,000
Д маҳсулот 70,000

Аниқлаш талаб этилади:

1. Декабр ойида сотилган ҳар бир маҳсулот бўйича ялпи фойда ҳисса фоизини қуйидаги усуллардан фойдаланиб ҳисобланг:

А. Ажралиш нуқтасида сотиш қиймати
Б. Жисмоний бирликлар методи
С. Соф сотиш қиймати методи

2. Компания А, В ва Д маҳсулотни қайта ишлашга доир бўлган бошқа қарорни қабул қилиш алтернативаси бўйича ишласа декабр ойида операцион фойдани кўпайтириш мумкинми? Операцион фойданинг таклиф этилаётган ўзгаришлари таъсирини кўрсатинг.
(Управленческий учет 1, 64 бет)

5-масала. Корпорация “Гаррисон” уч турда маҳсулот ишлаб чиқаради: Алфа, Бета ва Гамма. Алфа ва Гамма қўшма маҳсулот, Бета иккиламчи маҳсулот ҳисобланади. Йил давомида ишлаб чиқариш жараёни қуйидагича шаклланган:
1. 1-цехда 110000 кг асосий материал қайта ишланади ва қайта ишлаш харажатлари 120 000 п.б.ни ташкил этади. Қайта ишлангандан кейин 60% бирлик маҳсулот 2-цехга ўтказилади, 40% бирлик маҳсулот эса 3-цехга (энди Гамма) келиб тушади.
2. Иккинчи цехда материалларга қўшимча ишлов берилади ва бунда қўшимча харажатлар 38 000 п.б.га тенг. Кейин ушбу бирликнинг 70% (энди Алфа) тўртинчи цехга ўтказилади. Қолган 30 % бирлик маҳсулот эса иккиламчи маҳсулот Бетага айланади, қайсики ҳар килограмми 1.20 п.б.дан сотилади. Бета маҳсулотнинг сотишга доир бўлинган харажатлари 8 100 п.б.ни ташкил этади.
3. 4-цехда Алфа маҳсулотни қайта ишлаш давом этади. Унинг қўшимча харажатлари 23 660 п.б.га тенг. Ушбу ишловдан кейин Алфа маҳсулоти сотишга тайёр ҳолга келади. Сотиш нархи 1 кг учун 5.00 п.б. га тенг.
4. 3-цехда Гамма маҳсулоти қайта ишланади. Бунинг учун 165.000 п.б. қўшимча харажатларни амалга оширади. Бу цехда ишлаб чиқариладиган Гамма маҳсулотининг сифатли бирлигидан 10 % норматив йўқотиш юзага келади. Кейин Гамма сифатли маҳсулоти килограмми 12.00 п.б. сотилади.

Аниқлаш талаб этилади:
1. Кутиладиган соф сотиш қиймати методи асосида қўшма харажатларни Алфа ва Гамма маҳсулотлари бўйича тақсимлаш графигини тайёрланг. Бета маҳсулотнинг кутиладиган соф сотиш қиймати 1-цехнинг комплекс харажатларининг камайишига олиб борилади, қайсики унинг суммаси 120.000 п.б ни ташкил этади.
2. 1-пункдаги ечимнинг жавобидан қатъий назар умумий қўшма харажатларнинг 102.000 п.б. тегишли тартибда Алфа маҳсулотга тақсимланди деб тассавур қиламиз. 48.000 кг Алфа ва 20.000 кг Бета сотишга тайёр ҳолга келтирилган деб ҳам тассавур қиламиз. Молиявий фаолиятнинг натижаларига оид ҳисобот тайёрлаш талаб этилади, қайсики унда Алфа маҳсулотдан олинган ялпи фойда акс эттирилиши лозим. Бунинг учун қуйидаги маълумотлар берилган:

А. Йил давомида сотишга тайёр бўлган Алфа маҳсулотининг 80% сотилди. Давр бошида қолдиқ мавжуд эмас.

Б. Сотишга тайёр бўлган Бета маҳсулотнинг кутилаётган соф сотиш қиймати А маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархидан чегиришга олиб борилади. Давр охирида Алфа маҳсулоти заҳираси ишлаб чиқариш соф харажатларига таяниши лозим.

Таянч атамалар

1. Контрибутция ёндашуви (Contribution Approach) – бу маҳсулот таннархига фақат ўзгарувчан харажатларни тақсимлашга асосланувчи тизимдир.

2. Absorption Costing – бу маҳсулот таннархига ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни, уларнинг ўзгарувчан ёки доимий, тўғридан-тўғри ёки билвосита бўлишидан қатъий назар маҳсулот таннархига тўлиқ олиб борилишига асосланувчи тизимдир.

3.Variable Costing – бу маҳсулот таннархига фақат ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўзгарувчан харажатларни олиб борувчи контрибутция ёндашувининг амалда қўлланилишини таъминловчи тизимдир.

4. Ишлаб чиқариш контрибутция маржини (Manufacturing contribution margin) – бу сотишдан олинган даромаддан маҳсулотнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархини айириш орқали топилган кўрсаткич бўлиб, корхона фаолият даражаси ўзгаришининг молиявий натижага таъсирини аниқлашда фойдаланади.

5. Контрибутция маржини – бу ишлаб чиқариш контрибутция маржинидан ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатларни айириш орқали топилган кўрсаткич бўлиб, корхона фаолият даражасининг соф даромадга таъсирини аниқлашда фойдаланади.

Тестлар:

1. Контрибутция ҳисоботининг қандай турлари бор

А. Қисмлар контрибутция ҳисоботи
Б. Маҳсулот контрибутция ҳисоботи
С. Сотиш регионлари контрибутция ҳисоботи
Д. А, Б ва С

2. Variable Costing ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи ўз ичига олади:

А. Тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ва ўзгарувчан УИЧХ
Б. Тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ва УИЧХ
С. Тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ва доимий УИЧХ
Д. Тўғридан-тўғри ва билвосита материал, тўғридан-тўғри ва билвосита меҳнат ва УИЧХ

3. Absorption Costingда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ўз ичига олади.

А. Тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ва ўзгарувчан УИЧХ

Б. Тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ва УИЧХ

С. Тўғридан-тўғри материал, тўғридан-тўғри меҳнат ва доимий УИЧХ

Д. Тўғридан-тўғри ва билвосита материал, тўғридан-тўғри ва билвосита меҳнат ва УИЧХ

4. Ишлаб чиқариш контрибутция маржини аниқланади:

А. Сотишдан олинган даромад айирилади маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи

Б. Сотишдан олинган даромад айирилади маҳсулотнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи

С. Сотишдан олинган даромад айирилади сотилган маҳсулотнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи

Д. Сотишдан олинган даромад айирилади сотилган маҳсулотнинг доимий ишлаб чиқариш таннархи

5. Контрибутция маржини аниқланади:

А. Ишлаб чиқариш контрибутция маржинидан айирилади доимий УИЧХлари

Б. Ишлаб чиқариш контрибутция маржинидан ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар

С. Сотишдан олинган даромаддан айирилади сотилган маҳсулотларнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи

Д. Ишлаб чиқариш контрибутция маржинидан айирилади доимий сотиш ва маъмурий харажатлар

6. Absorption Costingда ортиқча (кам) тақсимланган доимий устама харажатлари аниқланади:

А. Доимий УИЧХ нинг бюджетлаштирилган тақсимлаш ставкаси билан ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги асосида ҳисобланган Доимий УИЧХ суммаси билан ҳақиқий Доимий УИЧХ суммаси ўртасидаги фарқ

Б. Доимий УИЧХ нинг бюджетлаштирилган тақсимлаш ставкаси билан режада ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги асосида ҳисобланган Доимий УИЧХ суммаси билан ҳақиқий Доимий УИЧХ суммаси ўртасидаги фарқ

С. Доимий УИЧХ нинг бюджетлаштирилган тақсимлаш ставкаси билан ҳақиқатда сотилган маҳсулот бирлиги асосида ҳисобланган Доимий УИЧХ суммаси билан ҳақиқий Доимий УИЧХ суммаси ўртасидаги фарқ

Д. Доимий УИЧХ нинг бюджетлаштирилган тақсимлаш ставкаси билан ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги асосида ҳисобланган Доимий УИЧХ суммаси билан режадаги Доимий УИЧХ суммаси ўртасидаги фарқ

7. Нима учун variable costingда ортиқча (кам) тақсимланган доимий устама харажатлари бўлмайди.

А. Чунки, бу тизимда доимий ИЧУХлари маҳсулот таннархига киради

Б. Чунки, бу тизимда доимий УИЧХлари маҳсулот таннархига кирмайди, умумий суммада даромаддан айирилади.

С. Чунки, бу тизимда ортиқча (кам) тақсимланган Доимий УИЧХларини аниқлаш имкони бўлмайди.

Д. Чунки, бу тизимда ортиқча (кам) тақсимланган Доимий УИЧХларини аниқлашга зарурият бўлмайди.

8. Absorption Costing билан Variable Costing маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ

А. Маҳсулот бирлигига нисбатан Доимий УИЧХ ҳамда Доимий сотиш ва маъмурий харажатлар

Б. Маҳсулот бирлигига нисбатан ўзгарувчан УИЧХ ҳамда ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар

С. Маҳсулот бирлигига нисбатан Доимий УИЧХ

Д. Маҳсулот бирлигига нисбатан Доимий сотиш ва маъмурий харажатлар

9. Variable Costingда соф даромад аниқланади

А. Ялпи маржиндан айирилади жами операцион харажатлар

Б. Контрибутция маржинидан айирилади доимий УИЧХ ва доимий сотиш ва маъмурий харажатлар

С. Контрибутция маржинидан айирилади доимий УИЧХ

Д. Ишлаб чиқариш контрибутция маржинидан доимий УИЧХ ва доимий сотиш ва маъмурий харажатлар

10. Absorpsion Costingда соф даромад аниқланади

А. Ялпи маржиндан айирилади жами операцион харажатлар

Б. Контрибутция маржинидан айирилади доимий УИЧХ ва доимий сотиш ва маъмурий харажатлар

С. Контрибутция маржинидан айирилади доимий УИЧХ

Д. Ишлаб чиқариш контрибутция маржинидан доимий УИЧХ ва доимий сотиш ва маъмурий харажатлар

11. Бошланғич зиҳира 3,000 бирлик, охирги заҳира 2,000 бирлик, Доимий УИЧХ ставкаси 2 п.б. бўлса, absorption costingda variable costingга нисбатан соф даромад қанчага фарқ қилади.

А. 2,000 п.б. кўп

Б. 4,000 п.б. кам

С. 4,000 п.б. кўп

Д. 2,000 кам

12. ***Бошланғич зиҳира 4,000 бирлик, охирги заҳира 6,000 бирлик, Доимий УИЧХ ставкаси 3 п.б. бўлса, absorption costingда variable costingга нисбатан соф даромад қанчага фарқ қилади.***

А. 6,000 п.б. кўп
Б. 12,000 п.б. кўп
С. 18,000 п.б. кўп
Д. 4,000 п.б. кам

13. Агар биринчи йилнинг бошида ва охирги 4 йилнинг сўнгида охирги заҳиралар бўлмаса absorption costing ва variable costing ўртасида умумий тўрт йиллик натижаларда фарқ юзага келадими.

А. Фарқ юзага келади
Б. Доимий УИЧХлари даражасига боғлиқ
С. Фарқ юзага келмайди
Д. Агар сотиш нархи ва бирлик таннархи ўртасида фарқ бўлмаса юзага келмайди

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар:

1. Контрибутция маржини ва ишлаб чиқариш контрибутция маржини ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг. Бу кўрсаткичлар менеджерларга қайси масалаларда кўл келади?
2. Контрибутция ҳисоботларининг қандай турлари мавжуд ва улар қандай тузилади. Сегментар ҳисобот нима?
3. Absorption Costingни тавсифланг ва у нима учун ташқи ахборот фойдаланувчиларга молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни тайёрлашда қўлланилади?
4. Variable Costingни тавсифланг ва у менеджерларга қайси масалаларда кўл келади?
5. Absorption Costing ва Variable Costingда маҳсулот бирлигининг таннархи қайси элементлардан ташкил топади ва қандай ҳисобланади?
6. Variable Costingда ишлаб чиқариш контрибутция маржини, контрибутция маржини, соф даромад кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
7. Absorption Costingда ялпи маржин, жами операцион харажатлар, соф даромад кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
8. Absorption Costingда Ортиқча (кам) тақсимланган доимий УИЧХ қандай ҳисобланади?
9. Absorption Costing ва Variable Costing тизимларида доимий УИЧХларини ҳисобга олишдаги хусусиятлари?
10. Absorption Costing ва Variable Costingда заҳираларни баҳолаш хусусиятлари ва молиявий натижалардаги фарқларнинг сабаблари?

Амалий мисоллар:

1-мисол. Маҳсулотнинг режадаги ишлаб чиқариш ҳажми 5000 бирлик. Ҳақиқатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6000 бирлик, сотиш ҳажми 4800 бирлик ва ҳисобот даврининг охирида 1200 бирлик заҳиралар қолди. Барча ҳақиқий харажатлар бюджетга мувофиқ келади:

Маҳсулот сотиш нархи 11 п.б.
Тўғридан-тўғри материаллар 3 п.б.
Тўғридан-тўғри меҳнат 2 п.б.
УИЧХ, ўзгарувчан қисми 1 п.б.
УИЧХ, доимий қисми , ойда 10000 п.б.
Ишлаб чиқариш бўлмаган харажатлар, ўзгарувчан қисми 1 п.б.
Ишлаб чиқариш бўлмаган харажатлар, доимий қисми 2000 п.б.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Absorption Costing ва Variable Costing учун маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархини ҳисобланг.
2. Absorption ва Costing Variable тизимлари асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг ва натижалар қайси бошқарув мақсадларида фойдаланилади.
3. Иккита тизим асосида аниқланган соф даромад ўртасидаги фарқларнинг юзага келиш сабабларини асосланг.

2-масала. ***Mullet II Manufacturing Company*** бўйича 1-йилдан 4-йилга қадар маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва таннархи тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

	Йиллар			
	1	2	3	4
Сотиш ҳажми, бирликда	8,000	9,000	13,000	10,000
Маҳсулот, бирликда	10,000	12,000	10,000	8,000
Бошланғич қолдиқ, бирликда	0	2,000	5,000	2,000
Тўғридан-тўғри материал, бирликка	$ 6	$ 6	$ 7	$ 8
Тўғридан-тўғри меҳнат, бирликка нисбатан	3	4	4	5
Ўзгарувчан УИЧХ, бирликка нисбатан	2	2	3	4
Доимий УИЧХ, суммада	50,000	60,000	70,000	80,000
Ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар, бирликка нисбатан	3	3	4	5
Доимий сотиш ва ўзгарувчан харажатлар, суммада	30,000	35,000	40,000	50,000
Сотиш нархи, бирликка нисбатан	25	27	30	35

Аниқлаш талаб этилади:

1. 1-йилдан 4-йилгача Absorption Costing ва Variable Costing учун маҳсулот бирлигининг таннархини аниқланг.
2. Absorption Costing ва Variable Costing бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг.
3. Absorption Costing ва Variable Costing 1-йилдан 4-йилгача маҳсулот харажатлари тўғрисида жадвални тузинг:

Йиллар	***Маҳсулот харажатлари***		***Жами маҳсулот харажатлари***
	Бошланғич заҳиралар	***Жорий йил маҳсулоти***	

4. Absorption Costing ва Variable Costing бўйича бошланғич ва охирги заҳиралар жадвалини тузинг.
5. Фарқ сабабларини аниқлаш учун доимий устама харажатларни ўз ичига олган Бошланғич ва Охирги заҳиралар тўғрисидаги жадвални тузинг.

3-масала. *Maxwella Department Store* учта бўлимда бажарилган ишлар ҳисоботини тузишда контрибутция ёндашувидан фойдаланади. Қуйида бир йил учун маълумотлар келтирилган:

	Қисмлар		
	Спорт товарлари	***Аёллар кийимлари***	***Уй ашёлари***
Сотиш	$200,000	$400,000	$800,000
Ўзгарувчан таннархи	80,000	160,000	500,000
Контрибутция маржини	120,000	240,000	300,000
Доимий харажатлар	40,000	140,000	140,000
Контрибутция	***$ 80,000***	***$ 100,000***	***$160,000***

Қисмларга бўлинмаган корпоротив харажатлар $200,000

Аниқлаш талаб этилади:

А. Давр учун корпоратив соф даромадни аниқланг.

Б. Ҳар бир бўлим учун сотиш ҳажмига нисбатан контрибутция кўрсаткичларини аниқланг ва хулосалар қилинг.

4-масала. Northside Iron Works учун 2010 йилда фаолияти бщйича ыуйидаги маълумотлар келтирилган:

Ишлаб чиқарилган бирлик	60,000
Нормал капастаси (Capacity)	60,000

Сотиш нархи	40 п.б.
Ўзгарувчан харажатлар:	
Тўғридан-тўғри материал	8
Тўғридан-тўғри меҳнат	5
Ишлаб чиқариш устамаси	4
Сотиш ва маъмурий	3
Доимий харажатлар:	
Ишлаб чиқариш устамаси	300,000 п.б.
Сотиш ва маъмурий	120,000
Сотилган бирлик	55,000
Бошланғич заҳиралар мавжуд эмас	

Талаб этилади:

1. Absorption Costing ва Variable Costing асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг.
2. Иккита методда аниқлнган соф даромад ўртасидаги фарқнинг келиб чиқишни заҳиралар орқали аниқланг

5-Масала. Medfore Company ташқи ахборот фойдаланувчилар учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишда Absorption Costingдан ҳамда режалаштириш ва назорат мақсадларида Variable Costingдан фойдаланади. Жорий йилда қўйидаги маълумотларга эга бўлинди (Управленческий учет, Ташкент 2003 й. 168 б):

	Бирликлар	Variable бирлик таннархи	Absorption бирлик таннархи
Бошланғич заҳира	6,000	$10	$ 14
Охирги заҳира	9,000	11	16
Нормал капаста (capacity)	30,000		

Ортиқча (кам) тақсимланган устама харажатлар 0 га тенг.

Аниқлаш талаб этилади:

А. Variable Costing да охирги заҳиралар таннархи

Б. Absorption Costingда охирги заҳиралар таннархи

С. Сотилган бирликлар миқдори

Д. Таннархини аниқлашнинг иккита методида соф даромад ўртасидаги фарқ

6-масала. Rayners plc компанияси электрик одеял ишлаб чиқади ва сотади. Сотиш нархи 12 п.б.. Маҳсулот бирлигининг таннархи қуйидагича:

Асосий материал ..... 2 п.б.

Асосий меҳнат ҳақи.....**.....**1

УИЧХ, ўзгарувчан қисми.....2
УИЧХ, доимий қисми.....3
Жами.....8
Маъмурий харажатлар 20 бир йилга

Қўшимча ахборотлар:

- Доимий устама харажатлар бир йилда режадаги ишлаб чиқариш ҳажми 90 бирлик асосида маҳсулот бирлигига нисбатан берилган.
- Инфляция йўқ
- Давр бошида заҳира мавжуд эмас.

Кейинги уч йилда компаниянинг ишлаб чиқарган ва сотган маҳсулот бирликлари тўғрисида қуйида маълумот берилган:

	Йиллар		
	1	2	3
Бошланғич заҳира	-		
Ишлаб чиқарилган	100	110	90
Сотилган	(90)	(110)	(95)
Охирги заҳира			

Аниқлаш талаб этилади:

1. Ҳар бир йил учун Absorption Costing ва Variable Costing тизимларида заҳираларни кўрсатган ҳолда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг.
2. Иккита метод бўйича натижаларга хулоса беринг ва юзага келган фарқнинг сабабларини кўрсатинг.

7-масала. Фирма бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Маҳсулот бирлигининг таннархи:

Асосий материал.....2,60 п.б.
Асосий ишлаб чиқариш персонали меҳнат ҳақи.....3,00
УИЧХ, ўзгарувчан қисми..... 0.40
УИЧХ, доимий қисми.....1,00
Жами.....7,00

Доимий устама харажатлар смета режасидаги 150,000 бирлик ишлаб чиқариши тўғрисидаги маълумотлар бўйича ҳисобланган бўлиб, ҳар кварталда смета бўйича Доимий УИЧХлари 150,000 п.б. ни ташкил этади. Смета бўйича сотиш ва маъмурий устама харажатлар кварталда

100,000 п.б. га тенг. Маҳсулотни сотиш нархи бир бирликка $10 бўлмоқда. Ҳар бир кварталда ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми қуйида келтирилган:

	I-квартал	***II-квартал***	***III-квартал***	***IV-квартал***
Ишлаб чиқариш, бирлик	150,000	170,000	140,000	150,000
Сотиш ҳажми, бирлик	150,000	140,000	160,000	160,000

Биринчи кварталнинг бошида заҳиралар бўлмаган, ҳақиқий харажатлар смета харажатларига мувофиқ келади.

Аниқлаш талаб этилади:

1) Ҳар бир квартал учун Absorption Costing ва Variable Costing тизимларида заҳираларни кўрсатган ҳолда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг.
2) Ҳар бир квартални ва бутун бир йил натижаларини изоҳлаб беринг.

Атамалар.

1. ***Standard cost*** - бу ишлаб чиқарилган ягона бир бирликка нисбатан олидиндан белгиланган ва эришиладиган таннархи бўлиб у ёрдамида ҳақиқий таннарх меъёрдаги таннарх билан солиштирилиб назорат қилиб борилади.
2. ***Нохуш Фарқ*** бу ҳақиқий таннархнинг стандарт таннархдан катта бўлган қисмига айтилади
3. ***Хуш Фарқ*** агарда ҳақиқий таннарх стандарт таннархдан кичик бўлса ҳисоботга киритилади.
4. ***Изоляцияланган Фарқланишлар*** деб фарқланишларни ҳисоблашда бир омилнинг таъсирини бошқасидан ажратган ҳолда ёндашишга айтилади.

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар:

1. Standard cost ва бюджет таннарх ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
2. Стандарт таннарх қандай белгиланади?
3. Стандарт таннархда назорат қайси мақсадларда амалга оширилади?
4. Сдандартларнинг қандай турлари бор?
5. Standard cost тизимининг асосий жабҳалари?
6. Standard cost тизимида хуш ва нохуш фарқланишлар?
7. Standard cost тизимида фарқланишлар таҳлили?
8. Стандарт таннарх тизимида омиллар таъсирини ҳисоблаш ва уларнинг натижаларини жамлаш тартиби?

Масалалар.

1. Июл ойи давомида ишлаб чиқариш бўлими 4,000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Материалнинг стандарт таннархи 2.40 п.б. га тенг. Ҳақиқатда харид қилиб олинган материал бирлиги 8200 бирлик бўлиб, таннархи 2.20 п.б.га тенг. Жами таннарх 18,040 п.б. ни ташкил этмоқда.

Аниқлаш талаб этилади.

Ушбу маълумотлар асосида материаллар нархи ва фойдаланиши миқдори фарқланишларини аниқланг.

2. Blackmans компанияси бўйича ишлаб чиыарган маҳсулотнинг стандарт таннархи:

Тўғридан-тўғри материал – 4 pound 10 п.б. дан	40 п.б.
Тўғридан-тўғри меҳнат – 3 соат 12 п.б. дан	36
УИЧХ – 150% тўғридан-тўғри меҳнатдан	54
Жами	130 п.б.

Компания харид агенти таъминотчидан 44,000 pound материални 8.20 п.б.дан сотиб олишга келишди. 5,500 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 34,100 pound материал фойдаланилди.

Аниқлаш талаб этилади.

Юқоридаги маълумотлар асосида материаллар бўйича фарқланишларни ҳисобланг.

Таянч атамалар:

1. “Таннарх – маҳсулот ҳажми – фойда” (CVP) таҳлили тизимли равишда маҳсулот таннархи, сотишдан олинган даромад (сотиш ҳажми ва ишлаб чиқариш ҳажми) ва фойда кўрсаткичларининг бир-бирига асосланганлигини кўрсатади ва ушбу таҳлил ёрдамида менеджерларга фаолиятни назорат қилиш, режалаштириш, фаолиятнинг муқобил курсларини таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда оқилона қарорлар қабул қилишга доир ахборотлар етказиб берилади.

2. Зарарсизлик нуқтаси ёки критик нуқта (Break-Even Point)– бу фаолият даражасининг (ишлаб чиқариш ҳажми ёки реализация ҳажмининг) шундай нуқтасики бунда жами даромад тўплам харажатларга тенг бўлган, яъни фойда ҳам зарар ҳам бўлмайди.

3. Фойда (зарар) – бу маржинал даромад ва доимий харажатлар ўртасидаги фарқдир. Зарарсизлик нуқтаси бу маржинал даромаднинг доимий харажатларга тенг бўлган жойида аниқланади.

4. Критик нуқтани аниқлаш формулалари:

Критик нуқта (Х) = Доимий таннаарх (ДТ) / (Сотиш нархи (СН) – Маҳсулот бирлиги ўзгарувчан таннархи (ЎТб))

Критик нуқта (Х) = Доимий таннарх (ДТ) / Маҳсулот бирлигига контрибутция маржини(КМб)

Критик нуқта (суммада) = Доимий харажатлар / Контрибутция маржини даражаси (12)

5. Мўлжалдаги фойда (Target Profit). CVP таҳлилида *мўлжалдаги фойдани олишлари учун* қайси фаоллик даражалари (ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми)га эришишлари лозимлигига доир ахборотлар талаб этилади.

Мўлжалдаги фойдада критик нуқтаси (Х м.ф.) аниқлаш формуласи:

$$Хм.ф = (ДТ + МФ) / (СН-ЎТб)$$

Мўлжалдаги фойдада критик нуқтани (суммада) топиш формуласи:

Мўлжалдаги фойдада критик нуқта (суммада) = (Доимий харажатлар + мўлжалдаги фойда) / Контрибутция маржини даражаси (15)

6. Операцион ричаг бу компанияда доимий харажатларнинг қопланиш даражасини белгилайди.

Операцион ричаг даромаднинг фоизларда ўзгариши фойданинг фоизларда ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини англатади.

Операцион ричаг даражаси = Контрибутция маржини / Фойда

7. Хавфсизлик маржини бу ҳақиқий даромаднинг критик нуқтадаги даромаддан ошган қисмини суммада ҳамда сотиш ҳажмига нисбатан фоизлардаги кўрсаткичлар билан ифодалаб, компаниянинг критик нуқтага нисбатан қанча хавфсиз ишлаётганини тавсифлайди.

Хавфсизлик маржасини суммада ва коэффициентда ифодалаш мумкин:

3) ***Хавфсизлик маржини, суммада = Ҳақиқий сотиш (даромад) - Критик нуқтадаги сотиш (даромад)***

4) ***Хавфсизлик маржини, коэффициентда = (Ҳақиқий сотиш (даромад) – критик нуқтадаги сотиш) / Ҳақиқий сотиш***

Ўзини-ўзи текшириш учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш бирлиги ҳажмидан ташқари таннарх драйверига учта мисол келтиринг?
2. Сотиш бирлиги ҳажмидан ташқари даромад драйверига учта мисол келтиринг?
3. CVP таҳлилининг учта методини изоҳлаб беринг?
4. Критик нуқтани ҳисоблаш формулаларини ёзинг?
5. Мўлжалдаги фойдани олиш учун критик нуқтани аниқлаш формулаларини ёзинг?
6. “Ялпи маржини бу контрибутция маржинидан доимий устама харажатларни чигириш орқали топилади” Ушбу тушунча тўғрими ёки нотўғри. Изоҳланг?
7. *Контрибутция марижини, ўзгарувчан таннарх даражаси, контрибутция маржини даражаси* ва *хавфсизлик маржаси даражаси* тушунчаларига изоҳ беринг?
8. “Ўзгарувчан таннарх даражаси плюс контрибутция маржини даражаси тенг бўлади 1 га” Очиқланг?
9. Менеджер доимий таннархнинг ўсиши ҳисобига ўзгарувчан таннархни камайтирилишига эришишига қандай мисоллар келтириш мумкин?
10. Менеджер қандай ҳолларда ўзгарувчан таннархнинг ошиши ҳисобига доимий харажатларни камайтиришга эришишига мисоллар келтиринг?
11. Компания қанда қилиб критик нуқтани маҳсулот бирлигига контрибутция маржини ҳисобидан камайтириши мумкин?

Тестлар:

1. ***Агар компанияда доимий таннарх 16,000 п.б., маҳсулотни сотиш нархи 10 п.б., маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннарх 6 п.б. бўлса, критик нуқтани бирликда ва суммада ҳисобланг:***

А. 1,600 бирлик, 16,000 п.б.
Б. 4,000 бирлик, 40,000 п.б.
С. 1,000 бирлик, 10,000 п.б.
Д. 2,667 бирлик, 26,667 п.б.

2. ***Агар сотиш нархи 30 п.б., маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар 20 п.б. бўлса, маҳсулот бирлигига контрибутция маржинини суммада ва даражада ҳисобланг.***

А. 10 п.б., 33,3%
Б. 20 п.б., 66.7%
С. 30 п.б., 100%
Д. 50 п.б., 20%

3. ***Маҳсулот бирлигига контрибутция маржини ва контрибутция маржини даражаси бир хил кўрсаткичми?***

А. Ҳа, бир хил кўрсаткич.

Б. Айрим ҳолатларда бир хил кўрсаткич.

С. Котрибутция маржини доимий таннархга тенг бўлган ҳолларда.

Д. Бир хил кўрсаткич эмас.

4. ***Агар доимий таннарх 30,000 п.б., мўлжалдаги фойда 14,000 п.б., сотиш нархи 20 п.б., ўзгарувчан харажатлар 9 п.б.га тенг бўлса мўлжалдаги фойдада критик нуқта бирликда ва суммада ҳисобланг.***

А. 1,455 бирлик, 29,100 п.б.

Б. 2,200 бирлик, 44,000 п.б.

С. 4,000 бирлик, 80,000 п.б.

Д. 4889 бирлик, 97,778 п.б.

5. ***CVP таҳлили таянади***

А. Absorption Costing

Б. Variable Costing

С. Absorption costing and Variable Costing

Д. Ҳеч қандай тизим талаб этилмайди.

6. ***Агар операцион ричаг даражаси 3.5 бўлса, даромад 10% га ошса фойда неча фоизга ошади.***

А. 35%

Б. 3,5%

С. 0.35%

Д. 3.4%

7. ***Даромад 100,000 п.б., ўзгарувчан харажатлар 60,000 п.б., доимий таннарх 30,000 п.б. бўлса, операцион ричаг даражасини ҳисобланг.***

А. 5

Б. 10

С. 1.11

Д. 4

8. Даромад 100,000 п.б., ўзгарувчан харажатлар 60,000 п.б., доимий таннарх 30,000 п.б. бўлса, хавфсизлик маржинини суммада ва коэффициентда ҳисобланг.

А. 25,000 п.б., 0.25

Б. 30,000 п.б., 0.30

С. 10,000 п.б., 0.10

Д. 60,000 п.б., 0.60

9. CVP таҳлилида менеджерларга

А. Қарорлар тақдим қилинади
Б. Фойдали ахборотлар тақдим этилади
С. Алтернативанинг мутлоқ афзаллигини кўрсатади
Д. Хавфсизлик маржини таъминлайди

10. CVP таҳлилида релевант диапазондаги ҳолат яққолроқ акс эттирилади.

А. Критик нуқта математик усулда аниқланганда
Б. Критик нуқта контрибутция маржини усулида аниқланганда
С. График усулида
Д. Усуллар фарқ этмайди

Мисоллар:

1-мисол. Кичик компания томонидан 900 бирлик маҳсулот сотилса критик нуқтага эришади, қайсики бу нуқтада даромад 33,300 п.б.ни ташкил этади. Контрибутция даражаси 46%.

Аниқлаш талаб этилади:

Сотиш нархи, маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннарх ва доимий таннарх.

2-мисол. Christy Company кичик бизнес субъекти бўлиб критик нуқта суммада 97,520 п.б.ни ташкил этади. Сотиш нархи маҳсулот бирлигига 42,40 п.б., маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннарх 16.96 п.б.. Сотиш ҳажми 3,500 бирлик.

Аниқлаш талаб этилади:

Доимий харажатлар, критик нуқта бирликда, контрибутция маржини ва фойда кўрсаткичлари.

3-мисол. Mirloff Company нинг бир ойлик доимий харажатлари 17,500 п.б.. Фойда рентабиллиги 7 фоиз, контрибутция маржини 35% ва компаниянинг критик нуқтаси ойга 2,500 бирликни ташкил этади.

Аниқлаш талаб этилади:

Сотилган бирликлар миқдори, маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннарх, сотишдан олинган даромад ва бир ойлик фойда суммаси

4-мисол. Flimmer Company доимий таннарх 301,000 п.б.. Маҳсулотни сотиш нархи 650 п.б., маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан таннархи 510 п.б.. Компания 70,000 мўлжалдаги фойдани олишни режалаштирган.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Критик нуқта ҳамда мўлжалдаги фойдада критик нуқта

5-мисол. Bartock Corporation нинг йиллик доимий харажатлари 5,940,000 п.б.. Ушбу йилда компания 3,200 бирлик компьютер терминалини ҳар бирини 6,500 п.б.дан сотди. Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан таннархи 4,300 п.б.га тенг.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Фойда суммаси
2. Критик нуқта бирликда ва суммада

6-мисол. Garey Companyсининг сотиш ҳажми 100,000 бирлик, сотиш нархи 20 п.б.. Маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннарх 14 п.б. (ишлаб чиқариш таннархи 11 п.б., сотиш таннархи 3 п.б.). Бир йил давомида ёзиб борилган доимий харажатлар 792,000 п.б. (ишлаб чиқариш таннархи 500,000 п.б. ва сотиш таннархи 292,000 п.б.). Бошланғич ва охирги заҳиралар мавжуд эмас. Ушбу компанияда критик нуқта:

А. 3,640,000 п.б. ва 182,000 бирлик
Б. 2,600,000 п.б. ва 130,000 бирлик
С. 1,800,000 п.б. ва 90,000 бирлик
Д. 1,760,000 п.б. ва 88,000 бирлик
Е. Юқоридагиларнинг бирортаси эмас.

Йил давомида 60,000 п.б.да солиқгача фойда олиш учун сотилиши лозим бўлган бирлик миқдори:

А. 142,000 . Б. 132,000. С. 100,000. Д. 88,000. Е. Бирортаси эмас

Фойда солиғи ставкаси 40%, 90,000 п.б. солиқдан кейинги фойдани ишлаб топиш учун талаб қилинадиган маҳсулот бирлиги миқдори:

А. 169,500. Б. 157,000. С. 144,500. Д. 104,777. Е. Бирортаси эмас

Агар меҳнат харажатлари ўзгарувчи таннархнинг 50% ва доимий таннархнинг 20%ни ташкил этган ҳолда иш ҳақини 10%га ошириш критик нуқтадаги маҳсулот бирлигини

А. 807,840/14.7 Б. 831,600 /5.78 С. 807,840 / 5.3 Д. 831,600 / 14.28.

7-мисол. Fleda Company учта бўлимининг маълумотлари қуйида келтирилган:

	Дизайн	***Ишлаб чиқариш***	***Етказиб бериш***
Даромад, п.б.	42,000	95,000	21,000
Доимий таннарх, п.б.	8,000	15,000	4,500
Ўзгарувчан таннарх, п.б.	Бир саоти 5 п.б.	Бир бирлик 6 п.б.	Бир mile га 0.25 п.б.
Фаоллик	6,000 саот	11,875 бирлик	70,000 mile

Аниқлаш талаб этилади:

1. Ҳар бир бўлим учун контрибутция маржини, критик нуқта ҳажми ва хавфсизлик маржини

8-мисол. Wilde Company си 60,000 бирлик электрик поездлар учун кичик трансморматорларни 10 п.б.дан сотди. Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан харажатлари 4 п.б., доимий харажатлар 300,000 п.б.ни ташкил этади.

Аниқлаш талаб этилади:

А) Критик нуқта ҳажмини бирликда
Б) Критик нуқта суммада
С) Маҳсулот бирлигига контрибутция маржини
Д) Йил учун операцион ричаг
Е) Йил учун хавфсизлик маржаси.

9-мисол. Marion Company бўйича бухгалтерия ҳисоби бўлимидан молиявий натижаларга оид қуйидаги ахборотлар олинди

Marion Company
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот

2009 ҳисобот йилида		
Сотиш (400 бирлик)		20,000 п.б.
Айирилади: Сотилган товарлар таннархи		
Тўғридан-тўғри меҳнат	3,200	
Тўғридан-тўғри материал	2,800	
УИЧХ (40% доимий)	2,500	8,500
Ялпи маржин		11,500
Сотиш ва маъмурий харажатлар:		
Сотиш (50 фоиз доимий)	4,000	
Маъмурий (80% фоиз доимий)	2,500	6,500
Солиқгача фойда		5,000

Менеджерларнинг таҳлили маълумотлари реклама харажатлари 1,500 п.б.га оширилса сотиш ҳажми 20%га юксалиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Аниқлаш талаб этилади:

А. Ҳақиқий ҳолат бўйича критик нуқтани бирликда ва суммада.
Б. Реклама компанияси қабул қилинган тақдирда критик нуқта.
С. Келгуси ҳисобот даврида реклама компанияси билан ҳисоблагандаги кутилаётган фойда.
Д. Жорий ва кутилаётган хавсизлик маржини даражаси.

10-мисол. Taranto Corporation 40 п.б.га электрон соатларни сотади. Маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар 24 п.б. ва доимий харажатлар бир йилда 32,000 п.б.га тенг. Компания 40%лик фойда ставкаси бўйича солиқ субъекти ҳисобланади. Менеджмент операцияларни баҳолаган ҳолда қўйидаги ўзгаришларни кўриб чиқмоқда:

1. Янги упаковка машинасини бир йилга 4,000 п.б.га ижарага олмоқчи, қайсики бу ҳолат ўзгарувчан харажатларни маҳсулот бирлигига 1 п.б.га камайишига олиб келади.

2. Сотиш баҳосини 10%га ошиши доимий харажатларнинг25%га ошиши билан баҳоланмоқда.

3. Кам ижара тўлови локациясига ўтиш муносбати билан доимий харажатларнинг 25%га қисқариши. Бу ҳолат ўзгарувчан харажатларни 10 фоизга ошишига олиб келади.

Аниқлаш талаб этилади:

А. Жорий критик нуқтани бирликда ва суммада ҳисобланг.
Б. Жорий операциялар натижасида 9 фоизлик солиқдан кейинги фойда рентабиллигига эришиши учун талаб қилинадиган сотиш ҳажми миқдори ва суммасини ҳисобланг.
В. 1-алтернативада сотиш ҳажми 3,200 бўлганда кутилаётган солиқдан кейинги фойда суммасини аниқланг.
Г. 2-алтернативада критик нуқтани аниқланг.
Д. 3-алтернативада критик нуқтани аниқланг.
Е. 3-алтернативада 15,000 п.б.да солиқдан кейинги фойдага эришиш учун талаб этиладиган сотиш ҳажми.

11-масала. Middling Manufacturing Company уч йил давомида фаолият кўрсатиб келаяпди. 2009 йил учун даромадлари ва харажатлари тўғрисида қуйидаги ахборотлар олинган.

Сотиш 800,000 п.б.
Ўзгарувчан ишлаб чиқариш 360,000 п.б.

Доимий ишлаб чиқариш	300,000	
Ўзгарувчан сотиш ва маъмурий	120,000	
Доимий сотиш ва маъмурий	120,000	900,000
Соф фойда (зарар)		(100,000) п.б.

Менеджмент бир йилда 150,000 п.б. соф фойда олишни мўлжаллаган. 2010 йилда компаниянинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш таннархи 12 фоизга ва ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар 4 фоизга ўсишини баҳоламоқда. Доимий ишлаб чиқариш таннархи 9,000 п.б.га ошиши ҳамда доимий сотиш ва маъмурий харажатлар 30,000 п.б.га ошиши ҳам кутилмоқда.

Компания менеджменти нархини қайта кўриб чиқиб уни 20%га оширишни мўлжалламоқда, қайсики бу ҳолат сотиш ҳажмига кам таъсир кўрсатади.

Аниқлаш талаб этилади:

А. 2009 йил учун критик нуқтадаги сотиш ҳажми даражасини ҳисобланг.

Б. Мўлжалдаги фойдани олиш учун 2009 йилда сотиш ҳажми даражасини ҳисобланг.

С. 2010 йил нарх ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда таннарх ўзгаришини ҳисобга олиб критик нуқтани ҳисобланг.

Д. 2010 йил нарх ва таннарх ўсишини ҳисобга олган ҳолда критик нуқтани ҳисобланг.

Асосий адабиётлар:

1. Друри, Колин. Управленческий и производственний учет: учебний комплекс / Колин Друри; пер. с англ. (В.Н. Егорова). – 6-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 1423 с.
2. Пардаев А., Пардаев Б. “Бошқарув ҳисоби” Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015 йил 251 б.
3. Палий В.Ф. Управленческий учет – М.:Союзаудит. 2004
4. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Шарқ», 2011й.
5. An Introduction to Accounting Theory, 1st edition. 2016, UWS, Australia
6. Wan Madznah Wan Ibrahim, Mohd Rizal Palil “Fundamentals of business accounting” Oxford university Press, 2014
7. Сотиволдиев А.С. Бухгалтерия хисоби назарияси. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007. - 64 б.

Қўшимча адабиётлар:

8.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

12. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори. 2017 йил 29 декабрь. ПҚ-3554.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 01 август. N ПФ-5495.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 19 сентябрь. ПҚ-3946.

16. Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошкарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2007 й

17. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И. Молиявий ва бошқарув ҳисоби –Т.: Иқтисод-молия. 2008 й. 440 б.

18. Просветов Г.И. Управленческий учет: Задачи и решения. (Учебно-методич. пособие) 2006, 272с

19. Френк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.: ООО Аскери, 2006г

20. Ташназаров С.Н. Бошқарув ҳисоби. Маъруза матни. 1-қисм. СамИСИ, 2010.

21. Ташназаров С.Н. Бошқарув ҳисоби. Маъруза матни. 2-қисм. СамИСИ, 2010.

Интернет сайтлари

22. www.tfi.uz

23.www.ziyonet.uz

24. www.norma.uz

25.www.lex.uz
26.www.gov.uz
27.www.mf.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Рўйхатга олинди:
№_____
“___”_____2019 й.

“Тасдиқлайман”
Ўқув ишлари проректори
_____Қ.Ж.Мирзаев
“___”_____ 2019 йил

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

ФАНИНИНГ
ИШЧИ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод

Таълим йўналиши: 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)

Умумий ўқув соати	188 соат
Шу жумладан: Маъруза машғулотлари	54 соат (VI-семестр-18, VII-семестр-36 соат)
Амалий машғулотлар	54 соат (VI-семестр-18, VII-семестр-36 соат)
Мустақил таълим ва мустақил ишлар	80 соат (VI-семестр-30, VII-семестр-50 соат)

САМАРҚАНД – 2019

Фаннинг ишчи дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201_ йил “____” _____даги “____”-сонли буйруғининг ____-иловаси билан тасдиқланган “Бошқарув ҳисоби” фани дастури асосида тайёрланган.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув–услубий кенгашининг 2019 йил “____” _____даги “____”-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тузувчи: С.Н. Ташназаров – СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” доценти, и.ф.д.

Тақризчилар:

Холбоев Д.Х. – СамҚХИ, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти, и.ф.н.;

Рофеев Д.Р. – СамИСИ, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти, и.ф.н.;

СамИСИ И “Банк-молия хизматлари”

факультети декани, и.ф.д.:

2019 йил “ ”_____ _____**О.М. Пардаев**

(имзо)

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
кафедра мудири, и.ф.д., проф.
2019 йил “ ”_____ _____**К.Б. Уразов**
(имзо)

1.Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар.

Ушбу дастурда “Бошқарув ҳисоби” фанига кириш, харажатларни туркумлаш ва уларнинг ҳисоби, харажатларни баҳолаш ва улар динамикаси, материал харажатларининг ҳисоби, меҳнат ва устама харажатлари ҳисоби, буюртмали ва жараёнли калькулация қилиш усуллари, комплекс ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, харажатларни тўла тақсимлаб ва ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни калькулация қилиш усули, смета тузиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, трансферт баҳони шакллантириш, корхона сегментар ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ривожланиш йўналишлари ўз аксини топган

“Бошқарув ҳисоби” фани ихтисослик фанлари блокига киритилган. Талабаларнинг ушбу фанни чуқур ўрганиши бухгалтерия ҳисоби назарияси, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоб, иқтисодий таҳлил ҳамда аудит фанлари ҳамда хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар ҳисобини тўлиқ ва аниқ ҳисоблаш, маҳсулот таннархини калькулация қилиш усуллари, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, нафақат хўжалик жараёниларини ташхислаб беришни, балки жорий ва истиқболга мўлжалланган режалаштириш, бошқарув ва инвестиция қарорлари дастурларини ишлаб чиқишни, уларда қўлланиладиган усуллар, ҳисоб-китоблар ва ушбу қарорларга таъсир этувчи омиллар таҳлилини, корхоналарда смета тузиш, трансферт баҳони шакллантириш ҳамда корхона сегментар ҳисоботи тузиш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, хўжалик юритувчи субъектлардаги иқтисодий жараёнларга услубий, илмий ҳамда амалий дунёқарашини, бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва унинг меъёрий тартибга солиниши бўйича билимларни шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- харажатларни туркумлаш ва уларнинг ҳисоби;
- харажатларни баҳолаш ва улар динамикаси;
- материал, меҳнат ва устама харажатлар ҳисоби;
- буюртмали ва жараёнли калькулация қилиш усуллари;
- комплекс ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш;
- харажатларни тўла тақсимлаб ва ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни калькулация қилиш усули;
- смета тузиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- трансферт баҳони шакллантириш;
- корхона сегментар ҳисоботи ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнини;
- маҳсулот ассортименти ва номенклатурасини;

- ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблик даражаси;
- муддатидан келиб чиқан ҳолда маҳсулот таннархини шакллантиришда харажатларни минималлаштиришга ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда фойдани максималлаштиришга олиб келадиган калькулация усулини танлай олиши;
- нархларни шакллантиришда таъсир этувчи омил ва кўрсаткичларни таҳлил қилиб келажакдаги кўриладиган молиявий натижаларни башорат қила олишини ***билиши ва улардан фойдалана олиши*;**
- бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда бошқариш;
- жорий ва истиқболга мўлжалланган бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида профессионал даражада қўллашга эришиш ***кўникмаларига эга бўлиши;***
- материал, меҳнат ва устама харажатларни тўғри тақсимлаш;
- буюртмали ва жараёнли калькулация қилиш усуллари қўллай олиш;
- молиявий натижалар ҳисоботини тузиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

Талабалар “Бошқарув ҳисоби” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (AuditXP, 1С: Проф. Бухгалтерия, Бухгалтерия (ВС), Баланс, Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint, TopS Business Integrator, Hyperion Enterprise, WebTrust, SysTrust) интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

2. “Бошқарув ҳисоби” фанидан маъруза машғулотлари

2.1. (VI-семестр учун)

Т.р.	Мавзу	Соат
1	**Бошқарув ҳисоби фанига кириш**	**2**
2	**Харажатларни туркумлаш ва уларнинг ҳисоби:**	**6**
2.1	Харажатларнинг моҳияти ва туркумлаш. Технологиянинг таъсири.	2
2.2	Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш. Маҳсулот таннархи ва давр харажатлари.	2
2.3	Бошқарув ҳисобида счётлар режаси. Ўзгарувчан ва доимий харажатлар.	2
3	**Харажатларни баҳолаш ва улар динамикаси**	**2**
3.1.	Харажатлар вазифаларини аниқлаш учун умумий қоида (принцип)лар. Харажатларни баҳолаш усуллари	2
4	**Материал харажатларининг ҳисоби**	**4**
4.1	Материалларни бошқариш жараёни. Материалларни харид қилиш, сақлаш ва ишлаб чиқаришга бериш.	2
4.2	Материалларни ҳисобга олишнинг узлуксиз ва даврий тизимлари. Ишлаб чиқаришга бериладиган материаллар таннархини аниқлаш.	
5	**Меҳнат харажатлари ҳисоби**	**4**
5.1.	Ишчи кучи харажатларини ҳисоблаш. Иш ҳақини тўлашга харажатларни таҳлил қилиш.	2
5.2	Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари. Ишчи кучи қўнимсизлиги ва меҳнат унумдорлиги.	2
	VI-семестр учун	**18**

(VII-семестр учун)

Т.р.	Мавзу	Соат
6	**Устама харажатлар ҳисоби**	**6**
6.1	Устама харажатларни тақсимлаш зарурати. Устама харажатларни тақсимлашнинг ягона (умумзавод) ва алоҳида (цех) ставкалари.	2
6.2	Устама харажатларни тақсимлашнинг режа ставкаси	2
6.3	Устама харажатларни тақсимлашнинг тўғри (бевосита) усули	2
7	**Буюртмали калькуляция қилиш усули** (Order costing)	**2**
7.1	Буюртмалар бўйича калькуляциялашга асосий ёндашув. Ҳақиқий ва меъёрий калькуляциялаш. Тугалланмаган контрактлар бўйича фойда ҳисоби	2
8	**Жараёнли калькуляция қилиш усули** (Process costing)	**4**
8.1	Жараёнли калькуляция тавсифи. Эквивалент бирликларни ҳисоблаш.	2
8.2	Бошқа жараёнга беришни (тайёр маҳсулотни) ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш	2
9	**Комплекс ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ва қўшимча (иккиламчи) маҳсулот ишлаб чиқариш**	**2**

9.1	Комплекс ёки қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари. Харажатларни тақсимлаш усуллари. Қўшимча маҳсулот ҳисоби.	2
10	**Харажатларни тўла тақсимлаб (Absorption) ва ўзгарувчан харажатлар (direct-costing) бўйича таннархни калькуляция қилиш усули. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг стандарт (standart costing) усули**	**4**
10.1	Харажатларни тўла тақсимлаб таннархни калькуляция қилиш билан таннархни ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляция қилиш.	2
10.2	Харажатларни тўла тақсимлаб калькуляциялаш ва таннархни ўзгарувчи харажатлар бўйича калькуляциялашнинг фойда миқдорига таъсири. Харажатларни тўла тақсимлаб ва ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни калькуляция қилишни қувватловчи далиллар.	2
11	**Смета тузиш (Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш)**	**4**
11.1	Стандарт костинг ва фарқланишлар таҳлили. Асосий смета ва бюджетни (сметани) режалаштириш.	2
11.2	Оператив бюджет, молиявий бюджет ва капитал сарфлар бюджети. Пул оқимлари фарази (Пул маблағлари бюджети)	2
12	**Бошқарув қарорларини қабул қилиш**	**6**
12.1	Ишлаб чиқариш зарарсизлиги тушунчаси. Ишлаб чиқариш зарарсизлиги таҳлили	2
12.3	Сотиладиган маҳсулот (товарлар) ассортиментини режалаштириш.Баҳони шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш. Корхона маҳсулоти таркибини чегараловчи омиллар асосида аниқлаш	2
12.4	Бизнес таркибини ўзгартириш (реструктуризация) қилиш бўйича қарор қабул қилиш	2
13	**Трансферт баҳони шакллантириш**	**4**
13.1	Трансферт баҳосининг турлари ва шакллантириш тамойиллари. Бозор нархи ва харажатлар миқдори бўйича баҳолаш	2
13.2	Трансферт баҳоларни ўрнатиш услублари. Саноат, савдо ва банк тизимида трансферт баҳони шакллантириш	2
14	**Корхона сегментар ҳисоботи**	**2**
15	**Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ривожланиш йўналишлари**	**2**
	VII-семестр жами	**36**
	Жами VI ва VII-семестрлар учун	**54**

3. Амалий машғулотлар.

Бошқарув ҳисоби фани бўйича амалий машғулотининг календарь тематик режаси (VI-семестр учун)

Т.р.	Мавзу	Соат
1	**Бошқарув ҳисоби фанига кириш**	**2**
2	**Харажатларни туркумлаш ва уларнинг ҳисоби:**	**6**
2.1	Харажатларнинг моҳияти ва туркумлаш. Технологиянинг таъсири.	2
2.2	Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш.	2
2.3	Бошқарув ҳисобида счётлар режаси. Ўзгарувчан ва доимий харажатлар.	2
3	**Харажатларни баҳолаш ва улар динамикаси**	**2**
3.1.	Харажатлар вазифаларини аниқлаш учун умумий қоида (принцип)лар.Харажатларни баҳолаш усулларини	2
4	**Материал харажатларининг ҳисоби**	**4**
4.1	Материалларни бошқариш жараёни. Материалларни харид қилиш, сақлаш ва ишлаб чиқаришга бериш.	2
4.2	Материалларни ҳисобга олишнинг узлуксиз ва даврий тизимлари. Ишлаб чиқаришга бериладиган материаллар таннархини аниқлаш.	
5	**Меҳнат харажатлари ҳисоби**	**4**
5.1.	Ишчи кучи харажатларини ҳисоблаш. Иш ҳақини тўлашга харажатларни таҳлил қилиш.	2
5.2	Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари. Ишчи кучи қўнимсизлиги ва меҳнат унумдорлиги.	2
	VI-семестр учун	**18**

Бошқарув ҳисоби фани амалий машғулотининг календарь тематик режаси (VII-семестр учун)

Т.р.	Мавзу	Соат
6	**Устама харажатлар ҳисоби**	**6**
6.1	Устама харажатларни тақсимлаш зарурати. Устама харажатларни тақсимлашнинг ягона (умумзавод) ва алоҳида (цех) ставкалари.	2
6.2	Устама харажатларни тақсимлашнинг режа ставкаси	2
6.3	Устама харажатларни тақсимлашнинг тўғри (бевосита) усули	2
7	**Буюртмали калькуляция қилиш усули** (Order costing)	**2**
7.1	Буюртмалар бўйича калькуляциялашга асосий ёндашув. Ҳақиқий ва меъёрий калькуляциялаш. Тугалланмаган контрактлар бўйича фойда ҳисоби	2
8	**Жараёнли калькуляция қилиш усули** (Process costing)	**4**
8.1	Жараёнли калькуляция тавсифи. Эквивалент бирликларни ҳисоблаш.	2
8.2	Бошқа жараёнга беришни (тайёр маҳсулотни) ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш	2
9	**Комплекс ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ва қўшимча (иккиламчи) маҳсулот ишлаб чиқариш**	**2**
9.1	Комплекс ёки қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари.	2

	Харажатларни тақсимлаш усуллари. Қўшимча маҳсулот ҳисоби.	
10	**Харажатларни тўла тақсимлаб (Absorption) ва ўзгарувчан харажатлар (direct-costing) бўйича таннархни калькуляция қилиш усули. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг стандарт (standart costing) усули**	**4**
10.1	Харажатларни тўла тақсимлаб таннархни калькуляция қилиш билан таннархни ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляция қилиш.	2
10.2	Харажатларни тўла тақсимлаб калькуляциялаш ва таннархни ўзгарувчи харажатлар бўйича калькуляциялашнинг фойда миқдорига таъсири. Харажатларни тўла тақсимлаб ва ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни калькуляция қилишни қувватловчи далиллар.	2
11	**Смета тузиш (Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш).**	**4**
11.1	Асосий смета ва бюджетни (сметани) режалаштириш	2
11.2	Оператив бюджет, молиявий бюджет ва капитал сарфлар бюджети. Пул оқимлари фарази (Пул маблағлари бюджети)	2
12	**Бошқарув қарорларини қабул қилиш**	**6**
12.1	Ишлаб чиқариш зарарсизлиги тушунчаси. Ишлаб чиқариш зарарсизлиги таҳлили	2
12.3	Сотиладиган маҳсулот (товарлар) ассортиментини режалаштириш.Баҳони шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш. Корхона маҳсулоти таркибини чегараловчи омиллар асосида аниқлаш	2
12.4	Бизнес таркибини ўзгартириш (реструктуризация) қилиш бўйича қарор қабул қилиш	2
13	**Трансферт баҳони шакллантириш**	**4**
13.1	Трансферт баҳосининг турлари ва шакллантириш тамойиллари. Бозор нархи ва харажатлар миқдори бўйича баҳолаш	2
13.2	Трансферт баҳоларни ўрнатиш услублари. Саноат, савдо ва банк тизимида трансферт баҳони шакллантириш	2
14	**Корхона сегментар ҳисоботи**	**2**
15	**Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ривожланиш йўналишлари**	**2**
	VII-семестр жами	**36**
	Жами VI ва VII-семестрлар учун	**54**

4. Мустақил таълим

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

	Мустақил таълим мавзулари	Берилган топшириқлар	Бажариш муддати	соа тда

1	Бошқарув ҳисобининг предмети, методи ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 1-2ҳафта	4
2	Харажатлар туркумланиши ва ҳисоби.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 3-4-5-ҳафта	6
3	Харажатларни баҳолаш ва улар динамикаси.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 6-7-ҳафта	4
4	Материал харажатларининг ҳисоби.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 8-9-ҳафта	4
5	Меҳнат харажатлари ҳисоби.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 10-11-ҳафта	4
6	Устама харажатлар ҳисоби.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 12-13-ҳафта	6
7	Буюртмали калькуляция қилиш усули.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 14-15-ҳафта	4
8	Жараёнли калькуляция қилиш усули.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	1-семестр 16-17-ҳафта	6
9	Комплекс ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 1-ҳафта	2
10	Соф сотиш қиймати усули.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 2-ҳафта	1
11	Ялпи фойда доимий улуши усули.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 2-ҳафта	1
12	Қўшимча маҳсулот ҳисоби	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 3-ҳафта	2
13	Харажатларни тўла тақсимлаб ва ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни калькуляция қилиш усули.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 4-5-6-ҳафта	8
14	Смета тузиш	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 7-ҳафта	3
15	Оператив бюджет.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 8-ҳафта	3
16	Молиявий бюджет.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 9-ҳафта	4
17	Бошқарув қарорларини қабул қилиш	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 10-ҳафта	4
18	Баҳолар бўйича қарорлар қабул қилиш	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 11-12-ҳафта	4

19	Трансферт баҳони шакллантириш	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 13-ҳафта	2
20	Трансферт баҳосининг турлари	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 14-ҳафта	2
21	Корхонанинг сегментар ҳисоботи.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 15-ҳафта	2
22	Жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг молиявий ва номолиявий мезонлари.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 16-ҳафта	2
23	Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва унинг меъёрий ҳуқуқий асослари.	Реферат, тақдимот тайёрлаш, кейс-стади ишлаш	2-семестр 17-ҳафта	2
	Жами			80

Фаннинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқишда мустақил таълим ва мустақил иш мавзуларида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

5. Фан бўйича курс иши.

Фан бўйича курс иши кўзда тутилмаган

6. “Бошқарув ҳисоби” фанидан талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони

Баҳолаш усуллари	**Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар, кейс-стади, фан мавзуларига оид масалалар**
Баҳолаш мезонлари	**86-100 балл «аъло»** • фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; • фанга оид кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш; • ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; • меҳнат муносабатларига оид таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; • ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; • таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва холисона баҳо бериш; • ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; • ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. **71-85 балл «яхши»** • ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; • таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; • ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; • ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга

	тўла баҳо бериш; □ ўрганилаётган жараёнларни жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. **55-70 балл «қониқарли»** □ ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; □ ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; □ ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш. **0-54 балл «қониқарсиз»** □ ўтилган фаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик; □ иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича тасаввурга эга эмаслик; □ ўрганилаётган жараёнларга иқтисодий усулларни қўллай олмаслик.		
	Рейтинг баҳолаш турлари	**Максимал балл**	**Ўтказиш вақти**
	Жорий назорат	**35**	
	Маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	**6**	**Семестр давомида**
	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	**9**	
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарганлиги учун	**20**	
	Оралиқ назорат Оралиқ назоратлар тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади.	**35**	
	Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (маърузачи ва амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	**15**	**8-9 ҳафта**
	Иккинчи оралиқ назорат оғзаки сўров (маърузачи ва амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	**20**	**15-16-ҳафта**
	Якуний назорат	**30**	**18-ҳафта**
	Ёзма иш	**30**	
	ЖАМИ	**100**	

7. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар:

8. Друри, Колин. Управленческий и производственний учет: учебний комплекс / Колин Друри; пер. с англ. (В.Н. Егорова). – 6-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 1423 с.

9. Пардаев А., Пардаев Б. “Бошқарув ҳисоби” Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015 йил 251 б.

10. Палий В.Ф. Управленческий учет – М.:Союзаудит. 2004

11. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Шарқ», 2011й.

12. An Introduction to Accounting Theory, 1st edition. 2016, UWS, Australia

13. Wan Madznah Wan Ibrahim, Mohd Rizal Palil “Fundamentals of business accounting” Oxford university Press, 2014

14. Сотиволдиев А.С. Бухгалтерия хисоби назарияси. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007. - 64 б.

Қўшимча адабиётлар:

8.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

12. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори. 2017 йил 29 декабрь. ПҚ-3554.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 01 август. N ПФ-5495.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 19 сентябрь. ПҚ-3946.

16. Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошкарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2007 й

17. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И. Молиявий ва бошқарув ҳисоби –Т.: Иқтисод-молия. 2008 й. 440 б.

18. Просветов Г.И. Управленческий учет: Задачи и решения. (Учебно-методич. пособие) 2006, 272с

19. Френк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.: ООО Аскери, 2006г

20. Ташназаров С.Н. Бошқарув ҳисоби. Маъруза матни. 1-қисм. СамИСИ, 2010.

21. Ташназаров С.Н. Бошқарув ҳисоби. Маъруза матни. 2-қисм. СамИСИ, 2010.

Интернет сайтлари

22.www.tfi.uz
23.www.ziyonet.uz
24.www.norma.uz
25.www.lex.uz
26.www.gov.uz
27.www.mf.uz